

Л.Н.Гумилев

ҚАДИМГИ ТУРКЛАР



Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2007

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

**Нарзулла Жўраев, Нажмиддин Комилов,
Ибодулла Эргашев, Назира Абдуазизова,
Пирмат Шермухамедов, Маҳкам Маҳмудов,
Шойим Бўтаев, Сирожиддин Раупов,
Сойипназар Давлатов, Боймамат Жумаев,
Жуманазар Ҳасанов, Фулом Саидов,
Тўрахўжа Эрхўжаев, Мурод Эркаев,
Алибой Қахрамонов, Тоштемир Худойназаров,
Зокир Бердиев.**

Таржима, кириш сўз муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар:
Бахтиёр Ўрдабекли, Абдуқаям Айритомий

Л. Н. Гумилевнинг «Қадимги турклар» асари Турк хоқонлари тарихини Хитой, Эрон, Олд Осиё, Европа тарихи билан боғлаб ўрганишда ҳамда уларни боғлаб турувчи илмий жиҳатдан асослаб кўрсата олиши билан жуда катта аҳамиятга сазовордир. Тарихчи, этнолог ва географ олим Л. Н. Гумилевнинг ушбу асари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган.

Ислом оламида ўз ўрнини топган турки қавм исломгача ҳам ўзининг қаддини мағрур тутта олганини энг мўътабар манбалардан фойдаланиб исботлаб берилиши ҳам ўқувчининг асарга бўлган қизиқишини янада орттиради.

ISBN 5-648-03499-7

© «Наука» нашриёти, Москва, 1967 йил.
© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2007 йил.



*Биз ким, Мулки Турон Амири Туркистонмиз,
Биз ким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи,
Туркнинг бош бўғинимиз.*

Амир Темур

Халқимизнинг қадим тарихи Л.Н.Гумилев талқинида

Л.Н.Гумилевнинг «Қадимги турклар» асари XX асрнинг иккинчи ярмида, яъни турки қавмлар тарихига Европада қизиқиш тўлқини ҳали ўз эпкинини мутлақо йўқотиб бўлмаган бир чоғда дунё юзини кўрди. Бутун XIX юзйиллик давомида турки халқлар тарихи турки олимлар иштирокисиз ўрганилган, бу халқлар вакиллари ўз тарихини илмий ёритиш майдонидан йироқда бўлганлиги боис ҳам Оврупо ва рус тарих фани ходимлари уни ўзларининг шарқ тарихини билиш савияси даражасида ҳамда ўз сиёсий-ижтимоий қарашларига уйғун тарзда очиб беришлари табиий эди. XX юзйилликда тарих илмининг турки халқлар ўтмиши майдонига усмонли турк ва татар олимлари ҳам кириб кела бошладиларки, улар аввалгилардан фарқ қилиб, турки тарихга, табиийки, она тарих сифатида ёндоша бошладилар. Энди булар олдингиларидан фарқ қилиб, мазкур тарихга узоқдан, совуқ илмий таҳлил муддаосидан ёхуд ўз миллатининг сиёсий-ижтимоий манфаатидан келиб чиқиб эмас, балки ўзининг кечмишига илмий кўз билан қарамоқ заруратида ва иштиёқида эдилар.

Бу борада ўз халқининг келиб чиқиш жиҳатидан угор-турк бирлигига боғлаган моjar (унгар-венгер) олими Ҳерман Вамбери алоҳида ўрин тутади. Афсуски, XIX аср охири ва XX юзйиллик бошларининг жуда кўп рус ва рус-совет олимлари каби Л.Н.Гумилев ҳам Вамберининг илмий ишларини четлаб ўтади. Бу ҳолат Л.Гумилевнинг ҳамма замонларнинг улуғ шарқшуносларидан ҳисобланмиш В.В.Бартолднинг илмий қарашларига ҳам эътиборсизлиги, аниқроғи, бироз менсимаслик қайфияти билан бирга, Басим Аталай, Заки Валидий илмий асарларига мутлақо эътибор бермаслик каби илмий йўлни танлашига олиб келди. В.Бартолд қадимги турк тарихини бошқа ижтимоий фанлардан

ажралган ҳолда ўрганиш мумкин эмас деб ҳисоблаган, хусусан, тарихчи айни чоғда яхшигина филолог-полиглот бўлишини талаб этган бўлса, Л.Гумилев ўз устози Г.Е.Грумм-Гржимайло билан биргаликда тарихий географияни, тарихни, хусусан турк тарихини тиклашда етарли ёндош соҳа сифатида қабул қиладилар. Л.Гумилевнинг бу борадаги фикри кўлингиздаги китобнинг “Умумий ишлар методикаси” бўлимидаги «XIX аср охирида тўрт тилда бир-бирига зид кўплаб илмий адабиётлар яратилди, бу асарлар бошловчи тадқиқотчилар кўлига етиши ва уларни идрок этиши қийин эди... Табиийки, бошловчи тарихчи турклар ҳақида ёзилган барча китобларни ўқиб чиқа олмайди. Унинг олдида ягона йўл бор — мавзунни торайтириш...” дейилган гапларида ҳам акс этади. Яъни филологик маълумот зарурлиги инкор этилгач, умуман мавзуга оид барча илмий адабиётларни ўрганиш зарурати ҳам чекланади.

Филологик манбаларга эътиборсизлик натижаси бўлса керакки, Л.Гумилев ҳам ўша замонларда, ҳатто ҳозирда ҳам кенг тарқалган «Ашина» сўзи «бўри» деган маънони ифода этувчи мўғул сўзи бўлиб, мўғулча кўриниши “шане//чино”дир, “А” эса хитойча ҳурматни ифода этувчи олд кўшимчадир” деган фаразни ҳеч иккиланмай қабул қилади. Бир тилдаги сўзга иккинчи тилдаги грамматик шакл кўшилиб янги шакл ҳосил қилиши учун ўша шакл ҳосил қилинган тил муҳотида жуда бўлмаганда, аҳолининг катта қисми иккитилли бўлиши зарурлигини эътибордан соқит қилади ҳамда бу факт унинг турк давлат қурилиши заминида мўғул қабилалари туради, деган қарашига уйғун бўлганлиги учун ҳам бундай қарашни дадил олға суради ва “Ашина”нинг маъноси «*олийжаноб бўри*» деб беради. Аслида, хитой манбаларидаги «Ашина» сўзини турки салтанат бўлмиш Кушан давлати номи билан, яъни “*Қўшан*” энг қадимги турки «*бўри*» тушунчасини ифода этувчи сўз билан боғлаб тушунтириш илмий жиҳатдан асосли кўринади (бу сўз билан бир ўзакдош бўлган «қашқир» сўзи ҳали кўпгина турки тилларда сақланиб келмоқда). Л.Гумилев турки тарихни мўғуллаштиришда давом этиб, хитой манбаларида «Ашина хонлари кўл остидагиларни ифода этиш учун ишлатилган “*ту-кю*” сўзида “*туркут*” сўзини кўради ва ундаги-*ут* кўшимчасини эса, мўғулча кўплик кўшимчаси, деб ишонади ва ишонтиришга уринади. Ҳатто, қадимги турк тилида барча сиёсий атамалар мўғул тилидаги кўплик кўшимчаси билан ясалган, деган исботланмаган қондани ўртага ташлайди. *Туркут* сўзи таркибидаги-*т(-ут)*ни қатъий туриб, мўғул тили кўшимчаси дейиш билан Л.Гумилев В.Бартолднинг унинг илмий ишларидаги хатолар заминини тўғри кўрсатганини исбот ҳам қилиб қўйган эди. Яъни Гумилев ўз замонасида эълон этилган В.В.Радловнинг “Турки лаҳжалар лугати тузиш тажрибалари “(кейинроқ “Қадимги

турк луғати” номи билан ҳам нашр этилган)дан беҳабарлигини кўрсатиб қўйди. Ўша луғатда -т қўшимчаси қадимги турки тилда мавҳум тушунчали от ясаши айтилган ва бунга мисоллар ҳам берилган. Бунинг устига агар Л.Гумилевда филологик маълумот етарли бўлганида турки тилларда этнонимлар қўплик қўшимчаси билан ясалмаслигини, чунки бу тилда этноним жамловчи маънога эга эканлигини пайқаган бўлар эди. Ҳозирги турки тилларда учрайдиган *ўзбеклар*, *қозоқлар*, *руслар* каби форма ясалиши ҳам турки тилларга ҳинд-европа тиллари таъсири натижасидир. Ҳатто ҳозир ҳам “ўзбеклар бунақа бўлмайди”дан кўра “ўзбек бунақа бўлмайди” туркироқдир. Демак, «*туркут*» шакли мавжуд бўлганида ҳам ундаги *-m(-um)* мўғулча қўплик қўшимчаси эмас, балки “бошқирд” этнонимидаги каби мавжуд этнонимга қўшилган ҳолда умумлашма маъно бериши мумкин. Мўғул тилларида эса, -т этноним ясаши мавжуд бўлган тил ҳодисасидир: ойрот, кераит, тангут, тайчжиут каби. «Туркут» сўзида этноним -к воситасида ясалгани эса ўша пайтлардаёқ исбот этилган бўлиб, қўлингиздаги китобда Л. Гумилевнинг ўзи буни тан олади.

Тарихан ўздан ҳужжатлар қолдирган дастлабки турки давлат бўлмиш Турк ҳоқонликларини ва унинг асосий бунёдкори туркилар билан илк турки халқ ва давлат бўлмиш хунлар ва уларнинг императорлиги орасидаги боғланишни ҳам йўққа чиқаради: “Турклар ўз тарихини оламнинг бошланишидан ҳисобласалар-да, уларнинг дунёқарашидан келиб чиқилса, бу дунё унча қадимий эмас. Оламнинг ибтидоси VI аср бошларидир. Турклар ўз аجدодлари хунлар ҳақида ҳеч нарса билмас эдилар.” Бу фикр жуда асоссиз бўлмаса ҳам, унда турклар ўз ўтмишидан мутлақо узилган бир қавм сифатида намоён этилади. Бу фараз тўлалигича Ўрхун битиклари матнига таянганлиги учун, матн эса оламнинг яралиши ёки туркларнинг тарихига эмас, балки бир турки сулола тарихига бағишлангани учун бундай кескин хулосага ишонгинг келмайди. Хитойча матнда турклар хунларнинг авлоди эканлиги қайд этилган экан, демак лоақал хитой маданияти асосида таълим олганлар ёхуд хитойча матнни ўқий оладиган оддий турк хунлар ҳақида қандайдир маълумотга эга бўлган, деган ишончга асос бор бўлади, матнда эса, буни акс эттириш учун эҳтиёж бўлмаган бўлса керак. Бизнингча, бу ўринда бошқа бир ноаниқлик ҳам борга ўхшайди, яъни хитойлар «хун» деб атаган аجدодларимизни ўша замондаги турклар ҳам хун деб атаганмиканлар?!

Гап буюк туркчи олим Л.Н.Гумилевнинг, бизнинг назаримизда, турки тарихни ўрганишда турк филологиясига эътиборсизлиги натижасида йўл қўйган айрим камчиликлари ҳақида кетаётган экан, унинг “яда” тоши ва у билан боғлиқ бўлган фикрини ҳам четлаб ўтиб

бўлмайди. «*ЙАДУ*» сўзининг ўзи форс тилидан ўзлаштирилгандир. *Гарчи Эронда «шаман» сўзи номаълум бўлмаса ҳам, Фирдавсий турк сеҳргарини айнан ўша сўз билан атайди.*»

Аввало, *й а д а* сўзини ҳеч иккиланмай форс сўзи дейиш, бу сўз ва ушбу сўз ифода этадиган диний амал тарихларини атрофлича ўрганилмай хулоса чиқаришга олиб келинган. Форс тилида бу сўз бошқа форсий сўзлар билан боғланиши мутлақо мумкин бўлмагани ҳолда, “Девону луғатит турк”да ўқиймиз: «*Й А Т*»-*ёмғир ва шамол келтириш учун тошлар билан қилинадиган фусунгарлик*”. Шунинг билан бирга турки тилда “*йа*”-ўзагидан тарқаган ва маъносини *йада* сўзига уйғун бўлган бирмунча сўзлар борки, улар бу сўз турки эканлигини тасдиқлаб туради. Жумладан, мазкур луғатда *й а т л а д и* сўзи афсун ўқиш маъносига эга эканлиги қайд этилган. *Й а т л а т т и* эса «фол очтирди» маъносига эгаллиги айтилади. Давомида *й а т ч и* сўзи келтирилиб, унинг «афсун ўқийдиган киши» маъносини ифода этиши тасдиқланади. Ўзбек тилида учрайдиган “*ётиги билан тушунтир*” иборасидаги *ётиқ*” ҳам ушбу сирага келиб қўшилади. Бундан ташқари, табиат жисмларини илоҳийлаштириш эрониларга нисбатан кўпроқ туркиларга хосдир. Форс манбалари ҳам бир овоздан яда тоши ва унинг воситасида бажариладиган диний тадбирлар тўлалигича туркиларга хос деб ҳисоблайдилар. Умуман, «*битик*»ни хитой тилидан (В.В.Радлов каби тил билимдони турки тилда *б и т и*-фёъл ўзаги бор бўлишига ҳам қарамай, бу “маданий сўз” хитойчадан ўзлашган бўлишини ўтказмоқчи бўлган), *ҳ ў к и з* —“маданий сўзи”ни форс тилидан, *с а в а т* сўзини ҳам турки тилда *с а п*- “*бириктирмоқ*”, *тўқимок*” фёъл туркумли сўзи бўлишига қарамай, форс тилидан ўзлаштирилган деб ҳисоблашлари турки “маданий сўз”ларнинг барчаси бошқа тиллардан қабул қилинган, деган нотўғри ва ғайри илмий қараш таъсиридан бошқа нарса эмас эди.

«Қадимги турклар» китобини ўқишда эҳтиёт бўлиб ёндошиш лозим бўлган ғоялардан бири бу «қадимги турклар сон жиҳатидан жуда кам бўлиб, ўз номларини бевосита авлодлари бўлмаган кўпгина қавмларга қолдирди» деган фикрдир. Аввало, дунёдаги барча халқлар аралашдирлар, руслар ҳам қон аралашиш фоизи ҳисобланса, славян бўлмаган халқ бўлиб чиқади. Яъни турки қавмларнинг барчаси туркидирлар, лекин унда турки қон даражаси турлича миқдорда бўлиши мумкин.

Қадимги турклар маданияти ўзига хос кўчманчи маданият бўлиб инсоният тарихида ўзининг алоҳида ўрнига эга эканлигини, оддий ўтов ўз архитектураси билан ўтроқ халқлар яратган иншоотлардан ҳеч қандай кам томони йўқ эканлигини исботлашга бел боғлаб, буни чиройли қилиб далиллаб бера олган Л.Н.Гумилёв, бу қарашларида маданиятнинг тил ва адабиёт каби узвий қисмига келганда, бироз оқсайди ҳамда турки

маданиятни камситиш йўлини тутганларнинг филологик материалларидан фойдаланиш зўрида қолади.

Биз турки тарихни инсоният тарихининг таркибий бир узви сифатида ўрганиб, бу қавмнинг башар олдидаги ўтаган вазифасини ҳалол ёритишга интилган ажойиб бир тарихчи олимнинг йирик бир асаридаги, бизнинг назаримизда, ўзбек ўқувчиси дунёқарашда чалкашликлар ва ноаниқлик келтириб чиқариши мумкин бўлган баъзи бир ўринлари устида тўхталишимиз, қўлингиздаги китобнинг бизнинг узоқ ўтмишимизни ўрганишимиздаги аҳамиятини заррача ҳам камайтира олмайди. Турк ҳоқонликлари даври тарихини ўрганишда, давлатчилигимиз тарихи ва тадрижини ўрганишда, «Қадимги турклар» асарининг олдига тушадиган бошқа бир илмий ишни тавсия эта олмаслигимизнинг ўзи бу ишнинг қийматини белгилаб қўяди.

Турк ҳоқонликлари тарихини Хитой, Эрон, Олд Осиё, Европа тарихи билан боғлаб ўрганиш билан бирга, уларни боғлаб турувчи ипларни топиб кўрсата билишнинг ўзи жуда катта илмий меҳнат ва иқтидор талаб этар эди. Бахтимизга, илмий заҳматлардан лаззатланиш ва илмий иқтидор ҳисси ва қобилияти ато этилган Л.Гумилев ана шу атоларини бизнинг тарихимизга қаратди. Ислом оламида ўз ўрнини топган турки қавм исломгача ҳам дунё тарихи майдонида ўзининг қаддини мағрур тута олганини кўрсатиб бера олди.

Китобда ўзбек халқи этногенезида туркилар билан бир қаторда жуда катта аҳамият касб этган суғудлар (суғудларнинг ўзи, хоразмийлар, парканаликлар, саклар) форсларга нисбатан руҳий, иқтисодий жуғрофий, ижтимоий жиҳатидан туркларга жуда яқин бўлганлиги, турк ҳоқонликлари сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим рол ўйнаганлиги ҳолисона очиб берилганки, «ўзбек халқи босиб келган кўчманчи туркларнинг мағлуб бўлган суғудлар билан аралашмаси» эмас, балки турклар билан бутун тарихи давомида бирон марта ҳам уруш қилмаган, аксинча ҳар қандай тажовузни асрлар давомида биргаликда бартараф қилиб келган икки буюк қавмнинг—турксуғуд иттифоқининг маҳсули эканлигини намоён этиши билан ҳам қимматлидир.

Бу асарнинг яна бир қиймати кўчманчи маданият инсоният маданиятининг узвий ўзига хос бир бетакрор тармоғи бўлиб, башарий маданият ушбу маданиятсиз катта бир кемтикли бўлиб қолишининг илмий жиҳатдан асослаб берилганидадир.

*Абдуқаюм Айритомий,
Бахтиёр Урдабекли.*



КИРИШ

Мавзу ва унинг аҳамияти. Кишилик тарихининг ўрганилиши бир маромда бўлмаган. Оврупа ва Яқин Шарқда ижтимоий босқичлар алмашилиши, воқеа-ҳодисалар силсиласи XIX юзйиллик охирларидаёқ оммабоп асарлар ёрдамида ҳам ёритилган, Хитой ва Ҳиндистон тарихи XX аср бошида баён қилинган бўлишига қарамай, Овроосиёнинг поёнсиз чўл минтақалари ҳануз ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Бу, айниқса, икки ажойиб халқ — хунлар¹ ва қадимги турклар ҳамда номларини тарихда қолдиришга улгурмаган бир қатор қавмлар шаклланиб, ҳалокатга учраган давр, яъни Чингизхон тарих саҳнасида пайдо бўлгунга қадар замонга тааллуқлидир.

Гарчи буларнинг ишлаб чиқариш усули — кўчманчи чорвачилик — энг қотиб қолган, такомиллашиши ниҳоятда қийин ҳўжалик усули бўлса-да улар бир-бирини такрорлашдан нари ўтмаган дейиш хато бўлур эди. Хунлар ва қадимги туркларнинг турмуш тарзи, муассасалари, сиёсати ва тарихдаги ҳар бирининг ўрни каби уларнинг тақдири ҳам турлича эди.

— Жаҳон тарихи саҳнасидан қадимги турк халқи тарихига, унинг тузган давлатига боқилса, табиий бир савол туғилади: аслида бевосита авлодлари ҳисобланмайдиган кўпгина қавмларга ўз номини мерос қилиб қолдирган турклар нима учун тарих саҳнасида пайдо бўлди-ю, нима учун ғойиб бўлди? Ушбу муаммони ечиш учун фақат сиёсат тарихини ёхуд фақат ижтимоий муносабатларни бир неча бор таҳлил қилишлар самара бермади. Қадимги турклар инсоният тарихида жуда муҳим ўрин эгаллаган бўлишларига қарамай, улар сон жиҳатидан жуда оз эдилар. Туркларнинг Хитой ва Эрон билан яқин қўшни бўлиши эса уларнинг ички ишларида акс этмасдан иложи йўқ эди. Бинобарин, бу мамлакатларнинг ижтимоий ва сиёсий тарихи чамбарчас боғланиб кетган экан, ҳодисалар жараёнини тиклаш учун ўша икки мамлакатдаги жараёнларни ҳам эътибордан соқит қилмаслигимиз

¹ Қарағ: Л. Н. Гумилев, *Хунну*, М. "Наука", 1967.

керак. Вазиятга иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши ҳам, жумладан, Хитой товарлари чиқарилишининг оз-кўплиги ёки Эрон ҳукуматининг чекловчи тадбирлари ҳам кам таъсир этмаган.

VI юзйиллик охирларида турк ҳоқонлиги чегаралари ғарбда Византия, жанубда Эрон, ҳатто Ҳиндистон, шарқда Хитойга бориб тақалган экан, табиийки, мазкур мамлакатларнинг ўшч чоғдаги тарихи турк салтанати тақдири билан боғлангандир. Турк давлатининг вужудга келиши кишилиқ тарихида кескин бир бурилиш кези бўлди, чунки бунгача Ўртаер денгизи ва Узоқ Шарқ маданияти, ғарчи бир-бирининг борлигидан беҳабар бўлмасалар-да, узилган, ажралган ҳолда мавжуд эдилар. Поёнсиз қўллар, баланд тоғ тизмалари Шарқ ва Ғарбнинг алоқаси учун тўсиқ бўлиб турарди. Кейинроқ ихтиро этилган металл, узанги, юк уловлари арава ўрнида ишлатила бошлагач, карвонлар сахро ва тоғ доволаридан нисбатан осон ва тез ўтиш имкониятига эга бўлдилар. Шунинг учун ҳам VI асрда хитойлик Константинопол бозоридаги нарх-наво билан ҳисоблашга мажбур бўлса, византияликлар Хитой ҳоқонининг пул зарб этувчилари сонини ҳисоблаш билан ҳам машғул эдилар.

Мана шундай бир вазиятда турклар фақат бир воситачи бўлиб қолмадилар, балки айна чоғда Хитой, Эрон, Византия ва Ҳиндистон маданиятига қарши тура олади деб ҳисобланган ўз маданиятини ривожлантиришга муваффақ бўлдилар. Бу ўзига хос дашт маданияти қадим анъана, теран илдизларга эга бўлса ҳам, ўтроқ халқлар маданиятига нисбатан бизлар уни кам биламиз. Бунинг сабаби турклар ва бошқа кўчманчи қабилалар қўшниларига нисбатан қобиляти кам эканлиги билан эмас, балки улар маданиятининг моддий унсурлари—намаст, тери, ёғоч ва мўйналарнинг тошдан кўра ёмонроқ сақланишидадир. Шу сабаб Ғарбий Европа олимлари орасида кўчманчилар “инсоният текинхўрлари” деган хато фикр пайдо бўлади (Виолле ле-Дюк) Ҳозирда Жанубий Сибир, Мўғулистон ва Ўрта Осиёда муттасил олиб борилаётган археологик ишлар, бу фикрни рад этмоқда ва тезда шундай кунлар келадики, энди биз қадимий турклар санъати тўғрисида унинг моддий маданиятидан ҳам кўра кўпроқ гапира оламиз. Ана шунинг учун ҳам ғарбий туркларнинг поғонали улуш тизими, мансаб зиналари, ҳарбий интизом, дипломатия каби ижтимоий қурум (институт)лари ва ижтимоий ҳаётнинг мураккаб шакллари тадқиқотчиларни лол қолдиради. Бундан ташқари қўшни мамлакатларнинг мафкуравий тизимига қарама-қарши қўйилган аниқ-тиниқ ишлаб чиқилган дунёқарашга ҳам тан бермасликнинг иложи йўқ.

Шунга қарамасдан, қадимги турк жамияти тутган йўл ҳалокатга элтувчи йўл эди, чунки даштда ва унинг чегараларида пайдо бўлган

зиддиятларни ҳал этишнинг чораси йўқ эди. Ҳал қилувчи чоғларда қўл аҳолисининг асосий қисми ўз хонларидан юз ўғирар, ёрдам қўлини чўзмай қўярди, жумладан, 604 йилда ана шу ҳолат ҳоқонликнинг Фарбий ва Шарқий қисмларга бўлинишига олиб келган бўлса, 630 ва 639 йилларда мустақилликдан маҳрум бўлишга олиб келди (бу мустақиллик 679 йилда қайта қўлга киритилди), 745 йилда эса бутун бир халқнинг ҳалокатига сабаб бўлди. Албатта, бу ҳалокат халқни ташкил қилган барча одамларнинг бутунлай қирилиб кетишини англатмайди. Уларнинг бир қисми даштдаги ҳокимиятни қўлга олган уйғурларга бўйинсунди, катта бир қисми эса Хитойнинг чегара қўшинлари паноҳига ўтди. Хитой чегара аскарлари 756 йилда Тан сулоласи императорига қарши кўзғолон кўтаришди. Бунда туркларнинг ҳам тирик қолган қисми фаол қатнашди ва бошқа исёнчилар қатори гўштлари бурда-бурда қилинди. Бу бутун халқнинг, ўша халқ замонасининг росмана ниҳояси эди (демакки, бизнинг мавзумизнинг ҳам).

Аммо турк номи йўқолиб кетмади. Йўқолиб кетмадигина эмас, аксинча Осиёнинг ярмига тарқалди. Араблар Сўғддан шимолдаги жангари кўчманчиларнинг барчасини турк деб атай бошладилар, улар эса бу номни эътирозсиз қабул қилдилар. Зотан, турк номининг дастлабки эгалари ер юзидан йўқолиб кетмасидан бурун барча дашт қавмлари учун жасорат ва қаҳрамонликнинг бир намунаси бўлиб қолган эдилар. Кейинроқ эса бу эл номи маъноси янада кенгайиб, тил оиласининг атамаси бўлиб қолди. VI-VII асрлардаги буюк Турк ҳоқонлиги ҳудудига ҳеч вақт кирмаган кўплаб қавмлар ҳам туркларга айланиб қолдилар. Уларнинг баъзилари ҳатто монголоид ҳам эмас: туркманлар, усмонли турклар, озарбайжонлар. Бошқа бирлари эса ҳоқонликнинг ашаддий душманлари эдилар, масалан, ёқутларнинг аждодлари бўлмиш куриканлар ҳамда хакасларнинг бобоколонлари бўлган қирғизлар. Учинчи тоифа туркилар масалан, балкар* ва чувашлар қадимий туркларнинг ўзидан олдин шаклланиб бўлган эдилар. Бироқ ҳозирда лингвистик маънода кенг тарқалган “турк” “турки” атамаси ўз асосларига эга: турклар қадимги хун даврида пишиб етила бошлаган ва III-IV асрларда бироз муаллақ ҳолатида бўлган дашт маданиятини ёрқин бир шаклда майдонга олиб чиқдилар.

Демак, қадимги туркларнинг кишилиқ тарихида буюк бир хизматлари бўлишига қарамай, бу қавмнинг тарихи ҳалигача ёзилган

* Муаллиф “булғор” атамаси билан ҳозирги “балкар” номланишларини чалкаштириб юборган кўринади (Тарж)

эмас. Ёзилган бўлса ҳам, йўл-йўлакай, қисқа-қисқа баён этилиб, манбашунослик, ономастик, этнонимик ва топономик ёндошувларни четлаб, осон йўл танланган. Бу борадаги қийнчиликлар шу даражадаки, ушбу асар муаллифи мазкур мавзу тўла ёритилиб, муаммолар узил-кесил ҳал қилинди, деган фикрдан йироқ. Муаллиф, кўпроқ, муаммо ечими борасида бир қадам ташланди, деган умидда. Китобда тарихий анализ ва синтез методларини аралаш қўллаш борасида бир тажрибага ҳам қўл урилди. Қадимги турклар улардан олдин ўтган ёки улар билан мулоқотда бўлган қавмлар тарихининг айрим парчалари анализ усули билан ўрганилди. Манбаларга танқидий ёндошув ҳамда ономастика ва этногенез муаммолари ҳам шу тарзда ўрганилди. Муайян яхлит бирлик даврларида бунёд бўлган туркут¹, кўк турк², уйғур³ тарихини узлуксиз бир жараён сифатида тасаввур қилиш ҳамда тасвир этилган ҳодисаларни дунё тарихи жараёнига олиб киришлар синтез усулининг қўлланишидир.

¹ *Биринчи турк ҳоқонлиги турклари (546-658)*

² *Кўктурк — иккинчи турк ҳоқонлиги турклари (678-747)*

³ *Фақат кўчманчи уйғурлар хонлиги назарда тутилади (747-847), кейинроқ шаклланган ўтроқ уйғурлар бу ерда инobatга олинмайди.*



Биринчи қисм

ТУРКЛАРНИНГ БУЮК ҲОҚОНЛИГИ

I боб АРАФА (420-546)

Сарикдарё соҳилидаги ўзгаришлар. Ҳолдан тойган Римни V асрда белини буккан Оврупо қавмлари силжишига ўхшаш ҳаракат Шарқий Осиёда 100 йил аввал бўлиб ўтган эди. Хитой тарихчилигида “беш ёввойи қавмлар даври” деб номланадиган (304-399) чоғда Шимолий Хитойни хунлар ва санбийлар босиб олган ҳамда готлар, бургундлар вандалларнинг ёввойи қироллигига ўхшаш қатор тезўтар давлатлар ташкил этган эдилар. Оврупонинг Болқон ярим оролида Шарқий Рим императорлиги сақланиб қолгани каби Хан империясининг вориси сифатида Янцзи ҳавзаси мустақил Хитой императорлигини ўзида сақлаб қолди. Бу императорлик ҳам ўз ўтмишига илк Византия Римининг гуллаган даврига ўхшаганидай ўхшаш бўлиб, шимолдан ва ғарбдан қаттиқ сиқувга олган кўчманчилар ҳужумидан ўзини аранг ҳимоялаб турарди. Тез-тез алмашилиб турувчи сулолаларнинг¹ заиф ва нотапон императорлари “Ўрта текислик”даги Хитой аҳолисини ёввойи кўчманчилар бошчиларига бир қурбонлик сифатида ташлаб кўйгандилар. “Ўрта текислик” деб аталувчи Хуанхе воҳасида келгиндилар ўзаро уруши оқибатида қирғин ва зулм кучайиб кетганига қарамай, Шимолий Хитойда хитойлар уларни мағлуб этган қавмлардан миқдор жиҳатидан анча устун бўлганлиги боис ҳам VI асрда Хитой қайтадан ўзини тиклаб олди.

Рақибларининг барчасидан² голиб келган тоба* қабиласи Хитой маданияти қомига тортилди. Тоба қавми тузган илк феодал давлати 420 йилга келиб, бутун Шимолий Хитойни бир императорликка айлантирди, бу императорлик хитойча Вэй номи билан маълум (386).

¹ 430 йилда Цзин сулоласи, 479 йилда Лю Сун, 502 йилда Жанубий Ци, 557 йилда Лян сулоалари барҳам топди.

² Хунлар, муйунлар, дилар, йуйвин (татаблар аждоди) ва киданларни мағлуб этдилар.

* Бизнинг тарихчилигимизда ёзилиш ва ўқилиш анъанасига эга бўлмаган қавм номлари асл нусхадаги каби сақланди. Шунинг учун “тоба” ни “тўба” деб ўқиш тавсия этилади.

Бу Тоба хони томонидан ўз фуқароларининг асосий кўпчилигини ташкил этувчи хитойлиларга дастлабки ён босилиши ҳам эди. Кўчманчилар мағлублари билан аралашиб кетиши оқибатида V аср охирига келиб тобалар соч ўримларини кесдилар, қўл остидагилар билан мулоқот уларнинг кучини қирқди, анъаналарини йўқ этди. Тили ва кийим-кечаги билан бирга уларни зафарларга етаклаган даштга хос шижоат ва уюшқоқликни ҳам йўқотдилар, айна чоғда ўзининг мустақил давлатини тиклашга жон-жаҳди билан курашган хитойларга сингиб ҳам кетмадилар.

Саройдаги тўнтаришлар натижасида Вей сулоласи заифлашган заҳотиёқ, санбий императорлари хизматида бўлган хитой саркардалари ўз хўжайинларига нисбатан ғайратлироқ ва қудратлироқ эканликларини кўрсатдилар. 531 йилда шимоли-шарқда Гао Хуан кўзғолон кўтариб тоба қўшинини тор-мор келтирди ва пойтахт Лоянни эгаллади. Аввалига у мавжуд сулола манфаати учун ҳаракат қилаётгандай кўриниб, шаҳзодалардан бирини император деб эълон этди. Бироқ бу шаҳзода ўз саркардасидан қўрқиб ғарбга — Чанъанга қочиб борди ва у ерда уни бошқа бир саркарда — хитойлашган санбий Йуйвин Тай қўллаб-қувватлади. Гоа Хуан Вей сулоласидан бўлмиш бошқа бир шаҳзодани тахтга ўтқазди. Шундай қилиб, империя иккига — Ғарбий Вей ва Шарқий Вейга бўлинди, лекин ҳар иккаласида ҳам ҳокимият шаҳзодаларни вақтинча тахтга ўтқазиб қўйган Хитой саркардалари қўлида эди. Бундай вазият узоқ давом эта олмас эди. Санбийларнинг қаттиққўл ҳукмронлиги хитойларни шу даражада шафқатсиз қилиб қўйган эдики, қудрат уларнинг қўлига ўтгач, мағлуб бўлганларни аяб ўтирмадилар. Йуйвин Тай қўғирчоқ императорларнинг бир неча нафарини заҳарлади, унинг ўғли эса ўзида шунчалар қудрат сездики, ёмон кўрган сулоласини мутлақо тугатиб, ўз сулоласи — Бэй Чжоу³га асос солди.

Шимолий-шарқий Хитойда санбийларга янада шафқатсизроқ муносабатда бўлишди. 550 йилда Гао Хуаннинг вориси Гао Йан сўнги императорни тахтдан воз кечишга мажбур қилди ва уни заҳарлаб ўлдирди. Императорнинг 721 нафардан иборат қон-қариндошлари қатл этилиб, кўмиш маросимидан маҳрум этиш мақсадида жасадлари сувга оқизилди. Янги сулола Бэй-Ци деб атала бошланди.

Мазкур шимолий икки подшолик ҳам иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анчагина бақувват эди. Ўзга қавмлар ҳукмронлигидан қутулган хитой қавми ўз маданиятини тиклаш учун астойдил киришди. Бироқ Бэй Чжоу ва Бэй-Ци сулолалари орасида пайдо бўлган рақобат уларнинг фаол сиёсат юргизишлари учун ҳалақит берарди.

³Маъноси: Шимолий Чжоу сулоласи (Бэй — шимолий).

Жанубда бўлса, Лян сулоласи императорлари бошбошдоқлик ва жиноятни идора услуби қилиб олган эдилар. Уларнинг ўрнига келган Чэн сулоласи эса, ана шу анъанани давом эттирди. 557 йилдаги сарой тўнтариши оқибатида Лян сулоласининг охириги императори дорга осилишига қарши унинг тарафдорлари қуролли қаршилиқ уюштирдилар. Исёнчилар Чэн сулоласи қўшинининг ҳужумини қайтариб, Хитойнинг қоқ ўртасида Хоу-Лян деган кичик бир давлат ташкил этдилар.

Хитой бир-бирига душман бўлган тўрт давлатга парчаланиб кетди. Хитой қудратини кесиб қўйган бундай оғир вазият Жужанлар ўрдаси ва Тогон (Ту-йу-хун) подшоҳлиги каби кўчманчиларнинг икки заиф давлатини ҳалокат чоҳидан қутқарувчилик моҳиятига эга бўлди. Жанубдан бўлиб турадиган сиқувнинг бўшашиши билан улар Шарқий Осиё давлатлари орасида етакчилик мавқеига эга бўлиб қолдилар. Дашт хонлиги бўлмиш Жужан IV юзйилликнинг ўрталарида ташкил топиб, VI аср бошларига келиб ҳалокатли таназзулни бошидан кечирганди.

Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Тогон подшоҳлиги Цайдамнинг чўл пасттекислигига жойлашган эди. 312 йилдаёқ Муйун уруғидан бўлмиш беклар бошқарган санбийларнинг кичик бир қабиласи Жанубий Манчжуриядан ғарб томон кўчиб, Кукунор кўли теварагида қўним топган эди. Улар бу ерда оралари ола бўлган тибет уруғлари билан зафарли урушлар олиб боради. Тобалар билан тўқнашувларда эса муваффақият-сизликка учраб турадилар. Ушбу жараён натижасида Тогон Вэй империясига қарам бўлиб қолади, бироқ Вэйнинг парчаланиб кетиши тогонликларга эркинлик тўхфа қилади. VI асрнинг иккинчи чорагида Куалйуй деган бек ўзини хон деб эълон қилади ва 540 йилда Гао Хуанга элчи юбориш билан Йуйвин Тайни ўзига душман қилиб олади. Мана шу воқеа, қуйида баёнимиз давомида дуч келадиганимиз Тогоннинг тақдирини ҳал қилади. Жуда катта ҳудуддаги “шаҳарлар”ни (мустақкамланган кентлар бўлса керак) бошқаришда шаклланган идора тартибига (бу идора усулини тобалардан ўзлаштирган бўлса керак) эга бўлишига қарамай, Тогон кучли давлат эмасди. Қурол кучи билан бўйсундирилган тибет уруғлари ҳурлик ва қасосни орзу қилишар; бироқ иқтисоди миқдор кетидан қувувчи чорвачилик ҳўжалигига асосланган бўлиб, маданий савия паст эди. Бунинг устига хонларнинг ўзбошимчилиги турли фитналарга, хоинликка, истибдодга сабаб бўлиб, ёниб турган оловга

‘Иакинф Бичурин История Тибета... . 84-б.

ёғ қуйгандек бўларди. Ушбу ҳолатлар Тогоннинг имкониятларини бўғар эди ва кейинроқ нишонсиз йўқ бўлиб кетишига олиб келди.

Жужанлар ва телеутлар

Жужанларнинг қавм сифатида келиб чиқиши масаласига кўп марта мурожаат этилишига қарамай, бу масалада узил-кесил тўхтамга келинмаган. Бу ўринда масаланинг қўйилиши унчалик тўғри эмасдай, чунки жужанлар халқ сифатида ягона бир этник илдизга эга эмасди. Уларнинг келиб чиқиши ўзига хос бир тарзда эди. Тўс-тўполон замонларда отдан туширилган ва номига доғ тушган кишилар доим бисёр топиларди. IV юзйиллик ўрталарида ҳам ана шундайлар талайгина йиғилиб қолган эди. Кимки тоба хони ўрдасида ёхуд хун шанйуйи пойтахтида қолишнинг имконидан маҳрум бўлса, даштга қочиб кетарди. Хўжайинлари зулмидан қочганлар, аскарликдан қочганлар, бор будидан айрилган камбағал-деҳқонлар — барчаси даштдан бошпана изларди. Уларни бирлаштирувчи нарса тил ҳам эмас, дин ҳам эмас, балки қашшоқликка маҳкум этган тақдир бўлиб, айнан ана шу тақдир уларни жипслашишга мажбур этганди.

IV асрнинг 50 йилларида санбий отлиқ аскарларида хизмат қилиб юрган собиқ кул Йугйулуй деган кимса ўлимга ҳукм этилади. Аммо у тоққа қочиб қолишга муваффақ бўлади, ана ўша кимса теварагида юзлаб тақдири ўзига ўхшаш кишилар тўпланади. Бу қочоқлар ён-теварагидаги қабилалар билан қўшни бўлиб яшаш ҳақида келишиб олишга ҳам эришадилар.

Йугйулуйнинг вориси Гуйлухўй тоба хонлари билан муносабатни йўлга қўйиб, ҳар йили от, силовсинлар билан тўлов тўлаб турадиган бўлади. Мана шу чоғда унинг ўрдаси Жужан номини олади. Жужанлар Халха бўйлаб то Хингангача кўчиб юрганлар, хонининг қароргоҳи эса Хангайда бўлган. Уларнинг турмуши содда ва уюшмаси жуда жўн бўлиб, уруғчилик тузумига мутлақо ўхшамас эди. Ҳам ҳарбий, ҳам маъмурий бирлик минг кишилик бўлук (полк) ҳисобланган. Бўлук хон томонидан тайинланадиган саркардага бўйинсунган. Бўлукда ҳар юз киши ҳисобига биттадан, жами ўн туғ бўлиб, ҳар бир туғнинг ўз бошлиғи ҳам бўлган. Жужанларда ёзув мутлақо бўлмаган, ҳисоблаш учун қўйнинг қумалогидан ёки ёғочга кертиб қўйишдан фойдаланишган. Қонунлари уруш талабларига мувофиқлашган бўлиб, ботирларга ўлжанинг катта улуши теккан бўлса, қўрқоқлар калтакланган.⁵

⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений... 1 том., 209 — 6.*

Жужанларнинг 200 йиллик мавжуд бўлиб туриши давомида ҳеч қандай ички тараққиёт сезилмайди: бор куч ва ғайратини қўшниларини талашга сарф этганлар.

Жужанлар ўзаро қайси тилда гаплашганлар? Бу борада Хитой манбалари ҳар хил маълумот берадилар: “Вэйшу” жужанлар дунхуларнинг бир тармоғи деса, “Суншу”, “Ланшу”, “Наншу”⁶лар уларни хунларга қариндош қабила деб ҳисоблашади. Ва ниҳоят Бэй ши (?) Йуглуйуйни гагуйлардан деб таъкидлайди.⁷ Жанубий Хитой тарихчиларининг хабарлари билвосита маълум бўлганлиги учун аҳамияти кам бўлса, Йуглуйуйнинг насл-насабининг ҳам аҳамияти унча эмас, чунки унинг атрофига турли-туман қавм вакиллари йиғилишган. Жужанлар ўзаро мўғул тилининг лаҳжаларидан бири бўлмиш санбийча гаплашишган бўлса керак. Чунки уларнинг хонлари унвонларини хитой тилига таржима қилган тарихчи сўзларнинг аслида – “Вэй давлати тилида”, яъни санбий тилида қандай айтилишини кўрсатади.⁸ Жужанлар ўзларини тоба’лар билан қариндош деб ҳисоблайдилар. Бироқ жужанлар турфа қавмлардан ташкил топганлигини назарда тутиб, уларнинг бу фикри учун асос келиб чиқиш¹⁰ эмас, балки тилдаги ўхшашлик бўлган, деб ўйлаш мумкин.

Жужан хонлигининг асосий қудрати теле қабилаларини бўйсундириб туришни эплашида намоён бўлган. Тарихининг илк кунларида, яъни милоддан аввалги III юзйилликда телелар Ордосдан ғарбдаги дашт минтақаларида яшаган. 388 йилда улар тоба хонига бўйсундирилади, IV асрнинг охирида эса шимол томон кўчиб, Жунгорияга борадилар ва Селенгагача бўлган Ғарбий Мўғулистон ҳудудларига ўрнашадилар. Тарқоқ бўлганлари учун ҳам жужанларга қаршилиқ кўрсата олмай, уларга тўловлар тўлаб туриш зўрида қоладилар.

Теле қабилалари жужанлар учун ниҳоятда керак бўлгани ҳолда, телелар учун жужанлар ҳеч ҳам керак эмас эди. Жужан оғир меҳнатдан қочган кимсалардан ташкил топган бўлиб, болалари ҳам меҳнат қилиш ўрнига тўловлар олиш йўлини ўрганардилар. Телелар чорвадор бўлиб, ўз молларини ўзлари боқиб, ҳеч кимга ҳеч қандай тўлов тўлашни истамас эдилар. Ушбу мойилликларига мувофиқ ҳолда ҳар икки халқнинг сиёсий тузуми ташкил топди:

⁶ K Shiratore, *Über die Sprache der Hiung-nu...*, L. 18-19-б.

⁷ Н. Я. Бичурин (Иакинф), *Записки о Монголии*. 101.; Г. Б. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 174-175-б.

⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж. 209-211-б.

⁹ *Уша асар*, 226-б.

¹⁰ Қиёсланг: Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия... 174-175-б. С. П. Толстов, Тирания Абруя.*

аскарий қудрат воситасида қўшнилари ҳисобига яшаш учун жужанлар бир ўрдага уюшди; телелар эса ўзаро заиф боғланган қабилалар уюшмаси ҳолида қолдилар, бироқ бор кучлари билан мустақилликларини ҳимоя этдилар.

Телелар жужанлар билан ёнма-ён яшасалар-да уларга мутлақо ўхшамасдилар. Телелар Хун империяси таркибидан анча эрта ажралиб чиқишди — содда патриархал тузум ва кўчманчи турмуш тарзи сақланиб қолди. Уларни хитойлашиш жараёни ҳам четлаб ўтди. Чунки даштнинг ичкарасига жойлашган бу тўпори кўчманчиларнинг хитойликларни ўзига жалб этадиган ҳеч нарсаси йўқ эди. Телеларнинг умумий бир ташкилоти бўлмаган. 12 уруғнинг ҳар бирининг ўз оқсоқоли бўлган, қариндош-уруғлар ўзаро иноқ яшашган.¹¹

Телелар даштда катта гилдиракли араваларда кўчиб юришган, жанговар, эрксевар бўлиб, уюшишга мойиллиги йўқ эди. Ўзларини “теле” деб атаганлар, бу сўз ҳамон Олтойдаги телеут этноними номида сақланиб келмоқда. Телеларнинг аجدодлари ёқутлар, теленгитлар, уйғурлар ва бошқалардир. Уларнинг кўпчилиги ҳозиргача сақланиб қолмаган.

Жужан хонлиги. V асрнинг бошланишида Хингандан то Олтойгача бўлган даштларда Дзудай (“от чоптириб, ёйдан ўқ отадиган”) лақабли жужанларнинг хони Шелун ҳукмронлик қилди. Телеларни бўйинсундиргач, у Или дарёси бўйларида яшаётган ўрта осиелик хунларга тўқнашди. Буларнинг саркардаси Жибаеги деган киши эди. Онгин дарёси бўйидаги шиддатли жангда Жибаеги Шелунни енгди, лекин Жужан салтанатини тўлалигича мағлуб этишга қурби етмади ва “тобелик эвазига осойишталикка эришди”.¹²

Шелуннинг энг муҳим вазифаси ўзининг қувватидан анча қудратли бўлган Тоба — Вэй империясининг кучайиб кетишига йўл қўймаслик эди. Хитой жанубида тинимсиз давом этаётган уруш Тоба-Вэй императорига ўзбошимчалик билан ажралиб чиққан фуқароларининг танобини тортиб қўйишига ҳалақит бериб келарди, шунинг учун ҳам Шелун Тоба-Вэйнинг барча душманларини қўллаб-қувватларди. 410 йилда Шелун вафот этади ва унинг ўрнини укаси Хулуй эгаллайди.

Хулуй Тоба-Вэйни ўз ҳолига қолдириб, асосий эътиборни шимолга қаратади. Бу ерда у Енисей қирғизларини (иегу) ва хэвэй (сибир қабилаларидан бири)ларни бўйсундиради. 414 йилда Хулуй фитна билан ҳалок этилади. Фитначилар бошлиғи Булужен ҳам ўша йили ҳалок бўлади. Хонликка Шелуннинг амакиваччаси Датан

¹¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1-ж. 215-б.

¹² *Уша асар*, 226-б.

кўтарилди, бироқ жужанлар босқини самарасиз бўлиб чиқади. Айни пайтда уларга қарши юборилган жазо бўлуғи ҳам бирор натижага эришмай ортга қайтади. Вазият ўзгармай, аввалги ҳолича қолади.

418-419 йилларда жужанлар билан ўрта осийлик хунлар ва юэчжилар¹³ ўртасида уруш қайтадан бошланади. Жужанлар Тарбағатойга суқилиб кирадилар ва бу ерда шундай бир ваҳимали қиргин ташкил этадиларки, юэчжилар катта бир гуруҳининг раҳномаси Цидоло (Кидара), жужанлар билан қўшни бўлишдан қочиб, жанубга кетади ва Қарши¹⁴ воҳасидаги Боло¹⁵ шаҳрини ишғол қилади. Бу ерда у форслар ва эфталитларга тўқнаш келади. Кидаранинг сафдошлари – кидарийлар – тарихда этник номлари билан эмас, балки ўз раҳномаларининг номи билан аталиб қолдилар.

II боб

АЖДОДЛАР

Жужан хонлигининг Вэй империяси билан уруши


420 йил жужанлар қудратда энг юқори чўққига кўтарилган эдилар. Шимолдаги ва ғарбдаги қўшнилари устидан эришилган осонгина ғалабалар Жужанни Буюк Даштда ҳукмрон қилган бўлса-да, бу хонликка на гуллаб-яшнаш ва на осойишталик келтирди. Жужанларнинг асосий душмани Тоба-Вэй империяси бўлиб, жужан хони Датан ушбу табиий рақибни кучайиб кетмаслиги учун қўлидан келганча ҳаракат қилди.

424 йилда Датан 60 минглик отлиқ аскарлари билан Хитойга ҳужум уюштириб, унинг пойтахтигача етиб борди ва императорнинг дала саройини талон-тарож қилди. Тоба лашкарига сафарбарлик эълон қилинган ва жужан лашкари орасида интизом йўқлиги туфайли у жангга кирмасдан орқага қайтди. 425 йилда эса тобаликлар

¹³ Ушбу уруш санаси қуйидагича санаб аниқланган: Юэбань билан жанг олиб борган Датан 414 йилда тахтга ўтиради ва 415 йилда Хитойга босқин уюштиради, демак уша чоғда у Шарқда банд бўлган. Хитойга навбатдаги юриш 424 йилда содир бўлади. Демак, Юэбань билан уруш мана шу саналар оралиғида бўлган. Санани янада аниқ белгилаш учун нумизматик ашёлардан фойдаланилди. 417 йилда Кидара номи билан танга забт этилганига қарамай, С. К. Кабанов Кидарий подшоҳлигига 420 йилда асос солинган деб ҳисоблайди (Қаранг: Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж. 189; II ж. 259 С. К. Кабанов. *К вопросу о столице...*, 172-6).

¹⁴ Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений...*, II ж. 264-6.

¹⁵ С. К. Кабанов. *К вопросу о столице...*, 201-207-б. Р. М. Гиришманнинг кидарийлар пойтахти Балхда бўлган, деган тахмини тасдиқланмади (Р. М. Ghirshman, *Les Chijmites Hephtalies*, 79-80-б).



Турк салтанати бунёд этилиши арафасидаги Марказий Осиё

жужанларни Гоби саҳросининг нариги томонигача суриб ташладилар. 430 йилда император Тай-у-ди (Тоба Дао) жанубий Хитойда бемалол ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиш учун жужанларни йўқ қилишга қарор қилди. Даштга сон-саногӣ йўқ қўшин қадам кўйди: жужанлар дуч келган томонга тарқаб кетди. Датаннинг ўзи ғарб томон қочиб бадар кетди. Унинг одамларини телелар ўлдирдилар. Датаннинг ўғли Уди эса қаршилиқ кўрсатишни бефойда ҳисоблаб, Вэй империясига хирож тўлашга тутинди. Бироқ бу келишув 437 йилда айнан ўша Уди томонидан бузилди, у ўзи ҳужумни бошлади. Жужанлар талончилик қилмасдан яшай олмаймиз, деб ўйлайдиган кўринади. 439 йилги жавоб юриши эса Тоба императорига ҳеч қандай наф келтирмади, у дараларга тарқалиб, яшириниб олган жужанларни топа олмай орқага қайтишига тўғри келди. Тобанинг Хэси билан уруш олиб бораётганидан фойдаланиб 440 йилда Уди яна чегарага ҳужум қилди, лекин бу ерда қолдирилган қисм унинг авангардини асир олди. Жужанлар яна қочишди. Бундай вазият 445 йилда яна такрорланди, кейин Уди ўлди. Тахт унинг ўғли Тухэчженга (445-464) қолди.

Энди бу икки салтанат мавқеи алмашинди. Тоба Вэй ўз қудратининг чўққисига етди, унинг лашкарлари даштнинг ичкарасигача кириб, жужанларни тоғларда беркиниб жон сақлашга мажбур этдилар. Аслини олганда бу уруш эмас, балки жазо юришлари эди.

Тухэчженнинг ўғли ва вориси Йуйчен (464-485) курашни давом эттиришга уринди, аммо 470 йилда енгилиб, 475 йилда сулҳ сўради ва хирож тўлади. Жужан ҳолдан тойган эди, Хитойга юриш қиладиган мадори қолмаганди. Энди талончилик қилиш манбаи сифатида бироз қашшоқ бўлсада, заиф бўлган ғарбий ўлкалар танланди. 460 йилда жужанлар Турфан воҳасини қўлга киритдилар, бу ерда тобаларнинг зафарли юришларидан қочиб келган ҳамда бир вақтлар ўзларига иттифоқдош бўлган жанубий хунларни тор-мор қилдилар. 470 йили жужанлар Хўтанни таладилар, бироқ кучайиб бораётган эфталит давлати жужан босқинчилигини тўхтатиб қўйди. Тяньшан тоғлари Жужаннинг чегараси бўлиб қолди.

Жужаннинг янги хони Доулун (485-492) “шафқатсиз, қотилликка мойил киши эди”¹. Тахтни эгаллаши биланоқ аъёнлардан бирини бутун уруғи билан бирга қатл қилди. Бутун мамлакат бир сесканди. Хоннинг Хитойга юриш тадориги эса ундан бадтар таъсир қилди. Хитойга ҳатто жуда барорли ҳамла кетидан кейин ҳам хитой

¹Н. Я. Бичурин. Собрание сведений..., I ж. 195 - 6

қўшинининг жавоб ҳужуми борлигини ва бу ҳужумни қайтара олишнинг мутлақо имконсизлигини ҳамма тушунарди.

Теле уруғининг оқсоқоли Афучжило хонни ҳужум уюштирмасликка кўндириш учун кўп уринди. Бироқ унинг маслаҳатлари хонга таъсир этмаётганлигига қаноат ҳосил қилгач, барча телеларга бош бўлиб исён кўтарди. Ўша кезларда телеларнинг сони кам эмасди (хитой хабарларига кўра 100 минг ўтов). Афучжило ғарбга-Иртиш дарёси воҳасига кўчиб кетиб, у ерда “Кўкнинг улуғ ўғли”² унвонини олиш билан жужан хони билан тенгликни даъво қилди. Кейин уруш алангаси янада авж олди.

490 йилда хитой қўшини даштга шимол томондан бостириб кириб, телелар билан биргаликда Жужанни исканжага олди. Жужан арбоблари бутун айбни толесиз хонга юклаб, уни ўлдирдилар (492).

Теленинг ғарбга силжиши муҳим тарихий воқеа бўлди, хонавайрон бўлган телелар бу ерда ўз салтанатини туздилар³. Осиёда яна этногенез жараёни бошланди. Мана шу вақтларда Олтой тоғларида турклар халқ бўлиб таркиб топди, Брахмапутра водийсида тибетликлар шаклланди, Хитойда эса ўрта асрларнинг ажойиб маданиятини яратган Суй ва Тан сулолаларини вужудга келтирган уйғониш даври бошланди.

Гаогуй – Телеут хонлиги. Телеутларнинг ажралиб чиқиши ҳамда 492 йилги давлат тўнтариши Жужан тарихида кескин ўзгаришга олиб келди. Бу давлат Марказий Осиёдаги ҳукмронлигини йўқотиб, энди ҳокимият учун эмас, балки яшаб қолиши учун жанг олиб боришига тўғри келди. Ўлдирилган Доулун ўрнига ўтирган Нагай атиги бир йил ҳукмронлик қилди, у ўз идораси чоғида амал қилган шиор “ҳовлиқмаслик” бўлиб, бу ўтмишдошининг жанговарлик хаёлларидан воз кечиш дегани эди. Нагайнинг ўғли Футу эса, то имкон борича отаси сиёсатини давом эттирди.⁴

Шу аснода телеутлар янги жойга ўрнашиб олдигина эмас, ҳатто хун даврининг оқоваси бўлмиш Юэбанни тор-мор келтирди. Янги жойда телеутлар ўз давлатини тузишга ҳаракат қилишди. Бунинг учун халқини иккига бўлди: шимолдаги ҳукмдор Афучжило “Улуғ император” унвонини қабул қилди, жанубий ҳукмдор эса “Валиаҳд подшо”⁵ унвонини олди. Улар ўзлари давлатини қандай номлаганлиги номаълум,

² *Уша асар, 217-6*

³ *Ғарбий телеларни телеут деб атасак ҳам қулай, ҳам тўғри бўлади, чунки олтойлик телеутлар уларнинг авлодларидир, тарқоқ ҳолдаги телеларни эса, совет тарихнавислигида қабул қилинганидек телеликлар ёки телелар деб аташ ўринли бўлади.*

⁴ *Н. Я. Бичурин. Собрание сведений..., 1 ж. 195-6.*

⁵ *Уша асар, 217-6.*

Бироқ хитойлар уни Гаогуй деб атаганлар. Унинг луғавий маъноси “баланд арава”дир. Айнан шу ном билан бу давлат тарихда қолган.

Гаогуй сиёсати Хитойга уйғунлаштирилган бўлиб, эвазига у ердан кийимбоп ипак олмоқчи бўлган, ammo бу ипаклар унга наф келтирмаган. 494 йилда эфталитлар Эронни тор-мор қилиб, орқа томонни мустаҳкамлаб, шимолга ҳужум бошлади. Жанубий Гаогуй давлати яшин тезлигида тугатилди. “Валиаҳд подшо” ўлдирилиб, оиласи асир олинади, аҳолиси тарқалиб кетади, уларнинг бир қисми жужанларга бўйинсунса, бир қисми Хитой тасарруфидаги ҳудудларга кўчиб кетади. 496 йилда эса шимолий салтанат ҳам осонгина босиб олинади. Эфталитлар асир олинган беклар орасидан Мивоту деган бекни танлаб олиб телеутларнинг қолган қисмига бошчи қилиб тайинлайдилар. Шундай қилиб Гаогуй эфталитларнинг вассалига, жужанлар душманига ҳамда 60 парча ипак мато берганлиги учун Хитойнинг иттифоқдошига айланиб қолди⁶. Айнан ўша вақтда (497 й.) эфталитлар Карашарни эгаллаган бўлса керакки, Турфон водийсидаги Гаочан беклигининг ҳокими хитойлик Жу, Хитой ҳукуматидан унинг фуқароларини қабул қилиб, Хитой ерларига жойлаштиришни сўрайди. Жужанни гўё пўлат халқа сиқиб келмоқда эди. Бироқ гаочанликлар ўзлари ўрнашиб қолган жойлардан кетишни истамайдилар ва ҳокимини ўлдириб Жужанга қўшиладилар. Бу Жужандаги иқтисодий танглик ҳолатининг бир оз яхшиланишига олиб келди, яъни деҳқончилик ривож топган Гаочан Жужанни дон, мева-сабзавот ва газламалар билан таъминлаши мумкин эди. Бироқ айни чоғда бу сиёсий вазиятни кескинлаштириб ҳам юборди: Хитой императори Сюан-у-дига бу ҳолат ёқмасди. Футухоннинг тотув яшаш ҳақидаги илтимосига жавобан император: шимолга кам эътибор берилиши, ҳозирча у Жанубий Хитойни эгаллаш билан бандлигини билдириб жавоб берди ва Футунинг ўзи ҳамда фуқораларини исёнчилар деб билишини баён қилди.⁷ Шу воқеалар асносида Гаочанда хитойпарастлар ғолиб бўлдилар ва Жужан билан иттифоқликка барҳам берилди. (500 й.)⁸

Фарбий ўлкада Хитой манфаатларини қўллаб-қувватлаш учун мунтазам қўшиннинг уч минг нафар аскардан иборат бўлаги Мин Вэй қўмондонлигида жўнатилди. Хамида ўрнашиб олгач, у жужанларни бир четга қисиб қўйди. Футунинг Хитойга йўллаган

⁶ *Ўша асар*, 217-б.

⁷ *Ўша асар*, 196-б.

⁸ *Ўша асар*, 11 ж. 251-б.

янги элчилиги жавобсиз қолдирилди. 60 парча ипак эвазига қон тўкиши керак бўлган телеутлар жужанларга қарши гиж-гижланди. Пулэй кўлига яқин жойда Мивоту жужанларни мағлуб этди. Улар жануб томон қочдилар, бироқ Бэйшан тоғларида Мин Вэйнинг Хитой бўлуқлари уларни кутиб турарди. Ваҳима босиб орқага қоча бошлаган жужанлар телеутларга дуч келдилар ва яна мағлуб бўлдилар (508 й.). Қирғинда бахтиқаро хон Футу ҳам ҳалок бўлди. Унинг бош терисини Мивоту Мин Вэйга юборди. Бунинг бадалига хитойлар мусиқий асбоблар йиғимини, 80 нафар мусиқачиларни, 10 парча ол рангли, 60 парча турли рангдаги ипак матолар тўладилар.

Ҳалок бўлган Футунинг вориси бўлмиш Чеуну Хитой билан келишишга икки марта уриниб кўрди ва уни фақат куч-қудратгина қутқариб қолишини англаб етди. 516 йилда у Гаогуйга хужум уюштиради, Мивотуни енгади ва унинг ўзини асир олади ҳамда ўзгача бир тарзда қатл этади. Уни бир қирчанғи отнинг қорнига оёқларидан боғлаб қўйиб, отни то Мивоту судралишдан ўлгунча қамчилаб ҳайдаб юргизадилар. Мивотунинг бош чаноғи сирланиб, косага айлантирилади. Жужанлардан қутулиб қолган телеутлар эфталитларга қўшиладилар.⁹ Ушбу воқеалардан кейин Вэйнинг императори Сяо-мин-ди Жужан хонлигининг элчисини қабул қилади (518 й.). Унга қарамлик (вассаллик) мажбуриятини тўла бажармаганлиги учун берилган хайфсан ўқиб эшиттирилади.¹⁰ Бундай тарздаги қабул ҳар қандай турдаги келишувга йўл очарди, бу Жужан чорасиз бир вазиятдан чиқиб олгандай бир таассурот қолдиради.

Жужандаги қирғин. Чеуну Жужанни қутқариб қолиш учун нима қилиш керак бўлса, ҳаммасини қилди. Телеутларни тор-мор этгач, у ғарбда урушни давом эттирмади, эфталитлар билан битим тузди. Бу битим жужан маликаларининг эфталитлар аъёнлари ўртасидаги никоҳлари билан мустақкамланди¹¹. Шарқда эса жужанлар дидэуган деган манчжур қабиласига қарши биргаликда курашиш ҳамда Вэй хонадонининг Манчжуриядаги мавқеини сусайтириш учун Корея (Гао-Гюйли) билан тил топишди.¹² Турфон масаласи ҳам муваффақиятли ҳал қилинди. 518 йилда Турфон водийси аҳолисини

⁹ *Уша асар, 1 ж. 218-б.*

¹⁰ *Уша асар, 197-б.*

¹¹ *Уша асар, 200-б. Жужан-эфталит иттифоқи бунёд бўлишига эфталит подшолиги ва Вэй империяси ўртасидаги дўстона муносабат ҳалақит берган бўлса керак. 516-520 ва 526 йилларда эфталитлар элчилиги Жанубий Хитой – Лян империяси томон йўлланади ва бу музокараларда тобага қарши бир коалиция тузишга ҳаракат бўлган кўринади (К. Hannestad, Les relations de Byzance ..., 452-453-б).*

¹² *Н. Я. Бичурин. Собрание сведений..., 11 ж. 75-б.*

¹³ *Уша асар, 1 ж. 252-б.*

кўчириб, ички Хитойга жойлаштириш фикридан расман қайтилди ва Гаочан беклиги тан олинди.¹³ Турфонлиларнинг жужанлар билан савдосотиғи тўхтаб қолмаган бўлса керак, чунки Жужан муттасил равишда дон ва мато билан таъминланиб турган. Темир ашёларни эса уларга олтойлик қарамлари (вассаллари) туркутлар (турк-тукюлар) етказиб берган. Бироқ ўрданинг яхлитлиги бузилиб бўлган эди, Жужанга буддавийлик кириб улгурганди. Одатдагидек, буддавий миссионерлар биринчи навбатда хонни бузди, динига киритишди. Ўрдада “шамин”лар ва “ни”лар пайдо бўлишди (шамин – будда руҳонийлари, ни роҳибалар). Янги бир шароитда буддавийлик ақл бовар қилмас шакллари қабул қилди: роҳибалар қонуний эрли бўлиши хоннинг парвосини бузмади. Айни чоғда бу борада ахборот ниҳоятда кам бўлишига қарамай, айтиш мумкинки, буддавийлик бу ерда ҳаммага ҳам ёқиб тушмаган. Динда мухолифлик хон оиласида ҳам, лашкар ичида ҳам бор эди. Ҳар қачонгидан ҳам Жужан учун жипслик зарур бўлган бир вақтда келишмовчилик келиб чиқди. Жужаннинг 513 йилда Хитойга йўллаган элчилиги бошчиси Хунсюан деган шамин бўлиб, у “инжу билан қопланган бут”¹⁴ келтирди. Бу кўчманчилар тарихида руҳоний кишининг биринчи марта дунёвий вазифани ўташи эди.

Ундан ҳам бошқа қизиқарли воқеалар бўлиб ўтди. Жужан ўрдусида Дэу-хун диван деган ёш шаман қиз яшар эди. Унинг лақаби – “диван” форс тилида “фидойи” деган маънони ифода этарди. У арвоқлар воситасида азайимхонлик қилар ва даволар эди. Чеуну унга қаттиқ ихлос кўйган эди.¹⁵ Хитой йилномачиси уни лўттивоз ва фирибгар деб ҳисоблайди ва унинг фирибгарлиги ҳақида ҳикоя қилади, лекин бизга кераги бу эмас. “Чеуну уни жуда ҳурматлар, севарди, унинг гапига кириб, давлат идорасини издан чиқариб кўйди”.¹⁶ Хон ўрдасида бу жазманга нисбатан мухолифлар пайдо бўлди. 520 йилда Чеуну юришда бўлган кезде диванни хоннинг онаси буйруғи билан бостириб кетадилар. Чеуну қайтгач эса, онаси сарой аъёнлари билан тил бириктириб уни ҳам ўлдиришади, тахтга эса бошқа ўғли – Анахуанни ўтқазди.

Ўн йил ўтиб Чеунунинг хуни олинди. Хоннинг қариндошларидан Шифа деган кимса ўрдага ҳужум қилиб қўлга олди. Анахуан Хитойга қочишга улгурди, бироқ онаси ва укалари ўлдирилди. Анахуан Хитойдан шафқат сўраб юрган кезларда, унинг тоғаси Поломин тарафдорлар тўплаб Шифани мағлуб этди. Шифа Манчжурияда яшовчи дидэуган¹⁷ қабиласи даргоҳига қочиб борди ва у ерда

¹³ *Уша асар, I ж. 196 - б.*

¹⁴ *Уша асар, I ж. 197 - б.*

¹⁵ *Уша асар.*

¹⁶ *Н. Я. Бичурин. Собрание сведений..., II ж. 75 - б.*

Ўлдирилди. Поломин хон унвонини олди. 521 йилда эса уни қўзғолон кўтарган телеутлар енгди ва у ҳам қолган-қутган фуқаролари билан Хитойга кўчиб кетди. Жужан яна ҳалокат жари лабига келиб қолди.

Хитой ўз муддаосига етди: Жужаннинг ҳар иккала хони унинг қўл остида эди. Шимолдан келганлар “давлат чайқалиб қолгани, ҳар бир қабила ўзича яшаб, бир-бирларини пайт пойлаб талаши” ҳақида миш-мишлар олиб кела бошладилар.¹⁸ Талатўп ҳолатдан телеутлар фойдаланиб қолишди: азоблаб ўлдирилган Мивотунинг укаси Ифу Гаогуй давлатини тиклади ва 521 йилда Поломин Жужанини енгиб, уларни Хитойга ҳайдаб юборди.¹⁹ Ўша йилнинг кузида Анахуаннинг укаси Синиф бошчилигидаги гаогуйлардан енгилиб улар ҳам Хитойга қочади. Хитой ҳукумати муваффақиятларни мустаҳкамлашга қарор қилди. Поломинни ўз тарафдорлари билан Хитой ичкарасига – Кукунон қўли атрофига, кўпроқ ишонч қозонган Анахуанни бўлса чегарадан ташқарига – Дунхуандан шимолпроққа жойлаштирдилар. Уч нафар синглиси эфталит шохининг хотини бўлган Поломин ўша заҳотиёқ эфталитлар томон қочмоқни мўлжаллади. Аммо уни ушлаб қамадилар ва у қамоқда оламдан ўтди. Анахуан анча босиқ ва бардошли эди. 522 йилда у уруғлик учун 10 минг қоп тариқ сўраб олади, бироқ жужанлар уни еб қўйишган бўлса керакки, оқибатда кейинги йили очарчилик бўлиб, Хитой аҳолисини талайдилар. Ҳодисани аниқлаш учун юборилган хитой мансабдорини Анахуан тутуқлайди, қўли етган жойларни яғмо қилиб, бутун ўрду билан биргаликда шимолга кўчиб кетади. Ўша ерда хитойлик амалдор қўйиб юборилади. Анахуаннинг кетидан қувиш учун юборилган жазоловчи қисм қуруқ қўл билан қайтади.²⁰ Бу лол қолдирувчи жоғаро натижасида жужанлар омон қоладилар.

Вэй императорлиги шиддат билан парчаланиб, ҳар йили янги сиёсий вазият юзага келарди. 496 йилдаёқ хи (татабилар)²¹ исёнидан сўнг Фарбий Манчжурия қўлдан чиқарилди; Жанубий Хитойдаги Лян империяси жонланиб қолди, ниҳоят 524 йилда империянинг энг шимолида Во-йэ қалъасида бошланган исён учқуни аланга олиб шиддат билан тарқала бошлади. Анахуан бу қўзғолонни бостириш учун шайланди ва 525 йил баҳорида исёнчиларни тумтарақай қилди. Бу иши учун у “ҳар турли

¹⁸ *Ўша асар, I ж. 202 - б.*

¹⁹ *Ўша асар, I ж. 219 - б.*

²⁰ *Ўша асар, 204 - б.*

²¹ *Ўша асар, II ж. 73 - б.*

нарсалардан иборат” мукофот олди ва тўлиқ кечирилишга эришди. Навбат Гаогуйга етди. Телеутлар билан яккама якка қолган жужанлар уларни янчиб ташлади. Урушни давом эттиришга ҳаракат қилган Ифу ўз укаси Йуегуй томонидан ўлдирилди, бироқ 534-537 йиллардаги урушда ўзи ҳам тор-мор келтирилди. Ифунинг ўгли Биди эса амакисини ўлдириб, қаршилиқ қилаётганларга бошчилик қилди. 540 йилда Бидини жужанлар мағлуб этгач, Гаогуй давлат сифатида ер юзидан йўқотилди. Ўша кезларда Хитойдаги Вэй империяси ўзаро доимий уруш ҳолатида бўлган шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди. Бу шароитда Анахуан ҳал қилувчи куч бўлиб қолди, чунки уларнинг иккаласи ҳам унинг олдида хушомад қилишга мажбур қолдилар. Бу Жужан қонли шуҳратининг сўнгги нури эди.

Ургочи бўри аждодлари. Ўз насабини билиш ва ўрганиш Марказий Осиё халқларида азалий бир удум эди.²² Қизиғи шундаки, уларнинг аксарияти ўз асл-насабини у ёки бу жониворга тақарди. Жумладан, тибетликлар эркак маймун ва ургочи рақшаса (ўрмон руҳи)ни ўзларининг насаббошиси деб билсалар, мўғуллар бўз бўри ва ола кийикни, телелар бўри ва хун шанийуи қизини, турклар бўлса хун шаҳзодаси ва ургочи бўрини насаббоши ҳисоблардилар. Сўнгги икки афсона жуда қадим замонларда, яъни бу икки қавм ҳали буюк Гоби саҳросининг жанубий чеккаларида яшаб юрган чоғларда вужудга келган. Бинобарин, мифология муайян даражада сиёсат тарихи ва этногенез фактлари билан қувватланади.

Тобалар Шимолий Хитойни қўлга киритган палладаги қавм ва қабилалар орасида “Ашиннинг беш юз хонадони”²³ ҳам бор эди. Бу беш юз хонадон турли-туман уруғларнинг чапишиб кетишидан ҳосил бўлганди.²⁴ Уларнинг яшаш жойи Шенсининг ғарбий қисмида бўлиб, IV асрда хунлар ва санбийлар томонидан Хитойдан тортиб олинган эди.²⁵ Ашина уруғи Хэси (Ордоснинг ғарбий томони, Хуанхэ тирсағи ва Наншан оралиғидаги ерлар) ҳокими хун беги Муғанга бўйсунар эди. 439 йилда тобалар хунларни мағлуб этиб, Хэсини Вей

²² Рашид-ад-Дин, *Сборник летописей*, 153 - б.

²³ “Беш юз хонадон” мажозий маънода бўлиб “озгина” маъносини ифода этади (Л. Н. Гумилев, *Три исчезающих народа*, 105 - б).

²⁴ Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений...*, I ж. 221 - б.

²⁵ *Хитой тарихнавислигида бу давр “У-ху”, яъни “беш варвар қавми” деб аталади. Хитой ҳудудида кўчманчилар бунёд этган давлатлар адади ҳақида қаранг: Л. Н. Гумилев, Китайская хронографическая терминология в трудах Н. Я. Бичурина на фоне всемирной истории, Н. Я. Бичуриннинг “Собрание сведений по исторической географии Восточной и Средней Азии” китобида ҳам, 658-662-б.*

империясига қўшиб олгач, беш юз хонадонли Ашина беги жужанларга қочиб ўтади ҳамда Олтой тоғининг жанубий ёнбағирларида макон тутиб, шу ерда жужанлар учун темир қазиб, темир ускуналари тайёрлайдилар.²⁶

Тарихий матн бутун турк халқининг келиб чиқиши ҳақида ҳеч нарса демайди, у фақат унинг ҳукмрон уруғининг келиб чиқиши ҳақида сўзлайди. Туркларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ушбу ривоят афсоналардан холи. Афтидан Ашина ноаниқ сабабларга кўра кўплаб санбий ва хун беклари билан чиқишмаган қочоқлардан иборат тўда бошлиғи бўлган. Мана шундай кичик-кичик ҳарбий тўдалар ғалаёни III-V юзйилликларда кўплаб пайдо бўлган ва аксарияти изсиз йўқ бўлиб кетган, шунинг учун уларни давлат деб ҳисоблаб бўлмайди.

Хитойлар Ашина хонлари қўл остидагиларни *ту-кўу* деб аташарди. Бу сўзни П. Пельо *турк-ут* шаклида жуда аниқ тиклаган. “*Туркут*”нинг маъноси “турклар” демакдир, — *ут* турки эмас, балки мўғулча кўплик қўшимчаси. Қадимий турк тилида барча сиёсий атамалар мўғул тилидаги кўплик қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Бу эса бундай атамалар турки тил доирасига ташқаридан кирган, деган фикр уйғотади.

Турк сўзининг ўзи “кучли, мустаҳкам” маъносини англатади. А. Н. Кононов фикрига кўра, бу сўз жамловчи от бўлиб, бора-бора уруғлар жамбини ифода этувчи этник номга айланган. Бу уюшманинг илк тили қайси тил бўлишидан қатъий назар у тарих саҳнасига чиққан паллада — V юзйилликда унинг барча аъзолари учун тушунарли бўлган қабилалараро тил санбий, яъни қадимги мўғул тили эди. Бу тил ҳарбий буйруқлар, бозор ва дипломатия тили эди. 439 йилда Ашина Гоби саҳросининг шимолий чеккасига кўчиб ўтганда айнан шу тилда мулоқот қилинар эди.

“Ашина” сўзининг маъноси эса “бўри”дир. Туркичасига бўри тушунчаси *қашқир* ва *бўри* сўзлари билан берилади, мўғул тилида эса, *шоно//чинодир*. “А” хитой тилидаги ҳурмат ифодаси бўлган олд қўшимчаси. Демак, “Ашина” дегани “олижаноб бўри” деганидир.²⁷ Ушбу сўзнинг хитойлашмаган шакли ўша кездеги араб матнида “шанэ” шаклида учрайди.²⁸

Бизнинг ҳозирги билимимиздан келиб чиққан ҳолда ашина хонларининг — тотемчи эканлигини аниқлаш қийин,²⁹ бироқ VI аср

²⁶ Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений...*, I ж. 221 - б.

²⁷ Д. Н. Гумилев, *Три исчезающих народа*, 104-105 - б. *Адабиётлар ҳам келтирилган.*

²⁸ Magoudi, *Les prairies d'or*, 289 - б.

²⁹ J. Houson, *Turks and wolves*, 1-22 - б. (*Алоҳида босим*).

турклари учун “бўри” тушунчаси жуда катта аҳамият касб этганлигига шубҳа йўқ. Хитойлик муаллифларнинг турк халқларининг қарашига таянган ҳолда таъкидлашча, “турк хони” ва “бўри” тушунчалари синоним бўлган. Санбий маликаси эри бўлмиш Шаболио хон гўғрисида гапириб “хон ўз хусусиятларига кўра бўридир”³⁰ дейиши бежиз эмас. Туркларга қарши ҳужум қилиш низомида эса: “бундайларни меъёрида истеъмоқ қилмоқ керак, кўчманчиларни қувиб, бўриларга ҳамла қилиш лозим” дейилади.³¹ Турк байроқларига бўрининг олтин калласи зеб бериб турган³² ва ниҳоят, туркларнинг келиб чиқиши ҳақидаги икки ривоятда асос деб ургочи бўри олинган.³³ Бир-биридан бироз фарқ қилувчи бу икки ривоятда энг муҳими, тарихан бўлиб ўтган воқеа – ашина уруғининг Гансудан кўчиб келганлигига ўрин берилмаган. Шундан келиб чиқилса, бу ривоятлар келгинди бўлмиш бу уруғни мазкур ерларда ҳаққи борлигини асослаш учун Олтойга кўчгач, махсус тўқилган бўлиши мумкин.

Биринчи ривоятнинг эътиборли томони шундаки, унда Хун хонадонига Ғарбий ўлкадан ғарбгача тегишли эканлиги, яъни Аттила давлати ҳақида ҳам хабардорлик маъноси бор... Бу хонадон кўшни қаттоллар томонидан бутунлай қириб ташланади, фақат душманлар оёқ ва қўллари кесиб ташланган тўққиз яшар болани ботқоқда қолдириб кетадилар. Бола жароҳатларидан омон қолиб, бўри билан қовушади. Душманлар қайтиб келиб болани ўлдиришади. Бўри эса Олтой тоғларига қочиб бориб у ерда ўн нафар бола туғади. Насллари кўпайиб ва бир неча авлод ўтиб Асян-ше деган кимса бутун уруғи билан ғордан чиқади ва жужанларга ўзларини вассал тутадилар”. Шундай қилиб, ушбу ривоят бўйича, Олтойдаги турк-туқйулар (туркутлар) ғарбий хунлардан тўғридан-тўғри эмас, афсонавий тарздаги ургочи бўри воситасида тўраган бўлиб чиқади. Агар ғарбий хунлар 468 йилда қувғин қилиниб қириб ташлангани, турклар эса 545 йилда халқ сифатида тарих саҳнасига чиқиши ҳисобга олинса, ажабланидиган томони кўпайиб, авлодлар алмашилишининг суръати тезлиги ҳайратланарли бўлиб қолади!

Иккинчи ривоятга биноан турклар маҳаллий Со уруғидан, бироқ улар ҳам ургочи бўри воситасида бунёдга келади. Со уруғининг

³⁰ Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений...*, 1 ж. 237 - б.

³¹ *Уша асар*, 290 б; E. Chavannes, *Dokuments...*, 61 - б.

³² Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений...*, 1 ж. 229 - ,&

³³ *Уша асар*, 200 ва давоми; S. Julien, *Dokuments...*, 327-328 - б; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 5

барча аъзолари “ўзларининг ахмоқлиги туфайли” ҳалок бўлади (ахмоқлиги қанақа эканлиги айтилмайди), фақат урғочи бўридан бўлган тўрт набираси ҳаёт қолади. Тўнғичи оққушга айланади, иккинчиси Цигу номи билан Абу ва Ган дарёлари оралигида макон тутади, учинчи ва тўртинчилари жанубий Олтойдаги Чуси (Чуе) дарёси соҳилига ўрнашадилар. Бу ривоятни Н. А. Аристов таҳлил қилиб, ривоятдаги Со билан шимолий Олтойдаги Бие дарёси ҳавзасида яшовчи ҳозирги кумандиларнинг Со уруғини чоғиштирган. Биринчи набирани Ку-кижи қабиласи билан иккинчисини Абакан (Абу) ва Енисей (Ган-Кем) оралигида яшовчи қирғизлар билан боғлайди. Тўнғич ўғилнинг набираси аввалги ривоят бўйича Асян-шедир. Мана шу нуқтада ҳар икки ривоят уланиб кетади.³⁴

Мўғул Олтойининг тоғолди минтақалари хунлардан таркаган турки тилда гаплашувчи қавмлар томонидан макон тутилган бўлиб, мазкур қочоқлар ҳам шу ерга келиб қолган эди. Мана шу туб аҳоли билан Ашина бегининг тўдасидагилар аралашиб кетади ва чатишма номини “турк” ёки “туркут” бўлишига олиб келади.

Бу сўзнинг тақдири бизнинг мавзумиз учун шу даражада муҳим ва зарурки, унга алоҳида эътибор беришга тўғри келади. *Турк* сўзи 1500 йил давомида бир неча бор ўз маъносини ўзгартирган. Айтилганидек, V асрда Ашина бек теварагида уюшган Ўрда ва VI-VIII асрларда таркиб топиб, турли тилда гаплашган кичик бир халқ турк деб аталган. Араблар Ўрта ва Марказий Осиёнинг барча кўчманчи аҳолисини, тилидан қатъий назар турк деб атаганлар. Улар орасида биринчи бўлиб Рашидиддин, тил хусусиятларини ҳисобга олган бўлса керак, турк ва мўғулларни фарқлай бошлади. Ҳозирги кунимизда эса “турк” атамаси фақат лисоний тушунча бўлиб, унда на фақат этнографияси, балки келиб чиқиши ҳам ҳисобга олинмайди (айрим турки тилли халқлар бу тилни қўшниларида мулоқот жараёнида ўзлаштириб олганлар). Атама бундай тарзда ҳар хил қўлланган ҳолда аниқликлар киритиш талаб этилади. Китобимизда тарихи тасвир этилаётган халқ, чалкашлик келиб чиқмаслиги учун, VI асрда жужан ва хитойлар атагани каби туркут деб номланади.³⁵

Мазкур Ашина номи билан бирлашган беш юз хонадоннинг келиб чиқиши қандай ва қанақа бўлишидан қатъий назар, аскарий муваффақият эпкинни уларни Хитойдан Олтойга судрагунча, улар ўзаро мўғул тилида алоқа қилганлар. Юз йил давомида турки тил

³⁴ Н. А. Аристов, *Заметки...*, 5 - б.

³⁵ Бу шартли атамани биз 1959 йилда таклиф этганмиз (*Қаранг: Л. Н. Гумилев, Алтайская ветвь...*, 105 - б; М. И. Артамонов, *История Хазар*, 104 - б).

муваффақият эпкини уларни Хитойдан Олтойга судрагунча, улар ўзаро мўғул тилида алоқа қилганлар. Юз йил давомида турки тил муҳитида яшаш сўзлашув нутқини тезлик билан алмашинишига олиб келган кўринади, чунки “беш юз хонадон” турк денгизи учун бир томчи сувдай эди. Шунини эсда тутмоқ лозимки, VI юзйиллик ўрталарига келиб Ашина уруғи аъзолари ва уларнинг ҳамроҳлари тўла турклашиб бўлган ва ўтмиш мўғул тиллиликдан фақат унвонларидагина асорат қолган эди.

Юқорида айтилганлардан аниқ кўриниб турибдики, турки тилли бўлиш ва ўзларини *турк*//*туркут* деб атаган халқнинг келиб чиқиши бошқа-бошқа ҳодисалардир. Ҳозир турки деб аталувчи тиллар жуда қадим замонларда таркиб топган³⁶, “*туркут*” деган халқ эса Олтой ва унинг тоғолди минтақасига хос бўлган ўрмончўл майдонида этник аралаштириш натижасида V аср охирида бунёд бўлди. Келгиндиларнинг маҳаллий аҳоли билан чатишиб кетиши шу даражада эдики, юз йилдан кейин – 546 йилда қадимги турки ёки туркут деб аталувчи ягона ва яхлит халқ дунё юзини кўрди.

Турки тил доираси эса ўша замонлардаёқ, Олтойдан анча олис ғарбий ўлкаларни қамраб олиб, у ерларда гузлар, қанглилар, бажинак (печенег)лар, қадимги булғорлар ва гуннлар яшар эдилар.

III боб

АШИНА УРУҒИНИНГ БУЮК ДАВЛАТ БУНЁД ЭТИШИ (545-581 й.)

Қадимги турклар (туркутлар) тарихининг бошланиши

Ҳар бир халқнинг тарихий илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалса-да, барча даврлар тарихчилари халқнинг вужудга келганлигини муайян санадан (албатта, ўз фикрига кўра) бошлашга интиладилар. Жумладан, римликларнинг тарихи боши жуда бир шартли бўлиб – Рим шаҳри асосланишидан, араблар Муҳаммаднинг Маккадан Мадинага ҳижрати – аниқ тарихий фактдан, рус йилномачилари 862 йилни танлаб олиб, рус тарихини шундан бошлашига кўникдилар, француз йилномачилари бошланиш деб Хлодвиг Меровингни олишса, тарихчилари Огюстен Тьерри ташаббуси билан Буюк Карл империяси бўлинган сана – 843 йилни оладилар. Туркутлар учун ана шундай сана 545 йилдир.

³⁶ Н. А. Баскаков, *Тюркские языки*, 30 - б.

¹ Н. Cordier, *Histoire generale...*, 356 - б.

Шимолий Хитойда янги уруш авжида.¹ Шарқий Вэй империясининг ҳукмдори Гао Хуан Жужан хони Анахуан ва Тогон шоҳи Куалуй² билан иттифоқда Фарбий Вэй империясига ҳужум қилиб, рақибни Йуйвин Тайни сиқиб қўядилар. Фарбий Вэйнинг императори Вэн-ди ўзига тарафдорлар излайди ва дўстлик муносабатлари ўрнатиш ниятида Ан Нопанто³ деган кимсани турк беги Бумин⁴ ҳузурига йўллайди.

Туркутлар даргоҳига 545 йилда⁵ етиб келган вакилни бу ерда яхши кайфият билан кутиб оладилар. “Ўрдада ҳамма бир-бирини табриклар, бизга буюк давлатнинг вакили келди, энди бизнинг салтанатимиз ҳам тезда гуркираб кетади,” дейишарди. Ушбу арзимас бир воқеа шуни кўрсатадики, жужанлар ҳукмронлиги туркутлар учун оғир кечган ва озодлик учун курашишдан улар чўчимаганлар.

Халқининг ҳўжаси бўлмиш жужан хонининг райига қарши, лекин халқ истагига мувофиқ равишда Бумин Фарбий Вэйнинг пойтахти Чанъанга совға-саломлар билан жавоб элчилиги юбориб, ҳўжайинининг душмани билан иттифоқни мустаҳкамлайди. Аммо бу жужанлар билан муносабатнинг узилишига олиб келмайди, зотан, музокаралар ниҳоятда махфий олиб борилган кўринади. Бу элчилик туркут давлатининг Фарбий Вэй ва унинг ворислари бўлмиш Бэй-Чжоуларнинг Шимоли-Шарқий Хитойга (бу ерда 550 йилдан Бэй-Ци сулоласи ўрнатилди) қарши курашида иттифоқдош сифатида чорак асрлик сиёсатини бошлаб берди. Жаҳон сиёсатига кириб борар экан Бумин ҳам ўзи хирож тўлаб турадиган жужанларга қарши жангга киришга анча ожизлик қилишини англади. Бумин бир пайтнинг ўзида иттифоқдошлик ва вассаллик

² Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 85 -б.

³ Ан Нопантони “Цзю-Цюанлик кўчманчи мусофир” (Н. Я. Бичурин, *Собрание Сведений...*, 1 ж. 228-б.) яъни Хесилик деб аталганлар. Бу ердан бундан 100 йил мукаддам Ашин ўрдаси чиққан эди. Манбада унинг наслий келиб чиқиши бежиз таъкидланган эмас. Юборилган инсон туркутлар тилини биладиган бўлган, демак, Ашин ўрдаси ўзининг илк ватани билан алоқаси узилмаган.

⁴ Урхун тошбитикларида уни Бумин қогон деб атайдилар (Г. Е. Гржимайлонинг “Историческое прошлое Бэй-Шаня” СП 1898, ЗВОРАО, х|ж., 1898, 358-б. асарига тақризи)да В. Бартольд ва Т. М. Мелиоранскийлар “Памятник в честь Кюль-Тегина, 64-б., 94-95 б., уни Истамихон билан бир шахс деб ҳисоблашга уринганлар. Бироқ Томсен (Thomsen, *Inscriptions de l'Orkhon...*, 95-б), Маркват (J. Marquart, *Historische J. Lossen*, 1851), Аристов (Заметки..., стр. 9) ва Грум-Гржимайлолар (Западная Монголия..., стр. 219) улар хитой манбаларидаги Илхон Тумин ва Шетемчи деб аталадиган икки ога-ини эканлигини ажойиб бир тарзда исбот этдилар.

⁵ S. Julien, *Documents...*, Jol. 3, 329. Н. Я. Бичурин 535 йилни кўрсатган, бироқ бу санани империя эндигина парчаланган бўлиб, кучлар муносабати ҳали ноаниқ бўлганлиги учун ҳам унча тўғри деб бўлмайди. Санани 545-й. деб Liu Mau-tsai (*Die chinesischen Nachrichten...*, 6-б) кўрсатган.

Фарбий телелар Жужан ҳукмронлиги остида ниҳоятда мушкул ҳолатга тушиб қолишган эди. Ниҳоят уларнинг сабр косаси тўлди, кўзғолон кўтарилди, Фарбий Жунгориядан жужанлар юрагига зарба бериш учун Халха томон юрдилар. Юриш шу даражада ёмон ташкил этилган, вақт шундай бир ноаниқ ҳисобланган эдики, режали ташкилланган урушдан кўра, кўпроқ саросимага тушган оммининг табиий бир кўтарилишига ўхшарди. Кўзғолон раҳбарларининг номлари ҳам тарихда сақланмаган. Телелар ҳали йўлнинг ярмида эканлар, Гоби Олтойи дараларидан тўртбурчак зирҳли совутларда ўткир найзалар тутган, яхшилаб боқилган отларда саф тортган туркутлар пайдо бўлдилар. Телелар ёндан бериладиган зарбани кутмагандилар, бунинг устига уларга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган туркутлар билан жанг қилиш хаёлларига ҳам келмаганди. Шунинг учун улар ҳеч иккиланмай, Буминга тўлиқ тобелик билдирдилар. Бумин тобеликни қабул қилиш билан иккинчи бор жужанларнинг раъйига қарши иш тутди.

Даштда бўйинсуниш икки томонга мажбурият юклайдиган тушунча. 50 минг ўтовни⁶ ўз ҳукмида сақлаш учун ўша ўтов аҳлининг истагига биноан иш тутмоқ лозим.

Телелар бир нарсани — жужанларни йўқ қилишни истарди, уларни ўз ўрдасига қабул қилар экан, Бумин буни билган бўлиши керак. Айни чоғда буни унинг қабиладошлари ҳам хоҳлашгани учун урушдан чекиниб бўлмас эди. Қўл остидагиларнинг истак-хоҳиши хоннинг ҳам истаги билан уйғун эди, шунинг учун воқеалар шиддатли кечди.

Жужаннинг тор-мор этилиши. Жужанлар билан ихтилоф келтириб чиқаришга интилиб, айни чоғда, айбдор бўлиб қолмаслик учун Бумин айёрлик йўлига ўтди. Жужан хони Анахуанга мурожаат қилиб маликани хотинликка сўради. Дашт одати бўйича, маликага уйланса, хон билан мавқеи тенг бўларди, хон эса ўз мавқеини йўқотадиган бундай таклифга рози бўлмасди. Хон қаттиқ ғазабланиб кўпол жавоб қайтарди: “Эй менинг темир эритувчим (туркутлар жужанлар учун темир эритишарди), сен қандай қилиб менга бундай таклиф билдиришга журъат этдинг”.⁷ Рад жавоби билан Бумин

⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание Сведений...*, I ж. 228 - б. Грумм Гржимайло жужанларга қарши турганлар “парпурумлар” бўлса керак деб талқин қилади (*Западная Монголия...*, 220 - б), бироқ чодирлар миқдори Д. Позднеева (*Исторический очерк уйгуров*, 38-39 - б) келтирган Марказий Осиёда яшаган телеларнинг жами аҳолиси миқдори билан тенг келади. Шунинг учун Бумин жужанлар ҳалокатидан кейин Байкал ва Керуленгача тарқалиб кетган ва ўша вақтгача Жунгорияда яшаб келган теле қабилалари иттифоқини бўйинсундирган деб ҳисоблаш даркор.

⁷ Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений...*, I ж. 228 - б.

таҳқирланди-ю, аслида Буминга ҳам шу керак эди. Ярашиш йўлларини кесиш учун у Жужан элчисини дорга осишга фармон берди, шунда Фарбий Вэй хонадони билан иттифоқлик иш берди. Вен-ди билан музокараларни тезда тиклади ва 551 йил ёзида Хитой маликаси Чанлени хотинликка олди, бу унинг даштдаги қўчманчилар орасида обрўсини кўтариб юборди. Бумин 552 йил қишида жужанлар устига юриш қилди ва ҳужумни тўсатдан уюштириши натижасида жужанлар устидан тўла ғалабага эришди. Анахуан ўзини ўлдирди, унинг ўғли Янлочен иттифоқдошлари билан ҳузурига⁸ қочиб борди.

Бумин “Элхон” унвонини қабул қилди, бироқ 552 йил охирида вафот этди. Тахтга унинг Қора Иссиқхон унвонини олган ўғли ўтирди.⁹

Туркутлар томонидан тўсатдан¹⁰ мағлуб этилган жужанлар ўлган хони ўрнига унинг амакиси Диншуцзини кўтариб, курашни давом эттирдилар. Бироқ Лайшан тоғи ёнида бўлган жангда яна туркутлардан енгилдилар. Узоққа чўзилмаган бахтига қарши Қора Иссиқхон сирли равишда ўлади, унинг ўғли Шету¹¹ тахтдан четлатилиб, ўрнига Қора Иссиқхоннинг укаси Кушу Муғанхон лақаби билан ўтиради.¹²

Янги хон қатъиятли, шафқатсиз, жасур, ақлли бўлиб, жангдан бошқа нарса билан қизиқмас эди.¹³ 553 йилнинг кеч кузида у жужанларни яна мағлуб этди. Ци императори ўзининг бахти қаро иттифоқдошларини қаноти остига олиб, қувиб келаётган туркутлар шаштини қайтарди.¹⁴ Бироқ жужанлар Хитойда яшашга кўника олмадилар. Мол-мулкидан ажралган, меҳнат қилиб яшашга ўрганмаганликлари учун қароқчилик йўлига ўтдилар ва Ци ҳукуматининг 554 йил кўкламида уларга қарши кўшин жўнатишдан бошқа чораси қолмади. Жужанлар енгилдилар. Лекин бу уларга сабоқ бўлмади, 555 йил ёзида Ци императори уларни ўз худудидан дашт томон ҳайдаб юборди. Бу ерда эса жужанларни шу кездеёқ туркутлар ва киданлар янчиб ташлади.¹⁵

⁸ S. Julien бошқачароқ таржима қилган: Анахуан ўғли Янлочени ўзи ўлдирди ва Цига қочиб кетади (Documents..., vol. 3, 330-б.) бироқ Гань-му (Иакинф тажжимасидаги “История Китая”га қаранг) Анахуан ўзини ўзи ўлдирди деб хабар беради.

⁹ Қоло Исигихон.

¹⁰ S. Julien, Documents..., vol. 3, 330-б.

¹¹ Ўша асар, 57-б.

¹² Бу хоннинг исмлари турлича: жониворлар билан боғлиқ: Цзушу (Қушу-қуш); қариндошлик исми: Сигин (Йэгин- набира, жиян); лақаб: Янди (енгди-ғалиб); унвонли исми: Муйўй ёки Мугонхон. Биз энг сўнги исмини, яъни илмий адабиётда кенг қўлланиб, кенг тарқалганини ишлатамиз (қаранг: S. Julien, Documents..., vol. 3, 331-б).

¹³ Н. Я. Бичурин. Собрание сведений..., I ж. 229-б.

¹⁴ Иакинф Бичурин, История Китая.

¹⁵ Liu Mau-tsai, Die chnesischen Nachrichten..., 35-б.

Диншуцзи ўрдасининг қолган-қутгани билан Фарбий Вэйдан бошпана излади, аммо бу ердагиларда Ци империясига қарши курашиш учун иттифоқдошга — туркутларга муҳтожлик бор эди. Шунинг учун туркут элчисига уч минг оёқ-қўли боғланган жужанларни тортиқ қилишди. Элчи барча вояга етган асирларнинг калласини олишни буюрди, айна чоғда “болалар ҳамда бекларга эргашиб келган хизматкорларга” шафқат қилди.¹⁶ Жужанлар тугатилди ва туркутлар Буюк даштнинг шимолий қисмида якка хўжайин бўлиб олдилар. Жужанларни қиргин қилишдаги хизматлари учун туркутлар Вэй Фарбий империяси билан ўша 556 йилнинг ўзидаёқ ҳисоб-китоб қилдилар. Жужанларнинг каллалари Чанъаннинг шарқий дарвозаси олдида думалаётган вақтда, туркут-хитой бирлашган қўшини Тогонга бостириб кирдилар, унинг аҳолиси Наншан тоғларидан паноҳ топишга мажбур қилинди.¹⁷ Голиблар Куалуй хоннинг қароргоҳи жойлашган Куунор теварагидаги Шудун шаҳарчаси ва Хэмчен шаҳарчасини эгаллаб олдилар. Кейинги йилда тогонлар Хитой ерларига ҳужум уюштириб қасдини олмоқчи бўлдилар, бироқ қалъани қўлга кирита олмай, чекинишга мажбур бўлишди. Шимолдан киданларнинг (553 й.¹⁸), жанубдан Лян шоҳлигининг ҳужумларини (555 й.¹⁹) қайтаришга бор кучини сарфлаб силласи қуриган Ци империяси ҳалок бўлаётган иттифоқдошларига ҳеч қандай кўмак кўрсата олмай қолди. Йуйвин Тайнинг ўғли Йуйвин Цзю муваффақиятлардан илҳомланиб наслийлик удумини четга суришга журъат этади ва Вэй сулоласининг сўнгги императорини тахтдан воз кечишга мажбур этиб, ўзи тахтга ўтиради ва янги ўз сулоласини Бэй-Чжоу деб атайди.

Шарқдаги уруш. Жужанларни бир ёқлик қилиб туркутлар бошқа кўчманчи қўшниларига қарши жиддий ҳаракатлар бошлашди. 554 йил кичик бир бекликдан империя яратилган йил бўлди. Шимолдаги Цигу давлати босиб олинди. Хитойлар “Цигу” деб қирғизларними ёки чикларними²⁰ атагани маълум эмас, туркутлар Саянни ошиб ўтолмаган бўлсалар-да,²¹ Муған хон шимолий чегараларини ўша вақтдан бошлаб анча мустаҳкамлаб олди.

¹⁶ Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений...*, I том. стр., 208


¹⁷ Иакинф Бичурин, *История Тибета*, 85

¹⁸ Н. Cordier, *Histoire generale*, стр. 359

¹⁹ Иакинф Бичурин, *История Китая*.

²⁰ Г. Е. Грумм-Грижимайло, *Западная Монголия...*, стр. 222, 311

²¹ Қаранг: J. Vassot, *Reconnaissance...*, стр. 146 *Тибет матиларидаги Зама каган ёки Зама мўжиз деган номлар Пельонинг зўжолик билан аниқлашича Мунгўхондир (Яна ўша ердаги 151-бетги қаранг). “Зама” деган исм “Ўзмиш” бўлиши мумкин эмас, чунки у кўк*



VI аср охирларида Туркут салтанати

Ўша вақтларда шарқда уч қавм: хитойлар хи деб атайдиган татаблар, киданлар ва хитой географларида Шивэй²² деб номланувчи ўттиз татарлар яшар эди. Учала халқ ҳам мўғул тилининг шеваларида гаплашадиганлар бўлиб, турмуши, маданияти яқин бўлишига қарамай, муттасил ўзаро уруш ҳолатида эдилар. Татаблар Хинганнинг ғарбий ёнбағрида макон тутиб, Бэй-Ци²³ билан иттифоқдош бўлиб келган. Киданлар Ляохе дарёсининг шимолидаги Манчжуриянинг чўл минтақасида яшаганлар. Улар татаблар билан доимо урушиб келган ва ўз-ўзидан Бэй-Ци билан чиқиша олмасди. 553 йилда Бэй-Цининг императори Вэй-ди киданларни тор-мор келтириб, бу қавмнинг катта қисмини бўйсундирди. Қолган қисми ё Когурио (Корея)²⁴га қочди ёки ўша кезларда Сарик денгиз ҳавзасигача етиб борган туркутларга таслим бўлдилар.

Киданлар устидан қилинган ғалаба Бэй-Ци давлатини кучайтирмади, аксинча, унинг ташқи сиёсий ҳолати ёмонлашди, чунки шимолда у туркут чегараларига тақалиб келган эди. Санбийларнинг қолган қисмини шафқатсиз равишда қириб ташлаш, буддизмни очиқчасига қўллаб-қувватлаш жуда катта ҳаражат талаб этиб, ташқи душманга қаршилиқ қилиш салоҳиятини заифлаштирди. Айни чоғда туркутлар билан иттифоқ бўлганлиги, ўз аскарий табақасига суянганлиги учун ҳамда будда ва даос роҳибларига пул ҳаражат қилмаганлиги боис Бэй-Чжоу тобора мустаққамланиб, кучайиб борди. 579 йилда император У-ди буддизм ва даосизмни ман этиш ҳақида буйруқ берди, Хитойнинг VIII Ҳенриси бўлмиш бу император “Само насли” унвонини олиб, тахтининг икки томонига Будда ва Лао-Цзи ҳайкаллари урнатади ва улар ўртасига ўтириб, итоатидагиларнинг таъзимини²⁵ қабул қилади. Бу билан у динни ҳамманинг кўз-ўнгида обрўсизлантормоқчи бўлади. Чжоу империяси Ғарбий Осиёда ҳам машҳур бўла бошлайди, бу ердаги турли ҳукмдорлар у билан алоқа ўрнатишга интиладилар. 553 йилда эфталитлардан²⁶, 555 йилда Эрондан²⁷ элчилар келишади. Тогонлар яна бир бор фақат

туркларнинг охири хони бўлиб, ўзининг икки йиллик ҳукмдорлиги вақтида (742-744) шимолга юриш қилган эмас (J. Clousson, A propos du manuscrit..., 13-6) “Зама” сўзи “озма” деб ўқилса (“оз” феғлининг бўлишсиз шакли) “йўлдан озмайдиган” маъноси чиқади. Бундай сифатловчилар туркут хонлари унвонлари ва лақабларида кўп учраб туради.

²² Л. Л. Викторова, *К вопросу о расселении монгольских племен...*

²³ Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений..., II ж. 73-б.*

²⁴ *Уша асар, 75-б.*

²⁵ Liu Mau-tsai, *Die chinischen Nachrichten...*, 36-б; H. Cordier, *Histoire generale...*, 269-б.

²⁶ Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений..., II том. стр., 73*

²⁷ *Уша асар, 266-б.*

чжоуларнинг ўз кучлари билан мағлуб этилгач, 559 йилда Гаочан (Турфон)дан,²⁸ 561 йилда Кучадан,²⁹ 564 йилда Карашардан³⁰ элчилар ташриф буюришади.

Бэй-Чжоу империясининг асосий мақсади шарқий Бэй-Ци империясини янчиб ташлаш эди, лекин бу империя ички манбаларидан оқилона фойдаланадиган бўлсагина, мустақиллигини тўла сақлаб қолиш имконига эга эди. Масаланинг ечими туркут хони кимнинг томонини олишига боғлиқ эди. 561 йилда ҳар икки томон император Муғанхонга элчилар жўнатиб маликани ўзларига сўрашадилар. Бой Бэй-Цининг туҳфа-совғалари масалани ҳал этишга бир баҳя қолганида, Чжоу элчиларининг дипломатик усталиклари Муғанхонни иттифоқдошлик битимига содиқ қолишга мажбур этади.³¹ У совға-саломни қабул қилмай, қабул қилинмаган бойликнинг ўрнини ҳарбий ўлжа билан қоплашга қарор берди.

563 йилда иттифоқдошлар қўшинлари Цзинян шаҳрини қамал қилдилар, бироқ қамални охирига етказа олмадилар ва туркутлар ўша ерларни талаб, қадрдон даштига қайтдилар. Кейинги йилги юришда эса Лоян ёнида³² Чжоу лашкарининг бири цилардан гули мағлуб бўлиши Муғанхоннинг ўз қўшинини орқага қайтаришга мажбур этди. Ушбу муваффақиятсизликларга қарамай, Ци томонидан таклиф қилинган иттифоқ тузиш ҳақидаги таклифни рад этди. Бунинг сабаби иттифоқдошлик битимига биноан Чжоу империяси ҳар йили туркутларга тўлаб турадиган 100 минг парча ипак матолардир, деб билмоқ керак.

572 йилда Муғанхон вафот этди. Унинг вориси ва укаси Тобохон Чжоу империяси билан мулоқотни тўхтатмай, Ци империяси билан битим тузади. Чжоу империяси бериладиган тўловдан юз ўгиришга журъат этган чоғида туркутларнинг бир марта ҳарбий намоёиш ўтказишининг ўзиёқ ваъдага вафо қилиб, тўловларни вақтида тўлаш мажбуриятини қайта бўйнига олишга етарли бўлди. Ци империяси эса, туркутларнинг босқинидан қўрқиб, тинчлик учун туҳфалар бериб, хазинасининг баракасини учирди. “Бизга жанубдаги икки бола (Чжоу ва Ци) итоатда бўлса бас, камбағалликдан қўрқмаймиз”³³ дерди Тобохон.

²⁸ *Уша асар*, 266-б.

²⁹ *Уша асар*, 266-б.

³⁰ *Уша асар*, 266-б.

³¹ Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений...*, 11 ж. 232-б. S. Julien. *Documents...*, Vol. 3., 337-б. Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 20-б.

³² Иакинф Бичурин, *История Китая*.

³³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж. 233-б.

Ци империяси билан иттифоқ туркутларнинг Хитой билан маданий мулоқотига йўл очди. Тобохон қароргоҳида буддавий роҳиблар пайдо бўлди ва хонни ўз динларига киритди. Будда ташвиқотчилари буддизмнинг бошқа динлардан устунлигини жўнгина қилиб исботлар, Будда қонунларига амал қилган Ци империясининг бойлиги ва қудратини далил келтирар эдилар. Сал кейинроқ Ци империясининг енгилиши туркутларнинг буддизмга бўлган ҳурматига путур етказди ва Суй сулоласи тахтни эгаллагач 581 йилда буддавийлар Хитойга қайтиш зўрида қолдилар.³⁴

576 йилда чжоулар циларни мағлуб этиб, Пхинъян шаҳрини эгаллашга муваффақ бўлдилар. Цилар шаҳарни қайтариб олишга уриниб кўришди, бироқ омад чопмади ва Ечен шаҳрида қамалда қолган император, ушбу шаҳарни таслим қилишдан олдин Гао Юан-цзун фойдасига тахдан воз кечди, 577 йилда Гао Юан-цзун ҳам асир олинди.

Тор-мор этилганига қарамай, Тайюан шаҳрилик Гао Бао нин³⁵ деган киши йиқилган сулоланинг серғайрат ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди. 576 йилдаёқ, ҳали мағлубиятдан олдин у ҳозирги Чахар ўрнидаги Инчжоу чегара қалъасининг қутволи этиб тайинланган эди. Қисқа муддат ичида Гао Бао нин нафақат хитойларнинг, балки кўчманчиларнинг ҳам ҳурматини қозонди. Бу ҳолат мағлубиятдан кейин унинг мустақил иш юритишига имкон яратди. Гао Бао нин субутсиз сиёсий шуҳратпараст эмасди, унда Шимолий Хитойни қайта тикланиши учун зарур бўлган бурчга садоқат, ватанпарварлик, курашда қатъият каби ахлоқий хислатлар мужассам эди. У ғолибларнинг эҳтиром билан таслим бўлиш таклифини рад этди ва ўзини Ци сулоласининг туркутларга қочиб кетган сўнги вакили Гао Шао-ининг тарафдори деб эълон қилди. Мана шу хизмати учун унга канцлер рутбаси берилди (бу мансабни эгаллай олиш имкони йўқ эди, албатта). Бэй Чжоунинг ҳаддан ташқари кучайиб кетишидан ўзича ҳадиксираган туркут хони мағлуб бўлган сулола томонини олди. Бу иттифоққа ўз императорига қарши исён кўтарган, Фанъянда³⁶ (Пекин теварагида) мустақкам ўрнашиб олган саркарда Люй Чжан цзи ҳам қўшилди.

Гао Бао нин қўл остидаги барча кучларни тезда сафарбар қилиб, Гао Шао и тарафини олди. Бироқ у кечикди. Унинг лашқари энди Ляохе дарёси қирғоқларига етганда, Фанъян вайрон қилингани ва қўзғолон бостирилгани ҳақида хабар келди. Гао Шао и туркутларга қайтди, Гао Бао нин ўз вилоятида мустаққамланиб олди.

³⁴ Liu Mau-tsay, *Die chinesischen Nachrichten...*, 36-37-б.

³⁵ *Ibid.*, 31-32-б.

³⁶ Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений по исторической географии...*, 17-б.

Бэй Чжоу учун энг даҳшатли душман туркутлар бўлиб чиқди. 578 йилда Тобохон Хитойга бостириб кирди ва Чжоу қўшинини қириб ташлади. 579 йилда бошланган музокаралар тўхтатилиб, давом эттирилган ҳарбий ҳаракатлар туркутларга зафарли бўлди. Аммо Хитой элчиси совға-саломлар билан Тобохонни ўзига ағдариб олишга муваффақ бўлади ва 580 йилда тинчлик битими тузилиб, унга биноан Гао Шао-и Чжоу давлатига топширилиб, пойтахти Чанъанга келтирилади. Гао Шао-и Сичуанга сургун қилинади ва ўша ерда оламдан ўтади.³⁷

580 йил туркут қудратининг чўққига кўтарилган йили бўлди. 581 йилда Тобохон вафот этади. Хитойда Чжоу сулоласини ағдариб, Суй сулоласига асос солган ҳарбий генерал Ян Цзян туркутларни ўлгудек ёмон кўрарди, бу ўз навбатида сиёсий вазиятни ўзгартириб юборди. Ўз душманларидан анча кўп яшаган Гао Бао нин Чажарда мустақил бек бўлиб қолади ва туркут хонлари билан иттифоқда яшайди.³⁸

Ғарбдаги уруш. Шарқий чегараларда фаоллик кўрсатаётган туркутлар айна чоғда ғарбга ҳам юришлар уюштириб турардилар. Афсуски, бу ниҳоятда муҳим воқеалар манбаларда етарлича ёритилган эмас, бироқ, шунга қарамай, воқеалар жараёнини умумий тарзда баён қилиш мумкин.

Ғарбга ҳарбий юришларни Буминнинг укаси Истами қоон бошқарган. Олдинги юришларда Истами қоон Бумин билан бирга асли угорлардан бўлиши эҳтимол бўлган Шимолий Олтой қабилаларининг³⁹ ўн нафар оқсоқоллари устидан қўмондонлик қилган. Уларнинг ҳозирги насллари турклашиб кетган шорлар, кумандилар, ку киж (лебедин)лар ва бошқалардир. Истами хоннинг исми ҳам турки эмас. Бу исм угорча бўлиб боболар руҳининг номланишидир.⁴⁰ Хитойлар унинг аскарлари саногини 100 минг дейдилар, лекин бу рақам аскарларнинг ҳақиқий ададини эмас, балки саркарданинг рутбасини ифода этади. Бу рутба энг олий бўлиб бу рақам унинг “баҳодир жабғу”⁴¹ унвонига мувофиқдир.

Истами ўз аскарлий юришини 552 йилдан анча кейин бошлаган, чунки мазкур йилда абарлар ҳали мустақил қабила бўлиб,

³⁷ Н. Я. Бичурин *Собрание сведений...*, I ж. 234-6. Liu Mau-sai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 33-6.

³⁸ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 44-6.

³⁹ E. Chovannes, *Dokuments...*, 38-6.

⁴⁰ Y. yvorffy, *Du clan hongrois...*, 950-6.

⁴¹ Баҳодир – мўгул сўзи, IV асрдаёқ турки тилларга ўтган. Ябғу – ҳоқон ўришбасари (Қарағ: Л. Н. Гумилев, *Удельно-лествиная система*, 24-6).

Буминнинг⁴² дафн маросимида тортиқлар жўнатишган. Бу юриш 553 йил кузида — жужанлар узил-кесил тор-мор келтирилгандан кейин бўлган кўринади. Юриш бошланишининг энг ишонарли санаси 554 йилнинг баҳори бўлиши керак. Чунки бу пайтда жужанлар тумтарақай қилинган, отлиқ аскарлар учун энг муҳими — дашт ўт-ўланлар билан қопланган эди.

Юришнинг шиддатига қараганда, туркутлар жиддий бир қаршиликка дуч келмаган. 555 йилда уларнинг қўшини “Ғарбий денгизга”⁴³ етиб боради. “Ғарбий денгиз” деб Каспий денгизини эмас, Орол денгизини тушунмоқ керак, бинобарин Фирдавсий Истами салтанатининг чегараларини қуйидагича таърифлайди: “Чиндан (Хитойдан) Жайхунгача (Амударёгача) ва Чочнинг нариги томонидаги Гулзариунгача (Сирдарёгача)”.⁴⁴

Ушбу иқтибосга асосланиб 555 йилги чегараларни анча аниқ белгилашимиз мумкин: чегара чизиғи Тошкентдан сал шимолроқдан, Сирдарёнинг шимол томон бурилиш нуқтасини кесиб ва кенглик (жуғрофий) йўналишида Амударёнинг қуйилиши ва Орол денгизининг жанубий қирғоқлари бўйлаб ўтган. Сўғдиёна ва Бухоро ўша вақтларда эфталитларга бўйсунарди, табиийки туркутлар улар билан тўқнашадилар.⁴⁵ Шундай қилиб туркутлар бир ярим йил ичида бутун Марказий Қозоғистонни, Еттисувни⁴⁶ ва Хоразмни⁴⁷ ишғол қиладилар.

⁴² Истами ғарбга юришда акасини кузатиб борган, деган фикрни билдирган Шаванн адашган эди. Бинобарин, Шаванн замонасида “араг” этноними таркиби аниқланмаган ва иккинчи этноними “аригит” қисми билан “апар-апурум” тарзида кўшиб ўқиларди (П. М. Мелиоранский, Памятник в честь Кюль-Тегина, 45-б. Radloff, Die altturkischen inschriften, 1895, 429-6.). Радлов ҳамто бу этник номи теле қабиласидан бўлмиш фуфоло номи билан қиёслаган ҳам. Масалани турк олими Баһаеддин Оғелнинг “Kokturk yazitlarinen” Arigit lari ve “Fu-lin” prolemi, Bellten IX, № 33 (Турк тарих жамиятининг журнали) деган мақоласи ҳал қилди. Бунда “апурум” “Рум” яъни Византия номи жанлиги исбот этилди. Ушбу ва бошқа тадқиқотлар туғайли ғарбга юришнинг саналарини аниқлаш имкони яратилди. Бу ўз навбатида Шаваннинг бир пайтнинг ўзида турк халқининг ғарбий ва шарқий тармоқлари бўлган деган фаразини кўн тартибидан олиб ташлади. Истами ғарбни истило қилиш учун жияни Муғанхоннинг ябғуси сифатида отланди. “Култегин катта тошбитигида” ҳар икки қардоҳини шарқий туркларнинг аждоди сифатида тилга олинмиши, қаюмида бу халқнинг икки тармоғи бўлганлигини инкор қилади. Бўлиниш эса VII юзйилликда содир бўлди. Қандай вазиятда бу бўлиниш содир бўлганлигини қуйида баён қиламиш.

⁴³ S. Julien, Documents..., 3., 331-6.

⁴⁴ Firdousi, Le livre des rois, VI, 310-6.

⁴⁵ Бу ҳодиса фақатгина Ган-мудога қайд этилган (Қаранг: Иакинф, История Китая).

⁴⁶ Дулу, нушиби каби чу гуруҳга мансуб ўша ерда яшовчи қабилалар ҳам туркутлар билан бир хил одатларга эга бўлиб, тил жиҳатидан кам фарқланар эди (E. Chavannes, Documents..., 47-6).

⁴⁷ Туркут хонига бўсундирилган қабилалар орасида холиатлар (Менандр, 381-б.) ҳам тилга олинади. Улар руе ишломаларидаги хвалислар билан, табиийки, бу орқали хоразмийлар билан айнанлаштирилади (С. П. Толстов, Новогодний праздник “Каландие” ..., 95-6).

Бироқ ундан уёғига юриш оғирлашиб борди. Орол денгизининг шимолий қирғоқларида туркутлар хуни (хионит)⁴⁸, вар⁴⁹ ва огор⁵⁰ қабилаларининг қаршилигига дуч келишди. Фақат 558 йилга бориб бу қабилалар мағлуб этилди ва туркутлар бўйин эгишни хоҳламаган қавмларни олдига солиб қувлаган ҳолда Волга дарёсига етиб келишди. Бу қочқинлар вар ва хуни қабилалари қолдиқлари бўлиб, адади 20 минг кишини⁵¹ ташкил этади ва кейинроқ авар⁵² номи билан ягона қавм бўлиб уюшади.

Туркутлар Уралолди чўлларини забт этиш билан қаноат ҳосил қилиб, Волга дарёсини кечиб ўтмадилар. Истамининг ғарбга юриши шунинг билан чегараланди. Тўрт йил давомида эришилган зафарлар ҳоқонлик олдига қатор сиёсий янги масалаларни қўйди.

Осиёнинг бутун даштини қамраб олган янги салтанатнинг пайдо бўлиши Хитой, Византия ва Эрон дипломатияси учун катта бир аҳамиятли омил бўлди. Асосан, Византиянинг узоқни кўзлаган ва нозик сиёсати туфайли VI юзйилликнинг 50-йиллари охирида Қора денгиз бўйида сиёсий вазият анча мураккаб ва кескин эди. Қуйи Днепр ва Дон пасттекисликлари булғорлар тоифасидан бўлмиш кутургурлар томонидан эгалланган бўлиб, уларнинг қариндошлари утургурлар Кубанда яшардилар. Кутургурларнинг Фракияга босқинидан зада бўлган Византия тортиқлару элчилар воситасида утургурларни кутургурларга гижгижларди. Юстинианнинг устамонлик билан тутган сиёсати бу икки қардош қабилаларнинг бир-бирини мутлақо қириб ташлаш даражасига олиб келди.⁵³

Утургурлардан шарқ томонда, Кума дарёси ҳавзаси ва Доғистонда ўта жангари қабила — сабирлар яшарди. Сабирлар Византия-Эрон урушида дастлаб Эрон томонида, сўнг эса унга қарши фаол иштирок этган эди. 552 йилда улар Агванияни босиб оладилар, бироқ 554 йилдаёқ форслардан зарба еydi.⁵⁴

⁴⁸ Сармат-алан қабилалари аждодлари, С. П. Толстов кашф этган Сирдарёнинг қуйидаги ботқоқ кентчаларининг яшовчилари (Қаранг: Л.Н.Гумилев, Эфталиты..., 134-б).

⁴⁹ Вар ёхуд уарлар — хионитларнинг қўшнилари, угор қабилаларидан (Қаранг: Феофилакт Симокатта, История, 160-б).

⁵⁰ Огорлар ёки угрлар — венгерларнинг аждодлари. Улар VI асрда Бошқирдистонда, Волга ва Урал дарёлари оралиғида яшаганлар (Қаранг: Э. Молнар, Проблемы этногенеза..., 96-97-б). Рубрукнинг ёзишича, XIII асрда ҳам Бошқирдистон аҳолиси венгерларга тушунарли бўлган ўз тилини сақлаб қолган эдилар (Путешествие в восточные страны..., 122 ва 211-б).

⁵¹ Дестунис, Византийские историки, 374-б. М. И. Артамонов, Очерки..., 24-б.

⁵² Феофилакт Симокатта ўқувчиларини бу “сохта аварлар”ни “асл аварлар”, яъни Марказий Осиёда яшаган абарлар билан чалкаштириб юбормаслик керак, деб огоҳлантиради. Бу муаммо давомли мушоҳадаларга манба бўлди (Қаранг: М. И. Артамонов, История хазар, 64-65-б).

⁵³ М. И. Артамонов, Очерки..., 22-б.

⁵⁴ Lebean, Histoire du Bas Empire, t. 9. 328-б.

этган эди. 552 йилда улар Агванияни босиб оладилар, бироқ 554 йилдаёқ форслардан зарба ейди.⁵⁴

Кубан бўйларида Византиянинг содиқ иттифоқдошлари аланлар истиқомат қиларди. Юнонлар айнан аланлар орқали янги варвар қавми — аварлар пайдо бўлганлиги дарагини олганлар.

Аварлар Қора денгиз бўйида. Туркут босқинидан қочаётган аварларнинг аҳволи бир қарагандан мутлақо умидсиз кўринарди: таъқиб қилиб келаётганлар улардан анча қудратли эди, олдинда кучли, кўп сонли ва бой, кўп жангларда зафар нашидасини тоғиб кўрган қавмлар турарди. Аварлар эса қашшоқ қочоқлар бўлиб, ватанидан ва уюрларидан маҳрум этилган эдилар. Қандай қилиб улар омон қолдилар, омон қолдиларгина эмас, қандай қилиб зафар қозондилар каби саволларга ўша замондаги сиёсий аҳволни синчиклаб кузатибгина жавоб топиш мумкин.

Аварлар олдида турган энг биринчи вазифа таъқибчилар таъқибидан қутулиш эди. Улар бунга фақатгина Ўрта Осиёда ўша чоғларда эфталитлар жонланиб, Истами эътиборини ўзига қаратгани натижасида эришдилар. Бу ҳақда Истамининг гапи қизиқдир: “Аварлар қуш эмаски, денгиз қаърига шўнғиб кўздан ғойиб бўлса, улар балиқ эмаски, денгиз қаърига шўнғиб кўздан ғойиб бўлса, улар ер устида тентираб юрадилар. Эфталитларни бир ёқлик қилай, кейин аварлар устига бостириб бораман, улар мендан қутулиб кета олмайдилар”.⁵⁵

Истами эфталитларга қарши жиддий ҳаракатларни фақат 561 йилдан, яъни Хусрав Ануширвон Юстиниан билан тинчлик битими тузиб, эътиборини шарққа қаратиш имконига эга бўлгандан сўнг бошлади. Ўрта Осиёда узил-кесил тинчлик 571 йилдагина ўрнатилди ва туркутлар қиличини яна ғарбга қарата олди, бироқ аварлар ўзларига берилган танаффусдан шу даражада унумли фойдалана билдиларки, уларга Истамининг кўли етиши мушкуллашиб қолган эди.

Туркутлар таъқибидан қутулган аварлар иттифоқчи изладилар. Улар аланларнинг сардори Саросийдан Византия билан яқинлашишларига воситачилик қилишни сўрадилар. Саросий⁵⁶ илтимосни қабул қилади ва аварлар элчисининг Лазикка етиб олишига кўмак беради. Бу ердан Константинополга кузатилади ва манзилда эса унга ишонқирамай, бироз ёқтирмай муомала қиладилар. Шунга қарамай, Юстиниан Валентин бошчилигида жавоб элчилиги юборади.

⁵⁵ Менандр, 328-б.

⁵⁶ Г. В. Вернадский тахминича, бу исм эмас, балки “сарп-ос” (“ослар йўлбошчиси” деган маънодаги уявондир). G. Vernadsky, *Ancient Russia?* 194-б.

Валентин аварларга тухфа келтиради ва империя душманларининг ўша кездеги энг каттаси бўлмиш Эронга қарши ҳарбий ҳаракат қилишга ундайди. Бу иттифоқ 558 йилда тузилган эди. Лекин аварлар Византия душманларига эмас, балки унинг иттифоқчиларига қарши ҳужум бошлади.

Уларнинг дастлабки қурбони сабирлар бўлди. Сабирлар янги қавм бўлмиш “вар”ларни уларга V аср ўрталарида ўнгланиб бўлмас даражада зарба берган асл осийлик аварлар (абар) деб қабул қиладилар. Айнан мана шу ваҳима сабирлар мағлубияти, аварлар зафарига сабаб бўлди. Тилдаги кичик бир хато тақдирни ўзгартириб юборди. Сабирлардан сўнг утургурлар – империянинг содиқ иттифоқчиси – бошига мусибат ёғилди ҳамда Қуйи Доннинг чап қирғоғи бўйларида яшовчи заллар ҳам аварлар олдига тушиб қочди. Ундан кейин аварлар Донни кечиб ўтиб антлар устига ёпирилди ва уларни биттасини ҳам қўймай қириб ташлади. Кавказда бироз муддат аланлар аварларни қўллаб тургани каби вазифани Қора денгиз бўйида кутургурлар ўз зиммасига олди. Гарчи ёзма манбалар аварлар билан кутургурлар орасида иттифоқ тузилганини аниқ битмаса-да, воқеалар жараёни, билвосита маълумотлар ана шундай иттифоқ бўлганлигини кўрсатади.

551 йилдан 558 йилга қадар кутургурлар Византия чегараларига қадам қўйишга журъат этишмаган. Бунинг сабаби Византиянинг нозик дипломатияси натижасида кутургурларнинг шимолий чегарасига утургурлар хавф солиб туриши, ғарбий чегараларига эса Қора денгиз бўйи шимолидаги ўрмон-чўл минтақаси бўйлаб истиқомат қилувчи кўп сонли ант қабилаларининг таҳдиди эди. Менандрнинг ёзишича, аварлар “утургурлар билан уруш бошладилар”, сўнг босқинлар қилиб, антлар ерини яксон қилдилар. “Антларнинг ҳокимлари қашшоқлантирилди, ҳатто умид қилишдан ҳам маҳрум қолишди”.⁵⁷ Таассуфки, Менандр антлар қандай умидлардан маҳрум қолганини ёзмайди, умуман, Менандр хабарлари анчагина мужмал бўлиб, унинг авар – Византия музокаралари натижаси ҳақидаги хабарларини танқидий назардан қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

Валентин юборган элчиликдан сўнг аварлар сабирлар, утургурлар, антлар каби айнан Византиянинг иттифоқчилари устига ёпирилади. Бу ҳатти-ҳаракатлар Византия манфаатларига қарама-қарши бўлганлиги боис ҳам вужудга келган шароитдан Эрон фойда кўрарди.

⁵⁷ Менандр, 324-б.

билан форслар ўртасида қандайдир битим бўлган, деган тахминни қабул қилсак, аварлар Кавказни нима учун тарк этганлиги аён бўлади. Бундай шароитда Византиянинг содиқ иттифоқчиси Алан беги Саросий аварларни қўллай олмасди, қўллашдан маҳрум бўлган аварлар эса орқасида туркутларнинг даҳшатли кучи турган бир пайтда жангдаги ғалабаларга қарамай, Кавказолдида қола олмас эди.

Бироқ кутургурлар етакчиси Заберган юнонларнинг душмани бўлиб, Византия ва унинг иттифоқчилари: утургур ва антлар билан курашиш учун янги иттифоқчи топилишидан беҳад хурсанд бўларди. Ҳақиқатдан ҳам, аварлар утургурларни яксон қилиб, кутургурлар жабҳа ортини хатардан холи қилган заҳотиёқ Заберган Болқон томон янги юриш уюштириб Константинопол кентдеворигача етиб борди. Аини чоғда Константинополга аварлар элчилари кетидан туркутлар элчилари етиб келди ва улар яхши кутиб олинди (558 й.). Юнон-авар муносабатлари совишида бунинг ҳам аҳамияти борлиги эътибордан холи эмас.

Шундай қилиб, 558 йилда Византия империяси учун янги қудратли душман пайдо қилиб ва хавfli қўшниларини ўз чегараларидан Болқон томон кузатиб форс дипломатияси катта ғалабага эришди. Кейинги воқеалар асносида маълум бўлдики, форс-авар иттифоқи то 628 йилгача давом этди, бу иттифоқ Византия империясини қулагшига сал қолди.

Антлар аварларга асосий вазифаларидан бири асирларни тўлов бериб қайтариб олиш бўлган Мезамирни элчи қилиб юбориб, улар билан келишишга интилишди. Аварлар ҳузурида Мезамир ўзини шу даражада ношуд, мағрур тутдики, элчилик мақомига ҳам қарамасдан аварлар уни ўлдиришди. Элчини ўлдиригач, аварлар антларни талаш ва қулларга айлантиришда давом эттилар.

Кутургур сардори Заберган қудратли иттифоқчисига таяниб, шарқдан унга ҳеч ким таҳдид эта олмаслигига ишонч ҳосил қилди ва склавинлар билан иттифоқ тузиб Византия ерларига бостириб кирди. 559 йил март ойида у Дунайдан муз устидан ўтиб лашкарини уч қисмга ажратди: бири Македония орқали Элладага қараб юрди ва Фермопиламга кириб борди, иккинчиси Фракия Херсонесини қўриқлайдиган истеҳкомларга таҳдид солди, унинг ўзи бошқарган учинчи қисм Узун деворнинг зилзиладан захм етган, лоқайдларча тикланмай қолган жойидан империя ичкарасига суқилиб кириб олди.

Константинополликларни ваҳима босди, ҳамма унутиб юборган кекса ҳарбий қўмондон Велизарий сафарбар қилинди, у варварларни пойтахтдан улоқтириб ташлади. Бошқа бўлуқлари ҳам мағлуб этилди. Шунда ҳам Заберган Фракияда қароргоҳ бунёд

қилиб, теварак-атрофни талашда давом этди. Бу ҳолат уларга ҳам утургурлар каби “туҳфалар” ваъда қилиниб, катта миқдорда пул тўланмагунча давом этди. Ана шундан кейингина кутургурлар Фракияни ташлаб чиқишди.

Юстиниан утургурлар сардори Сандилх билан шошилинич хабарлашди ва утургурлар Фракиядан қайтаётган кутургурларнинг бир бўлинмасига ҳужум қилиб уларни қириб ташлади ҳамда Сандилх қўлга киритган ўлжаларни юнонларга қайтарди. Ана шу воқеадан кейин бу икки қавм орасидаги уруш уларнинг ҳар иккаласини ҳам толиқтириб қўйдики, бу аварларга жуда қўл келди.

565 йилда империяни қудратли деб ўйлаб II Юстин аварларга тўловни тўхтатиб қўйди. Бироқ аварлар қудрати ошгандан ошиб борарди. 565 йилда улар Тюрингияни янчиб, франк қироли Сигезберт билан уруш олиб борар ва қўли баланд келаётган эди. 567 йили аварлар лангобардлар билан иттифоқда Византиядан мадад олаётган гепидларни тор-мор этиб Тисса воҳасини эгалладилар.

Лангобардлар Италияга кетганидан бир йил ўтгач, аварлар бутун Паннонияни эгасига айланган ва Марказий Оврупани даҳшатга соларди. Уларнинг салтанати таркибида авар хонига сўзсиз бўйсунадиган англлар, ғарбий славянлар ва кутургурлардан иборат ёрдамчи қўшиннинг ҳам борлигида эди. Аварларнинг биринчи хони Баян 568 йилда Византияга дағдаға қилиб шундай дейди: “Мен Рим ерларига шундай кишиларни юбораманки, улар битта қолмай қирилиб кетса ҳам мен учун барибир” ва босқин учун 10 минг кутургурни юборади.⁵⁸

Баён этилган ҳодисалар VI аср 60-йилларидаги халқаро сиёсатнинг ҳаракатга келтирувчи кучларини намоён қилади. Эрон ва Византия бир-бирларига ашаддий душман эди. Аварлар Византиянинг душмани сифатида Эрон билан иттифоқчи бўлиши зарур бўлса, аварларнинг душмани туркутлар Византия билан жуда яқин муносабатларда бўлиши мумкин эди.

Кучларнинг бундай жойлашувини Эрон ва туркутлар душмани эфталитлар давлати мавжудлиги мураккаблаштириб турарди. Шунинг учун ҳам Истамихонга Юстиндан⁵⁹ кўра Хусрав Ануширвон билан иттифоқчи бўлиш зарур эди. 560 йил атрофида форслар ва туркутлар ҳужумкор иттифоқ тузишади: биринчилари “шоҳ Парвиз⁶⁰ учун хун олишни” исташса, иккинчилари Суғдиёнанинг гуллаб-яшнаган шаҳарларига эга бўлиш ниятида эдилар.

⁵⁸ *Менандр, 391-б.*

⁵⁹ *Firdousi, Le livre des rois, VI, 310-б.*

⁶⁰ *Tabari, Zoten berg, 161-162-б.*

Эфталитлар икки жабҳада эмас, ҳатто уч жабҳада уруш олиб бориш зўрида қолдилар. Эфталитлар шоҳи Михиракула Кашмир ва Панжобнинг эгаси сифатида ҳиндлар билан ҳам қаттиқ жанглар олиб бормоқда эди.⁶¹

Эфталитларнинг тор-мор этилиши. Сосонийлар Эронининг шарқ ўлкаларида юргизган сиёсати унча яхши ўрганилмаган бўлса-да, манбаларда яккам-дуккам учраб турадиган хабарларнинг ўзи ҳам тадқиқотчида бу сиёсат жуда нозик ва зукко бўлганлигига қаноат ҳосил қилиш учун етарлидир. Жумладан, Эрон Шимоли-Шарқий Хитойнинг кучая бошлаганини дарров пайқайди ва 556 йилдаёқ Чанъанга элчилик юборилади. Элчилик айна чоғда туркутларга ҳам юборилган бўлиб (табиийки, улар Хитой элчиларидан олдинроқ етиб келган), Истамихоннинг қизи ва Эрон шоҳи никоҳи билан мустаҳкамланган иттифоқ тузилади.⁶²

Эфталитлар иттифоқчиси бўлмиш жужанлардан маҳрум бўлгач, саросимага тушиб, 553 йилда Хитой билан мулоқот ўрнатишга интиладилар, бироқ Фарбий Вэй императори Йуйвин Тай туркутлар билан иттифоқчи бўлгани учун ҳам эфталитлар таклифига эътиборсиз қараган бўлса керак. Эфталитларнинг ўз орасида ҳам ҳамжиҳатлик йўқ эди. Давлат арконларидан бири Катулф шоҳ Гатфарни уруш қилишига қаршилик қиларди, аммо оқибатда ҳақоратланган киши сифатида ўз қавмини сотиб Эрон шоҳи ҳузурига қочиб кетди.⁶³ Жиддий ҳарбий ҳаракатларни 560 йилда шоҳ Гатфарнинг ўзи бошлаб юборди. Ҳоқон ва шаҳаншоҳнинг ўзаро яқинлашувидан ҳадиксираб, бундай яқинлашувга имкони бориचा тўсқинлик қилмоқчи бўлди. Суғуд худудидан ўтаётган туркут элчилигининг ҳамма аъзолари, бир нафар отликдан бошқаси, қириб ташланди. Қочиб қутулган сувори бу машғум хабарни Истамихонга етказди.⁶⁴ Истамихон мавжуд барча қўшинларни

⁶¹ Н. К. Синха, А. Ч. Банерджи, *История Индии*, 94-95-б.

⁶² *Фирдавсий бу никоҳ 509 йилдан кейин, яъни эфталитлар тор-мор келтирилгач, бўлган деб ҳисоблайди, лекин турк қизининг ўғли IV Хурмузд тахтни 579 йилда эгаллайди ва ўғли ўспирин бўлган чоғида – 590 йилнинг 6 февралда тахтдан туширилади. (Себеос, История императора Иракла, 34-б. И. В. Пигулевский, Византия и Иран, 68-б.). Шаванн ҳам бу кечиктирилган санани инкор қилган эди. (Documents. ., 299-б.) Табарий буйича эса никоҳ ҳам, иттифоқ ҳам эфталитлар билан урушдан бир йил аввал бўлиб, бу уруш хитой манбаларига мувофиқ 555 йилда бошланган. Хитойлар бу даракни Эрон элчиларидан олган бўлишлари эҳтимол. Бу сана Истамихоннинг гарбга юриш бошлаш вақтига тўғри келади ва Хурмузднинг ёши масаласи ҳам шубҳа тўғдирмайди, у ҳалок бўлган чоғида ёши 36 да бўлиб, бу вақтда унинг ўғли 16-18 яшар йигит бўлади (қаранг: Th. Noldeke, *Geschichte der Perser und Arales*, 87-б; Tabari, Zotenberg, 161-162-б.). Элчилар ҳақида Белазурий ва Ибн Хурдадбеглар ҳам дарак берадилар-у, бироқ уларнинг баъни анча ғализ ва ишонич қийин бўлган баёнлардир (қаранг: A. Christensen, *L'Iran sous les Sassanides*, 1944, 380-б).*

⁶³ Менандр, 328, 372-б.

⁶⁴ Firdousi, *Le livre des rois*, VI, 312-б.

сафарбар қилди, уларнинг орасида аввал эфталитларга қарам бўлган хўтанликлар⁶⁵ ҳам бор эди. Хусрав Ануширвон иттифоқчисидан олдинроқ ҳаракат бошлаб, 562 йилда⁶⁶ эфталитларни мағлуб этди, бироқ уруш бу билан тугамаганди.

Туркут илғорининг биринчи қурбони Чоч (Тошкент) бўлди, бу ерда туркутлар қатлиом уюштирди.⁶⁷ Кейин Чирчиқ⁶⁸ дарёсидан ўтган туркутларнинг асосий кучлари Маймурғда⁶⁹ ўз илғори билан қўшилди.

Эфталитлар Бухорога ҳамма кучларини тўплади⁷⁰, бироқ Гатфар туркутларнинг ажойиб отличлари текисликда устунликка эга бўлишини ўйлаб, жангни Насаф (Қарши)⁷¹ да тоғли жойда қабул қилишни лозим топди.

Фирдавсийнинг ёзишича туркутлар бостириб келар эканлар суғудлар кўп йиғлардилар, бироқ эфталитлар учун жанг қилишни истамас эдилар. Насаф ёнидаги жанг саккиз кун давом этиб, эфталитларнинг тўла-тўкис мағлубияти балан тугади (565 й.). Омон қолганлар Эфталит давлатининг мустақил яшаш куни тугаганлигини фаҳмлаб, Гатфарни ағдариб, унинг ўрнига Чағониён беги Чағонишни шоҳ этиб сайладилар ва туркутларга қарши тура олади, деб ўйлаб, унга Хусрав Ануширвонга бўйсунуш мажбуриятини юкладилар.

Бир пайтнинг ўзида ҳоқоннинг хати ва Чағонишнинг тобелик ҳақидаги таклифини олган Хусрав на унга ва на бунга жавоб берди. Арбобларнинг ғарбий чегаралар бўш қолишидан чўчиб қаршилик қилишига қарамай Хусрав ўзи бошчи бўлиб бутун қўшини билан Хуросонга юрди.⁷² Умумий душман бартараф қилинган, иттифоқчилар душманга айланишди. Умумий душманни йўқ қилиш зарурати парда мисол тўсиб турган Ҳоқон ва Эрон орасидаги келишмовчиликлар энди очилиб қолди. Бу келишмовчиликлар жуда чуқур экан, ҳатто чиқиштириб бўлмас даражада экан. Бу масалани кейинги бобда таҳлил этамиз, ҳозир эса эфталитларга қайтайлик.

Ўрта Осиёда ҳукмронликка қурол кучи ва шафқатсизлик натижасида эришган эфталитлар бу мамлакатлар аҳолиси наздида обрў қозона олмадилар.

⁶⁵ *Ibid.*, 312 - б.

⁶⁶ Менандр, 377 - б. Vivien de Saint Martin (*Les Huns blancs...*, 72 - б) да юқоридагига яқин — 563 йил санаси берилади.

⁶⁷ Firdousi, *Le livre des rois*, VI, 312 - б.

⁶⁸ Птицын Г. В., *К вопросу о географии «Шах-наме»*, 312 - б.

⁶⁹ Маймурғ - Зарафшоннинг жанубида, Самарқанд вилоятидаги бир беклик (В. Бартольд, *Туркестан...*, 95 - б).

⁷⁰ Firdousi, *Le livre des rois*, VI, 312 - б.

⁷¹ Lebeau, *Le livre des rois*, VI, 316 - б.

⁷² Firdousi, *Le livre des rois*, VI, 316 - б.

Ўрта Осиё учун VI юзйиллик иқтисодий ва маданий юксалиш асри бўлди. Шаҳарлар бойиди, ўсди, зироат, ҳунармандчилик ва савдо гуллаб-яшнади. Суғудлар бу замонда тажрибали воситачи савдогарлар сифатида ўзларини кўрсатди. Улар Хитой ва Ўрта Ер денгизи орасида мулоқот ўрнатдилар, бунинг учун қадимий карвон йўлларидан фойдаланишди. Аммо мунтазам тижоратга жужанларнинг қароқчилиги, эфталитларнинг қўшнилари билан тинимсиз уруш олиб боришлари ҳалақит берарди. Суғдиёна ва даштни бирлаштирган туркутлар савдо учун кенг имкониятлар яратишди, суғуд савдогарлари туркут хонининг садоқатли фуқароларига айланди. Туркутларга ҳам ана шундай ўзларига мойил фуқаролар зарур эди. Шу тарзда Ўрта Осиё ҳоқонликнинг ажралмас бир қисмига айланди. Вужудга келган вазият эфталитларнинг интиқом олишига йўл бермади ва улар ўзлари жойлашган тоғлардан нари сильжий олмадилар, улардан соғ қолганларининг насллари ҳамон ўша ерларда яшамокдалар.⁷³

IV боб

ИПАК ВА КАРВОН ЙЎЛИ

Карвонли тижорат. Эфталитлар ва Шарқий Хитой подшоҳлигини тор-мор келтирган туркутлар фақат сиёсий жиҳатдан эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам қудратли бўлиб олишди. Чунки Ғарб билан Шарқни боғлайдиган карвон йўли ҳам уларнинг қўл остида эди.

Бу йўл Чанъандан бошланиб, Наншан тоғлари ёнбағри бўйлаб тоғ чўққиларидан оқиб тушадиган сойлар суви билан суғориладиган ерлари кўп водийларни кесиб ўтади. Йўлнинг бу қисми қулай, бироқ ундан кейин йўлнинг энг оғир қисми — Хами воҳасигача саҳродан ўтиш лозим бўлиб, ундан Лукчун ботиғига Турфанга бориларди. Бу икки воҳа ва яна бошқалари биргаликда мустақил Гаочан беклигини ташкил этарди. Аҳолиси хитой аскарий кўчирмалари бўлиб, янги ватанларига мустақкам ўрнашиб олган эдилар.

Гаочандан бошлаб карвон йўли иккига ажраларди. Бир тармоғи Тянь-Шан жанубий ёнбағридан Қорашар орқали Кучу ва Оқсувга, ундан Иссиқкўл ёнидан Чу воҳасига бориб, у ердан Талас водийси орқали Исфарага кетарди. Иккинчи шимолий тармоғи ҳам Гаочандан бошланиб, Жанубий Жунғория бўйлаб Урумчи, Манас, Куркараусу ва Ирен-Шабирган тоғи орқали Или дарёси воҳасига

⁷³ А. Н. Гумилев, *Эфталиты...*, 129-140-б.

келиб, бу ердан Ўрта Осиёга йўл олишарди. Бундан ташқари Тянь-Шандаги довондан Қарашарга ва Юлдуз воҳаси орқали Или водийсига ўтадиган энг қийин йўл ҳам бор бўлиб, ундан онда-сондагина фойдаланишар эди.¹

Карвон Ўрта Осиёга етганида дам оларди. Энг йирик дам олиш нуқталаридан бири Тошкент шаҳри эди. Бу ердан ипак йўли Хуросон орқали Рай ва Хамадонга борар ва Византия қалъаси Несевия (Низиб) орқали Сурия ва Константинополга етарди. Хитой денгизидан Эрон чегараларигача 150 кунлик йўл ҳисобланарди, бу ердан Византия чегараси бўлмиш Низибгача яна 80 кунлик йўл эди.²

Савдо жуда қизгин ва даромадли эди, бироқ бу тижорат оғир натурал хўжалик шароитда яшаётган авом халққа эмас, балки жамиятнинг дабдабали нарсаларга эҳтиёж сезадиган юқори қатламга хизмат қиларди. Хитойлар фақат ўз император хонимлари учунгина келтириладиган ниҳоятда қиммат бўлган қош бўёғини олишарди. Бобил гиламлари ҳам танқис товарлардан ҳисобланарди. Ниҳоят, Хитойга Суриядан табиий ва ишланган қимматбаҳо тошлар, маржонлар, Қизил денгиздан олинadиган инжулар, Сурия ва Миср матолари, Кичик Осиёнинг бангиворлари келтирилар эди.³ Барибир, савдонинг энг муҳим ашёси ипак бўлиб, у Оврупога Август замонасидан бери келтириларди.⁴ Византияда ипакка талаб жуда юқори бўлиб, у зодагонларнинг эҳтиёжидан ташқари варварлар билан мулоқотда, баъзида аскар ёллашда пул сифатида ҳам ишлатилар эди.

Юстинианнинг жаҳонга ҳукмдор бўлиш иддаоси Византия ҳукуматиани англосаксон қироллигини ҳам кўшиб, барча Оврупо давлатлари билан дипломатик муносабат ўрнатишга мажбур қилди. Совға-саломлар, ёллаш, кишиларни сотиб олиш учун жуда кўп миқдорда ипак керак бўларди. Византия ипак воситасида Овруподан ва иттифоқчиларидан ёлланма аскарларни ҳам, кулларни ҳам, умуман истаган нарсасини сотиб ола биларди. Айнан тижорат туфайли Юстиниан бутун Ўрта Ер денгизи минтақасини ўзига тобе қилиб, дунё сиёсатини юргиза оларди. Ипак Византияда олтин ва қимматбаҳо тошлар билан бир хил баҳоланар эди.⁵

¹ *E. Chavannes, Documents...*, 5-б. Қирғизистондан Қарашаргача учинчи йўл билан юрган биринчи овруполик В. И. Роборовский бўлиб, бу йўлни 1893 йилда босиб ўтган (қаранг: В. И. Роборовский, *Путешествие в восточный Тянь-Шань...*)

² Ш. Диль, *Юстиниан...*, 542-б.

³ А. Christen, *L' Iran sous les Sassanides*, 1944, 129-б.

⁴ *Mc Govern, The Early Empires*, 5-б.

⁵ *Гелиодор, Эфиопика*, 99-б.

Бироқ Византияни ана шу қимматбаҳо товар билан таъминлайдиган йўлнинг бели Шимолий Эрондан ўтар, сосоний ҳукмдорлар эса, карвон савдосини бир лаҳза ҳам назардан четда қолдирмас эди. Ипак хом ашёсининг катта қисмини қайта ишлаш учун ўзларига олиб қоладиган Эрон ишбилармонлари маҳсулотларини Фарбий мамлакатларга ўзлари истаган нархда сотар эдилар.⁶

Византия империясини кучсизлантириш учун форслар товар айланмасини кўпайтиришга эмас, ипак нарҳини ошириш учун интилардиларки, натижада, Византия империяси пулларини сўриб олиш билан унинг сиёсий ва ҳарбий салоҳиятини сустлаштирарди. Чунки Византия ипакка қўйилган ҳар қандай юқори нарҳни Оврupo бозорида қоплаб, яна фойда кўра олар ва бу унинг ҳарбий қувватини ошириб борарди. Шунинг учун форслар юқори нарх кўйишдан ташқари, фарбга олиб кетиладиган ипак миқдорининг ҳам қатъий меърини белгилаб қўйишар ва буни назорат ҳам қилишар эди.⁷ Табиийки, Византия ҳам мавжуд ҳолат билан келиша олмасди, чунки ипакни катта нархда сотиб олиш билан у ўзига душман бўлган Эроннинг кучайишига ҳисса қўшган бўлиб чиқарди. Урушлар оралиғида Константинопол доруссалтанати давлатнинг душманлари қўлларига қанчадан-қанча олтинлари кетаётганлигини ғамгин кузатиб туришга мажбур эди.⁸ Иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиш учун интилишлар наф бермасди. Тахминан 531 йилда Юстиниан Африка савдогарлари ипакни Ҳинд океани орқали⁹ олиб келишни йўлга қўйиб, савдони ўз қўлларига олиши ҳақида Ҳабашистон билан келишиб олишга уринди, бироқ форсларнинг Ҳинд бандаргоҳларидаги мавқеи шу даражада эдики, ҳабашлар ипак сотиб олиш монополиясини улар қўлидан тортиб олишга қурблари етмасди ва 532 йилда тузилган тинчлик битимига биноан савдонинг аввалги тартиби тикланди.¹⁰ 540 йилда бошланган Эрон билан навбатдаги уруш Юстинианни муҳим бир фармон билан ипак нарҳини пасайтиришга мажбур қилди, бироқ ана шу нархда форсларни ипак сотишга мажбур қилишнинг эса ҳеч қандай иложи йўқ эди.

Оқибатда, Суриядаги ипак йигирув мануфактураси хомашё йўқлигидан синди.¹¹ Хусрав Ануширвон 570 йилда Йаманни босиб олганидан кейин византияликлар учун Қизил денгиз ва Ҳинд океани

⁶ A. Christen, *L' Iran sous les Sassanides*, 1944, 128 - 6.

⁷ Ш. Диль, *Юстиниан...*, 542 - 6.

⁸ Уша асар, 544 - 6.

⁹ Н. В. Пигулевская, *Византийская дипломатия...*, 198 - 6.

¹⁰ Ш. Диль, *Юстиниан...*, 546 - 6.

¹¹ Уша асар, 548 Н. В. Пигулевская, *Византия на путях в Индию*, 90-94 - 6.

орқали Шарққа чиқишнинг барча эшиклари тақа-тақ ёпилди. Ана шундай бир кезде тарихий ўйин саҳнига турк ҳоқонлиги — янги шерик чиқди. Юқорида зикр этилдики, туркутлар Хитойдан жуда кўп миқдорда ипакни тўлов сифатида ундираар эди. Хонлар ўз чодирларини ипак матолар билан ўраганига қарамай, улар олинган барча ипакни ишлата олмас эдилар.

Эфталитлар мағлуб этилгач, суғудлар туркут хонининг фуқаросига айланишди. Улар азалдан Шарқда ҳам, Фарбда ҳам эпчил тижоратчи ва воситачи сифатида машҳур бўлишган. Эфталит хўжайинлари ўрнига туркутнинг келишидан улар фақат ютуққа эга бўлдилар: энди уларга Осиёнинг марказий ўлкалари эшиклари ланг очилди, йўл хавотири йўқолди. Суғудлар ипак тижоратини кенгайтиришдан қанчалик манфаатдор бўлсалар, ўзларидаги ортиқча ипакни сотиш имконига эга бўлган туркутлар ҳам шунчалар манфаатдор эдилар.

Маниах суғуд. Шундай қилиб суғуд тижоратчилари эфталитларнинг тор-мор этилиши адолатдан ва бу уларнинг равнақи ибтидоси деб билишди. Ростдан ҳам, Хитойга йўл очиқ ва хатарсиз, туркутлар тўлов сифатида ёки талончилик билан олинган ипакларини қаёққа кўйишни билмас ва истаган воситачи ҳар қачонгидан ҳам бойиб кетишни мумкин эди. Масала ипакни Византияга етказишда қолган бўлиб, бунинг учун форслар шоҳи билан келишиб олинса бўлгани эди. Истамихон ўз яқинлари манфаатлари билан уйғун тушган янги фуқароларининг истагини бажариш юзасидан ҳамма нарсга тайёр бўлгани учун Маниах суғудни ўз таклифига биноан Хусрав Ануширвон ҳузурига ишбилармон суғудлар қўлида йиғилиб қолган ипакларни Эрон орқали олиб ўтишга рухсат олишга эришмоқ топшириғи билан мухтор элчи сифатида юборилишига рози бўлди. Элчи форс шоҳига, ҳатто ўзи ҳам савдода иштирок этиб, улардан харид қилиб, Фарбда¹² устама нарх кўйиб сотишни таклиф этади. Суғудлар бу тижорат амалиётида нархда бироз ютқазса-да, товар айланмасини кўпайтириш ҳисобига ютардилар.

Ўз-ўзидан форс ҳукумати бунга кўнмас эди, чунки у ипакнинг ҳаммасини Византияга ўтказиб юборса, бир неча йилдан кейин Ефрат дарёси бўйи Византиянинг ёлланма аскарлари билан тўлиб-тошиб, Эрон бугун кучларини жамлаганда ҳам уни бартараф қила олмасди. Ипакни ички бозорда қолдирайин деса, Эрон аҳолисининг харид қобилияти ниҳоятда паст бўлиб, уни сотиб ололмас эди. Шоҳ ипак сотиб олиш билан айнан шарқдаги сиёсатини юргизишда зарур

¹² Менандр, 371-372-б.

бўладиган олгинини йўқотарди, бу эса Византия императорининг ғарб сиёсатида ипакни йўқотиши билан бир хил ҳолат эди.

Иттифоқчиси бўлмиш хон томонидан қийин бир ҳолатга туширилган Хусрав бундан чиқиш йўлини тоғди. Катулф эфталитнинг маслаҳати билан олиб келинган ипакларни сотиб олди ва элчи кўз-ўнгида ёқиб юборди. Бу мавжуд вазиятни ўзгартиришга форслар йўл қўймаслигининг суғудларга бир намоёйиши эди.¹³ Суғудлар шошилинич тарзда хонга шикоят қилишди, хон зиддиятни бартараф қилишга қарор қилди. У Эронга туркутлардан иборат янги бир элчилик жўнатди. Бироқ бу элчилик ҳам ҳеч нарсага эриша олмади. Бу бош оғриғи муаммонинг сўнгида туркут элчилигининг қўпчилик аъзолари номаълум касалликдан вафот этишди, уч ёки тўрт нафаригина қайтиб келди, холос.

Бу воқеалар асносида Маниах хонни Эрон билан алоқани узиб, Византия билан иттифоқ бўлишга кўндириб улгурди. Бироқ ипакни Каспийни айланиб, Кавказ орқали олиб ўтиш қийин ва хатарли эди: туркут найзаларига орқа ўгириб қочган угорлар савдо қарвонини осонгина талон-тарож қила олардилар. Эрон орқали ўтадиган йўл қисқа ва енгил эди. Шунинг учун Истами хон муаммони қилич билан ечишга қарор қилди. У элчиларим заҳарланган, деб эълон этди ва қасос олиш учун отланганини маълум қилди.¹⁴ Бошланган урушнинг қанчалик жиддий эканлигини фаҳмлаган хон иттифоқчилар излашга шўшилди.

¹³ Қаранг: Н. В. Пигулевская, *Византийская дипломатия...*, 209 - б.

¹⁴ “Византия на путях в Индию” исарининг 202-204-бетларида Н. В. Пигулевская буюхди саларни бошқачароқ изохлайди, менилча, фикри унча шонъли чиқмаган. Унингча, “ҳали ярим кўчманчилик (? – Л.Г.) ҳрлатидан чиқмаган турклар кенг миқёсда савдо-сотиқ ишлари олиб боришига мойил эмасдилар, улар ўз тобелари бўлмиш суғудлар босими остида Маниах блячилигида Эронга элчи юборишга рози бўлдилар”. Аммо фақат кўчманчи туркутларгина Хитойдан ипак ундириб олиб, суғудларни таъминлар эди. Агар ипакни сотмоқчи бўлган тақдирда ҳам унинг нархи шундай бўлардики, на суғудлар ва на форслар уни сотиб олишига қурби етарди. Туркутлар ипакни тўлов ва ўлжа тариқасида қўлга киритганлари учун ҳам суғудларга сув текинга сотар ва натижада тижорат кирими бўларди. Тобеларнинг ўз эгаларига босим ўтказиши масаласи ҳам унча шонъли эмас. Нихоят, Маниах хоннинг яқин кишиларидан, хосларидан бўлган, табиийки у дипломатик ваколатни айнан хондан олган. У ўзича Эронга бориб шаҳониҳо билан суҳбатлашиши каби хатарли ишга қадам ташлагани аниқ. Менадорнинг Истамихон суғудларга “ўзлари элчи юборишларига” рухсат бериши ҳақидаги жумласида эса, суғудлар музокара олиб боришни ўз бўйинларига олгани ва дипломатик ишда улар туркут бекарларидан кўра уста ва таъжрибали жанлигини англатади. Н. В. Пигулевская суғудлар “бутун Эрон давлати ҳудудидида ҳеч қандай тўсиқсиз ипак савдоси юритиши”ни сўраганлар деб ҳисоблайди. Бироқ Менадор очиқ-ойдин , улар ипакни ғарбга – Византияга, Эрон ҳазинасига тўлов бериб бўлса ҳам, ўтказишга изн сўраган деб кўрсатади. Қўйироқда Н. В. Пигулевская, шох ипакни давлатидан ўтказишни рад қилиши рақобатдан чўчиш оқибати деб тахмин қилади. Бироқ VI асрда ҳали ипак савдоси очиқ йўлга қўйилмаган эди, демак, ҳеч қандай рақобат ҳам йўқ эди. Унинг: “Эрон учун турклар улар истаган иттифоқчи эмас эди” деган хулосасига ҳам қўшилиб бўлмайди. Мамлакатнинг бир томонида шикддати уруш кетаётганда унинг иккинчи томонида тинчлик бўлишини истамаган мамлакат бўлиши мумкинми? Бироқ ҳодисалар яқини барибир, туркутлар ва форсларни урушга чорлади, гарчи ҳар ики томон буни хоҳламаган бўлса ҳам.

Император Юстин билан тижорат шартномаси ва Эронга қарши ҳарбий иттифоқ тузиш топшириғи билан яна ўша Маниахни Константинополга юборди. Маниах Константинополга Кавказ орқали кетди. У айна вақтида етиб келди. 568 йилда лангобардлар Италияга бостириб киришди ва II Юстин Юстиниан даврида империя молиясини издан чиқарган ғарбдаги фаол сиёсатдан ўз вақтида воз кечди. Бунинг устига Эрон билан уруш қайтадан бошланмаслигининг иложи йўқ бўлиб, бундай вазиятда қудратли бир иттифоқчини худонинг ўзи етказган эди. Ана шунинг учун ҳам император туркут элчилигини ниҳоятда яхши қабул қилди ва иттифоқдошликнинг тасдиғи сифатида 568 йилнинг августида қайтиб кетаётган Маниахга шарқий шаҳарларининг саркардаси киликиялик Земархни¹⁵ қўшиб юборди. Истамихон ҳам Византия элчисини илиқ қутиб олди ва ниятлари холис эканлигининг тасдиғи сифатида Эронга юриш бошлаган лашкари билан бирга кетишни таклиф этди.

Хусравга уруш керак эмасди. Талас дарёси водийсида туркут аскарлари Эрон элчилиги билан учрашди. Бироқ хон базмда Земархни намойишкорона тарзда Эрон элчисидан кўра тўрға ўтқазди ва унинг кўз ўнгида форс элчиларига дашном берди. Форс элчилари Эронга уруш ҳақидаги хабар билан қайтдилар. Шундан сўнг хон Земархга изн берди ва у Константинополга Маниахнинг ўғли ҳамда мухтор элчи Тағма-Тархон номли туркут билан бирга қайтиб келди.¹⁶ Бу пайтларда Маниах оламдан ўтган, бироқ у асос солган Византия-Хоқонлик иттифоқи давом этиб, мерос сифатида Хазар хоқонлигига ўтди. Худди шундай Эрон билан душманлик ҳам мерос бўлиб, ҳатто форс подшоҳларининг ўрнини араб халифалари эгаллаганда ҳам хазар хонлари бу анъанага содиқ қолдилар.

Эфталит мероси тақсимоти. Бошланган урушнинг расмий баҳонаси Истамихоннинг “форслар эфталитларга тўлаган тўловини энди менга берсин” деган талаби эди.¹⁷ Талаб рад этилиши сўзсиз эди. Шунинг учун хон таваккал қилди. Туркут суворилари Амударёдан тезда ўтиб аввал форсларга тегишли бўлган¹⁸ Журжондаги “Сир”¹⁹ларнинг тижорий шаҳарлари ва бандаргоҳларини”

¹⁵ Менандр, 375-б.

¹⁶ Тархон – солиқлардан озод этилган кишиларнинг унвони.

¹⁷ Th. Noldeke, *Geschichte der Perser und Araber...*, 158-б.

¹⁸ Хитой билан ипак савдосида воситачи савдогарлар сирлар деб аталган (Л. Н. Гумилев, *Динлинская проблема*, 23-б.).

¹⁹ Феофан Византийский, 493; М. Е. Массон бу бандаргоҳлар Журжонда бўлган, уларни 484 йилда форслар қўлдан чиқарган ва 568 йил атрофида туркутлар босиб олган деб ҳисоблайди. (М. Е. Массон. *Фрагменты...*, 50-б.)

босиб олди. Аммо форслар эфталитларга қарши V юзйилликда қурган истеҳкомлари тизмасидан ўтишга туркутларнинг қурби етмади. Хужум тўхтатилди ва 569 йилдаёқ туркутлар Сирдарёга²⁰ қайтдилар. Ана шунинг билан ҳарбий ҳаракатлар тўхтаб қолди, бинобарин, Истамихон шоҳаншоҳнинг яхши ўргатилган мунтазам қўшини билан дуч келишни истамади. Византия Месопотамияда урушни бугун-эрта бошламоқчи бўлиб турганлигини билган хон эфталит меросини бўлишиш ҳақида келишиб олишга интилди. 571 йилги шартномага кўра Хусрав Ануширвонга Синд, Бўст, ар-Роҳаж (Арахозия), Забулистон, Тохаристон, Дардистон ва Кобулистон тегди. Бундан ташқари, форсларга эфталит беги Фағонишнинг меросий улуши — Чағониён²¹ ўтди. Туркутларга эса Сўғдиёна берилди.

Тинчлик битими тузилиши Хусрав Ануширвон учун катта бир омад эди. Биринчидан, у ўз подшолиги чегарасини шарққа қараб шу даражада кенгайтдики, ундан аввал ҳеч бир Эрон шоҳи бунга эришмаган эди, иккинчидан, у ўз лашкарини ғарбда уруш қилиш учун бўшатиб олди, бу ерларда арманлар қўзғолон кўтарган, грузинлар Византияга сотилган, Арабистонда ҳабашлар кўтарилган бўлиб, ниҳоят, 572 йилда Византия қўшини ҳужумга ўтиб Низибни қамал қилган эди. Таълим кўрган қўшинни ғарбга ташлаш билан Хусрав аскарый ҳаракатларда тезда кескин бурилиш ясаб, 573 йилдаёқ Даруни қўлга киритди.²² Аслида Хусравнинг бу зафарлари сабабчиси туркут хонининг Эрон йўлларидаги мажбурий ҳаракатсизлиги эди. Туркутларнинг ашаддий душмани аварлар Савадан то Донгача бўлган чўл минтақаларини босиб олганидан сўнг, Истамихон ҳужумни жанубдан олиб, ғарбга йўналтиришдан бошқа чораси йўқ эди. 567- 571 йиллар оралиғида туркутлар Шимолий Кавказни тўлиқ эгаллаб²³, Боспор ёнида Византия империясининг чегараларига келиб тақалди.

Эҳтимол туркутлар мана шу йўллар орқали ўз дўстлари ва маслаҳатчилари бўлмиш суғудлар учун янги карвон йўли очмоқчи бўлишгандир.

Форслар билан аварлар орасида сиқувда қолган Византия хон билан иттифоқ бўлишга зўр бериб интиларди. Бир неча йил ичида туркутларга Евтихий, Иродион, Павел Киликийли ва Анангастрлар

²⁰ A. Christensen, *L' Iran sous les Sassanides*, 373 - 6.

²¹ Th. Noldeke, *Geschichte der Perser und Araber...*, 156-169 - 6.

²² Феофан Византийский, 493-495 - 6.

²³ Туркутлар белеңжер (булғорлар) ва хазарларни буйсундириб, Дарбандга етдилар ва қальани кўриб чиқиб даштга қайтдилар (Табарий 1,2. 895-896; Ибн ал Асир. 9-10 бетлар, бу узиндилар М. И. Артамоновнинг "История хазар" асарининг 137-138 бетларидан олинган).

бошчилик қилган элчилар жўнатилди.²⁴ Шарқ билан Фарб ўртасида кўприк қурилиб, иттифоқ мустақкамлангандай туюлса-да, бироқ воқеалар оқими бошқа ўзанга оқа бошлади.

Византия билан уруш. 553 йилда Византиянинг ўзида ипак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.²⁵ Ипак қуртларини Прокопий Кесарийлига кўра икки насоро роҳиби, Феофан Византиялига кўра эса, бир форс ичи ковак ҳассада олиб келган экан. Н. В. Пигулевская фикрига кўра, ипак қуртлари суғуд кенгликларидан олиб келинган.²⁶ М. Е. Массон Феофаннинг ривоятларига таяниб, Журжондан олиб келинган, деб ҳисоблайди.²⁷ Ипакчилик Константинополда, Байрутда, Тирда ва Антиохияда ривож топди. VI юзйиллик охирларига келиб, Византияда четдан ипак олиб келиш эҳтиёжи аввалги қадрини йўқотган бўлиб²⁸, туркутларнинг ҳам ипак монополияси ҳақидаги орзулари чиппакка чиқди. Рақобат вужудга келгач, улар ипак нархини пасайтиришга мажбур бўлишди ва тижоратдан келадиган кирим миқдори анча камайди.

Ипак савдосидан ташқари, Византия ва туркутлар муносабатининг совушида аварлар масаласи ҳам кам аҳамият касб этмади.

568 йил шартномасига кўра Византия аварлар билан тинчлик ва иттифоқчилик битими тузмаслик мажбуриятини олган, шунинг учун ҳам авар элчилиги Юстин ҳузурига келиб, Паннонияни эгаллашга руҳсат ва тинчлик битими тузиш ҳақида қилган илтимоси рад этилди.²⁹ Шунга қарамай, аварлар Паннонияга ўрнашиб олдилар ва византияликларни мағлуб этиб, уларни 570 йилда тинчлик битими тузишга мажбур қилишди.³⁰

Мана шу икки ҳолатнинг ўзиёқ сиёсий қайта гуруҳланиш учун етарли бўлди. Туркутлар Волга теварагида эндигина бўйсундирилган қабилалар қуршовида эди. Улар тинчликни бўйнига олишларининг асосий сабаби шу пайтгача туркут сувориларига тенг келишнинг имкони йўқлиги эди. Аварларнинг бирданига кучайиб кетиши туркутларнинг барча душманлари учун бир марказга тортиш кучини ҳосил қилди, бундайларнинг биринчиси кутургурлар бўлди, булар энди туркутларнинг ўзи учун хатар туғдира бошлади. Лекин аварлар

²⁴ Lebean, *Histoire du Bas-Empire*, t. 10, 169-б.

²⁵ Феофан Византийский, стр. 493 Энг кейинги адабиётлар: Н. В. Пигулевская, *Византийская дипломатия...*, 204 Массон, *Фрагменты...*, 47-51-б.

²⁶ Пигулевская Н. В., *Византийская дипломатия...*, 205-206; Сирийские источники...

²⁷ М. Е. Массон, *Фрагменты...*, 47-51-б.

²⁸ Уша асар, 49-б.

²⁹ Феофан Византийский, 493-б.

³⁰ Менандр, 400-б.

ҳали ҳам гепидлар ва юнонлар билан уруш олиб бораётган ва уруш натижаси ҳали номаълум бир кезде, туркутлар анча кучсиз душманларидан хавфсирамаса ҳам бўларди. Аварлар қудратли давлат бунёд этиб, Византия билан тинчлик битими тузиб, ўз хавфсизлигини таъминлаб олгач, туркутлар бу хатарни пайқамасликлари мумкин эмасди. Ростдан ҳам улар 576 йилда Валентин юборган элчиликни олдингиларидан кўра бошқачароқ кутиб олдилар.

Элчиларни Турксанф – саккиз уруғдан бирининг беги (туркут салтанати буюк хонга бўйинсунадиган саккиз улусдан иборат эди) кутиб олди. У Валентиннинг саломига “Сизлар ўн хил тил ва бир ёлғон ишлатадиган ўша румликлар эмасмисизлар?” деб алик олади. Бу сўзларни айтиб бўлгандан кейин, у ўз оғзига ўн бармоғини тиқиб давом этади: “Мана, менинг оғзимда ўнта бармоғим туриши каби сиз румликларнинг оғзингизда тилингиз жуда кўп. Бири билан мени алдасангиз, бошқаси билан менинг қулларим варханитларни алдайсиз... Сизнинг подшоҳингиз мен билан дўстона сўзлаша туриб, ўз хўжайинларидан қочиб юрган қулларим вархонитлар (аварлар назарда тутилаяпти – Л. Г.) билан битим тузганлиги учун вақтида жазосини олади. Бироқ вархонитлар туркларнинг (туркутларнинг – Л. Г.) тобеларидир ва улар мен истаган пайтда олдимга келади... Сиз румликлар Византияга юборилган элчиларимни Кавказ орқали олиб борасизлар ва бошқа йўл йўқлигига мени ишонтирмоқчи бўласизлар? Сиз буни йўллар оғир ва қийин, деб ўйлаб мени Рум вилоятларига ҳужум қилишдан тийилишим учун ҳар бало қилишга тайёрсиз. Билиб қўйингки, Данапр дарёси қаердалигини, Истр қаерлардан оқиб ўтиши, қулларим аварлар Румга қайси йўллардан борганлигининг барчасини мен миридан сиригача биламан. Мен ҳатто сизларнинг куч-қувватингиздан ҳам хабардорман. Қуёш нурлари дастлаб тушадиган жойлардан бошлаб то ғарбгача бўлган барча ерлар менга бўйинсунади. Эй бахти қаролар, аланларга, яна утургурларга қаранглар, улар ўзларининг чексиз хушёрлиги ва тетиклиги билан мамнун бўлиб, кучига ишониб, енгилмас туркутларга қарши тиф кўтарди, бироқ уларнинг умидлари чиппака чиқди. Энди улар бизнинг қўл остимизда, қулларимизга айланди”³¹ Бу матн бизга туркут ташқи сиёсатида бурилиш бўлганлигини англатади, айни чоғда, бу ерда Менандр Турксанф ўз фикрини асослашини батафсил бермагани аниқ. Шунча нарсани билган Турксанф, Византия билан аварлар орасидаги битим Дунай бўйидаги шафқатсиз жангда юнонларнинг қаттиқ мағлубияти натижасида мажбур бўлиб

³¹ Менандр. 418-420 - б.

тузилган битим эканлигини билмаслиги мумкин эмасди. Валентин ўзини оқлаш учун баҳона топиши қийин эмасди, аммо у бунинг ўрнига ўзининг элчилик мақоми ва Турксанфнинг отаси билан эски дўст бўлганлигини эслагиб ўтади. Қисқаси, у ўзини айбдордай тутади. Бунинг сабабини араб тарихчилари Табарий ва Саалабийлардан топамиз. Хусрав Ануширвон жанглари тасвирлаш асносида улар хабар берадиларки, Византияга қилган юришидан қайтишда Хусрав хазарларга (яъни ғарбий туркутларга – Л.Г.) хужум уюштириб, улар билан ҳисоб-китоб қилади.³² Саалабийда бу берилган даракнинг санаси кўрсатилмаган-у, бироқ Антиохияни олиш воқеасидан кейин келтирилади; Табарий бўлса, воқеаларни умуман саналар кетма-кетлигисиз баён қилади. Аслида, то 575 йилгача Византия элчилари туркутлар томонидан илиқ кутиб олинган 575 йилда эса Эрон ва Византия орасида ярашув битими тузилиб, Хусрав қўли бўшаган кўшинини душманининг иттифоқчилари устига ташлаб, ҳисоблашиш имконига эга бўлади. Туркутлар 570 дан 576 йилгача Шимолий Кавказни бўйсундириш билан машғул бўлишган. Айнан туркутлар ёрдамида Византия гумаштаси бўлган Гуарам Баградит Картли тахтини эгаллашга муваффақ бўлади (575).³³ Византияга инонганлиги учун улар орқадан зарбани кутмаган эдилар.

Ана шундай бир вазиятда Турксанфнинг ғазабини тушуниш мумкин. Алоқа бузилиши оқибатлари кўп куттирмади. 576 йилда утургурлар қўллаб турган туркутлар Боспорни эгаллашди, бу турклар (туркутлар) румликларга қарши уруш бошлаганлигининг ифодаси эди.³⁴ Туркутлар босқини бу билан тугамади. Улар Қиримга ҳам кириб бордилар, лекин у ердан улоқтириб ташланган кўринади. Сўнг туркутлар Византияга Ғарбий Кавказ³⁵ орқали киришга уриниб кўрадилар, бироқ шимолий чегаралари Кавказ тизмаси орқали ўтадиган Эгриси подшоҳлиги қаршиликка дуч келишади. Кавказортига киришнинг иложи топилмагач, 80-йиллар бошларида, туркутлар кўпгина асирларни ўлдириб, чекинишга мажбур бўладилар. Улар фақат Шимолий Кавказ текисликлари, Дарбандгача бўлган Доғистон

³² *Tha'alibi, Histoire des rois der perses...*, 614-6.; *Tabari, Zotenberg, II, 161 б.* Хусрав туркутлардан Жужандаги шаҳарлар ва бандаргоҳларни тортиб олган бўлса керак, чунки кейинги вақтлар бу ерлар Эронга тегишли бўлиб қолади.

³³ *M. Brosset, Histoire de la Georgie...*, I. 216 б. Броссе бу санага шубҳа билдиради, чунки вазият баёни 589 йил вазиятга жуда ўхшашидир. Менимча, бу ерда хато санада эмас, балки вазиятни изоҳлашдадир. Йирик ва кейинги ҳодиса, аввалги кичикроқ ҳодисани босиб кетган. Хуллас, мен йилномачининг Гуарам 575 йилда подшоҳ бўлди, деган гапига ишонаман.

³⁴ Менандр, 423-б.

³⁵ *Феофилакт Симокатта, История, стр. 160-161 Л. Н. Гумилев, Биография тюркского хана... 72-б.*

тоғолди минтақаларида мустаҳкам ўрнашиб олишга муваффақ бўладилар. Византия учун турк хавфи бартараф бўлди.

Хитой ва ипак йўли. Энди ипакнинг кони бўлган Хитой туркут, суғуд, форс ва юнонлар учун жуда фойдали бўлган ипак тижоратидан нима наф кўришини кузатайлик. Меҳнаткаш хитойлик деҳқон бу қимматбаҳо товарнинг ишлаб чиқарувчиси бўлса ҳам, ўзлари ундан деярли фойдаланмас эди, чунки солиқлар жуда катта бўлиб, мунтазам равишда йиғиб олинарди.

Ипак эвазига олинадиган дабдаба ашъёлари асосан, сарой эҳтиёжига сарфланиб, ички бозорда унча аҳамияти йўқ эди. Бунинг устига олиб келинган ашъёлар чиқарилган ипакка нисбатан анча кам бўлиб, умуман ипак савдоси Хитой учун чиқим эди. Шунга қарамай, Бэй-Чжоу ҳукумати вазиятни ўзгартира олмас, аниқроғи, ўзгартиришга ҳадди сизмас эди, чунки бу ҳукуматнинг сиёсий ютуқлари тўлалигича туркут хонлари кайфиятига боғлиқ эди: Бэй Ци ва Тогон асосан туркутлар ёрдамида тор-мор келтирилган бўлиб, Жанубий Хитойни бўйсундириш ҳам орт томон хавфсизлигини таъминламасдан туриб бажариб бўлмайдиган режа эди. Бундан ташқари шуни ҳам назарда тутмоқ керакки, Бэй-Чжоу сулоласи хитойликларнинг эмас, балки санбийларники бўлиб, Шимолий Хитойнинг йирик ер эгаларига айланган хитойлашган санбий аслзодаларига суянар эди. Тобалик «сочи ўрилганлар» ўз тили ва одатларини унутишлари муҳим эмасди, туб хитойликлар уларни ҳануз ёмон кўрар, варвар ва босқинчилар насли, деб билишарди. Хитойликларга Бэй-Чжоу ҳукуматининг ташқи сиёсати ҳам ёқмас эди. Катта миқдордаги тўлов ҳисобига амалда жорий бўлган туркутлар билан иттифоқ ҳам сулола ҳали дашт анъаналаридан алоқани уза олмаганини кўрсатарди. Буларнинг устига даосизм ва буддизмни тазйиқ қилиниши, халқ орасида катта эътиборга эга бўлган бу ташкилотларни муҳолифотлар сафига итарар эди. Ниҳоят, аҳолиси кўп Бэй Ци подшолигининг қўшиб олиниши империяда хитой унсурининг кўпайишига олиб келди. Ушбу пишиб етилиб келаётган воқеаларда, барибир, ҳал қилувчи ролни “Гуанлум” деб аталадиган гуруҳ ўйнади.

Оғир бир замонда, Вей хонадонининг йиқилиши билан Шандундан кўплай бой хитой оилалари Юйвин Тай ва Шэнсига келиб Гуанчжун ва Лунси вилоятларида ўрнашиб қолдилар. Бу ерда улар маҳаллий хитой амалдорлари ва ер эгалари билан бирлашдилар ҳамда қўшничилик, этник бирлик ва қариндошлик ришталари асосида гуруҳ ташкил этдилар. Яшаш жойлари номлари

— Гуан (чжун) ва Лун (си)дан келиб чиқиб бу гуруҳларни “Гуанлун” деб аташ бошладилар. Сўнгги Бэй-Чжоу императорлари даврида гуанлунлар бошлиғи саркарда Ян Цзян эди, бу шахс балоғатга етмаган императорнинг тоғаси ҳам эди.³⁶

Ян Цзян “жаҳлдор, ишончсиз киши бўлиб, китобни хушламас, айёрлик билан иш тутарди; бошқаларни қўрқитиб ушлаш сирини билар, шунинг учун унинг буйруқлари тез ва аниқ қилиб бажариларди. Давлат ишлари билан эрта тонгдан тунгача шуғулланса-да, чарчоқ аломати сезилмасди.³⁷ Унинг сиёсий хушловлари ва хушламасларини у суянган муҳит белгиларди. Мамлакат ичида ижтимоий зиддиятларни юмшатадиган тадбирлар ўтказса, қўшниларига нисбатан муносабатларни кескинлаштириш йўлини тутарди.

563 йилда Ян Цзян туркутлар билан зиддият чиқариб, сиёсий йўналишини ўзгартирмоқчи бўлди. У буни қуйидагича асослайди: “Туркут жангчилари мукофотга ҳам, жазога ҳам парво қилмайди, бошлиқларининг ҳурматини ҳам доим ўрнига қўймайди, кўпинча тартибга ҳам итбат қилмайди. Уларни йўлга солиш унчалик қийин эмас. Бундан кўринадики, уларнинг қудрати ҳақидаги шов-шувлар унчалар ҳам асосли эмас. Бу билан улар юборган вакилларига ҳукумат кўпдан-кўп тортиқлар беришига эришиб, ўзлари у ерга қайтишганида улуш олишни умид қиладилар. Саройга уйдирма маълумотлар етказилади, аскарий бошлиқларни улар тўғрисида истаган мишмиш қалтиратиб қўяди. Рақибларимиз фақат ташқи кўринишидан мардонадир, аслида уларни бирёқлик қилиш қийин эмас. Энди, менимча аввалги ва кейинги вакилларининг калласини оладиган вақт келди.”³⁸

Аmmo бу гаплар асл ҳақиқатни эмас, балки “гуанлун гуруҳи”нинг дастурини ифода этар эди. Туркут сувори аскарлари хитой пиёдаларидан анча эпчил ва чаққонгина бўлиб қолмасдан, аввалги кўчманчилардан фарқ қилиб, манглайга зарба бериш малакасини ҳам яхши эгаллаб олгандилар. 578-579 йиллардаги тўқнашувлар туркутларнинг аскарий устунликларининг яққол далили бўлди. Даштга яқин бўлишга мойиллар билан мунозарага киришган Ян Цзян уларни сотқин, порахўрлар қилиб кўрсатишга уринади. Унинг энг муҳим фикри бу туркутларга тортиқлар, яъни ипак матолар беришни тўхташиш ҳақидаги талабидир. Бу тадбир ростдан ҳам туркут

³⁶ Шан Юэ, *Очерки...*, 178-б.

³⁷ H. Cordier, *Histoire...*, 25-б.

³⁸ Бичурин Н. Я. *Собрание сведений...*, I ж. 232-б.

хонларининг иқтисодий салоҳиятига путур етказар ва айни чоғда Хитойнинг ўзида солиқларни камайтиришга имкон берар эди.

Шундай қилиб “Гуанлун гуруҳи” мамлакатини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яққаланиб қолишини таклиф қилди. Бу дастурни император рад этди. Бироқ Ян Цзян сабрли бўлди, вақт унинг фойдасига кечарди. Туркутлар талаби ва хитойликлар қудрати ўсиб боришига мутаносиб тарзда Бэй-Чжоу сулоласида санбий унсурлари заифлашиб борди. 581 йилнинг қўкламида хитой аъёнларининг ҳукуматга қарши кўтарган исёнига халқ оммаси қўшилди. Бу вазиятдан Ян Цзян унумли фойдаланиб, тўққиз яшар сўнги императорни тахтидан ўзининг фойдасига воз кечтиришга эришди. Бахти қаро бола тез орада қатл этилди, Йуйвин хонадонининг барча аъзолари дорга осилди, шундан сўнг исён ҳам тўхтади. Янги сулола Суй деб атала бошланди.

“Хитой” партияси тўлиқ ғалабани осон қўлга киритганига қарамай, Ян Цзян кўпсонли санбий зодагонларини жигига тегишга ботина олмади. Махсус фармон чиқариб, “аввалги сулола давридаги барча рутба ва унвонлар ўз кучида қолишини”³⁹ билдирди.

Хитойлашган санбий аслзодалари сақланиб қолди ва бу фақат Хитойнинг бундан кейинги тарихини эмас, балки бутун Марказий Осиёнинг келажагини белгилаб берди. Агар ушбу фармон бўлмаганида, бу ерда фуқаролар уруши келиб чиқиши тайин эди. Бироқ олдида икки муҳим сиёсий вазифа: Жанубий Хитойни босиб олиш (бу вазифа 589 йилда осонгина амалга оширилди) ва туркутларни тор-мор этиш вазифалари турган Ян Цзян фуқаролик уруши келиб чиқишига мутлақо йўл қўя олмас эди. Туркутларни тор-мор этиш муаммоси эса, “Гуанлун гуруҳи” доҳийлари ўйлаганича унча осон иш эмаслиги кейин маълум бўлди.

V боб

ХОҚОНЛИК ИЧИДА

Ҳукумат ва халқ. Хитой манбаларида билдирилишича, хон эълон қилиш анча мураккаб маросим бўлган. Аъёнлар уни наматга ўтказиб, офтобли ерда тўққиз марта айланганлар, бу аснода қатнашчилар баланд овоз билан уни табриклаб чақириқ қилганлар. Сўнгра уни отга миндиришган, бўйнини ипак мато билан қисиб боғлаб, шу заҳоти боғични бўшатган ва неча йил хон бўлиш истаги борлигини сўрашган. Туркутлар тарихига назар ташлаб, ушбу саволга берилган

³⁹ Шэн Юэ, *Очерки...*, 180-б.

жавоб хоннинг ҳукмдорлик муддатига таъсир этганлигини пайқаш қийин. Шунинг учун бу удум хон қабиланинг етакчиси сифатида сайлаб қўйиладиган замонлардан қолган бир қолдиқ деб қаралса тўғри бўлади. Тахтни мерос олиш тизими ҳам анча мураккаб бўлиб, ўрни келганда бу ҳақда баён қиламиз.

Мамлакатда хондан кейин биринчи шахс ябғу ҳисобланарди. Бошқачароқ айтилса, ябғу қирол муовинидай бир мансаб бўлиб, унга подшолик қилаётган уруғнинг вакили тайинланар эди. Масалан, элхон Бумин замонасида ябғу унинг туғишган укаси Истами бўлган. Аини пайтда ябғу тахтга ворис бўла олмасди, ворис “тегин” мақомида бўлиб, қандай лавозим эгаллаши аҳамиятсиз эди. “Шод” унвони билан наслан шахзода бўлиб, ўзи мустақил идора этиладиган улуш ерига эгалик қиладиганлар аталарди. Жумладан, кейинроқ ҳатто хон бўлган Симо, никоҳсиз туғилганликда айбланиб “шод” бўлишига йўл берилмаган.¹

Майда амалларга Ашина уруғига мансуб бўлмаган кишилар тайинланарди. Бироқ барча лавозимлар наслий бўлган.² Мана шу асосда туркут жамияти зодагонлар жамияти бўлган дейиш мумкин. Келинг, хулоса чиқаришга ҳозирча шошилмайлик.

Туркут жамиятида эркин кишилар ва юқори табақадан ташқари асир олинганлардан пайдо бўлган қуллар ҳам бор эди. Уларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этарди. Истамихон Земархга 569 йилда қирғиз қавмидан бўлган тутқун қизни тортиқ қилади;³ омадли юришлар самараси сифатида Хитойдан минглаб аёллар туғиб келинарни; 619 йилда Чулохон Бин-Чжоуни босиб олиб “шаҳардаги барча хотинлар ва қизларни олиб кетади”. Атрпатаканда 628 йилги кишиларни овлаш манзараси Яқин Шарқда узоқ замонларгача эсланиб юрилди.⁴ Ниҳоят, Йуйгушад айнан асирларни тақсимлаш можароси оқибатида тахтдан маҳрум бўлган.⁵ Шу тариқа туркутларга қуллар ва қулдорчилик маълум бўлган, деб тан олишга тўғри келади. Аммо бу ўринда бир савол туғилади: кўчманчи хўжаликларда қуллардан қандай қилиб фойдаланиш мумкин? Қул бу шароитда, агар у мажруҳ бўлмаса, истаган пайтида хўжайинининг отида қочиб кетиши мумкин ва унга сарфланган куч-қувват, пул ўзини оқламайди. Қулнинг аҳволи биз ўйлаганчалик оғир бўлмаганга ўхшайди, буни тасдиқловчи ёдгорлик матни ҳам бор. 486 йилда Шаболиохонга ўзини Суй хонадонининг вассали деб тан олиш таклиф этилади. Шаболио “вассал” сўзи нимани ифода этади деб сўрайди. Унга: Суй

¹ Н. Я., Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж. 260-б.

² Уша асар, 299 S; Julien, *Documents...*, Vol. 3., 333 Liu Mau-t'ai, *Die chinesische Nachrichten...*, S 9. 498-б.

³ Менандр, 379-б.

⁴ Н. Я., Бичурин *Собрание сведений...*, 246 *История агван...* 128-б.

⁵ Н. Я., Бичурин *Собрание сведений...*, 287-288-б.

подшоҳлигида “вассал” сўзи бизда “қул” сўзи англатган маънони билдиради” деб жавоб берадилар. Хон эса “Кўк фарзандининг қули бўлишдек бахтга муяссар бўлиш”дан мамнунлигини элчига совғалар тақдим этиш билан изҳор қилади. Мазкур иқтибос кимнидир қули бўлишнинг қандай хурсандчилик томони бор экан, деган савол туғдиради. Бугундан бошлаб ўзини Хитой императорининг қули деб ўйлаганида Шаболиоҳон бошқа бир нарсани тушунган, шекилли. Аслида ҳам, кимгадир боғлиқликни ифода этувчи “қул” сўзининг маъносини биз тўғри англамадикми? Хитойлар “қул” сўзини муқобили деб “*nu*” сўзини эмас, “*tchin*” сўзини олганлар. Буни Н. Я. Бичурин “вассал” деб, Жюльен эса “*sujei*”⁶ “фуқаро” деб изоҳлаганлар. Бахтимизга Ўрхўн тошбитикларидаги айрим матнлар “қул” сўзининг маъносини аниқлаб, муаммони ҳал этишга имкон беради. Култегин катта матнида “табғач будунга баглик ури ўглин“ қул бўлти, силик қиз ўглинғ кунг бўлти”⁷ деб ёзилган, яъни “табғач қавмига мард ўғлонларинг қул⁸ бўлди, сулув қизларинг кунг (чўри) бўлди”. Аммо бу чоғда турклар Тан империясининг хитойлик аҳолисига нисбатан кўп имтиёзларга эга бўлгани ҳолда, ўз ҳолича Гобининг жанубидаги даштда яшар эдилар. Улар юришларда қатнашиб, хизмат юзасидан мансаб поғоналарига кўтарилар ва ўтовларига хуржунларини тўлдириб ўлжалар олиб қайтар эдилар. Фақат ҳеч қандай ижтимоий зулмсиз ўзга бир қавм подшоҳига итоат этиш ҳақиқати бор эди.

Бошқа бир матнни олайлик:

“[Элтериш қоғон]... ўз элини (қуйироқда изоҳланади), ўз қоғонини йўқотган, қул ва чўриларга айланган, туркча тузукларни бой берган халқини тартибга келтирди, халқини ўқитди, ота-боболар ўрнатган тартибни тиклади”⁹. Бу ўринда яна бегоналарга бўйсунмиш таъкидланмоқда, шахсий эркинликни йўқотилгани ҳақида ҳеч қандай гап йўқ.

Учинчи бир матнда — Барсбекнинг ҳалокати тасвирланиб, “унинг халқи қул ва чўриларга айлангани”¹⁰ таъкидланади. Бу одатдаги босиб олиш бўлиб, асирларни қул бозорида сотиш ҳақида лом-лим дейилмайди.¹¹

⁶ S. Julien, *Documents...*, vol. 3, 497-б.

⁷ С. Е. Малов *Памятники...*, 1951, 29-б.

⁸ С. Е. Малов “*раб*” и “*рабыня*” деб беради (*Памятники...*, 1951, 37-б.)

⁹ Уша асар, 37-38-б.

¹⁰ Уша асар, 39-б.

¹¹ С. П. Толстов “қул” сўзини “раб” деб изоҳлаб “қулдорлик мафкураси бор бўйбаста билан ўзини намоён қилади” деган хулоса чиқаради (*Тирания Аброя, 45-б*). Турли матнлар синчиклаб кузатилса, бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Унинг бошқа матнларидан келтирилган мисолларни эса С. Е. Малов бошқача талқин қилган (*Памятники...*, 1959, 16 (матн), 20 (таржима).

Шундай қилиб, “қул”нинг асосий маъноси бегонага бўйсунидир. Ушбу маъно то XIX юзйилликкача сақланиб келган. Кейинги турклар мусулмон маданияти билан қовушгач, исломга хос қул савдоси доирасига киргач, “қул” атамаси илгари англамаган янги маъно нозиклигини – сотиладиган қулларни ҳам ифодалай бошлаган. VI-VIII асрларда қуллардан фойдаланиш ҳам мутлақо бошқача бўлган: туркутлар уларни ўз ерларига олиб келиб, муайян бир ерга жойлаштирганлар ва улардан солиқ ундиришган.¹² Бундан ташқари, аёллардан уй хизматкори ва никоҳсиз хотин сифатида фойдаланишган.¹³ Қуллар кўп жиҳатдан Римдаги “колони”ларга ўхшардилар, бироқ ҳеч қанақасига бизнинг тушунчамиздаги “қул”га мос бўлмаган. С. П. Толстов аҳолиси ёппасига туркутларга деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан солиқ тўлаб турадиган кентлар бўлганлиги ҳақида ёзади.¹⁴ Аслида булар янги фуқаролар – ҳирож тўловчи бўлиб, туркутлар ҳирож тўловчиларни идора қилишни яхши билганлар. “Суйшу”да ҳирож олиш яхши акс эттирилган: “Олинадиган кишилар, отлар, солиқлар ва қора моллар миқдорини ёғочларни кертиб ҳисоблашган”.¹⁵ Айниқса, Моисей Каганкатвацци турк хоқонлигида фуқаролардан солиқ ундириш тизимини атрофлича баён қилади: “Шимол беги бутун ер юзига қўрқув ва даҳшат солди. Олтин ювишни биладиган, кумуш тайёрлайдиган, темир қазиб олишни ва мис ишлаб чиқарадиган барча турдаги ҳунармандларга кузатувчилар юборди. У товарлардан Кура ва Аракс каби буюк дарёларда балиқ тутувчи балиқчилардан бож олиш билан бирга, форслар подшоҳлигининг одатий рўйхати бўйича дидрахма ҳам талаб этарди”.¹⁶

Ушбу хабардан маълум бўладики, туркут хонлари Эрон шоҳларидан кўра кўпроқ солиқ ундирар экан, демак, туркут хонлари ва аёнларининг бойликлари ҳар бир босқиндан кейин ошгандан ошиб бораверган. Бундай талонга Халха ва Жунғория телелари, Жанубий Манчжуриядаги киданлар ва хилар, Суғдиёнанинг шаҳар-давлатлари, Тохаристон бекликлари, Осиё омбори — Турфон, Уралолди угорлари, Кубан утургурлари ва Саёян-Олтой Жанубий ёнбағридаги ўрмон қабилалари мунтазам равишда дучор қилиниб турилган. Бунинг

¹² Бу ҳолат юқоридаги фикрига зид равишда бўлса ҳам С. П. Толстов томонидан таъкидланган (Тирания Аброя, 46-47-б).

¹³ А. П. Окладников *Неолит и бронзовый век Прибайкалья, V боб, “Общественный строй”*.

¹⁴ С. П. Толстов *Древний Хорезм, 261 Чуваш тилидаги “қулани” – “ҳирож” сўзига қиёслаб*.

¹⁵ Н. Я. Бичурин *Собрание сведений...*, 229-б.

¹⁶ *История авган...*, 131-б.

устига Хитой ҳам йиллик ҳирожини тўлаб туриши керак эди, тўламаса яксон қилувчи босқинга мубтало бўларди. Эрон ва Византия эса тинчлик эвазига ёки иттифоқчилик учун тортиқлар бериб турарди. Албатта, бу бойликларнинг бир қисми бўйсундирилган халқларни шафқатсиз эзиб, молини олишда содиқлик ва сабот кўрсатган оддий жангчиларга ҳам тегарди, лекин даромадларнинг энг катта қисми, хусусан хонлар ва унинг атрофидаги хослари ҳамёнига тушарди.

Бу йўл билан тўпланган бойлик миқдори кўп бўлган бўлиши керак. Туркут хонининг Византия элчиларини дабдабали кутиб олиш манзарасини Менандр яхши кўрсатган. "...Улар тушлик қилдилар, куннинг қолган қисмини ўша чодирда базм қилиш билан ўтказишди. Шароб ичишди, бу биздаги узумдан сиқиб олинадиган шаробга ўхшамасди. Улар ичадиган ичкилик ёввойиларча бир суюқликдир.¹⁷ Кейинги куни улар (румликлар) ипак тўқималарга лиқ тўла ва ипак билан ўралган бошқа бир ўтовга ўтказилди. Бу ерда турли хил бутлар ҳам бор эди. Дизавул (Истамихон) тўлалигича олтиндан ясалган тахтда ўтирарди. Ушбу чодирнинг ўртасида олтиндан ишланган идишлар билан бирга олтин сандиқ ва қутилар бор эди. Яна базм давом эттирилди, ичкилик ичиш орасида тановул қилиб, зарур гапларни гаплашиб олишди, шу зайлда тарқалишди. Навбатдаги куни бошқа бир хонага киришди, бу(н)да устунлар олтин билан қопланган, тахтга олтин суви юритилган бўлиб, уни тўрт олтин товус кўтариб турарди. Хона олдида узундан-узоқ ёнма-ён жойлаштирилган аравалар кумуш идиш ва саватлар билан тўла. Тўртоёқли жониворларнинг кумушдан ясалган тасвирлари бизда ясаладиганлардан ҳеч ҳам кам жойи йўқ. Туркут хонининг ҳашамати ана шундай эди."¹⁸

Булар сўзсиз тортиб олинган бойликлар эди, бироқ туркутларнинг зафарлари ва дунёнинг ярмига эгалик қилиши тасодифий ҳодиса эмас эди.

Улар кўчманчилик савиясидан анча юқори бўлган шундай бир қўшин ва идора тизимини яратдиларки, шунга муносиб равишда ғалабаларга ҳам эришди, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Поғонали улуш тизими.¹⁹ Буюк туркут салтанатининг ташқарисида бўлгани каби унинг ичкарисида ҳам чуқур, асосли ўзгаришлар рўй

¹⁷ *Гуручдан тайёрланган хитойча арақ ҳақида гап бормоқда (қиёсланг: Г. Е. Грум-Гржимайло, Западная Монголия..., 216 - б.)*

¹⁸ *Менандр, 378-379 - б.*

¹⁹ *Лестовка (поғонанинг рус тилидаги муқобили) — кўндан қилинган тасбеҳ тури: уни тахтга ворислик қилишининг ўзига хос турига ўхшатиш Никонев йилномасида учрайди (тасбеҳда бир дона кетидан иккинчиси ўгирилгани каби, улуш беклари навбат билан хонлик тахтини эгаллайдилар).*

бермоқда эди. Бу нарса биринчи навбатда тахтга ворисликда намоён бўлди. Юқорида Элхон Буминнинг вориси Қора Иссиқхон отасидан кейин атиги ярим йил яшаб, 553 йилда қазо топгани айтилган эди. Иссиқхоннинг ўғли Шету тахтдан четлаштирилади ва ҳокимият Буминнинг иккинчи ўғли Муғонхон лақабини олган Кушу қўлига ўтади.²⁰ Унинг ҳукмронлиги чоғида хоқонликнинг фақат ташқи сиёсат салоҳияти ошибгина қолмай, поғонали улуш тизими ҳам йўлга қўйилди²¹ ва натижада туркут салтанати Осиёда юз йилдан кўпроқ буюк давлатлар билан рақобат қилиб, ўша VI-VII юзйилликларда бутун қитъада ҳукмронлик мавқеини қўлдан бермади.

Бу тизимнинг моҳияти қуйидагичадир. Туркут салтанати – узун найза ва ўткир қилич билан яратилгани аниқ. Ўн йилгина (550-560) вақт ичида Сарик денгиздан Волга дарёси оралиғидаги барча кўчманчи қабилаларни бўйсундирди ва яна йигирма йил забт этишни давом эттирди. Бинобарин, бу чексиз ҳудудни босиб олишнинг ўзи етарли эмасди, айнаи чоғда уни қўлдан чиқармай ушлаб туриш ҳам лозим эди. Туркут ҳокимиятининг шафқатсиз зулми янги тобеларга ёқиб тушиши мумкин эмасди ва оқибатда бўлгинчилик кайфияти бир лаҳза ҳам тинмас эди. Ашина хонадонига қарши исён дам у ерда, дам бу ерда тинимсиз, то салтанат ҳалокатга юз тутгунча давом этди.

Муғонхон олдида турган энг кескин ички сиёсий муаммолардан бири салтанат чекка ўлкалари ажралиб чиқиб кетишининг олдини олиш эди. Мағлублар қавми кўзи бўри калласи акс эттирилган байроқли, зирҳли туркут сувориларига тушиб тургандагина содиқ, тобе бўлиб қоларди. Етарли аскарий қувватга эга бўлган марказий ҳукумат вакилигина ғалаённи ва бўлгинчиликни олдини ола биларди. Бироқ қўлида ҳам ҳокимият, ҳам аскарий қувват бўлган хон ўрдасидан

²⁰ Қадимги туркларнинг ички тарихини билиш учун шунини тушуниб олиш керакки, ҳар бир бек ўзининг шахсий (келиб чиқиши ҳайвонлар номидан) исмларидан ташқари, лавозимига қараб ўзгариб туриладиган унвон-лақабларга эга бўлган. Туркутларнинг айрим хонлари тарих асарларида икки, ҳатто уч ном билан учрайди. Масалан, Шету – атоқли от (*Бичурин уни Жету деб номлайди*); салтанат шарқидаги улус беги сифатида у Эрфухон бўлган; хоқон бўлган Илиғуёлу Ше Моҳэ Шаболюхон унвонини олган. У кўпроқ хитойлар берган – Шаболюо (қароқчи) лақаби билан машҳурдир, баъзиларининг эса фақат атоқли оти маълум, холос (# Liu Mau tsai, Die chineschen Nachrichten..., 122). Шету – “Эришган” (ҳокимиятга) дегани. Эрфу туркича Эр (эр киши) + бек дегани. Илиғуёлу Ше Моҳэ Шаболо эл Кулуг шад Бага Ишбара қадимги туркидан таржима қилинганда: “Давлатнинг шонли шоди, илоҳий қудратли хон” деган мазмунни ифода этади. Барча исмлар ва унвон-лақабларнинг маъносини аниқлаш иложи бўлмаганлиги учун, баъзи бирлари манбаларда қандай шаклда учраса шу кўринишда қолдирилди.

²¹ Қараганг: Л. И. Гумилев, Удельно-лествичная система.

жуда узоқ масофада бўлган волийни хонга содиқликка нима мажбур қила оларди? Тўғри, волийликка қариндошлардан тайинлаш мумкин, бироқ бу билан вазият ўзгариб қолмасди, чунки қариндошлар орасидаги урушлар янги бир ҳодиса эмасди. Мана шундай бир ҳолатда поғонали улуш тизими ишлаб чиқилди. Унинг мазмуни жўнгина эди: волийнинг яхши ниятлари, шахсий сифатлари содиқлигига кафолат бўла олмас экан, уни марказий ҳукуматга боғлаб қўядиган манфаат ўйлаб топиш лозим. Поғонали улуш тизими тахтга ворислик қилиш навбатини ўрнатди. Муғонхон Низомига мувофиқ тахт отадан болага тўғридан тўғри эмас, балки акадан укага, кичик амакидан катта жиянга ўтадиган бўлди. Тахтга ворис ҳисобланган шаҳзодалар навбат кутиб, тахтга эришгунча улус (улуш)ни бошқарар эдилар.

Агар 568 йилда туркут давлатида тўрт улус (улуш) бўлган бўлса, 576 йилда уларнинг сони саккизтага етди. Бу улус (улуш)ларни Фарбий Оврўпадаги феодалларга ўхшатиш унча тўғри эмас. Бу ўринда чегараси унча аниқ бўлмаган минтақага ҳокимлик қилувчи саркардаларнинг ҳарбий кучларни ўзаро бўлиб олиши дейиш тўғрироқдир. Олий хонни Менандр Арсила²² деб атайди. Арсила туркича “Арслон” сўзининг бузиб айтилгани эканлигини фаҳмлаш қийин эмас. Муғонхон 572 йилда ўлганлиги маълум. Янги Низом бўйича тахтга унинг укаси Тобохон²³ ўтирган. Арслон эса Тобохоннинг ўз (ҳайвоний) исми деб тахмин қилиш мумкин.

572 йилда Тобохон жияни Шетуга шарқда, ғарбдан укасига улус (улуш)лар ажратади. Укаси шу орада вафот этади ва улусини Бўрихон²⁴ унвонини олган ўғлига мерос қолдиради. Муғонхоннинг ўғли Тўрэман²⁵ шимолда²⁶ (қирғизлар ва чиклар ерида бўлса керак) ўз ўрдасига эга эди.

Яқиндагина вафот этган Истамихон фарзандлари ҳам ўз улусларига эга эди: Қора Чуруннинг²⁷ улуси Етгисувда; Турк-санфники Қуйи Волга ва Уралда.²⁸ Улуғ хоннинг қароргоҳи туркутларнинг киндик қони тўкилган ер — Олтой атрофида бўлиб,

²² Менандр, 374, 418-6.

²³ Туркичасига Тобахон, яъни Товоқли хон. Бу унинг буддавий эканлигига ишора. Буддавий раҳиб сифатида хайрия йиғиб товоқ кўтариб юрган.

²⁴ Менандр уни Бахон дейди. Утурсулар 576 йилда Боспорни олганида уларга Бахон кўмондонлик қилган, демак, унинг ўрдаси Кубанда бўлган.

²⁵ Тўрэман — туркича унвон, хитойча “Долобин”дан тикланган, юнончаси Турум (қаранг: Л. Н. Гумилев, Великая Распря..., 88). Бундан ташқари унинг унвони ҳам бўлган Апа (тўнғич), хитойча — Або, форсча Абруй.

²⁶ Бу Чжан-сун Шэн унинг улусини “Шимоллий хонлик” деб аташдан ҳам маълум бўлади.

²⁷ Унинг унвони Тардушхон (хитойча: Дянгу Датухон, юнонча “Тарду”). Қора Чурун — айниган, чала, маймоқ” маъносидagi лақаб.

²⁸ Кивкаждан унча олис бўлмаган, чунки у Византия ерларига ҳужумлар уюштириб турган.

қолган икки улус Амраку²⁹ ва Тегиншод³⁰ деган икки ўғлига тегишли бўлиши керак.

Ушбу анча чигал ва мураккаб улус (улуш) тизимининг поғонали мерос йўли дастлабки даврларда анча ижобий натижалар берди. Икки марта тахтга вояга етмаган шаҳзодалар келиши ва оқибатда салтанат жиддий бир жар ёқасига келиб қолиши олди олинди. Ҳокимият доимо тажрибали кишилар қўлида бўлди. Улус беклари эртами кеч олиёй ҳокимиятга эришиш илинжида ғалаёну фитналарга қўл уришмади ва мамлакат тўрт томонга қараб кенгайиб борди. Улус (улуш) тизимини Ашина беклари V асрда мулоқотда бўлган II аср жанубий хунларининг³¹ зурриёдларидаги тахтга ворислик андозасидан ўзлаштирилган деб тахмин қилиш мумкин, аммо хунлардан фарқли ўлароқ туркутларнинг мақсади бошқача эди. Манбалар VI юзйилликда “катта оилалар” бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бермаса-да, бундай тартиб туркутлар учун янгилик эканлигини ишонч билан ёзади. Нима бўлганда ҳам, бу тизилманинг ҳам самараси, ҳам оқибати туркут ҳоқонлиги тарихида дарров бўй кўрсата бошлади. Туркутлар жамиятининг тизими қанчалик пухта ва мукамал бўлмасин, бу жамият жипс бўла олиши мумкин эмасди. Чунки аскарий аслзодалар табақасининг ажралиб туришининг ўзиёқ, ҳукумат умумхалқ манфаатини кўзлаган тақдирда ҳам ўз мевасини бермасдан қолмас эди. Ушбу ўзига хослик заминиде ишлаб чиқариш даражасининг пастлиги ҳамда уруғчилик турмуш тарзининг сақланишига асос бўлган кўчманчи чорва ҳўжалиги ётарди.³²

Туркутларнинг ички тўқнашувларига разм солсангиз, хон сулоласига қарши бирор марта бўлса ҳам оддий аскар кўзғолон, исён кўтарганини кўрмайсиз. Барча фитналару кўзғолонлар бошида шаҳзодалар ва беклар турган.

Туркутларнинг барчаси жангчилар эди, шунинг учун уларнинг ҳаммаси Ашина уруғи беклари бўлуқларининг бирида аскар ҳисобланарди. Бироқ улар ўз жангчиларининг кайфияти билан ҳисоблашишга маҳқум эди, чунки ана шуларгина уларнинг ягона таянчи ва ҳимоячилари эди. Бундан келиб чиқадики, жангчилар бекларни ўз манфаатларига мос ҳаракат қилишга кўндирар, кўнмаса уларни тарк этиб кетардилар. Лекин, барибир, салтанат ичида тўқнашув содир бўлишининг олдини олиб бўлмасди. Бироқ бу тўқнашув жангчилар билан зодагонлар орасида эмас, балки манфаатлари ва уруғи жиҳатидан муштарак бўлган зодагон ва жангчилардан ташкил топган турли гуруҳлар ўртасида юзага чиқарди.

²⁹ *Хитойчаси «Анло», Бичурин хато қилиб “Янло” деб ёзган.*

³⁰ *Бичурин «Дилеча» тарзида хато битган.*

³¹ *Л. Н. Гумилев, Хунну, 213-214-б.*

³² *Л. П. Потапов, Ранние формы феодальных отношений..., 28-б.*

Бундай вазиятда сулолани йиқитишнинг туркутлар учун ҳеч қандай нафи йўқ эди, чунки исталган йўналишдаги талабни бошқарадиган шаҳзода доим топиларди. Ташқи хавф ҳам йўқ эмасди: Хитой мудофаадан ҳужумга ўтишга доим шай турганидай, теле қабилалари ҳам қулай фурсат туғилди дегунча қўзғолон кўтаришга тайёр туришарди. Кескин вазият туркутларни жипслашишга мажбур этгани учун ҳам бирор марта оддий жангчиларнинг хонлар ва шаҳзодаларга қарши қўзғолони бўлгани йўқ.

Бироқ ҳоқонлик ҳалокатга маҳкум эди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, туркут жамиятида синфлар вужудга келиши энди бошланган бир вақтда унинг теварагидаги (Хитой, Гаочан, Суғуд, Эрон) давлатларида кучли ва ривожланган синфлар мавжуд эди. Жасурлик ва кучга қарши бу давлатларда айёрлик ва пул қўйилган бўлиб, яхши ўргатилган, яхши қуролланган ёлланма аскарлар жангда дашт сувориларидан қолишмас эди. Мана шу вазиятларни ҳисобга олиб, туркут салтанатининг йиқилишига эмас, балки унинг юз йилдан кўпроқ сақланиб турганига ажабланмоқ керак.

Ўрда. Туркут шаҳзодалари атрофида туркутлардан ташқари, мағлуб этилган жужанларнинг қолдиқлари ва ўз юртида ёки Хитой хизматида иши юришмаган турфа кишилар ҳам тўпланишган эди. Уларнинг келиб чиқиши ҳар хил бўлганига қарамай, нутқида талаффуз жиҳатидан бироз фарқ қилгани ҳолда бир тилда – қадимги турки тилда гаплашар эдилар. Улар биргаликда “будун”ни – халқни ташкил этарди. Будун “этнос” маъносида эмас, балки маъно жиҳатидан “демос”га яқиндир, чунки “будун”га “baglar” (беклар) зид қўйилган. Бу матндаги “turk baglari budun” “турк беклари ва халқ ёки турк беклари халқи” “turk qara budun” – “турк қора халқи” ибораларида кўринади, айни чоғда “qara budun” – ‘омма’ бирикмаси маъносида салбий бўёқ йўқ; “alti bag budun” – олти бекнинг халқи, яъни олти қисмли халқ. Бундан кўринадики, “budun” ўрданинг оддий аъзолари, беклар – қўмондонлари, яъни бутун ўрда этник эмас, балки аскарый тузилма. VI асрдаги туркут ўрдаси қабилага мос келади, кейинроқ у давлат-салтанат тушунчасига айланди. Ўрда оилавий турмушдан аскарый турмушни афзал кўрувчи кўнгиллилар ҳисобига кенгайиб боради.

Ўрданинг қўшин сифатидаги одатий тузилмаси ўнг ва чап қанотлар бўлишини тақоза этади. Толос шарқий, тардушлар-ғарбий қанотлар эди. “Толос” ва “тардуш” атамаларини синчиклаб ўрганилганидан кейин (И. Н. Клюкин³³) аскарый-маъмурий

³³ И. Н. Клюкин, *Новые данные...*

атамаларни қандайдир қабилалар номи билан айнанлаштириш масаласида баҳс юритиш ортиқчадир.

Е. Прицак “будун”ни улуснинг бир қисми деб тушунади ва уни қадимги мўғул тилидаги “ирген”³⁴ атамаси билан солиштиради. Бироқ юқорида кўрганимиздек фақат беклар будунга зид қўйилганлигигина эмас, А. К. Кононов томонидан “ирген” — (эр+кин-кўплик қўшимчаси)³⁵ атамасини таҳлил этилиши кўрсатадики “еркин - ирген” (айнан: эркаклар тўдаси) от туркумига, “будун” сифатлик хусусиятига эга экан. Яъни “будун” хонга, бекка нисбатангина қўлланар, этнос маъносидаги “халқ” тушунчаси учун эса “kun”³⁶ ишлатилган. Е. Прицакнинг budun билан «buqun»(айнан: бу халқ) сўзларини қиёслашга уриниши эса ҳам тарихий ва ҳам тилшунослик нуқтаи назаридан ишончсиздир.³⁷

Қабилалар иттифоқини ифода этиш учун эса махсус “ўғуз” атамаси бўлган, уни Е. Прицак оқ (ўқ) сўзи талаффузининг бир кўриниши ҳисобласа, бошқа ерда қабилла асосининг бир тармоғи деб талқин қилади. Бу муаммони ҳам кўриб чиқамиз.

Қабилла. Давлат муассасаси сифатида юзага чиққан поғонали улуш тизими бора-бора оддий турмушга ҳам кириб борди. Оилавий муносабатлар шаклланишига таъсир этиб, мулкнинг тақсимланишига тўғаноқ бўлди ва катта-катта оила жамоалари пайдо бўлишига туртки бўлди. Ҳоқонлик замонида дашт аҳолиси анчагина бойиб қолди. Аввало, тўрт томондан ўлжалар ўзи оқиб кела бошлади, сўнг хонлар ўз қўли билан яқинларига тортиқлар қиладиган бўлди ва ниҳоят, даштда осойишталик ўрнатилиб, талон-тарожга чек қўйилиши чорвачилик ривожланишига самарали таъсир қилди. Бойлик келиб йиғила бошланди, улар ҳарж ҳам қилинмади, бўлиб ҳам олинмади, балки катта оилалар оморларида сақланиб турди. Бундай ҳолат фақат қабилачилик асосидаги мавжуд уюшмадагина бўла оларди. Ашина уруғи хонлари ана шундай идора усули намунасини гоётда улкан мамлакатни биргаликда идора этиш билан амалда кўрсатдилар.

Йирик оилаларнинг бошчилари хонларга тақлидан яқин ва узоқ қариндошларини бошқара бошладилар. Оилалар ўсиб қабилаларга айланди, бироқ бу ўсиш ҳудудий ва ташкилий яхлитлик сақланган ҳолда содир бўлди. Оқсоқоллар ўзларининг мавқеларидан фойданалиб, ҳатто хон ва идуқут унвонларини қабул қилишгача бориб етдилар.

³⁴ О. Pritsak, *Stammesnamen...*, 56 - б.

³⁵ А. Н. Кононов, *Опыт анализа...* 100 - б.

³⁶ А. Н. Кононов, *Уша асар*, 81; С. Е Малов, *Памятники...*, 951, 397 - б.

³⁷ Л. Н. Гумилев, *Орды и племена...*, 19-20 - б.

Уйгурлар, қорлуқлар, дулу ва нушибилар, шарқда киданлар, ғарбда ғузлар ва кўманлар (руслардаги “половец”лар) ана шу тариқа ҳоқонлик харобалари ўрнида ташкил топдилар. Қабилаларнинг асосий душмани ўрда бўлиб, уларнинг манфаатлари келиштириб бўлмас даражада қарама-қарши эди. Қабила оқсоқоллари ўз молларини боқишни, бетарафликни, ёлланма аскарлар бериб Хитойдан совға олиб туришни истарди. Ўрда хонлари эса барча йигитларни ўз қўшинига жалб этиб, уларни аскарликдан ҳориж бўлган фуқаролари ҳисобига боқиш, ҳарбий таҳдид билан Хитойдан ҳирож сифатида зироат ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ундиришни хоҳларди. Келишишнинг иложи қолмаган эди.

Йирик қўшнилари томонидан қисиб қўйилган майда қабилалар (уларни уруғлар билан тенглаштирмаслик керак) иттифоқ туза бошладилар, бундай иттифоқ “ўғуз” деб атала бошланди. Ана шулардан тўққиз ўғуз (тўққиз жамоа) — уйғур, уч ўғуз — қорлуқ этнонимлари вужудга келган. Дулу ва нушибилар ҳам иттифоқ тарзида ташкил топган бўлсаларда, улар ўғуз аталмади, чунки улар бошқа табиий бўлмаган бир шароитда — туркут хонининг фармониغا биноан ташкил этилганди. Шунинг учун ҳам улар ҳамон “будун” ҳолида қолиб, “он оқ будун” — ўн ўқли халқ деб аталар эди. “Будун” ва “ўғуз” атамалари луғавий муносабати қуйидагича: туркларга бўйинсундирилган уйғурлар туркларга будун ҳисобланади, бироқ ўз ички тузилмасини сақлаб қолганлиги учун ўғуз ҳам бўлиб қолаверади. Худди шунинг учун ҳам Билка қоон: “Тўқуз ўғуз халқи ўзимнинг халқим”³⁸ деганида асоси бор эди, яъни тўғридан тўғри хонга бўйинсундирилишини акс эттирарди.

Муаммога оид барча адабиётларни танқидий кўриб чиққан А. Н. Кононов ҳам “ўғуз” атамасини биз билан бир хил тушунади: “Ўғуз” этник жамловчи отининг ўзаги оғ(ўғ) — “уруғ, қабила” бўлиб, қадимги турки ўзак оғ (ўғ) — “она” сўзи билан ҳамда шу ўзакдан ясалган “оғ-ул” — “авлод, ўғил” ва оғ-уш (ўғуш) туғишган сўзлари билан боғланади.”

Шундай қилиб, “ўғуз” сўзи дастлаб “қабила” маъносини “бирлашган қабилаларни” англатиб кейинроқ жамловчилик маъносига эга бўлган этник номга айланган. Муайян ҳоларда аниқловчи ҳам қабул қилган: тўқуз ўғуз (тўққиз (хил) қабила), уч ўғуз (уч (хил) қабила).³⁹

Кейинчалик ўғуз атамаси ўз маъносини ўзгартириб (худди “будун” атамаси каби) туркманларнинг афсонавий ажлоди Ўғузхон

³⁸ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 42-б.

³⁹ Кононов А. Н., *Радословная туркмен*, 82-б. Тулиқ библиография ҳам келтирилган.

номида сақланиб қолади ва у ҳатто мусулмон пайғамбарлари сирасига киритилади.⁴⁰

Ҳодисалар жараёнини бундай талқин этилишининг асосий далили сифатида IV-V аср гаогуь-дилиларда уруғ тармоқларининг ва VII-VIII аср телеларида қабила тармоқларининг мос келмаслиги олинган. Ҳеч қандай шубҳасиз телеларнинг⁴¹ аждоди бўлмиш гаогуьлар 12 уруғга бўлингани ҳолда теле авлодлари 15 қабиладан ташкил топган: *Юанге* (уйғурлар), *Сеянто* (сирлар ва янтоларнинг (?) қўшма қабиласи), *Кибн*, *Дубо* (тўбалар), *Гулиган* (курикан, яъни ёқутлар аждодлари), *Доланге* (теленгитлар), *Буғу*, *Байегу*-Байирку, *Тунлотонгра*, *Хун*, *Сиғе*, *Хусе*, *Адје* (эдизлар), *Байсию*⁴² Ушбулардан дубо билан қиёслаш мумкин бўлган тўбалар ҳисобга олинмаса, бошқа бирортасини қиёслаб бўлмайди. Бу тарзда қайта шаклланиш, ота уруғчилиги тизимига асосланган қариндошлик бузилиб, эски уруғлар ўрнига янгилари шакллангандагина содир бўлиши мумкин. Бундай қайта шаклланиш учун замин ҳам бор эди: туркутлар юз йил давомида телелар устидан ҳукмронлик қилиб, айнан ўшаларнинг мадади билан шимолий даштларда қаҳрамонлик кўрсатади.⁴³ Демак, телелар ўрда тизимига ва унинг толис-тардуш қанотларига кирган “будун” эди. Тахмин қилмоқ мумкинки, худди шу заминда янги турмуш шароитига, ҳудудий-хўжалик бирлашмаларига мувофиқ келмаган уруғчилик тизими ўзгартирилган. Бу ўзгариш хитой манбаларида ўз аксини топган, улар галогуй уруғини “син” – фамилия десалар, теле қабиласини “бу” (“насл, авлод” Бичурин таржимасида) деб атайдилар.

Шундай қилиб, Ашина сулоласи ҳоқонлиги ижтимоий тузилмасининг айрича хусусияти аскарий ва қабилачилик тузуми чатишмасидан иборат бўлишидир. Амалда мана шундай чатишмани Марказий Осиёда биринчи марта бунёд этган кўчманчи халқ туркутлардир. Улар буни ўзлари ҳам англаганлар ва ўз салтанатларини “мангу эл” дейиш билан жужанлар ваҳший ўрдаси хўжайинчилиги ва телелар қабила иттифоқига нисбатан турғун эканлигини таъкидламоқчи бўлганлар.

Эл/ул сўзи турли олимлар томонидан турлича таржима қилинади ва тушунилади (бу ҳақда сўнгроқ сўзланади). Бу тушунчадаги энг муҳим нуқта ўрда билан бирга яшашга мажбур этилган, бўйинсундирилган қабиланинг мавжудлиги ва ҳукмрон қабиланинг ҳам бўлишидир.

⁴⁰ *Абуль Гази, Родославная история о татарах; А. Н. Кононов, Родославная туркмен.*

⁴¹ *Бичурин Н. Я., Собрание сведений..., 1 ж. 214 - б.*

⁴² *Уша асар, 301 - б.*

⁴³ *Уша асар, 300 - б.*

Кўндаланг турган сиёсий вазифаларнинг барчасини тўла еча олишга қодир бўлмаса ҳам, туркутлар яратган ижтимоий сиёсий тизим VI асрдаги энг яхши тизим эди: у туркутлар бир неча бўғинининг ўз иқлимида устунлигини таъмин этди, айтиш чоғда ўша тизимнинг ўзи (қуйидаги баёнларимизда кўрадикганимиздек) уни ҳалокатга етаклади.

Ривожланиш давраси. Агар бир томондан туркутлар, иккинчи томондан уларга тобе бўлган кўпсонли қабилалар ўртасида аниқ чегара белгилаб олинмаса, туркут ҳоқонлигига дохил бўлган кўчманчи қабилаларнинг ижтимоий ривожланиши давраси масаласини ҳатто енгил-елпи ҳам ҳал қилиб бўлмайди. Шу билан бирга ҳоқонлик 110 йиллик мустақил мавжуд бўлган чоғида кўзга кўринарли эврилишга юз бургани ва VII асрдан анча фарқланиши ҳам ҳисобга олинмоғи даркор.

А. Н. Бернштам қадимги туркларнинг ижтимоий тузуми “ибтидоий феодал муносабатлар вужудга келишининг илк шакли”⁴⁴ ҳолатидадир деган хулосага келади. Бу иддаолар тарихий фактларга ҳам, Ф. Энгелснинг варварликнинг энг юқори чўққисига ҳарбий демократия вужудга келиши ҳақидаги аниқ фикрига ҳам зид келади. “Олий босқич темир эритишдан бошланиб, ҳарфли ёзувни ихтиро этиб, сўз санъатини ёзувда ифодаланиши билан цивилизацияга ўтади. Бу босқич, айтилганидек, фақат шарқий яримшарда мустақил босиб ўтилган бўлиб, бошқа ҳамма ўзидан олдинги босқичларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам ишлаб чиқариш борасида ютуқларга энг бойдир. Қаҳрамонлик даври юнонлари, Римга асос солингунча яшаган италян қабилалари, Тацит германлари, викинглар замонидagi норманнлар ана шу босқич аҳолисидир”.⁴⁵ Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, туркутларни ана шу босқичдаги этнослар сирасига тиркаш бемалол мумкиндир.

Варварликнинг олий босқичига хос хусусиятларни Ф. Энгельс шундай таърифлайди: “Барча маданий халқлар қаҳрамонлик даврини — темир қилич чоғини бошидан кечиради”.⁴⁶ Бу темир эритиб ундан нарса ясаган туркутларга ҳам тегишлидир. “Бойлик шиддат билан кўпайиб борди, бироқ фақат айрим кишиларнинг бойлиги сифатида”.⁴⁷ Буни юқорида баён этдик. “Қуллик ижтимоий тизимнинг таркибий моҳиятли қисмига айланиб борди”.⁴⁸ Туркутларда қулчилик тараққиётнинг айнан ана шу

⁴⁴ А. Н. Бернштам, *Социально-экономический строй...*, 145-б.

⁴⁵ Ф. Энгельс, *Происхождение семьи, частной собственности и государства*, 132-б.

⁴⁶ *Ўша асар*, 162-б.

⁴⁷ *Ўша асар*, 163-б.

⁴⁸ *Ўша жойда*.

мақомида эди.⁴⁹ “Ҳайдаладиган ер айрим оилаларга аввал вақтинча фойдаланиш учун кейин доимий қилиб берилади, унинг хусусий мулкка айланиши аста-секин шерикчилик никоҳидан моногам никоҳга ўтиш жараёни билан ҳамқадам тарзда содир бўлади. Алоҳида оила жамиятнинг хўжалик бирлигига айланади”.⁵⁰

Ниҳоят ҳокимият қуруми ҳақида: “Халқнинг аскарий доҳийси — rex, basileus thiudans⁵¹ доимий ва зарурий масъул шахсга айланади... уруш ва урушга хизмат этувчи ташкилот халқ турмушининг зарурий бир узви бўлиб қолади. Авваллари фақат қасд олиш учун ёки ери торлик қилиб қолгани учун янги ерларни босиб олишга уруш қилинса, энди фақат талон-тарож қилиш учун уруш олиб борилиб, у бир касбга айланиб қолади.”⁵² Манбалар урушлар сабабини айнан шундай деб хабар етказадилар, айнан уруш учун ябғу, шади, тутуқ каби наслдан наслга ўтадиган, фуқаролик ва аскарий ҳуқуқларни қўшиб олган мансабнинг улкан тизимини яратганлар, булар Энгельс кўрсатган хусусиятларга монанд келади: “Талончилик урушлари олий ҳарбий бошлиқлар ҳукмронлигини кучайтиради, худди шундай унинг қўл остидаги аскарий бошлиқлар ҳам ворисий қироллик ва наслий зодагонлик асосларига замин яратилади”.⁵³

Ашина уруғи салтанати ана шунақа эди. У уруғчилик тузумини ўзига сингдириб олган ҳарбий демократия мақомида бўлиб, унга хизмат қилиши керак бўлган қўшниларига ўзининг тиф томонини қаратган эди. Антагонистик қарама-қаршилик таловчилар ва таланувчилар муносабатида акс этарди. Ашина салтанати Спартага бироз ўхшаш бўлса-да, ундан кўп қарра қудратли ва улкан эди.⁵⁴ Бундай ваҳший давлатнинг асосий кучи унинг қўшини ва идора тизимида бўлганлиги боис, биз эътиборимизни айнан ана шу томонларга қаратамиз.

⁴⁹ Бичурин Н. Я. *Собрание сведений...*, II ж. 300-б. С. П. Толстов, *Древний Хорезм*, 261-б. С. П. Толстовнинг қадимги турклардаги қулдорчиликка қарашлари анча асослидир.

⁵⁰ Ф. Энгельс, *Происхождение семьи, частной собственности и государства*, 164-б.

⁵¹ ва хон (деб қўшиб қўямиз — Л. Г.)

⁵² Ф. Энгельс, *Происхождение семьи, частной собственности и государства*, 164-б.

⁵³ Уша асар.

⁵⁴ С. П. Толстовнинг шунга мос баёни ва таҳлилига қаранг (*Тирания Абруя; Древний Хорезм*, 261-б.)

ТУРКУТЛАР ЎЗ ЭЛИДА

Аскарый ишлар. Туркутлар умумий тарих саҳнасида дастлаб темир ишлаб чиқариш касби билан кириб келдилар. Уларнинг афсонавий аждоди Ашина шимолга қочиб “жужанлар учун темир қазиб олиш билан шуғулланди”.¹ Жужан ҳоқони Анахуан 546 йилда туркутлар бошчисини уларнинг асосий хунари билан атаб: “менинг темир эритувчи тутқуним”² дейди.

Археологик қазिशмалар натижасида VI-IX юзйилликларга оид туркут металлургияси ёдгорлиги топилган. Олтойда ўша даврга оид темир маъданини қазиб олиш излари, унча чуқур бўлмаган лаҳмлар борлиги аниқланди. Темир ажратиб олиш усули, темир оксидини углерод оксиди билан кимёвий қўшиш орқали темирни тиклаш қабарик металл олишга имкон беради. Бундай темир ҳозирги замонавий домналарда олинадиган темирдан анча сифатли ҳисобланади.³

Ана шу юқори сифатли темирдан Олтой темирчилари бир тигли пичоқ, болта, узанги, сувлиқ, қилич, эгма шамшир, қин, найза ва ўқ учлари ҳамда айлана, осиб қўйиладиган, оёқларида турадиган икки хил қозон ясаганлар.⁴ Мана шу даврда металл қазиб олиш ва уни қайта ишлаш ҳозирги Тува ҳудудида ҳам йўлга қўйилган бўлиб, у ерда темирдан ташқари олтин, кумуш, қалай ва мис⁵ ҳам қазиб олинган.

Ҳакасияда — ўша кезларда қирғиз ҳоқонлигининг маркази ҳисобланган ернинг кўп жойларида темир қазиб олинган. Деярли барча қарағай ўрмонларида қадимги темир эритувчиларнинг қолдиқлари учрайди. Олтойдаги каби бу ерда ҳам меҳнат қуроллари ва яроғлар: қилич, ханжар ҳамда от анжомлари ясалган.⁶

Туркутларга замондош бўлган Ангар бўйи куриканларининг маданияти ҳам ўзига хос жозибали бўлган. Дастлаб, 1912-1914 йилларда олиб борилган археологик қазिशмалар натижасида топилган ашъёлар “курумчи темирчилари”⁷ номини олди, бироқ А. П. Окладников улар куриканлардан бошқа ҳеч кимга тегишли эмаслигини исботлади. Курикан темирлари 99,45% тоза металлдан

¹ Бичурин Н. Я. *Собрание сведений, 1 ж.* 221-б.

² *Уша асар*, 228-б.

³ С. В. Киселев, *Древняя история...*, 515-б.

⁴ *Уша асар*, 516-522-б.

⁵ Л. Р. Кизласов, *Тува...*, 75-б.

⁶ С. В. Киселев, *Древняя история...*, 574-581-б.

⁷ Окладников А. П. *История Якутской ССР*, 295-б.

иборат бўлганлиги учун қизитилганда эгиловчан, ундан тайёрланган нарса мустақкам бўлар эди. Улар пичоқ, ўқ-найза учларини ясашар, дарз кетган, тешилган қозонларни чегалашар эди. Шунинг билан бирга куриканлар чорвачилик ҳамда зироатчилик билан, ҳатто суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлар.⁸

Афсуски илк ўрта асрлар кўчманчиларининг кончилиги ишлари мунтазам бир тадқиқот манбаи бўлмаган, шунга қарамай, бизда бор маълумотларнинг ўзиёқ ёзма ёдгорликларда берилган даракларга ишонишимизга мажбур этади. Бу манбаларда таъкидланганидек, туркутлар Марказий Осиёда темирни саноат даражасида қазиб олувчи дастлабки халқ сифатида жаҳон тарихи саҳнасида пайдо бўлди. Шу боис кўчманчилар ҳарбий тадбирлар муваффақиятини белгиловчи темир қуроолларни олиб турадиган⁹ Хитой ва Тибетга нисбатан мустақиллик мавқеига эга бўлдилар. Темир кўчманчиларга аввал ҳам маълум бўлган, лекин фақат туркутларгина уни оммавий қўллашга имкон яратдилар. Земарх унга туркутлар сотиладиган темирни таклиф қилганларида ҳайрон бўлиб қолади ва бу уни чалғитиш учун атайлаб қилиняпти, деган шубҳага боради, “одатда уларда темир топиллиши анча мушкул” деган гап юрарди.¹⁰

Металлургиянинг тараққий этиши туркут хонларига ўз қўшинини қайта қуроолантириб, хитой манбаларида “фулу” деб (яъни, бўри, бу номланиш аждодларининг афсонавий бўри эканлигини “эсда сақлашди”) аталадиган зирҳли сувориладан танланган зарбдор қисмлар ташкил этиш имконини беради. Улар шохли ёй, зирҳ кўйлак, найза, қилич, ўткир суворий шамширлари билан қурооланишган.¹¹ Ёзма ёдгорликларда келтирилган ушбу қисқа хабарлар археологик материаллар билан яна тўлдирилади, деган умид бор.

Эрмитажда туркут хос аскарлари акс эттирилган сопол ҳайкалчалар сақланади.¹² Бу ҳайкалчалар ясалган вақти анча кейинги саналар (VII аср охири VIII аср боши)га тааллуқли бўлса ҳам, уларда акс этган қурооллар VI аср охиридан кейин жиддий бир ўзгаришга учрамаган бўлиши керак, чунки бу давр орасида маданий анъаналар алмашинуви содир бўлмади.

Ҳайкалчалар Турфон яқинида бир хитой аъёни қабрида (Туюқ Мозор, Туюқ дарасидаги ерости мақбараси) сақланган экан. Турфон атрофидаги Астана қишлоғидан А. Стейн ҳам юқоридагига ўхшаш ҳайкалчалар топади.¹³ Пиёдаларга ҳам, отлиқларга ҳам бир хил —

⁸ *Ўша асар, 296-297-б.*

⁹ *Бичурин Н. Я. Собрание сведений, I I ж. 172-б.*

¹⁰ *Менандр, 376-б.*

¹¹ *Бичурин Н. Я., Собрание сведений, II ж. 229-б.*

¹² *Л. Н. Гумилев, Статуэтки воинов...*

¹³ *A. Stein, Innermost Asia, Vol. II., 614-б.*

отда юришга мослаштирилган кийим – кўйлак кийдирилган. Бу шуни кўрсатадики, туркутларда алоҳида аскарый қисм сифатида пиёдалар бўлган эмас. Ҳарбий либос – бош кийим ва зирҳдан иборат. Бош кийими ҳозирги замон қозоқларининг малаҳайига ўхшаш бўлиб, металл лавҳалар билан қопланган, четларида қизғиш мўйнадан ҳошиялари бўлган.

Жангчиларга кийдирилган чопоннинг ёқалари юқорида бўлиб энгакка тегиб туради. Чопоннинг узунлиги то болдиргача етади. Тугмалари ўнг томонда бўлиб, қадалганда чопоннинг чап томони устига чиқади. Чопон устидан металл лавҳалардан тикилган зирҳ кийдирилган, унинг ҳошияларида қизғимтир тасма бор. Зирҳнинг узунлиги тиззагача бўлиб, ингичка камар билан белидан боғланган, енглари калта – тирсак юқорисида бўлган. У бош томондан кийилган бўлса керак. Бу зирҳ сарматларнинг катафрактига ўхшайди ва оғир сувориларга хосдир. Айнан шундай зирҳлар яқингача Тибетда ишлатилиб келинган бўлиб, унинг лавҳалари бир-бирига тасмалар билан бирлаштирилган. Яроғнинг ушбу тури то енгил, пишиқ ва қулай бўлган совут кўйлак уни сиқиб чиқармагунча кенг тарқалган бўлса керак.¹⁴ Жангчиларга сариқ ола шалварлар (эҳтимол сиртлон ёки барс терисидан) кийдирилган. Пойабзаллари қора, юмшоқ (наматдан бўлса керак) бўлиб, ҳозиргача Тибет ва Ғарбий Туркистонда кийиладиган оёқ кийимига ўхшайди. Таърифланган либос Тибет кийимига ўхшаш бўлса ҳам улар орасидаги фарқни кўрмаслик мумкин эмас: Тибетга хос бел атрофида тушириб қўйиш ҳайкалчаларга хос эмас.


Қурол тасвири фақат биргина шошилаётган жангчи ҳайкалча-сида учрайди. Бу қурол от устида туриб жанг қилишга мўлжалланган узун, енгил найзадир.

Туркутларнинг отлари, ҳайкалчалар асосида тасвирланадиган бўлса, сағри кенг, ингичка оёқли, бўйни қисқа, боши катта бўлган. Ёллари қирқилган, тарашланган, астойдил парвариш қилингани аниқ кўриниб туради. Бу отлар мўғул отларига мутлақо ўхшамайди, айна пайтда сомонийлар даврига хос, айниқса, Хэнандан топилган ҳайкалчадаги от тасвири билан жуда-жуда ўхшашдир.¹⁵

От жабдуқлари алоҳида эътиборга лойиқ. Эгари кенг, кўп-чиксиз, қоши паст, иккита қора рангдаги тўқим устига қўйилган, тўқимларининг ҳошияси оқ. Эгар ёғочдан ясалган бўлса керак, ранги сарғиш, узангилари айлана шаклида, қуюшқон, кўксликлари бор. Ҳозирги эгар-жабдуқдан фарқ қилиб, кўксликдан эгар орқали

¹⁴ Қаранг: J. R. Aspin, *Types des peuples...*, 13-б. (қоядаги тасвирлар нашр этилган).

¹⁵ B. Laufer, *Chinese clay figures*, 313-314-б.



куюшқонга алоҳида яна бир тортма тортилган. Бу тоғларда юришда пастга тушишни енгиллатишга хизмат қилган бўлиши керак. Жабдуқ кўксликда, қуюшқонда ва юганда осилиб турувчи оқ думалоқ, баъзан кумушдан қилинган тўқалар билан безатилган. Отлар жиловланмаганлиги уларнинг яхши ўргатилганлигини ифода этса, бунинг устига қирқилган ёллар яхши машқ қилдирилган, оғир онларда қутқара оладиган отлар таассуротини туғдиради. Суворининг от устида бир ёнга босиб ўтириши (казакча ўтириш) ўз умрининг катта қисмини от устида ўтказганлигига ишора ҳамдир. Узангилар ҳозирги замон кўчманчилариникига нисбатан анча пастга туширилган. Бундай ҳолатлар, узангилар пастга туширилишининг қандайдир амалий аҳамияти бўлган деган мулоҳазага олиб келади. Узанги юқорида бўлса, ёй камондан отиш ва арқон ташлаш учун қулай бўлади, оёқ пайлари ёрдамида чайқалишни камайтиради. Узанги қуйида, яъни узун бўлганида, узангида туриб найза санчиш ва қилич чопишда мустаҳкам туриши мумкин. Қанжигаларининг одатдан ташқари кўплиги, бизнинг кўчманчиларимиз узоқ юришлар ва ўлжаларни кўзлаган ҳамда бу қўшин мухорис қўшин эмас, балки сайёр қўшин деган фикрга олиб келади. Хуллас, турк лашқари мунтазам суворилар қўшини бўлиб, фақат текисликда эмас, балки ўзларидан олдинги аждодлари каби тоғларда ҳам жанг олиб боришга мослашган эди. Улар билан дашт уйғурлари тенг келиши мутлақо мумкин эмасди. Уйғурлар ҳақида хитойлар ижирганиб ёзадилар: “жангларда саф тортмайдилар, асосий бўлакдан ажралиб ҳамла, босқи уюштиришади. Бирдан ҳужум қилишади, тўсатдан чекинишади, узлуксиз жанг олиб бора олмайдилар”¹⁶. Турк зирҳли суворилари Хитой пиёда аскарларига ҳам, форсларнинг отлик камондозларига ҳам муносиб душман бўлиб чиқди. Бу ҳақда кейинроқ сўз юритамиз.

Турк жангчилари қиёфалари Турфон ҳайкалчаларидан ташқари Сулек (юқори Енисей)¹⁷ қоятошларидаги тасвирларда ҳам ўз аксини топган. Отлик мугузкамон билан қуролланганлиги, унинг ўзига хос эгмасидан билиниб туради. Бошқа бир тасвир бундан ҳам қизиқарлироқ: “... яхшигина қуролланган, бўйнидан болдиригача лавҳали зирҳ кийган, енглари елкасидан сал пастга тушиб турган, кўксида думалоқ қалқонча, белида қилич ва садоқ, ўнг қўлида чўқмор ушлаган отлик тиззалаб, унга ёйдан ўқ отаётган Саянли тоғлиққа кичкина байроқча билан безатилган

¹⁶ Бичурин Н. Я. *Собрание сведений, 1 ж.* 215 - б.

¹⁷ R. Aspelin, *Types des peuples...*, 11 - б.

найзани отмоқда”.¹⁸ Туркутларда зирҳли суворилардан ташқари энгил қуролланган чавандоз-камондозлар ҳам бўлиб, улар тобе қавмлар орасидан тўпланарди. Бундай жангчининг бронза тўқага ишланган тасвирини С. В. Киселев 1939 йилда Копен қишлоғидаги қозишмаларда топиб олди. “Сувори бош кийимсиз, узун сочларини шамол ҳилпиратади. Орқа томонига боғланган тасма уни ушлаб туради. Сал узунроқ кафтанини белбоғи сиқиб турибди. Пойабзали юмшоқ, пошнаси, ўнг биқинида қуйига қараб кенгайиб борадиган садоқ осилиб турибди. Камони мураккаброқ бўлиб М ҳарфини эслатади. Отининг дашт отларидан кўкраги кенг, ёллари қирқилган, думи тугиб қўйилган. Устида эгар-жабдуғи бор: эгар кўпчиксиз, қоши паст. Эгар остидаги тўқимдан попук чиқарилган. Куюшқон ва кўксикдаги қайишлардан ҳам попук чиқарилган, узангилари кенг ва ёй шаклида, тизгин билан юган бири бирига тўқиб бирлаштирилган. Эгарнинг ҳар икки томонидан шамолда қайишлар бўртиб чиқиб, чайқалиб тургандай”.¹⁹ Тўқа яратилган сана VII юзийлик эканлиги ҳеч шубҳасиздир.

Шундай қилиб, археологик ашъёлар ёзма манбалардаги бўшлиқларни тўлдирди.

Туркутларда зирҳли суворилар бўлиши уларнинг осон муваффақиятлари сабабини тушунишга ёрдам беради.

Туркутлар замонида жангнинг тақдирини отлиқ камондозлар ҳал этарди, зирҳли чавандозларнинг пайдо бўлиши уларни деярли йўққа чиқарди. Қўл жангида, агар душман энгил қуролланган бўлса, туркут қуролланган отлиқлари катта имкониятларга эга бўлар эди. Бунинг устига туркут суворилари сафланиш удумини ҳам киритган эдилар. Бироқ очиқ жангда ғаройиб ҳунарлар кўрсатадиган туркут қўшини, қамал қилишга мутлақо ярамас эди, чунки бу ҳолатда зирҳли учқур отлиқ жангчи керак бўлмасди. Шаҳар қалъалари, канддеворлар туркут салтанати кенгайиши йўлида тўғаноқ бўлдилар, Хитой ва Эрон давлатлари мустақиллигини сақланиб қолиниши гарови бўлдилар, аммо дашт, чўл минтақаларида узоқ замонлар туркутларга бас келадиган куч топилмади.

Тирикчилиги. Туркутларнинг асосий машғулоти (ҳарбий ишлардан кейин) чорвачилик бўлган, ўша замонларда пода-пода бўлиб юрган ўтхўр²⁰ ёввойи ҳайвонларни овлаш ҳам кам аҳамият

¹⁸ R. Aspelin, *Types des peuples...*, 12-б. Н. Appelgren-Kivalo, *Altäische Kunstdenkmaler*, 17-б.

¹⁹ Еятюхова Л. А. и Киселев С. В. *Чаа-мас у села Копены.*

²⁰ Бичурин Н. Я. *Собрание сведений...*, 1 ж. 292-б. Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 8-б.

касб этмаган. Ҳозирги Гоби Олтойи жониворлари деярли бўлмаган ярим саҳродир, ўша вақтларда бу ерларда сурукли ов қилинадиган даражада ҳайвонлар кўп эди, шунинг учун бутун қабила биргаликда овга чиқарди.²¹ Сурукли ов махсус тайёрланган ҳайдовчилар ва овчилар бўлишини талаб этади, бу туркутларга катта-катта наф келтирар эди, чунки ов аскарий жасоратларга тайёргарлик мактабини ўтар, турли хил маневрлар малакаси ҳосил қилинарди. Омадли ов туркутларнинг асосий емиши бўлган гўштни²² кўп миқдорда ғамлаб олишга имкон берарди, шунинг учунми туркутлар ҳатто уруш асносида ҳам ов қилиб гўштни ғамлаб кўярди.²³ Ёввойи ва хонаки ҳайвонлар териси кийим-кечак, чодирларнинг устини ёпиш учун ишлатилар эди. Туркутлар намаг ва жун газламалар тайёрлашни ҳам ўзлаштириб олгандилар.

Туркутлар хўжалигида асосий уй ҳайвони қўй бўлиб, туркут қабрларидан кўплаб қўй суяклари топилади. Отларнинг ҳам миқдори кам бўлмаган,²⁴ унинг сутидан вино ўрнида ичиладиган қимиз тайёрлаганлар.²⁵ Дашту тоғ кесишган ерларда кўчманчи чорвачилик билан шуғулланиш унча осон иш эмас, кўчманчилар ўз подаларини аралаштириб эмас, алоҳида-алоҳида ҳайдаганлар ва ҳар бир оила ўзининг аниқ белгиланган қишлоқ ва ёйлоғига эга бўлган. Худди шундай ҳолат VI-VIII юзйилликларда ҳам бўлганлигини ёзма ёдгорликлар ишончли тарзда тасдиқлайди: “Муқим яшаш ери йўқ, лекин ҳар ким ўзининг аниқ ерига эга”.²⁶

Бу овул хўжалиги тизими бўлиб, унинг иқтисодий бирлиги жуфт оила ҳисобланади.²⁷ Бошқа бир тизим эса чайла деб аталиб, кўплаб оилалар биргаликда кўчади ва кечаси қароргоҳни аравалар, посбонлар билан ўраб олади. Бу икки тизим асрлар давомида бири-бири билан алмашилиб келган ва уруғчилик тизимининг мустақамланиши ёки танназули билан боғлиқ бўлган эмас. Туркутлар 641 йилда Алашанга кўчадилар, бу ерда “яйловлар кенг, тупроғи унумдор бўлгани учун туркутлар анча тортишувлар билан бўлишиб олишади”.²⁸ “Тяншу”дан олинган бу хабарни “Чжоушу”даги

²¹ Грум-Грижимайло Г. Е., *Рост пустынь...*, 449-б.

²² Liu Man-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 496-б.

²³ Бичурин Н. Я. *Собрание сведений...*, I том. 292-б.

²⁴ От билан қўшиб кўмиш VI-VIII асрларга хос (П. Г. Кизласов, *Тува...*, 53-57-б.).

²⁵ Бичурин Н. Я., *Собрание сведений...*, I ж. 231 Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 42-б.

²⁶ Бичурин Н. Я., *Собрание сведений...*, I ж. 231-б. Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 42-б.

²⁷ Туркут оиласида аёлларга ҳурмат масаласини истисно қилсак, XIX аср қозоқ оиласидан бирор нарсаси билан фарқ қилади дейишга асосимиз йўқ.

²⁸ Бичурин Н. Я. *Собрание сведений...*, I ж. 260-б.

материаллар ҳам тасдиқлайди. 1948 йилда Олтойда мен олиб борган археологик изланишлар ҳам кўрсатадики, туркутлардан қолган ёдгорликлар айрим яйловлар ва дарё соҳиллари бўйлаб гуруҳланиш, ўша даврларда овул тизимидан бошқа бирор тизимда ердан фойдаланиш бўлганлиги ҳақида ўйлашга ҳам имкон бермайди.

Б. Я. Владимирцов айтадики: курен тизими хавфсизликни таъминлаш учун зарур эди, шунинг учун ҳам овул тизими даштда қудратли ҳокимият пайдо бўлиб, талончилик ва қабилалараро урушларга барҳам берган даврларда мавжуд бўлган. Туркут хонларининг ҳукумати айнан шунақа эди. Мана шу нуқтаи назардан овули билан кўчиш тизими билан бир пайтда ердан хусусий фойдаланиш ҳам имкони бор бўлган ҳодисадир.

Замонамизда ҳам оилаларнинг кўчиши ҳудуди қатъий белгилаб қўйилган. Масалан, Тяншандаги ҳар бир воҳа муайян оиланики ва оила бошлиғи ҳар қандай келгиндини ўз воҳаси орқали тоққа кўтарилишига йўл бермаслиги мумкин. Ердан бу тарзда фойдаланиш тизими кўчманчи чорвачиликнинг табиатидан келиб чиқади: чорва боқиладиган яйловлар ва сувларнинг чегараланганлиги кўчманчининг ўз подасини тақсимлашига олиб келади. Бу эса ўз навбатида кўчар хўжалик юритувчи оиланинг бўлинишига сабаб бўлади. Фойдаланадиган ерлар овлоқлар ва сувларни тақсимлаб олиб, чегаралар даҳлсизлигига амал қилиш кўчманчиларни шафқатсиз биродаркушлик тўқнашувлардан сақлаб қолишнинг ягона йўлидир. Бироқ шуни ҳам таъкидламоқ керакки, биз баён қилган ердан фойдаланиш тизимларининг хусусий мулкчиликка ҳеч қандай дахли йўқ, чунки ерлар сотиб олинмайди, сотиб юборилмайди.

Турар жой. Тарихчи бошқа халқлар маданияти тарихида ўзига муҳим ҳисоблаган хусусиятларни излаб, уни тополмагач, буни ўша халқнинг ибтидоийлигига йўйиши методологик жиҳатдан хавфли саналади ва у бундан қочиши керак. Жумладан, Оврўпа ва Олд Осиё халқлари цивилизация босқичига ўтар экан, архитектураси фахрланиш ва ҳайратга тушишга лойиқ шаҳарлар қурдилар. Туркутлар уй қурмадилар, бог яратмадилар, чунки шаҳар қуриш учун қуруқ ўрмонлар ёқилгач, совуқ иқлим уларни бу кентларни ташлаб кетишга мажбур қилган бўларди. Шунга қарамай, тош қулба ёки гувала қапа иссиқ, кенг ва бир ердан бошқа ерга осон кўчириладиган кигиз чодирдан кўра турар-жойнинг энг олий шакли эканлигини ҳали ҳеч ким исботлаб берган эмас. Табиат билан узвий алоқада бўлган кўчманчи учун бундай ўтовда ҳаёт кечириш инжиқлик эмас, балки зарурий бўлган. Ёзда даштда ўт-ўлан қуриб қолади, отар ва подаларни Тян-шан, Олтой,

Хангай, Хэнтей тоғлари ёнбағирларидаги ўтлоқларга ҳайдаш зарурати туғилади. Қишда тоғда қор қўп ёғади ва ўша уюр, отар ва подаларни яна чўл минтақаларига қайтариш керак, чунки бу ерларда қор анча юпқа бўлиб, жониворлар қор тагидан анча тўйимли озуқа топа оладилар.

Бундай турмуш тарзида турар-жойни кўчириб олиб юриш энг қулай ва ақлга мувофиқдир.

Ўтовнинг қулайликларига келсак, мен сўзни Хитойнинг буюк шоири Бо Цзюй-ига бермоқчиман. У ўтовга махсус ажойиб шеър бағишлаган. Бу матнни Лю Мао Цзай²⁹ эълон қилган (немисча сўзма-сўз таржимадан русча шеърый таржима этилган).

Мовий ўтов

Йиғмишлар минглаб қўйдан жун,
Юзлаб урчуқлар қилибди бутун.
Айлана қобирғаларим тоmidан дунё
Пишиқ, қулай қилар маҳлиё.
Кунчиқарнинг мовий осмони остида,
Йигит ўтов тикди қирчин майса устида.
Энди у зангор кечки тумандек,
Жануб йигитидек келди етиб елдек.
Қуюн ҳам бузолмас ўтов пинагин
Йўқдир унда на токча, на бурчак
Ичи иссиғу, ором олар юрак.
Чўлу қирдан олислашиб,
Ўтов оҳиста силжир мен билан.
Ой остида сояси гўзал.
Аёзда сўзсиз таним иситар.
Совуқда қалқон кигиз-девор,
Бўрон ҳам тўпиққа келмас,
Атлас тўшакка бетламас,
Изғирин хуштагин йўлатмас,
Бунда бахши бир четда ўтирар,
Бунда оловда ўйинчи ўйнар
Уйдан кўра чодир афзал кирмак,
Аласт бўлсам кигизим тўшак.
Ўчоқдан чиқар алангаси,

²⁹ Liu Mau-tsay, *Die chinesischen Nachrichten...*, 471-472-6.

Қоронғуда чирмашар кўланкаси.
 Иссиқ беркинар гўшасида,
 Мисли кўрпа тонг палласида.
 Пуч гира-шира қўйнида оқиста,
 Муқаддас тунги эринчоқ тутун.
 Яхлаган хитой бўёғи эрир,
 Кўклам шоввасидай оқар шеър.
 Мафтункор нилуфар пардаси ҳам
 Ўтовдан чиқара олмас кишини бирдан,
 Осон чиқмайсан аёздан-қишдан.
 Ўтовга ҳасад қилар роҳиб ҳам,
 Қарзга ботган оддий соҳиб ҳам.
 Ўтовимда иззатда бўлар меҳмоним,
 -Ўтовимни асрагум боламга ўзим.
 Бек қасрин нақши зебу безак,
 У ҳам чодирга ҳасад қилса керак³⁰.
 Аёну беклар қасрига ҳеч ҳам,
 Чодирим-эшимни зинҳор алишмам..

Хитой шоири тасвирлаган ўтов бу ўртача таъминланган кўчманчининг яшаш жойидир. Хоннинг чодир эса Менадрни-Византия императори протекторини, Влахерн саройининг ҳашаматларини кўрган кишини ҳайратга солади. У олтин тахтли чодирни тафсифлайди, ушбу чодир шунчалик энгил бўлганки, уни бир отга юклаш мумкин экан, бошқа бир чодир “ипак қопламаларга бурканган”, учинчи бир чодирда хон ётоғини суяб турган олтин товуслар ва зар суви югуртирилган устунлар бўлган.³¹ Бу дабдабалардан бирортаси ҳам бизгача етиб кела олмасди: ёғоч ва мўйналар чириб кетган, олтин ва кумушлар эритилиб, қуроллар занглаб тўзонга айланган. Бироқ ёзма битиклар асрлар оша бой ва такрорланмас маданият ҳақида дарак етказди, оз миқдордаги археологик топилмалардан кўра ҳам кўпроқ ўша маълумотларга ишониш керак бўлади.

Аёллар ҳолати. Алоҳида оила юритадиган чорва хўжалиги, одатда, патриархал муносабат бўлишини тақозо этади,³² бу туркутларга ҳам тегишли, албатта. Оғиз солиш эрлар ҳуқуқи ҳисобланган “ва ота, ака, амаки вафот этса, ўғай оналари, янгаларига уйланганлар”.³³

³⁰ Кук кюйме (Қаранг: А. Х. Маргулан, *Казахская юрта...*, 9-б.)

³¹ Менадр, 377-379-б.

³² Ф. Энгельс *Присхождение семьи, частной собственности и государства* — К. Маркс, Ф. Энгельс *Сочинения*, 2-нашр, 21 ж. 156-б.

³³ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 42-б.

Бу хабар тарихий бир факт билан тасдиқланади: Нилихон ўлгач, укаси Пўшитегин тахт билан бирга янғаси — Хитой маликаси Сян-шини ҳам мерос қилиб олади. Хотинларнинг мерос қилиб олиниши кўчманчи халқларда икки мантиққа асосланган: биринчидан, ўтов-уйда яна бир хизматчи пайдо бўлганки, ўша замонларда бу фақат фойда келтирарди. Иккинчидан, бу одат билан беванинг ҳуқуқи ҳимоя қилинарди, чунки янги эр хотини сифатида уни ҳимоя қилиши ва унинг ғамини ейиши мажбурий эди. Балки никоҳ доимо амалий бўлмагандир, лекин, барибир, бева ёки тул кўчага ташлаб қўйилмас эди.

Аёлга муносабат ҳурмат ва эҳтиром асосига қўйилган эди. Ўтовга кириб келган ўғил фарзанд аввал онасига, ундан сўнг отасига таъзим бажо келтирарди.³⁴ Ўрхўн тошбитикларида Кул тегиннинг ўлим хавфи остида қолган ўрдадаги хотин-халажни муҳофаза ва мудофааси учун қилган жанги алоҳида бир кўтаринкилик билан тасвирланади.³⁵ Қайси халқларда аёллар ҳақ-ҳуқуқсиз бўлса, унинг душманлари аёлларини ўлдирмайдилар. Жумладан, Ҳиндукушдаги патанларнинг аёлларини душманлари ҳеч вақт ўлдирмаганлар.

Хотинларни мерос қилиб олиш ва юқорида келтирилган матн туркутларда полигамия бўлганлигини кўрсатади, бироқ бу ҳам туркут аёлини ҳуқуқсиз ҳолга тушира олмаган. Борди-ю, аёллар туркутларда эркакларга тобе бўлган, деган фикрга келганимизда ҳам, аёллар эрларига катта таъсир ўтказа олганини ҳатто Табарий ҳам тасдиқлаб “туркутларда аёллари орқали ҳар қандай ишни амалга ошириш мумкин” деб ёзади.³⁶ Она томондан қариндошликка катта аҳамият берилган. Жумладан, Тўрэманинг тахтдан маҳрум этилишининг асосий сабаби “онасининг таги пастлиги” бўлган. Тўғри, бу сиёсий рақибларнинг бир баҳонаси эди, барибир, шунга қарамай жуда эътиборга лойиқ далилдир.

Ниҳоятда шафқатсиз ва қаттол бўлган ҳуқуқ аёлларни ҳимоя қиларди: эрли аёлни зўрлаш учун ўлимга ҳукм этилар, қизлик иффатига тажовуз қилган эркак унга шошилишч уйланиши мажбурий эди.³⁷ Қизиғи шундаки зўрлаш кўзғолон кўтариш, хоинлик, қотиллик, тушовланган отни ўғирлаш (дашт шароитида отни ўғирлатган киши ҳалокатга учраши тез-тезучраб турарди) каби оғир жиноятлар қаторида саналган. Оддий ўғирлик эса, зарар

³⁴ L. Wieger, *Textes historiques*, 1673-6.

³⁵ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 42-43-6

³⁶ Tabari, *Jotenberg*, II, 302-6

³⁷ S. Julien, *Documents...*, Vol. 3., 333-6.

кўрган киши ҳисобига ўн карра жарима тўлаши, бирор мучага заҳм етказганлик учун жазо пули тўлаши лозим бўлган.

Яна бир қизиқарли маълумот бор. Бу хабар бизга Тан даврида Чанъандаги мусиқа билим юрти талаба қизлари туркутлардан бир одатни ўзлаштириб олгани учунгина етиб келган. Диди бир хил бўлган 14-15 нафар қиз (камида эса 8-9 қиз) ўзаро тантанали равишда биродарлик келишуви тузганлар. Улар бир-бирларини биродар деб атаганлар, агар бирор йигит шу қизлардан бирига уйланса, у аёллар исмини қабул қилиши керак бўлган ва дугоналари бу келин-кўёвниқига келинни, яъни эрни татиб кўриш учун келиб турганлар. Ёш хотин ўз биродарларидан уни қизганмаган, бироқ аёлларнинг бошқа “биродарлиги” аъзоларининг бундай қилишга ҳаққи бўлмаган.³⁸

Мен ушбу тадқиқотимда туркутларда гуруҳли никоҳ масаласини ҳал қилмоқчи эмасман, бироқ ўйлайманки, шундай муаммо қўйила олишининг ўзи VI-VIII юзйилликларда туркутларда аёлларга паст назар билан қараш борлигини инкор этади.³⁹ Кўчманчилар дунёсида аёллар ҳуқуқининг чегараланиши, ўйланманки, кейин пайдо бўлган ҳодиса, балки бу мўғуллар истилосидан кейинги замонда Марказий Осиёда юз берган ялпи тушкунлик оқибати билан боғланар.

VII боб

ТУРКУТЛАР ДИНИ

Туркутларнинг қадимги дини ҳақидаги асосий маълумотлар хитойларнинг “Вэйшу” ва “Суйшу” йилномаларидан ўрин олган. Бу хабарлар зиддиятли бўлиш билан бирга, улар қисқа бўлганлигиданми, юзақи қараганда тушунарсиз ҳам.

“Вэйшу”да туркут динига хос қуйидаги ақидалар кўрсатилади: “1) Кунчиқар мамлакатига эҳтиром юзасидан хон ўрдасига кириш шарқ томондан бўлади; 2) ҳар йили хон барча аъёнлари билан ажодлар ғорида қурбонлик қилади; 3) бешинчи ойнинг ўрта ўн кунлигида барчани йиғиб, дарё бўйида кўк руҳига бағишлаб қурбонлик беради; 4) Дугиндан 500 ли ғарбда баланд тоғ бор, унинг

³⁸ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 42-б.

³⁹ Туркутларда исломгача бўлган чоғда аёллар мавқеи анча юқори эканлиги кўп марта қайд этилган (Қаранг: А. Н. Кононов, *Родословная туркмен...*, 104-б (муаммонинг кейинги даври – X-XV асрлар даври ҳақида адабиётлар келтирилган).

тепасида на дарахт, на ўсимлик ўсади. Уни Бўдининли деб аташади, таржима қилинса “мамлакатнинг ҳомий руҳи” деганидир”.¹

“Суйшу” 50 йил кейин (VII асрнинг 30-йиллари) тузилган ва унда юқоридаги хабарлар йўқ, уларнинг ўрнида қисқа қилиб: “Шайтон ва арвоҳларга сиғинишади, жодугарларга ишонишади”² деб ёзилган.

Қандай қилиб бу бир-бирига мутлақо қарама-қарши далолат-ларни чиқиштириб бўлади? Айниқса, биринчисида ички зиддиятлар мана ман деб турибди. Унда куёшга топиниш (1), аждодлар арвоҳига сиғиниш (2), аёнларга эмас, балки бутун халққа тегишли бўлган Кўк руҳига сиғиниш (3) ва ниҳоят, тоғга топиниш кабилар ақлга сиғмайдиган даражада қоришиб кетган. Хитой манбаси масалани ечишга ёрдам бермаслигини эътироф этмоқ керак.

“Суйшу”даги дараклар ҳам ноаниқликда олдингисидан қолишмайди: хитойча “ху” сўзи “табиб, сеҳргар, жодугар”³ маъноларини ифода этади. Матнда ушбу маънолардан қайси бири қўлланилганлиги номаълум, шу билан бирга туркутлар сиғинган руҳ аждодлар руҳими (кормос) ёки табиат руҳими (тос) эканлигини ҳам аниқ билмаймиз. Бу бобимиз айнан мана шу жумбоқли матнларни таҳлил этишга бағишланади.

Асосий муаммонинг қўйилиши шундай кўринишда бўлади: Қадимги туркутлар нималарга ишонганлар ва уларнинг дини қатъий бир англамми ёки турли динлар чатишмасими? Агар чатишма бўлса қайси динлар аралашган ва у қандай юз берган?

Қадимги туркутлар дини ҳақида гапирар эканман, мен уларнинг динини ибтидоий деб ўйлашдан йироқман. Туркутларнинг ўзлари V-VII асрларда турфа қабилалардан ташкил топди, уларнинг дини ҳам ўша даврга тегишли дин сифатида бошқа замондош динлар даражасида тараққий топган эди.

Римда охириги патриций Цетег, Боэцивонинг “Доноликдан таскин топиши”ни ўқирди. Константинополда силласи куриган суриялик зоҳидлар юнонларнинг эътиборли прелатлари билан никей рамзига халкедонликларнинг қўшган ҳиссаси ҳақида баҳс юритишарди. Ктезифонда форс аёнлари Хурмуздга ҳам, Аҳриманга ҳам ишонмай кўйиб, узун найзалар воситасида тахт ва меҳроб иттифоқини ушлаб туришарди. Суғуд деҳқонлари қалъаларида нур динининг рангпар ташвиқотчилари изғиб юришар ва муғлар қийнаган пайғамбар

¹ Бичурин Н. Я. Собрание сведений..., I ж. 230-231-б. S. Julien Documents..., Vol 3, 335-б.

² S. Julien Documents..., Vol 3, 335-б. қиёс: Бичурин Н. Я. Собрание сведений..., I ж. 230-231-б.

³ Бичурин Н. Я. Собрание сведений..., I ж. 270-271-б.

Монийнинг номини улуғлашарди. Хитойда сочлари қиртишланган будда роҳиблари конфуцийлик донишмандларининг ажабланишларига эътибор бермай, нозик ипакка қора сиёҳ билан/ кўчирилган ахлоқли одоб ва холис идора ҳақидаги ҳикматлардан кўз юмиб, император аёлга дунёнинг ўткинчилиги, хаёлийлигини тушунтириш билан банд эдилар.

Карвон йўли Ўрта Ер денгизидан Сарик денгизгача чўзилган ва унинг оралиғидаги сахрою тоғлардан ипак ва мушку анбарлар билан бирга ғоялар, тизимлар, динлар ҳам оқиб келарди. Ушбу ерларнинг хўжалари бўлмиш турклар барча мамлакатлардан келаётган воизларнинг гап-сўзларини эшитмаслиги мумкинмиди? Сарик дарё қирғоқларидан чиққан туркутлар аждодлари маърифатли Хитойни, яшнаган Суғудни, муборак Турфонни тилка-пора қилган келишмовчиликлардан беҳабар бўлишлари мумкинмиди? Бошқа томонида — шимолда қизиққон ва таъсирчан кўчманчи қўйчивонларга таъсир этган доно ва хотиржам Сибир ястаниб ётарди. Агар ушбу омилларнинг бирортаси назаримиздан соқит бўлса, туркутлар дунёқарашини ва унинг тараққиёт йўлида бўлган ўзгаришларни фаҳмлай олмаймиз.

Муайян қабилалар халқ сифатида шаклланар экан, уларнинг ҳар бири ўз диний тизимлари билан кириб келадилар, бу динларнинг унсурлари ўхшаш бўлгани билан уларнинг қўшилмаси хилма хил бўлган. Туркутларнинг дини ҳам бу қоидадан четда эмас эди. Шу борада тубандаги саволлар туғилиши табиийдир: нега аъёнлар ва авом алоҳида алоҳида ибодат қилишган? Халқ кимга сажда қилган? Аъёнлар кимга сажда этган? Хоннинг ўзи олий руҳоний бўлгани ҳолда афсунгарлар ким бўлган экан?

Бизга туркутлар жамияти таркиби ва уларнинг келиб чиқиши маълум бўлганлиги учун биринчи саволга жавоб топиш анча енгил. Туркутлар мураккаб тузилишли элат эди. Келгусида аъёнлар бўлиш насиб этган “500 хонадонли” Ашина V юзйилликда Ордосдан кўчиб турки тилли аҳоли яшайдиган Олтойнинг жанубий ёнбағрига жойлашади. Бу икки этник унсур бирлашди. Бироқ улар орасидаги фарқ то VII асргача муайян даражада сақланиб турди. Бу уларнинг оқсуяклар ва қорача авомга бўлинишида, зодагонлар орасида мансабларнинг наслий бўлиши ва “оқсуяк” қизларнинг “қорача” йигитларга турмушга чиқиши ман этилишида намоён бўлади.

“Вэйшу” матнлари VI асрга оид бўлиб, бу кезларда туркут жамиятидаги табақалар фарқи, чегаралари ҳали равшан бўлгани учун ҳам мансабдор оқсуяклар ва қорачалар динидаги айриқчаликлар ўз

аксини топган, “Суйшу”да эса булар йўқ. “Суйшу”да воқеалар хитойлар фақат туркут оқсуяклари билан мулоқотда бўлган замонни, даштнинг то касофатли 630 йилгача даврини акс эттиради. Шунинг учун “Суйшу”даги хабарлар асосан, туркут оқсуякларига тегишли, деб ҳисобламоқ лозим. Ўрни келганда бу ҳақда ҳам алоҳида тўхталамиз.

Энди диққатимизни туркут халқининг диний тасаввурига қаратмоқчимиз.

Кўкка сифиниш — Тангрига сифиниш Ўрхўн битикларида ҳам қайд этилган: “Аввал юқорида мовий осмон, қуйида қора Ер бўлган. улар ўртасида инсон болалари пайдо бўлди”. Кўк Тангри (кўк осмон) — бизга кўриниб турадиган одатий моддий осмонга зид қўйиладиган, номоддий тушунчадир.⁴ “Осмон руҳи” деганида хитойлар айнан Кўк-Тангрини англаганлар. Кўкка қурбонлик келтириш удуми ҳатто XIX юзйиллик охирларида ҳам қачинларда учраганлиги фан оламига маълум. Бунинг номи қачинларда Тифир Таих дейилган. жамоа бўлиб ибодат қилиш биносида қўй сўйилган, қимиз, айрон, сут, гўшт қайнатмалари ичилган. Байрамга яқин атрофдаги овулларнинг эркаклари йиғилган, аёллар ва шаманлар бунга қўйилмаган. “Қуёш ва осмонга” топинишган.⁵ Бу ўша “Вэйшу”да акс этирилган маросим бўлса керак. Икки ҳолат алоҳида эътиборни талаб қилади: шаманнинг байрамга қатнаштирилмаслиги; қурбонлик қилишдан мақсад “Нур”нинг марҳаматига ноил бўлиш эканлиги. Ушбу икки ҳолат ҳам жуда муҳим. Шаманнинг қўйилмаслиги бу маросим ўлганлар арвоҳига ҳам эмас, “боқий руҳ”га ҳам эмас, балки “агар шаман таихада пайдо бўлса, ақлдан оздириб жазавага туширадиган”⁶ бошқа бир худога сифиниш ҳақида гап бормоқда.

Бу қанақа маъбуд экан? Айтилганлардан у фақат бир нарса, яъни нур эканлиги маълум, бу эса ўша ақиданинг ўзига хос томони бўлиб, бизга маълум бошқа ақидалардан ажралиб туради. Қуёш осмон жисми сифатида (Ра-Гелиос) ёки илҳомлантирувчи ва ижод манбаи (Аполлон) сифатида маъбуд ҳисобланади. Агар яна бир этнографик урф сақланиб қолмаганида мазкур ақида бизга, барибир, ноаниқ бўлиб қолаверарди.

Бу нганасанлардаги “соф чум” байрамидир.⁷ Анча олдин Кастрен нганасанлар ҳозирги пайтда тўлиқ турклашиб кетган саян угорларининг яқин қариндошлари эканлигини айтган эди.⁸ Чекка

⁴ Д. Банзаров, *Черная вера*.

⁵ Е. К. Яковлев, *Этнографический обзор...*, 101-102-б.

⁶ *Ўша асар*, 103-б.

⁷ А. А. Попов, *Тавгийцы*, 48-б.

⁸ *Нганасасны*, 11-б.

шимолга сиқиб қўйилган нганасанлар шаман иблисчилиги (демонолатрияси)нинг таъсирига қарамай, қадимги ақидаларни сақлаб қолишган. Улар йилда икки бора қуёш-нурга қурбонлик берганлар: кузда қутб тунни бошланишидан олдин; январ охирида — тоғ тизмалари устида қуёшнинг дастлабки ёруғлик учқунлари кўрина бошлаган чоғда. Бу ақиданинг маросимлари юқорида баён қилинганидан анча фарқ қилади; “соф чум” байрамини шаман бошқаради. Нганасанлар бир ярим минг йилдан бери янги муҳитда, янги қўшнилари, энг муҳими, янги ҳудудда яшаганларининг натижаси бўлиб кўринади, албатта. Куйида биз айниқса, янги ҳудуд омили ақидага катта таъсир этганлигини кўраимиз. Бироқ ташқи фарқларга қарамай туркутларнинг ҳам, туркларнинг минусин уторларининг ҳам, нганасанларнинг ҳам ибодат қиладиган маъбудиди бир нарса - қуёш нури эканлигини ишонч билан таъкидлай оламиз. Мана шунга таяниб бизни қизиқтираётган туркутларнинг илоҳий — самовий тасаввурларига энг яқин бўлган нганасанлардаги тасаввурлар асосида қарашга ҳаққимиз бор деб ҳисоблаймиз. Нганасан дини — таълимоти кўп қиррали анимизмдир: инсонларга мақбул бўлган барча яхшиликлар *нио* атамаси билан аталади. Бу атама билан эҳтиром кўрсатиладиган, муайян сиёққа эга бўлмаган, кўзга кўринадиган осмон ҳам ифода этилади (турклардаги Тангри билан қиёсланг). Олам яратувчиси — *Nalata nuo* (юқоридаги “Осмон руҳи” билан қиёсланг), унинг хизматкори Коу (қуёш) яратиб дунёни бошқаради, қуёш нури — ўсимлик руҳининг қуёш билан алоқа қиладиган ришталаридир.⁹

Қуёшга сиғинишнинг бу тури ўзига хос бўлиб, уни Сибир шаманчилиги хиллари билан чалкаштириб юбориш мумкин эмас, буни Л. Я. Штернберг ҳам кўрсатиб ўтган эди.¹⁰ Шунга ўхшаш ягона ақида манихейчилик (монийлик)да учрайди. Бироқ бу ерда бир манбадан келиб чиқишни эмас, диний чатишишни кузатиш мумкин.

Бу динни анимистик генотеизм деб таърифлаш тўғри бўлар, чунки С. А. Токарев тадқиқотларидан маълум бўлишича, ҳар бир уруғ умумхалқ олий маъбудиди — нур ва осмон — қаторида ўз ҳимоячи маъбудиди мангу мавжуд руҳлар — “тос”лар сирасидан бўлмиш худочаларига эга бўлиб, уларнинг “кормос”лар, яъни ўлган кишилар арвоҳлари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.¹¹

⁹ А. А. Попов, *Тавгийцы*, 48-49-б.

¹⁰ Л. Я. Штернберг, *Первобытная религия...*, 533-б.

¹¹ Қаранг: С. А. Токарев, *Пережитки родового культа...*, 154-б. Олтойнинг ҳозирги шаманлари руҳларни икки тоифага ажратадилар: тос-азалий руҳлар ва йаадан немее (айнан: яратиб нарса)ўлганлар арвоҳи. Диний ҳурмат тосларга қаратилади, марҳумлар руҳи эса шайтон ҳисобланади, “шайтонга ибодат қилса бўладими? (Олтойлик Кулязин).

Анча ўзгарган шаклда бўлса ҳам “Осмон руҳи”га сифиниш (қиёсланг: *Nalata nuo*) то XX аср бошларигача сақланиб келди. Осмон руҳи форсча Кудай (худо) номини олди, сўнграқ шаман олий руҳи Улгендан фарқ қиладиган¹² христианлар худоси билан бирлашиб кетди. Ушбулар билан боғлиқ ҳолда ер маъбудлари эътиқодига ҳам назар ташламоқ даркор. Туб олтойликлардаги ер маъбудлари тослар, “табиат эгалари” “Олтойлар” ҳақида — олтойликлар ҳамда бу ерга кўчиб келган иркитлар ва соёнлардаги Йер-суларни кўриб чиқамиз.¹³

Йер-су (айнан: ер-сув) ер тосларидан ҳисобланади ва ер, сув, ўсимликлар “эгалари” ақидасига уйғун бўлади. Нганасанлар ер эгаси — Фаннидани ёмон бадхоҳ, чим остида яшайдиган, жон бераётган инсонни кутиб, ҳайбатли оғзи доим очиқ турган ҳолда тушунадилар. Унга қора буғуни қурбонликка келтиришади.¹⁴ Йер-су ҳам шафқатсиз маъбуддир, унга қўнғир ёки сариқ отни қурбон қиладилар.

Шаманларнинг Улгенга эътиқод қилиши ва Йер-суга сифиниши ўзаро мутлақо боғланмаганлигини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин. Иркит ва соёнлар Улгенга эътиқод қилишмайди, улар шаманларнинг бошқа маъбудлари руҳига ҳам сифинишмайди.¹⁵ Бу икки уруғ ҳам яқинларда Саяндан кўчиб келган ҳамда уларнинг ақидалари қадимги Олтой ва нганасан диний тизимларини бир-бирига боғловчи бир оралиқ узв бўлиб кўринади.

Бодин-инли тоғига топиниш масаласига Л. П. Потаповнинг тадқиқотлари туфайли ойдинлик киритилди.¹⁶ Муаллиф тоғ-қирларга эътиқод қилишни уруғ мулкчилиги, уруғчилик ақидасининг ишлаб чиқариш машғулоти билан қоришиб кетишида кўради. Ҳар бир уруғнинг аъзоларини боқадиган ўз “Алтой”и бор. Бунда тоғ, дарё, кўл руҳларига эмас, балки тоғ, дарё, кўлларнинг ўзига топинишни, табиатни тимсоллаштиришни эмас, жонлантиришни кўради.¹⁷ Бу анимистик дунёқарашнинг аниматизм деб аталадиган энг ибтидоий шаклидир.¹⁸

Ашина ўрдаси томонидан бўйсундирилган Олтой халқи қадимги динининг асосий хусусиятлари шулардан иборат. Кўриб ўтганимиздек аёнларнинг етакчи эътиқоди аждодлар арвоҳига ишониш бўлиб, бу эътиқод халқ динига ёт эди. Олтойга еттинчи

¹² А. В. Анохин, *Материалы по шаманство...*, 18-б.

¹³ С. А. Токарев, *Пережитки родового культа...*, 158-б.

¹⁴ А. А. Попов, *Тавгийцы* 51-б.

¹⁵ С. А. Токарев, *Пережитки родового культа...*, 149, 157-б.

¹⁶ Л. П. Потапов, *Культ гор на Алтае*. 17-б.

¹⁷ С. А. Токарев, *Пережитки родового культа...*, 151-б.

¹⁸ Л. Я. Штернберг, *Первобытная религия...*, 268-б.

асрда келган туркутлар авлоди бўлмиш теле ва чу теленгитлари уруғ анимистик ақидасидан ҳолидирлар.¹⁹

“Абёнлар” ғорларда қурбонлик бахшида қиладиган ота-боболари ким бўлиб ўтганлигини аниқлаш учун туркутларнинг келиб чиқиши ҳақидаги афсонавий материалга мурожаат қиламиз. “Суйшу”да Ашина ўрдаси келиб чиқиши ҳақидаги тарихий маълумот қаторида афсона асосидаги ривоят ҳам келтирилади: VI юзйиллик бошларигача ашинлар “ғор”да яшаганлар, улар чўлга чиққач ўзларини жужанларнинг вассали деб эътироф этишди.

Урғочи бўри яширинган ғор тасвири ниҳоятда қизиқарлидир. Ғор “Гаочандан шимоли ғарбда тоғлар орасида, яъни Олтой тоғи марказида жойлашган. Тоғда ғор бор, ғорда бир неча юз ли масофали қалин майса билан қопланган текислик бор. Ғорнинг тўрт томони тоғ билан ўралган”.²⁰ Қизиқ, одатдаги тоғ водийси “Суйшу”да ғор дейилмоқда. Бундай ноаниқлик ҳайрон қолдиради ҳамда турли тахминларга етаклайди. Биз бу ўринда бир ривоятда икки сюжетнинг: афсонавий (урғочи бўридан тарқаш) ва тарихий (туркутлар аждодлари бир қисмининг Олтойдаги водийга қочиши) сюжетларнинг қоришиб кетганлигини кўрамиз.

Тарихий сюжет ҳақиқатдан ҳам Рашидиддин, Хондамир ва Абулғозий каби мусулмон муаллифлари асарларида қайтадан тўлиқ тикланган ҳамда тоғ водийси аниқ бир ном ҳам олади: Эркана кун, яъни “тик эниш”. Ушбу ривоятда қадимги тарихий ҳодисанинг — 93 йилда шимолий хунлар мағлубиятидан сўнг Тарбағатай ўтаги орқали кетиши ҳамда уларнинг бир қисми Олтой теварагида ўрнашиб қолиши акс эттирилган бўлиши мумкин. Лекин бизга бу ўринда кўпроқ афсонавий сюжет муҳимроқдир: урғочи бўри қайдан келди?

Аввало, теле қабилалари келиб чиқиши ҳақида ҳам шунга ўхшаш ривоят борлигини кўрсатиб ўтиш керак. Ушбу ривоятга кўра, хун шанйуйининг кўкка назр қилинган қизларидан бири бўридан ўғил кўради ва ўша теле қабилаларининг аждоди бўлиб қолади.²¹ Бу қабилалар ҳам Ашина ўрдаси каби Халхага Сариқ дарё қирғоқларидан келган ҳисобланади. Кўриниб турибдики туркутлар ҳам, телелар ҳам айнан бир афсонавий асосга эгадирлар. Шундай экан, бўри-аждодга тотемистик муносабатнинг қайд этилган унсури бир манбадандир, деб тахмин қилишга имкон беради. Уйғурлар ва Ашин уруғи соф тотемчилар, деб ишонч билан айтиш

¹⁹ С. А. Токарев, *Пережитки родового культа...*, 157-б.

²⁰ *Уша асар, ўша бет.*

²¹ *Уша асар, 214-215-б.*

қийин, бинобарин, бирон бир манба уларнинг бўриларга махсус бир муносабатда бўлганлигини акс эттирмайди. Аммо бу ўринда, яъни биз тадқиқ қилаётган замонимизда: аждодларни эъзозлаш кўринишини олган, қадимда эса ушбу ҳайвонга тотемистик топиниш бўлганлигига ишора қилувчи изларини кўрамиз. Шундай қилиб, VII асрда Олтойда икки диний тизим бир пайтда мавжуд бўлган, деб қатъий айтиш мумкин: Сибир халқларига хос анимизм ҳамда буюк саҳронинг жанубий ўлкаларидан турк тилли ва мўғул тилли кўчманчилар бу ерга олиб келган тотемистик бўёқли аждодларга сифиниш.

Яна бир нарсани кўшиб ўтмоқ керакки, аждодларга туркутча сифинишнинг махсус томони унинг келиб чиқишини аниқлашга илинж борлигида ҳамдир. Худди шунга ўхшаш, ҳатто мири-сиригача мос келадиган дин эхирит-булагат, яъни байкалбўйи бурятларида ҳам кузатилган.

Байкалбўйи бурятлари содиқ маъжусийлар, яъни кўпхудолилардир. Улар ўзларича дунёни бошқариб турадиган 99 тангрига эътиқод қилишади. Ҳар бир уруғ ўз маъбудига ҳурмат бажо келтиради. Лекин энг муҳими бурят “шамани” (жуда муносиб атама танланган) даволашда ва ёмғир чақиришда ёрдамчи арвоҳга мурожаат қилмайди, балки тангрига илтижо қилади ва аждодлар руҳидан мадад беришни сўрайди. Аждодлар қўлловчи арвоҳлар сифатида эмас, балки тангрилар ҳузуридаги вакиллар ва ҳомийлар сифатида намоён бўлади. Худди шундай “бутла”лар (йирик тошлар ёки тасодифан топиб олинган қадимги нимарсалар муқаддас бўлаверади) ҳам ўз ҳолича, ўз моҳиятига кўра муқаддас эмас, балки тангрилар-самовий шахслаштирилган худоларнинг илоҳий изни билан таъсир этади. Бундай ривож топган кўпхудолилиқ тизимидан тотемизмнинг садоси эшитилиб туради: роҳиб (уни шаман деб аташ мумкин эмас) кийимида ҳайвон тасвири туширилган (масалан, бўрининг, оққушнинг, ёзнинг тасвири) тўқа тақиб юради. Бу тасвир фақат тасвирланган афсонавий аждод бўлмиш жонивор номидаги уруғга мансубликнигина ифода этади, холос.²² Кўриб ўтган ўхшашликларимиз яна шу жиҳатдан қимматлики, биз бу ўринда одатлар кўшилишини эмас, генетик алоқани кузатмоқдамиз. Эхирит – булагатлар бурятларнинг энг қадимги шахобчаларидир; баён қилганимиз аъёналар эранинг бошларига бориб тақалади, яъни V асрда Ашина – “бўри” уруғи униб чиққан табиий этник жараёндан озукланади. Ҳа, чиндан ҳам, жуда қадимий ришта, зотан, бурятлар Байкалортига келиб қолганида, Ашина ўрдаси бу ерларни тарк этган

²² Д. Банзаров, *Черная вера, 37-б. ва давоми*; С. П. Балдаев, *Культ археологических находок...*

эди. Демак, бир табиий маданиятдан – қадимги мўғулларнинг санбий маданиятидан униб чиққан икки йўналишга дуч келамиз.

VI аср охири VII аср бошларидаёқ аждодларга сифиниш тотемистик дини соф ҳолда учрамайди. Ашинанинг келгиндилари билан тоғли олтойликларнинг жуда яқин мулоқоти аралаш ақидалар пайдо бўлишига олиб келди. Ҳанузгача номларининг маъносини аниқлаб бўлмайдиган туркут хонлари исмлари шуни кўрсатади. Бу исмларнинг хитой, форс ва юнонча талаффуз шакллари берилиши уларни қийёслаш орқали изоҳлаш имконини яратади. Тобохоннинг ўз исми Арсила (юнонча) турк – мўғулча “Арслон” сўзидандир. Хитойча Були “бўри” демакдир. Айтгандай, бу исмнинг мўғулча тури ҳам бор: Шэни//Шоно. Фарбий хонлар номларида тез-тез учраб турадиган “Иби” илвирс//илварс (қор барси) бўлса, “Йуйгу” – Йуқуқ (укки) деганидир.

Буларнинг барчаси шаръий исмлар эмас, балки ёш билан, ижтимоий мавқе билан боғлиқ ҳолда ўзгариб турувчи тасвирий исмлардир. Булар кўпроқ лақабга яқинроқдир. Эслатиб ўтамизки, аъёнлар учун ҳам, халқ учун ҳам хон айна пайтда энг олий руҳоний ҳисобланган, яъни ҳар икки ақида ҳоқонлик тизимида ажойиб бир тарзда чиқиштирилган ва аста-секин аралашиб, ягона дунёқарашга айлана бошлаган. Бироқ бу жараён охирига етиши насиб этмаган эканки, ҳоқонлик қулаши билан уруғчилик ақидалари тизими ҳам барбод бўлди.

Л. П. Потапов ва С. А. Токаревлар тадқиқ этган уруғчилик ақидасининг хира тарзда намоён бўлиши, тоғ тизмалари ортида қадимий анъаналарнинг сақланиб қолиши Олтой ўрмон қабиалари анимизмига тегишлидир. Ашина туркутларининг анъаналари эса, кўл, дашт кенгликларида ўзгариб кетди, ана шунинг учун ҳам уларда аждодларга сифиниш каби тотемистик дин излари нисбатан кам сақланади. Аждодлар руҳига сифиниш тотемистик ақидаси дашт халқлари маданиятида катта аҳамият қасб этиши боис ҳам унинг мазмуни ва мурватларини ўрганмоқ даркор.

Туркутлар кимга ёки нимага сифинишган: аждод-жониворгами ёки аждод-инсонгами, барибир, очиқ қолди. Агар инсонга бўлса қандайларига: ҳамма марҳумларгами ёки қахрамонларгами? Агар “Суйшў” матнидан (арвоҳларга сифиниш) келиб чиқилса, биринчи саволимиз керак бўлмай қолади, чунки VII юзйилликда, айтилганидек, хитойлар фақат туркут оқсуяк-аъёнлари билан тўқнашган, бундан маълум бўладики, қурбонлик аталган арвоҳлар ўша VI асрдаги арвоҳларнинг ўзидир. Лекин масалани охиригача ёритишга анча кейинги даврга оид бир дарак-Х аср араб йиғма адабиёти вакили

Абу Дулаф рисоласидаги хабар (гарчи ушбу ақидани ёритишга қаратилмаган асар бўлса ҳам) ёрдам беради. Манбада ёзилишича, ҳали исломни қабул қилмаган қорлуқларда “деворларига аввал ўтган султонларининг суратлари чизилган ибодатхоналари бор”.²³ Худди шундай қадимги дунхулар “жасоратлари билан донг таратган” марҳум оқсоқоллари арвоҳига сиғинишган.²⁴ Қорлуқларнинг ғарбий туркутлар билан алоқасига “Таншу” далолат беради, бунда “гэлолу”, яъни қорлуқлар туркутларнинг бир авлоди деб айтилади. Шундай қилиб, тўлиқ ишонч билан таъкидлаш мумкинки, туркут аёнларида қахрамон аждодлар арвоҳларига сиғиниш бўлган, бу тотемистик дунёқарашдан ҳосил бўлган, унга зид равишда туркут халқи табиатни илоҳийлаштириш – анимистик ақидага ишонган.

Шу муносабат билан туркутларда жоннинг абадийлиги ва нариги дунё тушунчаси ҳам борлигини айтиб ўтиш лозим. Истамихонни дафн этиш маросимида (576 й.) марҳумни нариги дунёга кузатиб қўйиш учун “тўрт нафар асир гун”²⁵ қурбон қилинган эди. 649 йилда император Тайцзун дафн маросимида Ашина Шэни шоҳ дўстидан ажралмаслик учун ўзини ўлдирмоқчи бўлади.²⁶ Ушбу икки ходиса шуни кўрсатадики, туркутлар ўлимдан кейин ҳам ҳаёт давом этишига ишонганлар. Бундай тасаввур кенг тарқалган бўлиб, кўпроқ диний тушунча тараққиётининг илк босқичларига тўғри келади, бироқ анимизмдан фарқ қилиб, инсонда кўп эмас, балки битта жон бўлади, деб ҳисоблайди.

Унда шаманизм – руҳ билан мулоқот, табиат билан боғлиқ бўлмаган мутлақ мавжуд руҳ – тослар билан сиғинмасдан бўйсуниб мулоқот қилиш - қаёқда қолади? Мулоқотнинг тўлалигича амалий аҳамиятга эга бўлиб, руҳий ва ҳирсий шавқ ҳолатида амалга оширилишичи?²⁷ Мулоқот руҳларини марҳумлар жонлари билан курашиш учун чирманда уриб чорлайдиган шаманлар қайда? Ҳар икки баён этилган тизимда қўлловчи арвоҳлар йўқ, уларсиз шаман йўқ, шамансиз шаманлик йўқ, демак, шаманизмнинг асослари йўқ. Тўғри, биз кўриб чиққан матнда афсунгарлар ҳақида эшитилади, бироқ уларга шаманлик белгиларини тикиштиришдан олдин, улар нима билан шуғулланганликларини кузатмоқ керак.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Ҳиротда туркутлар билан (муаллиф уларни “Хитой турклари” деб атайди) форс саркардаси

²³ В. В. Григорьев, *Восточный или китайский Туркестан*, 243-6

²⁴ Н.Я. Бичурин, *Собрание сведений... 1 ж*, 144-б.

²⁵ Менандр, 422-б.

²⁶ E. Chavannes, *Documents... Vol. 3*. 178-б.

²⁷ Л.Я. Штернберг, *Избранничество в религии*.

Баҳром Чубин аскарлари жанги ҳикоя қилинади. Фирдавсийнинг баёни Табарий, Саалибий, Баламий, Мирхонд, Себеос асарлари, VII асрга оид Сурия аноними, X аср форс аноними каби кўплаб манбалардаги баёнлар билан қиёслаб аниқландики, Фирдавсий ҳам, зикр этилган муаллифлар ҳам бир манбадан фойдаланиб, у манбада, воқеа ҳатто булардан кўра муфассалроқ баён қилинган. Фирдавсийда бошқа муаллифлар ташлаб кетган, биз учун жуда қимматли бўлган тафсилотлар бор. Фирдавсий туркут жодуси ва жодугарликни тасвир этади. Бу ҳал қилувчи жанг арафасида Баҳром Чубиннинг туш кўришидан бошланади. Тушида турклар арслонларга айланиб, унинг қўшини енгилади. Ктезифон йўлини душман эгаллайди, унинг ўзи оёқяланг шафқат сўраб юрган эмиш.

Тушининг хосиятсизлигига қарамай, Баҳром жанг бошлайди.²⁸ Турклар форсларни чўчитиш учун жоду йўлини тутадилар. Жодугарлар осмонга олов пуркаб, шамол ва қора булут чорлайдилар, қора булутдан форслар устига ўқ ёғдирилади. Шунда Баҳром бақириб, бунинг ҳаммаси алдов, авраш эканлигини, ҳеч қандай ўқ йўқлигини айтади. Жоду таъсир кучини йўқотади. Форслар ғалаба қилади, жангдан сўнг жодугар асир олинади. Баҳромга тушни у ўзи юборганлигини тан олади.²⁹ Агар ҳикоянинг турк заминиغا эга эканлиги этнографик маълумотлар билан тасдиқланмаса эди, Фирдавсийдаги бу парчани форс ривоятларидан бири деб қўя қолардик.

Юебани ҳақидаги ҳикояларда совуқни ва ёмғирни чақира оладиган жодугарлар устида ҳам гап кетади. Жужанлар билан бир уруш кезида юебан жодугарлари қорли бўрон чақириб, уни жужанларга йўналтиришади. Оқибатда, улар орасидан катта қисмини совуқ уриб, жангдан воз кечиб орқага чекинишга мажбур бўладилар.³⁰ Худди шунга ўхшаш ривоятни Григорий Турский ҳам ҳикоя қилади. Аварлар билан франклар ўртасида жанг бўлганида, авар жодугарлари чақмоқли бўрон чорлайдилар, яшин франклар қароргоҳига тушади, натижада франклар енгилади.³¹ Ниҳоят, бундай жодугарлик қобилияти найманларда ҳам бўлган дейилади. Рашидиддин хабар беришича, Чжамуха бошчилигидаги қабилалар бирлашмаси Чингизхонга қарши жанг қилганида (1201 й.), найман жодугарлари бўрон чорлайдилар, бироқ унинг ҳаракати йўналишини

²⁸ *Ferdausi, Le livre des rois, VI, 610-6.*

²⁹ *Ferdausi, Le livre des rois, VI, 614,- 622; Л. Н. Гумилев, Подвиг Бахрома Чубина, 34-35-б.*

³⁰ *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., II ж. 260-б.*

³¹ *Lebean, Histoire du Bas-Empire, X том. 15-б*

тўғри ҳисоб-китоб қила олмайдилар, оқибатда бўрон уларнинг ўзлари устига босиб келади, бу эса Чингизнинг ғалабасига кўмак беради.³²

Ушбу ривоятларнинг барчаси об-ҳавони афсун ва жодулар билан бошқариш мумкинлигига ишонишдан озуқланади. Ҳамма муаллифлар орасида фақат Фирдавсийгина ривоятлардан ақлга мувофиқ келадиган мағзини излашга интилиб, оммавий гипноз бўлганлигини гумон қилади. Бундай ақиданинг келиб чиқиши, VI-VII асрлар турклари ва мўғулларида қандай бўлишидан қатъий назар, ҳамма гап симпатик магияда бўлиб, бу ерда қўлловчи арвоҳларни чақариш мутлақо йўқ. Агар туркут атамалари билан ифодаласак, бу ерда қам (шаман) йўқ, йадачи (жодугар) бор.

Йада (ҳозирги тилдаги кўриниши жоду) XX асргача ёмғир чақариш учун ишлатиб келинди. Бунинг учун сигир, от ёки қабан ошқозонидан олинган тошга афсун ўқилади. “Йада” жараёнида арвоҳ, руҳ чорланмайди, йадачи унинг ёрдамига муҳтож бўлмайди. Бу симпатик магиядан бошқа нарса бўлмай, руҳий шаманизм билан келиб чиқиши жиҳатидан ҳеч қандай муштараклик кўрилмайди.

“Йада” ҳақида энг қадимий хабар VII асрда яшаган суриялик номаълум роҳиб воқеаномасида учрайди. Унда марвлик³³ патриарх Элиас даврида, яъни бизни қизиқтираётган замонда бўлган ҳодисалар акс эттирилган. “Йада” сўзи асли форс тилидан (афсунгар, сеҳргар) ўзлаштирилган. Фирдавсий турк жодугарларини ана шундай атайди, гарчи Эронда “шаман” сўзи бор ва ишлатилган бўлса ҳам. Фирдавсий яна айтадики, жодугарлик осмонга олов пуркаш билан олиб борилган, бу хосса бошқа манбалар томонидан ҳам тасдиқланади. Менандр Земарх элчилигининг туркут хони ҳузурига бориши (568 й.) воқеаномасида бизнинг мавзўмизга дахлдор бўлган покловчи жоду жараёнини тасвирлаб берган. “Бу қабиланинг баъзи кишилари бахтсизликни йўқ қила олиш қобилиятига эса инсонлар борлигига ишонар эдилар. У Земарх олдига келди, румликлар олиб келган нарсаларни бир жойга тўплади. Лубнон дарахти бутоқларидан олов ёқишди, скиф тилида қандайдир варварча сўзларни пичирлашди. Айни чоғда занг уриб, юк устида ногора чалиб турдилар. Чарсиллаб ёнаётган оловни лубнон дарахти шохи бўйлаб олиб юрди. Айни пайтда жазавага тушиб, пўписа қилиб нопок руҳларни ҳайдаётгандек кўринарди. Улар ёмон кучларни ҳайдаш кишиларни ундан халос қилади, деб ўйлашарди. Ўзларича, барча нопок нарсалардан халос қилгач, Земархни ўша

³² Рашид Эддин, *История Чингис-хана*, 127, 293-6.

³³ С. Е. Малов, *Шаманский камень...*, 151-154-6

олов устидан олиб ўтишди, бу худди улар ўзларини ўзлари поклаётгандек бўлиб кўринарди.”

Фақат оловда покланишдан сўнггина Земарх хон олдига қўйилди.³⁴ Юзаки қараганда, биз камлаш унсурларини кўрамиз: жазава, ногора чалиш кабилар, агар синчиклаб боқилса, бундай қарашдан воз кечамиз. Аслида бу ерда арвоҳ чақириш эмас, балки ёмон, душман арвоҳларни муқаддас олов ёрдамида ҳайдаш кузатилади, яъни бу магия, спиритуализм эмас. Олов ёмон кучларни ҳайдайди деган тасаввур жуда кенг тарқалган бўлиб, Австралиядан Баварияга қадар бўлган жойларни қамраб олади ва бу қандайдир ўзига хос ёки учрамас янгилик эмас.³⁵ Бундай ақидани XIII асрда рус князларини оловда покланишга мажбур қилган мўғулларда ҳам, оловга фақат яхшилиб ёрилган ўтин ташлаб, ахлат ташлашни ман этадиган ҳозирги замон бурятларида ҳам учратамиз. Қисқаси, оловга эътиқод, шакл жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам руҳни чақиришга қарама-қаршидир.


Ф. Ратцелнинг³⁶ Марказий Осиёдаги оловга эътиқод билан зардуштийлик орасидаги алоқалар ҳақидаги тахминлари ҳам ғализдир, зотан, бу ўхшашлик фақат ташқидир. Эронда модедан-мобед муқаддас оловга яқинлашар экан, нафаси билан оловни ифлослантормаслик учун ниқоб кийган, бу ерда эса олов билан энг нопок нарсани — ёмон руҳни чўчитмоқда. Гап шундаки, Эронда олов диний топиниш нимарсаси ҳисобланади, туркларда эса у тозаланиш воситасидир, қуролидир, моҳиятан ҳеч қандай ўхшашлик кўринмайди. Энг охириги саволга етиб келдик: шаманларнинг “қора дини”, қўлловчи арвоҳлар ақидаси қаерда қолди?

Юқоридаги маълумотлар таҳлили кўрсатадики, VI-VII юзйилликларда туркутларда бундай дин бўлмаган. XII асрда қайд этилган “кам” атамаси ва “камлаш”га келсак, Жунғория ва Олтой туркларида камлаш VI-VII асрлар оралиғида пайдо бўлган. Ростдан ҳам, VI-IX асрлар Марказий ва Ўрта Осиё халқлари маданиятида улкан силжишлар даври бўлган.

³⁴ Менандр, 376-б

³⁵ Л. Я. Штернберг, *Первобытная религия*, 371-372-б.

³⁶ Ф. Ратцель, *Народоведение*, 758-759-б.



ҚАРАШЛАР ВА ШУБҲАЛАР

Китобнинг мақбуллиги. Ўқувчимиз ҳоқонлик бунёдга келиши тарихи, мавжуд бўлиб қолиши учун мажбурий курашлари муҳити, унинг имкониятлари билан танишиб бўлгач, татқиқотимизда қўлланган методика ва турли олимларнинг бизнинг мавзумизга дохил баён этилган умумий ва жузъий масалалар бўйича нуқтаи назарларини таҳлил этиш ўринли деб ҳисобладик.

Муаллиф, биринчи навбатда, нимага ва кимларга мўлжаллаб мазкур китобни ёзди, деган сўроққа жавоб бермоғи лозим. Жавоб беришни бошладим.

Манбаларнинг, махсус адабиётларнинг мўллигига қарамай, Марказий Осиё кўчманчилари тарихини Юнонистон, Рум, Византия, Франция, Англия, Россия ёки Яқин Шарқ мамлакатлари тарихини ўқигандай ўқиб бўлмайди, чунки бундай асар ёзилмаган. Бу, аввало, кенг ўқувчилар оммасига, сўнгра ёндош соҳалар бўйича мутахассис тарихчиларга ва ниҳоят, ҳаддан ташқари кўпайиб кетган библиография ичида кўмилиб қолган мутахассис-кўчманчишуносларга маърифий зарбадир.

Манбаларни ўқиб, унга нисбатан тарихий танқид методи қўлланилмас экан бу фойдасиз ўқишдир, бинобарин, жузъий масалалар бўйича кўпдан-кўп мақолалар бир-бирига қарама-қаршидир. Олға силжиш учун вақти-соати билан хулосалар чиқариб туриш шарт. Фан тараққиёти жараёнининг ўзи муаллиф олдига қўйган биринчи вазифа мана шудир.

Кейингиси эса нуқтаи назар. Сибир ва Марказий Осиёнинг қадимги халқларини Хитой ва Эроннинг фақат қўшнилари сифатида қарашга барҳам берадиган палла етди. Уларнинг тарихи ва маданияти мустақил ривожланганини ҳеч шубҳасиз тан олган ҳолда, бундан амалий хулосалар чиқармоқ лозим бўлади. Фақат шу тариқа улар қандай яшаганлиги, нималарни ҳис этгани, тантаналари ва ҳалокатларини англаш мумкин. Ҳозирнинг, ҳатто келажакнинг манбалари ўтмишда пинҳон, ахир қадимги турклар Совет Иттифоқидаги кўпгина халқларнинг аجدодларидир.

Ниҳоят, инсоният тарихининг муштарак қонуниятлари турларини ҳисобга олмасдан ўрганилиши мумкин эмас.

Биз тараққиёт спирал бўйлаб бўлишини биламиз, айти чоғда унда тугунлар ва чигаллар ҳам борлигини биламиз. Осойишта, тадрижий тараққиёт билан бир қаторда сакрашлару анъаналар узилиши ҳам содир бўлади. Тарихий жараён, йўналиш асосан,

умумий бўлгани ҳолда турли мамлакатларда ўзига хос ҳамдир, фарқларни ҳисобга олмай, фақат ўхшашликларга асосланаверсак, ўзимизни ўзимиз кузатаётган ҳодисаларимизни тушуна олмайдиган даражага тушириб қўямиз.

Тарихий жараёни фақат масалага жуда яқинлашиш билангина даврлаштириш мумкин. Акс ҳолда даврлар орасидаги оралиқ сезилмай қолади ва тарих воқеалар қоришмасига ўхшаб кўринади. Айнан мана шундай ноаниқлик (ёки жуда мақбул фарқ) асосида Осиёнинг турғунлиги англами яралган ва уни шунинг учун ҳам “Жаҳон тарихи”нинг бизнинг мавзумизга доир қисқа ва қисқалиги учун тушунарсиз бўлган бобларида инкор қилиб бўлмайди.

Сизга тавсия этаётган ишимиз фактларни жўнгина йиғиш ва уни фалсафий мушоҳада қилишлар орасида боғловчи бир заруриятдир. Бу том маънодаги тарих, яъни ҳодисалар, улар орасидаги боғланиш ҳамда тадрижийлигини ўрганишдир.

Материал тўплаш йўриғи. Ёзувсиз ёки ёзуви бизгача етиб келмаган халқлар тарихини яратишнинг ўзига хос қийинчиликлари борки, бу ўз ёзувигача эга бўлган халқлар тарихчилари учун номаълумдир. Туркларда тарихий ёзилмалар сақланмаган, қабр устидаги тошбитиклар эса унинг ўрнини боса олмайди. Шунинг учун бошқа тиллардаги манбаларга, уларнинг илмий доирага олиб кирилган таржималарига суянишга тўғри келади.

Лекин турли манбаларда берилган маълумотлар бир хил эмас, бунинг устига доим ишонарли эмас. Бунинг сабаблари турфа хилдир: баъзида қадимий муаллиф воқеадан тўлиқ хабардор эмас. Гоҳида материални бериш усули қийинчилик туғдиради, яна бирида ноҳолислик (замондош муаллиф доимо ҳодисага қандайдир манфаат юзасидан ёндошади), баъзан VII аср фани даражасидаги фаразларга мойиллик сезилади. Шу туфайли ҳам танқидий тарих томонидан текширилган, XIX-XX юзйилликлар олимлари томонидан таҳлил этилганлиги боис замонасозлик хатоларидан холи ишончли хабарлар ҳисобланади. Фақат мана шундай маълумотларгина тарихий синтезга асос бўла олиши мумкин.

Воқеалар тарихи маданият тарихидан кескин фарқ қилади. Маданият тарихи учун тарихий ҳужжатлардаги маъно бўёқлари ва услублари ҳам муҳим бўлса, аввалгисида энг қизиқарли машғулот хронологик жадвал ва тарихий хариталардаги битиклардир.

Афсуски, Европа мамлакатлари тарихий устунларини ташкил этувчи текширилган ва саналаштирилган воқеалар ойнаси (таблиғи) Осиё мамлакатлари учун тузилган эмас.

Манбаларни тадқиқ этиш усули. Мавзунинг мураккаблиги, серқирралиги тарихий тадқиқ ва таҳлил тамойилларига ниҳоятда

синчковлик билан ёндошишга мажбур этади. Энг муфассал манба хитой сулолалари йилномалари бўлганлиги туфайли Н. Я. Бичурин, (катта) Жюлен, Э. Шаванн ва Лю Мао-цзайлар ўшаларга таянганлар ва вақти-вақти билан юнон, араб-форс муаллифлари маълумотларига мурожаат қилишган. Бундай йўл тутилиши, уларнинг истакларига қарамай, тадқиқотларида, ўрта аср хитой тарихчилик тамойиллари қизил ип каби мана-ман деб тортилиб қолган. Бироқ тарихий танқид ғалвиридан ўтказилганда, бу тамойил нотўғрилиги маълум бўлиб қолди. Умуман олганда, халқ тарихини тўлалигича унинг душмани нуқтаи назаридан ўрганиш хатодир.

Аниқ воқеалар оқими жараёнидан келиб чиқиб қадимги турклар тарихини ёзиш учун, хитой йилномаларида келтирилган барча ҳодисаларни танқидий қайта идрок қилишга тўғри келди. Иш хитой солномаларида қабул қилинган баён қилиш услуби билан мураккаблашади. Йилномада “муваффақият қозонилмади” деб ёзилган бўлса, бу доим хитой қўшинининг узил-кесил тор-мор этилганини ифодалайди, агар “чегарани талади” деб ёзилган бўлса, бу ё рақиб отлиқ аскарларининг узоқ муддатли босқини ёки бирор бир исёнчини қўллаш учун уюштирилган шошилиш ҳамла бўлади, бунинг устига исёнчи ҳақида лом-лим дейилмагани учун, у ҳақдаги ахборотни бошқа матнлардан излашга тўғри келади (яхшиямки, хитой тарихига оид саналар доимо тўғри берилади), воқеалар оқими қиёслаш йўли билан равшанлаштирилади. Бундай чалкашлик, ўрни билан эса сохталаштиришлар тасодифий эмас, бу йилномачининг мағлубиятни баён қилишда Хитойнинг ҳукмрон табақалари нафсониятига тегиб кетмайдиган шаклни топиш учун қилган интилишларидан келиб чиқади.

Хитой тарихёзарларининг яна бир хавfli тарихий методи бор — бу оддий волюнтаризм. Уларнинг нуқтаи назаридан турклар устидан ғалабани тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ: хитойлар доим ҳар ерда ғолиб бўлиши табиий бир ҳолдир. Мағлубиятларчи? Бунда айбдор — совуқ, қор-ёмғир, кўпинча доим нуқсонли топиладиган саркарда ёки император. Ўтироз йўқ, аскарний саркарданнинг укувсизлиги урушда наф келтирмайди, бироқ ўрта аср Хитой манбаларида жамиятдаги синфий зиддиятлар доимо ташқи воқеалардан ажратиб берилади, оқибатда, воқеалар боғланиши бузилади. Бу қийин вазият Хитой тарихини бизнинг мавзумизга тегишли жойини керагидан ҳам чуқурроқ ва кўпроқ ўрганиш йўли билангина бартараф қилинади. Жуда қийин, енгил ўтиш оғир бўлган муаммо бу тарихий чегаралардир, чунки хитойлар кўп шаҳарлар, ҳатто кичик шаҳарлар номини ҳам тез-тез ўзгартириб туришган. Омадимиз бор экан, Н. Я. Бичурин

томонидан таржима қилинган Да Цин И-тун-чжининг Хитой географиясида алмаштирилган номлар мажмуасининг борлиги қўл келди. Ушбу мукамал манба қадимги турклар ва бошқа кўчманчилар ҳамда Хитойнинг ўзини тарихи бўйича ҳам илк иш сифатида нашр этилган эди.¹

Қиймати жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи манба – турк тошбитикларига мутлақо бошқача ёндошиш талаб этилади. Бу ёдгорликларнинг аксарияти бир даврга – VIII асрнинг иккинчи чорагига тўғри келади ва мазмунан сиёсий ва тарихий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи икки оқим – Йўллуғтегин ва Тўнйуққ орасидаги баҳс манзарасини акс эттиради. Тошбитиклар композицияси худди бир-биридан нусха кўчиргандек бўлса ҳам, ҳодисалар шарҳи мутлақо бир-бирига зиддир. Бу ўринда танқидий тарих учун кенг майдон очилиши билан бирга уни тафсирлашга ҳам шароит бор: ҳар икки муаллиф бизга маълумдир. Шу туфайли ҳам ҳар гал ўзгартиришлар киритиш, баҳсдаги изоҳлардан ҳақиқатни ажрата олиш имкони бор.

Ҳойто-тамирдан топилган ёдгорликлар орасидаги энг аҳамиятлиси, айтиш чоғда турки тилда ёзилган ва бизга маълум бўлган энг қадимги шеър ҳалигача тафсирланмаган кичик тошбитиклар қаторидадир.

Тошбитиклар тарихчилар эътиборини кўп марта лаб тортганига қарамай, бизнинг ишимизда тавсия этилаётган доирада кўриб чиқилган эмас. Лекин айнан шу йўналишда кўрилганидагина қадимги турк жамиятида сиёсий оқимлар борлиги ва уларнинг хоссаларини аниқлай олиш мумкин. Бошқача айтсак, биз монологулар диалогга айланишига, ўқувчига қадимги туркларнинг фақат сўзлари эмас, балки сиёсий мунозарадаги уларнинг оҳанглари ҳам етиб боришига интилдик.

Византия, арман, араб-форс тарихчилари асарларида турклар ҳақидаги дараклар эса узук-юлуқ ёки мужмал. Турки исмларни улар таниб бўлмас даражада бузиб ишлатганлар, бунинг устига унвон ўрнига исм ва аксинча қўллашлар тез-тез учраб туради. Бироқ юнон-арман ва араб-форс манбалари умумий саҳннинг узвий қисми сифатида айрим парчаларни тўлдириш ва хитой манбаларининг шубҳали ўринларини тушуниш учун ёрдам беради.

Шу муносабат билан қийинчиликлари ва имкониятлари илгари ўз баҳосини ололмаган, эътибор берилмаган қадимги турк ономастикаси муаммосига диққатни жалб қилмоқчимиз. Турклар оврупаликлар каби туғилганидан то ўлгунича бир исм билан ўтган эмас. Турк исми доим унинг жамиятдаги мавқеини кўрсатиб турган. Болалигида

¹ Н.Я.Бичурин, *Собрание сведений и исторической географии...*

лақаб, ўсмирлигида – лавозим исми, эр етгач унвонли бўлган, агар у хон бўлса унинг унвони поғонали улуш тизимида уйғун равишда ўзгариб борган.

Бундан ташқари турклар исми хитойча талаффузда бир бошқа бўлса, юнон, форс ва арабларда яна бошқача бўлган. Биз ким ва нима учун турли вақтларда ҳар хил номланишини аниқлашга муваффақ бўлдик. Мана шу жойда муаммонинг энг қизиқарли жойи бошланади: хитойлар иероглифларни тасодифан танламаган, улар танлаган иероглифлар туркча товушнинг фақат бир қисмини ифода этган. Кўплаб иероглифлар турки исм эгасига яхши ёки ёмон муносабатни ифодалаш учун махсус танлаб олинган, айнан худди шу ерда хитой сиёсатининг ранглари илғаб олиш мумкин.

Исmlарни танлаш бўйича ишимни VI-VII юзйилликлар учун иероглифларнинг тўғри талаффузини ва маъносини тиклаш билан шуғулланувчи хитойшунос М. Ф. Хван билан биргаликда олиб бордим. Бу маълумотларни турки сўзлар ва исм эгаларининг оти таржимаси билан ҳам чоғиштириш айрим турки исmlардан анча-мунчасини аниқлик билан танлаш имконини берди. Масалан, аввал қабул қилинган “Иби Шаболо Шеху Кэхан” тўғриланиб “Ирбис Ишбара Жабғу қаған” маъноси эса: “Қор барси шафқатсиз//қудратли оқсоқол хон” деб ўқилди. Олдинги ўқилишларнинг баъзилари тузатилди, масалан, Е. Шаванн “Бугя-кэхан”даги “Бугя”ни “Билга” – яъни “доно, билимдон” деб таржима қилган бўлса, энди у “Бўка” – “қудратли” деб ўқилди. Биз тиклаган исmlаримизнинг кўпи фаразга асосланган бўлса ҳам мен аниқ кўришиб турган нотўғри хитойча оҳангни қолдиришдан кўра (ўқувчи кўниккан шакллар изоҳларда қолдирилган) уларни матнга киритишни афзал кўрдим. Изоҳларда турки исmlарнинг арабча, форсча ва юнонча ёзилиши ҳам берилди, чунки алифболи ёзув иероглифли чизмаларни жуда яхши таҳрир қила олади.

Аmmo исmlар транскрипсиясини бир қолипга келтиришдай, бир қараганда осон ишни эплай олмадим. Турк, хитой, тибет исmlари учун халқаро транскрипсия йўқ. Ҳар бир оврупа тилининг орфографияси бор, чунки фонетика 1200 йил давомида ўзгариб кетди, бундан ташқари, у лаҳжалар билан ҳам боғлиқ эди. Ҳошия ёзувларида исmlарни у олинган манбада қандай ёзилган бўлса шундай беришга тўғри келди, шунинг учун ҳам ягона тизимга амал қила олмадим. Аслини олганда, китобимизда қўлланган тизим тил билиминини эмас, фан тарихини акс эттиради.

Хитой исmlарининг ўқилиши Н. Я. Бичурин, В. В. Григорев, В. В. Бартолд, Г. Е. Грумм-Гржимайло каби рус муаллифларининг мумтоз асарларида ишлатилишга мос келади. Э. Шаванн, П. Пелло, Р. Грусс

каби франсуз муаллифлари ва Лю Мао-цзайнинг немисча таржимаси ўқилиши русча ўқилишга анча яқин туради. Бу муаллифлар иероглифларни алифболи ёзув билан беришда VI-VIII асрларнинг фонетикасида берадилар, ҳозирги замон совет хитойшунослигида эса XX аср фонетикаси асос қилиб олинган, оқибатда, турки исмлар талаффузи тил келишмайдиган кўринишга эга бўлади ва тавсифлашнинг имкони қолмайди: масалан, Тугю ўрнига Ту-цзюе – “турк”.

Тошбитиклардаги турки исмларнинг ёзилишининг мезони сифатида С. Е. Маловнинг ўқишлари олинди. Энг мураккаб ўқиладигани Тибет исмлари бўлиб, ҳар бир таржимон уларни ўзича ифода этади. Бундай исмларни Б. И. Кузнецова текшириб чиқдики, мен у кишига миннатдорчилигимни изҳор этаман. Форс исмлари, ишимизда фойдаланилган манбалар лаҳжасига энг яқин ҳисобланган тожикча оҳангда берилди.

Биз таклиф этган ечим узил-кесил бўлмаса-да, фақат шарқшуносларга эмас, балки кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган тарихий мазмундаги ишларда ҳам қўллаш мумкин бўлган янгича ёндошув деб ҳисоблаймиз. Бу ўқувчига ҳошия изоҳлари ва узиндиларни Оврупа тилларидаги қўлланмалар воситасида текшириш имконини беради ва орфография турличалигидан келиб чиқадиган чалкашликларнинг олдини олади. *Feci quod potui, faciant meliora potentes.*²

Адабиётларни фойдаланиш усули. Турклар тарихи кўглаб олимларни ўзига жалб этган ва кейинги 200 йил ичида унга қизиқиш бир неча бор пайдо бўлди. XVIII юзйилликнинг ўрталарида франсуз миссионерлари кўглаб хитойча тарихий асарларни келтиришди, шулардан бизнинг мавзумиз учун аҳамиятлилари Майя ва Гобил³ларнинг таржима қилган нашрларидир. Бу ишларнинг биз учун аҳамияти муҳимдир, чунки унда Хитойнинг VI-VIII асрлардаги тарихи батафсил баён қилинган: кейинги тарихчилар асарларида тушириб қолдирилган, лекин ўша асарларда берилган айрим жузъий тафсилотлар биз олдимизга қўйган муаммоларимизни ечишимишга анча ёрдам беради. Ушбу таржималар заминида XVIII юзйилликлар ўрталарида Сарбонн университетининг профессори Дегин “Хунлар, турклар ва мўғуллар тарихи” кўп жилдли асарини яратди.³

XIX аср бошларида Вивен де Сен-Мартен ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган, ҳатто матнга нисбатан қимматлироқ бўлган изоҳлари билан аббат Лебонинг “Византия тарихи” асарини қайта нашр этди.⁴

² Mailla, *Histoire generale...*; Gaubil, *Abrege...*

³ Deguignes, *Histoire des Huns...*

⁴ Lebean, *Histoire du Bas-Empire...*

Бу тадқиқотларда турк ҳоқонлигининг бир четки масалаларига тегиб ўтилган бўлса, Станислав Жюленнинг⁵ таржималари бевосита туркларга тааллуқлидир. Унинг нашрлари узоқ вақтгача қадимги турклар тарихини ўрганишда бошланғич нуқта бўлиб қолди. XX юзйиллик бошларида, тўлалагича Ғарбий ҳоқонликка бағишланган Е. Шаваннинг⁶ муаззам обидавий асари пайдо бўлди. Ундан кейин нозик синчковлик билан яратилган П. Пелло⁷ тадқиқотлари ҳамда Анри Корде ва Рене Груссе⁸ларнинг ажойиб таблиғлари (сводки) юз кўрсатди.

Услуги ва усулига кўра франсуз мактабига қўшилиб кетадиган Лю-Мао-цзай ҳозирги кунда ГФРда ишламоқда. Унинг Шарқий ҳоқонликка бағишланган икки жилдли иши⁹да жуда қизиқарли шарҳлар борки, у Жюленнинг айни мавзудаги ишидан устунроқ ҳамда Шаваннинг асарини тўлдиради.

Франсуз мактабининг бир хусусияти – унинг катта камчилигини айтмасдан четлаб ўтиб бўлмайди. Турклар франсузлар учун шунчалик бир ғарибки, яхшиси, ҳоқонлик тарихига ўрта асрлар хитойлар кўзи билан қараш мақбулроқ. Шунинг учун ҳам ҳодисаларни боғловчи ишлар уларнинг кўзига кўринмайди, баъзида эса ҳодисалар хитойлар нуқтаи назаридан шарҳлаб қўя қолинади. Фактография бўйича биринчи ўринни эгаллайдиган франсуз мактабининг имкониятларини ана шу ҳолат чегаралаб қўяди.

Немис мактаби франсузларникидан бироз орқада. И. Маркварт, Ф. Хирт ва замондошимиз Х. В. Хауссиг¹⁰ асарларида илмий баркамоллик билан ғалатлар, исботлаб бўлмас филологик тахминлар ва оддий хатолар аралаш-қуралаш бўлиб кетган.

Жузъий масалалардаги ўта талабчанлик исботсиз фаразлар билан аралаштирилиб, “сеянто” афсонавий “сиртардуш”лар билан айнанлаштирилади. Ашида Юан-чжен Тўнйўкук билан (Ҳиртда) ёки Абруй “эфталит шоҳи” билан бир шахс дейилади (Марквартда). Бундай фаразлар фанга “ўткинчи хатолар” сифатида кириб келиб, анча-мунча-зарар ҳам келтирди.

Кўрсатилган сабаблар туфайли мен атайлаб Рихард Хеннигнинг “*Terrae incognitae*”¹¹ китобидан фойдаланишдан воз кечдим. Унинг

⁵ S. Julien, Documents...

⁶ E. Chavannes, Documents...

⁷ P. Pelliot, *La Haute Asie; L'origine des tou-kiue nom chinois des turcs; L'origine du nom de "Chine"*.

⁸ H. Cordies, *Histoire generale...*; H. Grousset, *Histoire de L'Extreme-Orient: L'Empire re des steppes*.

⁹ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*

¹⁰ J. Marguast, *Eransahr...; Histoireche Glossen...; Wehrot und Arang...; Fr. Hirth, Nachworte...*; H. W. Haussig, *Theophilakts Exkurs...*

¹¹ Р. Хенниг, *Неведомые земли*.

норманлар ва маврлар саёҳатлари борасида шарҳлари қанчалар тўғрилигини билмайман-у, бироқ унинг VI-VIII асрлар Марказий Осиёси ҳақидаги тасавури, очиқча айтилса, қуруқ ҳаёлдир. У турк ҳоқонлигининг шарқий чегарасини “ҳозирги Владивосток минтақаларидан” ўтказди, шимолий чегарасини “Байкалнинг шимолий қирғоқларидан Витим дарёси” бўйлаб белгилайди. (88-б). Хоннинг ёрдамчисига бериладиган “ябғу” унвонининг юнончада бузилиб “дизавул” деб айтилишини салтанат асосчисининг исми, теб ҳисоблайди (ўша бет). Бир лаҳза ҳам бош қотирмай Р. Хенниг аварларни аввал Марказий Осиёга, кейин эса “Волга билан Дон оралиғига” жойлаштиради (ўша бет), бунда у Феофилакт Симокаттанинг сохта аварлар ҳақида киритган аниқламаларини четлаб ўтиб, маҳаллий аҳоли-аланлар ва булғорлар орасига аварларни тиқиштириб қўяди. Ҳеч қандай ҳаволасиз император Вэн-ди (581-604) замонасида Хитой чегараси “Каспий денгизигача чўзилган эди” (92-б.) деб хабар беради, аслида эса бу чегара Буюк девор ва Ордосгача эди. Р. Хенниг хитойликлар туркутларни аскарий ёрдами учун ипак тўлаши каби исботланган ҳодисани “алжираш” деб ҳисоблаб, туркутлар хитой қўшинига ёлланма аскарлар сифатида қабул қилинганлигини зўрлаб ўтказмоқчи бўлади (90-б). Бу асоссиз тўқима ҳаёлларга таяниб, Суғдиёнада ипакнинг мўллигининг сабаби, “уларнинг фақат ўзлари ипак ишлаб чиқаришида” деб билади (89-б.). Кириш қисмида (18-б.) муаллиф муҳим асарлардан уруш туфайли фойдаланишнинг иложи бўлмаганлигини тан олади, лекин кўрсатганимиз хатоликлар заминида умумий тарих ва география бўйича мажбурий фактик асосларига эътиборсизлик, муҳими, ўз олдига қўйган вазифасига масъулиятсизлик билан қараш ётади. Йўл қўйилган қўпол хатолар миқдори биз бу ерда кўрсатганларимиздан кўра анча кўпдир.

Жамоатчиликка маълум ва аниқ шаклланган ҳодисаларни писанд қилмайдиган муаллиф билан баҳслашишнинг маъноси йўқ, шунинг учун ҳам мен унинг китобини эътиборсиз қолдирдим.

Кўчманчишунослик масалаларини ечимига рус мактаби деб номлаш мумкин бўлган илмий анъана жуда яқин туради, деб ўйлайман. Н. Я. Бичурин, В. В. Григорев, Н. А. Аристов, Г. Е. Грумм-Гржимайло, К. А. Иностранцев, С. И. Руденко, М. И. Артамонов ва бошқа бир қатор олимлар ана шу мактаб вакиллари дир. Рус мактабининг олимлари Марказий Осиё тарихига шунчалар яқинлашиб кетдиларки, унинг тарихига даштликлар каби кўзини “қисиб ва очкўзлик” билан боқдилар. Бунинг шарофати билан олимларимиз

М. И. Артамоновнинг “Хазарлар тарихи” асари метод нуқтаи назаридан катта бир муваффақият бўлди.²⁰ Бу ишда Каспийбўйи ва Қораденгизбўйи халқлари тарихи ичкаридан туриб ёритилди: Жанубий рус чўлларининг хазарлар ҳамда бошқа аҳолилари биринчи марта Византия империясининг душманлари ёки Киев Русининг рақиблари сифатида эмас, балки Хазарэлнинг гуркираши ва ҳалокатини белгилаган, тарихий қонуният тақдирига бўйинсунган яхлит мустақил этномаданият сифатида қаралди.

Бизнинг рўйхатимизга кўплар кирмай қолди, жумладан, ислом Шарқи тарихи бўйича энг йирик мутахассис В. В. Бартолд ҳам. В. В. Бартолднинг турклар тарихи бўйича²¹ ишлари масаламиз тарихини ўрганиш бўйича, умуман, ижобий рол ўйнаган бўлса ҳам, тадқиқотларнинг келажаги учун хизмат қиладиган аниқликлар кирита олмади. В. В. Бартолд бутунлай борлиғи билан берилиб кетган форслар билан VI-VIII юзйилликлар кўчманчи турклари бир-биридан жуда кескин фарқланиб қолган эди.

Факт ва саналарга жуда эркин муносабатда бўлган²² А. Н. Бернштамнинг китоб ва мақолалари ҳам фанга кам наф келтиради.

Умумий ишлар методикаси. Кўчманчишунослик тарихида Г. Е. Грумм-Гржимайлонинг алоҳида ўрни бор. У XX юзйиллик бошларида Ўрхун тошбитиклари ўқилиши натижасида туркологияга қизиқиш анча кучайган бир пайтда фаолият олиб борди. XIX аср охирида тўрт тилда бир-бирига зид кўпгина илмий адабиётлар яратилди, бу асарлар бошловчи тадқиқотчилар қўлига етиши ва уларни идрок этиши қийин эди. Янги материаллар оқими оқиб келиши билан янги саволлар пайдо бўлди, ечилмаган эски муаммолар четга сурилди ва библиография кўлами кенгайиб, фаннинг ўрнини босиш хавфи туғилиб, долзарб саволларга жавоб ўрнига кўплаб муаллифларнинг бир-бирига зид қарашларига ҳавола этиш кўникмаси ҳосил бўлаёзди. Табиийки, бошловчи тарихчи турклар ҳақида ёзилган барча китобларни ўқиб чиқа олмайди. Унинг олдида ягона йўл бор — мавзунини торайтириш, умумий истиқболнинг йўқлиги эса, маълумки, яхши натижалар бермайди.

Ўзининг сеvimли соҳаси китоб номлари, журналлар сони, ҳаволалар, узиндиларнинг оғир юки остида кўмилиб кетаётган-лигини тушуниб етган Г. Е. Грумм-Гржимайло “машаққатли ва раҳмат келтирмайдиган” ишга қўл урди. У мавжуд барча нуқтаи назарларни тўплади, этнология, хронология, тарихий география,

²⁰ М. И. Артамонов, *История хазар*.

²¹ В. В. Бартолд, *О христианстве...; Туркестан...; W. Barthold, Die altturkischen Inschriften... Die historische ...*

²² А. Н. Бернштам, *Социально-экономический строй...*

Марказий Осиё тарихи (қадимдан то XX асргача) бўйича хусусий муаммоларни аниқлаб чиқди. Бахтимизга вақт ўтиб кетмаган эди, у ажойиб истеъдоди ва фидокорлиги туфайли 25 йил ичида “Фарбий Мўғулистон ва Урянхай ўлкаси” (яъни Ўрта Осиё тарихи билан боғлиқ ушбу мамлакатлар тарихи рисоласи) асарини яратди. Бу асар бутун Осиё тарихчилари учун кундалик китобга айланди. Муаллифнинг материалларга ўзига хос ёндошганини ҳам таъкидламоқ керак. Шу вақтгача Шарқ тарихи билан шарқшунос филологлар шуғулланишган ва улар шарқ муаллифларининг асарларини таржима қилиш билан машғул бўлган эди. Уларнинг фан олдидаги хизматлари жуда катта, айни чоғда кузатиладиган ҳодисаларнинг қирралари бу билан қоплаб олинмайди. Г. Е. Грумм-Гржимайло тарихга географиянинг кўзи билан қаради. Саёҳатларда орттирган тажрибасидан фойдаланиб, йилномалардан олган маълумотлари билан Тянь-Шан, Хангай, Гоби табиатлари орасида уйғунлик кўра олди.

Тоғлар ва саҳроларда кечирган қийинчиликлари Грумм-Гржимайлога тарихий воқеалар жуғрофий манзарага қандай мос тушишини тасаввур қила олиш, ёрқин тарихий географик кашфиётлар очиш имконини берди, жумладан, Бешбалиқ қалъасининг ўрнини аниқлашда ҳам. Бу кашфиёт ҳақида Г. Е. Грумм-Гржимайлонинг ўзи шундай деб ёзган: “Бешбалиқнинг ҳақиқий ўрнини аниқлаш Сена бўйидаги Парижни, уни кўп йиллар давомида дунёнинг барча олимлари кўчириб олиб бориб қўйган еридан, масалан, Марселдан ўз жойига кўчириш билан баробардир. Тарих ва географиянинг кўплаб қора жойлари равшан бўлди”.²³

Замондошлари бундай улкан ва фидокорона меҳнатни қадрлашлари ва табриклашлари фарздай эди, бироқ амалда у ғаразли тушунмовчиларга дучор бўлди. 1893 йилда тадқиқотнинг бошламаси сифатида “Ўрта Осиё тарихи билан боғланган Бэйшаннинг тарихий ўтмиши” деган китобчасини нашр эттирди. Ушбу ишидаёқ жуда яхши самаралар берган, ўзига хос методи намоён бўлган эди. Асарга жавобан В. В. Бартолднинг китоб муаллифида “ҳақиқий тарихий ва дипломатик тайёргарлик” йўқлигини таъкидлаган тақризи пайдо бўлди. Тақризда “саёҳатчилардан, аввало, тафсилотли географик ва этнографик ҳамда имкон доирасида археологик хабарлар кутамиз... Муаллифни Осиёга доир тарихий адабиётларни ўрганиш ўзига ром қилиб, ундан кўра анча савобли ишлар (яъни экспедиция ҳақида оддий ҳисобот) қолиб кетганлигидан афсусдамиз” деб ҳам ёзилган.

²³ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Дела и дни...*, 45-б.

Бу кескин ва адолатсиз тақризни Г. Е. Грумм-Гржимайлонинг жавоб мақоласидан кейин В. В. Бартолд би:роз юмшатди, лекин барибир мазкур китобча “фойдадан холи эмас” деган баҳога баҳоланди. Шунинг билан бирга В. В. Бартолд танқид тигини ономастика муаммоларига тарихчи сифатида ечим берган Г. Е. Грумм-Гржимайлонинг филологик савиясига қаратди. Мунозара Ўрхун ёдгорликларида учрайдиган икки исм ҳақида бўлиб, уни П. М. Мелиоранский, В. В. Радлов ва В. В. Бартолднинг ўзи ҳам туркларнинг афсонавий аждоди номи деб билишарди, Н. А. Аристов ва Г. Е. Грумм-Гржимайлолар эса биринчи ҳоқонликнинг ака-ука хоئلари номи деб ҳисоблашарди.

Баҳс сўнгги олимлар фойдасига ҳал бўлгач, В. В. Бартолд қарши чиққан манбалар шарҳи методи ҳам оқланиши керак эди. В. В. Бартолд ўша пайтларда грамматик жиҳатдан тўғри ўқилган матн тадқиқотчини хатолардан сақлайди, деб ҳисобларди. Матнни тўғри ўқиш кераклиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, аммо мазкур баҳс нагжасининг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, грамматика ва фонетика тарихий танқиднинг ўрнини босолмайди.

В.В.Бартолднинг жузъий масалаларни ҳал этиш билан чегараланиш ва мутахассисларнинг айрим камчиликларини кўрсатиш ҳақидаги тавсиялари бундан ҳам хавфлироқ эди. Шукрки, Г. Е. Грумм-Гржимайло бунга эътибор бермади. Агар у бошқача йўл тутганида, ўша замондаги библиография тоғига яна 200-300 ҳеч қандай тизимсиз вақтли матбуотда сочилиб ётган мунозарали ишлар номи келиб кўшилар эди. Бундай вазиятда ҳеч бир олим бирор масалани ечишга улгура олмас, бутун вақтини эса мавзуни мушоҳада қилишга эмас, балки у ёки бу мақолани излаб топишга сарфлаган бўларди. Бундан ташқари, ўша мунозарадан бери ўтган ярим аср давомида кенг мавзу бўйича қарашлар мажмуасини яратишни гарданига олган бирор мутахассис топилмади.

Г.Е.Грумм-Гржимайло китоби Марказий Осиё историографиясида энг серунум бўлган янги бир даврни бошлаб берди. Буни В. В. Бартолднинг ўзи Г. Е. Грумм-Гржимайлога кейинроқ ёзган мактубида тан олади ва бу хатда олдинги фикрларидан қайтганлигини айтади.²⁴

Бироқ Г. Е. Грумм-Гржимайло меҳнатига салбий муносабат эпкини ҳозиргача етиб келди. А. Ю. Якубовский В. В. Бартолднинг берган аввалги баҳоларини такрорлайди ва Г. Е. Грумм-Гржимайлони “шарқ тилларини билмаслиги”, “тарих ихтисослиги бўйича маълумоти йўқлигини” айтади.²⁵

²⁴ *Ўша асар, 64-б.*

²⁵ *А. Ю. Якубовский, Из истории изучения монголов..., 78-б*

Жузый масалалар буйича бахслар ва бахоларга тўхталмай, мен Г. Е. Грумм-Гржимайло китобини шарқшунослик буйича мутахассис Лю-Мао-цзайнинг “Турклар ва Хитой”²⁶ асари билан қиёслашга жазм этдим. Бу тадқиқот ушбу муаллифнинг кўплаб Хитой манбаларидан таржимасига (бу ҳақда юқорида айтилди) илова тариқасида киритилган. Шунини таъкидламоқчиманки, Лю-Мао-цзай иши филологик томондан ҳеч қандай нуқсонсиз бажарилган, фактлар шарҳи эса унинг истеъдоди ва ҳалоллигини намоён қилади. Лекин навбат анализга келгн ҳнда, тарих махсус қобилият, ҳодисаларни қамраб олиш кўлами, бадиҳа каби тил билишга бевосита алоқаси бўлмаган талабларни қўйиши оидин бўлиб қолар экан.

Ҳодисалар орасидаги боғланишни аниқлаш тарихчининг иши бўлиб, ҳодисалар борлигини аниқлаш вазифаси бўлган шарқшунос филологнинг иши тугаган жойдан бошлади. Бунинг ҳар иккаласини баробар юритиш фаннинг дастлабки босқичларида жоиз эди, ҳозир бу орқага қадам ташлаш бўлади. Бироқ булар Лю Мао цзайнинг фан олдидаги хизматларини заррача камайтирмайди. У фактларни тўплади ва шарҳлади, шарҳлаш илмий таҳлил ва синтез асосида олиб борилмоғи лозимки, бунда, аввало, кўчманчи халқлар тараққиётининг макони чегараларини ҳамда VI-VIII асрлардаги ҳамма мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятларини, яъни замонанинг ўз-ўзини ҳаракатга келтирувчи хоссаларини белгилаш зарур бўлади.

Англашга уриниш. Бу масалада ҳам тарихчилараро яқдиллик йўқ эди. Мазмуни жиҳатидан ижтимоий қурилмалар борасида бой материаллар берган Ўрхун битикларининг ўқилиши билан шафқатсиз бахслар янада кучайиб кетди.

1896 йилда Л. Каэн ва Н. А. Аристовлар ҳам ўз нуқтаи назарларини баён қилишди. Каэн, турклар “миқдори этник мансублиги билан чегараланмаган шахслар ва жамоалар” жамиятидир деган қарашни ўртага ташлади.²⁷

Унинг фикрича, туркларни ўзаро сиёсий бирлашув ва аскарий интизомгина боғлаб турарди. Ҳоқонлик давлат тизимини у “бюрократик” деб атаб, уни ҳам асилзодалар тузумига, ҳам демократияга қарама-қарши қўяди.²⁸ А. Каэннинг қарашлари В. В. Бартолднинг унинг китобига ёзган тақризида²⁹ атрофлича муҳокама қилингани учун, бу ҳақда тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топмадик.

²⁶ Liu Mau-tsae, *Die chinesisechen Nachrichten...* 392-472-б.

²⁷ L. Ca hun, *Introduction al'histoire de Asie*, 79-б.

²⁸ *Ibid*, 75, 82-б.

²⁹ ЖМНП (Журнал министерства народного просвещения), 1896, 5-6 сон, 373-б. ва давом.

³⁰ Н. А. Аристов, *Заметки...* 10-б.

Н. А. Аристов эса унга тескари нуқтаи назар билдирди, яъни кўчманчиларда давлат вужудга келиши ўз қабиласи ва бошқаларини “ўз таъсирига олиб бўйсундира олган жасур, оқил, ишларида омадди қабила бошчиси бўлган бир қабиланинг кучайиши”нинг натижаси деб қаралмоғи керак. Унинг йиқилиши эса “уруғ ва қабилаларнинг муस्ताқиллик учун интилишининг тобора кучайиб бориши таъсиридан”³⁰ озикланадиган ўзаро низолар ҳисобига содир бўлади, деб ўйлайди. Н. А. Аристовнинг қарашлари давом эттирилиб ривожлантирилса, далиллар кучайтирилса ва айрим тузатишлар киритилса, яхлит ҳолида ҳақиқатга зид эмас.

В. В. Радлов оддий волонтаристик қарашни илгари сурди. Унингча, фақатгина қабила бошчиларининг таъсири натижасида қисқа муддат ичида қудратли қабила қўшилмалари юзага кела олади.

Қабила бошчилари хон тахтига кўз тикар, фақат хоннинг қудратли қўлларигина кўчманчи давлатни ҳалокатдан сақлаб қола олиши мумкин эди. Қачонки бу қўл заифланса, давлат вайрон бўлғусидир.³¹

Шу муносабат билан айтмоқ керакки, хоннинг шахсий сифатларидан кўра халқнинг кайфияти ва хос аскарларининг содиқлиги унинг қўлларини бақувват ёки нимжон қилади.

В. В. Бартолд айрича бир фикрни ўртага ташлади: “Беклар “қора халққа” қарама-қарши қўйилган, бунинг устига олий ҳукумат доим беклар тарафини олмаган”³² У бундай қарашни В. Бангнинг: “хон теварагидагилар турки халқнинг юксалишида хизмат кўрсатган ўзининг қариндошлари ёки беклари эди”³³ деган фикрга жавобан баён қилган. В. В. Бартолд эса “битикларда айрим демократик фикрлар билдирилганлигини” тушунтириб, турк ҳоқонларини тахтни аскарний зодагонлар билан ўраб олиб, демократик империя ғояларини илгари сурган иккала Наполеонга қиёслайди.³⁴ Бирмунча кейинроқ Бартолд таъкидлайдики, табақалар кураши ҳодисаси кўчманчиларнинг ҳаётида кескин ижтимоий табақаланиш бўлмаган даврини ўрганган Радловда ҳам асилзодалар билан авом ўртасида кураш боришини эътироф этган, лекин бу фактнинг аҳамиятни тан олмаган Томсенда ҳам ўз аксини топмаган.³⁵

В. В. Бартолднинг фикрлари, бизнингча, бир қарашда тўғрига ўхшаса-да, туркут, кўк турклар яхлит тарихи таҳлилида ўз тасдиғини топмайди.

W. Radloff. Alturkische Studien. 310-6.

W. Barthold. Die historische Studien, 4-5-6.; В. Бартольд, Новые исследования..., 237, 276-6.

W. Bang. Zu den Kokturkischen Inschriften...

W. Barthold. Die altturkischen Inschriften...

В. Бартольд, Томсен и история..., 11-12 б.

А. Н. Бернштам, Социально-экономический строй...

Ушбу мавзумизга А. Н. Бернштам³⁶ махсус бир иш бағишлаган. Унинг қарашлари танқиди куйироқда келади. Ниҳоят, масаланинг янги талқини- “кўчманчи империялар” яратилишининг умумий манзарасини ҳосил қилишга уринишни Г. Прицак ишида кўрамыз.³⁷ Эътиборга олинган фактларнинг ниҳоятда кўплиги, манбаларнинг синчиклаб ишлаб чиқилишига қарамай, унинг хулосаларини тўлиқ қабул қилиб бўлмайди. Бунинг икки сабаби бор: Е. Прицакнинг умумий мулоҳазаларида унга сингиб кетган айрим кўр-кўрона фикрлар таъсири бўлса, жузъий таъкидларида “ўтиб юрвчи хатолар”, рад этилган-у, лекин раддия библиографик уммонга тушиб майда мақолалар ичида кўринмай кетганлиги учун сақланиб қоладиган фаразий тахминлар бор. Бахтимизга, Прицак тадқиқига тузатиш сифатида туркологик ахборотларнинг анча аниқ ва ишончли мажмуаси А. Н. Конопов томонидан³⁸ яратилгани боис ҳам, биз Прицакнинг фақат асосий фикрларига эътиборимизни қаратамиз. Бу “Дашт империяси қандай қилиб пайдо бўлди?” мақоласининг бошланишида лўнда қилиб ифода этилган. “Даштда истеъдодли ташкилотчи пайдо бўлганида, у ўз уруғи, кейин қабиласи ва ниҳоят сўзимиз мавзуси бўлган қабила иттифоқини бўйсундириш учун атрофига кучли ва содиқ кишиларни тўплаган. Кейин у яқинлари билан қароқчилик юришлари қила бошлаган. Агар бу ишда ҳам омади юришса, натижасида қўшни қабилалар қўшиб олинган. Навбатдаги вазифаси, бир томондан қабила иттифоқидagi ҳукмрон уруғни йўқ қилиш бўлса, иккинчи томондан ҳарбий бўлуқларини даштдаги истеҳкомларга аввал Ўрхун-Ўнунда, сўнг Чуда жойлаштириш бўлган.

Даштдаги муқаддас ерларга эгалик янги иттифоқ асосчисига унинг ҳукмронлиги қонуний эканлиги каби мақом баракатини ато этган. Бинобарин, фақат ҳукмрон уруғга мансубларгина хўжайин сифатида қабул қилинарди. Иттифоққа кирувчи қабила бошлиқлари иштирок этадиган қурултой муқаддас жойда, истеҳкомга яқин ерда чақирилиб, унда эски одат бўйича дашт подшоҳлигига номзод сайлаганлар. Сайланган киши шаманнинг тавсияси билан шоҳлик унвонини қабул қилган. Бунда ҳукмрон унвонидан ташқари янги давлат ёки иттифоқ учун ном ҳам қўйилган.”³⁹

Е Прицак билан биз муҳим масалаларда келиша олмаймиз. Бизнингча, даштдаги иттифоқлар бир хил усулда эмас, ҳар хил

³⁶ О. Pritsak, *Stammesnamen...*, 49-104 б.

³⁷ А. Н. Конопов, *Родословная туркмен (изоҳда)*.

³⁸ О. Pritsak, *Stammesnamen...*, 51-б.

³⁹ О. Pritsak, *Stammesnamen...*, 49-104 б.

йўл билан ташкил топган. Е. Прицак баён қилган хоннинг сайланиши, ворислик билан ҳокимиятга келишга нисбатан кам учрайди. Донгдор уруғларни қириб ташлашга Чингизхонгина қўл урган, бундай тутум турк, уйғур ва хунлар учун ётдир. Дин ва “шаман”лар мавқеи жуда бўрттириб юборилган (Е. Прицак барча жодугар ва роҳибларни умумлаштириб “шаман” деб ҳисоблаган шекилли, оқибатда атама маъноси кенгайиб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган). “Баракат” тушунчаси генотеистик динларга номувофиқдир, чунки “тос” – қабила маъбудларининг ёрдами фақат ўша қабила аъзолари билан чегараланади, зотан, айнан мана шу ақида илк турклар замонида ҳукмрон эди.⁴⁰

Нафсиламрини айтганида, Е. Прицак аскарий демократия оёққа туриши жараёнини тавсифлади, бироқ у кўрсатиб ўтган ҳарбий бўлук ва қабилаларнинг ўзаро қўшилиб кетиши Оврупанинг ўтроқ қабилаларига хос бўлиб, кўчманчиларда бу жараён бошқачароқ кечган.

Эл ҳақида баҳс. Жужий масалаларни ҳал этмай, қадимги турклар тарихини тушуниш мумкин эмаслигини эслатиб, бу борада “эл” атамаси ҳам муҳимлигини айтмоқчимиз. *Эл/ил* атамаси билан турклар ўз салтанатини аташган. Унинг маъноси бўйича ягона бир фикр йўқ. С. Е. Малов уни “қабила иттифоқи” деб таржима қилади-ю, айна кезде унинг “давлат, халқ” маънолари борлигини ҳам айтади.⁴¹ Радлов, Мелиоранский, Бартолд, Томсен ва Хиртлар ҳам шундай фикр билдирадилар.

Бернштам бу атамани бошқача тушуниш фикрини илгари сурди. Унингча, “эл-уруғчилик тузумидаги ташкилий жипслик анъанасини ўзлаштириб олган турли қабилалар асилзодаларининг бирлашмаси, зодагонлар тузумидир. Эл-давлат ташкилий томонининг ифодаси. Туркича “Āl” тарихдан бизга ўзини “türk” деб аташ билан маълум бўлган халқнинг тимсоли”.⁴² Ҳар икки нуқтаи назар таҳлил этилганда нотўғри бўлиб чиқди. Муҳокама қиламиз.

Биринчи турк хони Бумин *элхон* унвонини қабул қилган. У буни жужанларни бўйсундиргандан кейингина қабул қилди, яъни ўз қабиласига бошқа қабилани кўшиб олгандан кейин. Аммо бўйсундириб олинган қабилалар гуруҳини иттифоқ дейиш ноўрингина эмас, балки нотўғридир. “*Элхон*”нинг маъноси айнан олинганда “халқнинг ҳукмдори”дир.⁴³ Бундай талқин Рашидиддин ишлатган форс тилида янги ўзлашган феъл “*ил кардан*” – ‘босиб олмоқ’, “бўйсундирмоқ” пайдо бўлганлиги билан

⁴⁰ А. Н. Кононов, *Опыт анализа...*

⁴¹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, *лугатда*.

⁴² А. Н. Бернштам, *К вопросу о возникновении классов...*

⁴³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений, 1 ж.*, 277-б.

хам тасдиқланади. Бу феъл варваризм ҳисобланади, бироқ атаманинг маъносини жуда аниқ берган. Қабилалар уюшиб келишишини ифодалаш учун турк ва мўғул тилларида муштарак маъно ифода этадиган бошқа бир атама: кур//гур бор. Ана шунга мувофиқ бошқа бир атама “гурхан”, яъни «қабилалар уюшмаси хони» бор. Киданлар хони шундай унвонни қабул қилган, чунки унинг салтанати саккиз тенг ҳуқуқли қабилалар бирлашмасидан ташкил топган эди. “Эл” эса бунинг акси, у куч билан бошқа қабилаларни бўйсундиришни ифодалайди. Шунинг учун ҳам “El” атамасининг энг мувофиқ муқобили лотин тилидаги “imperium”ёки русча “держава” бўлади. Ўз-ўзини бошқарадиган қабила «эл» бўла олмас эди.

Иккинчи нуқтаи назарни у ўзи таяниши керак бўлган матнлар инкор этади. Масалан: “türk budunälin törüsin” яъни, “турк халқи ва эли қонунланиб...” ушбу ўринда “эл” ўз ичига “будун”ни олади, шекилли, яъни ҳукмрон тоифа билан чегараланиб қолмайди.⁴⁴

Иккинчи матн ҳам шунақа: Kämkä älig kas Ҳап игтап – килга эл қозонаман. Бу ерга “давлат ташкилоти ифодаси”ни ёки ҳукмрон синфлар”ни қўйиб бўлмайди, шунинг учун Бернштам тавсия қилган таржима матнни мазмунсизлантиради.

“Эл”га С. П. Толстов яна бир бошқа маъно таклиф қилади: “антик тушунчадаги давлат бу сўзда фақат сиёсий маънода бўлиб, ҳудудий маъноси мутлақо йўқ”.⁴⁵ Бундай тушунилган ҳолда ҳам элда бўйсундирилган қабилалар борлигини ҳисобга олиш керак бўлади. Ушбуни аниқлаб олгач, биз матнлардаги маълумотларда ҳеч қандай зиддиятларни кўрмаймиз.

Шундай қилиб, *эл* ўрда ва қабилаларнинг биргаликда мавжуд бўлиш шакли бўлиб чиқади. Аслида бу ўзаро боғланиш тинч йўл билан ҳам вужудга келса бўлар эди, бироқ амалда бу ҳар икки томон учун ҳам жуда оғир бўлиб, *эл* бошланишиданоқ беқарор бир шаклга айланди. Тобе этилганлар азоб чеккани ва ҳар қандай қулай фурсатдан ажралиб чиқиш учун фойдаланишлари тушунарли, бироқ ўрданинг ўзидаги безовталикчи? Салтанатни сақлаб қолиш зарурати беклар ва “будун” ҳаловатига йўл бермасди, чунки муттасил жанговар ҳолатда шай бўлиб тургандагина *эл* мавжуд бўла оларди ҳарбий мағлубият, дипломатик хато, камдан кам учрайдиган хоинлик, ҳатто оддий лоқайдлик элнинг мавжуд бўлишини хатарда қолдира оларди. Айнан мана шу сабабга кўра илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги сиёсий тузилмаларнинг умри калта бўлган эди.

⁴⁴ А. Н. Бернштам, *Родовая структура...*, 565-566-б., С. В. Кисилев, *Древняя история...*, 503-б.

⁴⁵ С. П. Толстов, *Тирания Аброя*. 52-б.

БУЮК ҒАЛАЁН (581-593 йиллар)

Будда суфийлиги ва маросимлари билан жиддий машғул бўлишига қарамай, Арслон Тобохон ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашда давом этди. Хингандан Кубангача бўлган саккиз улус ҳокимлари унинг буйруқларига бўйинсунар эди. Бироқ бу жасур, мағрур жангчи — ҳокимлар босиб олган ерлардаги қабилаларни тизгинлаб туришда моҳир бўлсалар ҳам, бир-бирлари билан муносабатни йўлга қўйишга қодир бўла олмадилар. Айни чоғда уларнинг ҳар бири ўз қўл остидаги бекларининг истаклари билан, ҳатто тақдири, баъзан умри содиқлигига боғлиқ бўлган оддий жангчи хоҳиши билан ҳисоблашишга мажбур эди. Уларнинг ҳар бири халқнинг кайфиятидан ўз мақсадлари йўлида туркутлардан фойдаланишни кўзлаган қўшни мамлакатлар дипломатиясидан хабардор бўлиб туриши зарур эди. Натижада, хоннинг ва шодининг шахсий хусусиятлари анча катта мавқега эга бўладиган фавқулодда мураккаб вазият юзага келди.

Тобохоннинг тўнғич ўғли Амрак¹ босиқ, беозор бўлиб, отаси зурриёди сифатида наслан уни кутаётган фаолиятга мутлақо мос келмас эди, онаси томонидан ҳам у асилзодалардан эди. Уни ҳурмат ва иззат қилишарди, лекин у ўрдадаги бирор бир гуруҳни бошқара олмас, ҳукмроннинг беқарор тақдиридан осойишта турмушни афзал кўрар эди. Бу сифатлари билан у бир томондан ўзининг тарафдорлари қўлига кишан урса, иккинчи томондан ўзига мутлақо ўхшамаган амакиваччаларининг қўлига эрк беришига йўл очарди.

Муғанхоннинг ўғли Торэменнинг мизожи ҳам унча ёқимли эмасди. Хитой жосуси Чжан-сун Шэннинг таъриф ва тавсифига кўра, мазкур шаҳзода ҳукмронликни яхши кўрадиган, бироқ беқарор; жангда жасур, бироқ сиёсатда калтабин, кучлиларга эгиладиган, аммо ожизларга юзсизлик қиладиган киши бўлган.² Айнан мана шу сифатлари Торэменни хитой айғоқчилари, отасининг сафдошлари бўлмиш жанговор беклар қўлида қўғирчоққа айлантирди. Унинг қисматида онасининг ҳам ўрни кам бўлмади. Онаси Муғанхоннинг канизаги бўлиб, туркутларнинг олий табақасига дахли йўқ эди. У бева бўлиб қолгач ҳам, давлат ишларига аралашишда давом этиб,

Хитойча: -Ань-ло; Н. Я. Бичуринда - Янь-ло. Амрак (қиёсланг: мўғул осойишталик) турки сўз бўлиб, руник матнларда учрайди (ўртоқ).

S.Julien, Documents.... Vol 3, 359-6; E. Chavannes, Documents, 49-6.

Ян Цзянни Суй сулоласининг императори деб тан олишни талаб қилган тоифани бошқарган кўринади. Шунинг учун Хитойда яхшилаб ўрнашиб олган жойидан Суй ҳукумати томонидан 581 йилда қувиб чиқарилган туркутлар ўз қаҳрини бева Хотун³га қаратдилар. Бу кайфият Ўрдага юқди, табиийки, бу унинг ўгли обрўсига ҳам таъсир этмай қолмади ва кейинги воқеалар жараёнининг натижаси ўлароқ ўзини кўрсатди.

Бевақт ўлим топган Қора Иссиқхоннинг ўғиллари Шету⁴ ва Чулохоу⁵ лар анча эпчил ва жасур эдилар. Шету шу даражада довюррак ва доно, шунчалар матонатли ва қатъий эдики, ҳатто ўз хотини уни “бутун туриши билан “ғирт бўри” деб ҳисобларди. Бу фазилатлар уни халқ ва оқсуяқлар орасида шухрат қозонтирди, тахтгача олиб келди, айна шу хусусиятлар уни ҳалок қилишига ҳам оз қолди. Чулохоу ҳам акасидан ҳеч қолишмасди. Ҳатто у акасидан айёрроқ, муғамбирроқ ва назокатлироқ бўлиб унга булар ҳурмат келтирди, халқнинг меҳрини қозонтирди. Унинг улуси ҳоқонликнинг шимолий қисмида бўлиб, бу ерларда кўчиб юрувчи кидан ва татаблар Чулохоунинг таянчи эдилар. Унинг улусига Гоби саҳросининг шимолий томони кирганидан бўлса керак, унвони айнан таржима қилинганда “Тошлоқ саҳронинг иккинчи даражали беги” мазмунини беради. Айнан мана шу “иккинчи даражали” мавқеа мағрур ва қатъий мизож билан чиқиша олмаслик оқибатида ҳоқонлик ҳали Осиёда ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда Хитой билан тил топишига ундаган кўринади. Замонамизда буни сиёсий тутуруқсизлик дейишган бўлар эди, бироқ VI юзйилликларда турк ҳоқонлиги доирасида бу борада у якка ўзи ажралиб турмасди.

Барибир, санаб ўтилган хонлар орасида энг кўзга кўринарлиси Истамихоннинг ўгли Қора Чуриг Турк Тардушхон эди. Хитой йилномаларида унинг таржимаи холи йўқ, бироқ бу бўшлиқни Византия ва форс манбалари тўлдиради.⁶ Қора Чуригнинг аскарий кўтарилиши отаси бошчилигидаги туркутларнинг эфталитлар билан

³ S.Julien, Documents..., Vol 3, 347-б. *Жюлен тахминича, бу Муғанхонга узатилган Хитой маликасиғир. Бироқ бу эҳтимолдан узоқ. Муғанхоннинг хотини тўнтарши пайтида барча аъзолари шафқатсиз қириб ташлаган Чжоу хонадонидан эди. Агар манбада тилга олинган “Сизин хотуну” уша аёл бўлса, Суй императори томонидан хўрланган туркутлар у билан фақат ҳамдард бўлар эдилар. Бу ўринда Ўрда ичидаги гуруҳлар орасидаги курашни англамоқ керак, Чжоу-сун Шэннинг Торэмenni Хитой томонига оғдириш учун уриниши ҳам шу билан боғлиқдай кўринади. Бу уриниш самарасиз бўлса-да, натижа Хитой учун бефойда бўлмади.*

⁴ Бу исм шу кўринишда қўлланилиб қолди. Турки кўринишда Жетту// Йэтту “давлатга етди”. Иероглифининг маъноси “нобликни кўзлаган”. Чжоу шуда у Дитоу деб аталади. Унинг унвони Эрбек (хит. Эрфу).

⁵ Чулу – тошлоқ чўл; Хоу – Хитой мансиб тизимидаги иккинчи лавозим.

⁶ Л. Н. Гумилев, *Биография тюркского хана...*, 159-162 б.

биринчи тўқнашувидан (555 й.) бошланади. Кейин, 556 йилда Истамихон изни билан Жанубий Жунғорияни забт этади ва абар қабиласи ерларида ўзининг беклик улусига асос солади. 558 йилда Қора Чурин Урал ва Волга ерларига юришда иштирок этади, бироқ босиб олинган ерлар укаси Турксанф ва амакиваччаси Бўрихонларга улус қилиб берилади.

576 йилда Истамихон вафот этади ва Қора Чурин ғарбдаги олий ҳокимиятни мерос сифатида олиб, Тардушхон унвонига муяссар бўлади. Бундан кейин у олисдаги юришларда қатнашмайди. Қирим ва Кавказда Византияга ва Эгриси (Лазики) подшолигига қарши уруш ҳаракатларини унинг қўл остидагилар олиб борадилар ва урушни бой берадилар. Мағлубият Қора Чурин шаъни ва обрўсига путур етказа олмади ва ўша пайтларда у “улуғворлиги учун”⁷ Бўка (қахрамон) унвонини олди. Аммо бу хонни бахтли деб бўлмасди. Унинг исми – Қора Чуриннинг маъноси “Қора дард” демакдир (балки моховлик назарда тутилар). Шунга қарамай, Қора Чурин поғонали тизим бўйича пастроқ даражада бўлса ҳам, беклар орасидаги энг қудратлиси эди. У ва Шету қаҳрини қанчалар ичларига ютмасинлар, бир-бирини кўргани кўзи йўқ эди.

Сулолавий баҳс.⁸ Яқинлашиб келаётган фожианинг ибтидоси туркутлар улуғ хони Арслон Тобохон ўлими яқинлашайтганини хис этган кунлардан – 581 йилнинг охирларида Ўрхун қирғоқларида кўрина бошлади. Поғонали улуш анъанасига мувофиқ ўғли Амракка муружаат этиб, ундан Муғанхон ўғли Торэменнинг қонуний ворис эканлигини эътироф этишини талаб қилди. Бу орада Торэмен ҳам, ота-бола энг яқин қондош бўлса-да, бунинг тахтга меросхўр бўлиш учун аҳамияти йўқлигини эслатиб ўтди. Ўша анъанага мувофиқ Шету ҳам ворисликдан сиртда қолди. Унинг отаси мазкур қоида қабул қилингангунга қадар вафот этган бўлиб, тахтни эгаллаш учун кезак кутадиган аҳволдан холис бек ҳолатида эди. Бироқ у ҳаққини ажратиб оладиганлардан эди.

Онаси зоти пастлардан бўлганлиги учун оқсуяклар орасида Торэменнинг мавқеи унча эмаслигини назарда тутиб, Шету Амрак тарафини олди. Аъёнлар мажлисига ҳаммадан кейин келган Шету марҳум хоннинг васияти тасдиқланадиган бўлса, у ўз улусига қайтиб кетиши ва унинг чегараларини “Ўткир қилич, узун найзалар

⁷ Наршахи, *История Бухары...*, 12-13-б.

⁸ Воқеалар изоҳи, исмлар ўқилиши, топонимларни айналаштириш ушбу бобда муаллифнинг мазкур даврга бағишланган махсус мақолаларида қандай бўлса шундай берилади (Л. Н. Гумилев, *Великая распря...*; 589 илги уруш ва Ҳирот жанги...; *Удельно-лествичная система...*; *Биография тюркского хана...*; Л. Н. Гумилев, Б. И. Маршак, М. Ф. Хван, *Спор о древних тюрках*). Бу ишларга ҳавола қилинмади.

билан”⁹ ҳимоя қилишини, яъни фуқаролар уруши бошланишини айтиб таҳдид қилди. Бу ниҳоятда кучли бир ваз бўлганлиги учун ҳам ҳеч кимнинг қаршилиқ қилишга ҳадди сизмади ва бўш-баёв, нимжонгина Амрак хон қилиб қўйилди. Бироқ Торэмен бу ҳолатга чидаб туролмади. Унинг тарафдорлари Амракни ҳақорат қилдилар, ерга урдилар, у эса ўзига ҳимоячи бўлган Шету фойдасига тахтдан воз кечди. Яна четга сурилиб қолган Торэменга давлатнинг шимолий ўлкаларидан улус тегди ҳамда Абохон (катта хон) унвонига сазовор бўлди. Шету эса “Эл кулугшад Бага Ишбарахон” унвонига эга бўлди.¹⁰ Ўзларига ёқмаган кимсаларга камситувчи иероглифлар танлаб қўйишга одатланган хитойлар охириги бўғиндаги “ло”ни “лио” (қароқчи)га ўзгартириб Шаболио¹¹ исмини ҳосил қилишди. Мана шу хосиятсиз исм билан у тарих саҳифаларидан ўрин олди.

Биринчи хон бўлган Шаболиохоннинг ўрдаси Ўтукен тоғи этагида, салтанатининг марказида жойлашган эди. Иккинчи хон эса, хитойлар Дянгу (иероглиф исмининг товуш томонини эмас, балки маъносини ифода этади) деб номлаган Қора Чурун Турк эди. Товуш томонини акс эттиришганида хитойлар уни Датухон дейишарди. Қора Чурун ўрдаси Оқтоғ атрофида эди.¹²

Амрак учинчи хон ҳисобланарди. Тахтни йўқотиш ҳисобига у мана шу дабдабали унвонга эга бўлганди. Унинг ўрдаси Тола дарёси қирғоқларидаги яланг овлоқларда жойлашган эди.

Мазкур тўрт хондан бошқа яна тўрт нафар майда хонлар ҳам бўлган. Чулохоу янги қоида бўйича акаси Шаболионинг вориси бўла оларди. Тегин шод (Тобохоннинг ўғли ва Амракнинг биродари бўлса керак) Шаболионинг амакиваччаси бўлиб, унинг ҳам ҳоқонликнинг шарқий томонида ўз улуси бор эди.

Ғарбда эса юнонлар Турксанф, хитойлар Танхон деб атайдиган бек ҳукмронлик қиларди. У Волга ва Шимолий Кавказдаги қўшинларга қўмондонлик қилар, 576 йилда Боспорни олиб, Византияга қарши урушни бошлаган Тобохоннинг жияни Бўрихон ҳам унинг қўл остида хизмат қиларди.¹³

Ғарбдаги уруш Ҳоқонликнинг кунботардаги уруши давоми тарихда деярли ёритилмаган. Византиянинг берган ахборотлари узук-

⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений. I ж.*, 235-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen...*, 44-б.

¹⁰ *Салтанатнинг (эл) шонли шоди, шлоҳий (Бага) (балки – “улуғ” дур) Ишбара (қудратли, шафқатсиз: хитойча - Шаболю)хон.*

¹¹ *Иероглифларни М. Ф. Хван тидқиқ қилган.*

¹² *Актаг (Оқ тоғ, шимолий Тянь-Шаньда). E. Chavannes, Documents...*, 115, 234-237б.

¹³ *Менандр*, 422-б.

юлуқ, форс ва гуржи хабарлари бизгача етиб келмаган, хитойлар эса Қораденгизбўйи географиясини шу қадар хира тасаввур этганларки, уларга етиб келган миш-мишларни афсонага айлантриб юборишган. Шунинг учун ҳам туркларнинг ўз манбаси — ҳоқоннинг (Қора Чуруннинг) Маврикия императорига йўллаган ҳамда Феофилакт Симокаттанинг “Тарих”ида қисман сақланиб қолган мактуби ниҳоятда қимматлидир. Тарихий манба сифатида биз бу хатга алоҳида иш¹⁴ бағишлаганмиз ва ундаги маълумотлар асосида ҳодисалар жараёни оқимини белгилаб чиқамиз.

Менандр туркутлар 576 йилда Боспорни олгани ва 580 йилда Қиримга босқин уюштиргани ҳақидагина хабар беради.¹⁵ Туркутлар ҳоқонининг Маврикия императорига ёзган мактубидан маълум бўлдики, 582-583 йилларда туркутлар Византияга Кавказ орқали суқилиб киришга уринадилар, бироқ муваффақиятсизликка учрайдилар. Тардушхоннинг ўзи шарқда эди, бу ерда Хитой билан уруш авжи палласида бўлган. Бу уруш унга обрў келтирмади “ва у кўшинлари”ни олиб қайтди. Хитой императори: Тардушхонга “қарши форслар, эфталитлар ва хўтанлар ғалаён кўтаргани учун”¹⁶ чекинди, деган хабар тарқатди. Хон таржимаи холининг бу саҳифаси ҳақида хатда ҳеч нарса дейилмаган. Хитой императори тарқатган “тўсатдан ғарбда уруш олови ёқилганлиги” ҳақидаги хабари шубҳали кўринади. Бу хабар 582 йил Ўрта Осиё ва Эрондаги вазият билан ҳеч ҳам қовушмайди. Хўтан эса кичик бир беклик бўлиб, бор-йўғи 4 минг аскарлари бор эди.¹⁷ Эфталитлар бўлса худди шу йили Эрон шоҳи қўл остига ўтган, Эроннинг ўзи Месопотамияда Византия билан аёвсиз уруш олиб бораётган эди.¹⁸ Санаб ўтилган барча душманлар давлат чегараларидан ташқарида бўлиб, уларга нисбатан “ғалаён, қўзғолон” сўзларини ишлатиш ноўриндир. Яна шуки, агар Тардушхон буларнинг ҳаммасини енгган бўлса, бу ҳақда индамаслиги мумкин эмасди. Бу хабарлар ишончсиз бўлгани учун ҳам, сўнгги давр хитой воқеаномалари — “Суйшу” ва “Таншу”лар мазкур воқеаларни тушириб қолдиради. Мен ҳам шундай фикр тарафдориман. Император Вэнди географиядан чала билимининг қурбони бўлганга ўхшайди. 582 йилларда хитойлар Қошғардан ғарбдаги мамлакатлар ҳақида, византияликлар Қошғардан шарқдаги ўлкалар ҳақида билганидан ортиқроқ билмас эдилар. Шунинг учун ҳоқонликнинг Ғарбий

¹⁴ Л. Н. Гумилев, *Биография тюркского хана...*

¹⁵ Менандр, 462-б.

¹⁶ E. Chavannes Documents..., 49-б.

¹⁷ E. Chavannes, Documents..., 125 —б.: Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 301-б.

¹⁸ Н. В. Пугулевская, *Византия и Иран...*, 67-70-б.

чеккасида Византия билан бўлган уруш хабарини хитойлар Эрон билан уруш деб билганлар, аслида бундай уруш мутлақо бўлиши мумкин эмасди. Форслар ўз иттифоқчиларига ҳужум қилишига нима ҳожат бор эди?¹⁹

Зикр этилган хитой манбасига киритилган тузатишлар Менандр, “Суйшу” ва Симокатта маълумотларини бир-бирига боғлаш имконини беради. 576 ва 583 йилларда Тардушхон Византия билан уруш қилгани рост, бироқ бу урушни олиб боришни ҳоқонликнинг ғарбий чеккасида ўз улусига эга бўлган амакиваччаси Бўрихонга ишониб топширган эди. Маврикия императорига йўлланган хатда туркутларнинг византияликлар устидан ғалабаси ҳақидаги баёни, табиийки, туририб қолдирилган. Эътибор кўпроқ Шарқий Рим империясининг собиқ тобелари, лекин VI асрда мухторлигини сақлаб турган лаз (колх)ларга қаратилган. Ана шундай тарзда ҳақиқатга яқин маълумот дипломатик одобни сақлаган ҳолда баён этилган.

Туркут-Византия урушининг охири (584 йил бошларида) ҳоқонликда фуқаролар уруши бошланиш санасига тўғри келади. Қиримга муваффақиятсиз ҳамладан кейин туркутлар Кавказ билан чегараланиб қолди. Лазики ёки Эгриси подшоҳлигининг чегараси Кавказ тизмаси орқали ўтган бўлиб, Абхазия ҳам ушбу подшоҳликнинг бир қисми эди.²⁰ Худди шу ерда туркут беклари аскарий ҳаракатларини тўхтатганга ўхшайди. Улар жануб томон анча ичкарилаб кетган дейиш қийин. Лазларнинг қаршилиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди-ю, 300 минг киши қатл этилиб, уларнинг жасади 160 км (тўрт кунлик йўл) узунликдаги йўл бўйлаб ётганлиги хабари келтирилади. Бу чекинаётган қўшиннинг ярадор, нимжон аскарларни олиб кетиши оғирлашгани сабабли уларнинг ўлдирилиши бўлса керак. Демак, туркутларнинг Кавказ ва Қиримга ҳужуми бароридан келмаган, улар урушни бой беришган. Ҳақиқатдан ҳам,

¹⁹ 581-584 йиллардаги урушининг хитой талқинидан бошқаси йўқлиги Г. Е. Грумм-Гржимайлони чалкаштирган (*Западная Монголия...*, 229-б. 4-изох), бу мени ҳам чалғитди (*Л. Н. Гумилев, Великая распря...*, 79-б), бироқ Эроннинг 582 йилда ҳоқонликка қарши уруш бошлагани борасидаги хабарга ишонсалар ҳам, ҳар икки муаллиф бунга аҳамият бермадилар ва бу хулосаларга таъсир қилмади. Бу хабар Турруми эфталит пошоҳи, Тардушхоннинг қизига уйланган деб ҳисоблаган Х. Хаусигни ҳам алдади (*H. W. Haussig, Theophilaktis Exkurs...*, 379-383). Хитой хабари танқидидан ташқари, Хаусиг фикрига хат матнида уруш “ўзаро” ва “фуқаролараро” дейилгани ҳамда бунинг ичида эфталитлар тилга олинмаслигига ҳам зид келади.

²⁰ Н. Бердзенишвили, И. Джавахишвили, С. Джанашиа, *История Грузии*, 101-102 б. “Колхлар” ва “лазлар” атамаси муқобил эканликлари ҳақида ҳам шу бетга қаранг. Хаусигнинг “Колх” ва “Халха” атамаларининг яқинлаштиришга уриниши ҳақида мазкур мактубда “колх”лар “ва жужанлар” айнаклиги билан солиштириш учун қаранг: М. И. Артамонов, *История Хазар*, 138-б., 24-изох.

588 йили Византия Боспорни қайтиб олиши билан дастлабки ҳолат тикланади.

Хитой билан уруш Хитойда содир бўлган тўнтаришдан сўнг туркутлар ипаксиз қолди. Ян Цзян варварлар билан ҳар қандай дипломатик муносабатларни тўхтатиб қўйди. Ипак ташқи савдоси император саройи билан кўчманчи хонлар элчилари орасида совғасалом алмашилиш воситасига айланиб қолди. Сиёсий майдонда шу заҳоти қайта гуруҳланиш бошланиб, Тогон хони Куалйуй туркут хони Шаболионинг дўстига айланди. Шаболионинг хотини Бэй-Чжоу хонадонининг қизи бўлиб, у барча қариндошлари дорга тортилгани ва унинг аждодларига қурбонлик қилиш тўхтаб қолганидан қаттиқ қайғуда эди.²¹

Шимолий Хитойдаги санбий зодагонларини туркут хони ўрдаси билан боғлаб турувчи ришта ана шу аёл бўлиши ҳам эҳтимол. Чегарадаги Инчжоуда²² мустақил ҳукмрон сифатида сақланиб қола олган Гао Бао-нин 582 йил ёзида Суй империясига қарши ҳаракат бошлагани ҳам бир тасодиф эмас. Айни чоғда унинг иттифоқчилари бўлмиш туркутлар Гоби саҳроси орқали буюк девор ортидаги Хитойга бостириб кирдилар.

Уруш император ва унинг маслаҳатчилари ўйлаганидай жуда енгил, осон бўлмади. Туркутлар ташаббусни қўлга олдилар ва хитойларни сон жиҳатдан устунлигидан фойдаланиш имконидан маҳрум этдилар. Суй лашкари бутун Буюк девор чизиқлари бўйлаб узанди: чап қаноти Наншан тоғларигача (ҳозирги Гансу вилояти) тақалса, ўнг қаноти Ючжоу текислигида (ҳозирги Шанси) жойлашган эди. Хитой чегара қўшинлари мағлуб бўлиб, Буюк девор ортига беркинди. Туркутлар Буюк деворни энг бўш қурилган Гансудаги Мухя, Шимин²³ ўтақлари орқали шиддатли ҳужумга ўтдилар. Шимоли-ғарбий Хитойнинг энг бой олти вилоятида бир бош ҳам қорамол қолмади. Бироқ бу шиддатли ҳужуми билан туркутлар ўзларини қийин бир аҳволга солиб қўйдилар. Тортиб олинган қорамолнинг бир қисми шимолга ҳайдаб кетилган ва бир қисми еб бўлингандан сўнг туркут лашкари очлик гирдобига тортилди, чунки чўчиб қолган аҳоли тоғларга қочиб кетиб, жанг майдони бир кимсасиз саҳро ҳолига келиб қолди. Туркутлар билан

²¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 235 б.; Liu Mau-tsai, *Dve chinesisches Nachrichten...*, 44-45-б.

²² Буюк деворнинг шарқий чеккасидаги вилоят пойтахти Лючен, бу ерда ҳозир мўғуллар Горбан – Собарга – хото деб атайдиган шаҳарча бор (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, III ж., 37 б).

²³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 236 б.; Liu Mau-tsai, *Dve chinesisches Nachrichten...*, Апт. 242. бу ерлар ҳозирги Гансу ва Шанси вилоятларида жойлашган.

бир пайтда тогонлар ҳам хужумга ўтдилар, бироқ уларнинг хужуми 581 йилда Лянжоуда қаттиқ ҳимояга дуч келиб тўхтаб қолди²⁴ ҳамда уларнинг кейинги ҳаракатлари чегарадаги тўқнашувлардан нари ўтмади.

Ян Цзян барча кучлар сафарбарлигини эълон қилди, бироқ бу муддат талаб қиладиган иш бўлиш билан бирга, қўшиннинг ҳарбий тайёргарлиги ҳам Суй ҳукумати уларнинг олдига қўйган вазифаларни уддалаш даражасида эмасди.

Хитой қўшини ўз экин майдонлари ва боғларидан узиб олинган деҳқонлар ҳисобига тўлдирилиб ташкилланар эди. Зобитлар таркиби эса, илмий-мунозара ва шеърий тўпламлар таҳлилини севадиган конфуцийчи ахлоқ асосидаги файласуфлар томонидан тузиларди. Олдий аскар ва зобитлар баъзан қаҳрамонлик намуналарини намоён қилишига қарамай, чегара хизмати ёки узоқ юришлар уларга азоб берарди²⁵ (унинг устига-устак қўшин камҳаракат бўлиб, асосий қисмини пиёдалар ташкил қиларди), улар зирҳли ҳарбий аравалар билан қуроолланган бўлса-да²⁶ суворилар ниҳоятда кам эди. Бундай аскарлар билан даштда устунликка эришишни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Лекин қўшиндаги камчиликларни дипломатик хизмат хатто ортиқчаси билан тўлдириар эди. Тақдир Ян Цзянга тенгсиз ёрдамчи, беқийёс жосус Чжан-сун Шэнни рўпара қилди. 578 йилда элчиликда хизмат қилган Чжан-сун Шэн, ҳали улус беги бўлган Шаболио билан дўстлашиб, ёйдан ўқ отишдаги мерганлиги билан уни қойил қолдиради.²⁷ У ўзининг туркут беклари билан алоқаларидан фойдаланиб, уларни бир-бирига гиж-гижлашни қойиллатиб ижро этди.

582 йил охирларида²⁸ хитойлар туркутлар ҳамласини даф қилишга муваффақ бўлдилар, Чжан-Сун Шэн эса туркут хонлари орасига олалик уруғини сочиб бўлган эди. Қора Чуриин Тардушхон – туркутларнинг энг қудратли беги – Хитой билан алоҳида битим тузиб, қўшинини у ердан олиб чиқиб кетди.²⁹

583 йилнинг ёзи хитойларга омад келтирди: Линтаога ҳамла қилган тогонлар кириб ташланди,³⁰ ундан сўнг эса Абохон

²⁴ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 85-б.

²⁵ Қаранг: В. М. Алексеев, *Древние китайцы...*

²⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 231 б.;

²⁷ S. Julien, *Documents...*, vol 3., 357 б.

²⁸ Иакинф Бичурин, *История Китая*. Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 236 б.; Liu Mau-tsai, *Dve chinesisches Nachrichten...*, Ann. 242. бу ерлар ҳозирги Гансу ва Шанси вилоятларида жойлашган.

²⁹ S. Julien, *Documents...*, vol 3., 365 б.; Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 229-б.

³⁰ Иакинф Бичурин, *История Китая*.

мағлубиятга учради.³¹ Фақат Шаболионинг зафаригина туркут лашкарларини узил-кесил тор-мор этилишидан сақлаб қолди, аммо хитой жосуси Чжан-сун Шэн Шаболио билан Абохонни уриштириб қўйишга муваффақ бўлди.

Бир ишончли одами орқали у Шаболиога шундай мурожаат қилади: “Қачон туркут қўшинига сиз саркардалик қилсангиз, доим зафар кутилади, жанг қачон Абохон саркардалигида олиб борилса, сўзсиз мағлубият бўлиши сизга ғалати туюлмайдими? Қўшинларингиз миқдори ҳар иккалангизда бир хил бўлса ҳам. Бу исноднинг бир чети сизга ҳам тегади. Энди нима бўлади? Сиз душман устидан доим зафар қозониб шуҳрат келтирсангиз, Або бўлса, енгилавериб туркутларни шармандалик ботқоғига ботираверадими? Сиз ҳамон унга танбех бериш билан чегараланиб қолаверасизми? Сиз бир пайтлар “шимолий хонликни” (Торэмен улуси) йўқ қилишни орзу қилардингиз, ҳозир буни амалга оширишга журъат эта оласизми?”³²

Айни чоғда Чжан-сун Шэн Абохонга тубандагича уқдиради: “Датухон³³ Суй хонадони билан иттифоқлик битими тузган экан, Шету туркут халқи устидан ҳукмронлик юритишга қодир бўла олмайди. Шунинг учун сиз ушбу иттифоққа вақтида қўшилиб, император ҳомийлиги остида бўлишингиз яхши эмасми? Бу сизга катта қувват бўларди, сизнинг ҳозирги тутган йўлингиздан — Шетунинг иродасига кўра ўз қўшинингиздан ажралиб, бунинг устига худди жиноятчидек унинг ҳақоратларига чидашингиздан кўра ақлироқ йўл бўларди”.³⁴

Торэмен хонлик қилиши ҳақидаги миш-миш Шаболио қулоғигача етиб борди ва у туркут салтанатини ҳалокатга етакловчи қадамини босишга қарор қилди.

Жанжал. 584 йилнинг феврал-мартида Торэмен йўқлигида Шаболио унинг ўрдасини босди. Қирғинда Торэменнинг онаси ҳам ҳалок бўлди. Бу фалокат хитойларнинг қитмирлиги билан бўлганлиги барчага аёнлиги учун ҳам, Торэмен билан хитойлар орасида хун олиш душманлиги пайдо бўлди. Торэмен ғарбга — Қора Чурун Турк Гардушхон ҳузурига қочиб борди. Шаболионинг адолатсизлиги ва тизгинсизлиги ўрдада ҳам норозилик ҳосил қилган кўринади. Қора Чурун Торэменга қўшин беради, яна унинг собиқ

³¹ *Уша асар.*

³² *S. Julien, Documents..., 365-б.*

³³ *Тардушхон — яъни ғарбий қанот хони. Қора Чурун Турк назарда тутилмоқда.*

³⁴ *S. Julien, Documents..., 366-б.; Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 100-101-б.*

аймоғидан 100 минг киши,³⁵ улус хонларидан Турксанф (Танханхон) ва Тегин шодлар кўшилади.³⁶ Торэмен кўл остида шунча куч тўпланадики, Шаболио муваффақият ҳақида ўйламаса ҳам бўларди. Ҳатто ўз укаси Чулохоу ҳам исёнчилар томонида бўлиб,³⁷ бунинг устига киданлар исён кўтардилар.³⁸ 584 йил кузида Шаболио Хитойга тинчлик битими ва иттифоқ тузиш ҳақида таклиф йўллади.

Худди шундай таклиф билан Тардушхондан ҳам элчилар келади. Ян Цзян тобора вазият хўжасига айланиб борди. Лекин бу ақлли ва айёр сиёсатчи уни туркутлар орасидаги низо қутқарганлигини кўриб турарди. У, хитой лашкари туркут суворилари билан фаол жанг олиб бора олмайди, деб ёзади ва шунинг учун шаҳзода Гуан³⁹нинг туркут хонлари ўртасидаги келишмовчиликдан фойдаланиб, урушини даштга кўчириш ҳақидаги таклифини рад этади. Ян Цзян ва бутун Хитой учун муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир вазият мавжуд эди. Шимолий минтақадаги хитойлашган санбийлар ҳар онда туркутлар билан тил бириктириши мумкин эди, бунинг устига Чжоу хонадонидан бўлмиш малика Шаболионинг ҳислари ва ўйларини йўналтира олиш қобилиятига эга эди. Аввалдан келишиб олингани бўйича, малика императорга ўзини қизим, эрини ўғлим, деб қабул қилишини таклиф қилган кўринади. Бу таклиф тезда қониқтирилди.

Бу ҳодисалар янги сулола олдингисидан соғ етиб келган анъаналарни эътироф этганини билдирди. Бошқача айтганда, санбий ер эгаларининг шимолий чегараларидаги имтиёзлари, кўчманчилар билан айирбошлаш савдоси, яъни ниқобланган ҳирож тикланганлигини⁴⁰ эътироф этиш демакдир.

Шаболио Хитойга йўллаган нота матни оҳанги анча дадил эди. Талаблар мазмунига боқилса, уни ёрдам сўраётган томон эмас, балки ғолиб томон ёзгандек кўринади. Император уни ўғил қилиб олганлигига ишора қилиб, хон уларнинг мулки патриархат оиладаги каби умумий бўлишини тавсия қилади: “Менинг подшолигимдаги қўй ва отлар императорники бўлганидай, унинг ипак матолари меникидир. Бунда ҳеч қандай фарқ йўқ.”⁴¹ Хон

³⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 236 б. Бу рақамга ишонмайман. Бу ўрданинг аҳолиси сони бўлса керак, демак, кўшинда 15–20 минг киши бўлган.

³⁶ У Шаболионинг амакиваччаси эди. (Қаранг: Liu Mau-tsai, *Dve chinesisches Nachrichten*, 49-б.

³⁷ S. Julien, *Documents...*, 357 б.; Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 230–231-б.

³⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 236 б.

³⁹ Ян Гуан — кейинроқ император бўлган Ян-ди.

⁴⁰ Грумм-Гржимайло бу ҳодисага худди йилномадагидек, унча танқидий ёндошмай баён қилади (Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 232-б.)

⁴¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 237 б.

унинг жониворлари нархи ўттиз миллион аҳолили Хитойнинг ипак заҳирасидан анча пастлигини тушунмаслиги мумкин эмасди, бироқ у атайлаб мана шундай айирбошлаш бўлишига ҳаракат қилиб, ипак ва қорамол нархини ўзи белгилайди. Бундан қизиққон Ян Цзян тутақиб кетиши керак эди, бироқ у қутилмаганда босиқлик кўрсатди ва худди осойишта Бэй-Чжоу замонасидаги каби тортиқлар билан элчилик юборди.

Ян Цзян хондан фақат бир нарсани талаб қилди – ўзини вассал ҳисоблашини ва император ёрлигини чўккалаб қабул қилишни. Хон бироз қайсарлик ва ноз қилиб охири кўнди. Номигагина бўйсуниб Ян Цзянга фақат обрў учун керак эди, аслида эса император эмас, хон ўзи истаган нарсага эга бўлди: ипак валютага; шимолдан киданлар ва Торэмен тарафдорлари қисиб келаётган бир чоғда бутун аҳолиси билан Хитой чегараларига кўчиб келишга; ўз аскарлари учун кийим-кечак ва озуқа, ҳатто сал олдин туркутларни қириб ташлаш ниятида бўлган⁴² Гуан қўмондонлигидаги аскарларий бўлукнинг ҳарбий ёрдам беришига ҳам эришди.

Шаболиога Қора Чурун Турк ҳам тақлид қилиб, 584 йилда ўзини Суй империясининг вассали деб тан олди. Унга ҳам ипак зарур эди ҳамда унинг суғуд дўстлари даштда тинчликни тиклашни, карвонлар бежавотир юришини таъминлашни қаттиқ туриб талаб қилар эдилар. Императорнинг тортиқлари нақд, вассаллик юки эса сезиларли бўлмагани учун ҳар икки етакчи хон Хитой билан тинчлик ўрнатишга жон деб кўндилар ва ўзларини урушда ғолиб чиққан, деб ҳис этдилар. Бу иттифоқ Торэменнинг шарққа бoшлаган зафарли юришини тўхтатиб қўйди. Шаболио унинг қўшинларини мағлуб этди, орқадан эса Қора Чуруннинг тобелари бўлмиш абарлар зарба беришди. Қўриқчисиз қолган Торэменнинг қароргоҳига ҳамла қилишиб, унинг хотини ва фарзандларини тутқун қилдилар. Шаболио қўшинини қўллаб келаётган хитой лашкари абарлардан Торэмен оиласини олиб қўйишди.⁴³ Асирлар Шаболиога топширилди, у эса бундай бебаҳо совға эвазига урушнинг бошланғич даврида босиб олинган ерларни тозалаб, буюк Гоби саҳроси бўйлаб чегарани тиклади. Бахти қаро Торэмен ҳамма нарсасини: онаси, хотини, болалари, туғилган ерини бой берди.⁴⁴ У севимли чўл кенгликларини тарк этиб, ўзининг сўнгги

⁴² *Уша асар, 238-б.*

⁴³ *S. Julien, Documents..., vol 3., 499 б. Бу жойи Бичурун томонидан нотўғри таржима қилинганлигини (Собрание сведений..., I ж., 238 б.) Г. Е. Грум-Гржимайло кўрсатиб ўтган эди (Г. Е. Грум-Гржимайло, Западная Монголия..., 232-б.) Бироқ кейинги муаллиф аба қабиласини теле гуруҳига мансуб дейди, бу фикр ўз тасдиғини топмади, абарлар мустақил қабила эди.*

⁴⁴ *Манбага кўра у асир олинган. "Суй шу" да хато кетганлигини Liu Mau-tsai (Die chinesischen Nachrichten... 527-б) кўрсатади.*

сафдошлари билан жанубга чекинади, унинг охирги муқим макони Пойкенд (Бухоро теварагида) шаҳри бўлиб қолади.⁴⁵

Погонали тизим тантанаси. Шаболионинг ғалабаси ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолишга етган бўлса-да, туркутлар орасида осойишталик ўрнатишга қурби етмади. Фолиб хон ўз даштида ўзини шунчалар безовта сезардики, 587 йилда Хитой императорига унинг ҳукмронлигидаги Хуанхе ерларида “ов қилишга” рухсат сўраб мурожаат қилди. Илтмос қондирилиб, хонга емаклар жўнатилди, лекин бу ҳам вазиятни ўнгламади. Шаболио қароргоҳи ёниб кетиб, ваҳимадан-“ёқимсиз таассурот”⁴⁶ натижасида у ўлади.

Хоннинг ўғли Йун Йўллиғ (хитойча: Йун Йуйлуй) тахтга ўтиришдан воз кечади, чунки қоида бўйича тахтга унинг амакиси ва отасининг душмани Чулохоу ўтириши керак эди. Бу ўринда гап шаҳзоданинг шахсий сифатларида эмас, чунки у кейинги воқеалар асносида ўзининг мардлиги ва эпчиллигини намойиш этганди. Тахтни тинчлик йўли билан топширишда туркут қўнгилли аскарлар оммаси катта таъсир кўрсатган бўлиши керак, чунки айнан ана шуларга ўзаро урушлар мутлақо керак эмас эди. Ана шулар ворисликнинг погонали тизилмасини эслаб, хонларни ўзаро келишган ҳолда унга амал қилишга мажбур этдилар.

Йун Йўллиғ Чулохоуга элчи юбориб тахтни эгаллашни сўради,⁴⁶ лекин у бу таклифнинг самимийлигига ишонмаганидан бўлса керак, рад этади ва ўз навбатида унга тобе бўлиб хизматида бўлишни билдиради. Аммо шаҳзода ўз аҳдида қатъийлигини ифода этади: “Сиз Чулохоу,⁴⁷ узоқ вақт отамга душманлик қилиб келасиз-у, унинг боласига, ҳали гўдак боласига бўйсунасизми? Бизнинг қонунимизга ва сизни ўз ўрнига ворис этиб тайинлаган отамнинг буйруғига кўра тахт сизга тегишлидир. Сиз бунга бўйсунмоғингиз лозим.”⁴⁸ Аслида ҳар икки хон ҳам бунга бўйсунмоғи керак эди: уларнинг устида найзодор хос аскарларнинг хоҳиши турар эди. Улар даъвогарлардан “жасур ва идроклисини,”⁴⁹ яъни Чулохоуни танлашди.

⁴⁵ Торэменнинг унвони – Абохон Абрүй ёки Абарүй шаклида Наршахийнинг “Бухоро тарихи” (12-б.)га парчаси киритилгани “Билим хазинаси” китобининг муаллифи Абул Ҳасан Абдулрахмон Муҳаммад ан Нишобурийга маълум эди. (қийс: С. П. Толстов, Тирания Абрүй..., 10-11-б). С. П. Толстовнинг воқеаларни тиклашига қўшилиб бўлмаса ҳам, Абрүйни Абохон эканлигини дастлаб ўртага ташлаган зот шу киши эди.

⁴⁶ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 239-б

⁴⁷ S. Julien, Documents..., vol 3., 504-505 б.; Л. Н. Гумилев, Удельно-лествичная система, 66-б.

⁴⁸ Deduighes, Histoire des Huns..., 405-б.

⁴⁹ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 239-б.

Унинг ҳукмронлиги⁵⁰ бошланишиданоқ мушкул вазият юмшади. Шабалиога душманлик юзасидан Абохон тарафида турганларнинг жуда катта қисми янги хон томонига ўтишди. Қора Чурин ҳам марказий ҳукуматга нисбатан фаол қаршилик қилишдан тийинди ва Абохон билан келиша олмай қолди, оқибатда Абохон мутлақо ёлғизланиб қолди (585 й.).

Чулохоу тахт билан бирга акасининг сиёсатини ҳам мерос қилиб олди. У Суй сулоласи билан иттифоқчиликни тасдиқлаб, аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб бораётган собиқ дўсти Абохонга қарши очикчасига уруш олиб борди.

Пойкенд фожиаси. Абохоннинг ҳолдан тойган бир тўда аскарари Жунғор дарвозаси орқали Чу водийсига аранг етиб келади, бироқ Қора Чурин уларнинг йўлбошчиси билан алоқани узганлиги боис бу ерда қолишга юраклари дов бермади. Улар қанча узоқ кетсак, шунча хавфсиз бўлади, деган умидда ҳоқонликнинг жанубий чегараларига кўчиб боришади.

Туркутларнинг Бухоро вилояти ҳудудларида пайдо бўлиши ҳақида “Бухоро тарихи”да шундай ёзилади: “Туркистондан бу ерга келган кишилар мана шу ерда ўтроқ бўлиб қолишади, чунки кўчкинларга бу ернинг серсувлиги, дарахтлари, ажойиб овлоқлари ёқиб қолди. Дастлаб улар ўтов ва чодирларда яшаб, одамлари кўпая бошлагач, қурилишлар бошлаб юборишди. Жуда кўпайиб, ўзларининг орасидан бирини амир қилиб сайлашди. Унинг исми Абруй эди”.⁵¹

Абохоннинг аскарлари ўзларига тобе ҳимоясиз ерда ўзларини қандай тутганлигини пайқаш қийин эмас. Туркут кўшинида интизом қанақа бўлишини ўз вақтида Чжоу давлатида генерал бўлган (563 й.) Ян Чзын анча яхши ёритган: “...туркут жангчилари на мукофотга, на жазога жиддий қарашади, бошлиқларини ҳам ҳурмат

⁵⁰ Манбаларда бу ўринда туркут одатларини хитойлар тушунишидаги ҳар хилликлар борасида қимматли далиллар бор. Чулохоу “Суйшу”да Шехухон (яъни, Жабғу ёки Ябғухон), “Ганму”да бўлса “Мохэхон” — Багахоннинг берилиши, “б”нинг “м”га айланиши турки тилларда учрайдиган ҳодиса (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений... 1 ж.*, 239 б.). Бундай ҳар хил ўқилишини Лю Мао цзай оддий бир хатolik деб ҳисоблайди чунки Шабалионинг ўғли ҳам “ябғу” дейилган (Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten... 54, 102, 529, 555 б.*). Бироқ поғонали тартиб ҳамда тахтга даъвогарлар машамшалари ҳисобга олинса, ҳар хил ўқиш маъно касб этади. “Ябғу”нинг маъноси “вазифасини ўтовчи”, “бага”ники эса “илоҳий”, “худонинг инояти билан подшоҳлик қилувчи”дир. Демак, Чолохоу ҳокимиятни қўлга олмагунча у ябғухон, яъни хоннинг уринбосари эди. Йун Йўлли: “отаси улусида ҳукмронлик ва тахтга ворислик ҳуқуқини сақлаган ҳолда келишувдан сўнг ябғу унвонини олди. Чулохоу тез орада ҳалок бўлган, унинг янги унвонига ҳали кўникма ҳосил бўлмагани учун хитой воқеаномаларида ҳар икки унвон қўлланиб келинган. Шунини айтиш лозимки, Ганмуни тузувчиси тарихий зийраклик кўрсатган, бу VII аср Суй сулоласи давридаги воқеалар силсиласини тузган муаллифлар гуруҳи ишига қийёланганда яхши намоён бўлади (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений... 1 ж.*, 239 б.)

⁵¹ Наршахи, *История Бухары...*, 12-б. “Узлари орасидан” деган бирикма асл матнида йўқ.

қилишавермайди, кўпинча тартибга риоя қилишмайди”.⁵² Бироқ туркут аскарлари ўлжа ва талончиликни унча ёмон кўрмасдилар. Шунинг учун ҳам “Бухоро тарихи”даги мана бу хабар бежиз эмас: “Бирмунча вақтгача Абруйнинг ҳокимияти кучайиб борди, у бу вилоятни шафқатсизлик билан бошқарди, аҳолининг сабр косаси тўлди. Деҳқонлар ва бошқа бойлар бу вилоятдан Туркистон ва Тараз томон кетишиб, ўша ерда бир кент қуриб, унинг отини Хамукат деб қўйдилар. Бухорода қолганлар ўз аъёнларига элчи юборишиб, Абруй зулмидан қутқаришни илтимос қилишди. Аъёнлар ва деҳқонлар ёрдам сўраб турклар подшоҳи Қора Журин Туркка мурожаат этишди. Халқ уни улуғлаб Биягу⁵³ ҳам деб аташар эди. Биягу шу заҳоти ўғли Шери Кишвар⁵⁴ бошчилигида катта қўшин жўнатди. У Бухорога келди, Пойкендда Абруйни тутуқлади ва бир катта қопга қизил ари тўлдириб ичига Абруйни туширишни буюрди ва у қопда ўлди”.⁵⁵

Ҳақиқатда эса, Торэменнинг Абохон устидан ғалаба қозониши анча машаққатли бўлди. Қора Чуруннинг собиқ иттифоқчисини бир ёқлик қилиш учун биринчи уриниши муваффақиятсиз тугади.⁵⁶ Кейин ғарбий ва шарқий хонлар тинчлик битими тузиб, вақтинча умумий душманига қарши бирлашдилар. Шарқий туркутлар лашкарига ғарбга юришда Қора Чурун ва Торэменларнинг собиқ дўсти Чулохоу⁵⁷ кўмондонлик қилди. Йўл-йўлакай у бизлар билан хитойларнинг ёрдамчи қўшини ҳам кетмоқда, деган гап тарқатиб, Суй императори ўзига совға қилган байроқларни намойишкорона ҳилпиратиб борди. Бу иккиланиб юрганларга, номига кўп доғ тушганларга таъсир қилди. Торэменнинг кўплаб тарафдорлари Чулохоу томонига ўтиб кетди.

Ғарбий хон аскарларига форс манбасида Шери Кишвар деб номланган Чулохоунинг ўғли Янг Соух тегин кўмондонлик қилди. Бундан ташқари яна икки хон Йун Йўлғи ва Қора Чуруннинг тўнғич ўғли сибирли “Баҳодир бек” ҳам ёрдамга юборилган ёки

⁵² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 232-б.

⁵³ Биягу (“Суйшу”да – Бугя). Шавани “Билга” – “доню” деб тушунади (Е. Chavannes, *Documents...*, 355-б.). Биз эса “Бўкэ” – “қаҳрамон” мақбул деймиз (Л. Н. Гумилев, Б. И. Маршак, М. Ф. Хван, *спор о древних тюрках*).

⁵⁴ Айнан “қабил аарслони”, туркча “Эл Арслон”нинг сўзма-сўз таржимаси. 405-б.

⁵⁵ Наршахи, *История Бухары...*, 12-13-б.

⁵⁶ Феодулакт Симокатта, *История...*, 161-б.

⁵⁷ Маврикия императорига, яъни Қора Чурунга ёзилган мактуб муаллифиғи ёрдамга келган буюк ҳоқонлар исмини таржимон тушунмаган турк ибораси сифатида шарҳлаймиз: “Спарзэбгун, Кунаксолсон Тульдох” *Isbara jabgu qunac qa sol (d) an toldu* = Ишбара ябгу кўноққа чап томон (таклифи билан) (шарқдан) тўлдирди... (қўшин билан) батифи шроқ қапанг: Л. Н. Гумилев, *Биография тюркского хана...*, 73-б

юборилмоқчи бўлган. 587 йилда иттифоқчилар қўшини Бухоро яқинида исёнчиларни жангга киришга мажбур этади.

Торэмен ва сафдошлари чекинадиган ернинг ўзи йўқ эди. Юнон манбасида хабар берилишича, “душман қаҳрамонларча савашди, бироқ ғайри қонуний хон ҳалок бўлгач, унинг қўшини қоча бошлади”. Катта бир қирғиндан кейин *хаган* яна қайтадан ўз ерининг ҳукмдори бўлиб қолди. Хаган элчи юбориб, бу зафар ҳақида Маврикия императорини хабардор қилди...”.⁵⁸ “Фуқаролар урушини тамомлаб, давлатни тинч ва осойишта бошқариш имконига эга бўлиш учун *таугасталар* билан битим тузди”.⁵⁹ Хитой йилномаси эса ушбу воқеа юзасидан биринчи вазирнинг гапларини келтириш билан чекланади: “Қариндошлар бир-бирини заҳарли ҳашаротлар каби қира бошлаган кезде, уларга шафқат қилиб олижаноблик кўрсатиш керак”.⁶⁰ Бу ерда “қизил арилар” ва “заҳарли ҳашаротлар” орасида муштараклик борлиги сезилади. “Бунда энг муҳими насихат: олийжаноблик намойиш қилиб, кўчманчилар орасида Суй сулоласи обрўсини кўтариш: душманга у бир-бирини қирғин қилаётган пайтида шафқат қилиш керак бўлади (гўё марҳамат ва шафқатсизлик хитойларга оз бўлса ҳам боғлиқдай!).⁶¹ Лекин то бу тинчлик битими тузилгунча, ўзаро буюк қирғиннинг яна бир иштирокчиси жон таслим қилди. Суй ҳукуматининг риёкорона маслаҳатларини киприк қоқмай бажариш оқибатида Торэмен тор-мор келтирилиб ўлдирилгач, шарқий ва ғарбий туркутлар яна келиша олмай қолишди. Фавго тасодифан пайдо бўлмаганди: шарқий туркутлар етакчилик мавқеига даъво қилса, ғарбий туркутларга мустақиллик керак эди. Куролли тўқнашув ўзини узоқ куттирмади. Чулохоу эски душманлиги қайта кўзғалиб ғарбга Тардушхон устига юриш қилди. Чулохоунинг қўшини тор-мор этилиб, ўзи ўлдирилди.⁶²

Бу воқеанинг оқибатлари бирданига кўзга ташланмаса-да, ҳоқонлик тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бунгача

⁵⁸ *Мактуб Константинополга 596 йилда етказиб келинади (В. Grafenauer, Nekai Vprasanii... 63-64-б.)*

⁵⁹ *Феофилакт Симокатта, История..., 161-162-б.*

⁶⁰ *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., 1 ж., 239-б.*

⁶¹ *Хабардорлик даражаси ҳар хил бўлган юнон, форс, хитой манбалари орасидаги фарқ унча катта эмас. Юнонлар исёнчи ҳалокатини қайд этса, форслар унинг қийналиб ўлганлигини айтади, хитойлар маълумот беришдан тийинади. Форсларга кўра Турум-Далобян-Абруй Қора Чуруннинг ўғли Шери Кишвар томонидан асир олинади. С. П. Толстов бу исм Дянгуунинг ўғли Янсу тегин номида ўз аксини топган деб ҳисоблайди (Marquart, Wehrli und Arand, 151-б. ; С. П. Толстов, Тирания Абруя, 10-б.) Кўринадики, форс маълумоти хитой манбаларига зид эмас, бунда Чулохоу ўзи Торэмenni асир олмайди, балки унинг замонида бу нарса содир бўлади.*

⁶² *Л. Н. Гумилев, Б. И. Маршак, М. Ф. Хаан, Спор о древних тюрках.*

шарқий ва ғарбий туркутлар орасидаги урушлар фақат тож талашиб бўлган эди. Ҳеч қандай иқтисодий, сиёсий, мафкуравий сабаблар асосида бу бир қабиланинг икки қисми орасида душманлик бўлган эмас. Бироқ XVI асрда дин учун, XIX асрда фойда учун уруш қандай бўлса, VII аср учун хун олиш уруши шундай аҳамиятга эга эди. Чулохоунинг ўлдирилган сафдошларининг қариндошлари ғарбий туркутлар билан ярашмас ва яраша олмас эдилар. Бундай қилиш уларнинг хаёлига ҳам келмасди. Шунинг учун уруш то 593 йилгача, Шаболионинг ўғли, амакисининг ўлиmidан кейин хон бўлган Йун Йўллик Қора Чури билан тинчлик битими тузгунича давом этди. Ўз улусига эга бўлган Йун Йўллик 587-588 йиллардаги юришларда иштирок этмаганлиги боис унинг аскарлари ғарбий туркутлар билан қирғин барот урушни тўхтатиш ҳуқуқига эга эдилар. 593 йилдаги тинчлик битими ҳоқонлик ерлари яхлитлигини тиклади ва улуслар орасидаги чегаралар осойишталигини таъминлади.

Империянинг энг кўзга кўринган шахси бўлмиш Қора Чури Пойкендга невараси Нилихонни⁶³ (балки унинг отаси Янг Соух тегинни) юборадик, унинг тақдирини қуйида яна кўрамыз. Ушбу қирғин чоғида туркутлар ғарбда айрим ерларини қўлдан чиқаришди: 588 йилда Византия Боспорни қайтариб олди,⁶⁴ бироқ туркутлар шарқда Гаочан беклигини тор-мор қилиб ўзларига тобе этишди.⁶⁵

Парда ортида. Юнон тарихчиси бежиз туркут хонининг “тинчлик-севарлигини” таъкидламаган, бу ҳақда хон икки императорни огоҳлантирган ва бу унинг амакиваччаси ҳалокатига олиб келган.

Матнларни чоғиштириб, VI аср вазиятини назарда тутиб содир бўлган ҳодисалар ички моҳиятини аниқлаш қийин эмас.

Туркутлар, айниқса, ғарбий туркутлар ўзларининг асосий даромад манбаи бўлган транзит тижорат карвон йўлини Хомидан то Эрон чегараларигача назорат қиларди. Ҳарбий ҳолат чоғида бу даромад ҳақида ўйлаб ҳам бўлмасди. Қора Чури Абохон Торэменни Шаболиони кучсизлантириш учун қўллайди. Торэмен карвон йўлининг хўжайини бўлиб олгач, унинг очкўз аскарлари тижорат йўлига ғов бўлишди. Адашганини сезган Қора Чури тез йўналишини ўзгартириб, Хитой билан иттифоқ тузди. Ўша замонларда уруш урушдан озукланарди. Абохон аскарлари ўз озук манбаига эга эмасди ва тобе ерлар ҳисобига яшарди. 585 йилда унга қарам ерлар Моварауннаҳрнинг жанубигина бўлиб қолгач, юз минглик лашкарни боқиш мушкуллашди. Кимнинг қўлида маблағи бўлса, кейинроқ

⁶³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 279-б.

⁶⁴ М. И. Артамонов, *Очерки...*, 40-б

Бўкехон унвонини олган Қора Чурин Турк қаноти остига кетди. Келган қочоқларнинг эса Абохонга қарши курашиш учун ёрдам сўрашдан бошқа чораси йўқ эди.

VI юзйилликнинг 60 йилларида Истами ва Маниахлар бошлаб берган суғуд савдогарлари ва туркут хонлари дўстлиги уларнинг болалари даврида ҳам давом этди. Қора Чурин Турк қизини суғуд беги (ихшиди) га турмушга беради.⁶⁶ Суғуд тижоратчилари сармоядор бўлганлари учун ҳам туркут хонига сарфлаганларини истеъмолчиларга юклаши қийин эмасди ва бу билан ўз хавфсизлигини бошқалар ҳисобига таъминлаган ҳам бўларди. Шунинг учун ҳам суғуд зодагонлари туркут аъёнларига совға-саломни аямас эди. Абохон тўдалари Ўрта Осиё икки дарё оралиғини босганида, савдогар ва деҳқонлар Фарбий турк хони ҳузурида паноҳ топишди. Айнан ўшалар таъсирида Қора Чурин сиёсати йўналишини ўзгартириб, Хитой билан иттифоқ бўлиб Торэменни тор-мор қилди ва 589 йилда Эрон билан уруш учун ўғлини юборди. Аҳолининг камбағал, ўз ерига боғланиб қолган қисми эса, 587 йилда ҳам туркутларнинг “татсиз турк йўқ” (тат – кўчманчига тобе зироатчи) мақолига амал қилиб, Абохоннинг фахрийларини боқиб ўтиришга маҳкум эди.

Абохон-Абруйни барбод этган зиддият тароҳ қилинган татлар билан очиққан туркутлар кураши эди. Наршахий тўлиқ ишонч билан “барча бойлар ва таниқли деҳқонлар кўчиб кетиб, Бухорода камбағаллару қуйи табақаларгина қолганлиги”ни айтади. Ана шу камбағаллар, паст табақалар ўз аъёнларига элчи юбориб, Абруйнинг зўравонлигидан ҳимоя қилишни” сўрашган.⁶⁷ Ўзбошимчалик, каллакесарликка асосланган янги тузум эски патриархал муносабатларга таянган тузумга нисбатан анча шафқатсиз эди.⁶⁸ Шунинг учун аъёнлар ва улар билан бирга келган туркут шаҳзодаси халоскорлар сифатида қабул қилинди. Бироқ камбағаллар озодликдан кўп баҳра ололмадилар, улар “Хамукатдан қайтиб келган савдогарлар ва деҳқонлар”нинг хизматкорига айланишди.⁶⁹ Туркут даврининг охири ва араб босқинининг бошланғич чоғини Ўрта Осиёдаги сиёсий тузумни “ер эгаларининг чекланмаган ҳукмронлиги”⁷⁰ деб таърифлаш мумкин. Шуни ҳам айтмоқ лозимки, туркутлар бу жараёнда катализаторлик вазифасини ўтадилар.

⁶⁶ E. Chavannes, Documents., 1326.

⁶⁷ Наршахи, История Бухары..., 13-б.

⁶⁸ С. П. Толстов, Тирания Абруя..., 28-29 б.

⁶⁹ Наршахи, История Бухары..., 132-б.

⁷⁰ В.В. Бартольд, Туркестан..., 182-б.

Ҳоқонликда бўй кўрсатган қирғин тасодифий эмасди. Кўп сонли деярли мустақил бўлган хонлар мавжудлигининг ўзиёқ, шахсий муносабатлар фуқаролар урушига айланиб кетиши учун етарлича сабаб бўла оларди. Шунинг билан бир қаторда курашаётган томонларнинг бирортасида ҳам бирор дастур бўлганлигини билмаймиз. У ёки бу гуруҳга дохил бўлиш ёки ён босиш заминида туркут хонлари ва бекларининг шахсий мойилликлари ёхуд ёмон кўришларидан бошқа нарса йўқ эди.

Торэмен теварагида Хитой билан урушни давом эттиришни истаган туркут жамиятининг демократик унсурлари, Шаболио атрофида эса хитойсевар унсурлар⁷¹ бўлса керак деган тахмин тасдиқланмади. Торэмен томонида барча улус беклари, ҳатто Шаболионинг укаси Чулохоуни ҳам уюшганини кўрамиз. Шаболионинг ўзи бутун бор кучи билан Хитой билан олишиб келди, фақат ноилож қолган чоғларидагина Суй хонадони ёрдамига кўз тикди. Торэмен эса, ҳеч қачон Хитойга қарши турмаган.⁷² Кўз ўнгимизда бекларнинг шуҳратпарастлиги, хос аскарларининг очкўзлигидан озукланадиган сулола ичидаги одатий галаёндан, келишмовчиликдан бошқа нарса намоён бўлмайди, биринчи тўқнашувдан кейингилари эса ўч олиш ҳиссидан озукланаверди.

Кураш унинг қатнашчиларидан уч киши ўлганидан сўнг тинди. Янги хон – Йун Йўллиғ “заиф ва кўрқоқ” эди,⁷³ шунинг учун қонуний хон бўлиш имконидан маҳрум бўлган Қора Чурун империянинг амалдаги ҳукмронига айланди.

Шундай қилиб, поғонали улуш тизими тамойиллари, бир томондан, сулолавий келишмовчиликларга шароит яратса, иккинчи томондан, уни тинчитишга имкон берди, яъни тизимнинг нозиклиги курашаётган томонларга бир келишимда тўхташга имкон берди. VI юзийликнинг 90-йилларида туркут салтанати ҳали ҳам кўшнларига таҳдидли эди. Суй сулоласи Хитойи бунга чидаб туриши осон эмасди.

Туркутлар Хитойга даромад манбаи кўзи билан қараса, хитойлар туркут давлатида ўз чегараларига доимий таҳдид солувчи салтанатни кўрарди. Кўчманчилар билан мулоқотда бўлишдан Хитой кам наф кўрарди, лекин зиён жуда улкан эди. Шу туфайли ҳам қудратли Хитой давлати кўчманчиларнинг уюшишига йўл қўя олмас ва Ашина салтанатига қарши кураш Суй хонадонининг ҳаётий вазифасига айланиб қолган эди.

⁷¹ С. П. Толстой, *Тирания Аброя...*, 22-б.

⁷² Император кенгашида Чжан-сун Шэннинг айтган сўзи: «Абонинг жиноятлари қанча ва қанақа бўлмасин, у империяга шукрсизлик қилмади». (Қаранг: S. Julien, *Documents...*, 507-б.)

⁷³ *Ibid.* 504-б.

ЭРОНГА ЮРИШ

Уруш арафаси. Қора Чурин Турк номигагина Хитойга бўйсуниб, мукофот сифатида олинган ипакларни сугуд тижоратчилари воситасида сотиш ва ҳеч қандай ғалвасиз бойиш учун ўзининг рақибларини — жиянлари ва уларнинг сафдошларини — ўз қабилаларини қириб ташлади. Аммо бу йўл билан бойиш ўн йил олдин — буюк ғалаён бошланмасидан аввалгидан ҳам қийин кечди. Эрон билан Византия шиддатли ва шафқатсиз уруш олиб бораётган бир замонда, форс шоҳи Константинополга бирорта ортиқча карвонни ўтказиб юборишини хаёлга ҳам сиғдириб бўлмасди. Вазият туркутлар ва юнонлар расман уруш ҳолатида эканликлари билан янада мураккаблашган эди. Тўғри, бу уруш етти йилдан буён тиниб турарди, бироқ тинчлик битими тузилмаганлиги элчиликлар алмашинишига ва Эронга қарши ҳарбий ҳаракатларни мувофиқлаштиришга ҳалақит берарди. Иттифоқ тузиш эса юнонларга ҳам, туркутларга ҳам бирдай зарур эди, чунки уларнинг душманлари ҳам ва манфаатлари ҳам бир эди.

Агар Эрон тўсиғи синдирилиб, ипак Византия йирик ер эгалари ерига оқиб бора бошласа, герман жангари йигитларини ёллашга пул бўларди. Византия Европадаги устунлигини ушлаб турган бўларди. Бу вазиятда Суғдиёна олтинга чўмарди, туркутларда синфлар шаклланиши тезлашиб, эл феодал давлатга айланарди. Эрондан эса, Фирдавсий ибораси билан айтилса, бир парча мум қоларди. Ички уруш ҳоқонлик танасини жароҳатлаб турган бир пайтда, туркут хонлари фаол ташқи сиёсат олиб бориш имконидан маҳрум эди. Осойишталикнинг дастлабки онлариданоқ “ипак йўли” масаласи биринчи ўринга чиқди, демакки ҳарбий тадбир зафарини таъминлаш учун Византия билан шартнома тузиш фурсати ҳам етди.

Расмий иттифоқ тузилмади, бироқ воситачи топилди. Гуржи подшоҳи Гуарам Багратид кўмагида 589 йилда Эронга қарши барча кучлар мувофиқлаштирилди,¹ натижада “Эрон ёй кириши каби тўрт томонидан душман қуршовида қолди”.² Мўлжалланган тадбир самарасиз эмасди-ю, лекин амалга ошириш ҳам осон тушмасди. Узоқ муддатли тарихида Эрон дам қудратда ва шухратда чўққига кўтарилар, дам чўққидан қулаб парча-парча бўлиб кетарди. Эроннинг VI асрдаги куч-қуввати ва имкониятларига лойиқ баҳо бериш учун унинг тарихига лоақал бир энгил назар ташламоқ даркор.

¹ Brosset, *Nistore de la Georgie*, 220-221 —6.

² Talari, *Noldeke*, 270-6.

Эроннинг қуввати ва ожиз томони. Аҳмонийлар империяси ўша машғум 330 йилдан анча олдин эскилик сарқитига айланиб улгурган эди. Оссурийлар салтанати устига қурилган бу давлат ҳарбий мустабидликка интилганда оссурийлардан ҳам ўтиб туша бошлади. Шунинг билан бирга ҳокимиятни мустаҳкамлаш зарурати Ксеркс ва унинг салафларини диний қувғин қилиш сиёсатини юргизишга мажбур этди (Ксеркснинг Антидевов битиги). Бундай қувғинга ўзга дин вакиллари билан бирга шоҳлар шоҳини тан олмаган Зардушт дини мутаассиблари ҳам дучор қилинди.³

Йилдан йилга сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий сиртмоқлар қаттиқроқ тортилиб боравергач, кумуш қалқонлардан⁴ акс этган нур дастлабки вақтларда осиеликларга озодлик элчиси бўлиб кўринган бўлса не ажаб. Бироқ тез орада интизом мустабидлик, ўзбошимчалик билан алмашгани, юнон ҳокимлари форс хўжайинларидан кўра ҳам шафқатсизроқ эканлиги аён бўлди. Шунга қарамай, ҳеч кимса эскига қайтишни истамасди. Сурияликлар ва мисрликлар юнонларга мослашиб кетдилар, мустабидлик ҳали тўлиқ тубанлаштириб улгурмаган шарқий эронлар эса, қарши курашиш учун ўзларида куч ҳис қилдилар ва ғалабага эришдилар. Парфияда найзадор суворилар ташкил этилиб, ушбу 240 оила қадимги етти уруғ билан бирга олий табақани ҳосил қилишди. Тўсатдан эришилган ғалабани мустаҳкамлаш учун парфияликлар юнонлардан таълим олишига тўғри келди. Жанг майдонида мағлуб қолган эллинизм ўзига ғолиблар дунёқарашини сингдириб олди. Улар бўртма расмли садафлар, ярим инсон қиёфалари тасвирларидан завқ олдилар, Платонни берилиб ўқидилар. Эврипид фоҳиа асарларини олқишлаб томоша қилдилар. Улар мустаҳкам қалъалар ичидаги халқ аввалги золимларига нисбатан нафратини “ҳалоскорлари ва ҳимоячиларига” ҳам йўналтиришга тайёр эканликларини унутиб кўйишди. Парфия асилзодалари ўз халқидан узилиб қолди ва бу халқ 224 йилда ўз сўзини айтган пайтда уларга ҳалокат етиб келди.

Подшо хонадонини ваҳшийларча қириб ташлаган Арташер Бобогон, 240 оилали зодагонлар ўзига асқотишини билиб, сақлаб қолди. Сосонийларнинг ёш давлати ўзининг дастлабки кунлариданоқ жиддий ва шафқатсиз жанглари олиб боришига тўғри келди. Шунининг учун Арташер лашкарнинг энг жанговор қисми бўлмиш сувориларни қириб ташлаш гирт тентаклик бўлишини англаб етган эди. Шундай

†1

³ В. В. Струве, *Родина зороастризма.*

⁴ *Македон лашкарининг илғор қисми кумуш қопламали қалқонлар билан қуроланган эдилар.*

қилиб, эркин деҳқонларга суянган шоҳ ҳукумати беш юз йил таномида тубанлашиб борган эллинизмдан воз кечиб, ўз тақдирини Эрон маданияти билан боғлаган аскарӣй асилзодалар билан яқинлашди.

Дастлабки сосонийларга омад кулиб боқди. Шарқда Бехрудгача⁵ бўлган Эрон, ғарбда Месопотамия Ефратгача, шимолда то Дарбандгача бўлган Кавказорти уларнинг қўл остида эди. Форс подшоҳлиги империяга айланди, бироқ унга қарам халқлар ўз ижтимоӣй қурилишларини сақлаб қолди: Дайлам тоғликлари, Ироқ араблари ўзларининг уруғ оқсоқолларига эга, Месопотамиянинг христиан, яҳудий жамоалари ўзларини ўзлари бошқариш ҳуқуқига эга бўлса, арманлар шоҳаншоҳга тобе ўз подшоҳлигини сақлаб қолган эдилар.

Сосонийлар бутун бир маданий дунёга бошчи бўлиб қолдилар: бу бир пайтнинг ўзида уларнинг қудрати ва ожизлиги ҳам эди. Бир томондан, сосонийлар империясида ўша замон йирик давлати учун зарур бўлган барча нарса муҳайё эди: ривожланган зироатчилик, пиёда аскарларни ташкил этадиган эркин деҳқонлар, қўшин, қўмондон таркиби ва маъмурият учун ёлланадиган асилзодалар ҳамда зарбдор илгор сувориларни ташкил этадиган асилзодалар — барчаси мавжуд эди. Шарқӣй Эрон ва Ироқдаги кўчманчилар чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга ёрдамчи енгил сувори аскарлигига олинса, Дайламнинг жасур тоғликлари фақат ҳарбий ўлжа эвазига шоҳаншоҳнинг хизматига доим шай бўлишган. Ниҳоят, Месопотамия шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо гуллаб-яшнаган эди.⁶

Маънавий ишлар фақат форсларнинг қўлида бўлиб руҳонийлар — мобедлар билан битикчилар ўртасида бўлишиб олинган эди. Ҳамма нарса жой-жойидадек кўрингани билан аслида аҳвол ёмон эди, чунки бу яхши кўринган вазиятнинг орқа томони унча яхши эмасди. Санаб ўтилган гуруҳлар шоҳ ҳукумати билан бирга қўшиб олганда, бир-бирига зид, хатто тинч йўл билан келиштириб бўлмайдиган даражада манфаатлари қарама-қарши эди. Эроннинг бахтига қарши бу гуруҳларнинг ҳар бири ўзини қурол билан қўриқлай оладиган даражада қудратли бўлган.

Шоҳ ҳукумати улар билан ҳисоблашишдан ташқари, якка ҳукмрон ҳам бўлиб қолишга интиларди, бунинг учун у мамлакат боқлигининг катта қисмига эга бўлиб, тахтда имкон қадар уларнинг иродасига қарши чиқа олмайдиган заиф подшоҳ бўлиши учун ҳар нарсага тайёр турган зодагонлар билан зиддиятга боришга мажбур

Wehrst — Амударё.

Н. В. Пугачевская. К вопросу о городах Ирана..., 72-80-б.

бўлиб қолганди. Зардушт руҳонийлари билан иттифоқда бўлиш эса, христиан, яҳудий ва турли бошқа диний жамоаларни қувғин қилиш сиёсатини юритиш демак, лекин айнан аҳолининг ана шу қисми иқтисодий жиҳатдан бақувват ва тижорат ишлари эса тўлалигича уларнинг тасарруфида эди. Булар билан тотувликда бўлиш ҳам пул тушумини таъминлар, ҳам уларнинг асосий ташқи душмани — Византияга қарши қўйиб фойдаланишда асқотарди. Бунинг учун диний тоқат, лоқайдлик тутумини тутиш керак бўларди. Бу эса ўз навбатида зардушт руҳонийлари қаршилигига учрарди. Тоғ ва чўл қабилалари форс шоҳига фақат сўздагина бўйинсунар, амалда тўлиқ мустақил иш тутишни истардилар, бу ўз навбатида, улардан солиқ ундириш учун куч ишлатишга тўғри келади деганидир. Қисқаси, шоҳаншоҳ тахтда мустаҳкам ўтириши учун, доим иттифоқчи излаши ва иттифоқчиси кучайиб кетмаслиги учун уларни муттасил ўзгартириб туришга мажбур бўлган. Ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқиб бўлмасди.

Зикр этилган гуруҳлар фақат шоҳ ҳокимияти билан курашиб қолмайди, айна кезде ўзаро кураш олиб боришарди ҳам. Христианлар оташкадалар бузилиб форслар ичида Инжил ҳукмрон бўлишига уринибгина қолмай, бунга шоҳ рухсат беришини ҳам истардилар. Пиёда аскарларни ташкил этувчи озод деҳқонлар зодагонларни ёмон кўрса, тоғлик қабилалар, даштликлар ва форслар бир-бирига душман эдилар. Мана шундай ола ғовур бир замонда идора этмак учун шоҳ ўз маблағи ва кучига эга бўлиши шарт эди. Бошланишида пул ҳам, қудрат ҳам етарли бўлмагани сабабли Баҳром Гур, Балаш ва Жамасп каби қўғирчоқ шоҳлар аслзодалар томонидан тахтга ўтқазилишини тушунса бўлади.

Шоҳаншоҳлар орасида анча-мунча кўзга ташланганларидан бўлмиш Кавад маздакийлар ҳаракатини қувватлаш билан зодагонлар зўравонлигига барҳам беришга уриниб кўрди, бироқ сал бўлмаса қош қўяман деб кўз чиқараёзди: маздакийлар асилзодаларни яхшилаб бир сйлкитиб олгач, ўз манфаати учун ҳар қандай куч билан кураша оладиган янги бир уюшмага жипслашишди.

Хусрав Ануширвон тахтга ўтирган чоғдаги умумий сиёсий манзара ана шундай эди. Бироқ унинг вафоти кезида барчаси тубдан ўзгариб кетди. Агар Хусравгача турфа маданият турларини умумий Эрон маданиятига фақат шунчаки қўшиб олишгина эмас, балки табиий ўзлаштириш жараёни содир бўлиб, ягона маданиятнинг рангоранг товланишини вужудга келтирган бўлса, VI аср ўрталарида мазкур жараённинг ўзи тескари натижалар бера бошлади: бунгача қудратли бўлган гуруҳлар йўқолиб, омон қолганлари йўқолганлари ҳисобига кучайиб борди.

Мана шундай кескин бурилиш VI юзйиллик ўрталарига тўғри келди ва сосонийлар мустабид ҳокимиятини ҳалок этди. Аввало, маздакийларнинг муваққат бўлса-да ғалабаси зодагонлар тоифасини шу даражада қақшатдики, улар ҳеч қачон эски мавқеини тиклай олмайдиган ҳолатга тушди. Сўнгра, 531 йилда маздакийларнинг мағлубияти оқибатида озод деҳқонларнинг энг фаол қисмини қириб ташланиши уларнинг жамиятдаги мавқеини узил-кесил йўққа чиқарди. Учинчидан, Анушзоданинг барори келмаган қўзғолони христиан жамоаларини ҳам шу даражада ҳолдан тойдириб силласини қуриптики, ана шу ондан бошлаб Эронда христианлар шоҳаншоҳнинг доимий қулоқ қоқмас содиқ хизматкорлари бўлиб қолдилар. Худди шундай икки марта ҳалокатли хатарни бошидан кечирган (Маздақдан ва Анушзодадан) зардушт руҳонийлари қаттиққўл ҳукуматгина уларни ҳалокатдан асраб қолишига ишонч ҳосил қилишди. Эрон ҳукуматининг динини ўзгартирганларни қатл этиш каби олиб бораётган сиёсати мобедларни қаноатлантирарди, чунки барча ибдитой динлар каби зардуштийлик диний тизимига ҳам прозелитизм (қадимий диндошларни ўз динларига оғдириш) ёт эди.

Хусрав ва Хурмузд замонларида дайлами, арман ва араблар аввалги мустақилликларини катта бир қисмидан маҳрум этилиб, давлат миқёсидаги мавқеини йўқотиб бўлдилар. Бунинг барчаси Хусрав Ануширвоннинг дохиёна фаолияти самараси бўлмасдан (гарчи унинг бошқариш истевьодини камситиб бўлмаса ҳам), подшоҳ ўз қўлига маблағ ва қудратни кирита олганининг натижаси эдики, ҳанузгача бирор бир Эрон шоҳи миқдор жиҳатдан, сифат жиҳатдан ҳам бунчалик қўшинга эга бўлмаган эди.

Хусрав маздакийларни ўзар, асилзода оталари ҳаёти ва мулкидан маҳрум бўлган ёшлар қўли билан яксон қилди. Ўзига мадад берган бу ёшларни Хусрав моддий жиҳатдан рағбатлартира олмасди, чунки мамлакат иқтисодиёти ўзаро қиргин натижасида хароб бўлиб, ҳазинага фақат ипак савдосидан даромад келарди. Бу даромад карвонлардан Эрон ҳузуридан ўтгандагина олинадиган бож тариқасида эди. Бу даромад атиги янги қўшинни таъминлаш учунгина етар, эски қўшин эса ўз-ўзини йўқ этган эди. Хусрав ўзининг аскарний лашкарларининг бўлуқларини тозалаб, уларни кўчманчи саклар билан тўлдирди. Шундай қилиб ўн икки бўлуқдан иборат мунтазам қўшин яратилди ва улар хазинадан қурол-яроғ ҳамда кунбай ҳақ олиб турадиган бўлишди.⁷ Янги қўшин энди халқ кўнгиллилари эмас, балки ихтисослашган лашкар эди. Ўша

⁷ A. Christenen, *L' Iran sjus les Sassanides, 1936, 362*

замонларда жангнинг тақдирини суворий камондозлар ҳал этарди. Нишонга тўғри уриш учун эса кўп йиллик тажриба керак бўларди. Доимий машқ, тез-тез уюштириладиган юришлар янги қабул қилинганларни интизомли фахрийларга, яхлит, ўртоқ бир уюшган аскарӣй бирликка айлантириб қўярди. Мана шундай кучга таяниб Хурмузд асилзодалар устига ҳужум бошлади.

Эронга қарши Византия. 589 йил ёзида Эрондаги вазият жуда кескинлашади. Фарбда Византия билан кети кўринмас бир уруш кетмоқда эди. Форсларнинг Мартирополни эгаллаб эришган қисман муваффақиятига қарамай, Низибия ёнида Сисаврандаги мағлубият оқибатида аҳволи янада оғирлашди. Византияликлар Мартирополни қамал қилиб, Нимфия дарёси бўйидаги Мартирополдан узоқ бўлмаган Окбу қалъасини вайрон этишди.⁸ Ана шу аснода саҳро томонда икки араб шайхи — Аббос Қийшиқ ва Амир Кўккўзлар пайдо бўлишди.⁹ Улар мамлакатни то Ефратгача бўлган қисмини таладилар, айниқса, бу ердан ўтадиган карвонлардан бож оладиган божхонани йўқ қилиб ташлаганликлари форсларга қаттиқ зарба бўлди.¹⁰

Худди шу вақтда “Хазар йўли”¹¹, яъни Дарйал дараси орқали Арманистон ва Озарбайжонга турк-хазар кўшинлари кириб келди, шарқдан эса “Хитой турклари” бошчиси¹² Эрон шоҳи Хурмузднинг тоғаси¹³ Сава шоҳ ҳужуми бошланди. Иттифоқдошлар Эронда инқироз пишиб етилганини ҳис этган кўринади. Шоҳаншоҳ Хурмузд ўз подшоҳлигининг катта бир муддатини асилзодалар билан курашга сарфлаган бўлиб, боши кетганларнинг миқдори ниҳоятда кўп — 13 минг кишига етган эди.¹⁴ Эрон асилзодалари бу мамлакат аскарӣй табақасини ташкил этиши боис, кўшиннинг кўмондон қисми дорга тортилганларнинг қариндошлари бўлганлиги учун кўшиннинг жангга лаёқати анча сусайган, давлат чегараларини кўриқлаш анча заифлашган эди.¹⁵ Фирдавсий фавқулодда қизикарли манзарани тасвирлайди: Хурмузд кенгашда мамлакат ниҳоятда танг аҳволда қолганлигини сўзлайди. Марзбонлар куллуқ қилиб: “Биз барчамиз бир мобедга арзимаимиз, сен мобедлар ва битикчиларни ўлдириб қонун ва диндан узоқлашдинг” дейдилар.¹⁶ Ростдан ҳам, маслаҳатни бир омон қолган

⁸ И. В. Пигулевская, *Византия и Иран...*, 80-б.

⁹ *Tabari*, Noldeke, 270.; *Tabarii Zotenberg*, II. 249-б.

¹⁰ *Ferdousi*, *Le Livre des rois*, VI, 566-б.

¹¹ *Ibid.*

¹² *Ibid.*, 568-б.

¹³ *Tabari*, *Zotenberg*. II, 248-; *Mirkhond*, *Histoire des Sassanides*, 257-б.

¹⁴ *Ibid.*

¹⁵ *Tabari*, *Zotenberg*. II., 568-б.

¹⁶ *Ferdousi*, *Le Livre des rois*, VI, 568-б.

мобед беради. У шошилинич тарзда баҳсли ерларни бериб Византия билан сулҳ тузишни, арабларга эса озиқ-овқат юбориб ўзларига оғдириб олишни маслаҳат беради.¹⁷ Хазарлар бўлса қўлга киритган ўлжалари юкидан ҳаракати сустлашиб уни қўлдан чиқармаслик учун ҳам форслар олдига тушиб қочадилар.¹⁸ Ягона ҳақиқий хавф бу Сава шоҳдир: Турк Жайхундан ўтиб келса, вақтни ўтказиб юбормаслик даркор”.¹⁹

Кавказдаги уруш. Туркутларнинг урушга кириши форслар аҳволини анча мураккаблаштирди, аммо Эронда ҳали ишга туширилмаган имкониятлар бор эди. 589 йилнинг 5 майида “хазар йўли”дан кириб келган душманлар форс аскарлари томонидан тор-мор этилиб, ваҳимага тушиб, ўлжаларини йўқотиб қўйишдан қўрқиб июлдаёқ орқага қараб қочишди.²⁰ Уларнинг ўрнида ос, дзурдзук, дидой каби кавказ қабилаларидан Гуарам Баградит юнонлардан олган пулига ёлланган кўнгилдилар пайдо бўлишди. Бу ярим ёввойи тоғликларга гуржи эриставлари бошчилик қиларди. Улар хазарлар охиригача талай олмаган Озарбайжонни яна қайтадан шилишдан бошқа нарсага ярамас эдилар.²¹

Гуарамнинг ёлланмаларига Роман²² бошчилигидаги Византиянинг бир бўлмаси келиб қўшилди, бироқ юнонлар ҳам форс ерларида мустаҳкам ўрнашиб олиш ниятида эмас эдилар. Уларнинг вазифаси форс қўшинининг бир қисмини шарқдан олдириб, Ўрта Осиёдан бостириб келаётган ва асосий зарбани бериши лозим бўлган туркутларга енгиллик туғдириш эди. 589 йил сентябридаёқ Эронни тозалаб чиққан кавказлик аскарлар ҳеч қандай жангсиз уй-уйига тарқалиб кетишди. Юнонлар ватанига қайтиш йўлини тўсиб қўйган форс қўшинининг тўсиқларини ёриб ўтишига тўғри келди.

Араблар масаласини ҳам форслар анча осон ҳал этдилар, улар арзимас пул эвазига Месопотамияни ташлаб чиқиб кетишди. Лекин уруш тақдирини булар ҳал эта олмади.

Туркутлар ҳужуми. 589 йилнинг августида²³ Қора Чуруннинг кенжа ўғли Янг Соух Шарқий Эронга кириб борди. Чегараларни қўриқловчи етмиш минглик форс қўшини тум-тарақай қочиб,

¹⁷ *Фирдавсийда арабларни яқсон қилиш таклифи айтилади, бироқ, бу таклиф бажарилиши ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Табарийда эса, улар билан қилинган битим тафсилоти берилади.*

¹⁸ *Mirkhond, Histoire des Sassanides, 258-6.*

¹⁹ *Ferdousi, Le Livre des rois, VI, 568-6; Tabari, Zotenberg, II, 249-6.*

²⁰ *Л. Н. Гумилев, Война 589 г. Гератская битва, 67-6.*

²¹ *Brosset, Histoire de la Georgie. Ос - осетинлар, дзурдзук – Кавказ тизмасининг жанубий ёнбағридаги, Гуржистонда шимоли-ғарбда яшаган қabila; дидой – Жанубий Доғистон қабилаларидан.*

²² *Себеос, История императора Ираклия, 33-6.*

²³ *Жанг куни кўёш “барс уйи”да турган эди, бу сана 22-21 августларга тўғри келди..*

туркутларга Хуросон, Толиқон ва Хирот, Балх, Бадғис каби таянч қалъалари бўлган Бақтрияга йўл очиб берди.²⁴ Бу вазиятда, барча манбаларда таъкидланганидек, форс қўшини пиёдалари сафининг паст ҳарбий сифатлари панд берди. Эронни ваҳима босди. Табарийда ёзилишича, Сава Хурмуздга одам юбориб шундай деган: “Дарё ва сойлар устидаги кўприкларни тузатинг, токи мен улардан бемайлахотир ўтиб мамлакатингизга кириб борайин, яна, кўприги йўқ дарёлар устига кўприклар ҳам қуришлар. Худди шундай ишни сизнинг мамлакатингиз орқали румликлар ерига элтадиган дарё ва сойларда ҳам бажаринг, зотан мен сизнинг юртингиз орқали ўша ерга ўтмоқчиман”.²⁵ Ултиматум матни юришнинг асл мақсадини қанчалик ифода этса, Фарбий туркутлар ҳаракатлари юнонлар билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилаётганлигини шунчалар ифода этади.

Туркутлар ҳужумини бартараф этиш учун Ктезифонда чақирилган кенгашда парфянларнинг машҳур михрон уруғидан, Арманистон ва Озарбайжон марзбони Баҳром Чубинни юборишга қарор қилинади. Баҳром бу тайинланишни қабул қилади ва фақат қирқ ва эллик ёш оралиғидаги жангчилардан ташкил топган ўн икки минг аскар талаб қилади. Албатта, булар форс лашкарларининг фахрийлари бўлиб, сифат жиҳатидан одатий форс қўшини даражасидан анча юқори бўлар эди. Баҳром ёши улуғларни ёш йигитлардан аъло кўрганлигини изоҳлаш қийин эмас. Айтилганидек, ўша замонларда асосий кучни камондан ўқ отувчилар ташкил этарди, яхши камончи мерган бўлиш учун эса 20 йилдан кам вақт талаб этилмасди. Жангнинг тақдирини қиличбозлик эмас, ёйандозлик ҳал этарди. VI юзйиллик форс камондозлари моҳирликнинг чўққисига етган бўлиб, ёй киришини кўкрагига эмас қулоғига тортар эдилар.²⁶ Ўқ 700 метр узоқликкача етар, учқур қилиб яхши ишланган ўқ ёв совутини тешиб ўтарди.

Саваҳоннинг қўшини адади Табарий маълумоти бўйича 300 минг киши бўлса²⁷, Фирдавсий 400 минг дейди.²⁸ Туркутларда ҳарбий филлар ҳам бор эди,²⁹ форсларда эса “арслон”лар, яъни филларга

²⁴ *Tabarii Zotenberg, II, 248-249-б.*

²⁵ *Tabari, Noldeke, 268.*

²⁶ *К. А. Иностранцев, Сасанидские этюды, 66б.; Прокопий Кесарийский, История войн римлян с персами, 3-б.*

²⁷ *Tabarii Zotenberg, II, 248-б.; Tabarii Noldeke, II, 269-б.*

²⁸ *Ferdousi, Le Live des rois, VI, 566-б.*

²⁹ *Ferdousi, Le Live des rois, VI, 566-б.; Tabari, Zotenberg, II, 262-б. Фирдавсий 1200, Табарий 20 фил бор эди деб ҳисоблайди.*

қарши нефтни ишлатадиган оловотарлар бор эди.³⁰ Дастлабки ғалабадан сўнг туркутлар чекинаётган форсларни таъқиб қила бориб ғарб томон жадал силжиб борди. Форслар олдидаги энг кўндаланг вазифа Баҳромнинг қўшини ишга киришгунича Балхни бермай, қўлда сақлаб қолиш эди. Хурмузд соддадил туркутларга чалғитувчи хабар юбориб хато қилмади. У саройидаги аёнлардан “айёрлик, сохталик, ёлғонларга тўлиб-тошган”³¹ Хуррад Бурзинни³² Савага юборди. Хуррад Сава хузурига келгач, тинчлик битими ҳақида тинмай гапирди ва жуда кўп ёнбосишлар ҳақида ваъдалар бераверди. У Саванинг ишончини қозонди ва хужумнинг йўналишини ўзгартириб Ҳирот водийсига чорлади.³³ Бу чоғда Баҳром шиддат билан шарққа юрар эди. У Балхга тўғри йўлдан юрмай, Куҳистон³⁴ орқали айланиб ўтиб туркутларнинг орқа томонида пайдо бўлди. Сава Ҳиротга ўша пайтдаги Ҳирируд бўйлаб ўтадиган ягона йўл билан келар эди.

Вазиятни англаш учун шуни яхши билиш керакки, Ҳирот кенг бир водийга жойлашган, у шимол ва жануб томонидан тоғлар билан тўсилган (шимолда Занжиркўҳ, жанубда Исколжа ёки Омонкўҳ), шарқ томонида тоғлар яқинлашиб, Ҳирирудни тор бир дарага қисиб қўяди. Баророн деб аталадиган шимоли-ғарбий ўтак кенгроқ бўлиб отлиқ аскарлар ўтишига имкон берадиган даражададир. Унинг узунлиги 8 км. чиқади. Ҳирируднинг шимол томонида воҳа Занжиркўҳ тоғигача эни 12 км ташкил этади. Ҳирируд унча чуқур эмас, шунинг учун кузда айрим жойларидан кечиб ўтса бўлади, бироқ кўп жойларида оқим тезлиги туфайли деярли кечиб ўтиб бўлмайди. Бу дарё Ҳирот воҳасидан чиқиладиган иккинчи йўлни жануби-ғарбдаги кичик доvon орқали тўсиб қўяди.³⁵

Баророн ўтаги орқали ўтиб, Баулигоҳ чўлига чиқиб, туркутлар дарё ва тоғнинг шимолий қисми орасида қолди, орқада торгина дара ва олдида Баҳромнинг қўшини турарди, бу мутлақо қутилмаган ҳолат эди. Шубҳа йўқки, Ҳирот бўсағаси туркутлар қўшинининг ҳамласи жойи

³⁰ К. А. Иностранцев *Сосанидский этюды, 80-81-б; Балями, Тарихи Табари (гот қўлёзмаси) (форс тилида), 227-б.*

³¹ Исмнинг ўқилиши ҳақида қаранг: *Justi, Ireisches amenbuch, 178-б.*

³² *Tabari, Zotenberg, II, 259-б.*

³³ *Баламий жанг ўрни бошқа ерда-Хутталан ва Балх ўртасида деб кўрсатади, бироқ Табарий ва Фирдавсийлар Ҳиротда бўлган дейдилар. Кейингиси жанг майдонинг топографияси тасвири майда-чуйдасигача Ҳирот теварагига тўғри келиши билан тасдиқланади.*

³⁴ *27 Tabari, Zotenberg, II, 259-б.*

³⁵ *Н. А. Чариков, Описание поездки..., 138-170-б.; П. М. Лессар, Пути из Асхабада в Герат..., 1-38-б.*

эмас эди, бинобарин, тор ўтак 300 минг аскарнинг ўтишига имкон бермасди. Бунинг устига, жанг тафсилотидан аёнки, форслар қўшини қанотлари туркутларни ўраб олишган. Сава Ҳиротдаги муҳофаза-кучларинигина ҳисобга олиб ўзи билан кичик бир бўлинмани олганлиги ҳақиқатга ўхшайди. Туркутларнинг аҳволи ниҳоятда танг бўлиб қолади. Ўз вазифасини ўтаб бўлган Ҳуррад Бурзин қоронғу тушишини кутиб, тунда “туркут посбонлари орасидан ажалидан беш кун бурун бошига қиёмат куни тушмаслиги учун”³⁶ Баҳром ҳузурига қочиб ўтади.³⁷

Ҳирот воҳасининг топографияси ҳам бизга туркут жангчиларининг кўпи билан қанча бўлиши мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Жанг майдони бўлмиш Баулигоҳ текислигининг эни 12 км.³⁸ Суворилар жанг олиб бориши учун ҳар бирининг оралиғи 20 метр атрофида бўлиши керак. Демак, бир қаторда 2 мингдан ортиқ жангчи бўлиши мумкин эмас. Кўчманчилар сафининг тизилиши ҳам маълум: 10 жанговар қатор. Шундай қилиб, Ҳирот атрофидаги жангда туркут аскарлари сони 20 мингдан ортиқ бўлолмайди. Агар воҳа ғарбга томон қисқариб бориши ва туркут лашкари марказида филлар бўлишини ҳисобга олсак, бу рақам анча қисқариб кетади. Ҳирот теварагида форслар ва туркут аскарлари сони тахминан тенг бўлган, деб хулоса чиқариш тўғрироқ бўлар эди.

Рўпарасида янги форс қўшини турганлигини билгач, Сава тузоққа тушганлигини англади. Унинг лашкари, айниқса отлари, Хуросон қуёши остида босган узоқ йўл натижасида ҳолдан тойган эди. Улар жойлашган ер ҳам маневр қилиш учун имкон бермайдиган даражада “тор ва ноқулай”³⁹ бўлиб, рақибни Баҳромнинг орқасида эса уни керакли нарсалар билан таъминловчи ва муҳим истеҳком бўлган Ҳирот бор эди. Форс қўшинининг чап қаноти дарёга суянса, ўнг қаноти тоғ тизмасига таянарди. Душман қўшини кўз ўнгида тор дара орқали чекиниш аҳмоқлик бўларди, чунки форслар

³⁶ Ferdousi, *Le Livre des rois*, VI, 589-6.

³⁷ Динаварий хабариға кўра туркутлар Ҳиротни олади, Ормуздэурабзйн исмли хуфйя шоҳдан душманларға шахарни талатмаслик топиширини олган эди; туркут шоҳи Баҳромнинг яқинлашиб келаётганини билиб, унга қарши чиқади ва унга Эрон тоғини ваъда қилади, воқеа давами баёни бошқа манбалар билан мос тушади (А. Э. Шмидт, *материалы по истории...*, 480-б.). Бу хабар бўйича қуйидагилар ноаниқ бўлиб қалади: 1) жанг қаерда бўлган; 2) туркут шоҳи унга қарши лашкар юборилганини била туриб хуфйяға нега ишонган; 3) туркутлар маневр қилиш иложи борлиғига қарамай нега жангга киришди. Ниҳоят, бунда форслар ғалабаси Баҳромнинг битта омадли ўқ отиши билан изохланади. Бошқа манбалар билан тафовут яққол кўзга ташланади, Динаварий талқини қадимий матнни қўтол қисқарттириш оқибати бўлиб, бундай ишни Динаварийнинг ўзи ёки ундан олдинги салафлари қилган бўлиши мумкин.

³⁸ А. М. Беленицкий, *Историческая топография...*, 190-б.

³⁹ Ferdousi, *Le Livre des rois*, VI, 602-б.

туркутларни шу ондаёқ янчиб ташларди. Сава Баҳром билан келишишни а уриниб кўради. Унга пул, қизини хотинликка бериб, ўзига эса энн яқин киши қилиш, ниҳоят Эрон тожини таклиф қилди, бироқ Баҳром ҳаммасини рад этди. Жанг қилишдан ўзга чора қолмади. Фирдавсни ёзишча, форслар бир овоздан Баҳромнинг қарорини қўллашди. Фақат Ҳуррад Бурзин ва битикчи Бузург Дабир тинчлик битими тузиш таклифини киритдилар, бироқ Баҳром уларга овозини ўчиришни буюрди ва кўшиннинг жангга ҳозирлик кўриш тадбирини бошлади.⁴⁰

Жанг. Саалабийда форс кўшинининг тартиботи акс эттирилган. Баҳром олдинги қаторга пиёдаларни, унинг ортидан филларни (?), қанотларга эса сараланган қисмларни жойлаштиради.⁴¹ Бундан ташқари ўз аскарининг чекиниб қочишига тўсиқ бўлиш учун ишончли жангчиларидан саралаб олинган бўлим ташкил этди. Ўнг қанотида-Занжиркўҳ тоғи, чап томонида Ҳирируд оқар эди. Форс лашкари ортида яшнаган боғлари ва экин майдонларига эга бўлган шаҳар бўлса, туркутлар воҳанинг чўл ва сахро қисми билан қаноат қилишга мажбур эдилар. Бундай жойлашиш форс аскарый назариясига ҳар жиҳатдан мос келарди.⁴²

Баҳромнинг кўшини олдида сўзлаган нутқи ҳамма замонларда саркардалар ўз аскарлари руҳини кўтариш учун сўзлаган нутқлардан бири эди. У шундай дейди: ҳар ким ўз бурчини бажармоғи керак, кимки кўрқиб қочар экан душман қиличидан омон қолмайди ва ўз оиласига қайтиб бора олмайди.⁴³ Жанг бошланди.

Туркутларнинг ҳал қилувчи жангга тайёргарлиги ва ҳаёт-мамот жангига шай эканлиги форсларда жуда катта таассурот қолдирдики, сал бўлмаса олдинги қаторларда ваҳима бошланиб кетарди. Фақат Баҳромнинг сафдошларининг руҳини кўтариши мағлубиятнинг олдини олди.⁴⁴ Руҳий таъсир самарасини кўрмагач, Сава форслар устига уларнинг чап қанотини қисиб кўйиш учун отличларини ташлади, бироқ ўнг қанотда ва марказда ўзининг аскарлари мағлуб бўла бошлади. Туркутлар ғайрати, ғазаби шу даражада бўлдики, ҳатто Баҳром қочишни ўйлаб қолди. Ҳирот водийси фақат туркутларга қопқон бўлиб қолмай, форсларга ҳам шунақа вазифа ўтарди. Тоғ қочадиган йўлни кўндаланг бўлиб тўсиб олгани учун Баҳромнинг

⁴⁰ Tabari, Zotenberg, II, 259-261-6; Tabari, Nijdeke, S. 271.; Ferdousi. Le livre des rois. 17. 598. 610-6.; Mirkhond. Histoire des Sassanides... 261-6.

⁴¹ Tha'alili, Histoire des rois des Perses. 646-6. Саалабий филлар масаласида чалкашиб кетган кўринади, унинг хабари бўйича жанговар жангда филлар қатнашмаган ва қатнашининг ҳам илжи йўқ эди. Бошқа манбаларги кўра филлар форсларчи эмас, туркларда бўлган.

⁴² К. А. Инностранцев, Сасанидские этюды. 49-6.

⁴³ Tabari, Zotenberg. II. 261-6.

⁴⁴ Ferdousi. Le livre des rois, VI. 614-6.

ҳам жанг қилишдан ўзга чораси қолмаган эди. Саалабий Баҳромнинг қочишга уринишини ҳарбий ҳийла деб кўрсатса,⁴⁵ Фирдавсий бунинг астойдил бўлганлигига ишонади.

Суворилар ҳужуми бефойда эканлиги Савада филларни ишга тушириш фикрини уйғотди, бунга Баҳром астойдил асраб юрган бутун заҳираларини ташлаб қарши ҳужум билан жавоб берди. Мана шу ўринда форс камондозларининг сифатлари ёрқин намоён бўлди. Улар отган ўқлар филларнинг энг нозик жойлари – хартуми ва кўзларига қадалдилар. Жўн ўқлар қаторида филларга оташли ўқлар узилди.⁴⁶ Оғриқдан азоб тортган филлар ўз кўшинини янчий бошлади. Филлардан қутулиш саросимасида туркут кўшини сафи бузилиб, қўл жангига ўтган форсларга керакли даражада қаршилиқ кўрсата олмади. Сава қочади, лекин унга қувиб етган Баҳром Чубин камондан ўқ отиб уни ўлдиради.

Йўлбошчиси ҳалок бўлгач, туркутлар ваҳима аралаш қочишга тушдилар. Улар Бароран дараси орқали қочмоқчи бўлишди, бироқ тор дара бирданига шунча кишини сиғдира олмас эди. Дара бошида қаттиқ қисувга олингач, калавани учини йўқотиб қўйган туркутларни қириб ташлашга ҳеч нарса монелик қилмасди. Ун туркутдан атиги бригина қочиб қутулди.

Уруш сўнги. Ўлжаларни шоҳаншоҳ ва жангчилари орасида тақсимлашга Баҳром Ҳиротда бир ой вақт сарфлади. Шу вақт мобайнида ўлдирилган Саванинг ўғли Пармуда тор-мор этилган кўшин қолдиқларини тўплаб, қаршилиқ қилишга уринди. У кўчманчиларнинг ҳужум усули – тўсатдан ва кечаси ҳамла қилишни қўлади. Бир мартасида Баҳромни қўлга туширишга ҳам сал қолди,⁴⁷ лекин мунтазам лашкар ҳужумини партизанлик ҳаракати билан тўхтатиб бўлмасди; форслар Жайхунни кечиб ўтдилар. Тунги жангда туркутлар яна енгилди, Пармуда Пойкенддаги⁴⁸ қасрига яширинишга мажбур бўлди. Баҳром уни қамал қилгач, у таслим бўлди, аммо ҳаётини сақлаб қолиш ҳамда хотини томонидан қариндоши ҳисобланмиш Хурмузд ҳузурига юборилишига эришди. Хурмузд уни дабдабали кутиб олади, тинчлик ҳақида келишиб ҳурматини жойига қўйиб кузатиб қўяди.⁴⁹ Туркут шаҳзодаси ўз мамлакатига қайтиб, то

⁴⁵ *Tha'alibi, Histoire des rois des Perses, 647-6.*

⁴⁶ *Tabare, Zotenberg, II. 262-6.; Ferdousi; le livre des rois, VI, 620-6. К. А. Иностранцев, Сасанидские этюды. 80-81 б.*

⁴⁷ *Tha'alibi, Histoire des rois des Perses, 651-6.; Ferdousi, le livre des rois, VI, 632-34-6.*

⁴⁸ *Tha'alibi, Histoire des rois des Perses, 653-6. Табарийда шаҳар номи берилмаган. Фирдавсий Аваз қасри ҳақида сўзлайди, бу жой эса Пойкенд теваразидадир (қаранг: V. Minorsky, Hudud al-Alam, 56-73), 185-186-б.*

вафотигача — 603 йилгача ўз улусини бамайлихотир идора этади. Воқеомаларда унинг исми Нилихон деб қайд қилинади.⁴⁹

Шу тариқа уруш 589 йилда тугалланди.

Эрон фалокатга етиб келган эди, бироқ Ҳирот ёнидаги жанг унинг умрини яна эллик йилга чўздую, йигирма йил давомида туркутлар Эрон чегараларини бузишга ботинмади ва бу икки қўшни мамлакатлар тарихи алоҳида-алоҳида давом этди. Баҳром Чубин исёни эса, тўлалигича фақат Эрон тарихига дохилдир, аммо мағлуб бўлган Баҳром яқин-яқингача жанг майдонида душмани бўлган туркутлар қароргоҳига қочиб келди ва уни хон иззату икром билан кутиб олди. Хонга анча хизматлар қилиб, унинг дўсти ва маслаҳатчисига айланди.⁵¹ Хон унинг Эронда фуқаролар урушини тиклаш борасидаги режаларига қулоқ солиб, бошланишида ҳатто кичик бир қўшин ҳам берди.⁵² Хавотирга тушган Хусрав Парвез Баҳромни тутиб беришни талаб қилади, хон эса ғазаб билан рад этади. Шундан кейин иккинчи бир устаси фаранг элчи юборилиб, у туркут маликасини совғалар билан Баҳром ҳаётига нуқта қўйиш фитнасига бош қўшишига муваффақ бўлади. Ёлланган қотил Баҳромга заҳарланган ханжар уради, қаҳрланган хон қотилни қаттиқ жазолайди.⁵³

Ушбу лавҳадан маълум бўладики, туркутлар оғир бир мағлубиятдан кейин ҳам мустақиллигини тўлиқ сақлаб қолишган ва ташқи таъсирларга мутлақо берилмаган. Шоханшоҳнинг дипломатик босими туркут хонига заррача ҳам таъсир этмаган. Ҳануз Амударё сосоний Эроннинг таъсир доираси чегараси бўлиб қолаверган.

⁴⁹ Tabari, Zotenberg, II. 265-6.; Tha'alibi, Histoire des rois des Perses, 656-6. Ferdausi, Le livre des rois, VI, 656-658-6.

⁵⁰ Саалабий уни Пармуданинг ўғли Саванинг невараси деганида янглишади ("Пармуда" турк сўзи "буйруқ"нинг форсча таржимаси). Диноварий шаҳзода асир тушмаган, балки ўз ихтиёри билан шох ила музокара олиб бориш учун борган, деб ҳисоблайди (А.Э. Шмидт, Материалы по истории... 480-481 б.). Диноварий бу шаҳзадан (Эл/ил) тегин деб эмас, балки (йал)тегин деб атайди. "Йал"сўзининг иккинчи маъноси "озод қилинган"дир, бу Нилихон (Суйшу) Пармуда (Фирдавсий, Баламий)ва Йал тегинлар (Диноварий) бир киши эканлигини тасдиқлайди (қаранг: "Византия воқеаномаси", XX 87-б.). унинг Аваза қалъасига ҳамла қилгани, қўлга олингани ёки ўзи таслим бўлганлиги масала моҳиятига таъсир этмайди. Хурмузд уни озод қилганлиги аниқ ва бу Диноварий уни номлашида акс этган. Диноварийнинг тинчликка музокара воситасида эришилган, деган хабарида ички бир зиддият бор: уч юз тунга юк олтин ва жангчилар қўлида қанчадан-қанча мол-дунё қолиши — бирчаси суворилар бўлишмасидан жанг майдонида ўлжа қилиб олиниши мумкин эмас. Демак, Бухорога бостириб кириш асида содир бўлган ва бу воқеа Диноварийда тушириб қолдирилган

⁵¹ Tabare, Zotenberg, II. 302-6.

⁵² Tha'alibi, Histoire des rois des Perses, 678-6.

⁵³ Форс манбаларида бу хоннинг исми келтирилмаган, айти чоғда "Парвизга қариндеш эмаслиги"қайд этилган. (Tabare, Zotenberg, II. 238-б.). Демак, бу хон ўша замонда ўзининг гирбдаги қариндешлари билан уруш олиб бораётгани учун Баҳромга гамхурлик кўрсатган шарқий туркутлар хони Йун Йўллик Дулихондир.

Интиқом. 593 йилги тинчлик битими ҳоқонлик яхлитлигини расман тиклади.⁵⁴ 598 йилда эса Фарбий турк хонининг Византия императори билан анъанавий иттифоқи янгидан кучга минди. Византия лашкари томонидан тахтга келтирилган шоҳаншоҳ Хусрав Парвез, Маврикия императори билан Эрон учун кам фойда келтирадиган тинчлик битимлари тузишга ҳам рози эди. Маврикия императори тахтдан тушириб ўлдирилгандан сўнг, Хусрав фурсатдан фойдаланиб, ўзининг тутинган отаси хунини олишга чоғланди. 602 йилда Эроннинг Византия империяси билан уруши қайта бошланди, фақат форслар 604 йил баҳоридагина ҳужумни бошладилар. Ҳужумни кечиктирилиш сабаби, Эроннинг шарқий чегараларида вазият кескинлашиши эди.

Бўйсунушга мажбур этилган Тохаристон аҳолиси маданий ва иқтисодий жиҳатдан Эрон билан эмас, балки Суғдиёна ва Ҳиндистон билан боғланган эди. Бундан ташқари, Кушан подшоҳчаларининг-мағрур эфталитларнинг аждодлари шоҳаншоҳнинг қаттиқ қўли остида бўлишдан, туркут хонига юзаки қарам бўлишни афзал кўришарди. Шунинг учун ҳам 603 йилда⁵⁵ форс қўшинининг асосий кучлари Месопотамия ва Арманистон чегараларида тўпланиб қолган кезде, шарқда қўзғолон кўтарилиб, “кушан аскарлари босқин қилиш учун бутун ер юзига тарқалиб кетади”.⁵⁶

Хусрав энг яхши марзбони Смба́т Багратунининг осойишталигини шошилишч бузиб, исённи бостиришни унга топширади. Арзимас куч билан (12 минг суворий) Смба́т исёнчиларни бостиради. Бунда ҳужумни кутилмаганда уюштириш омили катта наф берганлигини айтмоқ керак. Муваффақиятдан мамнун Смба́т Апршаҳрда ўрдугоҳ куради (Хуросонда, Нишопур яқинидаги шаҳар⁵⁷), ўзи эса 300 аскар билан Хрохт (?) кентига жойлашади. Форслар билан ёлғиз курашиб самарага эришмаслигини билиб, кушанлар қўшнилари бўлмиш туркутлардан мадад сўрайди. Кушанларга ёрдам қўшинига Жембуху (яабғу//жабғу унвоннинг арманча бузилиб айтилиши) кўмондонлик қилган, бундай унвонга ўша пайтда улуғ хон Тун жабғунинг набираси мушарраф этилган эди. Туркутлар форсларни ғафлатда қолдиришди. Ҳирот қамалда қолди. Смба́т атиги уч киши ҳамроҳлигида куршовни ёриб қочишга муваффақ бўлса-да, унинг ёрдамчиси форс Датоян қолган барча аскарлари билан бирга қириб ташланди. Туркутлар Эронни Рай ва Исфaxonгача вайрон қилиб, талаб боришди ва “улуғ хоннинг фармонига мувофиқ” орқага қайтишди.⁵⁸

⁵⁴ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия, 233-б.*; S. Julien, *Dokuments.* 511-б.

⁵⁵ “Хусравнинг ўн учинчи йилида”. Русча таржимада “ўн саккизинчи” деб хато ёзилган (қаранг: Себеос, *История императора Иракла, 70-б.*) бу воқеани ютуғри саналаш Маветда, Шаваннда ва Грусседа учрайди (қаранг: М. И. Артамонов, *История хазар. 143-б.*)

⁵⁶ Себеос, *История императора Иракла, 72-б.*

⁵⁷ Уша асар, 182-б., 52-изоҳ.

⁵⁸ Уша асар 74-б.,

Туркутлар орқага қайтишига Себеос берган изоҳ қониқарли эмас. 603 йил кузида туркутларда “улуғ ҳоқон” йўқ эди, айнан ўша чоғларда енгилган ва барча томонидан рад этилган Қора Чурин паноҳ истаб Тогонга қараб қочган эди. Мана шу ҳолат унинг набирасини уйига қайтиб ўз улусини ҳимоя этишга мажбур қилган бўлса керак. Шу тариқа, жанубий Хинганда Хитой ғалабаси Эронни кутқариб қолган бўлса, Византияни жар ёқасига олиб келиб қўйди.

Туркутлар ортга қайтганидан кейин Смбат янги қўшини билан кушанлар устига бостирди. Балхгача етиб боргани билан у Тохаристонда мустаҳкамлана олмай, Мурғобга қайтади. Мурғоб яна сосонийлар салтанатининг шарқий чегараси бўлиб қолади.⁵⁹

603-604 йиллар кўкламида форслар анча енгил тортди; Хитойлар туркутлар кудратининг белига тепди, ҳоқонлик кишилар кўз-ўнгида нурай бошлади. Кушанларни бўйсундириш чораси топилмаган бўлса ҳам, энди шарқий чегаралардан хавотир олмаса бўларди. Мана шундай бир вазиятдагина форс лашкари Византия сари отланди.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, Эрон империясидаги ички вазиятдан кўра, унинг шарқий чегараларидаги воқеалар форсларнинг ҳужумга ўтиш муддатида кўп аҳамиятга молик бўлди.⁶⁰ Туркутлар анча ожизлиги вақтидагина Хусрав Парвез лашкарлари ғарбда бир зафардан кейин иккинчисини қучишга муваффақ бўлдилар.

XI Боб АШИНА ВА СУЙ

Ҳоқонликнинг янгидан бирлашиши. Буюк ғалаёндан аввалги ҳолатни тиклаган 593 йилги битим Суй императорини барча саъй-ҳаракатлари самарасидан маҳрум этди. У туркут беқларини бир-биридан ажратиб ташлаб, тиз чўктирмоқчи ва бу ҳолатни ҳар замонда бериладиган садақалар билан мустаҳкамламоқчи¹ бўлди, аммо бунинг ўрнига яна яхлит, кудратли ҳоқонлик қад кўтариб, Хитой иқтисодиётига зарар келтирадиган савдо шартномасига амал қилишни талаб эта бошлади. Бу камлик қилганидай туркутлар чегара бўйлаб хитой аҳолиси билан алмашиш савдосини йўлга қўйиш учун бозорлар очишни илтимос-

⁵⁹ I. Marquart, *Eransahr...*, 67-6.

⁶⁰ Н. В. Пигулевская, *Византия и Иран, 191-6.*

¹ 593 йилда хитойсеварларнинг охириги Кинйўй шадниг калласи олинди, у Йун Йўллингнинг кенжа укаси эди. Унинг калласи императорга жўнатилиши эса, ҳоқонликда у суйнадиган ҳеч ким қолмаганлигини билдириш учун хизмат қиларди. (*Liu Mau-tsai, Die chenesischen Nachrichten...*, 56, 530-6.).

талабнома қилиб юборишди.² Бу туркутлар иқтисодиёти мустақиллигини таъминлар, тўқнашув юзага келган тақдирда ҳам Хитой саройи хизматларисиз керакли товарларни ишлаб чиқарувчидан бевосита олиш имконини берар эди. Бу “илтимос” Хитойга 589 йилда йўлланиши, яъни Эронга юриш вақти билан тасодифан тўғри келиб қолмаганга ўхшайди. Туркутлар ғарбдаги қабилadoшлари тез орада Византияга суқилиб киради ва карвонлар ғарбга ипак, шарққа олтин ташишини ташкил этиш учун уларга ҳозироқ кўп миқдорда ипак керак бўлади, деб ўйлаган кўринади. Бу чоғларда Ян Цзян Жанубий Хитойдаги Чэн подшолигини бўйинсундириш билан машғул бўлганлиги учун, нозик бир кезде вазиятни кескинлаштирмаслик керак, деб ҳисоблади. Бироқ хон ўрдасида кечаётган воқеалар унга ёқмаслиги тайин эди.

Суйга қарши кайфиятнинг жон томири Чжоу хонадонидан келиб чиққан малика бўлиб, у ўз қариндошларининг импертор томонидан хоинларча қириб ташланганини ҳеч ҳам кечира олмас эди. Император қасд олиш ҳақидаги фикрлари бефойда эканлигига ишонтириш учун Чэн хонадони императорига тегишли қимматбаҳо эшик қалқонини совға қилиб юборади. Бу билан у бутун Хитой ўзига қарам эканлигини англатмоқчи ҳам бўлган эди, бироқ бу оловга ёғ куйгандек бўлди, холос. Маликанинг жавоб совғаси маҳзун илҳом сатрларидан иборат бўлдики, унинг маъноси серқирра эди:

Офатдан олдин шуҳрату ҳурмат келур,
Дунё шунақа: сув устида бўлур хас.
Вақт порлоқлик ва улугликни ўлдирар,
Текисланиб тенг бўлар минора-ю ўзан.
Майли, боймизу, муҳташамдамиз ҳозир,
Лек сокинлик соати эшик қоқар.
Бир пиёла май асрларга сайр этар,
Жаранглаб туриб муздай қотар тор.
Мен малика эдим подшоҳ эркаси.
Эндичи, кўчманчи ўрда ўтови хазиnasi.
Тентирайман уйсиз, ёлғиз тунда.
Севинчу ўкинч ёнма-ён менда,
Ёлғонлар ҳам ҳукмрон бу қадим ерда,
Мисоллар бисёр қайдан изласанг анда.
Мозийда куйлаган кўшиқларим менинг
Сургун аёлнинг кўнгли доим безовта.³

² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 240-б.

³ Н. Я. Бичуриннинг насрий таржимаси шеърга айлантирилди (Қаранг: *Собрание сочинений*, 1 ж., 204 б.).

Шеърни ўқиган император дунё кирдикорлари қонуниятларининг қурбонига айланиши унга тиланилаётганини ҳамда малика шаштидан қайтмаслигини англади. Бироқ жазо тариқасида совғасаломларни камайтиришдан ўзга чора қўллай олмади. Кейинроқ маликанинг ўйнаши борлиги ошкор бўлишидан фойдаланиб уни унвонларидан маҳрум этди. Бу маликанинг на ўрдадаги мавқеига таъсир этди ва на императорга бўлган нафратини камайтирди.

Император сургун этилган маликанинг илҳомига бежиз жиддий эътибор бермаган эди. 593 йилда хон қароргоҳида хитойлик Ян Хин деган кимса пайдо бўлади ва у хитойларнинг ўзлари ҳам Суй сулоласидан хурсанд эмасликлари ҳамда кўзғолонга тайёргарлик кўрилаётганини сўзлаб беради. Дуланхон бундан дарров хулоса чиқаради ва 584 йилги шартнома бўйича Хитойга юборилиб турилган ҳирожни тўхтатиб қўяди. Малика бўлса, Бухоро беги Нилихон (Баҳром Чубин томонидан 589 йилги ўлдирилган Яанг Соухнинг ўғли, Қора Чуруннинг набираси) иттифокдошликни йўлга қўйиб, Хитойга қарши кайфиятдагилар мавқеини анча мустаҳкамлайди.

Буларнинг барчаси Суй ҳукумати учун хатар туғдиради, бунинг устига Ян Хин алдамаганди: ҳақиқатдан ҳам Хитойда Суй сулоласига қарши кураш учун тайёргарлик кетаётган эди. 594 йилда қурғоқчилик оқибатида очарчилик бўлди, император отларга ҳукумат омборларидан ғалла беришга рози бўлмади. 597 ва 600 йилларда жанубда шундай бир катта кўзғолон кўтарилдики, уни бостириш учун 50 минг аскар юборишга мажбур бўлинди.⁴ Ян Хин исёнчилар ва туркутлар ўртасида воситачи бўлганга ўхшайди. Суй империяси тўрт томонидан қисиб қўйилиши хавфи ҳам йўқ эмасди. Лекин яна саҳнада Чжан-сун Шэн пайдо бўлди.

Пона урилди. 594 йилда мухтор элчи сифатида хон ўрдасига келган Чжан сун Шэн⁵, Суй хонадонига қарши тузилган чинакам фитнага дуч келди. Фитначилар бошида малика ва унинг суғуд⁶ ўйнаши Ансуйка турарди. Бироқ энг хавфлиси нима бўлганда ҳам Чжан-сун Шэн қўлга тушириши шарт бўлган Ян Хин эди. “Ўрдада йўқ” деган баҳона билан хон бу муҳожирни топширишдан бош тортиди. Жосус элчи ўзига бириктирилган бир туркут ёрдами орқали Ян Хинни топди ҳамда хонга маликанинг қилмишларини баён қилди. Хон ва унинг аъёнлари жаҳл устида Ян Хинни тутиб беришди.⁷ Чжан-сун

⁴ Шан Юэ, *Очерки...*, 185-б.

⁵ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 103-б.

⁶ E. Pulleyblank, *Sogdian colony...*, 318-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 531-б.

⁷ S. Julien, *Documents*, Vol 3, 511-512-б.

Шэн бу ютуқлардан кейин ҳам ишини тўхтатмади. Унинг мақсади туркут ҳоқонлигини қайтадан бўлиб ташлаш эди ва бу гал ҳам ўзига керакли туркут бегини топа олди. Бу киши туркут тахтининг вориси, хоннинг амакиваччаси Жанғар (хитойча Жанган) эди.

Унинг шимолий-шарқда ўз улуси бўлиб, толелар хони деган (Тулихон) унвони ҳам бор эди. Унга кидан, хи (татаблар) ва шивейлар (татарлар) бўйинсунарди. Чулобекнинг ўғли бўлганлиги учунгина тарафдорлари кўп эди. Мижози: тутуруқсиз, ичи қора, кўрқоқ эди, яъни хоинлик қилиш учун етарли сифатлари бор эди: “Йун Йуйлуй (Йун Йоллиғ) – деб ҳисобот беради, Чжан сун Шэн – беқарор ва вафосиз. Фақат Дянгу (Қора Чурун)га бўлган душманлиги туфайлигина у ҳозирги вақтда император ёрдамига кўз тикмоқда. Агар илтимоси қондирилса, кучайгач, разиллик қилиши тайин. Маликани хотинликка олса, ушбу никоҳ берадиган мавқедан Дянгу ва Жанганни енгишда фойдаланади. Унда унинг шуҳратпарастлигини жиловлаш мушкуллашади. Бошқа томондан эса, Жанган ўзининг самимийлигини исбот қилди. У ҳам маликани никоҳга олмоқчи, унинг илтимоси қондирилса яхши бўларди. Чунки унинг қўшини сони камлиги боис ҳам жанубга жўнатиб Йун Йуйлуйга қарши тўсиқ ҳосил қилиш мумкин.”⁸

Ушбу режа қабул қилиниб, 597 йилда амалга оширилган.⁹ Турк ҳоқонлиги ичида хитойсевар бир ҳизб пайдо бўлган эди. Хитойлар эса, муқаррарлиги шубҳасиз бўлган янги урушга ҳозирлик кўрмоқда эдилар.

Маликани ва йиллик тортиқни сеп сифатида олиш ҳар қандай турк бегини сўзсиз қўлга туширадиган тузоқ эди. Жангарга Хитой маликаси бир шарт билан ваъда қилинди: у Чжоу хонадони маликасини йўқ қилиши керак. Жангар ҳамма замонларда ҳам иш берган усулни қўллади, у маликага хон ҳузурида тўхмат қилди. Бўхтон иш берди. Хон тўхматга ишониб, жаҳл устида маликани қатл эттирди. Жангар қатл ижро этилган заҳоти ўз улусига йўл олди, чунки у бўхтони ошкор бўлган пайтда хатардан йироқ бўлишга ақли етадиган даражада фаросатли эди. Бу галга Суй императори ҳам аралашиб, сотқинни бор кучи билан ҳимоя қилишини билдириб қўйди. Хон чекинишга мажбур бўлди. Бироқ энди у бутунлай амакиси Қора Чурун Турк (Дянгу)нинг таъсирига тушиб қолди, амакиси эса, жўнгина Гардушхон (Датухон) унвонига қаноат қилиб бутун ҳоқонликнинг амалдаги ҳукмдорига айланди. Урушнинг муқаррарлиги фақат хитойларга эмас, туркутларга ҳам аён бўлди.

⁸ S. Julien, Documents, Vol 3, 512-513-6.

⁹ Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 104-6.

Урушнинг бошланиши. Зиддият пишиб етилган сари вазият Хитой фойдаси томон ўзгариб борди. 591 йилда Тогоннинг удабурон хони Куалуй вафот этиб, ўрнига ўтирган ўғли Шифу Хитой билан иттифоқдош бўлишга ҳаракат қилгани учун ҳалок этилади. Унинг ўрнини эгаллаган укаси Фуйун (597 й.) бетарафлик сиёсатини қўллаб¹⁰, Тоганни Суй ҳукуматининг ғарбий чегараларини қўриқлаш ташвишидан холи қилади. Бу хитойликлар ўзининг асосий кучини Сарик дарё қирғоқларида жамлашига йўл очиб беради.

597 йилда улар ўзларининг одами бўлмиш Жангарни жанубга Ордосбўйи чўлларига кўчиради. Бунинг учун унга сахийлик билан кўп пул берадилар. Бу пулни Жангар қабиладошларини сотиб олиш учун ишлатади.¹¹ Қора Чуриин ҳам чораларини кўриб қўйди. У тезлик билан ортини мустаҳкамлашга киришди. Волгабўйи угурларининг туркларга қарши кўтарган кўзғолони бостирилди. Тарнаих, кучагир ва забендер қабилаларидан ўн минг угур Паннонияга қочиб бориб аварларга қўшилдилар.¹²

598 йилда Қора Чуриин олдинги дўстона муносабатларни тиклаш учун Константинополга — император Маврикияга элчилик жўнатади. У салтанатидаги ички келишмовчиликларни тинчитгани ва барча душманларини бўйсундиргани ҳақида ҳам хабар жўнатади.¹³

Кавказ томонга юришдан воз кечиш Византиянинг Каспийбўйи можароларини тўхтатиши учун бир эваз вазифасини ўташи керак эди. Қора Чуриин Ўрта Осиёда жуда маҳкам ўрнашиб олганди: Пойкенда (Бухорода) невараси Нилихон, Шош (Тошкент)да бошқа бир невараси Шегуй¹⁴ ҳокимияти ўрнатилганди. 597 йилда туркут аскарлари чегарада ҳамла уюштирган бўлсалар, 598 йилда Сю бошчилигидаги Хитой қўшини ҳужум бошлади.¹⁵ Уруш бошланди.

Ўтган осойишта беш йилдан хитойлар унумли фойдаланишди. Чегара зобитларидан Ли Юан ўзининг юксак аскарый истеъдодини намойиш этди. Ярми турк бўлган ва келажакда Тан сулоласининг асосчисига айланган бу шахс, ўз аскарларига сабр-тоқат билан, мутгасил равишда туркутлардан ўзлаштирилган янги қоидаларни

¹⁰ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 87-б.

¹¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сочинений...*, 1 ж., 241-б.

¹² М. И. Артамонов, *Очерки...* 41-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 218-б.

¹³ М. И. Артамонов, *Очерки...* 39-б.;

¹⁴ R. Grousset, *Histoire de L'Extreme-Orient*, 233-б. “Шегуй” исми иероглифнинг мазмунидан келиб чиқилса “садоқ” маъносини билдиради ва туркча “сағдақ” сўзи билан қиёслаш мумкин. Бу исмнинг жанубий санбилар — муйунлар (Ляодун ва Тогонда)да ҳам борлиги, бу исм Ашина ўрдасида ҳали мўўулча сўзлашган пайтдаёқ ўзлаштирилган, деган фикрни билдиришга асос бўлади.

¹⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 241-б.

ўргатди. Бунда аскарлар чодирларда яшаши, сут ва гўшт билан овқатланишлари, отда юришлари ва сурукли овда иштирок этишлари мажбурий эди. Натижада, ҳарбий сифатлари жиҳатидан туркутлардан қолишмайдиган бир даражага етишди.¹⁶ Хитойлар сафида ушбу янги ташкил этилган суворилардан ташқари, хоинлиги энди ҳаммага аён бўлган Жангарнинг бўлинмалари ҳам бор эди.

589//99 йил қишида содир бўлган биринчи тўқнашувда хитойларнинг омади келди.¹⁷ Бироқ Қора Чурин ва Дуланхон туркут отлиқларининг чапдастлигидан фойдаланиб, хитой аскарларини сафини айланиб ўтиб, Буюк Хитой девори жанубида жойлашган Жангарнинг қароргоҳига ёпирилди. Сотқинлар гафлатда қолган бўлсалар-да, шафқатдан умиди бўлмаганлиги учун бор кучи билан жанг қилишди. Улар тўғри ўйлашганди, Жангарнинг ака-укалари, фарзандлари, барча қариндошлари ўлдирилди, ўзи эса беш отлиқ ва Чжан-сун Шэн билан биргаликда қоронғуликда қочиб улгурди.

Эртаси эрталаб унга яна юзтача жангчи келиб қўшилди. Жангар руҳан тушкун бўлиб, уларга бир вақтлар отасининг дўсти бўлган Қора Чурин хузурига боришни маслаҳат беришди. У аввалдан борди-келди борлиги учун ўз жонини асраб қолишдан умиди бўлса ҳам, сафдошларининг ҳаётини сақлаб қолишга ҳеч қандай кафолот йўқлиги билан қизиқмади. Шунинг учун сафдошлари иккиланиб қолишди. Бундай фурсатдан фойдаланиб Чжан-сун Шэн энг яқин қалъа гарнизонига чопар юборди. Унинг кўрсатмасига мувофиқ қалъада ўт ёқилди, бундан ташвишга тушган Жангарга Чжан-сун Шэн машғалалар кучли, кўп сонли душман яқинлашиб келишининг ишоратидир, деб тушунтирди. Ҳовлиқиб қолган Жангар қалъага боришга қаршилиқ қилмади. Жангарни қалъадан император саройига элтишди.¹⁸ Ян Цзян туркут тахтига мана шундай ношуд кишини ўтиргизиш Хитой учун қанчалик фойдали ва аҳамиятли эканлигини англайдиган идрокка эга эди. Унга ишониб бўлмасди, бироқ уни ҳар алвонга йўрғалатиш мумкин эди. Ахир, у қонун ва сулолани қаттиқ ҳурмат қилишга ўрганиб қолган халқ хонининг қонуний вориси эди. Ҳатто ҳеч қандай қудрат ва маблағга эга бўлмаган ҳолида ҳам, Қора Чурин билан чиқишмаган туркутлар унинг теварагига тўпланишда давом этаверарди. Унинг тарафига Дуланхоннинг укаси Тузлук (хитойча Дусулу) ўтди, кейинроқ хитой тиллолари Жангар тарафдорлари сонини анча кўпайтирди.

¹⁶ Иакинф Бичурин, *История Китая*.

¹⁷ S. Julien, *Documents*, Vol 3, 515-516-б.

¹⁸ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 104-105-б. S. Julien, *Documents*, Vol 3, 518-519-б. Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 241-242-б.

599 йил ёзида хитой генераллари Гао Фан ва Ян Солар Қора Чури билан тўқнашди. ¹⁹ Бичуриннинг “Хитой тарихи” китобининг фақат бир ерида жанг бутун тафсилотлари билан келтирилган. Бу 599 йилги жангдир. Мазкур асар нашр қилинмаганлиги учун ўша матнни тўлиқ келтириш фойдадан холи эмас деб билдик.

“Олдинлари туцзюлар (туркутлар) билан жанг қилган генераллар кўрардиларки, уларнинг суворилари шиддат билан сафга отилар эдилар. Улар қўшинини шундай жойлаштирар эдиларки, аскарый аравалар, пиёдалар ва отлиқлар бир-бирини қувватлаб турсин. Улар махсус тўсиқлар ҳосил қилувчи баталон тузиб, унинг ичида суворилар бўларди. “Бу қадимий усул, - деб айтади Ян Со, — ғалаба қилиш учун етарли эмас”. Шунинг учун ҳам суворилар олдинга чиқарилди. Датухон (Тардушхон, Қора Чури Турк) хурсанд бўлиб: “Тангри ўзи мени ёрлақади” — деб отидан тушади ва осмонга тикилиб тиз чўқади. Сўнг 10 000(?) суворилари билан тўғри олдинга юради. Чжунло хеу (хитой зобити): “Душман ҳали саф торта олмади, уларга ҳужум қилмоқ керак” деб энг яхши суворилари билан уларга қарши ташланди. Унинг ортидан Ян Со асосий лашкарни ҳужумга бошлади ва туцзюлар узил-кесил тор-мор этилди. Ўлганлар ва ярадорларнинг сон-саногини йўқ эди.”²⁰

Ушбу ҳикояни таҳлил қилиб, туркутларда отлиқлар сафи бўлганлигини ва у казакларнинг сафига ўхшашлигини аниқ айтиш мумкин. Ҳужумдан мақсад эса, душман сафини бузиб, талвасага тушириш ва қочганларни қилич билан чопиш бўлган. Туркут хонининг воқеадан олдин хурсанд бўлиши эса, мухолиф кучнинг бўлиниб турганлигини кўриб, уни қисмма-қисм енгишни ўйлаганлиги билан боғлиқдир. Бироқ бу сафар хитойлар ташшаббусни туркутлардан тортиб олишди. Хитой суворилари қарши зарба кучини заифлаштирди ва туркутлар ҳарбий сафини тўзгитиб юборди. Қўл жангига киритиб юборилган пиёдалар эса сон жиҳатдан устунликни таъминлаб масалани ҳал қилди. Бундан ташқари, қўл жангида пиёда отлиқдан кўра кучлироқ бўлади, чунки у анча чаққон ва эркин ҳаракат қила олади.

Шарқий туркутларнинг Дуланхон бошчилигидаги бошқа бир лашкари анча муваффақиятли ҳаракат қилиб, Жангарни шунчалик қисиб қўйдики, хитойлар уни ўз ҳудудига киритиб паналашга мажбур бўлди. Унга яйлов сифатида Ордосдан шимолдаги чўл минтақаси ва шунга уланган Алашан тоғолди ерлари ажратиб

¹⁹ Н.Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 242-б.

²⁰ Иакинф Бичурин, *История Китая*, VII.

берилди.²¹ Жангарни император ўзига жуда яқин тутиб, бу хоинлар учун қимматбаҳо нарсалар ва совғаларни аямади. Бундай сиёсат ўзини оқлади. Жангар тарафдорлари орасидан Чжан-сун Шэн айғоқчилар ёллади. Кейинроқ хон ўрдасига жўнатилган бу айғоқчиларни ҳеч ким фош эта олмади ва улар туркут лашкари ичида ваҳима тарқатиб бемалол юришди.²² Хоннинг ўзи эса, уста ҳикоячиларнинг ҳикоялари таъсирида тасавури шикастланганидан бўлса керак, буржлардан ёғилаётган қонли ёмғир, қизил камалакларни туш кўра бошлади. Иримчи кўчманчиларнинг бундай ҳикоялардан асаблари таранг ҳолга келиб қолган эди. Хуллас, Дуланхон ҳам ўз чодирда ўлдирилади ва интизоми бўшаган кўшин ўзига доим зафар келтирган ҳужумдан воз кечади (600 й.).

Қора Чурин Турк “ўз-ўзини хон деб эълон қилади”.²³ Бироқ унинг ўзи яқиндагина урушни охиригача етказиш учун кураш олиб борган шарқий туркутлар орасида обрўси паст эди, бунинг устига анча қариб қолган ҳам эди.

Бўғухон. Қора Чурин Турк Бўғухон, яъни “қаҳрамон”²⁴ унвонини олди. Бироқ ҳамма уни эътироф этишига эриша олмади ва ўрдада “катта ғалва бошланди.”²⁵ Чжан-сун Шэн кўпоровчилик ишларини давом эттирди: унинг айғоқчилари дашт бўйлаб ҳаракат қилишар ва теле қабилаларини кўзғолон кўтаришга ундар эдилар. Чжан сун Шэн мўлжални тўғри олган эди. Телелар аҳолининг катта қисмини ташкил этиш билан бирга улар кўрқмас, эрксевар бўлиб, тобелик ҳолати уларга малол келиши табиий эди. Туркутлар ўшаларнинг кучи билан шимолий саҳроларда қаҳрамонлик кўрсатишар²⁶, яъни ҳоқонлик шаъни-шавкати учун қон тўкишга айнан ўшалар мажбур этиларди. Ҳоқонлар зафар қозониб турган чоғларида теле қабилалари бефарқ бир кайфиятда бўлган бўлсалар, Қора Чуриннинг анъанага хилоф равишда ҳокимият тепасига келиши кишилар виждонини қийнай бошлаган бир чоғда эса, уларнинг содиқлигига шикаст етди, иккиланиб қолдилар.

²¹ Н. Я. Бичурин., *Собрание сведений...*, I ж., 242-б. “Хя-чжеу ва Шен-чжеу орасида”. Хя-чжеу, яъни Сячжоу (Гансуда), Шен-чжеу эса Ородоснинг Шимолий-шарқий бурчидаги шаҳар (Қаранг: *Ўша асар*, III ж., 64-75-б.).

²² S. Julien, *Documents*, Vol 3, 519-520-б.

²³ Бичурин “сайловсиз” деб нотўғри таржима қилган.

²⁴ E. Chavannes (*Documents...*, 155-б.), Liu Mau-tsai (*Die chinesischen Nachrichten*, 59-б.)лар “Билга” – билимли деб ёзишган. Форсча “биягу” “улуғлик, буюклик” деб ёзилиши билан қиёсланг (*Наршахи, История Бухари*, 12-13-б.). Хитойлар “билга” сўзини “бия” деб ёзадилар.

²⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж. 242-б.

²⁶ *Ўша асар*. 301-б.

Янги хоннинг аҳволи жуда оғир эди. У тахтга ворислик қоидасига хилоф иш тутиб, тахтни эгаллаш билан бирга барча мухолифлари қўлига қурол тутқазган ҳам эди. Бу қурол “ғайри қонуний ҳукмдорга қарши кураш” шиори эди.

Унинг асосий душмани сотқин Жангар тахтнинг қонуний вориси бўлиб, даштга сахийларча сочилаётган Хитой олгинлари унинг ҳуқуқий имкониятини рўёбга чиқаришга соат сайин яқинлаштириб борарди.

Уруш жабҳасидаги вазият эса тобора кескинлашиб борар эди. Чжан-сун Шэн маслаҳатига амал қилиб хитойлар уруш кетаётган минтақадаги булоқларни заҳарлашди,²⁷ туркутлар чекинишга мажбур бўлдилар. Чекиниш тартиб билан амалга оширилганлигини йўқотишлар кам бўлганлигидан, яъни мингта аскар ҳалок бўлган, бир неча юз асир тушган, бир неча минг қорамол ҳайдаб кетилганидан ҳам билса бўлади. Хитойлар учун бундан ҳам муҳимроқ воқеа содир бўла бошлади: туркут оқсоқоллари Жангар томонига ўта бошлашди.²⁸ Барибир, Қора Чуриин ҳали кучли эди.

601 йилда у Хитойга ҳужум қилиб, генерал Хан Хун лашкарини тор-мор этди. Туркутларнинг бошқа бир бўлинмаси Жангар кўчига ҳамла қилиб, кишилар ва молларни олиб кетади. Шошилиноч ҳимояга ўтган Хитой кўшини туркутлардан ўлжани қайтариб олди, бироқ кейинги ҳамлаларнинг олдини ола билмади.²⁹

Чжан-сун Шэн буйруғи билан жўнатилган Жангарнинг жосуслари телеларни туркут хонига қарши қайрашга эришдилар. Ўн қабила қўлига қурол олди, улар орасида телелардан ташқари абарлар ҳам бор эди. Кўзғолон жуда катта ҳудудни: шимоли-шарқдаги Селенгадан то жануби-ғарбдаги Тянь-Шангача бўлган ерларни қамраб олди.³⁰ Ғарбий туркутлар кўзғолончиларни енгдилар. Нилихон ҳалок бўлди,³¹ унинг биродари Тун жабғу³² қочди. Бироқ ҳоқонликнинг Тарбағатай орқасидаги чекка ерлари Ашина сулоласига лоқайд ҳолида қолди.

Шарқда аҳвол ундан ҳам бадтар эди. Қора Чуриин ўзининг меросий улусидан узилиб қолди, уни бу қийин аҳволини кўрган шарқий туркутлар хонини шахсий ғам-ташвишлар билан ёлғиз

²⁷ Иакинф Бичурин, *История Китая; S. Julien, Documents, Vol 3, 524 – 6.*

²⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений... I ж. 242-б. S. Julien, Documents, Vol 3, 526-6.*

²⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений... I ж. 243-б.*

³⁰ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия... 236-237 б.; Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten... 555-6.*

³¹ Тўғридан-тўғри шундай дейилмаган, лекин бундан сўнг манбаларда унинг номи учрамайди (қаранг: E. Chavannes, *Documents... 51-6.*)

³² Буни Тун бўлса керак, деб ўйлашади, гарчи манбаларда уни фақат унвои сифатида ишлатилса ҳам. Лю-Мао-цзайнинг шубҳаси ишончли эмас, чунки у “ябғу” атамаси маъносини ҳисобга олмаган.

қолдириб тарқалиб кетишди,³³ татаблар бўлса Хитойга тобелик билдиришди.³⁴ Қора Чурин Тогонга қочади ва ўша ерда тибетликлар томонидан ўлдирилади. Чжан-сун Шэн Даштга Жангарни тантанали тарзда олиб келиб, бу қонуний ворисни хон деб эълон қилганида, бунга эътироз билдирадиган зот даштда қолмаган эди.

Нилихоннинг укаси ва вориси Баси тегин ўз улуси Бухорони тобелик билдириб сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Акасидан мерос қолган хитойлик хотини Сян-ши билан Баси (хитойча: Поши) Хитойга келади ва шу ерда уни тутуқлайдилар (605 й.).³⁵ Фарбий турклар хони бўлиб Нилихоннинг ёши кичик ўғли Таман (хитойча: Даман) қолади.

Хонларнинг таҳқирланиши. Суй хонадони қудратга тўлган бир паллада унинг асосчиси Ян-Цзян – император Вэй-ди вафот этади (604 й.). Унинг тўсатдан ўлиши, у ўлдирилган деган шубҳага асос бўлади.³⁶ Ўғли Ян Гуан тахтга Ян-ди номи билан ўтиради. У отасининг босқинчилик сиёсатини давом эттиради.

604 йил охирида Суй империяси тўлиқ ғалаба байрами ўтказса бўларди. Хитойлар тахтга ўтқазган сотқин Жангар Шарқий ҳоқонликнинг тан олинган хонига айланди. Мана шу кездан бошлаб у Фарбий ҳоқонликдан бутунлай ажралди.

Селенга дарёси ҳавзасида кўтарилган телелар қўзғолонини хитойлар қўлламай қўйгач, ўз-ўзидан тинди, бироқ Жунғория ва Тарим ҳавзаси Шарқий турк ҳоқонлиги ҳокимияти остига қайтарилмади. Киби (Алтаин нуру тизмаси шимолий ёнбағрида) ва сеянто (Алтаин нурунинг жанубий ёнбағрида) каби теле қабилалари бошқалардан кўра анча эркесвар эканликларини намоиш қилишди. Фарбий туркутлар билан икки йиллик саботли уруш (605-606 й.) уларга ғалаба ва мустақиллик ҳадя этди.³⁷ Бу урушнинг тафсилотлари сақланмаган, бироқ ана шу уруш натижасида Жунғорияда мустақил теле давлати барпо бўлиб, уни Мохэон унвонли киби қабиласи

³³ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 108-б.

³⁴ *Ibid...*, 538-б.

³⁵ Суйшуда Поши тегиннинг Хитойга келиш санаси 600 йил. Лекин бу сана хатолигини Шаванн асослаб берди. Туркча “Баси” ҳам хитойча “поши” ҳам “қурбон”, “камситилган” маъносини англатади. Бу исм ҳам, унвон ҳам эмас, балки лақабдир. Хитойлар ҳам, турклар ҳам бекнинг хоинлик туфайли алданган ва хўрланган ва тахт ўрнига қамоққа ўтирган кишини ана шундай аташади.

³⁶ H. Cordier, *Histoire generale...*, 387-б

³⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж. 280-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 350-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 89-б. Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 238-239-б. Н. Я. Бичуриндан бошқа барча муаллифлар воқеалар жараёнини уйғурлар ҳақида баён қилинган матнга суяниб тиклайдилар (“Ганшу”, 217-боб; Цзю Таншу, 195-боб.; Қаранг: Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 301-б.) Айни пайтда танқидий ёндошилмаган матн чалкашликка олиб келиши назардан қочирилади. Чунки қўзғолон санаси нотўғри кўрсатилган, деб ҳисоблайман.

бекларидан бири Гэлэн бошқарди. Бу ғалаба туркутлар ҳукмронлигидаги ерлар ўртасида пона сифатида пайдо бўлган, дашт томон кириб боришида кўприк бўла оладиган янги давлатдан манфаатдор Хитойнинг мақбулловчи муносабати натижасида қўлга киритилди.³⁸

Хитой билан дўстона муносабат Гэлэнга шимоли-шарқий чегараларининг хавфсизлигини таъминлаш имконини берарди, бинобарин, Жангар шарқий туркутларни бошқарар экан, тўлалигича император манфаатларига мос ҳаракат қиларди. Вужудга келган қулай шароитда телелар ҳар бир кўчманчи жамият учун зарур бўлган ўтроқ аҳолили ҳудудларга-Қарашар, Турфон ва Хоми воҳаларига эга бўлди.³⁹

Гэлэн хонлик унвонини олгани билан Жунғорияда ўрнатилган тартиб, туркутларнинг қағъий шаклланган тизимиغا ўхшамас эди. Сеянто қабиласи йўлбошчиси Ишибо Гэлэнга тобе бўлса-да, барибир, у ўз қабиласи устидан ўзи ҳукмронлик қиларди. Гаочан беклигида ҳам аввалги сулола ҳоқимияти сақлаб қолинган кўринади ва бу ерда олий ҳоқимият устун бўла бошлагани ҳақида ҳеч қандай дарак йўқ. Жунғориядаги теле давлати кўпроқ қабилалар иттифоқи кўринишида бўлган бўлса ажаб эмас.

Шарқий ҳоқонликдаги туркутлар аҳволини ҳам жуда яхши деб бўлмасди. Янги хон Жангар Ордосда хитой найзалари ҳимоясида яшар ва даштга қорасини кўрсатишдан чўчир эди, чунки уни айрим фуқаролар туркут сифатида ёмон кўрса, бошқалари хоин ва хитой гумаштаси сифатида ундан нафратланар эди. Хотиржамлиги Хитой

Лю Мао-цайдан матн келтирай: “Да-йе идорасининг биринчи йилида (605 й.) Ғарбий туркутларнинг Чулохони теле қабилаларига ҳужум қилди ва оғир солиқлар юклади. Ғалаён чиқишидан хавфсираб, бир қанча йўлбошчиларини йиғди (Бичурида оқсоқолларни) ва уларнинг барчасини ўлдирди. Шу сабаб телелар кўзғолон кўтарди. Бугу, тўнгра, уйгур, байирқу ва оймоқ (бу) фуло каби теле қабилалари бирлашди. Олий доҳийсининг унвони сиғин бўлди. Кейинроқ улар ўзларини уйгур деб атадилар. Уйгурлар Сеянтодан шимолда Со-мин (Селенга) дарёси бўйида яшашади. Зикр этилган қабилар ҳаммаси Толи дарёсидан шимолда яшаган, шунинг учун “аввалги” усунлар ерини “яъни Еттисувни эгаллаган, ва Ғарбий туркутлар билан дуч келиши мумкин” эмас (Бичурин, ўша асар, 279-б). 605-606 йилда Ғарбий туркутлар билан урушда киби ва сеянто тилга олинмаган. Бу турли хил воқеаларнинг икки хил баёни деб ҳулоса чиқаришга имкон беради ва хоннинг унвони эътиборга олинса, уйгур кўзғолонини шарқий турк ҳоқони Чулохон даврига (619-620) дохил дейиш тўғри бўлади. бу ўринда хаттот хатоси борга ўхшайди. “Да-йе” ҳукмронлиги ўрнига “Уде ҳукмронлиги” ўқилса тўғри бўлади. шундай тўғриланса, бошқа ҳодисалар ва ахборотлар воқеалар жараёнини манتيқий боғланишини таъминлайди.

³⁸ Манбада “Чулохон ғайриқонуний идора қила бошлади” дейилган (Н. Я. Бичурин. Собрание сведений..., 1 ж. 279-280-б.). бу ердаги баҳо аниқ эмас, чунки Чулохон Таман ҳали гўдак эди. Бунда Ғарбий турк ҳоқонлигига салбий муносабат акс этган.

³⁹ E. Chavannes, Documents..., 89-б, 3-изох.

мададигагина боғлиқ эканлигини ҳис этган Жангар улар талаб қилганидан ҳам кўпроқ ён босишларга тайёр эди. Масалан, хон император Ян-дига қуйидагича “таклиф”ни ҳавола этади: Туркутлар кийими ва қонунларини Хитойники билан бир хил қилишига мажбур этиш керак.⁴⁰ Аммо Янди бу киритиладиган янгиликлар Жангар обрўсини янада тушириб юбориб, даштда ғалаён ва исёнлар келтириб чиқаришидан хавотир олиб кўнмайди, чунки Жангар хитойликларга жудаям зарур эди.

605 йилги киданлар кўзғолони йигирма минглик туркут аскарлари ёрдамида бостирилади.⁴¹ Бундан ташқари, Жангар ўрдаси яна бошқа шимолий кўчманчиларга қарши куч сифатида ишлатила биларди.

Ғарбга томон кетган қадимий йўлда Хитойга Тогон подшоҳлиги кўндаланг бир тўсиқ бўлиб қолган эди. Тогон билан муносабат доимо кескин бўлиб келган, 603 йилга келиб эса, Тогон Хитойга қарши барча кучларни ўзига тортувчи дашт оҳанграбосидан улар тўпланиб қолган бир марказига айланди. Хитойнинг душмани бўлмиш Қора Чурин Турк ҳам 604 йилда айнан Тогондан паноҳ топмоқчи бўлади, унинг билан бирга Кукунор қирғоқларига “Осмон фарзанди”⁴²га бўйин эгмаган татаблар ҳам бирга келишган эди. Жангар хон бўлганидан сўнг туркутларнинг Тогон билан иттифоқини узди, бу Тогоннинг мутлақо яккаланиб қолишига олиб келди. Фуюнхон Хитойнинг муқаррар бўладиган ҳужумига тайёргарлик кўриб улгурган бўлса ҳам, Ян-ди бу оғир урушга ботина олмай юрди. Ниҳоят, у Тогонни бошқалар қўли билан таҳқирлаш йўлини топди.

Хитой элчиси ғарбий туркутларнинг ҳали гўдак хони ҳузурига келиб, унга шарқий туркутлар билан биргаликда ҳужум қилиши зарурлигини айтиб таҳдид қилди. У бундан ташқари яна шуни айтдики, агар ғарбий туркут хони ўзини Хитой вассали деб тан олмаса, унинг гаровда турган онаси қатл қилинар экан. Хон Хитойга тобелигини исбот ҳам қилиши керак эди. Бунинг учун Тогонга орқа томонидан кўшин юбориш тавсия этилди.⁴³ Бу шартлар қабул қилинди ва 608 йилда тогонлар ҳеч қандай хавф-хатар кутмаган ғарбий томондан Тогонга зарба берилди.⁴⁴ Ҳеч қандай қаршиликсиз туркутлар Цайдомга бостириб кириб, тоғга қочишга

⁴⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж. 24-б.;

⁴¹ Иакинф Бичурин, *История Китая*.

⁴² Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 237-б.

⁴³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж. 281-б.;

⁴⁴ Иакинф Бичурин, *История Китая*. 88-б.

улгурмаганларнинг барчасини қиличдан ўтказиб, жуда катта ўлжага эга бўлишди. Нега Чулохон, аниқроғи, унинг васийлари бундай фойдаси йўқ ишга розилик беришди ва улар қандай қилиб душманлик кайфиятида бўлган Мохехон Гэлэн кўл остидаги ерлардан ўз қўшинини олиб ўтишди? — деган савол туғилади. Афтидан, хитой элчиси уринишлари билан ғарбий туркутлар билан телелар ўртасида тинчлик ўрнатилган. Бу ҳоқонликнинг таҳқирланиши эвазига тўланган товон, бўйин эгиши ва берган ёрдами учун мукофот эди. Вужудга келган вазиятдаги ҳодисаларни фақат шундай тушунтириш мумкин.⁴⁵ Ҳақиқатдан ҳам, 608 йилдан кейин ғарбий телелар ва ғарбий турклар орасида уруш тўхтаб, тинчиб қолди.

Император Ян-ди ҳамла учун энг қулай фурсат етиб келди, деб ҳисоблади. 608 йилда Хитой лашкари уруш эълон этмасдан, Тогонга бостириб кирди. Фуюн хон кўчманчи қавми билан жанубга— “Қорли тоғлар”га қочди, қолганларни эса хитойлар асир олиб, император ҳарамига аталган махсус қурилишга жўнатишди. Босиб олинган ерга Суй ҳукумати сургун қилинган жиноятчиларни жойлаштириб, бу ерларда ҳам Хитой маъмуриятини ташкил қилди.

609 йилда Ян-дининг ўзи жуда кўп аскар билан тоғларга беркинган Фуюнни тутиш учун чоғланди. Тоғлар ичига кириб боришга ҳадди сиғган саркадаларнинг танасидан калласи жудо бўлди. Барибир, Фуюннинг Амдога чекинишдан ўзга чораси қолмади, у ерда кўчманчи тоғликлар бошпана беришди ва ҳаловатини таъминлашди. Ян-ди Кукунорда тўхтамай, қўшини билан ғарбга юришда давом этди, бу ерларда ҳеч қандай қаршиликка учрамай, фотиҳлик лаззатини тотди. Унинг ҳузурига Гаочан (Турфон), Ива (Хоми) ҳамда яна 27 майда бекликлар итоатни бўйнига олиб келдилар.⁴⁶ Тўғри, улар орасида Кошғар, Куча, Хўтан ва Қорашар вакиллари йўқ эди, шунда ҳам Лобнор ва Черчен дарёгача бўлган барча ерлар Хитой империяси таркибига кирган эди.

Бу Ғарбий турк ҳоқонлиги ва жунғор телелари хонлиги ҳудудлари дахлсизлигига тўғридан-тўғри тажовуз эди, бироқ на Чулохон Таман ва на Мохехон Гэлэн норозилик билдиришга журъат этишмади,⁴⁷ шу вазиятда Ян-ди Хитойга қайтди.

Суй улугворлиги. 604 йилда тахтга ўтирган Ян Гуан бой бир мамлакатнигина эмас, фаросатли отасининг музаффарлик тожини

⁴⁵ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 240-б.

⁴⁶ Mailla, *Histoire generale...*, 513-514б.

⁴⁷ Г. Е. Грумм-Гржимайло *уйлаганидек, икки фуқаролик бўлишининг эҳтимоли оз. (Западная Монголия..., 239-б.) Хитой императори иттифоқдошларини шилишни мўлжаллаган кўринади.*

ҳам мерос қилиб олди. Тарих музаффар, омадли ҳукмдорлар ўзини йўқотиб қўйишини кўп кўрган, бироқ Ян Гуан ўзганинг муваффақиятидан маст бўлганди. Якка ҳоким бўлиб олгач, ғалабалар қандай машаққатлар ва таҳликалар билан қўлга киритилганини унутиб қўйди. Рақиблар қудратини менсимаслик, ўзининг кучи чексиз бўлиб кўрингани учун ҳам у тахтига ва умрига завол бўлган қатор хатоликларга йўл қўйди.

Қайд этилганидек, Суй сулоласи, тобаларнинг бевосита авлодларини ҳисобга олмаганда, Шимолий Хитойнинг бутун аҳолисининг туркларга қарши кайфияти тўлқини остида қад кўтарди. Бироқ тобаларнинг миқдори кам бўлмагани учун Ян Цзян усталик билан ёндошар, муомала йўлини билар ва шу билан уларнинг бетарафлик кайфиятини бир маромда ушлаб турарди. Тобаларнинг хитойлашиб кетган насллари Буюк Хитой девори бўйлаб Хебейдан то Чанъангача истиқомат қилишарди. Улар орасида ер эгалари томонидан ҳокимиятдан четлатилган кўплаб тажрибали жангчилар бор эди.⁴⁸ Сўнги сулолалар томонидан нодонларча идора этилиши оқибатида хонавайрон бўлган Жанубий Хитой Ян-дига осонгина ўлжа бўлганди, у бир босиб олинган ўлка ҳолида бўлиб, салтанатга таянч бўла олмасди. Суй хонадони вассаллари бўлмиш туркут хонлари содиқлиги ўткинчи, фуқароларнинг хитой ҳиди келадиган барча нарсдан нафратланиши шубҳасиз эди. Мана шундай турфа хил ва безовта фуқароларни бошқаришга устамон, доно, эпчил ҳукмдор талаб қилинар эди. Шоҳликка кўтарилишда “ян-ди” унвонини олган, ворис шаҳзода эса, афсуски, ундайлардан эмасди. У Хитой тарихидаги энг шафқатсиз яккаҳокимлардан бири эди.

Суй сулоласининг Буюк девордан шимолда жойлашган мамлакатлардаги ҳокимлиги заминида, биринчидан, шарқий ва ғарбий туркутлар орасида вужудга келган шафқатсиз душманлик, иккинчидан, ипак матоларга тобора ортиб бораётган эҳтиёж ётарди.

VI юзйилликларда туркутлар ўзларини яхлит бир халқ деб ҳис этардилар. 80-йиллар ғалаёнида муҳолифлик шаҳзодалар орасида бўлиб, оддий хос аскарлар ғолиб томонга ҳеч иккиланмай ўтиб кетавердилар.⁴⁹ Қора Чурин Турк ҳоқонликнинг иккала қисмини бирлаштирганида, шарқда бу ҳеч қандай қаршиликка учрамади. Қачонки у енгилганида эса, шарқий туркутлар уни ўз ташвишлари билан қолдириб ташлаб кетишди. Хон билан бирга унинг ғарбий туркутлардан ташкил топган хос аскарлари ҳам ҳалок бўлишди, бу

⁴⁸ Шан Юэ, *Очерки...*, 178-б.

⁴⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж. 239-б.;

ҳалок бўлганлар қариндошлари билан сотқинлар орасида хун олиш одати қўндаланг бўлиб қолди. Ўша замонлардаги тушунча бўйича, қайта бирлашмаслик учун шунинг ўзи кифоя эди. Энди ҳоқонликлар орасидаги душманлик фақат кучайиб бориши мумкин бўлиб, янги фожиалар уни янада чуқурлаштириб бораверарди.⁵⁰

Ўз мавқеини мустақамлаш учун даштда фақат ихтилоф келтириб чиқариш камлигини англаган Суй ҳукумати, пора билан сотиб олиш, дабдабали меҳмон қилиш⁵¹ тизимини кенг йўлга қўйди ва бунга бир катта лашкарни таъминлашга етадиган маблағ сарфлашга зикналик қилмади. Масалан, 607 йилда Ян-ди Жангархон ва унинг аймағидаги 3500 нафар оқсоқолларга атаб базм ташкил қилди. Хоннинг ўзига 2 минг парча ипак, арава, ўргатилган отлар, мусиқа асбоблари, байроқлар совға қилинди. 3500 нафар оқсоқолларга ҳам совғалар берилди. 610 йилдан бошлаб Лоянда ҳар йили “вассаллар” учун бир ойга чўзиладиган байрамлар уюштириладиган бўлди. Театр асарларини қўйиш учун улкан бир сахна қурилиб, 18 минг машшоқ тинимсиз мусиқа чалиб турган. Эрталабгача фонуслар ёниб турган. Дўконлар безатилиб, мева дўконлари теварагига ҳам палослар тўшалган. “Вассаллар”ни ҳеч қандай муздсиз едирганлар, ичирганлар. Хитойда ҳамма нарса мўл, вино ва емак текин, деб ишонтирар эдилар. Ҳатто дарахт таналарини ҳам ипак мато билан ўраб қўйганлигидан кўчманчилар ҳайратга тушардилар. “Хитойда ҳам камбағаллар бор, кийим ҳаммага ҳам етмаса керак, дарахтларни ипак мато билан ўрашнинг нима кераги бор?” деб сўрашарди. Бу саволга улар жавоб олишолмаган.⁵² Тарим ҳавзасида хитой қиличининг зафари ўша ерлик ҳукмдорларга ришват едириш ҳисобига бўлиб, бунга ҳам кам маблағ кетмаган эди.⁵³ Табиийки, бунчалик катта ҳаражатни чексиз бой бўлган Хитой ҳам кўтара олмаслиги тайиндир. Молиявий таназзул билан боғлиқ ҳолда солиқларни мажбурий кўпайтириш Суй императори тахтини чайқатиб қўйди. Бунинг устига пора бериш сиёсати ҳам иш бермай қўйган эди. Хўжа кўрсинга қилинган дабдаба билан ҳеч кимни алдаб бўлмасди, пул дўстларга эса ишониб бўлмасди. Ян-ди унисига ҳам, бунисига ҳам тезда ўзи қаноат ҳосил қилди.

⁵⁰ Юқоридаги асар, 280-б.

⁵¹ Юқоридаги асар, 244-б.; Шан Юэ, черки..., 187-б.

⁵² Шан Юэ, Очерки..., 187-б.

⁵³ H. Cordes, Histoire generale..., 397-б.

ҒАРБИЙ ХОҚОНЛИК

Салтанат юраги. Хоқонликнинг бўлиниб кетиши туркут халқининг истаги ва иродасига зид равишда ёки, ҳатто душман кучларининг таъсирида содир бўлди, бир вақтлар яхлит бўлган бир халқ икки қисмининг йўли бир-биридан кескин фарқ қилиб қолди.

Шарқда вазият жуда кам ўзгарди, Хитойга вассаллик на туркут анъаналарига, на ишлаб чиқариш усулига, на хўжалик юритиш тизимига таъсир қилди. Шарқдаги туркутлар этник жиҳатдан жипс бўлиб қолаверди ва уларнинг ички имкониятлари исталган қўшни халқларникидан анча кўп эди. Дастлабки қулай вазиятда туркутлар даштда сиёсий жиҳатдан устун бўлиши мумкингина эмас, шундай бўлиши шарт ҳам эди.

Ғарбда бутунлай бошқача манзара кўзга ташланади. Туркутлар бу ерларда жуда ҳам камчиликни ташкил этарди. Истамихон анчагина хос аскарларни олиб кетганига қарамай, уларнинг сони бўйсундирилган халқлар олдида денгиздан бир томчидай эди, холос. Уларнинг олдида икки хил имконият турарди: ё турк деб аташимиз асосли бўлган халқ маҳаллий халқ орасига изсиз сингиб кетиши ёки қабиладошларининг катта қисми Суй императори панжаси остида қолгани сабабли узлари қурбон бўлишлари мумкин эди. Бироқ учинчи бир ҳолат содир бўлди: Еттисув, Чу воҳаси, Волганинг куйи оқими ва Кубан, Иртиш ва Ишим дарёлари юқори оқимидаги кўчманчилар Ашина сулоласига нисбатан мойиллик кўрсатишди. Худди шундай кайфият Тарим ва Амударё ҳавзалари, ҳатто Ҳиндукуш ва Кавказнинг ўтроқ ва тоғли аҳолиларида ҳам кўринди. Шундай қилиб, туркутлар бу ерларда ҳам соҳиблик мавқеини сақлаб қолишди.

Эътироф этмоқ керакки, Истами ва Қора Чурун моҳир саркардаларгина бўлиб қолмай, истеъдодли маъмурлар ҳам эдилар. Улар истилочилар сифатида келган мамлакатларида *modus vivendi* ҳосил қилишди. Улар келгунича тарқоқ ҳолда яшаб, бор кучларини ўзаро майда урушларга сарфлаб ҳаёт кечирган қавмлар тинч ҳаёт мазасини татиб кўришди, кўчманчи чорва хўжалигини ривожлантириш имконига эга бўлишди. Буларнинг барчаси кишилар онгида бирлик, яхлитлик тушунчасини ҳосил қилди, мана шу яхлитлик ўша чоғдан бошлаб турк деб аталина бошланди. Ҳукмрон табақа бўлмиш туркутларнинг айнан камсонли эканлиги янги тизимнинг турғун бўлишини таъмин этди, деб бемалол хулоса чиқариш мумкин. Хон аскарларини таъминлаш шу даражада енгил эдики, бу

тўловчиларда норозилик туғдириши мумкин эмасди. Бунинг устидан бир ҳукумат қўл остида яшаш афзалликлари кундай равшан кўриниб қолган эди. Давлатнинг ташқи сиёсати – “буюк карвон йўли учун кураш” аини пайтда ҳоқонликнинг жанубий савдо шаҳарлари ҳаётини эҳтиёжи, шимолдаги фуқароларнинг бойиш манбаи бўлиб, бу жиҳатдан сулоланинг ва мамлакатнинг манфаатлари уйғун эди. Ҳақиқий куч ҳукуматда эмас, Фарбий турк ҳоқонлиги то у 659 йили қулашига қадар, халқда бўлганлиги боис тарихни ташкил этадиган барча курумлар ва кучлар муносабатини оҳиста ривожини кузатамиз. Олдинга кетиб қолмай, диққатимизни 609 йилда гўдак Чулохон замони бошланишидаги аҳволга қаратайлик. Бундан аввал эса яна бир умумий мулоҳазани баён этсак.

Кейинроқ, мусулмонлар турклар билан тўқнашган кезларида туркларнинг атрофидаги бошқа халқлар билан тил топишиш қобилиятини кашф қилдилар Уларнинг бу фазилатлари вазиятдан холи тарзда намоён бўларди, яъни улар бир мамлакатни забт этиб ҳукмрон бўладиларми ёки меҳмон бўлиб келадиларми ёхуд ёлланма аскар бўладими у асир тушган қулми, барибир, бошқа халқлар вакилларига нисбатан тез эътироф қозонар эдилар.

“Турклар тақдиридаги шуҳрат ва омаднинг сабаби нимада эканлигини ким айтиб бера олади, — деб ёзади Фахриддин. Жавоби: маълумки, ҳар бир қавм ва кишилар тоифаси, ўз халқи орасида экан, ўз қариндошлари қуршовида, ўз шаҳрида экан ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлади, бироқ улар саёҳатга чиқиб, бегона юрт, элларга бориб қолса, ундан жирканадилар ёки мутлақо эътибор бермайдилар. Лекин туркларда бунинг тескараси: улар ҳали ўз юртида ва қариндошлари орасида экан, улар бошқа турли қабилалардан бири бўлиб қолади, холос. Уларни етарлича қудратга эга бўлмагани учун, ҳатто ёрдамга ҳам чорламайдилар. Улар ўз юртларидан мусулмонлар юртига келганида эса, улар ўз чодирини, қариндошлари ва мамлакатидан қанча олислашса, шунчалик қудрати ошади ҳамда эътибори ошиб бориб, улардан амирлар, сипоҳсолорлар етишиб чиқади.”

Куйироқда яна шундай дейилади: “Турклар шоҳи, донишманд ва мутафаккир Афросиёб айтганлари ичида мана шундай гап бор: “Турк денгиз чиғаноғи ичидаги дурга ўхшайди; дур ўз уйида яшаганида қийматга эга бўлмайди, бироқ у денгиз чиғаноғидан ташқари чиқар экан қийматли бўлади; шоҳлар тожини ва келинлар қулоғини безайди.”¹

XII асрнинг теран тушунчали олими кузатувлари VII аср туркутларига ҳам тааллуқлидир. Куч қудратга тўлган чоғидан 50

¹ И. Умянков, *История Фахрэддина...* 10-б.

йил ортиқ яшаб қолган сулола собитлиги сири ана шундадир. Туркут хонларининг ҳукмронлик санъати турли-туман ва жанговар аҳолига эга бўлган мамлакат ички осойишталигини таъминлаган дейиш нотўғри бўлар эди. Заифлашган Ашина сулоласи барча фуқаролар учун маъқул бўлгани ҳолда ҳам, асл кучлар ва ҳаяжонлар қонунийлик асосида ўзаро курашни давом эттирдилар. Хонлар тахтни сақлаб қолиш учун ҳақ тўлаб, қабила беклари ва суғуд деҳқонлари қўлида қўғирчоққа айландилар, булар эса ҳокимият кучсизланганда, қатор гуруҳ ва тўдаларга уюшиб, устунлик учун ўзаро кураш олиб боришди.

Раҳбарлик мақомига даъво қила оладиган икки қабила иттифоқи кўзга ташланди: бири Етгисув ва Жунғорияда яшовчи дулулар бўлса, иккинчиси Фарбий Тянь-Шаннинг Иссиққўл атрофида яшовчи нушибилар эди.² Бу иттифоқнинг ҳар бирида бештадан қабила бўлганлиги сабабли баъзан Фарбий ҳоқонликни “ўн қабила” деб аташ ҳоллари ҳам учрайди, бу эса ўз навбатида салтанатда ушбу қабила иттифоқлари аҳамиятини намоён қилади. Шунинг билан бирга “турк жабғу” атамаси ҳам учраб туради ва Элхон Бумин замонасида Истами ябғу бўлганлиги³ хотираси туфайли бу ном билан Фарбий ҳоқонликда яшаган туркутлар ҳам тушунилади. Гап салтанат ҳақида кетганида ушбу ҳар икки ном алмашилиб бири ўрнига иккинчиси қўлланаверади. Бундай икки хил номланиш эса VII юзйилликда туркутлар билан ўн қабила турклари орасида айирма ҳали йўқолиб кетмаганлигини кўрсатади.

Туркутлар ва турклар. Қўлингиздаги тадқиқотда тикланган Фарбий ҳоқонлик манзараси дунё фанида қабул қилинган Э. Шаваннинг тамойилларидан тубдан фарқ қилади. Фарқ бир неча атамаларнинг фаразий англанишига ва Э. Шаваннинг XX аср рус тадқиқотчилари тўғри эмаслигини аниқлаган умумий тарздаги бир мулоҳазаси билан боғлиқдир.

Э. Шаванн ўз қарашини В. Радлов ва Ф. Хиртларнинг теле=толо⁴, сеянто=сир тардуш⁵, огор=уйғур⁶ айнанлиги ҳақидаги фарази асосига қуради ҳамда ўзидан абарлар=жужанлардир⁷ деган

² А. Н. Бернштамнинг VII аср Тянь-Шан туркларини Енисей қирғизлари билан боғлашга уриниши (А. Н. Бернштам, *Археологические очерки...*, 51-54 ва 61 б.) Н. А. Шер томонидан асосли рад этилди ва у нушибилар Олтой билан боғлиқ эканлигини археологик ашёлар асосида далиллади (Қаранг: А. Я, Шер, *Памятники алтайско-орхонских тюрков...* 158-166-б.)

³ Жабғу ва ябғу бир сўз. Фарқи й-лашган ва ж-лашган шевалар билан изоҳланади.

⁴ E. Chavannes, *Documents...*, 14-б.

⁵ *Ibid...*, 87-б.

⁶ *Ibid...*, 251-б.

⁷ *Ibid...*, 232-б.

тахминини кўшади. Биринчи жуфтликнинг айнанлиги ҳеч қандай асосга эга эмаслигини В. В. Бартолд кўрсатиб ўтган ва у умуман, Э. Шаванн ишига паст баҳо берган.⁸ “Огорлар” масаласига келсак, М. И. Артамонов улар Урал тевараги угорлари эканлигини аниқлаб берди.⁹ Абарлар муаммосини юқорида кўриб ўтдик. Ушбу аниқ хатоларни ўзиёқ Э. Шаванн таҳлилининг эскирганлигини кўрсатиб, бутун материалини қайта кўриб чиқишга ундайди. Шу аснода биз Э. Шаванннинг — “ғарбий турклар ягона бир халқни ташкил этмаган, бироқ турли қабилалар бирлашмаси бўлган”¹⁰ деган қарашига аниқлик киритиш заруриятини сезамиз.

Шаванн учун Егтисувдаги туркут ва турки қабилалар бир қавм бўлиб, воқеалар тикланиши жараёнида туркутларга этнос сифатида ҳеч қандай ўрин йўқдир. Агар бу қарашга синчиклаб эътибор берилса, бундай муносабат воқеани тўлиқ англашга ёрдам бермайди. Бундан ташқари, Б. Х. Кармишеванинг этнографик тадқиқотларида Ўрта Осиёда туркутларнинг бевосита насллари аниқланган. Ўрта Осиё туркутларининг ҳозирги ўзбеклар таркибига кирган қабилалар номлари орасида маҳаллий халқ томонидан “турк” деб аталувчи қабила ҳам бор. Унинг ичида эса қорлуқ, барлос, калтатой, мусобозорилар қатори қабила бирлиги сифатида ўзларини “турк” деб атовчилар ҳам бор.¹¹ Биринчи ҳолатда “турк” номи билан Мовароуннахрнинг XIV-XV юзйилликлардаги қадимги турки тилли аҳолиси назарда тутилмоқда. Булар орасида Шайбонийхон билан биргаликда Дашти қипчоқдан келган кўчманчи ўзбек (тор маънода)ларга қарама-қарши кўйиладиган турклашган мўғул қабиласи — барлослар борлиги билан фикримиз тасдиқланади. Иккинчи ҳолатда, “турклар” лоқай, кесамир, семизлар (тор маънода) ўзбекларгагина эмас, ҳатто қорлуқларга ҳам ўзларини қарама-қарши кўяди. Уларда уруғлар фарқланиши йўқ, фақат бир гуруҳгина ўзларини туған турки¹² деб аташади. Ҳозирги вақтда ҳамма учун ҳам тушунарли бўлавермаган “туғ” — ‘туғ, байроқ’ сўзини биладиганлар уни мўғул тилига боғлашади. Бу сўз ‘яловбардор’ ёки ‘исёнчи турклар’¹³ маъноларига ҳам эга бўлган бўлиши мумкин. Ривоятга кўра, “туған” сўзи 1200 йил аввал яшаган бир жасур жангчининг исми. Асли татаристонлик бўлган турк-калтатой уруғи ўша кишидан тарқалган”.¹⁴

⁸ ЭВОРАО, XV ж., 1904, 0171-0173, 1185 б.

⁹ М. И. Артамонов, Очерки...,

¹⁰ E. Chavannes, Documents..., 205-б.

¹¹ Б. Х. Кармишева, Этнографическая группа “тюрки”..., 4-б.

¹² Ўша асар, 11-б.

¹³ Ўша асар, 3-изох.

¹⁴ Ўша ерда.

Б. Х. Кармишева бу “турк”лар Ўрта Осиёга келган энг қадимги туркларнинг авлодлари бўлса керак деб ҳисоблайди: “Ҳатто қорлуқлардан аввал келганлар”нинг авлодидир”.¹⁵ Б. Х. Кармишеванинг хулосаси ишончли ва у тўплаган материал жуда муҳимдир. Бу материаллар биз “туркут” деб атаётган қабиланинг VII-VIII асрларда Ўрта Осиёда (1200 йил олдин) бўлганлигини узил-кесил тасдиқлайди. Ушбу қабиланинг этнографик хусусиятлари бизнинг мулоҳазаларимиз фойдасига далолат беради. “Турклар” ўзбеклар ва қирғизлар билан аралашиб кетмайдилар ва улар билан никоҳ муносабатларига киришмайдилар. Айни чоғда улар яқин вақтларгача кўчманчи чорвачилик турмуш тарзини сақлаб келишган.¹⁶

И. И. Умняков “Фахриддин Муборакшоҳ тарихи”га ёзган изоҳли хулосасида китобда зикр этилган қабилалар рўйхатини берган, “турклар” ушбу сирада биринчи ўринда келтирилади. XII-XIII юзйилликларда “турк” сўзи турк қабилаларининг умумий номи бўлиш билан бирга, “алоҳида бир турки қабиланг номи ҳам бўлиши эҳтимоли бор”¹⁷ деб ҳисоблайди Умняков.

Ҳеч шубҳасиз шундайдир. Бинобарин, биз таклиф этган “туркут” атамаси Э. Шаванндай улугвор таҳлил устасини ҳам домига тортган тушунчалар чалкашлигини бартараф этишга имкон беради. Шунинг ҳам айтиб ўтмоқчиманки, Э. Шаваннинг сунъий тузилмаларини қабул қилмаган ҳолда, В. В. Бартолднинг мазкур франсуз шарқшуносини таҳлилий қисми ҳақидаги салбий фикрларига ҳам қўшила олмайман.¹⁸

Ҳоқонлик таркибидаги Сугдиёна. Ашина уруғи хонларининг ғарбий тармоғи куч-қудратни Еттисув ва Чу воҳаларидаги дашт кўчманчиларидан олса, бойлиги Ўрта Осиё ва Тарим ҳавзасидаги ўтроқ аҳоли ҳисобидан тўпланарди. Сугуд деҳқонлари ва савдогарлари ғарбий турк ҳоқонларидан шу даражада яхшиликлар кўрдик, натижада улар ўзлари тахтнинг таянчига айланиб қолишди. Ўрта Осиё VII аср бошларида ўз иқтисодий ва маданий тараққиётининг чўққисига кўтарилди: зироатчилик, савдо ва ҳунармандчилик шиддат билан ўсиб борди, турли ақидалар ёнма-ён тотувликда кун кечирарди. Хитойдан Византияга оқиб кетаётган ипакнинг бир қисми Бухоро, Самарқанд, Чоч (Тошкент), Қошғар, Куча ва Турфонда оғир олтин ёмбилар сифатида қолар ва улардан деҳқонлар ва тижоратчиларнинг аёллари учун зеб-зийнатлар

¹⁵ *Уша асар. 10-б.*

¹⁶ *Уша асар. 12-б.*

¹⁷ *И. Умняков, История Фахрэддина..., 115-б.*

¹⁸ *ЭВРАО. XV ж., 1904, 0185-б.*

ясаларди. Бу фаровонликнинг ҳаммаси Сўғдиёнанинг туркут хонига бўйсунуши меваси эди.

Қанчалик ҳайратланарли бўлмасин, Ўрта Осиё мулкларининг маданий юксалиши сиёсий ўз-ўзини англашнинг энг паст даражаси билан қовушиб кетган эди. VI аср Сўғдиёнаси майда-майда бекликларга бўлиниб кетган бўлиб, бирлашиш зарурати ҳаёт-мамонт масаласи бўлишига қарамай, бирлаштирувчи куч жамиятда йўқ эди. Фақат сиёсий бирликкина карвон савдоси, гуллаган боғлар, шаҳарлардаги устахоналар хавфсизлиги кафолати бўла оларди. Ашина хонлари мамлакат учун зарур бўлган хотиржамликни таъминлади. Айни пайтда уларнинг ички ишларига аралашмади. Суғуд кентлари мухторлигини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда, савдодан тушадиган кўз кўриб қулоқ эшитмаган даромаднинг бир қисмини ҳирож сифатида тўлашар эди.

Суғудлар ҳоқонлик сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлари маълумдир. Уларнинг ҳатти-ҳаракатларини карвон савдоси ривожига манфаати белгиларди. Шимолдаги кўчманчи дулулар харид бозорлари ва жўнатиш нуқталаридан йироқ бўлганлиги учун уларга ипак савдосидан наф кам тегарди. Баъзида улар Жунғор дарвозаси орқали юрадиган карвонни талашга муваффақ бўлар эдилар, бироқ бу улар учун мунтазам даромад келтира олмасди, чунки карвонлар кўпинча Кучадан Авлиёотага борадиган ушбу хатарли йўлни четлаб ўтарди.¹⁹ Фарғона ва Сугдиёнага яқин жойда яшайдиган жануб кўчманчилари-нушибилар мунтазам равишда ўз ерларидан карвонларни жон деб ўтказар эдилар. Уларда карвонларга ҳужум қилишга ҳеч қандай ҳожат йўқ бўлиб, ўз еридан ўтказгани, хавфсизлигини таъминлагани, йўлбошловчилар ажратгани, овқат ва ўтин етказиб берганлари учун музд олиб суғудлар каби бойиб борардилар. Ашина уруғи хонлари билан суғуд ва нушиби қабила иттифоқининг муштарак манфаатлари уларни яқинлаштирди ва салтанат таянчига айлантирди.

Бу курашаётган тоифалар кучини мувозанатга келтирди ва ҳозирги Қозоғистоннинг бепоён текисликларини эгаллаган ҳамда жасоратли ва жанговарлик қобилиятига эга бўлган дулуларнинг рақиблари шаҳар аҳолисидан маблағ ва моддий неъматлар олиб турган нушибилардан ғолиб келишга имкон бермади. Биз ўрганаётган замонамизда нушибилар жуда қулай географик маконни-Тян Шаннинг ёнбағирларини эгаллаган бўлиб, туркутлар учун бу сув ва ўрмон билан қопланган ерлар яйлов сифатида муҳим иқтисодий аҳамият касб этарди. Бундан ташқари, Турфон кўчманчиларни ундан

¹⁹ E. Chavannes, Documents..., 8-9-6.

ҳам зарурроқ бўлган нарсалар — нон ва газлама билан таъминлар эди. Бу товарлар Турфонда шунчалик кўп эдики, ҳатто улар Хитойга ҳам чиқариларди.²⁰

Умуман олганда, бутун Шарқий Туркистон ўлкасида фақат Турфон ва Хўтангина сезиларли даражада сиёсий мавқега эга эди. Хўтан буюк ипак йўлидан сиртда, Такла Макан саҳроси ортида бўлиб Тибет ва Ҳиндистонга мойил бўлса, Турфон воҳаси эса, Хитой ва шимолдаги кўчманчилар билан боғланган эди. Фарбий турк хонлари сиёсатини таҳлил этишда ўша чоғларда Гаочан беклигига қарам бўлган Турфон тарихига назар ташлаш фойдадан холи эмас.

Турфон воҳаси Шарқий Туркистоннинг азалий маданий марказларидан биридир. Хитой ушбу ерлар учун хунлар билан қаттиқ урушлар олиб борган ва ғолиб келиб, бу ерда Гаочан-лей²¹ деган аскарлий колония вужудга келтирган. Хан хонадони йиқилгач, бошланган алғовдалғов замонида Хитой Шарқий Туркистонни қўлдан чиқаради, бироқ кўп ададли хитойликлар Турфоннинг баракали ерида ўрнашиб қолиб кетадилар. Навбат билан жужанлар, гаогуйлар ва ниҳоят 590 йилдан бошлаб туркутларга қарам бўлиб келган Гаочан тўлиқ мустақил бўла олмаган. Бироқ бу фатҳлар маҳаллий сулолаларни йўқ қилмади. Жумладан, туркутлар тобелик белгиси сифатида одатлари ва кийимини ўзгартиришга мажбур қилишди, холос. Баён этилаётган давр давомида Гаочанда хитойсеварлар билан кўчманчиларга таянган тоифалар кураши тинган эмасди. VI аср охирига келиб Гаочаннинг мавқеи шунчалик ошиб кетдики, туркут хони ўз қизи билан Гаочан беги никоҳига рози бўлди. Онаси туркут хони қизи бўлган Гаочан ҳукмдори туркут салтанатининг Жангар Киминхон каби қуруқ савлат хони даврида кучсизланганидан фойдаланиб, юзини Хитой томон бурди. 609 йилда у Ян-ди ҳузурига борди ва у ерда император хонадонига мансуб қизни хотинликка олди.

Хулоса қилиб айтганда, Ашина хонадони фарбий тармогининг аҳволи ниҳоятда оғир эди. Суғуд тижоратчилари билан анъанавий иттифоқчилик ўз-ўзидан Эрон билан душманлик келтириб чиқарарди. Гаочан ҳоқонлик билан Хитой орасидаги ҳамон талаш бир жой бўлиб қолаётган эди. Фарбда хазарлар ишончсиз, шарқда телелар очиқ душман эди. Сулоланинг таянчлари ҳисобланмиш дулу ва нушиби қабила беклари, имкон қадар мустақил бўлиш учун ҳукуматнинг кучсизланишидан манфаатдор эдилар. Бу тамойиллар амалга ошса, аслида анархия вужудга келарди ва марказий ҳокимият

²⁰ *Ibid.*, 107-б.

²¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 249-255-б.

обрўсини фақат жуда истеъдодли, қудратли хонгина сақлаб қола оларди. Бундайлар эса унча кўп эмасди.

Дулу-етагчи. Чулохон Таман. 694 йил Фарбий турк ҳоқонлигининг узил-кесил парчаланиш йили бўлди. Қора Чурин Бўғухондай буюк киши дараксиз кетди, унинг Нилихон деган ўғли ҳалок бўлди, тахтнинг қонуний вориси Баси (Пўши) тегин лақабли Нилихоннинг укаси Хитойда тутуқланди. Қонуний тартибга хилоф равишда Чоч ҳукмдори Шегуй ўрнига Нилихоннинг ўғли Таманга Нигу Чулохон унвони билан тож кийдирилди. Янги хон тахтга чиқарилганда ҳали атак-тетак юришни ҳам билмасди, чунки у отаси ҳалокатидан сал олдин туғилганди. Савол туғилади: қайси тоифа уни хон қилиб кўтарган? Унинг ўрдасининг географик жойлашуви — “аввалги Усун ерлари”²² — яъни Или дарёси²³ ҳавзаси бўлиши ҳокимият дулу қабила иттифоқи қўлига ўтганлигини билдиради. Улар хон ҳокимиятини бўлиб ташлаш билан унинг ҳукмронлигини чегаралашга уриндилар: ғарбда ҳам, шарқда ҳам валийлар “кичик хон” унвонига эга бўлишди, мансаб зинасига давлат ишлари билан шуғулланадиган сифаян ва хунда лавозимлари киритилди.²⁴ Ғўдак хон ўз қўл остидагиларнинг қўғирчоғига айланди.

Эътиқод борасидаги ислоҳотларнинг ҳам таъсири кам бўлмади. Туркут хони, айтиб ўтилганидек, фақат ҳарбий йўлбошчигина эмас, балки йилда икки марта ота-боболар ва осмон руҳига қурбонлик келтирадиган олий руҳоний ҳам ҳисобланарди.²⁵ Фарбий ҳоқонликда беклар хонни бу муҳим бурчдан маҳрум этишди, қурбонлик қилиш учун муқаддас ерга юқори лавозимли мансабдорлардан бири борадиган бўлди. Бу фақат хоннинг ўзинигина эмас, балки унинг қабиладошларининг ҳам камситилиши бўлиб, улар дулу беклари бошқараётган ҳукуматга қарши нушиби беклари ва суғуд деҳқонларига суяниб ҳаракат бошладилар. Суғуд деҳқонлари — ер эгалари ипак етказиб берадиган ва буюк карвон йўли хавфсизлигини сақлайдиган ҳар қандай даъвогарни маблағ билан таъминлашга тайёр эдилар. Бироқ туркутлар фақат Ашина уруғидан бўлган хонга хизмат қилишга тайёр бўлса, нушибилар ўзларига мойил бўлган киши тахтда ўтиришини хоҳлар эдилар. Мазкур эҳтиёжларнинг барчасини қондира оладиган номзод топилди: бу Қора Чурин Туркнинг невараси²⁶, кичкинагина улус — Чоч беклигига қаноат қилишга мажбур бўлиб юрган Шегуй эди. Унинг яйлоғи Талас дарёси жанубидаги Мингбулоқда²⁷ —

²² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 279-б.

²³ E. Chavannes, *Documents...*, 146.

²⁴ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 279-б.

²⁵ *Уша асар*, 230-231-б.

²⁶ *Уша асар*, 279-281-б.

нушибилар ерида бўлиб, бу бек нушибилар билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатган бўлса керак.

Нушибилар ғалабаси. Шегуйхон. Чулохон Таман номидан идора этадиган дулу иттифоқи оқсоқолларидан иборат ҳукумат укувсиз бўлиб чиқди. Шарқий ўлкалар ажралиб кетди, дулулар ва телелар талон-тарож уюштириб карвон савдосига тўсқинлик қилишди, Хитой билан тинчлик битими тузиш учун берилган қурбонлар самара бермади. Мамлакат ичидаги вазият ҳам хавфли тус олди. Ҳукуматнинг ожизлиги суғуд кентларини Хитой билан бевосита яқинлашишига олиб келди. Хитойга иттифоқ тузиш учун Турфон таклифидан сўнг (608 й.)²⁸ унга 609 йилда Ан (Бухоро), Бокан (Фарғона), Ши, Ми (Маймурғ), Цао, Хэ, Унагэ, Му, Кан (Самарқанд)²⁹ каби Ўрта Осиёдаги ўлкалар эргашди. Ундан кейин 610 йилда Куча ва Гибин тортиқлар билан элчилар жўнатдилар.³⁰ Ниҳоят, Шегуйдан ҳам элчилик келди. Бу элчилик совчи сифатида келган бўлиб, Хитой ҳукумати шу баҳонада Чулохонга таъсир ўтказиш учун қулай фурсат етиб келди, деб ҳисоблади. Келин ўрнига Шегуйга унинг буюк хонлиги ҳақидаги фармон ва “ишлари ўқдек шиддатли авж олиши учун” оқ патли ўқ жўнатишди. Дулулар элчиликни қўлга тушириб, ўқни тортиб олдилар, бироқ элчининг ўзи “алдов билан кутулиб қолди”³¹ ҳамда Шегуйга музокара натижаси ҳақида хабар бериб улгурди. Шегуй шу заҳоти Таман устига юриш қилиб, унинг аскарларини қириб ташлади. Таман шарқ томон қочиб қолди, уни таъқиб этишди, талашди, сўнг хитойларга таслим бўлди. Унинг тарафдорлари учта кичик-кичик ўрдага бўлиниб кетди (612 й.)³²

Таманнинг тақдири фожиали бўлди: 618 йилда сулола алмашингач, шарқий туркутлар хитойлардан мазкур душманни талаб қилишди. Давлат маслаҳатчилари қандайдир бир туркутни деб зиддият келтириб чиқармаслик учун императорни Таманни топширишга кўндиришди. Уни ўлгудай маст қилишиб, хонасига туркут элчисини киритиб юборишди. Элчи ўз қўли билан Таманни бўғизлади.³³ Қотиллик пинҳона амалга оширилди, чунки хоинликни

²⁷ Пело “Бинг юл” деб ёзади (Қаранг: P. Pelliot, *Le nom ture...*, 89-190-б.).

²⁸ E. Chavannes, *Documents...*, 169 б.

²⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 272-274-б.

³⁰ Уша асар, 257, 276-б.

³¹ Уша асар, 282-б.

³² Иакинф Бичурин, *История Китая*.

³³ Н. Я. Бичуринда Таманни Тун жабғуҳон ўлдирган дейилади *Собрание сведений...*, I ж., 283-б.). бироқ қаранг: E. Chavannes, *Documents...*, 22, 52, 263-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 358-б.

кўчманчилар ҳам, хитой аскарлари ҳам кечирмасди, сезилса янги сулола шаънига путур етарди.

612 йилги тўнтариш дулу оқсоқоллари уқувсизлиги туфайли кужудга келган сиёсий кескинликни тўла бартараф этди. Сугдиёна ва Тарим ҳавзаси бекликларининг ҳаммаси ғарбий туркут хони қаноти остига қайтди. Фақат ўз жуғрофий ҳолатига кўра теле қабилалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган Гаочан бундан мустасно қолди. Телелар бу бой ўлкадан кўчманчиларга зарур бўлган деҳқончилик ва хунармандчилик маҳсулотларини олар эдилар. Гаочан орқали ўтадиган йўл тўппа-тўғри дулу кўчманчиларига борар ва бу йўл гаочанликларга божхона божи шаклида жуда катта даромад келтирарди.³⁴

Ана шулар туфайли 612 йилда Гаочан беги савдо бўйича рақиблари бўлмиш қарашарликлар, кучаликлар ва суғудларга ҳомийлик қилаётган Шегуйхондан кўра Суй хонадонига бўйсуннишни афзал кўрди. Шегуйхон озгина ҳудудни йўқотганига унча қайғурмади, чунки хитойлар 609 йилда император Ян-дига қараган баъзи водийлар устидан назоратни унга ҳам туҳфа қилган эдилар.³⁵ Ғарбий ўлкаларга қизиқиши сўнган императорнинг бутун эътибори Кореяни босиб олишга қаратилгани боис ҳам Шегуйнинг кучайиши бир томондан унга қўл келарди. Императорнинг бу тантилиги икки халқнинг кўп қони тўкилишига, мустабидлиги жони ва тахтидан ажралишига олиб келди. Корея уруши ҳақида биз бошқа бир муносабат билан тўхталиб ўтармиз, ҳозирча эса Ғарбий ҳоқонликдаги ички вазият масаласига қайтамыз.

Нушиби-етакчи. Тун Жабғухон. Шегуйнинг ғалабаси 604 йил Қора Чурин Турк ҳалокатига қадар бўлган вазиятнинг тикланиши демак эди. Ички вазият мустаҳкамланди, ташқи вазият қийинчиликлари бартараф бўлди. Энг мураккаб ва кескин муаммо – Жунғорияда мустақил телелар бирлашмаси мавжудлиги ўз-ўзидан ҳал бўлди. 619 йилда кибиларнинг Мохэxon Гэлэн ва сеянтоларнинг Ишбар (Ишибо) деган бошчилари ўз унвонларидан ихтиёрий тарзда воз кечиб Тун Жабғухонга тобелик билдирдилар.³⁶ Ушбу воқеалар урушнинг асл сабабчилари телелар ҳам эмас, Ашина хонлари ҳам эмас, балки қўшнилари билан чиқиша олмайдиган, чиқишишни истамайдиган ўжар дулу қабиласи эканлигига далолат бўлади. Дулулар қадимги хунларнинг жангари кўникмалари ва от устида жанг қилиш

³⁴ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 280-б.

³⁵ Уша асар, 283-б. E. Chavannes, *Documents...*, 24 б.

³⁶ E. Chavannes, *Documents...*, 24, 52, 263-б. Санани аниқлаштириш юзасидан қаранг: Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 243-б.

хадисини “мерос қилиб олган эди”лар. Бироқ бир пайтлар хунларга “халқлар устидан ҳукмрон бўлиш” имконини берган нарса энди қаттиқ қаршиликка дуч келиб қолди. VII юзйилликка келиб савдогар ботир билан ёнма-ён туриб, дашт баҳодирларини чўлу биёбонларга сиқиб қўйиш учун ўзига кераклича тарафдорлар тўплай олар эди. Буни теле оқсоқоллари ўз вақтида англаб, бўйсунуш билан хотиржамликка муяссар бўлишди. Улар Ашина хонлари қўли ва чўнтагини даштдан ўтадиган карвонлар ипак ва олтинлар билан тўлдириб турганлиги туфайли, ўзларининг қўй-қўзиларига кўз олайтирмаслигини билар эдилар.

Карвон йўлининг аҳамияти ўша замонда “Суйшу”нинг жуғрофий бўлимига киритилган шаҳарлар жойлашуви тартибига мос келар эди. Асосий йўл Тяш Шаннинг шимол томонидан ўтганлиги боис биринчи нуқта сифатида Турфон воҳасидаги Гаочан олинган эди. Иккинчи асосий нуқта Кан, яъни суғуднинг бош ва энг бой кенти Самарқанд бўлган. Суғуд ҳокимининг хотини Қора Чурин Туркнинг қизи — туркут маликаси эди. Бу ерда туркут қонуни ва туркут ёзуви ҳукмрон эди.³⁷ Самарқанд Ашина хонларига тобе бўлишдан катта манфаат кўрган ва туркут хонларига узоқ вақт таянч бўлган шаҳарлардан бири эди. Хитой географи атайлаб таъкидлайдики, Самарқанд аҳолиси “уста тижоратчи... кўплаб чет элликлар бу ерга савдо қилиш учун келишади”.³⁸

Навбатдаги нуқта Ан, яъни Бухородир. Бу ерда туркут хонига боғлиқлик борасида ҳеч нарса дейилмаган. Шунга қарамай, Бухоро ҳоқонлик таркибидаги улуслардан бўлиб, у ерни шод идора этарди, айна чоғда Чоч (Тошкент)нинг ҳукмдори бор-йўғи тудун унвонига эга эди. Суғдиёнанинг бошқа барча кентларидан фарқ қилиб, фақат Чоч Шегуйхонга қаршилик кўрсатди, бироқ мағлуб бўлиб бевосита Ашина уруғи шахзодасига бўйинсунадиган бўлиб қолди.³⁹

Худди шу тариқа иккинчи йўл белгиланган эди, у: Қарашар, Куча, Қошғар ва Хўтан, кейин Фарғона, Тохаристон ва Идан, яъни эфталитлар мамлақати бўйлаб ўтарди. Бу йўл Тяш Шаннинг жанубий томонидан ўтар ва Хитойни Ҳиндистон билан боғларди. Бу йўл ўтадиган ўлкалар Фарбий туркут хонига бўйсундирилган бўлиб, манбада қайд этилган Амударёнинг жанубидаги эфталитлар қолдиқларини бўйин эгдириш воқеасига махсус тўхталиб ўтилади.⁴⁰

³⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 281-б.

³⁸ E. Chavannes, *Documents...*, 263-б.

³⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 282-б.

⁴⁰ *Ўша асар*, 286-б.

Ўрта Осиё марказидаги бекликлар: Ми-Маймурғ, Ши-Кеш, Цао-Усрушан, Хэ-Кушан (Каттақўрғон) матнда кетма-кетлик билан эмас, балки тўплаб берилган, зотан, улар ягона маданий майдонда жойлашган эдилар. Ундан кейин Унагэ-Марв, Му-Амул ва Боси-Форслар туркут хонига қарамаган ўлкалар сифатида алоҳида гуруҳланган.⁴¹

Амударё Фарбий туркут ҳоқонлигининг фақат ўрта ва куйи оқимидагина чегараси ҳисобланарди. Дарёнинг юқори оқими минтақасида эса, туркутлар ундан ўтиб Афғонистон орқали Шимоли-Фарбий Ҳиндистонга суқилиб кирган эди.⁴² Туркутлар бу минтақаларни эгаллашга куч сарфлаган эсалар-да, бу ҳақда манбаларда тафсилотлар сақланмаган. Бу ҳақда ягона, лекин сермаъно бўлган куйидаги ибора хабар беради: “Тун Жабғухон тадбирли ва жасур эди. Қачон у жангга киришар экан, доим зафар қозонарди”.⁴³ Бу ғалабалар унга Эронни барча шарқий чегаралари бўйлаб ўраб олишига имкон берди. Фарбда Византиянинг собитли қаршилигига дуч келган шоҳаншоҳ Хусрав Парвезда, туркут хони қуввагини ошиб боришига халақит бера оладиган куч йўқ эди. Бунинг устига шоҳ шарқий чегараларни қўриқлашни ишониб топширган арман наҳрларлари туркутларга сотилиб, Каспий денгизини айланиб Кавказга ўтишади ва форсларга қарши урушда қатнашадилар.⁴⁴ 620 дан то 630 йилгача Эроннинг шарқий чегараси ҳимоясиз қолганлигига қарамай, Тун Жабғу Эронга шарқдан ҳамла қилмайди. Албатта, бу унинг тинчликсеварлиги натижаси эмас. Бу кезде у Кавказда фаол ҳаракат бошлаб юборган эди, бироқ Ўрта Осиёда омонат бир тинчлик ҳукм сурарди.

Бундай ғайри табиий ҳодисани Фарбий ҳоқонликда нушибилар ғалабаси натижасида вужудга келган ижтимоий кучлар муносабати билан изоҳлаш мумкин. Тижоратчилар савдо қилишни исташарди. Уларни ҳатто душманлари бўлмиш форсларни ипак билан таъминлаётгани ҳам ташвишлантормасди, чунки ғалаба йироқ, унга умид боғлаш қийин, бироқ даромад нақд эди. Бунинг устига Баҳром Чубин юриши ва 589 йилда Авазанинг тор-мор келтирилиши, суғудларга форслар қайта ҳужумга ўтишга қодирлиги, ҳатто Балхни қайтариб олиб, Ҳиндистон йўлини ўз назоратига олиши мумкинлигини амалда кўрсатиб қўйди. Ана шунинг учун хонни Эрон билан урушга ундар экан, улар хон қўшинини Каспий денгизи ортига ташлашга кўндиришнинг уддасидан чиқишди ва Гуржистон,

⁴¹ *Уша асар, 288-б.; E. Chavannes, Documents..., 264-б.*

⁴² *Уша асар, 288-б. E. Chavannes, Documents..., 130-б.*

⁴³ *Ibid, 52-б.*

⁴⁴ *Себеос, История императора Иракла, 76-б.*

Арманистонни хонавайронликка маҳқум этиш билан ўзларининг қасрлари, боғлари ва туялари хавфсизлигини таъмин этдилар.

VII асрнинг 20-йилларида жанубий-шарқий Оврупанинг чўллари туркутлар ҳукмронлиги остида эди. Бу ерларда хоннинг вакил ҳокими “Жабғу ҳоқон” унвонли укаси эди. Хоннинг ўғли эса “шод”⁴⁵ унвони билан бош саркарда бўлиб, “Агвон тарихи”да уни шимол подшосининг жияни деб атайди. Демак, Жабғухон – Жабғу ҳоқон “шимол подшосининг” укаси бўлган.

Ўша пайтларда Ғарбий туркут салтанатининг хони, мустақил подшоси Тун Жабғухон эди. “Шимол подшоси” дейилганда айнан ана шу хон назарда тутилган кўринади. Жабғухон ҳалокати билан “шимол подшоси” ҳалокати санаси бир хиллиги (630 й.)⁴⁶ ҳам шуни кўрсатади. Унинг акалари 626 йилгача ўлиб кетишган бўлиб, укаси Мохошодгина ҳаёт эди. 618 дан 626 йилгача бўлган вақт оралиғида Мохошод дипломатик топшириқ билан⁴⁷ Хитойга келгани қайд этилган бўлса-да, Хитой воқеаномаси бундан кейин унинг номини тилга олмайди. У ябғу унвонини олиб, ғарбий вилоятларнинг ҳукмдорига айланган, деб таҳмин қилиш анча асосли кўринади, чунки хоннинг ундан бошқа яқин туғишгани қолмаган эди. “Агвон тарихи”даги унинг уч ўғлидан “шод” унвони билан берилгани қайси бири экан? Ўғилларининг тўнғичи Бухоро улус беги Нишу Ган шод эди.⁴⁸ Иккинчи ўғли Тўнға шоднинг улуси қаерлиги номаълум, лекин у Қорашар ҳукмдори билан узоқ муддат дўст бўлганлиги назардан қочирилмаса, улар бир-бирига яқин ерларда яшаганлиги тахмин этилса, унда Тўнға шонинг улуси Ўрта Осиёда бўлиши керак. Энг мос келадигани учинчи ўғил Бўришоддир, чунки шод унвони ғарбий улус бекликларига хосдир, масалан, Тобохоннинг жияни ҳам шу унвонни олган эди.⁴⁹

Хитой воқеаномалари Бўришод таржимаи ҳолидан ҳеч қандай дарак бермаслиги ҳам, унинг улуси ғарбда, воқеаномалар муаллифлари назаридан ташқарида бўлганлигини англатиб, тахминимизни билвосита тасдиқлайди.

VII юзйиллик бошларида Олдқавказда икки қавм: булғор ва хазарлар яшар эдилар. Булғорлар (таркибида утургур, унногундур, оногур ва бошқалар билан бирга⁵⁰) Кубан дарёси ўнг қирғоғидан Донгача бўлган ерларда яшасалар, хазарлар Терек ва Волга дарёлари

⁴⁵ Ўша асар.

⁴⁶ Ўша асар, 110-б.

⁴⁷ E. Chavannes, *Documents...*, 55-б.

⁴⁸ Наршахи, *История Бухари...*, 48-б., J. Marquart, *Wehrot und Arang*, 151-б.

⁴⁹ E. Chavannes, *Documents...*, 111, 227-б.

⁵⁰ М. И. Артамонов, *Очерки...*, 33113-б.; Lebean, *Histoire du bas-Empire*, 225-б.

қуйи ҳавзаларига тарқалган эдилар. 589 ва 626–630 йиллар урушларида хазарлар ўз тақдирини Ашина хонлари билан шу даражада зич боғладиларки, юнон ва форс муаллифлари “турк” ва “хазар” сўзларини бемалол синоним сифатида қўллай бошладилар. Аммо бу икки халқ шунчалик бир-биридан фарқ қилар эдиларки, ҳатто Шаванн ҳам уларни айнан деб тушунмаслик кераклигини махсус таъкидлайди.⁵¹ Хазарларни ҳатто хитойлар ҳам биларди. “Таншу” да Боси (Форс) ва Фолин (Рум-Византия)нинг шимолий қўшниси “дулгасларнинг (туркутларнинг) авлоди кэсалар”⁵² деб ёзилган. “Кэса”га ўхшаган номлар хитойлар томонидан фақат теле ва киданлар каби ихтиёрий тобе бўлганларга берилган. Эроннинг азалий душмани бўлмиш хазарлар бор кучи билан нушиби хонлари сиёсатини қўллаб-қувватлаганлар, манбалардаги билвосита кўрсатмалардан келиб чиқилса, хазарларнинг азалий рақиби булғорлар бўлган.

Кавказорти юришларида булғорларнинг иштирок этмаслиги, табиий бир хол эди. Агар аварлар Донгача бўлган Қораденгизбўйи даштларидаги кутургурлар ерларини тўлиқ назорат остига олганлиги эътиборга олинса, бу масала анча ойдинлашади. Туркут жабғу ҳоқони бу чегараларни қўриқсиз қолдирса жуда соддадиллик қилган бўларди. Кейинги ҳодисалар жараёнидан келиб чиқилса, бу чегараларни ҳимоя қилиш айнан булғорларга топширилган бўлиб чиқади. Бундай хавфли ва оғир вазифа, айни чоғда кўплаб ўлжалар қўлга киритиш имконини берадиган юришлардан маҳрум этилиш булғорларда нушиби гуруҳига нисбатан меҳр уйғотмаслиги тайин эди. Ҳақиқатан ҳам, бундан кейинги воқеаларда улар дулулар тарафида турганлигини кўрамиз.⁵³ Қадимги сабирлар мамлакати, ҳозирги Қозоғистоннинг ғарбидаги чўллар ҳам Ғарбий ҳоқонлик таркибига кирган эди. Бу ерларнинг улус беги “Баҳодир” лақабли, кичик хон мақомидаги киши бўлиб, у Тун Жабғухоннинг амакиси эди. Бу мамлакат VI юзйилликдаёқ Сибир деб атала бошланган, шунинг учун “Баҳодир” кейинроқ “Куйлуг Сибирхон” унвонини олади. Сибир қабилаларида ҳам худди булғорлар каби дулуларга мойиллик бор эди.

Ўрданинг ташкилланиши. Ғарбий туркут ҳоқонлигини тавсифлаган хитой, юнон-арман тарихчилари диққатини элга кирувчи қабилаларга қаратиб, уларни юзаки тасвирлаш билан билан бирга, унда ҳукмронлик қилган туркут ўрдасига жуда кам эътибор беришган.

⁵¹ E. Chavannes, Documents..., 256-б.

⁵² Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., II ж.; 326, 329-б.

⁵³ Тафсилоти учун қarang: М. И. Артамонов, История Хазар, 154-155-б.

Яхшиямки, П. Пело экспедицияси, VIII аср иккинчи ярмига доир беш нафар хор (тогонлар) томонидан тузилиб, тибет тилига таржима қилинган географик рисола топишга муяссар бўлди.⁵⁴ Бу ҳужжат “Шимолда яшовчи (яъни Тогондан шимолда) қабилалар ва подшоликлар ҳақида” бўлиб беш ҳисоботдан ташкил топган.⁵⁵ Унинг тўрттасида замонасидаги этносиёсий вазият талқин қилинса, биттасида (биринчисида) тарихий вазият тасвирланади ва ушбу ҳужжатда санаб ўтилган қабилалар таркиби заминидан Тун Жабғу ҳукмронлиги сўнгги палласининг саҳнасини аниқ белгилаш мумкин.

Мазкур ҳужжатни идрок этишда қутилмаган бир қатор қийинчиликларга дуч келинди. Аввало тил масаласи: бу ҳужжат дастлаб жанубий мўғул тилида яратилган бўлса керак, лекин атамаларга эътибор берилса, у хитой тилининг кучли таъсирига учраган. Афтидан, муаллифлари маълумотли кишилар бўлиб, Хитой географик адабиётларини яхши ўзлаштирган бўлса керак. Шунинг учун ҳам қабилалар номларида хитой тилига хос анъанавий товуш бузилишлари изи яққол кўзга ташланади. Сўнг эса, тибет тилига таржима қилишда қабила номлари яна бир марта бузилган, таржимон уларни фақат эшитганига суяниб ёзган. Ҳужжатни мавжуд йиғилган илмий ахборотларга қиёслаб, изчил тарихий танқидий ёндашув асосида ўрганиш мумкин. Тибетча матннинг тўрт мисрасининг ўзида ўн икки (аслида ўн бир) қабила номи бор. Айтиладики, “бу қабилаларнинг подшоҳлари йўқ ва олти минг жангчи етказиб беради.”⁵⁶ (Ҳар бир қабиланинг) ҳукмдори йўқлигини бевосита олий хонга бўйсунуш ва ҳоқонликка кирувчи бошқа қабилалардан фарқланиб, ўз-ўзини бошқариш мақомидан маҳрум этилган, деб тушунмоқ керак. Агар ростдан ҳам шундай бўлса, улар ғарбий туркут ҳоқонлигининг икки қаноти бўлмиш толис-тардуш тизимида мансубдир. Айрим тузатишлар киритилса, аслида ҳам ана шундай бўлиб чиқади.

Рўйхатга киритилган қабилалар тубандаги гуруҳларга ажралади:

- 1) Подшоҳ Азма Муған қабиласи – бу Ашина уруғидир; 2) “холи” бу сўз хитойлар туркча “бўри” сўзини бузиб айтгани “фули” сўзи билан қиёсланади, яъни туркут хонининг хос аскарлари; 3) “А-са-

⁵⁴ J. Bacot, *Reconnaissance...*, 137-138-б. Хор (тогонли) – хойхор (уйғур) ва ёгур (шара-шарайгол) уйғур сўзларидаги ташқи товуш ўхшашлиги асосида Бако адашиб ҳисоботчи элчиларни уйғурлар деб ҳисоблайди. IV-VIII асрларда хор деб Цайдам ва Амдода яшовчи оқ санбилар авлодларини аташган (Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия*, 144-152 б.).

⁵⁵ G. Clauson. *A propos du manuserit...*, 18-б.

⁵⁶ J. Bacot, *Reconnaissance...*, 145-б.

стэ” машхур турк уруғи Ашидэнинг номланиши;⁵⁷ 4) “Сар” – шубхасиз “сир” уруғи, яъни Сеянго қабиласининг етакчи уруғи. Рўйхат “Толис” атамаси эканлигини аниқлаш қийин бўлмаган “дули” сўзи билан тугайди.⁵⁸

Давомида рўйхат ғарбдан шарққа томон юритилади: 5) “Лоллад” – аланлар, бу сўзга мўғулча кўплик қўшимчаси қўшилган, бу табиий эди, чунки ҳисоботни тогонлик ёзган; 6) “Парсил” – булғор қабилаларидан барсил, улар Каспий денгизининг шимолий-ғарбий соҳилларида яшаганлар;⁵⁹ 7) “Нги-ке” таманнинг унвони – “Нигу Чулохон” билан қиёсланг; “Нигу” – Балхашбўйидаги қадимий усунлар ерида яшовчи⁶⁰ туркларнинг қабила номи; 8) Суни – Жунғориядаги турки қабила, яшаш жойи Шарқий ва Ғарбий ҳоқонликлар чегараси ҳисобланган.⁶¹ Рўйхат муқобили йўқ бўлган жўлтў (9) билан тугатилади. Бу санаб ўтилган барча қабилаларни қамраб олувчи, ҳоқонликнинг ғарбий қанотини ташкил қилувчи “тардуш” атамасининг бузилган шакли деб ўйлаш мумкин. Толис-тардуш тизими ҳаётдан чиқиб кетган бир замонда яшаган тибетлик таржимон уни алоҳида қабила, деб ажратган бўлиши ҳам мумкин.

Навбатдаги ян-ти, хе-бдал (эфталит)⁶² ғар-рга-пур каби уч қабиланинг иккинчиси Ўрта Осиёда, Тун Жабғухон VII асрнинг 20 йилларида ҳоқонликка қўшиб олган ҳудудда истиқомат қилишган. Ўша кезларда бу ерларда этник жиҳатидан сарматларга хос эканлиги аниқланган кушанларнинг насллари яшаган эдилар. Шу ўринда сармат қабилаларининг қадимги хитой китобларидаги номланиши. Ян ва янцай сўзлари ёдимизга келади, хитойшунослар бу сўзларда “сармат” этноними акс эттирилган, деб ҳисоблайдилар. Кушанларнинг авлодлари 603 йилда туркутлар билан биргаликда Эронга қарши урушганлигини кўриб ўтдик. Шундан 20 йил ўтгач, уларнинг ерлари жиддий курашларсиз Ғарбий ҳоқонликка қўшиб олинди. VII-XI асрларда Гурда ҳукмронлик қилган машхур сури уруғи Дахакнинг, яъни саҳройиларнинг авлоди ҳисобланган.⁶³

⁵⁷ G. Clouston. *A propos du manuserit...*, 18-б.

⁵⁸ Бако “Сар-ду-ли” деб ёзади. Мен бу сўзни иккига бўлиш тўғри деб ҳисоблайман ва “дулу”//“толис” барча қабилаларни бирлаштирувчи тур номи деб ўйлайман. Акс ҳолда рўйхатни ҳар икки ҳоқонликка қўллаш керак бўлади, бироқ Шарқий ҳоқонлик тизимига толис бўлаги сеянто ҳеч қачон киритилмаган бўлса, Ғарбий ҳоқонликда айнан уша ерда жойлаштирилганлар.

⁵⁹ М. И. Артамонов, *История Хазар...*, 312-б.

⁶⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 279-б.

⁶¹ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 233-б.

⁶² G. Clouston. *A propos du manuserit...*, 18-б.

⁶³ В. В. Бартольд, *Историко географический обзор...*, 36-б.; F. Justi, *Iranisches Namenbuch*, 317-б.

Мазкур муаллифда Хитой адабиёти таъсири кучли эканлигини ҳисобга олсак, Панж дарёси соҳили чўлларида яшовчиларни қадимий номи билан атаб ўзининг истеъдодини намоён этган, деб бемалол айтиш мумкин.

Гар-рга-пур этноними икки сўздан ташкил топган: пур - ўғил (форсча) ва Гар-рга – қарға (туркича). Кейингиси форсча “Чубин” – қарға⁶⁴ сўзининг айнан таржимаси бўлиб, шоҳ Хурмузд замонасида Баҳром Чубинга саройдагилар берган лақабдир.⁶⁵ Баҳром ҳалокатидан сўнг унинг авлодлари VII юзйилликда ҳам Фарбий турк ҳоқонлиги ҳудуди ҳисобланган Балхда яшаб қолдилар. Уларни Сомонийларнинг аждодлари ҳисоблашади.⁶⁶ Туркутлар орасида яшаб, анча катта имтиёзларга эга бўлган бир ҳовуч форс муҳожирлари замондошлари наздида туркут элини ташкил этувчи қабилалар сирасига киритилган кўринади.⁶⁷

Туркутлардан ирқӣ, тили ва маданияти жиҳатидан фарқланадиган ҳамда толис-тардуш тизимига кирмайдиган ушбу уч қабилани асл турк қабилалари қаторида, улар билан тенг ҳолатда киритилиши, улар ўрдага тенг аъзо сифатида қўшиб олинганлигини кўрсатади. Ўрдага қўшиб олинган барсил ва аланларнинг бир қисми қўллаши туфайли Кавказ этакларида мустаҳкам оёққа тургани каби мазкур қабилаларнинг туркутларга мойиллиги натижасида Ҳиндукуш этакларида ҳам туркутлар ўз ҳукмронлигини сақлаб туришди. Ирқӣий ажратиш қадимги турк маданияти учун ёт нарса эди.

Хон қароргоҳида. Тун жабғуҳон ўз қароргоҳини Чоч воҳасидан шимолдаги содатли кўм-кўк чўлга жойлаштирди. Бу ер унинг бепоён ҳудудларининг ўртаси эди. Мана шу ерда у Шарқ (Хитой) ва Фарб (Византия) императорларининг элчиларини қабул қиларди. Не ажабки, туркут ҳукмдори саройи тавсифини дипломатлар эмас, балки хон томонидан илиқ ва эътибор билан қабул қилинган будда роҳиблари бизга ёзиб қолдирган. 626 йилда хон ҳузурига беш нафар йўлдоши билан ҳинд ташвиқотчиси Прабхакарамитра келади ва ўрдадаги ажойиб

⁶⁴ F. Wolff, *Glossar Zu Firdausis Schahname*, 301-6.

⁶⁵ Хурмузднинг дабири Изад Гушасб Баҳром Чубиннинг ўзини тутишидан шубҳаланиб: *Билгилки, нақорати қарға сўзи (чубин) бўлган ерда байрамдаги лаззатли емалар анча сирли бўлиб кўринади. (Firdausi, Le livre des, VI, 654-6556.)*

⁶⁶ Л. Н. Гумилев, *Баҳрам Чубин*, 231-б.

⁶⁷ “Қабила сўзига VIII аср осеёлик тарихчилар XX аср этнографлари ишлатган маънони юклаган деб ўйланса, кўпол замонавийлаштиришга йўл қўйилган бўлади. осеёда ҳарбий демократия даврида келиб чиқиш, тил, хўжаликни юритиш усули, дин эмас, балки марказий ҳукуматга хизмати ва муносабати ҳисобга олинган ва эл тизимига кирган ҳар қандай уюшган жамоа қабилага тенглаштирилган.

тартиб ва намунали интизом устидан чиқади.⁶⁸ Хон улар билан илиқ суҳбат куради, улар ҳеч нарсага муҳтожлик сезмайдилар. Фақат, шу ерда танишиб қолган хитой дипломати таклифига биноан Хитойга бормоқчи бўлганларида, уларга руҳсат берилмайди.

Бир неча йилдан кейин хон қўл остидаги ерларга бошқа бир будда руҳонийси — хитойлик Сюан Цзан келади. Хами воҳасига қадами егиши биланоқ у Каган-стугга, яъни Бешбалиққа таклиф этилади.⁶⁹ Йўлда уни Турфан водийсига чорлашади, бу “авлиё”ни Гаочан ҳукмдори ўз ҳузурда олиб қолишни истайди, бироқ бу жасур зиёратчи очлик эълон этиш йўли билан эркин ҳаракат қилишига тўсқинлик қилмаслигига эришади. Кетаётиб Сюан Цзан қайтишида Гаочанда будда фалсафасидан маърузалар ўқишга ваъда беради, бироқ ваъдага вафо қилиш насиб этмайди. У Хитойга (644–645 йилларда) қайта бошлаганида Гаочан беклигининг ўзи йўқ бўлиб кетган эди.⁷⁰

Ҳозирги Тўқмоқ шаҳри яқинидаги бир жойда зиёратчимиз ов билан овунаётган Тун жабғухон билан учрашади. Зотли отларнинг кўплиги Сюан Цзанни ҳайратга солади. Хоннинг эғнида яшил атлас тўн, бўрксиз (бош кийимсиз), энсиз ипак тасмача билан пешонаси танғилган бўлиб, узун, елкасига тушадиган сочларини тўзғитмаслик вазифасини ҳам ўтарди. Хонни парчадан чопон кийган икки юз нафар сувори арконлари ўраб оган эди. Уларнинг сочлари ўрилган. Бошқа жангчилар туя ва отларга миниб олишган бўлиб, кийимлари мўйнадан ёки газламалардан тикилган эди. Узун, байроқчаси бор найзалар ва тўғри ёйлар билан қуролланган эдилар. Улар сон-саноқсиз бўлиб, кўшиннинг кети кўринмас эди.⁷¹

Бу манзара Фарбий туркут хонининг бой ва дабдабали саройининг ташқи томонидан кўринишини тасаввур қилиш имконини беради. Ранг оҳангида жилва бор: атлас билан ипак уйғунлашади, парча куёш нурида товланади, мўйналар майин ялтирайди; тўқ, учкур отлар депсинади, туялар калласини вазмин чайқайди. Ҳамма нарса байрамон ва турли-туман, ҳатто сочларнинг таралишида ҳам ҳар бир қабила удумига амал қилинган. Шуларнинг ҳаммаси билан бирга заковотга бўлган беқийёс эҳтиром ҳам бор. Қашшоқ бир роҳибни кутиб оладилар, едирадилар, диққат билан тинглайдилар ва ниҳоят манзили — Ҳиндистонга етиб олишига шароит яратадилар, у эса ўша ердан зиғирдек ҳикмат келтириш ваъдасини беради. Аммо ушбу дабдабау бойлик олим жўнаганидан сал ўтмай кунфаякун бўлди. Бу чоғ 630 йил бошланиши бўлса, шу йил охирида фожиа рўй берди.

⁶⁸ E. Chavannes, Document..., 192-6.

⁶⁹ Ibid, 193-6.

⁷⁰ Бу ер 640 йилда Тан империяси қўшини томонидан босиб линди.

⁷¹ E. Chavannes, Documents..., 194-6.

ТАН ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУҒИЛИШИ

Суй хонадони ва туркутлар. Шарқий туркутлар устидан Суй хонадони ҳукмронлиги узил-кесил ўрнатилгандай кўринарди. Жангар Киминхон фақат чегараларни қўриқлаб қолмасдан, ўз халқини хитойларга ўхшатиш учун барча чораларни қўллайди. Тукутларни хитойлар каби кийинтириш, уйлар куриб, дон экишга ўргатишга интилади. У ўзи Кинхо ва Динсян деган хитойлар унинг учун махсус бунёд қилган кентчаларда яшарди,¹ бироқ унинг туркутлари учун наमत ўтовлар афзал эди. Хон ягона суянчи император эканлигини англлар ва унинг билан аҳдини мустақкамлашнинг ҳам ягона ишончли йўлини билар, шунинг учун ҳам хитой маликаси билан никоҳдан ўтишга интиларди. Бахтига қарши биринчи малика хотини вафот этади ва у шу заҳоти унинг ўрнига ўринбосар беришларини сўрайди. Янги малика – Ичженни ҳам шошилишч юборишди, бунинг сабаби кейин маълум бўлишича, у хотинликни махфий жосуслик билан ўриндошлик асосида олиб бориши лозим экан.² Хитой ҳукумати ҳамон туркутлардан хавотир оларди: туркут хони иродаси унинг халқи кайфиятини акс эттирмаслигига тобора ишониб боришарди.

607 йилда Ян-ди хон ва хонимга шоҳона либос, тилла кўзалар ва ипак матоларни совға қилиб юборди. Худди шунга ўхшаш тортиқлар шаҳзодалар ва аъёнларга ҳам юборилган эди. Туҳфалар кам кўринганидан улар 3 минг отни хитойларга олиб бориб сотиб, ҳазинадан 13 минг парча ипак олишади. Бу аслида ниқобланган порадай бир гап эди.

Ўша 607 йилнинг ўзида махсус фармон билан хитойликларга бевосита туркутлар билан савдо қилиш ман этилади. Оқибатда хитойликлар кўникиб қолган товарларини олишдан маҳрум қолишади. Хитой ҳукуматининг нияти жуда жўн эди: содиқлиги ишончли бўлган хон ва бекларга уларнинг эҳтиёжларидан кўп совғалар берилса, оддий жангчилар хон ва зодагонлар кўлидан хизмат ҳақини олади ва ўшалар орқали Хитой манфаатини ҳимоя қилади. Оддий жангчилар ўз эҳтиёжларини эркин бозорда қондирса, хон уларни ўзига муте қилиш тизгинини йўқотади. Уларни хон воситасисиз Хитой билан чиқиштиришни эса хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Бунинг устига Ян-ди Бэй-Ци империяси замонида бошланган Буюк Деворни тиклаш ишларини давом эттирар ва бу билан иттифоқдошларидан ўзини ўраб айирар эди.

¹ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 398-6.

² *Ibid.*, 393-431-6.

Бундай сиёсат “эзгулик ва заифлик” номини олган эди.³ Бу сиёсат туркут тахтида ўз халқи интилишларини бўғиб турадиган хон ўтирган вақтдагина иш берар эди. Жангар бундай вазифани жуда яхши ўтайдиган хон эди-ю, бироқ у 608 йил кузида ўлиб қолди, Ян-ди унинг ўрнига ўғли Дути шодни хон этиб тайинлади. Бу туркут ворислик қонунини тўғридан-тўғри бузиш эди, бироқ Ян-ди туркутлардан хавотир олмаса бўлади, деб ўйларди. Дути “Шибир хон” унвони билан тахтга ўтириб, туркут одати бўйича отасининг беваси хитой маликасини хотинликка олади.⁴ Мана шу дастлабки қадамларнинг ўзиёқ у заиф ва нўноқ отасига эмас, балки айёр ва шуҳратпараст бобоси Чулохонга ўхшашлигини кўрсатиб қўйди.

Янги хоннинг аҳволи жуда мураккаб эди. Биринчидан, у отасининг мослашувчанлик сиёсатини давом эттира олмас эди. Бунга фақат унинг фуқаролари қарши бўлиб қолмай, ўзи ҳам улар каби Хитойни ёқтирмасди. Иккинчи томондан, ҳоқонликнинг орқаси бўш эди. Фарбий туркутлар ашаддий душманларига айланган, бунинг устига Таманхон ўрнига Шегуйнинг келиши ҳоқонликлар орасидаги муносабатни яхши томонга ўзгартира олмади.⁵ Уйғур, буғу, тўнғра, байирку, кидан ва татаблар каби кўчманчи фуқаролар ўтган ғалаёнларда ҳокимиятга нисбатан беқарор эканликларини кўрсатиб улгургандилар. Ниҳоят, Хитой билан беллашиш имконсиздай кўринарди, аммо айнан Хитойда содир бўлган кейинги воқеалар, туркут озодлигининг янги машъалларини ёқиб юборди.

Ян-ди. Вэй-Чжен (VII аср)дан тортиб, то проф. Шан Юэ (XX аср)гача барча Хитой тарихчилари император Ян-ди шахси ва айниқса, фаолиятига ўта салбий муносабатдадирлар. Маълум маънода улар ҳақ, бироқ унинг ҳар икки ҳолати тасодифий эмаслигини ҳам эътиборга олмоқ керак. Ян-ди уни тахтга ўтқазган синфнинг энг ашаддий вакили бўлганлиги учун унинг қобилиятсизлиги ва мустабидлигини кўтариб келди. Гуанлун гуруҳи (ер эгалари) шундай бир партия ташкил этдиларки, агар у бизнинг замонамизда бўлганида ҳам уни миллатчи ва халққа қарши деб атаган бўлардик. Бу гуруҳ бутун ғайратини Хан даврининг сўнган шаънини тиклашга қаратди. “Фарбий ўлка” бекларини сотиб олиш ва Кореяга юришлар ана шу нуқтаи назардан тушунарли бўлади. Ҳар икки мамлакат ҳам Хан Хитойига тобе эди-ку! VII асрда Кореяга янги бир халқни жойлаштиришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди, Ляодунда хитой

³ *Ibid*, 446-б.

⁴ *S. Julien Documents...*, vol 3, 539-б.; *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений...*, 1 ж., 245-б.; *Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten...*, 393-б.

⁵ *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений...*, 1 ж., 283-б.; *E. Chavannes, Documents...*, 24-б.

аҳолиси қолмаганлиги боис ҳам шарққа юриш учун у таянч бўла олмас эди, туркутлар билан иттфоқдош бўлиб турган бир вазиятда Лобнор теварагидаги камбағал воҳаларни ушлаб туришнинг ўзи беъманилик эди ва ҳ.з. Лекин “миллий гурур” ўз нафсини қондириши кераклиги учун ушбу аҳмоқона тадбирларга қўл урилди ва унинг оғир юки солиқ тўловчи аҳоли елкасига тушди.

Кўпмиллионли хитой халқининг идроки император ва унинг саройидаги тўданинг хаёлий мақсадлари йўлида минглаб кишилар азоб тортиши ва ҳалок бўлиши билан чиқиша олмас эди. Омма орасида норозилик кучайгандан кучайиб борди. Бу норозиликка ҳукумат айғоқчиларининг кўзлари тушмаслиги мумкин эмасди, шунинг учун император чора кўришга мажбур бўлди. 603 йилда чиқарилган фармонга биноан оддий инсонлар темир паншаха, ўроқ, бигиз ва пичоқларга эга бўлиши ман этилди.⁶ Эҳтиёт чоралари ёрдам бермади. 610 йил бошларида оламни қутқарувчи Майтрейи келиши ҳақидаги буддавий ташвиқотлардан қувват олган оломон Лояндаги император маҳалласига ёриб кириб, қўриқчиларни қуролсизлантиради ва қўзғолон бошланади. Албатта, бу қўзғолон мунтазам кўшин томонидан шафқатсизларча бостирилади, бироқ қирғинлар хитой халқини чўчита олмади. Ана шу ондан сулола билан мамлакат ораси бузилади, аммо Ян-ди буни арзимас бир нарса деб қабул қилади.

611 йилда Шимолий Корея (Когурё) билан уруш бошланди. Урушга баҳона сифатида корейс подшоҳининг тобеликни бўйнига олиш учун шахсан император саройига келишдан бош тортиши хизмат қилди. Жуда катта 130 минг кишилиқ кўшин⁷ 612 йил баҳорида шарққа юриш бошлади. Император олий қўмондонликни ўз бўйнига олди ва бўлим зобитларига ҳар қандай ташаббус билан чиқишни ман этди. Ҳар қандай масала бўйича улар олий қароргоҳга мурожаат этиб, кўрсатмаларни кутиши лозим эди, чопарлар ўз вақтида улгуриши қийин бўлгани учун кўшин ҳаракатсиз қолар ва корейсларга ўнгланиб олиш учун фурсат етарли бўларди. Лашкар таъминоти ёмон йўлга қўйилганлиги сабабли хужум тўхтаб қолди. Чекинишда эса корейслар хитой орқа қўриқчи бўлинмасига қақшатқич зарба беради. Ляошуйдан ошиб ўтган 350 минг аскардан атиги 2700 нафари қайтиб келади. Шармандали мағлубиятга олиб келган укувсизлик фақат омма орасида эмас, балки ҳукмрон синфда ҳам норозиликни кучайтириб юборди. Буни ниҳоят англаб етган Ян-ди 613 йилда қайтадан Кореяга кўшин

⁶ Шан Юэ, *Очерки...*, 192-б.

⁷ *Уша асар*, 191-б.

жўнатиб, командирларга ўз билгиларича иш тутишга ижозат берди.⁸ Лекин энди кеч бўлган эди, ҳукуматдан норозилик исёнга айланиб улгурганди. Шандунда аскар қочоқлари кўзғолон кўтаришди. Улар “Ўлмак учун Ляодунга бормаймиз” деб қўшиқ айтишарди.⁹ Шандун, Хэбэн, Хэнани деҳқонлари 613 йил ёзида аскарий хизматга боришдан бош тортиб, кўплаб исёнчи қўшинлар ташкил қилишди., бироқ ҳукуматнинг мунтазам лашкарига бас кела олмадилар, маълумиятдан сўнг шафқатсиз қатлиом бошланди. Халқнинг қаршичилигига қарамай Кореяга юриш бошлаб юборилди.

Хитойликлар кучи олдида арзимас қудратга эга бўлишига қарамай, корейслар фидокорона ҳимоя уюштиришди. Корейс мустақиллигининг умри тугаб қолгани равшан бўлган бир паллада хитой кўшини орқага қайта бошлади. Ян Сюан-гай деган Шу (Сичуан) ҳокими император йўқлигидан фойдаланиб исён кўтарган ва Лоянни қамалга олган экан. Ян-ди кўшини билан ошиғич қайтади ва Ян Сюан-гайнинг қочишдан бошқа иложи қолмайди. Душмани қўлига тирик тушмаслик учун у бир содиқ дўстидан ўзини ўлдиришини илтимос қилади.¹⁰

Ян-ди ҳокимиятни мустаҳкамлашнинг ягона воситаси қатл этиш, деб биларди. Кўзғолон туфайли 30 минг бегуноҳ кишининг боши танасидан жудо қилиниб, мулки хазинага олинди.¹¹ Лоянга келгач, кўчадан ўтаётган кишиларга қараб беҳаёларча: “Ҳали бу ерда одамлар жуда кўп-у” деган экан.

Аҳоли сонини камайтиришга Ян-дига империя лашкари ўз ҳолига ташлаб кетган орқа кўриқчи қисмни тўлиқ қириб ташлаш билан корейслар ҳам кўмак берди. Бу борада Жанубий Хитойда осойишталик ўрнатиш учун юборилган саркарда Ван-Ши-чун ҳам анча ғайрат қилди. Хушбўй ҳидли тутатқилар атрофида у кўзғолончиларни кечиришини онт ичиб эълон қилди, кейин қуролларини ташлаган 300 минг кишини тириклайин кўмдириб ташлади.

614 йилда Ян-ди Корея томон юриш бошлади, бироқ “исёнчилар асалари галаларидек бош кўтаришди”.¹² Корейслар урушни истамас эдилар, шунинг учун элчилик юбориб аввалги шартлар бўйича номига тобелик, бироз ўлпон тўлаш ҳисобига тинчлик таклиф қилишди.

⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 61-б.

⁹ Шан Юэ, *Очерки...*, 193-б.

¹⁰ Н. Cordier, *Histoire generale...*, 401-б.

¹¹ Шан Юэ, *Очерки...*, 194-б.

¹² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 87-б.

Ян-ди бунга кўнишга мажбур бўлди, чунки унинг олдида аввал ўз халқи устидан зафар қозониш вазифаси кўндаланг бўлиб қолган эди.

615 йилда император фармони билан қишлоқ аҳолисига шаҳарларга кўчиб ўтиш таклиф этилади; почта бекатлари, кўриқчи миноралари ва қишлоқлар кантдеворлар билан ўраб олинди. Уларнинг теварагида деҳқонлар кўзғолони тўлқини авж олган эди.¹³ Кўлланган тадбирлардан қаноат ҳосил қилиб, император ташвишлардан фориғ бўлиш ва ёз иссиғидан қочиб ором олишга қарор берди. Муҳташам саройи ва ҳарамини кўзғатиб шимолий Шансига йўл олди ва жангчилари фуқароларини тутиб қатл этаётган бир чоғда ов ва базм билан машғул бўлиш кўнглига сиғди. Шу аснода туркут хони узоқ ва сабр билан кутган он етиб келган эди.

Шибирхон. Ян-ди сафарини расман «шимолий чегараларни текшириш учун», деб овоза қилди. Ҳақиқатан ҳам, бу ерларда ҳаловатсизлик ҳукмрон эди — бу ерлар чегара чизиги бўлиб, Суй тутумидан озор кўрган тобаларнинг авлодлари яшар эди. Тобалар аллақачон тоба бўлмай қолган эдилар. VII асрда эса улар ҳали хитой бўлиб ҳам улгуришмаганди, шунинг учун улар Хитойдан ва Буюк Даштдан сурилган алоҳида, айни пайтда ҳар икки қавмга ҳам яқин бир этнос сифатида эдилар. Турклар бу элатни “табғач” деб атаганлар, мен ҳам шу атамани қабул қилиш фойдали деб биламан. Жорий тўс-тўполонда табғачлар қўл қовуштириб ўтира олмасдилар, бинобарин, ҳали улар аввалги жанговарликни мутлақо йўқотиб улгурмаган эдилар. Бироқ уларнинг ҳаракатларида тизимсизлик бор эди, чунки улар уюшқоқлик ва яхлитликни йўқотаётган эдилар. Уларнинг катталаридан бири — қадимий Тан вилояти ҳокими, саркарда Ли Юан сулолага мойил киши бўлса, бошқалари, жумладан, Боюй-со, Ван Сю-ба ва Вэй Дао-эр¹⁴ туркутларга таяниб фитна уюштиришарди. Тартиб-интизомни йўлга қўйиш ўрнига император Фин-ян-гун¹⁵ қасрида кўнгилихушлик қилишга тутинди. Бу ҳолатдан хабар топган туркут хони, шу ондаёқ Ордосда кўчиб юрган қабиладошларини тўплаб, императорни қўлга туширишга отланди. Аммо Хитой қўлчи (разведка)лари ҳам пашша кўриб ўтиришмаган эди. Хоннинг умр йўлдоши бўлмиш малика ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, хонни муттасил кузатиб юрарди; хавф

¹³ Шан Юэ, *Очерки...*, 194-б.

¹⁴ Иакинф Бичурин, *История Кутая* (613, 615 ў.); Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 54-б.

¹⁵ Бу қаср Цзин-э-сяндан 160 ли шимоли-ғарбда, Гуанчен тоғида, Финшуй дарёси қирғоғида жойлашган эди (Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 54-б.)

дарагини тезда Ян-дига етказди.¹⁶ Ушбу дарак шарофати билан Ян-ди Буюк Хитой девори тизимига кирувчи Яймин қалъасига яшириниб олишга улгурди. Туркутлар қалъани қамал қилиш билан бирга бутун вилоятни вайрон қилди. 39 истехком кўлга киритилди. Фақат Го ва мазкур Яймин қалъаларигина туриб берди. Яйминда 150 минг аскар ва фуқаро бор эди. Турли уйлардан олинган гиштлар билан деворлардаги нураган жойлар тикланди. Озуқа бор-йўғи 20 кунга етиши мумкин эди. Туркутлар ҳамлага ўтган чоғида уларнинг ўқлари табиийки, қалъанинг энг хавфсиз жойида бўлган императорнинг атрофига келиб тушарди. Бу қалъанинг ҳамма жойи ўққа тутилди деганидир. Шавкатли аскарлар ва шаҳарликлар ҳужумларни қайтарар экан, “буюк император “ўғлини кучоқлаб, кўркувдан юм-юм йиғлар эди, йиғидан кўзлари шишиб кетганди.”¹⁷

Туркутлар босқини ҳар томонлама кутилмаган ҳужумга суянарди. Туркутларда Ли Юаннинг дала дивизиялари ва чиниққан чегарачилари билан очиқ жангда ғолиб чиқиш режаси йўқ эди. Шунинг учун мунтазам кўшинлар императорини қутқариш учун шошилич йўлга чиққанларидан хабар топган заҳоти Шибирхон қамални бекор қилиб, жангчиларини истиқболдаги зафарларга сақлаб қолиш учун дашт ичкарасига чекинди. Ордос чўлларига шиддат билан кириб келган Ли Юан лашкари бу ерда 2 минг қари-қартанг ва касаллардан бошқа ҳеч кимни учратмади. Жангларда қутуриб кетган хитой фахрий аскарлари буларнинг ҳаммасини қириб ташлади. Жиддий уруш олиб бориш учун Ян-ди аскарларини пулга ёллай бошлади, бу ўша замон учун мутлақо янги бир ҳодиса эди.¹⁸ Бундай алғов-далғов замонда умумий сафарбарлик жорий қилиш имкони бўлмаган бўлса керак, бироқ император юрагига ваҳима солган кўчманчилардан ўч олишни ўз бурчи деб биларди. Табиийки ушбу ҳодисалардан кейин туркутлар билан Хитой ўртасидаги уруш тинимсиз давом этди.

Маълум бўлишича, Шибирхоннинг кўзғолони сабабчиси хитойларнинг ўзи экан. Шибирхоннинг кучайиб боришидан хавотирга тушган Суй ҳукумати туркутларга ҳам ўзининг одатдаги сиёсатини қўлламоқчи бўлган. Чжан-сун Шэннинг вориси Фэй Гю маслаҳати билан хоннинг уқаси Чжиги шодга малика ва “жанубий хон” унвони таклиф этилади.¹⁹ Хитойлар шу усул билан туркутлар кудратини бўлиб ташламоқчи бўладилар, аммо Чжиги шод бу таклифни кескин рад қилиб, бу ҳақда акасига маълум қилади,

¹⁶ S. Julien Documents..., vol 3, 540-6.

¹⁷ Liu Mau-tsai, Die chinessischen Nachrichten..., 545-6.

¹⁸ Ibid..., 445-6.

¹⁹ S. Julien Documents..., vol 3, 541-6.

Шибирхоннинг Суй хонадонига душманлиги янада оловланади. Омадсизликдан хулоса чиқармаган Фэй Гю Ян-дига фириб билан туркутларнинг энг иззатли оқсоқолларини тутуқлашни маслаҳат беради. Бу фитнанинг қурбони Хуси деган кимса бўлди. Уни совғалар қабул қилиш учун Ман кентига таклиф этадилар, ўша ерда тутуқланиб йўлдошлари билан бирга калласини оладилар. Императорнинг хоинлиги Шибирхонни уруш бошлашга етаклади.²⁰

Бошланишида, 616 йилда уруш ҳаракатлари анча сушт борди. Ли Юаннинг даштда уруш қилишга ўргатилган бўлими туркутларнинг чегара бўйлаб қилган ҳамлаларини муваффақиятли тарзда қайтариб турди. Шундай бўлса ҳам, ўлгудай қўрқиб қолган Ян-ди мамлакатининг жанубига – туркутлардан узоқроққа кетади. У Цзянду (Янчжоу) қалъасига қамалиб олиб, мамлакатни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, маишатга берилди.²¹ Оқибати эса тезда намоён бўлди.

Чириб кетган тутумнинг сочилиб кетиши учун Шибирхоннинг озгина турткиси етарли бўлди. 617 йил мобайнида Хитойда беш марта кўзғолон бўлди. Боёнлар ҳам, генераллар ҳам, қароқчилар ҳам бош кўтаришди. Бу ғалвали ғалаёнда энг фаоли Шибирхон бўлди. Барча кўзғолончилар унинг пинжига киришни истаган бўлсаларда, у Лян Ши-ду ва Ля У-чжоу деган генераллар билан иттифоқдош бўлишни танлаб, уларга отлар ва олтин бошли бўри тасвири байроқлар юборди. Кейинроқ эса асосий рақиби бўлмиш Ли Юан билан ҳам тил топишди.²²

Яқиндагина содир этилган камситишлар учун туркутлар хитойлар билан ҳисоблашадиган оңлар етиб келди. Шибирхон бутун Ўрта империянинг ҳақиқий хўжайини бўлиб олди. Туркут суворилари босқинлари Цзинян деворларига етиб бора бошлади. Кўплаб хитойлар туркутлар томонига қочиб ўтиб, уларнинг лашкари сонини кўпайтирди. Шибирхонга Кидан, Шивей, Тогон ва Гаочанлар ҳам тобе бўлди.²³

Ли Ши - мин. Ўрта империяни ларзага солган ғалаёнлар тасодифий эмасди. Хитой ватанпарварлари Хан империяси улугворлигини қайтадан тиклашни орзу қилар эканлар, ундан кейин Уч подшоликда содир бўлган қонли фожиалар ва хунлар босқини бўлганлигини унутиб қўйган эдилар. Мана энди қисқа муддат ичида

²⁰ *Ibid...*, 542-б. “Туркутлар содда ва ишонувчан, шунинг учун ҳам улар орасига нифоқ солиш осон” деб ҳисоблайди Фэй Гю (*Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten...*, 397-б.).

²¹ *H. Cordier, Histoire generale...*, 402-б.

²² *Иакинф Бичурин, История Кутая.*

²³ *S. Julien Documents...*, vol 4, 202-б.

яна шу ҳолат қайтарилди, лекин бу галги жараён сунъий равишда вужудга келтирилган эди. Худди олдингидек саркардалар бир-бирига боғланишди, агар ҳақиқий йўлбошчи йўқлиги ҳисобга олинмаса, жанубий хунлар ўрнини табғачлар эгаллаши мумкин эди. Бироқ у ҳам топилди: бу саркарда Ли Юаннинг иккинчи ўғли Ли Ши-мин бўлиб чиқди.

Ли фамилияси хитойнинг қадимий аскарӣй зодагонларига тегишли бўлган. 400 йилда Бэй Лян (Хэси) беклигига қарашли Анси ва Дун хуанлар ҳокими Ли Хао эди. Ижтимоӣй ғалаёнлардан фойдаланиб, у марказӣй ҳукуматдан ажралиб, ўзини пойтайти Лянчжоу бўлган мустақил Си Лян беклигининг ҳукмдори деб эълон қилади.²⁴ 422 йилда бу бекликни хунлар бўйсундиради ва Ли уруғи аввалги ҳолатига қайтиб, яна асилзода ҳарбийларга айланади. Тоба-Вэй ва Бэй Чжоу сулоалари замонида ҳам улар мазкур мақомда бўладилар. Ли уруғи тоба ҳукмдорларига содиқ бўлганлиги учун улар маъмуриятда муҳим лавозимларда турганлар²⁵ ва ниҳоят, Тан гуни деган наслий унвонга сазовор бўлишади.²⁶ 200 йил давомидаги хизмат юзасидан, шахсий ва никоҳ муносабатлари Ли уруғини ярим тоба ва ярим хитой бўлган асилзодаларга, юқорида биз табғач деб номлаган тоифага айлантириб қўйди.

Бунда уларнинг қайси синфга хос эканликлари ҳам кам аҳамият касб этмади. Лилар бой ер эгалари бўлиб, турмуш уларни ўз қўлларида қарол ва ижарачи бўлиб ишлайдиган хитойликлар билан эмас, балки ўзларига ўхшаш табғач ер эгалари билан яқинлаштирди. Омад чўққисига Ли Юаннинг отаси Ли Ху эришди, Юйвин Цзюни ҳокимият тепасига олиб келган тўнтаришда иштирок этгани учун Дае деган фахрли фамилияга сазовор этилди.²⁷ Ян Цзян унинг бу шариф фамилиясини бекор қилди, лекин уни Тайюаннинг ҳокимлигида қолдирди.

Бу уруғнинг узун тарихи шуни кўрсатадики, уларнинг манфаати Шимолий Хитой табғач ер эгалариники билан уйғун бўлган, бироқ Ли Юанда сиёсатчи ёки йўлбошчилик истеъдоди йўқ бўлиб, у яхшигина генерал эди, холос. Аммо юқоридаги сифатлар унинг иккинчи ўғли Ли Ши-минда етарлича бўлиб, бошланиб кетган фуқаролар урушида иштирок этишга отасини у ундаган эди.

Синфӣй портлаш ва фуқаролар уруши шароитида ҳар қандай куролли чиқишнинг ижтимоӣй мақсади ва дастури бўлмоғи

²⁴ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 184-б.

²⁵ *Gaubil, Abrege...*, 411-б.

²⁶ *Хитой мансаб поғонасида учинчи даражали.*

²⁷ *Шан Юэ, Очерки...*, 197-б.

лозимдир. Фақат шундагина у тарафдорлар топади ва муваффақият қозониши мумкин. Бугун Хитойни деҳқонлар кўзголови ўраб олиб, соғ қолган ер эгалари ва мансабдорлар шаҳарларда беркиниб юрган бир паллада, Ли Ши-мин “тинчлантириш”, Суй сулоласи ҳокимиятни тиклаш учун бошланган уруш адолатли деб баҳоланган эди.

Бу дастур кимларга керак эди?

Аввало, бу Шимолий Хитойнинг табғачларига тахтга ўз одамили ўтқазиб, “Гуанлун гуруҳи” аъёнларини тизгинини тортиб қўйиш учун зарур эди. Иккинчидан, аъёнлар ўз қалъаларида хатарсиз ўтиргани холда, деҳқонлар бемалол масъулиятсиз ўлдира бошлаган майда ер эгалари ва майда амалдорларга керак эди. Учунчидан, кўзголон кўтарган деҳқонларнинг ўзларига керак эди. Чунки уларни тириклай кўмиб ташлаш тўхтатилиб, давлат омборидаги ғалла билан боқила бошлаганидан сўнг улар курулларини ташлаб, қишлоқларига тинч меҳнат қилиш учун тарқаб кетишган эди. Тўртинчидан, уларга нафрат билан жирканиб қарайдиган хитойлар ўрнига ўзларининг қатида уларнинг турмуши ва ахлоқига кўниккан хитойларни кўришни истаган туркутларга керак эди. Албатта, Ли Юан уларнинг ўз уруш услубини қўллаб, қаттиқ зарбалар берганди, аммо урушда мардлик қораланмайди, бунинг устига жасур киши билан дўстлашиш ёқимли бўлади.

Бошланган ҳаракатга Суй сулоласи тарафдорлари қарши чиқишди, чунки Тан қўшинида улар ёмон кўрадиган ярим кўчманчи Вэй ва Бэй-Чжоу императорлари анъаналарини тиклашга интилишларни кўрган эдилар. Ян-ди душманларининг аксарияти Суй империяси тамойилларини тиклаш учун жон беришга ҳозир эди. Ана шунинг учун ҳам уруш ниҳоятда шафқатсиз бўлди.

Хунрезликнинг айбдори “осмон ости империясининг улуғ ва бетакрор Ян-ди”си нима қилди, деб ўйлайсиз? Нима ишлар қилиб қўйгани ҳақида мулоҳаза қилишни ҳам унутиб, ўзи қамалиб олган шинам қасрда майхўрлик ва қизлар дийдори билан машғул бўлди. Боқи беғамлиги унинг энг яқин тарафдорларининг ҳам жигига тегди, шулардан бири буни мастлигида бўғиб ўлдириб, ўзини император деб эълон қилди. Бу қотилнинг қилмиши Ли Юанга жуда кўл келди. Энди у оддий исёнчидан қонуннинг ҳимоячисига айланди.

Шу тариқа Тан лашкари кўпайиб борди ва зафар топди. 617 йил қишида Ли Юан Чанъанни эгаллаб, эски тутум билан зич боғланган бир қанча аъёнларни қатл этиб, қолганларига афв эълон этди ва бу билан халқ оммасини ўзига жалб эта билди. Бунинг устига у кекса, хизмат кўрсатган амалдорларга фахрий унвонлар

берди. Давлат омборларини камбағаллар учун очиб қўйди, канизакларини оилаларига қўйиб юборди. Аскарларга аҳолини талаш ман этилди; Суй даврининг шафқатсиз қонунлари бекор қилиниб, унинг ўрнига янги ахлоқ меёрлари қабул қилинди. Бунга биноан “қотиллар, талончилар, хоинлар ва исёнчиларгина ўлимга ҳукм қилинарди”²⁸ Хоинлар ва исёнчилар дейилганида янги ҳукуматга нисбат олинган эди. Чанъанга Ян-дининг ўлдирилгани ҳақида дарак етиб келиши билан Ли Юан ўзини император Гао цзу деб эълон қилди ва янги сулолани Тан деб атади. Бу 618 йил 18 июнида бўлган эди.

Сотқинлар. Ли Юаннинг Чанъанда тож кийишини Шибирхон ўзининг ғалабаси деб ҳисоблашига барча асослари бор эди. Ли Юан туркут хонидан ёрдам истаган даъвогарлардан бири бўлиши билан бирга ғалаба кўп жиҳатидан шимолдан келадиган ёрдамга боғлиқ эди. Сувори кўшинни тиклаш учун туркутлар 2 минг от ҳайдаб келтиришди, рақибини янчиб ташлаш учун 2 минг отлиқ аскар жўнатишди.²⁹ Ли Юан қудратли иттифоқчисининг қўл остида қолиб кетмаслик учун бундан ортигини қабул қилишга журъат этмади.³⁰ Шибирхон Тан кўшини тез орада улкан Хитойнинг ҳамма жойини босиб ола билади, деб ўйламаган эди, чунки бу ерларда ўз мулкларини охириги томчи қони қолгунча ҳимоя қила оладиган ботирлар ва истейдодли саркардалар кўп эди. Бироқ Ли Ши-миннинг ҳарбий заковати, чегарадаги тинимсиз урушларга кўниккан табғачлар қатъийлиги, хитой анъаналари шиддатини синдира олди ва 624 йилда бутун мамлакат Тан императори оёғи остида қолди. Бу уруш тўлалигича Хитой тарихига доир бўлиб, унинг фожиали оқибатлари ҳамда воқеаларининг икир-чикирлари ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз. Чунки биз учун муҳими, Суй ва Тан хонадонлари рақобатчиларидан кичик бир гуруҳининг туркут хонидан ёрдам сўраши билан боғлиқ ҳодисалардир.

Бахтимизга, ўша гуруҳларнинг йўлбошчилари рўйхати сақланган бўлиб, Шибирхон қўллаб-қувватлаган ҳаракатни тавсифлаш имконига эгамиз: 1. Го Цзи-хе — чап қанот енгил сувориларнинг хос зобити. Очарчилик вақтида 18 нафар ҳамтовоқлари билан четки бир кентни эгаллаб, очликдан ҳолдан тойган аҳоли қўллашидан маҳрум қолган ҳокимни ўлдирган. Туркут хони тарафга ўтгач, у ўзини “Ян хонадонини янчиб ташлайдиган Осмон фарзанди” деб атади ва айни чоғда туркутча “Бўри шод” унвонини олди. 2. Лян Ши-ду — Шофан

²⁸ *Ўша асар, 198-б.*

²⁹ *Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 450-454-б.*

³⁰ *Ibid. Император 618 йилда шундай деган: “Чет элликларни ўзимизга оғдириш учун, биз уларнинг кучидан фойдаланмоқчимиз”.*

(ғарбий Ордосда) қалғасининг зобитларидан. Ёлланган қароқчилар ёрдамида шаҳарни босиб олган ва ҳокимини ўлдириб, ўзини Лян сулоласидан чиққан император деб эълон қилган. Туркутларга бўйинсунгач, улардан “Тарду Билгахон” унвонини олган. 3. Лю У – чжоу – Ма-и (Шарқий Ордос) қалғаси суворийлари зобити. Ўн нафар ўртоқлари ҳайбарақалласи билан ҳокимнинг қабулхонасига кириб, уни судраб чиқади ва ўлдиради. Ҳеч ким унга нима қиляпсан демайди, аксинча, тезда унинг байроғи остида 10 минг жангчи тўпланади. У камтаринлик қилиб ўзини ҳоким деб эълон қилади ва кўмак сўраб Шибирхонга киши юборади. Жавоб тариқасида зарҳал бўри боши тасвирланган байроқ ҳамда “Ян хонадони ва императорини янчиб ташлайдиган ҳоқон” унвонини олди. У Суй лашкарига қарши анча муваффақиятли жанглр олиб бориб, Шимолий Шансининг катта қисмини босиб олади ва бу унда императорлик унвонига даъвогарлик ҳиссини пайдо қилади.

Қолганлари ҳам шуларга ўхшаш орсиз, жанжалкашлар эди. Тарихда кўзга кўринарли из қолдирмаганликлари учун уларни номма-ном санашга ҳожат йўқ. Улар Ян-дининг Хитойда олиб борган жинояткорона иродаси оқибатида пайдо бўлган ахлоқсизлик муҳити мевалари эди. Руҳан улар Тан кўшинларига қарши курашган Хитой анъаначиларининг зиддига ўхшарди. Бироқ бу кўп сонли исёнчилар орасига тасодифан қўшилиб қолганлар ҳам йўқ эмасди. 621 йилда ичкиликбозлик ва безорилиги учун маҳкамага тортилган айрим зобитлар ўз бўлимларини кўзғатиб, Лю Хэй-де деган бир олимни, кўнмасанг ўлдирамиз, деб ўзларига бошлиқ қилиб танладилар ва тахт учун курашиш кераклигини писанда қилдилар. Бечора Лю Хэй-денинг бунга кўнишдан бошқа чораси қолмаган эди.

Туркут хони фақат ўзининг ёрдами туфайли бошларини сақлаб қолган бу “император”ларнинг барчасидан нафратланиши учун ҳамма асосга эга эди, албатта. Балки бошқаларидан афзал бўлмагани, балки Хитой тахтини эгаллаган тақдирда ўз мамлакатини кучсизлантиришига кўзи етгани учун туркут хони Ли Юанга ёрдам бергандир. Бунинг устига Ли Юан хонга ёзган хатларида жуда устамонлик қилиб уни ўзига тенг ҳукмдор деб мурожаат қилар, бу эса Хитой анъаналарига мутлақо зид эди.³¹ 613 йилда Шибирхоннинг элчиси базм чоғида императорнинг ёнида ўтирган бўлса, 619 йилга келиб хон ўз хатосини тушуниб етди ва воқеалар оқими бошқа ўзандан оқа бошлади.

³¹ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 464-6.

Босқичлар алмашинуви. Тан ҳукумати жуда катта яратувчилик ва соғломлаштириш ишлари бошлаб юборгани туркут хони айғоқчилари назаридан четда қолмади. Хонга гуллаб-яшнаётган, бой Хитой эмас, ожиз ва тарқоқ Хитой зарурлиги яхши анланган эди. Хусусан, ҳарбий ислохотлар уни ташвишга солди. Ли Юан тахтга ўтирган заҳотиёқ Ли Ши-мин билан биргаликда бутун қўшинни қайта ташкил қилди: “Тхан сулоласи пойтахтда саккиз дивизия бўлишини белгилаб қўйди. Ҳар бир дивизия шарқий ва ғарбий бўлинмаларга эга бўлгани боис, уларнинг жамъи миқдори 16 та эди. Тхан хонадони ана шу 16 дивизиядаги ҳарбий унволар билан чет эл ҳукмдорлари ва вассалларини тақдирлар эди.”³²

Бу дивизияларнинг оддий аскарлари ёлланмалар бўлиб “илохэ”, яъни “йигит, сара йигит,” бақувват киши” деб аталарди. Янги лашкарга баҳо бериб, Ли Ши-мин шундай дейди: “Қадимда, Хан сулоласи даврида хунну кучли эди, Хитой эса кучсиз эди. Энди эса Хитой қудратли, шимолий варварлар эса заифдир. Хитойнинг минг аскарини уларнинг энг камида бир неча ўнг ўн минг аскаригина енга олиши мумкин.”³³ Унинг бу сўзлари тўғри бўлиб чиқди.

619 йилда Шибирхон кичик бир қўшин билан Ордосга кириб келиб Лян Ши-ду билан қўшилди. Тез орада уларга Лю У-чжоу ҳам бирлашиб, иттифоқчилар Ички Хитойга бостириб киришга шай бўлишди.³⁴ Янги душман пайдо бўлганидан чўчиган Ли Юан Буюк девор истеҳкомларини мустаҳкамлаш ва тоғдаги доволарда тупроқдан дўнгчалар қилиш ҳақида буйруқ берди, аммо Ли Ши-мин тошларга эмас, жанговар командирлар ихтирочилиги ва топқирлигига таяниш кераклигини айтиб уни бу қароридан қайтарди.³⁵ Бироқ ҳужумнинг ўзи амалга ошмай қолди. Чунки хон хасталанди ва вафот этди. Чанъандагилар ўзларини худди яқин дўстини йўқотгандай кўрсатдилар. Император шахсан ўзи “надомат билдирди” ва дафн маросимига” 30 минг парча ипак жўнатди. Шундай қилиб уруш бир йил орқага сурилди. Мана шу бир йил ичида Тан империяси анча мустаҳкамланди, туркут ҳоқонлигида эса бу орада унинг қудратини емирадиган ҳодисалар содир бўлди.

Тан Хитойи ва дашт. Қадимги хитойликлар тасавурида ҳар бир давр ўзининг рамзий рангига эга бўлган. Илк Цин даври оқ рангда тасвир этилиб, Лю Баннинг туши ҳақидаги машҳур ривояти эса оқ

³² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 248-б.

³³ *Вэнсян-тункао XVI, 334 из. 344, 17а ва 17 б бет.* Проф. Н. В. Кюнер таржимаси. Қаранг: Л. Н. Гумилев, *Статуетки...*, 243-б.

³⁴ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 246-б.

³⁵ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 448-б.

илонга эврилтирилган, у эса қизил илон, яъни Хан томонидан ютиб юборилади. Қизил ранг Хитойнинг миллий ранги, мовий ранг эса дашт кўчманчилариники, қора тибетликларники ҳисобланган; ер ва садоқат рамзи бўлган сариқ рангни Вэй-Тоба Гуй³⁶ сулоласи қабул қилган эди, лекин Тан-чи? Тан танлаган ранг ола эди.

Ҳақиқатан ҳам, 618 йил фақат Хитой учун эмас, балки бутун Осиё учун кескин бурилиш санаси бўлди. Буюк саркарда, маъмуриятчи ва сиёсатчи Ли Ши-мин Александр Македонскийга ўхшаб маданияти турли хил бўлган мамлакатларни босиб олмоқчи эмас, балки “маданий” Хитойни кўчманчи варварларга зид қўйилишини зич алоқага айлантириб, бу маданиятларни яқинлаштирмоқчи, ҳатто чапиштирмоқчи бўлди. Бунгача маданий мулоқот ўз ҳолича кетган бўлса, 618 йилдан бу онгли равишда раббатлантирилиб борилди. Пўртанали замона бошланган жараёни авж олдириди: мустабид Суй сиёсатидан қочган хитойлар туркут кўчикларида жойлашишди ва меҳмондўст мезбонлар билан қариндош бўла бошладилар. Кўрқмас жангчи Ли Юан байроғи остида дашт йигитлари ҳам кам эмасди. Уларни хитоймисан ёки туркмисан, деб суриштириб ўтирмасдан хизматга қабул қилишарди. Улар нозик хитой қизларига уйланишиб, янги тақдирдан рози бўлиб, умрининг мазмунини ҳарбий хизматда ёки саройда мартаба орттиришда деб билдилар. Империя шу тариқа бунёд бўлди, “табгач” халқи шу зайлда ташкил топди, тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам Буюк девор шу йўсинда емирила бошланди.

Хитойда ҳар қандай ташқи нарсага қизиқиш орта борди. Хитой-Турк луғати яратилди, афсуски, у сақланиб қолмаган. Турфа халқларнинг, жумладан, туркларнинг мусиқаси Тан империясидан олдинги Бэй-Чжоу давридан бошлаб, император оркестри томонидан ижро этилиши йўлга қўйилган бўлса, биз ўрганаётган даврда тўлиқ эътироф этилди. Кишилар муттасил жой алмаштириб туришар эди: VII асрнинг 20-йилларидаёқ Чанъанда туркутларнинг 10 минг оиласи доимий яшар эди.³⁷ II юзйилликларда Римда олмон дидига, VIII асрда Византияда хазар дидига эргашгани каби,³⁸ бу ерда ҳам ҳамма турки нарсалар модага кириб,³⁹ хитой асилзодалари кийинишда ва ахлоқда туркларга тақлид қила бошладилар. Йил сайин кўчманчилар одати модага айланиши мустаҳкамланиб, сарой аъёнлари турмушига

³⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 177-б.

³⁷ Liu Mau-tsal, *Die chinesischen Nachrichten...*, 466-467-б.

³⁸ “Шаҳзода Ли Чжен Кня балалигида туркутлар тили ва либосини яхши кўрган. У варварларга ўхшаган ўртоқлар изларди. У қўй терисини келтиришни буюрар, ўтов, бўри боши билан безатилган байроқ, қўй ва отлар билан ўйнаб туркутларга тақлид қиларди. У туркут хонининг шоди бўлишни орзу қиларди” (*Ibid*, 467-б.).

³⁹ М. И. Артамонов, *История Хазар*, 233-б.

кириб боргунча давом этарди. Базмларда чет эл таомлари чет эл муסיқаси остида тортиладиган бўлди. Туркларнинг ёқали, тугмаси чапга қадаладиган, белбоғ билан белдан боғланадиган яшил ёки жигарранг чопони Тан даврида одатий кийимга айланди.⁴⁰ Хитойларга ҳаммасидан кўра, VII юзйилликдаги хитой уйидан кўра қишда анча иссиқ, қулай ва мукамал бўлган туркларнинг ўтови ёқиб қолди.

Ўтовнинг афзалликларини шоир Бо Цзюй-и (772-846) атрофлича тасвирлаган. Хитой зодагонлари ўз қасрининг ҳовлисига ўтов ўрнатиб, қишда ўшанда яшай бошлаганлар. Бо Цзюй-и, туркларнинг рамзи эканлигини таъкидлаш учунми ўтовни “мовий” деб атайди. Ушбу манба илм оламига яқиндагина ҳавола этилгани боис мен, уни тўлиқ беришни лозим топдим.

Ўтову ўчоққа видо

Эсимда, эсимда қишнинг нафаси
Ва ишқирар қорнинг саси.
Чидамас зулмат ҳидига қари таним,
Яна мурда каби совуқдир ётоғим.
Аммо бор-ку ахир ўтовим,
Шимол кундузидай мовийим.
Олов чирсиллаб, ёнар гуркираб,
Изғириндан кекса таним асраб.
Дарё тўлқинида сузган балиқдай,
Хатарсиз инда ўйнаган қуёндай,
Яшайман табибим оташдир,
Тунги аёздан сақлар қуёшдир.
Қорли тунлар соғинчи ўтар,
Кўкламнинг ҳам қадами етар.
Вақт кечар, лекин чодирим,
Раҳматимни олиб қол, қадрдоним.
Майли, парда кўтарилган, бурчакда кул,
Наврўзда видолашув оғир, бил.
Агар саратонда ўлмай қолсам мен,
Учрашув яқиндир кутгил сен.
Соғайсайди жичча қари танам,
Кузда қайтардим бағрингга мен ҳам.⁴¹

⁴⁰ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 469-470-б.

⁴¹ Немисча сўзма-сўз таржимадан русчага ўгирилган.

Ўрта асрлардаги кўглаб шеърлар каби бу шеърда икки маъно: тўғри ва кўчма маъно бор. “Кўкламнинг қадами ва вақтнинг ўзгариши”да йил фаслларининг алмашинуvidан ташқари кўчманчилар билан муносабат мураккаблашуви ҳам англатилади. Бо Цзюй-и йирик мансабдор бўлиб, империя сиёсатига доимо ижобий қараган ва қўшни варварлар билан чиқишиб кетишга, тинчлик ўрнатилишига умид қилган. У бу асардаги шеърий сиёқларида (образларида) империя сиёсатининг асосий йўналишларини ифода этади.

Шундай қилиб, Тан империяси дунё миқёсига чиқишни истаган эди. Бу эса унинг кейинги сиёсати қандай бўлишини белгилаб берди, натижада мисли йўқ даражада гуркиради ва хотимаси қонли бўлди. Хитой ва Даштнинг бирлашиши бошқа ташаббуслар каби аврасининг астар томонига ҳам эга эди: Тан императорлари ҳаммани ўзларига суянчиқ бўлишларини қанча иташмасин, нозик паллада уларни қўллайдиган ҳеч ким топилмади. Командирлари мардлиги, жангчилари собитлиги самараси сифатида Тан фағфурлари бир зафардан сўнг иккинчисини кучса-да, бундан давлат кучаймади, аксинча, кучсизланиб бораверди. Уларнинг қўл остидаги ерларнинг ҳаммаси, биринчи навбатда Хитойнинг ўзи ҳам, қурол билан забт этилган эди. Шунга қарамай, уларга хос бўлган мағлубларга шафқатлилик, гўзалликни қадрлаш, ўша замон маданиятига меҳр кабилар асрлар оша шуҳратига сабаб бўлди.

XIV боб

ШАРҚИЙ ҲОҚОНЛИК

Чулохон. 619 йил Хитой учун ҳам Шарқий турк ҳоқонлиги учун ҳам таназзул ва кескин бурилиш йили бўлди. Айнан ўша чоғда кучларнинг муносабати ойдинланиб, табғачлар билан туркутлар орасида тўқнашув қочинилмас бир ҳолга келди. Шибирхоннинг Хитойга нисбатан қўллаган сиёсати моҳиятан калта ўйланган эди. Туркутлар каби жанговар, чидамли бўлган чегарадаги табғач ер эгалари асл хитойликларга нисбатан анча хавфли рақиблар бўлиб чиқди. Шибирхоннинг укаси Чулохон тахтга ўтиргач, бунини дарров фаҳмлади ва акасининг хатосини тўғрилашга киришди. Акаси мансабга кўтариб қўйган Лян Шиду ва Лю У-Чжоу каби олчоқларни қўллашни давом эттириш билан бирга Чулохон ўзини Суй хонадони ҳимоячиси, деб эълон қилиб, хитой “ватанпарварлари” Цзинчэнгуан (Лояннинг

шимолида) ҳокими Ван Ши чун¹ ва ўз қўлида Хэбэй, Шандун-Хэнан чегара минтақаларини ушлаб турган Доу Гян-дэ²лар билан мулоқотга киришди. Тан императори суянган қонуний асосни суриб ташлаш учун Чулохон ўзини Суй сулоласи тарафдори, деб эълон қилди ва император хонимга бошпана бериб, даъвогар Ян Чжен-даонинг “ван” унвонини ҳам тан олди. Суй сулоласи тарафдорлари, (улар анчагина экан) туркут хони ҳузурига қочиб келишди ва Датунфу яқинидаги Шансига тегишли Динсян шаҳрида муҳожир ҳукумати ҳам туздилар. Шу аснода 2 минг туркут аскарлари қувватлаб турган ҳолда Лю У-чжоу юриш бошлади. Тан империяси қуршовда қолди.

Суйчилар ғалаба қилса ҳам, Танчилар ғалаба қилса ҳам ўз бошини кундада кўрадиган чегарадаги даъвогарларни Чулохоннинг йиқитилган сулолани қўлаб, туркут сиёсатининг ўзанини ўзгартиргани безовта қилмаслиги мумкин эмасди. Уларга ўз ҳаётини сақлаб қолишнинг энг жўн йўли туркут хони ҳукмронлигини тан олиш эди. Ҳарбий бошлиқ Лян Ши-ду ҳатто ўзининг улугвор унвонини унутиб қўйиб. 620 йилда Чулохонга қуйидагича таклиф билан мурокаат қилади: “Чунъюанда тўс-тўполон, мамлакат бир неча подшоликка бўлиниб кетган. Ҳаммасининг аҳволи бир хилда заиф, шунинг учун барчаси туцзуларга (туркутларга) бўйсунди. Ҳозир бутун империяни танлар босиб олди. Мен ўз ўлимимдан қўрқмайман, лекин навбат сизга ҳам етиб келишидан хавотирдаман. Яхшиси, ҳозирча — у тахтда мустақамлангунича жанубдаги Чжунюанни эгаллаб олиш керак, мен етакчи бўлиб хизмат қилишга ваъда бераман”. Чулохон унинг фикрига қўшилиб 2 минг суворидан иборат “буюк қўшин”³ тўплади. Бу қўшин Чулохоннинг укаси Бўришод кўмондонлигида Шансига бостириб кирган Лю У-чжоуни қувватлаш учун ўз вақтида юборилган эди.

Бошланишида иттифоқчилар қўли баланд келди ва Тан ҳокими уларни тўхтата олмади.⁴ “Бироқ ишга табғач шижоати” ва шахзода Ли Ши-миннинг аскарлий истеъдоди аралашди. Лю У-чжоу туркутлар кўмагида Бинчжоуни⁵ қўлга киритишга улгурди. Лекин шу ерда унинг зафари ҳам тугади. Цзинян шаҳридан туркутлар ҳамма қиз-жувонларни олиб, катта ўлжа билан даштга чекинди.

¹ У ўз қасамини бузиб, таслим бўлган кўзғолончиларни тириклай ерга кўмади.

² Кўзғолончилар йўлбошчиларидан бири, Ся унвонини қабул қилиб, Тан сулоласига қарши кураш олиб борган.

³ Иакинф Бичурин, *История Китая*.

⁴ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 246-б.

⁵ Шансидаги Тайюан вилояти 607 йилдан «Бинчжоу генерал-губернаторлиги» деб аталадиган бўлди (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений по исторической географии...*, 52-53-б.).

Иттифоқчилари ташлаб кетган Лю У-чжоуни Ли Ши-миннинг табғачлари тор-мор келтирди ва у туркутлар қошига қочиб боради. Аммо улар, бу билан ҳамкорлик қилиш обрўмизга путур етказади, деган хаёлдами, ҳар ҳолда уни ўлдиришади. Ахир энди туркутлар “қонуний ҳукуматнинг ҳимоячилари” бўлиб, жиноятчи билан алоқа қилиш одобдан эмас эди.

Бундан сўнг Ли Ши-мин Ван Ши-чунга юзланди ва уни тор-мор келтирди. Ван Ши-чунга Доу Гян-дэ ёрдамга келади ва 621 йилда Лоян теварагида шиддатли жанг бўлиб, оқибатда ҳар икки саркарда енгилиб, асир тушадилар. Лекин Чулохон ўз ниятлари ҳалоқатигача яшай олмади. У 620 йилда сирли бир ҳолатда оламдан ўтди. Муваффақиятсизликни башорат қилган фолчиларга кулоқ солмай, Суй хонадонига ёрдам ҳақида баёнот бериши билан “қон ёғди,⁶ тунлари ваҳимали қичқириқлар эшитилди” ва хон тўсатдан касал бўлиб, уни Суй маликаси даволаганига қарамай ўлиб қолди.

Нима содир бўлган эди? “Заҳарлаш” мумкин эмас, чунки хон Суй тарафдорларининг энг яқин дўсти эди. Касаллик ва ўлим сабаби асабнинг қаттиқ безовта бўлишидан кўринади, бунинг асосларини ҳам билиш мумкин: шимолда ҳам, ғарбда ҳам хон кутмаган даҳшатли қийинчиликлар пайдо бўлган эди.

Уйғурлар. Буюк Гоби саҳросининг шимолида кўчиб юрувчи теле қабилалари Шарқий туркут хони тобеларининг асосий қисмини ташкил этар эди. Хитойларнинг тахминий ҳисобларига кўра уларнинг жамъи 100 минг киши бўлиб, 15 минг сараланган аскар етказиб бера олар эди.⁷ Охирги рақам ҳаққонийдир, айти пайтда VII юзйиллик миқёсида олинса, улкан рақам ҳамдир.

Телеларнинг тарқоқлигидан фойдаланиб, туркутлар улардан оғир солиқлар ундираш ва ўз кўшинлари учун хизмат қилишга мажбурлар эдилар. Шибирхон ўз даврида буларни уддалар экан, Чулохон замонида келиб,⁸ буғу, тўнгра ва байирқу каби уч уйғур қабилалари бирлашди ва кейинроқ уйғур ҳоқонлиги етакчиси бўлган Йағлақар (Йологэ) уруғи бошчилигида туркутларга қарши қўзғолон кўтаришди. Туркутлар учун бу қаттиқ бир тепки эди. Уларнинг Хитойга босими камайиб, янгигина дунёга келган Тан империяси нафасини ростлаб олишга муваффақ бўлди. Хитой дипломатияси

⁶ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 466-467-б.; Н. Я. Бичуринда “қор” дейилади (*Собрание сведений...*, I ж., 247-б.).

⁷ E. Chavannes, *Documents...*, 89-б.

⁸ Манбада қўзғолон санаси берилмаган. Мен, энг мақбул сана деб 620 йилни ҳисоблайман, чунки бу йилларда теле қабилалари Шибирхонга бўйинсунар ва Кат Элхон билан душман эдилар. Қўзғолонни Чулохон тadbирларига боғланиши ҳақидаги фикрлар борасида, юқоридаги манбанинг ички танқидий мавзуга қаранг.

мазкур қўзғолонни тайёрлашда иштирок этган-этмаганлиги номаълумдир. Кўпроқ, бундай иштирок бўлмаганга ўхшайди. Нима бўлганда ҳам, туркутлар оёқ-қўли боғланиб, Чулохоннинг вориси ва укаси Кат Элхон Турбир⁹ шарқдаги чўллар қўзғолончилар қўлида¹⁰ бўлганлиги боис ўз қароргоҳини Хитойга кўчиришга мажбур бўлади.¹¹ Йағлакар уруғи етакчилари билан бир қаторда “халқ Шиган сифинни ҳам ҳукмдор деб эълон қилади, кейин эса худди шу тарихи унинг ўғли Пусага ҳокимият топширилади. Отаси эса уни ёқтирмас ва ўзидан узоқлаштирган эди. Бироқ Пуса “жасур ва доно бўлиб”,¹² ҳайвонларни боқишни, душманларни мағлуб этишни яхши билганлиги учун “Пусани ҳурматлаган уруғдошлари уни ҳукмдор қилиб қўйишди”.¹³ Бу тутум туркутларнинг поғонали тизими тамойилларидан қай даражада фарқ қилиши аниқ кўриниб турибди. Бундан ташқари, манба матнидаги “ҳукмдор” сўзи ҳукумат берилган кишининг шартли ифодаси бўлиб, “ҳоқон” атамасига мос келмайди. Қўйироқда Пусанинг вориси жўнгина қилиб “Хойху бошчиси” деб аталган бўлиб, бу ҳақиқий ҳолатни ифода этган бўлиши керак.

Шундай қилиб, уйғур бирлашмасини туркутларнинг эли қаторида ҳисобламаслигимиз, балки қабила иттифоқи деб билиб, туркут ва уйғурлар ўртасидаги курашни бир-бирига тўғридан-тўғри қарама-қарши тараққиёт йўналишида бўлган икки тизимнинг тўқнашуви сифатида тахмин қилишимиз лозим.

Туркут ҳам, уйғур ҳам бир тилда гаплашган, ҳар иккаласи ҳам “ўт ва сувнинг етарлича бўлишига қараб”¹⁴ қорамолини ҳайдаб, бир хилда қўчманчи ҳаёт кечирган, бироқ мана шулар билан улар ўртасидаги ўхшашлик ҳам тамом бўлган. Бошқа ҳамма нарсада улар бир-бири билан сал-пал фарқ қиларди, бироқ мана шу “сал-пал” уларни ягона бир халқ бўлиб бирлашишига ҳалақит берарди. Масалан, телеларда ҳам туркутлар каби бобо бўри ҳақида афсона бор эди, аммо туркутлар ўзларини боладан урчиган урғочи бўридан

⁹ “Цзели” исмини хитойча-японча ўқилишини Грумм-Гржимайло киритган. Бичурида – Хйели, Шаваннда – Ние-ли; Калгрэн j ier-lje, Радлов Катли (kat – жуда) деб тиклашади. М. Ф. Хван Кат Элхон деб ўқишни тавсия қилади. Бу исм учун қўлланган хитой иероглифлари ҳақорат маъносига эга: “судхўр”, бу эса унга нисбатан душманлик кайфиятини акс эттиради.

¹⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 247-б.

¹¹ Тунгра ва Бугу Орхон Селенга орасида кўчиб юрган, уйғурлар Орхон ва Толой ўртасида, байирқу эси Керуландан шимолда Хэнтей ва Хинган оралигида кўчишган. Яна, Байкалорти ва юқори Ангарада туркутларга тобе бўлмаган куриқанлар яшаган.

¹² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 302-б.

¹³ E. Chavannes, *Documents...*, 89-б.

¹⁴ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 302-б.; E. Chavannes, *Documents...* 90-б.

тарқаган деб ҳисоблашса, телелар бўридан урчиган қиздан тарқалганмиз деб ўйлашарди.¹⁵ Бу икки эгизак афсонада эркак бошчи ва аёл бошчи муносабати бир-бирига қарама-қарши бўлиши тасодиф эмас, албатта. VI-VIII юзйилликларда иккичилик (дуализм) фалсафасида жинс рамзи ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Осмон ота ҳисобланган, Ер – она. Туркутлар каби Осмонни инсон деб, уйғурлар каби Осмонни ҳайвон деб тушуниш бир хил моҳиятга эга эмасди.¹⁶ Афсоналар параллеллигининг ўзида, уларнинг ташқи ўхшашлигига қарамай, махсус зиддият бор. Бу тасодифга ўхшамайди, бинобарин, палеоантропология уларнинг келиб чиқиши ҳар хиллигини тасдиқлайди.

Туркутлар VI-VIII асрлар турклари орасида энг монголоидларидан эди. Гуржилар Тбилисини қамал қилган туркут саркардаси устидан кулиш учун “катта бир қовоқни олиб келиб, унга хунлар подшоси қиёфасини чизишган – бир аршин энига ва бир аршин бўйига; киприklar ўрнига кўзга кўринмайдиган қилиб, бир неча кесилган шохчалар сурати чизилган; соқол ўрни хунук қилиб бўш қолдирилган; бурун катаги эни бир тирсак, муртидаги мўйлари жуда сийрак”¹⁷ қилиб тасвирланган. Бу ҳеч шубҳасиз бир кишининг қиёфаси устидан эмас, балки ирқий хусусиятлар¹⁸ устидан кулишдир. Бу ирқий белгилар туркут тош балбаллари¹⁹ ва ҳайкалчалари²⁰ кўринишида ўз тасдиғини топади.

Айни чоғда, уйғурлар ўз аждодлари дилар²¹ каби европоид халқ эди. Хитойлар чизган расмда уйғур катта бурунли, шаҳло кўз, пастки лабидан бошланадиган соқол, мўйлов ва қоши қалин қилиб тасвирланган.²² Уйғур қабрларида олиб борилган қазималар бу этник гуруҳнинг европоид эканлигини тўлиқ тасдиқлади.²³

Бу икки қавм руҳий жиҳатдан ҳам фарқланар эди. Ҳар иккаласи жанговор бўлса-да, туркутлар ўз хон ва тархонлари ортидан интизом билан эргаша олар, телелар, жумладан, уйғурлар эса ўз эрklarини мардонавор муҳофаза қилар, бироқ ташкилий бошқарувда қобилиятсизроқ эканликларини ғалабасидан сўнг кўчиклари томон тарқалиб кетишида ва душманлари ўзига келиб, қаддини тиклаб

¹⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 220-221, 229, 301-б.

¹⁶ Уша асар, 214-215-б. Ўзини ҳомиладор қилган буруни қиз Осмон тажағлиси деб биларди.

¹⁷ “История Азган...”, 108-б. (Қиёсланг: К. Патканова, *Ванские надписи...*, 263-б. .)

¹⁸ М. И. Артамонова, *Очерки...*, 113-114-б.

¹⁹ Л. Н. Гумилев, *Алтайские ветвь...*, 113-114-б.

²⁰ Л. Н. Гумилев, *Статуэтки...*

²¹ Л. Н. Гумилев, *Динлинская проблема*, 21-б.

²² Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...* II ж., 28-б.

²³ М. К., *Археологическая экспедиция, 1954 г.*, 69-б.

олишига имкон беришларида намоён қилиб қўярди. Айни мана шу хусусият Кат Элхонга уларнинг ажралиб кетганига парво қилмай, Тан сулоласи билан узоқ муддат урушни давом эттиришига имкон берди.

Икки ҳарбий бирлашма. Ҳоқонликнинг ғарбий чегарасидаги вазият хатарли тус олди. Тун Жабғухон шарқий туркутларнинг ашаддий душмани эди. Унинг қўл остидаги ерлар Шарқда бутун Жунғорияни қамраб олар, Мўғул Олтойи тизмасигина шарқий ва ғарбий ҳоқонликларни бир-биридан ажратиб турарди. Кат Элхоннинг бахтига унинг душмани ғарб ва жануб томонларда уруш билан банд эди. 620 йилга келиб Сарик денгиздан тортиб то Ўрта Ер денгизигача бўлган майдонда урушда қатнашаётган кучлар нисбати узил-кесил маълум бўлдигина эмас, туркутларнинг ўрни масаласи туркутларнинг ўзига ҳам унинг кейинги тадқиқотчиларга ҳам равшан аён бўлди.

Ғарбий туркут хонлари олдида ечилмаган иккита ташқи сиёсий муаммо турар эди: аварларни бўйсундириш ва Эрон ўртасидан ипак карвон учун йўл очиш. Бу муаммони ечишга яқка ўзларининг кучи етмасди, бироқ ҳар икки муаммо бўйича ҳам ўша пайтда форсларнинг гирибонидан олиб турган Византия табиий бир иттифоқчи эди.

610 йилги ҳукумат ўзгариши Константинополда истеъдодли саркарда Ираклийни салтанатга келтирган бўлса-да, Византия империясининг аҳволи жуда танг эди. Унинг Оврупадаги вилоятлари Эрон билан иттифоқ бўлиб олган аварлар босқини остида бўлса, 616 йилда Мисрнинг қўлдан чиқиб кетиши пойтахтни дон-дунсиз қолдирди.

Эронлар аварлар билан биргаликда Византия империясини исканжага олдилар. Аммо Ираклий шарқдаги иттифоқчиси Ли Шиминдай қобилиятли сиёсатчи ва саркарда бўлиб чиқди. Унинг жосуслари кутургурлар орасида аварлар ҳукмронлигига қарши норозилик тугдиришга муваффақ бўлдилар, аварларга бу ҳақда дарак етгандан сўнг 620 йилда Константинопол қамалини пул эвазига тўхтатишга рози бўлиб, Дунай ортига чекиндилар. Бу Ираклийга пойтахт муҳофазаси заруратидан қутулиб, Кичик Осиё кўшинини бошлаб форслар устига юриш уюштиришга имкон берди.

Ираклий режаси қуйидагича эди: форслар босиб олган ерларини четлаб ўтиб, уларнинг ортини тор-мор этиб, рақибини урушни давом эттира олиш имконидан маҳрум этмоқ. Бу уруш замондошлари наздида христиан дини учун “салб юриши” мақомига эга бўлди, чунки форслар Қуддусдаги муқаддас ерларни булғаган эдилар. Лекин 623 йилда²⁴

²⁴ Я. А. Манандян, *Машируты...* 134-б.

Арманистон орқали Атропатен Гандзагига уюштирилган биринчи юриш муваффақиятли яқунланди деб бўлмайди. Юнонлар Двин, Нахчивон ва оташкада жойлашган Гандзақларни эгаллаб тараж қилганига қарамай, чекиниш асносида форслар шундай қисиб қўйдиларки, юнонлар барча асирларидан маҳрум бўлиб, фақат Каралага²⁵ тоғидагина форслар таъқибидан зўрға қутулдилар.

Ўзига иттифоқдош излаб, Ираклий агван, ивер ва арман бекларига ёзма равишда “Ўз қўшинлари билан унинг истиқболига ихтиёрий тарзда чиқиб, қишгача унга хизмат қилишни тавсия этди. Акс ҳолда, уларга маъжусийларга қилинадиган муносабат қўлланиб, уларнинг қалъалари босиб олиниб, хонавайрон қилиниши айтилди”.²⁶ Бироқ арманлар ва гуржилар форс бўйинтуруғини юнонниқига алмаштиришга хумор эмасдилар, ажойиб экин майдонлари ва боғларини ҳимоя қилишга қурби етмаган агванлар эса бор бисотларини Ираклийнинг ёлланма аскарлари оёғи остига ташлаб истеҳком ва қалъаларга яшириниб олдилар.

624 йил кўкламида форсларнинг уч қўшини Ираклийни қуршаб олади, бироқ у қуршовни ёриб ўтиб, “ўтиб бўлмас мамлакатлар, оғир ва хатарли йўллар орқали”²⁷ Нахичивон текислигига чекинади. Форслар чекинаётган юнонларни изма-из қувиб келарди, шу аснода лазлар ва абазгилар Византия қўшинини тарк этади. Шунга қарамай, Ираклий форсларни яна бир мағлуб этиб, Киликия томон, ундан эса Севастияга кетади.

Машаққат тугади. Бу аслида чекинаётган лашкарнинг биринкетин эришган ғалабаси сифатида машҳур бўлиб қолди. Ортида заҳираси ва аслаҳаси бўлмасдан маневрлар қилиш Ираклийни буюк бир саркарда ва сиёсатчи сифатида намоён қилади.²⁸ Ушбу юришнинг самараси ҳақида адолатли ва теран баҳони Моисей Каланкатуйнинг “Агван тарихи” деган ажойиб китобида кўрамиз. “Форс қўшини қаттиқ мағлубиятларга учраган бўлса ҳам, тазйиқ этувчилар ҳамласига дош бериб, зўрлик билан босиб олинган ерларини қайтариб олиб, уларни ўз мамлакатларигача ҳайдаб келдилар”.²⁹

Ҳақиқатдан ҳам, Ираклийнинг ҳужуми тўхтаб қолди, бироқ энг даҳшатлиси, у душман рўпарасида яққаланиб қолди. Кавказорти христианлари ҳам форс ҳукмронлигига кўниқиб, уни

²⁵ Эрон Озарбайжондаги тоғларнинг бир қисми (Қаранг: Манандян, *Маршруты...*, 138-б.).

²⁶ *История агван...*, 102-103-б.

²⁷ *Феофан Византийский, Летопись...*, 250-б.

²⁸ *Noldeke, Aufsätze Zirpersischen...*, 126-б.

²⁹ *История агван...*, 193-б.

афзал кўриб православ императорига ёрдам бермадигина эмас, ҳатто Картли подшоси Стефан³⁰ кабилар унга қарши курашдилар ҳам.

Айни замонда аварлар яна ўзини ўнглаб олиб, форслар билан ҳамкорликда Константинополга ҳужумга тайёрлана бошладилар. Византия подшоси шошилмаса бўлмас эди, у ўзига шерик топиши зарур эди ва бундай иттифоқчи топилди ҳам.

625 йилда³¹ Ираклий Андрей деган ақлли ва эпчил эр кишини, кўп бойликлар ваъдаси билан хазарларга жўнатади. “Шимолий подшоҳнинг ўнг қўли Жабғу ҳоқон³² ҳозиржавоблик билан шундай деди: “Мен унинг душманларидан (Ираклийнинг) ўч олишга отланаман, ўзим ботир жангчиларим билан ёрдамга бораман, унинг истагини бажариб, у хоҳлаганича аскарлик ишларини қиличим ва камоним билан амалга ошираман”.³³ Жавоб элчилигини минг отлик аскар кузатиб борди, улар форс чегара тўсиқларини ёриб ўтиб, Ираклий қароргоҳига етиб келдилар ва иттифоқлик шартномасини тасдиқ этдилар. Кейинги йили ваъда қилинган қўшин Агвания ва Атрапатаканга суқилиб кирди.

Ана шу ондан бошлаб византияли тарихчилар туркутлар билан хазарларни бир деб тушунадилар, чунки хазарлар ҳоқонликнинг Каспийбўйи даштларидаги асосий таянчи бўлиб қолган эдилар.³⁴

Шу тариқа Фарбий туркут ҳоқонлиги Византия билан Эрон кураши доирасига тортилди. Айни пайтда Хитой билан дўстлик алоқалари давом этар ва табиийки Шарқий туркут ҳоқонлиги билан душманлик муносабатлари ҳам сўнмаган эди.³⁵ Душманлашув ҳалқаси ёпилади: икки улкан коалиция пайдо бўлади: бир томонда Хитой, Фарбий туркут ҳоқонлиги ва Византия империяси, иккинчи томонда Шарқий туркут ҳоқонлиги, Эрон ва аварлар салтанати.

Савол туғилади, бу коалициялар ростдан ҳам дипломатик музокаралар самарасими ёки давлатларнинг ҳарбий ҳаракатлари бир вақтга тўғри келиб қолганми? 589 йилги вазиятдаги каби бу ҳолатда ҳам ҳар икки коалиция аъзолари орасида боғланиш кузатилади. Форслар билан аварлар аскарий иттифоқ орқали боғланган эдилар. Византия Фарбий туркут хони валиси билан иттифоқ шартномаси тузган эди. Фарбий туркут хонлари Шегуй ва Тун жабғуларнинг аввал Суй, кейин Тан сулолалари билан

³⁰ У. Такайшвили, *Источники грузинских летописей*, 124-б., 3-изох.

³¹ *История агван...*, 110-б.

³² Қаранг: М. И. Артамонов, *История хазар...*, 155-б.

³³ “*История Агван*”да хронология чалкаштирилган (Артамонов, *История хазар...*, 54-б.).

³⁴ Қаранг: М. И. Артамонов, *История хазар...*, 133-б.

³⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 284-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 24-б.

иттифоқ тузганликлари хитой воқеаномаларида қайд этилган.³⁶ Фақат Византиянинг Хитой билан ва Эроннинг Шарқий туркутлар билан боғланиши масаласи очиқ қолади. Бундай алоқаларни қайд этган ҳужжат йўқ, бироқ бу мантиқда йўл қўйилмайдиган *reductio ad silentium* дир. Эрон бунгача ҳам³⁷ бундан кейин ҳам Узоқ Шарқ билан мулоқотда бўлган. Шунинг учун ҳам VII асрнинг 20 йилларида Эроннинг Шарқий туркут ҳоқонлиги билан алоқаси бўлмаганидан кўра бўлганлигини тахмин қилиш мақбулроқдир. Афсуски, араб истилочилари сомонийлар архивини йўқ қилиб ташлашган, хитойлар эса ўз душманларининг махфий муносабатларидан беҳабар қолиши табиий.

Византия билан Хитой мулоқотлари масаласига келсак, Ираклийнинг Хусрав Парвез вориси Кавад Шеруя билан яширин сулҳ тузиши ва бун тасодифан Шарқий туркутларнинг сўнгги фаоллашув чоғига тўғри келиши бундай мулоқот бўлганлигини кўрсатади. Агар Шарқий туркутлар зафар қозонса, Фарбий туркутларга зарба бериб Ираклийни Эронга қарши ягона иттифоқчисидан маҳрум этарди. Чунончи Фарбий туркутларнинг Озарбайжондаги зафарли юришлари хитойларга маълум эди.³⁸ Шарқ билан Фарб орасида узлуксиз қатнаб турадиган суғуд савдогарлари, иттифоқчиларини уруш тафсилотларидан вақтида хабардор қилиб турган кўринади.

Урушнинг сабаблари ва ҳаракатга келтирувчи кучлари масаласига ўтилганида таъкидламоқ керакки, биринчи коалициянинг барча аъзолари — Византия, Хитой ва Фарбий туркут ҳоқонлиги карвон савдоси ривожидан манфаатдор эдилар. Византия ва Хитой борасида ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Фарбий туркут ҳоқонлиги эса бу жиҳатдан анча мураккаб эди. Юқорида айтилганидек, бу ерда икки тоифа ёхуд икки қабила иттифоқи бир-бири билан кураш олиб борарди: дулу — иқтисодий жиҳатдан Шимолий туркутлар ва Турфон билан боғлиқ бўлган, ҳудудларида йиқитилган Суй сулоласи тарафдорлари мустаҳкамланиб олган³⁹ шимолий-шарқий кўчманчилар ҳамда нушибилар — суғуд савдо шаҳарларига талпинадиган жанубий-фарбий кўчманчилар. Бу кентларнинг манфаатлари Хитой ва Византия билан чамбарас боғлиқлиги туфайли нушибилар ҳам Хитойга тарафкашлик қилар

³⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 283-б.; *История Китая*, VIII, 39-дафтар.

³⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 263-б.

³⁸ E. Chavannes, *Documents...*, 24, 171, 172-б.

³⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 291-б.

эдилар. Шегуй (611-618) ва Тун жабгу (618-630) каби хонларни нушибилар тахтга ўтказган эдилар, ана шунинг учун ҳам улар Хитой билан яқин алоқада бўлган, Шарқий туркутларга қарши Византия томонида бўлиб, Эронга ҳам қарши эдилар.

Хуллас, биринчи коалиция аъзоларининг маҳаллий мақсадларидан ташқари Европа ва Хитой орасида хатарсиз ва эркин савдога муҳит яратиш каби муштарак ниятлари ҳам бўлган эди, десак янглишмаймиз.

Иккинчи коалиция аъзоларининг мақсадлари ҳар хил эди. Аварлар талончилик мақсадида бўлса, Эроннинг Византия билан ўз ҳисоб-китоби бор эди.⁴⁰ Хитойда кучли ҳукумат ўрнатилиши Шарқий туркутлар сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига ҳалокатли таҳдидни келтириб чиқарарди. Бу эса олдинги давр тарихида – Суй сулоласи кучайган чоғда яққол кўриниб қолган эди. Шунинг учун ҳам туркут хонлари Хитойдаги ҳар қандай қўзғолон ва тартибсизликларни қўллаб-қувватлар ҳамда минглаб сиёсий муҳожирларга бошпана берар эдилар.⁴¹ Хитой исёнчиларидан ташқари Кат Элхоннинг яна икки иттифоқчиси бор эди.

Шарқдаги кидан ва татаб (хи) қабилалари уйғурларга эргашмай, ҳоқонликка содиқлигини сақлаб қолган эдилар. VII юзйилликнинг 20-йилларида улар толосни ташкил этиб, Шибирхоннинг ўғли, тахт вориси Шибоби томонидан⁴² шахсан идора қилинар эди. Киданларнинг Тан хонадонига душманлик кайфиятида бўлгани етмаганидай, татаблар даъвогарлардан Гао Кай-дао билан тил бириктириб, биргаликда Хитой ҳудудларига ҳамла қилишди.⁴³

Шарқий туркутларнинг иккинчи иттифоқчиси Тогон эди, у 615 йилда Суй сулоласи емирилиши асносида озодликка муяссар бўлган эди. Тогон подшоси Фуюн аввал Тан хонадонидан бўлган даъвогарга кўмак беради. У гаровга олинганларни қайтарган заҳоти Фуюн унинг душманлари томонига ўтиб олади.⁴⁴ Бизнингча, бу манзарада нозик сиёсий ҳисоб-китоб намоён бўлади, дейилса, тўғри бўлмаса керак, бу ўринда хитойлардан ҳам, унинг иттифоқчиларидан

⁴⁰ Эрон ҳукуматининг тўсиқлар яратиш тадбири ҳақида гапирилди. Бу ҳолат 628 йилларда ҳам давом этганлигини Хусрав Парвезни тахтдан тушириш асносида бир аёнинг гапидан биламиз: “Қачонгача ўтаклар ёпилиб, бизнинг ватанимизнинг турли мамлакатлари манфаатларига тўғаноқ бўлар экан” (“История Агван...”, 113-б.). Савдога тўсиқ қўйиш, уни қисиб қўйиш бутун дунё савдогарларини сосонийларни ёмон кўришига олиб келиши тушунарли бир ҳолдир. Урушининг бошқа сабабларини ўқувчи Византия тарихидан билиб олса бўлади.

⁴¹ Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 134, 182-183-б.

⁴² Хитой манбаларида у Тулихон, яъни толослар хони деб ёзилади.

⁴³ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., 1 ж., 361, 371-б.

⁴⁴ Иакшф Бичурин. История Тибета..., 89-б.

ҳам жабр кўрган ва шу жабр учун қасос олмоқчи бўлган Тогон халқ оммасининг истаги намоён бўлади. Тогонлар унча қудратли эмасди, бироқ жабҳа чизикларини янада ғарбга томон узайиши табғач кучларини сочиб юбориб, шимолий чегарани кучсизлантиради. Шу боис ҳам Тогон туркут хони учун муҳим бир иттифоқдош эди.

Хужум. Ака-укалари бошлаб юборган кураш оддий чегара можаросидан четга чиқиб кетгани учун, фақатгина хитой исёнчиларига суяниб қолиш ўзига ҳалокатли эканлигини Кат Элхон тушуниб етди. У зафарга фақат бор кучи билан ҳал қилувчи зарба берсагина эриша олиши мумкин эди. “У отаси ва акаси йиғган жамғармага суянарди ва унинг кўп сонли, аъло даражадаги отлик аскарлари бор эди”.⁴⁵

Уруш бошлаш учун туркутларга қулай бир фурсат туғилади. Ли Ши-мин 621 йилда ўзининг сара лашкари билан Лоянда Ван Ши-чун ва Доу Гян-дэллар билан жанг олиб борарди.

Бундай лаҳзаларда туркутлар билан зиддиятга боришдан ўлгудай кўрқадиган император Гаоцзу (Ли Юан), мутлақо нотўғри бир йўл танлайди. У Кат Элхонга дўстлик ришталари боғлаш учун 100 минг парча ипак жўнатади. Хонга бу императорнинг ожизлиги ва кўрқоқлиги бўлиб кўринади ва у Тан элчиларини қамаб қўйди. Бунга жавобан Чанъанда икки нафар таниқли туркут – Жехай ва Ашидэ тегин⁴⁶ қамоққа олинади ҳамда бу уруш бошланишига сабаб бўлади.

Туркутлар Шансига бостириб кириб Маи қалъасини эгаллайдилар. Табғач қўшини тор-мор келтирилиб, саркардалари асир олинади. Тан қўшинининг Лояндаги ғалабаси вазиятни бироз тиклагандай кўринса-да, тор-мор келтирилган қўшин зобитлари янги йўлбошчи қилиб Лю Хэй-дани сайлайдилар, (юқорида у ҳақда маълумот берилган эди) ва урушни давом эттирадилар. Туркутлар мадади кўзғолончиларнинг Шандунни эгаллашига (622 й.) имкон беради, ўша чоғда туркутларнинг асосий кучлари Бинчжоуга кириб боради ва рақиб қўшинининг жуда катта қисмини банд қилиб қўйганидан фойдаланиб, Лю Хэй-да шарқдаги муваффақиятларини кучайтириб боради. Ҳукумат қўшинининг қарши ҳужумга ўтиб, туркутларни Маидан суриб чиқариш учун уринишлари зое кетади. Туркутлар Яйминни босиб олгач, Финчжоу ва Лучжоу вилоятларини

⁴⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 247-б.

⁴⁶ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 395, 420-б.;

хонавайрон қилиб, даштга 50 мингдан ортиқ кишини — эркагу аёлни асир тариқасида олиб кетадилар.

Тан ҳукумати бор кучини бутунлай сафарбар қилганидан сўнгина туркутлар ҳужумини тўхтатишга муяссар бўлди. Ли Ши мин ва акаси Ли Гян-чэн туркутларнинг бостириб кирган бир неча бўлинмаларини тор-мор келтириб, унинг асосий кучларини ҳам чекинишга мажбур этди. Айни чоғда туркут хони жуда кўп миқдордаги бойликни совға сифатида қабул қилади ва бу уни сулҳга мойил қилиб қўяди.⁴⁷ Бу даҳшатли бир хато эди, чунки туркутлар ҳужуми шиддатини йўқотиб бўлган эди.

Нафас ростлаш учун туғилган фурсатдан фойдаланиб, тахт вориси Гян чэн маблағларни, ваъдаларни, фитналарни — барчасини Лю Хэй-дага қарши қаратиб, унинг лашкари жипслигини бартараф этишга муваффақ бўлди. Хаш-паш дегунча Лю Хэй-дани энг ишонган сафдошлари ташлаб кетишди, қолганлари уни тутиб Тан шаҳзодасига топширди. 623 йил 7 февралда Лю Хэй-да ўлдирилди ва шарқдаги кўзғолон ҳам бостирилди.⁴⁸

Фарбада шу кезде Шэнсига бостириб кирган тогонлар мағлубиятга учрадилар. Тан саркардаси бу жангда мутлақо янги тактика қўллайди: жанг майдони ёнидаги тепаликка мусиқачилар, раққосалар чиқиб томоша кўрсата бошлайдилар. Тогонлар гўзал хитой қизларини суқ билан томоша қилаётган бир паллада хитой аскарлари уларнинг орқа томонига ўтиб олиб ҳужум бошлайди. Асир олинмади. Фақат отлари олиб қочган тогонларгина жонини асраб қолди.⁴⁹

623 йил кузида туркутлар ҳамлаларини қайта бошладилар, бироқ фурсат қўлдан кетган эди ва ҳарбий ҳаракатлар дам у томонга, дам бунисига зафар келтирар эди.⁵⁰ Фақат 624 йилга келиб иккала туркут хони — Кат Элхон ва унинг жияни Шибоби (толослар хони) бутун жабҳа бўйлаб ҳужумга ўтиб “ҳаммани жон талвасасига солиб қўйди”.⁵¹ Уларга қарши ака-ука Ли Ши-мин ва Ли Лун-ки бошчилигидаги икки корпус ташланди. Одатдаги усуллар билан рақибини тўхтата олишга кўзи етмаган Ли Ши-мин икки томон аскарлари орасидаги майдонга чиқиб, Кат Элхонни яккама-якка жангга чорлади. У кулимсиради, лекин ҳеч нарса демади. Шунда Ли Ши-мин от чоптириб Шибоби олдига боради ва унинг оти

⁴⁷ S. Julien Documents..., vol 4, 210-211-6.

⁴⁸ Gaubil, Abrege..., 429-6.

⁴⁹ H. Cordier, Histoire generale..., VI, 23-6.; Иакинф Бичурин, История Тибета, 89-90-6.

⁵⁰ S. Julien Documents..., vol 4, 212-6.

⁵¹ Ibid..., 214-6.

тизгинидан ушлаб бор овози билан шундай дейди: “Биз бир вақтлар иттифоқчи эдик, агар сенга бирор офат келса, мен ёрдам беришим мумкин. Наҳотки, қасаминг эсингдан чиққан бўлса? Қонли жангда ғалабани ҳам таъминлай оласанми?”⁵² Толослар хони ҳеч нарса демади. Ростдан ҳам, уни Ли Ши-мин билан махфий келишуви бор-йўқлиги масаласи ноаниқ қолаверади. Аммо Тан шаҳзодасининг бу ажойиб “юриш”идан мақсади туркут хонлари орасида низо чиқариш эди. Нима бўлишидан қатъий назар у бу ниятига эришди.

Кат Элхон жияни сотқинлигидан гумонсираб, жангга кирмай аскарларини олиб кетди. Сулҳ тузилди, музокаралар бошланди, лекин самарасиз тугади. Шу аснода ёгинлар ёғди, туркут камонлари намланди, ночорланди, хонлар чекинишига тўғри келди. Император ва унинг яқинларини шу даражада ваҳима чулғадики, улар пойтахтни жанубга кўчиришига сал қолди. Бу ҳалокатли ҳаракатнинг олдини Ли Ши-мин олди. Чегарани мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди, туркутлар дарёдан ўтишига тўсқинлик қилиш учун Хуанхе дарёсида эшакли флот бунёд этилди.⁵³ Кейин эса император элчилари ғарбий даштга йўл олиб, Тун Жабғухонни шарқий туркутларга қарши иттифоқ тузишга кўндирди.⁵⁴

Кат Элхон ўзининг чекинишини тинчлик сулҳи тузиш учун бир баҳона бўлади, деб ўйлаган кўринади. Урушнинг кейинги жараёнига у лоқайд қарайди. 624 йил охирларида табғачлар бутун Хитойни эгаллаб олади, бутун мамлакатда Тан хонадонига мухолиф бўла оладиган куч қолмаган эди. Хоннинг тижорат иттифоқи тузиш ҳақидаги таклифига император рози бўлади,⁵⁵ лекин император урушга қизгин тайёргарлик кўраётгани боис, хоннинг хомхаёллари тезда барбод бўлади.

625 йилда туркутлар яна Шансига бостириб кирадилар. Уларнинг бир бўлинмаси енгилса-да, бошқа бири чиройли бир ғалабани кўлга киритади. Туркутларнинг ҳамлалари зафарли, лекин қамаллари омадсиз бўларди. Улар уруш тақдирини фақат очик жангда ҳал эта оларди, бироқ Хитой империяси ичидаги воқеалар ечимни анча орқага суриб юборди.

Хитойдаги тўнғариш. Суворилар генерали сифатида Ли Юан катта гайрат, топқирлик ва қатъийлик намоён қилди. Аммо у император Гаоцзуга айланиши билан, устига ёпирилган ташвишлар

⁵² *Ibid.*

⁵³ *Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten...*, 447-б.

⁵⁴ *Иакинф Бичурин, История Китая, 624 йил сараловҳасиди.*

⁵⁵ *S. Julien Documents...*, 216-б.; *Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten...*, 454-б.

қаршисида каловланиб қолди. VII аср Хитойи қайнаб-тошиб турган эди. Уни босиб олиш кифоя қилмасди, уни тинчитиш керак эди, бироқ Ли Юан буни эплай олмасди. Яхши саркарда эди-ю, бироқ узоқни кўра оладиган сиёсатчи эмасди. Шунинг учун ғалабадан кейин у камроқ қаршилиқ қилиш йўлидан бордики, бунга вазиятгина эмас, шахсан ўзининг ҳам толиққани сабаб бўлди.

Суй сулоласини ҳимоя қилган Гуанлун гуруҳидаги ҳамма ер эгалари ўлиб кетмаган эди. Уларнинг катта бир қисмига афв эълон қилинди ва улар ташаккур изҳори учун саройга келдилар.⁵⁶ Улар Чанъанда шундай бир шароит вужудга келтира олдиларки, Гаоцзу уларга яқинлашиб, кўмақларини қабул қилди. Уларнинг умидлари Суй даври тартибини тиклаш, яъни император хонадони саройда ҳеч ташвишсиз яшаб, бошқарув тизимини ишончли конфуцийчи амалдорларга топшириш ҳамда асосий оммани аввалги ҳолатига қайтариб, солиқларни оғиз очмай тўлаши ва итоат билан хизмат қилишга эришишдан иборат эди. Бу оқимнинг йўлбошчилари тахт вориси Ли Гян-чэн ва императорнинг учинчи ўғли, шахзода Ли Гян-килар эди.⁵⁷

Ушбу дастурга биноан конфуцийчи профессорлар аслзодаларнинг ўғилларидан давлат лавозимларини эгаллашга тайёрлайдиган академия таъсис этилди.⁵⁸ 626 йилнинг 24 майида эса роҳибларнинг кўпчилигини солиқ тўловчилар сирасига қўшадиган ҳамда ибодатхоналар мулкани давлат хазинасига ўтказишни назарда тутадиган,⁵⁹ буддизм ва даосизмни чегараловчи фармон чиқарилди. Бу тарих ғилдирагини ортга айлантириш учун бир ҳаракат эди.

Янги тартиб машаққатлари елкасига унвонли бойлар чиқиб олишга шайланаётган халқ оммаси зиммасига тушиши керак эди: шу билан бирга ўз қувватини чегара мудофаасига сарфлаб бўлганлиги туфайли мансаб имтиҳонларига тайёрланишга на вақти, на маблағи бўлмаган унвонсиз зодагонлар ҳамда уларнинг йўлбошчиси, ҳарбий шуҳрати юзасидан биродарлари ғайирлигига маҳкум Ли Ши-мин, мизожи туфайли ёки қўлловчилари йўқлиги учун мутахассис олимлар қаторига киритилмай қолган саводли кишилар. умуман, буддизм ва даосизмга мойил кенг омма машаққатларни яна ўз елкасида кўтариши керак эди. Умуман олганда, янги дастур Хитойнинг

⁵⁶ Шан Ю), *Очерки...*, 199-б.

⁵⁷ *Ҳодисалар жараёнининг бундай изоҳи китоб муаллифига тааллуқли. Бошқа муаллифлар шахзодалар тўқнашувини тахт учун шахсий кураш деб ҳисоблайдилар.*

⁵⁸ Н. Cordier, *Histoire generale...*, 408-б.

⁵⁹ Gaubil, *Abrege...*, 409-б.

туркутлар олдида тиз чўкишини англатар эди, шунинг учун Чанъан — пойтахтни жанубга кўчириб, ён беришлар эвазига тинчлик сулҳига эришиш ҳақида гаплар юрарди.⁶⁰ Бироқ мамлакатда ҳал қилувчи охирги гапни сарой эмас, балки шаҳзода Ли Ши-мин қўл остидаги лашкар айта олар эди.

Саройдаги тўда ўз мухолифларини, аввало, йўлбошчисидан маҳрум қилиш учун базмда Ли Ши-минни заҳарлайдилар, бироқ у ўлмай қолади ва узоқ касалликдан сўнг оёққа туради. Бундан кейин у жуда эҳтиёт бўлади ва уни ниҳоятда ардоқлайдиган жангчилар орасида, қароргоҳида яшайди. Уни ака-укалари отаси орқали саройга чақиртириб, шу ерда қатл этмоқчи бўладилар. Ли Ши-мин бу ҳақда огоҳлантирилган бўлса ҳам, у асл хитой йигити сифатида отасини ва императорнинг гапини икки қилмас эди. 626 йилнинг 2 июлида у чақириққа мувофиқ етиб келди, бироқ уни яхши қуролланган жангчилардан ташкил топган хослари қўриқлаб келган эди. Саройга у қуролланган ҳолда дўсти Чин-дэ билан кириб борди ва қабулхонада ўз биродарларини кўрди. Ли Гян-чэн бир оғиз сўз айтмай Ли Ши-минга камондан ўқ узди, бироқ ўқи хато кетди. Фақат Ли Ши-миннинг жавоб ўқидан у ўзи тил тортмай ўлди. Чин-дэ эса Ли лун-кини отди. Шундан кейин сарой тўлалигича Ли-ши-мин ҳукмига ўтди. Кекса император, ака-укаларининг фитнаси ҳақидаги ахборотини эшитгач, унинг қонли қилмишини кечириб, тахт вориси этиб тайинлади. Энг қизиғи шундаки, айна пайтда буддизм ва даосизмни ман этиш фармонини ҳам бекор қилди.⁶¹ Бу ҳодисаларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини кўрмаслик мумкин эмас.

628 йил 4 сентябр куни Ли Юан ўғли фойдасига тахтдан воз кечди, ўғли эса Тайцзун унвонини олди. Ишнинг бунақасига айланиши Шарқий туркут ҳоқони Кат Элхоннинг катта омадсизлидан дарак берар эди.

Янги император ички осойишталикка ташқи урушлар воситасида эришди. Биринчи галда у ўз фуқароларини оға-инилари, гумашталарини афв этиш билан қойил қолдирди. Сўнг эса сарой хизматига олинган 3 минг қизни уй-уйига жўнатди⁶² ҳамда саройдаги дабаба-ю, тантаналарни кескин қисқартириш ҳисобига солиқларни камайтирди. Ўз таянчи бўлмиш хизматидаги асилзодаларга ёқиш

⁶⁰ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 245-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 262-б.; H. Cordier, *Histoire generale...*, 409-б.

⁶¹ *Gaubil, Abrege...*, 4435-б.

⁶² Саройга чиройли қизларни етказиб бериш талаби, сарой хизматининг энг оғир вазифаларидан эди. Қизлар бу ерда ҳам уй хизматкори, ҳам канизак вазифасини ўтар ва шахсий тақдирини ҳал этиш умидидан маҳрум эдилар.

учун “Осмон ости қахрамонларини қопқонга сурди”⁶³ки, яъни “қудратли хонадонлар” наслий рўйхатини қайта кўриш билан Суй сулоласи пайтида даврон сурган бой ер эгаларига қаттиқ зарба берди. Қашшоқлашиб қолган асилзодаларнинг ҳарбий ва фуқаролик мансабларига ўтишига йўл очди. Лашкар жамиятдаги барча тўполончи унсурларни ўзига сингдириб, империя хўжалиги ҳеч қандай тўсиқсиз ривож йўлига кирди, уруш жабҳаларида зафарлар кўпайди. Хитой ўзининг гуллаш поғонасига кирди ва буни дастлаб ҳис этганлар шарқий туркутлар бўлди.

Тинчлик битими. Тайцзунга оғир бир мерос қолганди. Суй сулоласини йиқитиш Хитойга аҳолисининг учдан икки қисмини йўқотиш қийматига тушди.⁶⁴ Кўплаб деҳқонлар ўлдирилди ёки очликдан ўлди, кўпчилиги экинзорларини ташлаб дуч келган томонга қочиб кетишди. Амалдорлардан бири императорга тайёрлаган ҳисоботида шундай деб ёзади: “Ло вилоятдан ва И вилоятдан шарқда то Шандундаги Хай ва Дайгача, онда-сонда инсон излари учрайди. Қаёққа назар ташламанг, қалин ўсган ўтлар ва буталарни кўрасиз”.⁶⁵ Туркутлар бўлса, ҳамон ҳужум қилишдан тўхтамасди. Улар ўз ҳамлалари билан “хитой ерларини шип-шийдам қилди”.⁶⁶ Шаҳзодалар ҳокимият учун ўзаро курашиб юрган ойларда, туркутлар ҳарбий ҳаракатларини хароб бўлган Шансидан Гансуга кўчириб, бу ўлкани ҳам ҳувиллатиб қўйди.⁶⁷ Уларнинг мақсади, биринчидан, урушни маҳаллий аҳоли ҳисобидан олиб бориш; иккинчидан, ўз иттифоқчилари тоғонларни қайтадан урушга жалб қилиш (улар бунга эришдилар)⁶⁸, учинчидан, пойтахтга бостириб кириб, ҳукуматни қалъага тикиб қўйиш натижасида жон талвасасига тушган фуқароларни ҳукуматга қарши оёққа турғазлаш бўлса керак.⁶⁹ Бу сиқув охиригиси бўлиши ҳам мумкин эди, бироқ саркарда императорнинг ўзига хос қатъийлиги ва истеъдоди бу чорасиз бўлиб кўринган ҳолатдан ҳам чиқиш йўлини топди.

23 сентябрда Кат Элхон юз минг лашкари билан Чанъанга яқинлашди. Император жангни қабул қилишга қарор қилди ва унинг қўшини шаҳардан чиқиб ҳарбий сафга тизилгач, бир неча киши қуршовида Вэй дарёси қирғоғига келиб, баланд овоз билан хонни

⁶³ Шан Юэ, *Очерки...*, 200-б.

⁶⁴ Уша асар, 205-б.; 606 йилда мамлакатда 8900 хўжалик бўлса, 627 йилда 3 млн.дан камроқ.

⁶⁵ Уша асар, ўша бет.

⁶⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 253-б.

⁶⁷ Уша асар, 252-б.

⁶⁸ Иакинф Бичурин, *История Тибети...*, I ж. 90-б.

⁶⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 253-б.

хоинликда айблаб бақирди, сўнг хоннинг ёнигача келиб отининг тизгинидан ушлаб, урушга ҳозирланиши ҳақида буйруқ берди.⁷⁰ Императорнинг жасурлиги, хитой аскарларининг туриши хонга ва туркут катталарига таъсир қилди. Ўша куниёқ сулҳ тузилди ва унинг шарофатига кўприк устида оқ от сўйилди. Туркутлар даштига қайтди, ундан олдин император илтимосига кўра барча асирларни қайтардилар.

Ҳодисанинг бу зайлда ўзгаришига Хитойнинг иттифоқдоши ғарбий туркутларнинг юришга тайёргарлиги ҳам сабаб бўлганлигини айтиб ўтмоқ керак. Кат Элхон ўз кўчкларини қўриқчисиз қолдира олмас эди.

Вэй дарёси бўйидаги тинчлик сулҳи Тун Жабғухоннинг шарққа юришини йўққа чиқарди, бироқ хон бунинг ҳиссасини ғарбда, Эрон-Византия уруши авжга чиққан ерда чиқариб олди. Тузилган битимга баҳони император Тайцзуннинг ўзи берди. Яқинларидан бири, нега уруш қилиб мухолиф томонни пачақлаб ташламадингиз, деган саволига у: “бундай қилиш мумкин, ҳатто осон эди, аммо бу мақсадга элтмас эди. Душман янчиб ташланарди, лекин узил-кесил енгилмас эди, қасос-ғазаб уларга куч бағишлар эди. Энди эса қимматбаҳо нарсалар ва ипакни олиб мақтаниб юради. Кибр эса ҳалокатга олиб келади,”⁷¹ деб жавоб беради. Тайцзун ҳақ эди. Уч йиллик тинчликда унинг империяси нафас ростлади, куч йиғди, туркут хони эса, бой берган ташаббусини қайтара олмади. Сусайиб қолган ҳужум, баъзан мағлубиятдан ҳам ёмон оқибатларга олиб келади, туркутлар бунинг ўз бошидан ўтказиб кўрдилар.

XV Боб

VII АСР ЖАҲОН УРУШИ

Кавказга тажовуз. Аварлар ва форслар 626 йил ёзида Константинополга ҳужумни қайтадан бошладилар. Бу айнан Кат Элхон шарқий туркутларга бош бўлиб Хитойга бостириб кирган чоғ эдики, бунинг тасодиф бўлиши эҳтимолдан узоқдир. Июн ойида авар суворилари империя пойтахтини қуруқликда муҳофаза қилиб турувчи Узун деворга етдилар. Бироқ юнонлар форсларга Европа қирғоқларига ўтиши учун имкон беришмади, шунинг учун аварлар

⁷⁰ S. Julien Documents..., vol 4, 220-б.

⁷¹ Н. Я. Бичурин. Собрание сведений..., I ж., 253-254-б. Узиндининг биринчи қисми таржимаси силлиқ эмас – аниқлик майли ўрнига истак-шарт майли бўлиши керак эди. (Қиёс: S. Julien Documents... vol 4, 221-б.)

ёлғиз хужумга ўтдилар. 7 август куни узил-кесил мағлуб бўлиб, шимолга қараб қочишди, форслар эса Сурияга чекинишди. Иракий хужумга ўтиш имконини қўлга киритди ва бу гал узоқ кутилган ёрдам ҳам етиб келди.

Вэй дарёси бўйидаги тинчлик сулҳи Тун Жабғухон қўлини бўшатди. Шарқий чегаралардан кўнгли тўқ бўлгандан сўнг, у ўз қўшинининг бир қисмини Ғарбга – византияликларни қувватлашга жўнатди. Форслар Кавказорти йўлларини тўсиб турадиган ўтиб бўлмас Дарбанд истеҳкомларига ишонганлиги учун туркутларга қўп ҳам эътибор беришмади. Хусрав Ануширвон замонида тоғлардан Каспий денгизигача 40 км узунликда қурилган бу баҳайбат девор¹ отлиқ рақиблар учун ўтиб бўлмас тўсиқдай бўлиб кўринарди.

Форсларнинг мунтазам қисмлари ғарбда банд бўлганлиги боис, агванлар янги душмандан якка ҳимояланишига тўғри келди. Агван кўнгиллиларининг қуроллари анча ибтидоий бўлиб камон ва найзалардан иборат эди, совут ва қалқонлар етишмас эди.² Пиёда қалқонлилар аскарларнинг алоҳида бир тури ҳисобланиб, найзалар билан қуролланди,³ фақат аскарый бошлиқларгина ўша замон ҳарбий техникасининг энг илғор аслаҳалари билан таъминланган эди: совут устидан жун кафтан кийишардики, ёй ўқи ва найза зарби ундан қайтар эди.⁴ Армани ва гуржилар ҳам худди шундай қуролланди эдилар, ўз-ўзидан аниққи, туркут сувориларининг шиддатини бу кўнгиллилар тўхтата олмас эди.

Дарбанд кампирдеволи 18-20 метрлик йўнилган қоятошлардан қурилган эди. Унда 30 та шимолга қаратилган миноралари бўлган. Уч дарвозаси бўлиб, темирдан ишланган эди. Кампирдеволнинг шарқий охириги нуқтаси Каспий денгизининг ичига кириб кетган бўлиб, бу ердаги сув чуқур бўлгани учун айланиб ўтиш мумкин бўлмаган. Бироқ ҳар қандай истеҳком уни ҳимоялаш истаги ва имконияти бўлгандагина мустаҳкам бўла олади.⁵

Дарбанд хужуми ва қамали Монсей Каганктваци томонидан гўзал бир тарзда баён этилган: “Гайшах (агванлардан қўйилган форс валийси) буюк Чора⁶ кенти ҳимоячилари ва Кавказ тоғлари ва Шарқий денгиз оралиғида буюк иншоот бунёд этиш учун турли

¹ М. И. Артамонов, *Древний Дербент*, 129-б.; К. В. Тревер, *Очерки...*, 267-б ва давоими.

² К. В. Тревер, *Очерки...*, 287-б.

³ В. В. Струве, К. В. Тревернинг *Очерки...*, 177 га тақриз.

⁴ К. В. Тревер, *Очерки...*, 288-б.

⁵ *Балозурий кампирдеволи 100 форс сувориси қўриқлаган, деб ёзади.* (К. В. Тревер, *Очерки...*, 283-б.). Қисмининг бошқалари маҳаллий кўнгиллилардан ташкил топган кўринади.

⁶ Чор – Дарбанднинг арманчи номланиши.

ашъёлар ҳамда тарҳчилар излаб, бизнинг юртимизни ҳолдан тойдирган форс шоҳлари қурдирган бу ажойиб кампирдевол устидаги аскарларга нима бўлганини ўз кўзи билан кўрди... Бадбашара, разил, юзи катта, киприксиз, сочлари аёлларники каби ёйилган оломон томонидан таҳдид қилинаётган даҳшатли хавфни кўриб кишиларни ваҳима босди, айниқса, мерганлар кучли ёйандозлар аҳоли устиларига ўқ ёмғири ёғдираётганини, уятсиз йиртқич бўрилардек ташланиб шаҳар майдони ва кўчаларида кишиларни бўғизлаб ташлаётганини кўриб даҳшатга тушдилар. Уларнинг дийдалари қотган бўлиб, гўзалларни ҳам, ёқимтойларни ҳам, ёш йигитларни ҳам, ёш қизларни ҳам аямас эди. Ҳатто ногирон, беэён кексалар, оналарга ҳам шафқат қилмасди, улар бўғизлаб ташланган онанинг кўкрагига интилаётган гўдакни кўриб ҳам кўнгли юмшамас, аксинча, уларнинг кўкрагидан қонни сутдай соғар эдилар. Ўрмонга кетган оловдай унинг бир ёғидан кириб иккинчи томонидан чиқар ва ўзларидан кейин йиртқичлар қилмишини қолдирар эдилар.”⁷ Қуш ўтмас ҳисобланган қалъанинг олиниши бутун Агваняни кўрқувга солди. Агванлар, дастлаб пойтахтлари Партав кентига қочиб боришди, сўнг шаҳар дош беришига ишонмай, тоғларга қочиб тарқала бошладилар. Туркутлар ва хазарлар бу қочқинларга Каганкатуйк қишлоғида етиб олишди ҳамда бир қисмини қиличдан ўтказиб, қолганини асир олишди.

Сўнг Гуржистонга кезак келди. Туркуту хазарлар “нафис, тижорий машҳур ва улуғ шаҳар Тифлисни ўраб олди ва қамал бошлади.”⁸ Тез орада уларга император Ираклий кўшини билан келиб қўшилди. Йўлбошчилар учрашуви анча тантановор ташкил этилди: Жабғу император олдига бориб, унинг елкасини ўпиб таъзим қилди, у эса уни бағрига босиб кучоқлади ва уни ўғлим, деб бошидаги тожини кийдирди. Кейин хазар йўлбошчилари учун ҳашаматли базм уюштирилиб, ҳар бирига кийим-кечак ва исирғалардан совға-саломлар улашилди, Жабғунинг ўзига эса император қизи Евдокияни беришга ваъда қилди.⁹

Етакчилар ўзаро қанча ҳушмуомала бўлишмасин, қамал ишлари унча яхши эмасди. Тбилисидаги форс гарнизони сабот билан турарди. Жасур подшоҳ Стефан ҳар куни шаҳардан чиқиб ҳужум уюштирарди, у калласидан жудо бўлган бўлганида,¹⁰ сафдошлари таслим бўлишни хаёлига ҳам келтирмас эдилар. Ҳар икки томон кўшинининг ҳам ҳужум қилишга иштиёқи йўқ эди. Ираклий ўз кўшинини, Жабғу ўз аскарларини

⁷ “История Агван”, 105-б.

⁸ Уши асар. 107-б.

⁹ М. И. Артамонов, Очерки..., 57-б.

¹⁰ М. Brosset, Histoire de la Georgie..., 225-229-б.

сақлашга интиларди. Қамалнинг икки ойидан сўнг хазар қўшини кузда қайтиб келишини ваъда қилиб кетиб қолди.¹¹

Ираклий билан 40 минг кишилиқ аскар қолган бўлиб, уларга қўмондон қилиб Жабғу ёш ўғли Бўришодни танлаган эди, бироқ булар ҳам “аста-секин кета бошлади, ниҳоят ҳамма қайтиб кетди”.¹²

Тбилисида шодиёна бошланди ва императорни така, деб устидан кула бошладилар.¹³ Император буни яхшиликка йўйди, чунки Даниилнинг китобида Фарбдан келган така Шарқ қўчқори мугузини синдиради, дейилган. 627 йил кузида¹⁴ у дам олган лашкарини қамалдан олиб, муҳолифининг ҳудудлари бўйлаб қийин сафарга отланганди. Фарб томон Ахалцихагача бориб, жанубга бурилди ва Двиндан юқорироқда Араксдан кечиб ўтди. У ердан Урмияни айланиб ўтиб четлаб Дажла дарёси бўйидан Ниневия харобалари ортидан чиқди. Мана шу ерда форс саркардаси Роҳзоданинг қўшинини тор-мор келтирди.¹⁵ 628 йил январини бошларида юнонлар Ктезифон тевагагидаги шохнинг қасрларини ёқа бошладилар, форсларда уларни тўхтатиш учун куч-қувват йўқ эди.

Эроннинг ички имокниятлари адо бўлиб, Ираклийнинг зафарли юришларига монелиқ қиладиган нарса қолмаган эди. Форс киборлари курашни давом эттириш бефойдалигини кўриб, 628 йил 29 февралда тўнтариш қилишди. Хусравни тахтдан тушириб осдилар, ўрнига ўғли Кавад Шеруяни ўтқазиб, тинчлик сулҳи таклиф этдиларки, ҳеч қутилмаганда, Ираклий бунга рози бўлди. Моҳиятан олиб қаралса бу – бир томонлама сулҳ бўлиб, турку хазарлар урушни давом эттираётган эдилар.

Ираклийнинг ушбу ғалати қилмишини таҳлил эта туриб, бир нарсага алоҳида диққат чекмоқ керакки, мана шу беш йил давомида душманига узил-кесил зарба беролмаганлигининг боиси, асосан, мустаҳкам ортнинг йўқлиги билан изоҳланади. Сурия ва Кичик Осиёнинг бир қисми форслар қўлида, Кавказорти христианлари монофизитлар бўлганлиги учун Хусрав Парвезнинг динларни фарқлаб ёндошмайдиган ҳукумати билан тил топишар ёки сиёсий муддао юзасидан Эрон билан Стефан Иверли сингари иттифоқ тузар эди. Фақат хазарлар ёрдами Ираклийни бемалол ҳаракат қилишига шароит яратарди, Кавказортида форсларга мойиллик кайфиятини бостириб қўйган

¹¹ “История Агван...” 108-б.

¹² Феофан Византиец, *Летопись...*, 236-б.

¹³ Императорнинг қон аралаштирган никоҳига ишора.

¹⁴ Ю. Кулаковский, *История Византии*, 93-94-б.; G.N. Vernadsky, *Ancient Russia*, 202-б.

¹⁵ М. Я. Манандян, *Маршруты...*, 148-152-б.

турк-хазарларсиз Ктезифонга юриш ҳеч қандай самара бера олмаслиги аниқ эди.

Ана шундай қадрли иттифоқчиларини ташлаб, ҳақиқий душмани енгилиб бўлганидан кейин ҳам уни узил-кесил йўқ қилиш ниятидан Ираклийни қайтарган нима бўлиши мумкин?

Аслида форсларнинг ҳаққоний ягона қудрати-Халкидонни қуршаб турган Шахрваразнинг қўшини бўлиб, буларда 628 йил бошларида Хусравга қарши кайфият ҳукмрон эди, у Ираклийнинг ўғли Константин билан битим тузгач, шоҳаншоҳга қарши кураш олиб бориш учун ватанига қайта бошлайди. Бунга баҳона сифатида Хусравнинг Шахрваразни буйруқдан бўйин товлагани учун ўлдириш ҳақидаги фармонини важ қилиб кўрсатадилар. Бу фармонхат юнонлар қўлига тушади, улар буни Шахрваразга етказдилар, у эса яна 400 нафар зобитлар исмини қўшиб фармонни эълон қилади ҳамда кўзғолончиларга бош бўлиб, оқибатда ўзи давлат тепасига келиб олади.¹⁶ Иккинчи бир истеъдодли форс саркардаси, ғарбий ўлка падгоспани Шоҳин ҳам Хусравнинг ғазабига дучор бўлади. Хусрав уни қўшинидан чақириб олиб, ишини ҳакамга ўтказиш арафасида эди, шоҳнинг ҳалокатигина Шоҳинни ўлимдан сақлаб қолади.¹⁷

Хуллас, Ираклийни шошилиш сулҳ тузишга мажбур қилган нарса ғарбий масалалар эмаслиги аниқдир. Демак, биргина мантиқий жавоб қолади. Ираклий ўз иттифоқдошлари уни ташлаб кетиб, ғалаба самарасидан бебаҳра қолишдан чўчиган. Бу хатар, оқибатларини башорат қилиб бўлмайдиган 627 йилда шарқда рўй берган ҳодисалар бўлиши мумкин.

Саросимали ярашиш. Вэй дарёси бўйида тинчлик сулҳи тузилганидан кейинги дастлабки кезлар ҳамма нарса жойида эди. “Узун қулоқ” гаплар дашт бўйлаб туркут хони жасорати ҳақида хабар тарқатди ва сеянто қабиласи 627 йилда Ғарбий ҳоқонликдан ажралиб чиқиб, Шарқийга бўйсунитиши афзал кўрди.¹⁸ Бу бир қараганда, Шарқий ҳоқонликнинг катта бир муваффақияти эди, чунки Кат Элхонга Жунғория тўлалигича бўйсуниб, ғарбдан хатар йўқолган эди. Бошқа томондан эса, бу қўшилиш Шарқий ҳоқонликда теле унсурларини кучайтирди. Сеянтолар уйғурлар билан тил топишиб 628 йил

¹⁶ И. В. Пигулевская, *Византия и Иран...*, 269-б.; *Lebean, Histoire du Bas-Empire*, 141-143-б.

¹⁷ *Tahari, Nöldeke*, 294-б.

¹⁸ Бу воқеа санаси Г. Е. Грумм-Гржимайло томонидан тахминан кўрсатилган (*Западная Монголия...*, 247-б.) ва Liu Mau-tsai томонидан тасдиқланган (*Die chinesischen Nachrichten...*, 722-б.).

бошларидаёқ иттифоқдош бўлишди, уларнинг беклари Инон (сеянто) ва Пуса (уйғур) бир-бирини қўллаб-қувватлашди.

Туркутлар учун энг хавотирлиси ушбу вазиятда норози фуқаролар миқдорининг ўсиб бориши эди. Уйғурлар адади хитой манбалари бўйича 100 мингга етади, жумладан 50 минг (?) аскар бор, сеянтолар эса 70 минг чодир¹⁹ни, яъни улардан ҳам кўпчиликини ташкил этган. Бу қадар кўп сонли, бунинг устига жанговар фуқароларни фақат улар билан келишибгина бошқариш мумкин эди. Бироқ сиёсий вазият туркут хонига бундай иш тутишга имкон бермади.

Вэй дарёси бўйидаги тинчлик битимидан Кат Элхоннинг кўнгли тўлмади: Тан империяси ҳали елкасини ерга текизиб бўлмайдиган даражада кучайгани йўқ, ғарбий туркут хужуми хатари эса бартараф бўлди, чунки улар Эрон билан жиддий урушга аралашиб, кучлари Кавказортида боғланиб қолди. 627 йилдаёқ Кат Элхон янги уруш ҳақида бош қотира бошлаган бўлиб, дастлаб Тун Жабғу билан Тан хонадони маликаси ўртасидаги никоҳга ҳалақит беришга киришди. У огоҳлантирдикки, малика унинг еридан ўтишида фурсатни бой бермай уни тутуқлар экан. Тун Жабғу қайғуришдан нари ўта олмади.²⁰ Бахт туркут хонини четлаб ўтиб кетди. 627 йил қиши серқор бўлиб, қорамол ва йилқи қирила бошлади, бу эса очарчилик келтириб чиқарди. Хон солиқлари оғир эди, натижада, сеянто, уйғур ва байирқу қабилалари кўзғалди.

Кат Элхон дастлаб уйғурларни тинчитмоқчи бўлди. У Толосхонга уйғурлар устига шарқдан хужум қилишни буюрди, Фарбдан эса катта лашкар билан ўгли Йуқуқ шод борарди.²¹ Сергайрат ва истеъдодли уйғур йўлбошчиси Пуса ихтиёрида атиги 5 минг отлиқ аскар бор бўлса-да, Малишан тоғида²² Йуқуқ шодга қарши чиқиб уларни битта қўймай янчиб ташлади. Мағлубларни Тянь Шан томон таъқиб қилиб борар экан, Йуқуқ шодга амакиваччаси Ашина Шэн билан бирга ёрдам етиб келганига қарамай, уйғурлар кўплаб орқада қолиб кетганлар ва ярадорларни асир олишди.²³

¹⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 302, 339-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 95-б.

²⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 281-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 53-б.

²¹ Қаранг: Liu Mau-tsai *Die chinesischen Nachrichten...*, 578-б.

²² Малишань — Бэйшандаги энг баланд тоғ (Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 252-б.).

²³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 254-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 175-б. Шэни — “Шоно” (мўғ.) — бўри сўзини хитойча бузилиши.

Шарқдан хужум қилган Толосхоннинг аҳволи бундан-да бадтар бўлди. Енгил суворилар кузатувида кетаётганида уйғурлардан зўрага қочиб қутулди.²⁴ Кат Элхон мағлубиятида душманидан кўра саркардаси кўпроқ айбдорлигини гумон қилди. Толосхоннинг император Тайцзун билан самимий муносабати ва музокаралари сир эмасди. Жиянининг сохта ҳаракатларидан ғазабга тўлган Кат Элхон, бу тахт ворисини тутуқлаб, калтаклашни буюрди.²⁵ Бу сафар Кат Элхоннинг жаҳли чиқиб иш тутиш одатини қоралаш қийин. Жияни анчадан бери мунофиқлик қилар, Хитой императори олдида ялтоқланар эди. Айнан ўша Хитойга икки марта муваффақиятли хужумни расво қилди, бу мағлубияти ҳам олий хоннинг қудрати, макъеи кучайиб кетмасин, деб уюштирилгандай кўринади Шунга қарамай, унинг шаънини ҳақоратлаш кейинги ҳодисаларда ўз самарасини берди. Соқчилар қўлидан озод бўлган, Толосхон исён кўтарди ва мадад сўраб Хитойга мурожаат қилди.²⁶ Тобелигида бўлган киданлар ҳам уни қувватлаб, императорга қарамлик билдиришди.²⁷ Бу воқеа 628 йил ёзида содир бўлса, 629 йил баҳорида сеянто беги Инон²⁸ ўзини хон деб эълон қилди ва Чанъанга унинг бу унвонини тан олинисини илтимос қилиб элчи юборди.²⁹ Кат Элхоннинг тахти чайқалиб қолди.

Бу бостириб келаётган хавф орасида умид учқуни ҳам кўриниб қолди.

Кат Элхон саркардаларидан Ашина Шэни Фарбий туркутларнинг Бешбалиқ қалъасини қўлга киритди, жанубий Жунғория калити бўлган ушбу ердан туриб Иртиш қирғоқларида яшовчи қорлуқларни³⁰ Тун Жабғухонга қарши қўзгатди. Бироқ бу ишни авж олдиришга улгурмади.

Ушбу воқеалардан қайси бири 628 йил кўкламида Ираклийга маълум бўлган бўлиши мумкин? Унинг иттифоқчиси турк-хазарларнинг эски ва қудратли душмани эндигина юришга чиққан эди. Турк-хазарлар ўзларининг қадрдон кўчкларини ҳимоя қилиш учун орқага қайтади, деб ўйлаши табиий эди, агар теле қўзғолони муваффақияти ва Толосхон хоинлиги Кат Элхон ва бутун Шарқий туркут ҳоқонлигини ҳалокатга олиб келмаганида, шундай бўларди ҳам.

²⁴ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 141-б.

²⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 254, 259-б.

²⁶ Кейин маълум бўлишича, у Тайцзун билан биродарлик иттифоқи тузган экан.

²⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 363-б.

²⁸ Инон — исм эмас, балки "эр" маъносидаги лақаб, унинг асл исми сақланиб қолмаганлиги учун шу ном билан аташга тўғри келади.

²⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 254, 340-б.

³⁰ E. Chavannes. *Documents...*, 265-б.

Ираклий буларни олдиндан кўра олиши мумкин эмасди, сулҳ тузар экан, у мавжуд вазиятдан келиб чиқди, айти пайтда уни адашди дейиш ҳам тўғри бўлмас эди. Бундан ташқари, эҳтимол у хонавайрон бўлган Эрон ўрнига қудратли туркутлар билан чегарадош, қўшни бўлишни истамагандир ҳам. Шунинг учун ҳам тинчликка, унинг назарида, жуда ўз вақтида эришилган эди.

Бироқ бўлаётган ҳодисалар туркутларга кўпроқ аён бўлгани учун эски душмани устидан ғалаба қилиш фурсатини қўлдан чиқаришни хоҳлашмади. Улар Эрон билан яккама-якка қолиб урушни давом эттирдилар.³¹

Яккама якка. 628 йил қишида Эрон тахтига ноқобил Кавод Шеруя ўтирганида, Ираклий унга сулҳ шартини айтиб турган бир кезде Жабғу яна Кавказортига кириб, Тбилиси деворларига етиб келди. Бу гал у чўзиб ўтирмади, қисқа қамалдан кейин аскарларини ҳамлага буюрди. “Қиличларини кўтариб, девор томон интилишди, жуда бир кўп кишилар бири устига бири кўтарилиб, девордан ҳам юқорига чиқиб кетди, бечора шаҳар аҳолиси устига офат ёғилди; улар мағлуб эдилар, девордан чекиндилар”³² ва қиргин бошланди. Қаршилик қилувчилар қолмаганида ҳам, голиблар ҳеч кимга шафқат қилмадилар. Асир олинган ивер ҳукмдори ва форс саркардаси Жабғу ҳузурида қийноққа солинди.³³ Шаҳар талон натижасида шип-шийдам ҳолига келди.³⁴

Қизиқ, византиялик муҳандисларнинг деворбузар манжанақларига дош берган қалъа, қўл жанги аслаҳалари билан қуролланган туркутларга бардош беролмади. Бундан олдинроқ шу тарзда Чора (Дарбанд) истеҳкомлари ҳам эгалланган эди.³⁵ Аммо бу туркут қисмларидан кўра кўпроқ хазар қисмлари хизматига ўхшайди, чунончи туркутлар на Хитойда, на Ўрта Осиёда шаҳарни қамал қилишда яхши ҳарбий сифатларини кўрсата олмаган.

³¹ *Кавказорти воқеалари умумий йўсинда баён қилинади. Тафсилотли маълумот учун қаранг: М. И. Артамонова, История хазар, 142-156-б.*

³² *“История Агван”, 119-120-б.*

³³ *Бу шафқатсизлик сабаби, биринчи қамал чоғида Тбилиси арки устида ушбу саркардалар буйруғи таҳлил этиб берган (Очерки..., 59-61-б.).*

³⁴ *Гуржи йилномалари бўйича Тбилиси хазарлар томонидан Ираклий қўшини кетганидан бир неча кундан кейин олинади. Агванлар хабари аниқроқ эканлигини М. И. Артамонова таҳлил этиб берган (Очерки..., 59-61-б.).*

³⁵ *“История Агван...”, 105-б.*

³⁶ *Тблисининг тор-мор этилиш санаси баҳслидир. Дунё фанида қабул қилинган 628 й. санасини ҳозирги гуржи олимлари тан олмайдилар ва уни 627 йил деб ҳисоблайдилар. Биринчи санани замонавий муаллифлардан А. Я. Манандян (Маршруты..., 127-б.), К. В. Тревер (Очерки..., 241-б.)лар қўлласа, иккинчисини И. А. Жавакшвили, М. К.*

Тбилисини талаб Жабғухон келган томонига кетди,³⁶ ўғли Бўри шодга эса “йўлбўшчи эрлардан”³⁷ қолдириб, Агванияни босиб олишни тайинлади.

Бу сафар Жабғу мамлакатни фақат талаш учун эмас, балки уни ўз ерларига кўшиб олиш мақсадида келган экан. “Агар мамлакат ҳокимлари ва ақобирлари ўғлимни кутиб олиб, мамлакатни унга тобеликка берса, шаҳар қалъаларини очиб, жангчиларимга савдо эшигини очиб берса, биз ҳам уларга яшаб, менга хизмат қилишига изн берамиз”.³⁸ Бу баёнотда туркутлар нима мақсадда урушга бел боғлаганликлари аниқ ифода этилган: ипакни Константинополга фақат Хуросон орқали эмас, балки Каспий денгизи ва Кавказ орқали ҳам етказиб, савдони йўлга қўйиш.³⁹

Ўз-ўзидан маълумки, Агваниядаги форс валийси бу ултиматумни рад этди ва изоҳ бердики, Агвания унинг учун бир қандайдир туркка бўйсунишга арзимади. Лекин тбилисилик касбдошининг тақдири эсига тушиб, лаш-лушини кўтариб, Эронга қараб жуфтакни ростлаб қолди.

Бўри шод отасининг амрини бажариб, агванларга ўз ихтиёри билан бўйинсунишни таклиф қилди, бироқ католикос Виро, форс марзбони Эронга қочиб кетганига қарамай, туркутлардан қанчалик кўрқса форслардан ҳам шунчалик кўрқарди. Шунинг учун ҳам нима қилишни билмай музокараларни чўза бошлади ва туркутлар тоқати тоқ бўлди. Олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида Агванияни хонавайрон қила бошлашди. “Уйларда ҳам, кўчаларда ҳам ҳамма “вой-вой”ларди. Варварларнинг бақирқлари тинмасди, бирор кимса йўқ эдики, золим душманларнинг ўлдирувчи ҳайқиригини эшитмасин, булар ҳаммаси бир кунда, бир соатда содир бўларди. Чунки ваҳшийлар олдиндан куръа ташлаб, бизнинг вилоятларимиз ва қишлоқларимизни бўлиб олишган эди... Ҳаммаси белгиланган бир вақтда ўзларининг ҳалокатли ҳамлаларини амалга оширарди”.⁴⁰ Католикос тоғли Арцах деган жойга қочди, туркут чопарлари уни топиб, шу ерда яна таслим бўлишни таклиф этишди. Католикос мамлакатнинг барча мансабдор кишиларини йиғиб, уларга “қаршилиқ қилиш керакми ёки бўйсунми?” деган масалани ечишни таклиф қилди. Ҳамма бир овоздан бўйинсунишга рози бўлди ва католикос

Думбадзе, А. Н. Сургуладзе (История Тбилиси, 17-б.) қўлайдилар, бироқ буларнинг ишлари гуржи тилида бўлиб менинг тишим ўтмайди. Н. Ю. Ломоури (ВДИ, 1960, № 3, 190-б.) бўйича узинди келтирдим.

³⁷ “История Агван...” 121-б.

³⁸ Уша асар, уша бет.

³⁹ Қиёс: К. В. Тревер, Очерки..., 241-б.

⁴⁰ “История Агван...”, 122-б.

шахсан ўзи Партавдан узоқ бўлмаган ерда қарор топган шодга ўлпонни олиб борди. Шод католикосни мулойимлик билан кутиб олди ва деди: “Нега менинг ҳузуримга келишни пайсалга солдинг, эрта келганингда сенинг мамлакатингга менинг аскарларим бу талофатларни етказмаган бўларди”.⁴¹ Католикос илтимоси билан шод барча асир агванларни бўшатиб юборишга буйруқ берди. Унинг тиунлари асирларни чодирлару ўтовлардан излади, “улар ёшларни эски-туски тагидан, сигирлар орасидан чиқариб олардилар ва ҳеч ким уларга монелик қилишга ботина олмасди”.⁴²

Туркутлар Агванияда ўрнатган тутум енгил эмасди. Қатлиомдан кейин мамлакатда очарчилик бошланганига қарамай,⁴³ “шимол беги бутун ер юзига кўрқинч ва даҳшат солди. У олтин ювишдан, кумуш, темир ишлаб чиқаришдан ва мис ишларидан хабардор назоратчиларни ҳунармандлар устига юборди. У яна товарлардан, Кура ва Аракс каби улуғ дарёлардан тутилган балиқлардан бож талаб қилди, бундан ташқари форс шоҳи аҳоли рўйхати бўйича дидрахма ҳам талаб қилди.”⁴⁴ Бу ёзма ёдгорликда биринчи марта туркутлар тарихида бўйсундирилган халққа солиқ солиш тизими акс эттирилган. Ҳужжатдан маълум бўладики, у форсларниқидан кўра анча оғир экан ва яна бундан туркут салтанатида марказдан қочувчи кучлар доим топилишининг сабаби ҳам маълум бўлади.

Туркутларга ёлғиз Агваниянинг ўзи камлик қиларди. 630 йил апрелида⁴⁵ Арманистонга уни тобе қилиш учун ҳужум уюштирилади. Бу кўшин камсонли, яъни бор-йўғи 3 минг аскар бўлиб “саркардаси қонхўр ва олчоқ Чўрпон тархон деган кимса эди.”⁴⁶ Аслида Эроннинг ҳарбий мустабиди бўлиб қолган Шахрвароз Чўрпон тархонга қарши 10 000 ботир жангчилар билан саркарда, “турк суворилар” бошлиғи Гўнаггни юборди.⁴⁷

Чўрпон тархон кўчманчиларнинг оддий жанг усулини кўллаб, кўшинининг бир қисми қочгандай бўлиб, форсларни тузоққа туширади ва битта кўймай қириб ташлайди. Ана шунда “ҳар бир белига қилич боғлаган жангчи ҳис қиладики, подшоҳлар ҳукмронлиғи, саркардалар қуввати бир пулга қиммат экан”.⁴⁸

⁴¹ *Ҷша асар*, 126-б.

⁴² *Ҷша асар*, 128-б.

⁴³ *Ҷша асар*, 129-130-б.

⁴⁴ *Ҷша асар*, 131-б.

⁴⁵ “Ардашернинг иккинчи йили” ва “ёзда”; III Ардашер 630 й. 27 апрелда ўлди (*Tabari, Noldeke, №4, 388-б.*).

⁴⁶ “История Агван...”, 132-б.

⁴⁷ *Ҷша асар*, 133-б.

⁴⁸ *Ҷша асар*, 134-б.

Арман муаллифининг⁴⁹ туркут давлати ибтидоий ҳарбий мустабидлик хусусиятига эғалиги ҳақидаги фирклари юқорида келтирганимиз Ян Цзян ва Ли Ши-мин⁵⁰ таърифлари билан ва тарихий ҳодисалар оқими билан тасдиқланади. Салтанат найза билан бунёд этилган ва найза устида турарди, “ер тузи” бўлмиш жангчиларни жуда ғайратли хонларгина ўз қўлида маҳкам ушлаб тура оларди, улар фақат душманлар учунгина эмас, ўзлари учун ҳам даҳшатли куч эди. Марказий ҳукуматдаги ҳар қандай ожизлик Ғарбий туркут ҳоқонлигини ҳалокатга олиб келгани сингари ғалаёнларга сабаб бўла оларди. Ҳоқонликнинг ўзи каби Жабғухоннинг зафарли лашкари ҳам яхлит эмас эди. Қабилалараро рақобат жангчилар кайфиятида акс этмаслигининг ўзи мумкин эмасди. Мамлакат ичидаги қарама-қаршилиқлар Эронни қутқариб, Бўри шод зафарлари самарасини йўққа чиқарган ҳодисаларни юзага келтирди.

Фожиа. Тун Жабғу жангари хон бўлиб, бутун умри давомида унга тахт олиб берган нушиби қабиласи иродасини бажариб келди. Ана ўшалар манфаати учун у Хитой ва Византия билан дўстлашди, шарқий туркут хонлари билан ғалва қилди. Эрон билан қонли урушга киришди. Бироқ уруш учун ҳар ерда ва ҳар қачон пул ва аскарлар керак бўлади. Аскарларни шимолдан — дулу қабиласидан олишга тўғри келарди, лекин улар бу урушдан ўзлари учун на фойда ва на манфаат кутарди. Хон хонадони уларнинг рақиблари бўлмиш нушибиларга очиқдан-очиқ ён босишлари ҳам дулуларни хонликка мойил қилмас эди, албатта. Маблағ заруратидан, хон улардан кўпроқ жарима ундира бошлагач,⁵¹ улар ўз белларидаги қилич подшолар ва саркардалардан ҳам кучли бўлишини эслаб қолди.⁵² Тун Жабғу дулулар норозилиги аста-секин ўсиб бораётганига эътибор бермай, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйди. Шарқий туркутлар Бешбалиқни тортиб олган замони Қора Иртишдаги қорлуқлар кўзғолон кўтарди, унинг кетидан дулу иттифоқидаги бошқа қабилалар ҳам кўзғалди. Уларга Баҳодир бек (Моходу хоу) лақабли хоннинг амакиси⁵³ бошчилик қилди. У Тун Жабғухонни ўлдириб, Кулуг Сибир хон (Кюйли Сиби хон) унвони билан тахтга ўтирди.

⁴⁹ “Туркут суворилари мукофотга қизиқмайди, жазоларни менсимади, бошлиқларини унча ҳурмат қилмайди, интизомга, кўпинча амал қилмайди”. (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 232-б.)

⁵⁰ Туркутлар кўпсонли, лекин тартиб йўқ. Ҳукмдор ҳам, амалдор ҳам фақат фойдани кўзлайди. (Уша асар, 253-б.)

⁵¹ Бир (жиноят) учун у минг жазо пули, иккиси учун ўн минг (қўй) олган. (“История Агван...”, 134-б.)

⁵² Уша асар, ўша бет.

⁵³ Н.Я.Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 284-б. E.Chavannes, *Documents...*, 25, 53-б.

Ҳоқонликнинг ғарбий чеккасидаги дулу тарафдорлари бўлмиш булғор-унногундурлар йўлбошчиси Кубрат 619 йилда Константинополга боради⁵⁴ ва бу ерда патрикия рутбасини олади-ю, чўқинишдан ўзини тортади.⁵⁵ Булғорларнинг дулуга яқинлашиши хазарлар билан рақобат натижасидир. 630 йилгача улар ҳоқонликнинг ғарбий чегараларини аварларнинг эҳтимолий ҳужумидан муҳофаза қилар эдилар. Бироқ кутургурларнинг авар хонига қарши кўзғолони чегарани Дон дарёсидан Карпатга суриб юборди. Янги вазиятда ажойиб сифатли қўшинни ортда ушлаб туришдан маъни йўқ эди, шунинг учун булғорларни ҳаракатдаги қўшинни тўлдириш учун Кавказортига ташлади. Тун Жабғу амакисига ишонмай, унинг улусини укаси Жабғу ҳоқонга бермоқчи бўлганга ўхшайди, бироқ укаси мағлубиятга учраб, ўзи ҳам ҳалок бўлади.⁵⁶ Ҳар ҳолда, ўрдадаги тўнтаришдан сўнг қўшин сафидаги дулулар ҳам кўзғолон кўтаришади, хон Бўри шоднинг ҳаёти таҳлика остида қолади,⁵⁷ сўнгроқ эса нушибилар мамлакати бўлмиш Ўрта Осиёда пайдо бўлади.⁵⁸ Бўлиб ўтган силкинишлар туркутларни Кавказортдан кетишга мажбур қилди ҳамда шу заҳоти бу ерларни форслар эгаллаб олишди.⁵⁹

Нушибиларни гафлатда қолдириб босдилар, бироқ улар таслим бўлиш ёки бўйинсунишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Тўнтариш ички

⁵⁴ G. N. Verhadsy, *Ancient Russia*, 198-б.

⁵⁵ 619 йилда қандайдир “гунн беги” чўқинтирилди, бироқ бу пайтда на булғорларда ва на аварларда мустақил бек бўлган эмас. Демак, энг ғарбдаги турк улус бекларидан бири чўқинтирилган. Ашина уруғининг барча беклари бизга маълум бўлганилиги боис, биз ишонч билан юқорида зикр этилган “Баҳодир” деб айта оламиз. Маркварт унногундурларнинг етакчиси Кубратнинг амакиси “Органа” чўқинтирилган деб ҳисоблайди, у булғорларнинг мустақил Дуло сулоласи асосчиси бўлган (J. Marquart, *Die altbulgarischen Ausdrücke...*, 21-б.). Агар шундай бўлса, бу ўринда аёл йўналишидаги қариндошлик бор. “Ураг” — она қариндош сўзи билан қиёсланиши мумкин. Таклиф этилаётган айналаштириш жабғунини ким ўлдириши ва Бўри шад кимдан қочиши кераклигини тушунишга ёрдам беради. Кубрат 631-635 йилларда нушибиларнинг душмани сифатида ҳаракат қилган. (Қиёсланг: М. И. Артамонов, *История хазар*, 162-б.).

⁵⁶ “Агван тарихи”да (134-б.) Жабғу ҳоқон номидан шундай гаплар битилган: “Йиртқиңлар дўмига тушдим, энди сен менинг юзимни кўрмайсан, чунки мен хатарсиз ер изламадим, беона пошшолқларга кўз тикдим, энди хатоқимни тушундим”. Давоми: “Мен ҳалок бўлдим ва фарзандларимдан айрилдим”. Малика Евдокия, Ираклийнинг қизи, Тун Жабғу хонга атаган эди, у 630 йилда кўёви ўланлиги хабари етган, ўрдан қайтарилди.

⁵⁷ Жабғу ўғлига ҳузурингдаги халқни “бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб, сени ўлдиришга чоғланганларича” уларни қириб ташла, деб маслаҳат берди (“История агван...”, 134-б.). Бу маслаҳат агванларга қаратилган дейиш мумкин эмас, биринчидан, улар шунчалик қўрқиб қолган эдиларки, улардан хавотир олиш ортиқча эди, иккинчидан туркут хонининг ички ишларининг уларга алоқаси йўқ эди Гап туркут-дулу ва уларга қўшилган булғорлар булғорлар ҳақидадир, буни ҳодисалар давоми жараёни ҳам тасдиқлайди. (Қаранг: кўйирокда қиёс.: К. В. Тревер, *Очерки...*, 244-б.).

⁵⁸ Қаранг: E. Chavannes, *Documentis...*, 28-б.

⁵⁹ М. И. Артамонов, *Очерки...*, 65-б.; К. В. Тревер, *Очерки...*, 244-б.

урушни келтириб чиқарди ва бу уруш бутун Ғарбий туркут ҳоқонлиги кейинги тарихини тўлдириб борди. Янги ҳукумат Тун Жабғухон босиб олган ерларни тезда қўлдан чиқарди. Кавказорти, ундан кейин Гибин ва Тохаристон йўқотилгач, Жунғориядаги теле қабилалари қўзғолон кўтариб, туркутларга қарши уруш бошлади. Сибирхон учун энг оғири эса Тун Жабғухоннинг тантанали дафн маросимиға қимматбаҳо совғалар билан махсус элчилик йўллаган император Тайцзуннинг ўзига кескин қалбий муносабати юкини кўтариш бўлди.⁶⁰ Бу ўзича арзимас бир қадам бўлса ҳам, Осиёнинг энг қудратли салтанати тўнтаришга қарши эканлиги ифодаси эди.

Ғалаёндан фақатгина булғор йўлбошчиси Кубрат ютди. Аввал у тоғаси Сибирхонни қўллаб, туркутлар ва хазарлардан қутулиб олди. Кейин ҳоқонлик марказидан жуда олисда эканлигидан фойдаланиб, мустақил ҳукмдор бўлиб олди, ички уруш билан банд туркутлар бунга ҳалақит беролмади.

635 йилларда Кубрат аварларни мағлуб этди, айтини чоғда Константинополга элчилик тайёрлади. Ираклий эса унга совғалар юбориб, патрикий рутбаси билан мукофотлади.⁶¹ Кутургурларнинг аварларга қарши исёни Кубратга Қораденгизбўйи чўлларини қўш қўллаб тутқазди, Феофан йилномасида у “Булғор ва котраглар эгаси” деб айтилади (котраг - кутургур).⁶²

Кутургурлар барча урушларда аварларга фаол ёрдам беришиға қарамай, аварлар уларға паст назар билан қарар, яъни ёмон муносабатда бўлар эдилар. 630 йилда кутургурлар қўзғалиб кўришди, бироқ енгилишди. Европада бўлганлари Баварияға қочишди, аммо у ерда ҳам франк қироли Дагобер буйруғиға биноан хоинларча бўғизландилар. Шарқдагиларнинг омади чопди, улар яқинлари утургурларға қўшилишди ва биргалиқда булғор халқини вужудға келтирдилар. Янги Булғорэл шарқда туркутлар этагини ушлашда давом этаётган хазарлар билан, ғарбда аварлар билан, жанубда Византия билан душманлик муносабатида бўлиб, барчасиға қарши туришға қурби етарди. Авар ҳоқонлигининг қудрати мана шу пайтдан бошлаб, то авар халқи Буюк Карл суворилари қиличи зарбидан қирилиб битгунича пасая бошлаган эди.

Кубрат асос солган Булғор давлати 679 йилгача яшади, аммо унинг кейинги мавжудлиги туркут ҳоқонлиги билан ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Шунинг учун Европани бир томонға қўйиб, Марказий Осиёға қайтамыз.

⁶⁰ E. Chavannes, Documents..., 26, 54-6.

⁶¹ Lebeau, Histoire du Bas – Empire, XI, 225-6.

Феофан Византиец. Летопись..., 262-б.; М. И. Артамонов, Очерки..., 40-б.

Хитой билан сўнги уруш. Тан ҳукуматига энг алам қиладигани туркут хонининг қайтадан ҳокимиятга келишдан ҳали ҳам умидини узмаган Суй хонадони муҳожирларига ҳомийлик қилиши эди. Янги ҳукумат мамлакатда нормал ҳаётни йўлга қўйишида албатта дуч келадиган қийинчиликларидан муҳожирлар истаган пайтда фойдаланишлари мумкин эди. Эндигина сўндирилган ички уруш олови агар туркут хони император хос аскарларини енгиб, Хитойга “қонуний” подшони олиб келса, қайтадан оловланиши муқаррар эди. Шунинг учун ҳам шарқий ҳоқонликдаги таназулдан фойдаланиб қолмаслик, Тайцзундай мушоҳадали императорнинг улкан хатоси бўларди. 628 йилдан Хитой урушга ҳозирлик кўра бошлайди⁶³, урушнинг дастлабки қурбони ҳанузгача Шофан қалъасида⁶⁴ паноҳ топиб келаётган Лян Ши-ду бўлди.

Туркут салтанатида тартибсизликлар кенг тарқалган бир чоғда Тайцзун Лян Ши-ду билан музокара бошлашга уриниб кўради, лекин у рад қилади. Император унга қарши чегара қўшинини жўнатади. Лян Ши-дунинг тутуқланган тарафдорлари озод қилиниб, Ордосга ўжар исёнчига қарши халқни оёққа тургазиш учун юборилади. Табғачларнинг енгил суворилари Шофан теварагидаги экинларни пайхон қиладилар. Бу ерда очарчилик бошланади, Лян Ши-дунинг Хитой томонга ўтган тобелари яхши кутиб олинади. Лян Ши-ду сафдошлари орасида ишончсизлик ғулуси пайдо бўлади ва айрим саркардалар фитна уюштириб, йўлбошчиларини тутуқламоқчи бўлганларида омадлари чопмай, ўзлари дорга тортиладилар.

628 йилда Тайцзун Шофанга юриш буйруғини беради. Туркутлар унинг мудофаасига шайланади, бироқ табғачлар уларни улоқтириб ташлайди. Император қўшини Шофанни қамалга олади. Қутулишдан умидини узган Лян Ши-дунинг сафдошлари қамалчиларга унинг калласини келтириб, тобелик билдиришади. Улар кечирилади, мукофотланади. Тан сулоласи қўл остида Хитойнинг бирлашиши охирига етади. Ундан кейин 629 йилда туркутлар Маи қалъасидан қувиб чиқарилади ва бутун Ордос Хитой императори тасаруфига ўтади.

Кат Элхонга биринчи муваффақиятсизликнинг ўзи етарли бўлди. Фуқаролари, қариндошлари, ҳатто сафдошлари уни ташлаб “Табғач хонига”, уларнинг наздида, Хитой императорларига “ўриндошлик қилганларга”⁶⁵ қочиб ўтадилар. Дастлаб, тўққиз нафар “сигин” –

⁶³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 254-б.; S. Julien *Documents...*, vol 4, 223-б.; Liu Mau-tsa, *Die chinesischen Nachrichten...*, 239-б.

⁶⁴ Liu Mau-tsa, *Die chinesischen Nachrichten...*, 289-290-б.

⁶⁵ Қаранг: С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 28-29-б. *Матн таржимасида:* “Табғач халқи императори” (35-б) ва “Табғач халқи қоони” (37-б.).

командир ўз бўлинмаси билан сотилади, сўнг байирқу, буғу, тўнгра, си вс татаб (хи) қабилалари оқсоқоллари⁶⁶ Чанъанга тобелик билдириб келишади.⁶⁷ Табғач лашкари туркутларни Линчжоу (Гансуда) ёнида мағлуб этгач эса, Хитойга Толосхон Шибоби, Кат Элхоннинг жияни Юйше шад ва Шибоби сотқинлигидан кейин ворис этиб тайинланган, бироқ муваффақиятдан умид узган Иннай тегинлар⁶⁸ шошилинич этиб келадилар.

Умидсизлик асосли эди. Луанхе дарёсидан Бинчжоугача бўлган масофада Хитойнинг олти армияси жабҳа тузиб ҳужумга ўтганди.⁶⁹ Оянлин (Шансида) тоғидаги тунги жангда Кат Элхон яна бир бор енгилади ва 630 йил бошларида саҳро орқали шимолга чекинади. Ўша пайтда унинг яқинлари хоинлик қилиб⁷⁰ ғолибга Суй хонадони маликаси ва ворис шаҳзодани топширадилар. Барибир, Кат Элхонда содиқлигига ишонса бўладиган “бир неча ўн минг лашкари бор бўлиб”⁷¹ у ҳурматини йўқотмаган ҳолда сулҳ тузишга уриниб кўрди.

Император хоннинг таклифини қабул қилишни истаса ҳам, бош қўмондон масалани ўзи ҳал қилиб, кутилмаган ҳужум билан қолган-қутган қўшинни тум-тарақай қилди. Кат Элхон қочишга улгурди-ю, бироқ барибир уни тутиб Чанъанга келтиришди. Бундан сўнг унга содиқ бўлган охирги бек Ишбара Шуниши шод⁷² таслим бўлди ва Шарқий туркут салтанати ҳам поёнига етди.

Емирилиш тез ва тўла бўлди. Арзимас бир ярим йил вақт ичида туркутлар даштнинг кенгликлари ҳўжайинидан қўзғолон кўтарган телелар қўлига тушишдан кўрқиб, имкон қадар тезроқ хитойларга таслим бўлишга интилган қочоқларга айланди. Император Тайцзун ҳукмронлиги ғарбда Хами воҳасигача, шимолда Сибир тайгаси чегарасигача бўлган ҳудудларга кенгайди. Шуни таъкидлаш жоизки, ғалабанинг ҳал қилувчи омили қурол эмас, балки кўчманчиларнинг императорни хонимиз деб ихтиёрий

⁶⁶ “Цзютаншу” матнида ху “варварлар бор. Pulleyblank бу сўзлар бўлса керак дейди (Sogolian Colony..., 323-б), бироқ “Таншу”даги ҳисоблашга бундай шарҳ тўғри келмайди.

⁶⁷ Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 194-б. Н. Я. Бичуриннинг (Собрание сведений..., I ж., 254-б.) ва С. Жюленнинг (Documents..., vol 4, 226-б.) таржималари ноаниқ. (Қаранг: Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 640-б.).

⁶⁸ Бу шаҳзоданинг насаби аниқланмаган.

⁶⁹ Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 252-б.

⁷⁰ Улардан келиб чиқиб сўғуд бўлган, Кат Элхоннинг энг яқин маслаҳатчиси Кат Суми маълум (Қаранг: Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 580-б.)

⁷¹ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 255-б.; Фақат 10 минг қўшин бўлиши мумкин (Қаранг: Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 143-б.)

⁷² Кат Элхоннинг амакиси, Жангарнинг укаси (Қаранг: Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 641-б.). Н. Я. Бичурин уни Шаболо Сунниши деб атайдۇ

қабул қилиши бўлди. Аслида табғачларга Буюк Даштга нисбатан Хитой қаттиқ қаршилик кўрсатди, энди уларни бир салтанат остида бирлашиши эса, ўз ичига турфа маданият, ҳар хил руҳоний бичимга эга халқларни қамраб олган Шарқий Осиё империяси яратилишининг бошланиши эди. Бу империя бошида Ли Юан ва Ли Ши-миннинг сафдошлари турарди, улар орасида эса фақат хитойлар эмас, балки уйғурлар, турклар, сугудлар, корейслар ҳам бор эди. Мана шу 630 йилдан эътиборан то Тан империяси қайтадан Хитой подшоҳлигига айлангунича биз уларни империячилар деб атаймиз.

Замона мақоми. Шарқий туркут ҳоқонлиги қулаши ва унинг қолдиқларидан Тан империяси ҳосил бўлишини кузатиб, тубандаги саволлар гирдобига тортилиш ажаб эмас: бу ҳодиса тарихий бир қонуният натижасими ёхуд вақт шароитидан келиб чиқадиган тасодифнинг маҳсулими? Бу саволлар жавоби тарих адабиётлари саҳифаларидан жуда кам ўрин олган. Фақат Йўллиғ тегин — Ўрхун тошбитиклари муаллифи, ўз замонасидан келиб чиқадиган асосли изоҳ бера билган. У хонларни “нодонлик ва кўрқоқликда”, беклар ва халқни хонларга бевафоликда, табғачларни ёлғон ҳамда инини оғага гиж-гижлашда айблайди. Энг муҳими эса, турк халқини нозиклаштирадиган хитой дабдабасини қоралайди. Йўллиғ тегин мағлубият муқаррар эди, деб ҳисобламайди. Аксинча, битиклар келажакда бундай ҳолатларда эҳтиёт бўлишга чақиради. Йўллиғ тегин шунга тўлиқ ишонадики, Хитойдан анча масофа йироқда яшалса, табғачлар билан зич алоқа қилинмаса, ҳамма нарса жойида бўлади.⁷³ Шундай қилиб, Йўллиғ тегин 630 йилдаги мағлубият хато сиёсат оқибати, яъни тарихий тасодиф, деб ўйлайди. Кўрайликчи, у ҳақми экан.

Хитой тарихчилари, Тан сулоласининг эски ва янги хроникаси⁷⁴ни тузувчилар бунга мутлақо қарама қарши фикрни илгари суришади. Улар учун варварлар устидан галаба табиий бир ҳодиса бўлиб, уни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Агар туркутлар галаба қозонганида эди, унда буни одатларга шикаст етгани ва императорнинг уқувсизлиги билан шарҳласа бўлар эди. Шу боқимдан, улар воқеаларни совуққонлик билан кетма-кет санаб ўтишади, уни мушоҳада қилиб ўтирмайди. Шу боис ҳам илмий ёндошиш боқимидан улар ҳатто Йўллиғ тегиндан ҳам паст турадилар. Энди масала ечимига ҳозирги замон фани заминида ёндошишга уннаб кўрайлик. VII юзйилликларда, кўчманчиларда ҳам оддий товар

⁷³ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 34-37-б.

хўжалиги тарзи ҳукмрон бўлиб, улар ўртасидаги алмашинув ҳажми унча кўп эмасди. Хитойнинг ўзида пул ўрнида ипак ва ғалла ишлатилгани туфайли ҳам хитой деҳқони унинг меҳнати маҳсули чегарадан ташқарига чиқиб кетишидан манфаатдор эмасди. Худди шундай оддий кўчманчи турмушида сут, гўшт истеъмол учун, тери кийим-кечак ва ўтов учун етарли бўлиб, бегона қабила бўлмиш хитойлар билан зич алоқага муҳтожлик сезмас эди.

Бироқ хонлар ва ванлар, беклар ва гунлар бу масалага бошқача боқар эдилар. Туркут хонига ипак дабдаба нимарсаси, ҳукмронликни таъминловчи бойлик эди. Хитой императори учун отлар ва ёлланма ёйандозлар куч ва ҳокимиятни ушлаб туриш воситаси бўлиб хизмат қиларди. Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳукмрон табақа манфаати халқ оммаси истагидан устун қўйилганлиги кўринади. VII аср Хитой халқи ва Буюк Дашт халқи кўриб ўтганимиздек, ҳар бири ўз ҳолича тинчликда яшашни хоҳларди. Бинобарин, маданий ва иқтисодий жиҳатдан бир-бирига бегона халқнинг зўрлик билан бирлаштирилишини тарихий жараён оқимининг вақтинча бузилиши, яъни тарихий тасодифийликнинг намоён бўлиши, деб қараш тўғри бўлар эди. Бундай ёндашилганда, Тан империяси яхлитлигини сақлаш учун мунтазам қатъий ҳаракат ва унинг даҳшатли якун топиши ҳам тушунарли бўлади. Қабул қилганимиз йўналма бўйича тинимсиз исён, фитна, қотиллик ва хоинликлар сабабини, бошқа сулолалар давридан анча яхши яшаган хитой халқи ва бой совғалар билан таъминлаган кўчманчилар норозилигини тушунтириб бера оламиз. Эллада билан Шарқни бирлаштириб яхлит қилмоқчи бўлган Александр Македонский сингари Тайцзун ҳам Хитой билан кўчманчи дунёни чиқиштирмоқчи бўлди. Гарчи ҳар икки ният амалга ошмаган бўлса-да, уларнинг биринчиси ўзидан эллинизмни, иккинчиси, инсониятга санъат, адабиёт ва тафаккур дурдоналарини қолдирган ажойиб Тан маданиятини қолдирди.

Энди яна воқеалар оқимига қайтиб, Ли Ши-мин империясини ва муваффақиятларини қандай воситалар билан мустаҳкамла-ганини кузатайлик.

Меҳр санъати. Енгилган туркутлар кутган шафқатсиз қатлиом рўй бермади. Асир олинган Кат Элхон император ҳузурига келтирилади. Император уни, ўз фикрига кўра ахлоқсизликларда, Суй хонадони равнақи учун охиригача курашиш ўрнига унга нисбатан кўрнамаклик; битимларни бузиш; халқ истагига хилоф тарзда уруш келтириб чиқариш; хитой деҳқонларини талаш; музокаралар чоғида қочиб қолиш кабиларда айблаб танбеҳ беради

ва уни кечириб, асир туширишда қўлга олинган барча нарсаларини қайтаради. Кейинроқ император бу тутқунини хос қўшинига тиркаб, унга ер ҳам ҳадя қилади. Бироқ у “ўйчан ва маънос эди, оғир изтиробли қўшиқлар айтиб, кўзларидан ёш тўкарди”.⁷⁵ 634 йилда Кат Элхон соғинчдан ўлади ва турк удуми бўйича дафн этилади.

Толослар хони Шибоби ҳам эркатилганлар сирасида эди. “У подшоҳ дастурхонида ўтириш шарафига муяссар қилинган, беклик даражасидаги аскарый унвон берилган ва мулк сифатида 700 оилага эга этилган эди”.⁷⁶ Қолган туркут шаҳзода ва йўлбошчилари император хос қўшинига тиркаб қўйилди.⁷⁷

Императорнинг мағлублар ва таслим бўлганларга муомаласи ҳақидаги “узун қулоқ” гаплар дашт бўйлаб тарқалиши билан қаршилик қилувчиларнинг охирги ўчоқлари ҳам сўнди. Сунит қабиласи шоди Йшбара таслим бўлди,⁷⁸ улар ўша кезларда Ордоснинг ғарбида яшар эдилар. Турфон ва Хоми оралигида ўз улуси билан кўчиб юрган Кат Элхоннинг ўғли Йуқуқ шод ҳам таслим бўлди.⁷⁹ Тайцзун қабилалар ва воҳаларга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи ва совғалар тақдим қилиш билан даштда шунчалик бир обрўга эришдики, бу обрў Шарқий туркут ҳоқонлиги қулаши билан боғлиқ қийинчиликлар ва бошқа қийинчиликларни кейинги ярим аср давомида ҳам ҳал қилинишида катта кўмак берди. Ғолиблар учун энг муҳим вазифа туркут кўчклариди яшириниб юрган, Суй сулоласини тиклаш умидида бўлган хитойларни тутиш эди. Тайцзун бунинг ҳам осон йўлини топди: ҳар бир тутиб берилган хитой учун олтин ва ипак билан мукофот ваъда қилди. Нима бўлди, ден! Тезлик билан ҳар икки жинсга мансуб 80 минг хитой тутиб келинди. Уларни ҳам меҳрибонлик кутарди: уйига қайтиб боргач, Хитойдан кетиб қолганлиги учун афв этилар ва фақат солиқ тўловчи табақа сирасига киритилар эди.⁸⁰

Ғалаба император ҳукумати олдига яна бир муҳим ва кечиктириб бўлмас савол қўйди: тобе бўлган туркутларни нима қилиш керак?

⁷⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 256-б.

⁷⁶ *Уша асар*, 259-б.

⁷⁷ Бек Ашина Чжун Кат Элхонни қўлга туширишда иштирок этганлиги умунгина хотинликка ҳатто маликани ҳам беришди (*Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten...*, 394-б.)

⁷⁸ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 233-б.

⁷⁹ *Gaubil, Abrege...*, 441-б.

⁸⁰ Ушбу 80 минг хитойликларни туркутлар қули деб ўйлаш мутлақо хатодир (Қаранг: Л. Р. Кизласоя, *Тува...*, 73-б.). 630 йилда Хитой (табғач) қўшини ҳоқонликни босиб олади ва асирларни озод қилиш учун мағлубларга беришга пул топа олмайди. Манбада айтилишича, озод қилинганлар номигагина жазога тортилганлар, агар улар душманлар қўлига тушган ўз ўртоқларини озод қилишганида бундай бўлиши ахмоқлик бўларди. Бу матнинг туркутлардаги қулдорлик муаммосига ҳеч қандай дахли йўқ.

Бирлари хитой қонуни бўйича уларни қулларга айлантириб Хитой ичкарасида зироат ишларида фойдаланишни тавсия этсалар, бошқалари туркутларни ўз даштларига қайтариб, майда, бир-бирдан мустақил бекликлар яратишни маслаҳат берардилар. Учинчилари эса, уларни Ордос ва Алашан чўлларига жойлаштириб, олис юришларда ёрдамчи қўшин сифатида, тинчлик вақтида чегара қўриқчилари сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблардилар.⁸¹ Император сўнгги фикрни қабул қилиб, иккита янги ҳарбий валийлик таъсис этди: бу шарқда Динсян ва ғарбда Юнчжун бўлиб, ҳар икки валийлик бир валий томонидан идора этиларди.

Империянинг чегараси яна Гоби саҳроси бўлиб қолди, ундан шимолини – Алтаин-нуру тизмасидан то Байкал ва Катта Хингангача ҳеч қандай қаршиликсиз сеянто беги Инан қўл остига ўтди. Туркутларнинг кўп қисми сеянтога бориб қўшилди.

Император Тайцзунга тобе бўлган туркутлар адади 190 минг ҳисобланади.⁸² Ўз турмуш тарзи, одатини сақлаш учун уларга ҳалақит берадиган куч йўқ эди, бироқ Хитойнинг яқинлиги туркутларга таъсир этмаслигининг иложи йўқ эди, бу таъсир кучи ҳақида туркутлар ўзи шундай дейдилар: “Чексиз олтин, кумуш, спирт ва ипакка эга бўлган табғач халқи нутқи ва кўз ўйнатар қимматбаҳо нарсалари билан улар узоқдаги халқларни ўзига тортар эди. Унга яқин бориб ўрнашганлар, кейин уларнинг ёмон донишмандлигини ўзлаштириб олдилар”.⁸³ “Турк хонлари туркча ишларидан воз кечдилар, табғач унвонларини қабул қилиб табғач халқи хонига бўйсундилар. Эллик йил уларга меҳнати ва кучини бердилар”.⁸⁴

630 йилдан 679 йилларгача, 50 йил ичида Ордосга ўрнашган кўчманчиларда шунчалик ўзгариш содир бўлдики, улар туркутлардан кўк туркларга айланди, улар шимолдаги қондошлари телеларга ҳам, аждодлари туркутларга ҳам ўхшаш жойи кам бўлиб қолди. Бу ҳақда куйироқда яна фикр юритамиз.

⁸¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 256-258-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 398-399-б.

⁸² Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 253-б.

⁸³ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 34-б.

⁸⁴ *Уша асар*, 37-6

ХVI Боб

ЎН ЎҚ

Фуқаро уруши. Дулу қабила иттифоқи томонидан амалга оширилган тўнтариш ва Сибирхоннинг куч билан тахтга ўтириши бутун Фарбий ҳоқонлик учун мутлақо кутилмаган ҳодиса бўлганлиги учун ҳам муваффақият қозонди. Тун Жабғухоннинг ўлдирилиши янги ҳукуматга фақат нушиби қабиласини эмас, балки туркутларнинг ўзини ҳам қарши қилиб қўйди. Ўзининг таги бўшлигини ҳис этган Сибирхон Булгорэл¹ни ажраб кетганини тан олиб, ўзига бир иттифоқчи орттирмақчи бўлди-ю, бироқ бу ҳам уни қутқариб қола олмади.²

Нушиби қабиласи қўзғолонини ҳалок бўлган Баға Жабғухоннинг (Мохэ) ўғли Нишу Кана шад бошқарди. Нишунинг улуси Пойкенд бўлиб, унга бой Бухоро ҳам бўйсунарди.

Уруш учун доим пул керак, Сибирхонда пул йўқ эди. Нишуда олтин, кумуш етарлича бор эди. Бухоролик усталар ярқираши ва жаранги олдида Сибирхон сафдошларининг шаъну содиқлиги чидай олмайдиган тангаларни керагича зарб қилиб бердилар. Бунинг устига нушибилар қароргоҳига Тун Жабғунинг ўғли,³ тахтнинг қонуний вориси⁴ ҳам қочиб ўтади. Унинг қўзғолондаги иштироки ҳаракатга қонуний тус берди. Нишу уни Ирбис Бўлун Жабғухон⁵ номи билан тахтга кўтарди. Шундан кейин Сибирхон ютқазиб қўйди, чунки халқ пули бор ва қонуний рақибига бўйсунди. Сибирхон Олтой тоғларига қочди, 631 йилда нушибилар қўлга тушириб ўлдиришди.

Ирбис Бўлун Жабғухоннинг тахтга ўтириши қабила иттифоқлари устидан туркут ҳукмронлиги тикланаётгандай бир сифатга эга эди, аммо янги хон ундан кутилган умидларни оқламади. У ишонмас, ўжар, мағрур ва шубҳачи бўлиб чиқди.⁶ Балки мана шу

¹ “Бошланишидаёқ у давлатдан кичик хонликни ажратиб ташлади, ўзини эса олий хон деб эълон қилди, бундан аёёнлар норози эдилар”. Матнни фақат ана шундай талқин қилиш мумкин. (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 284-б.).

² Наршахи, *История Бухары...*, 48-б.; J. Marquart, *Wehrot und Arang*, 151-б.

³ “Шили-дэлэ” деган исми нотўғри (Н. Я. Бичурин), “Тели тегин” бўлиши керак (Э. Шаванн; унвони “Толос тегин”).

⁴ Унинг тегин дейлиши сабаби акаси тардушлар шоди Кул Кундуз воҳасида қароргоҳи бўлиб, хотинларидан бири 630 йилдаёқ заҳарлаб ўлдирди. (E. Chavannes, *Documents...*, 196-б.).

⁵ “Иби Бўлўлуй Шехухон” (Н. Я. Бичурин) ёки “Иби (Ша)бол осы-шеху-каган” (Э. Шаванн). Иероглифлар мазмуни: “ўз-ўзини ўзича хон деб эълон этган”.

⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 285-б.

сифатлари туфайли Си Жабгу,⁷ яъни “сотқин” лақабига муносиб бўлса керак. Сеянтони тобе қилиш, Ҳоқонликнинг олдинги чегараларини тиклаш учун интлишлари мутлақ муваффақиятсизликка учради. Чақимчилик билан осишлар халқ ғазабини кўзгади. Хоннинг шубҳа-гумонларидан Нишу Қорашарга қочишга муваффақ бўлди. Нушиби етакчилари хонни унинг зулмларига чидаш учун кўтармаган эдилар. Муби Тархан деган кимса суиқасд уюштирди. Ирбис ўз қароргоҳидан суворилар бўлинмаси билан қочди. Ҳайдалган хон билан бирга кетган отлиқлар туркутлар наслидан бўлиб, маҳаллий қавмлар ғалабаси уларга ҳеч нарса бермас эди. Қутулишнинг ягона йўли жанубга қараб юриш эди. Амударёнинг чап қирғоғида Кундуз водийсида Ирбиснинг жияни ҳукмронлик қиларди, фақат ўша Ирбис ва унинг тарафдорларига ёрдам бера оларди.⁸ Ирбис ҳақидаги охириги даракни Сюан Цзанда учратамиз. Унинг айтишча, Ирбис Балх шаҳрини бу ердаги будда хонақосини талаш учун қамал қилади, аммо қамалнинг биринчи кечасиёқ оламдан ўтади⁹ ва унинг жангчилари тарқалиб кетади.

Бу воқеа Ғарбий ҳоқонлик тарихида муҳим бир бурилиш санаси бўлиб қолди. То шу кунгача ҳоқонликда туркутлар ҳукмрон бўлса, энди ташаббус маҳаллий қабилалар етакчилари кўлига ўтади. Кучлар муносабати ўзгариб, кейинги ҳодисалар оқими ривожини янги кучлар белгилай бошлади. Ҳокимият сулолани ўзгартиришни истамаган нушибилар кўлида эди. Улар Қорашардан Нишуни чақиртириб олиб, тахтга кўтаришди. Нишу шимолий қабилаларни ҳам ўзига мойил қилиш учун бўлса керак, Дулухон¹⁰ унвонини қабул қилди. Ўз навбатида улар ҳам буни тан олдилар, шунинг билан фуқаро уруши тугади.

Янги хон ҳам ўз фуқаролари уни қуллаб-қувватлаганига тахтда маҳкам ўтириб қолишини биларди ҳамда Сўғдиёнаннинг савдо маркази – Пойкенд билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун уларга ҳам нима

⁷ *Сы (турк) – “синдирмоқ, бузмоқ”. Сы учун олинган хитой иероглифи маъноси “ҳаддини билмайдиган, ўзбошимча”. Маънолар бир-бирига мос.*

⁸ “Таншу”да Сы Жабгу “Кангуйга қочди ва аламдан ўлди” дейилади (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений... 1 ж., 285-б.*); E. Chavannes, *Documents... 54-б.*; бироқ Шаваннинг тузатишига ҳам қаранг (197-199-б.).

⁹ *Художуй зиёратчи хоннинг ўлимига Вайшрамана аралашган, яъни бу ширкчининг тушига кириб, унга найза санчган, дейди. Шаванн Си Жабгу ўлими санасини 632 ёки 633 йил деб беради.*

¹⁰ Бу унвонни унга император Тайцзун берган. Унинг тўлиқ исми-шарифи Бичуринда: “Тун-алзу Балиби Дулу хан”дир. Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений... 1 ж., 285-б.*) Шаваннда анча аниқ: Тун-а-лоу си-ли-би Дулу-каган, мана шу асосда “Тунг алл Силигбир Дулухон” (Буюк алл нулли Дулухон) тикланади.

кераклигини биларди. Шунинг учун у Хитой билан музокараларда шунчалик ён босдики, бу худди тобеликни ихтиёрий қабул қилишга ўхшарди. Лекин у ўз мақсадига эришди ва тахтни туркут қонуни бўйича Ишбара Тўлис шод номи билан ҳукмронликни қабул қилган укаси Тўнғшодга топшириб, бамайлахотир оламдан кўз юмди.¹¹

Ўн ўқ. Нушиби хонлари интилган осойишталикка кенг сиёсий вазибалардан воз кечиш ҳисобига эришилди. Эрон билан уруш янгиланмади. Булғор ва угор қабилаларини қайта бўйсундиришга ҳаракат қилинмади. Бор куч Жунғорияни қайта бўйсундиришга ташланди ва бунга эришилди. 632 йилда исёнчи киби қабиласи ғарбий туркутларнинг (энди уларни туркут деб бўлмади) тазйиқи остида холис Юлдуз воҳасини ташлаб Тан империясига қарашли Хэсига кўчиб келишди.¹²

Навбат Бешбалиқники бўлиб, бу ерда Чулохоннинг ўғли жасур ва асилзода Ашина Шэни¹³ ҳукмрон эди. Шарқий туркут аъналарига содиқ қолиб, лашкарини туркутларнинг ортидан зарба берган сеянто устига сурди. Сафдошларининг аввал аҳволимизни яхшилаб олайлик, чунки кўшин узоқ сафарга, шимолга юритилса “жабғунинг ўғиллари, набиралари бизнинг подшоҳлигимизни босиб оладилар”¹⁴ деган гаплари зое кетди.

Ашина Шэни уларга, курашни давом эттиришдан бош тортиш, ўғиллик иззатини йўқотиш демақдир, агар муваффақиятсизликка учралса, ўлимга тайёр эканлигини билдирди.

634 йилда бутун кучини – 50 минг суворини – Жунғориянинг дашту-тошлоқ қисми-шимолига ташлади, бироқ тўрт ойлик жанглардан сўнг тўлиқ мағлубиятга учради. 10 минг аскар билан амакиваччаси Йуқуқ шод ҳокимлик қилаётган империянинг ери Гаочанга чекинди.

Шу аснода Тан императори элчиси ғарбий туркут хонига тортиб олинган ерларни қайтариш вақти етганлигини шама қилди. Ишбарахон фурсатни бой бермай Бешбалиқни эгаллади. Шэнининг Хитойга кетишдан бошқа чораси қолмади. 636 йилда аскарларининг қолган қисми билан Чанъанга келади ва ўз хизматини таклиф қилади. Унга жуда катта эҳтиром кўрсатилди: у хос аскарлар генерали унвони,

¹¹ *Хитойча Шаболо Телиши, тахтга ўтиргунча исми Тўнғ шад. Туркича “тўнғ” “кучли, ботир”. Танланган иероглиф унинг ҳақиқий феъл-атворини ифодалайди: “ҳаммага бирдай яхши”. Айнан шунга интилиш Тўнғ шаднинг асосий сиёсий дастури бўлди.*

¹² Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 256-б.

¹³ E. Chavannes, *Documents...*, 176-б.

¹⁴ *Ibid...*, 176-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 264, 394-б.

ўз ўрдасини жойлаштириш учун ер, малика хотин ва сарой лавозимлигига¹⁵ сазовор этилади. Бунинг эвазига Тайцзун ҳам содиқ дўстга эга бўлди.

Жунгориянинг қайта қўшилиши Фарбий ҳоқонликнинг халқаро аҳволини мустаҳкамлади, лекин бу мустаҳкамланиш ички зиддиятларни кескинлаштириб, янги оқибатларга сабаб бўлди. Си жабғу ва Шэни устидан галаба аслида маҳаллий қабилаларнинг туркутлар устидан зафар қозониши эди. Сулоланинг сақланиб туриши ҳали ҳам салтанатнинг яхлитлигини сақлашга хизмат қиларди, аммо Ишбара Тўлис шад хон қўлида реал куч йўқ бўлиб, бекларнинг ихтиёрий бўйсунушига таянарди ва бу таянч ишончли эмасди. Дулу ва нушиби беклари ўзларига ташдан ҳеч қандай хавф йўқлигини сезиши биланоқ, хонга ўз иродаларини ўтказмоқчи бўлардилар. Хон олий ҳукуматни кучсизлантирадиган ислоҳот ўтказишига тўғри келди: 635 йилда дулу ва нушиби қабилалари ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эришди; дулунинг беш қабиласи ва нушибининг беш қабиласи бошлиқлари Ашина уругидан эмас, маҳаллий асилзодалардан бўладиган бўлди.

Бу бошлиқларнинг ҳар бири шод мақоми билан тенглаштирилди, яъни шаҳзодаларга тенгланди. Дулу ва нушиби иттифоқчилари орасидаги чегара Чу дарёси бўлиб қолди.¹⁶

Бўлгинчилик тамойилларига ён босиш, нураган давлатни сақлаб қолиш учун хизмат қилмаслиги аниқ.

Кўнгли тўлмаганлар. Янги тартиб кўпчиликни қониқтиргани тайин, айти пайтда ҳаммани эмаслиги ҳам равшан. Бундан Фарбий ҳоқонликда яшовчи туркутлар заҳмат кўрдилар. Улар ҳам имтиёзлардан айрилдилар, ҳам бошқарувдаги мавқеи сусайтирилди. Булардан ташқари қониқмаганлар қаторида ўқ берилмаган анчагина қабилаларнинг бошчилари ҳам бор эди. Айниқса, улар шимолда ва жунгор қабилалари орасида кўп эди. Сайланмаганлар қаторида қорлуқлар, яғмолар,¹⁷ қипчоқлар,¹⁸ басмаллар¹⁹ ҳамда хунларнинг авлоди бўлмиш чуюе, чуми ва шато²⁰лар бор эди. Сўнгиларига ҳаммадан кўпроқ алам қилган эди, чунки уларнинг яқин қариндошлари — чумугун ва чубанлар сайланганлар орасида бўлиб, булар эса қолиб кетган эди. 633 йилда Ишбара Тўлис шад уларнинг

¹⁵ *Ibid.*, 176-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 264, 394-б.

¹⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 286-б.; Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, I, 138-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 56-б.

¹⁷ Теле қабилаларидан яньмянь (хит.).

¹⁸ Кюй-юешэ.

¹⁹ “Басмал” дегани аралашдир. Бу кичик элат қирқ уругдан иборат эди. (Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 256-б.).

²⁰ Марказий Жунгорияда Баркўлгача бўлган ерларда яшаган.

йўлбошчиси ҳокимиятини тортиб олмоқчи бўлганида, улар шарққа кўчиб, Шато чўлида, Баркўл кўли атрофида макон тутиб, император Тайцзундан ўз қаноти остига олишни сўрадилар. Аммо ўша пайтда шарқий Тянь Шанда вужудга келган мураккаб сиёсий вазият бу қабилаларни ва уларнинг йўлбошчиларини²¹ бошқа йўлларга солди.

Ўша замонда Шарқий Туркистонда ҳам сиёсий вазият ниҳоятда кескин ва қизгин эди. Ҳали 20 йиллардаёқ йиқитилган Суй сулоласи тарафдорлари туркутларга қочиб ўтган ва улар ёрдамида Тан сулоласи билан курашиш умидида эдилар. Юқорида айтиб ўтилдики, Кат Элхон тор-мор этилгач, Тайцзун талаби билан 80 минг хитой муҳожирлари Хитойга қайтарилди, деб.²² Лекин Тан ҳукуматининг энг ашаддий душманлари Гаочан (Турфон)га қочиб борди ва у ер ҳокими Кюй Вэн-тай²³ томонидан қабул этилди.

Гаочанда асли хитой сулоласи бўлиб, улар жуда қадимдан туркут хонлари билан қон-қариндош бўлиб кетган эдилар. Гаочан ҳукмдорлари Хитойга ҳам, Фарбий ҳоқонликка ҳам ялтоқланишга мажбур бўлиб, шу билан ўзининг кичкина давлатини талончиликдан сақлаб келарди. Булар Суй ва Тан сулоалари билан ҳам жуда яхши муносабатда бўлиб, бу ҳолат 630 йилгача Тайцзун ўз империясини тузишга киришган вақтгача давом этиб, сўнгра бу анъана бузилди.

Кюй Вэн-тай янги Хитой ҳукуматидан норози бўлиши учун ҳамма асосларга эга эди. Гаочан кўл остида бўлган Иву (Хоми) беклиги 630 йилда Хитойнинг иттифоқчисига айланди.²⁴ Кюй Вэн-тай ёрдам сўраб Фарбий ҳоқонликка мурожаат қилди. Иттифоқчилар Хамини тор-мор қилди, император дипломатик таъналардан нари ўтмади, бу таъналарга Гаочан беги эътибор ҳам бермади.²⁵

Кюй Вэн-тайнинг Си Жабғу билан дўстлиги Гаочан билан Қорашар муносабатини кескинлаштириб юборди. Четга сурилган бечора беклар Нишу ва Ишбара Тўлис шад Қорашарга суянар эди. 632 йилда Қорашар луни²⁶ Тукичжи²⁷ ва Хўтан подшоси

²¹ *Хитойлар уни Мише дейишарди. У Ашина уруғидан эди.*

²² *Иакинф Бичурин, История Китая, 631-б.*

²³ *Н.Я. Бичурин, Собрание сведений..., 1 ж., 210-б.*

²⁴ *Иакинф Бичурин, История Китая; E. Chevannes, Documents..., 104-б.*

²⁵ Э. Шавани Хамини хароб қилиниши санасини ва Жабғунинг шахсини аниқлашнинг илужи бўлмаганигини ёзади (*Documents..., 104-б, 1-ишоҳ.*). бу ҳодиса 630 ва 632 йиллар орасида бўлган. зотан, 632 йилда гаочанлилар гарбий туркутлар билан биргаликда Қорашарга қарши жанг қилган. Си Жабғу 631 йилда тахтга ўтирди, демак, бу ўшадир. 632 йилда хон гарбда авёиллар билан курашда банд бўлган чоғда унинг ўрнида Ирбис шад (Иби-шад) бўлган. Ирбис шад унинг яқинларидан бўлса керакки, Си Жабғу йиқитилгач йилномаларда номи қайтиб учратилмайдди.

Қорашар ҳокими уявои.

²⁷ *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., 1 ж., 294-б.*

Уми²⁸ каби Гаочаннинг рақиблари ҳам Хитой билан иттифоқ тузишди. Гаочаннинг асосий даромадларидан бири бу ердан ўтадиган карвон йўлидан олинарди. Фарблагги Пойкенд каби Гаочан ҳам шарқда асосий ўтиш нуқтаси эди. Гаочанни кучсизлантириш учун Тукичжи Тайцзунга Қорашар орқали, лекин Гаочанни четлаб ўтадиган янги йўл очишни таклиф қилди. Тайцзун кўнди. Бу режа амалга ошса Гаочан Шарқий Туркистондаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини йўқотар эди. 632 йилда Вэн-тай туркутлар билан ҳамкорликда Қорашар вилоятини яғмо қилди. Тукичжи Хитойга шикоят билан мурожаат қилди.

Тайцзун Кюй Вэн-тайни изоҳ учун чақиртирди, бироқ у келишдан бош тортди. У Гаочан билан Хитойни ажратиб турувчи саҳродан озик-овқат таъминоти қийинлигидан кўп сонли аскарларни олиб ўтиб бўлмайди, лекин кичик, то адади 30 минггача бўлган кўшинни эса эпласа бўлади, деб ўйлади²⁹ Қорашар ҳокими Хитой кўмагини кўрмагач, Ишбара Тўлис шад билан иттифоқ тузди. Мана шунинг ўзиёқ чуюе ва чуми қабилалари Гаочан билан иттифоқ бўлиб, биргаликда Қорашар вилоятига³⁰ ҳужум қилишига асос бўлди (638 й.). Бу муваффақиятдан қаноатланган чуюе ва чуми қабилалари ўз ватанларига қайтиб нушиби билан курашни қайтадан бошлаш учун отландилар, уларнинг етакчиси арзимас музд ҳисобига Вэн-тай билан иттифоқ тузган³¹ Йуқуқ шод эди.³²

Тўнгарши. Ишбара Тўлис шад барчага яхши кўринишни³³ истар эди, бироқ ҳеч кимга яхши кўринмади. Бекларнинг ўзбошимчалиги туркутларнинг қаттиққўллигидан яхши эмас экан. Халқ ҳамма нарса учун хонни айблар ва уни қўллашдан чекинар эди.³⁴ Ана шу ҳолатда тажрибали фарбий туркутлар бош кўтарди. 638 йил кузида фитначилар бошлиғи Тун-тудун³⁵ хон қароргоҳига тўсатдан ҳужум уюштирди. Хон теварагидаги саркардалар уни ташлаб тумтарақай қочишди. Улар исёнчиларга ҳамдард бўлган кўринади. Ишбара Тўлис шад юз нафар содиқ жангчилари билан ҳужумни қайтарди, бироқ ҳеч кимдан

²⁸ E. Chavannes, Documents..., 126-б.

²⁹ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., II ж., 292-б.

³⁰ Уша асар. 295-б.

³¹ E. Chavannes, Documents..., 109-б.

³² Э. Шаванн бу бошқа Йуқуқ шад (кюйгу) деб билади (E. Chavannes, Documents... 28-б. 3-изоҳ.). лекин асосламайди. Аксинча, барча маълумотлар у шарқий турк шахзадаси эканлигини тасдиқлайди. (Иакинф Бичурин, История Китая).

³³ Тўнго-хоннинг лақаби, танланган иероглиф мазмуни: «Ҳаммага яхши».

³⁴ E. Chavannes, Documents..., 28, 56-б. Бичуринда «Дулухонни халқ севмаган» деб хито айтилган (Собрание сведений..., I ж. 286-б.).

³⁵ Уйвони уни туркутларга дохил эканлигини кўрматади.

мадад келмагач, укаси, Кавказорти қўшинининг собиқ қўмондони Бўри шод кузатувида дўсти Қорашар ҳокими ҳузурига қочиб боради.

Тун тудун оқсоқолларни йиғиб³⁶, бўшаб қолган тахтга Йуқуқ шадни таклиф этиш фикрини ўртага ташлайди. Ғарбий туркутлар Ашина уругидан ғайратли бир хонни қўтариб, ўзларининг ҳукмронлигини тикламоқчи бўладилар, бироқ бу маҳаллий йўлбошчиларга мақбул эмас эди. Нушиби иттифоқи раҳбари Ассиқ Кул сиғин (мухолифат бошчиси бўлса керак) келишув таклиф қилди: Йуқуқ олий хон бўлсин, Ишбара – кичик хон. Аммо мана шу мунозара давомида Тун тудун ўлдирилади, Йуқуқ шад эса тахтга ўтириш учун ғарб томон кетаётганида, аскарый куч ишлатилиб тўхтатилган ва орқага улоқтириб ташланган эди. У мана шунинг алами билан Қорашарни хонавайрон қилди.³⁷ Ишбара Тўлис шод ўз мамлакатига қайтди ва уни нушибилар хурсандчилик билан кутиб олишди, лекин туркутларнинг “ғарбий қабилалари”³⁸ яна Йуқуқ шадни чорладилар. Улар унга “Ирбис Дулухон” деган ҳурматли унвонни тайёрлаб қўйдиларки, бу билан дулу қабилаларини ўзлари томонига оғдиришни мўжаллаган бўлсалар керак.

Даъвогарлар орасидаги уруш қонли бўлди, лекин кучлар тенг эди, Или дарёси бўйида битим тузишди, битимга биноан Или улар мулки орасидаги чегара бўлиб қолди. Аммо эришилган тинчлик барқарор эмасди. Ўша йилдаёқ Ишбарага қарши Йуқуқ шод фойдасига фитна ташкил этилди. Фитначиларнинг “тудун” ва “силефа”³⁹ унвонларидан келиб чиқилса, улар туркут мансабдор асилзолаларидан эканлиги маълум бўлади. Ҳар томонидан қисилган Ишбара Тўлис шод Фарғонага қочади ва у ерда 639 йил декабрида вафот этади.⁴⁰ Нушиби йўлбошчилари марҳумнинг ўғли Илкулуг шод Ирбис хонни⁴¹ хон қилиб тайинлайдилар, бир йил ўтиб ўлгач, унинг амакиваччаси Баҳодурни Ирбис Ишбара жабғухон⁴² унвони билан хон қилиб қўтардилар.

Янги хон бирмунча тартиб ўрнатади. Унга Куча, Шаншан (Лобнор жанубида), Гюймо (Хўтан шарқида), Тохаристон, Қорашар, Шош (Тошкент), Кеш, Хэ (Зарафшон воҳасида), Амул ва Кан (Самарқанд)⁴³лар тобе эди. Ана шу тарзда туркут тескаричилигига

³⁶ Бичуринда “азёнлар” (қиёс: *E. Chavannes, Documents...*, 28, 56-б.)

³⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 295-б.

³⁸ Бу ном билан фақат туркутлар аталиши мумкин, бошқа барчаси Йуқуқ шадга қарши эди.

³⁹ *E. Chavannes, Documents...*, 57-б.

⁴⁰ Иакинф Бичурин, *История Китая*.

⁴¹ *Хитойчаси: Икюйлиши – Иби – кэхан.*

⁴² *Хитойчаси: Иби Шаболо Шэжу-кэхан..*

⁴³ *E. Chavannes, Documents...*, 30-б.

қарши курашга барча ўтроқ бошлиқлар ва қарвон йўллари савдоси билан боғлиқ ҳамма тижоратчилар қўшилдилар. Уларнинг орасида дулу қабиласи, айниқса, Чу ва Или дарёлари оралиғида яшовчилар кўпчиликини ташкил этарди. Ана ўшалар срига Ирбис Ишбара жабғу хон ўзининг кўчар пойтахтини жойлаб, уни “Жанубий ўрда” деб атади. Тайцзун уни қонуний хон деб тан олди ва унга дипломатик босим ўтказишга уриниб кўрди: уни тинчликка чақириб, ҳудудларни бўлиб олишга ундади, бироқ наф чиқмади. Тинчлик бўлиши мумкин эмасди, зотан, Йуқуқ атрофида Хитойга, империяга қарши даштнинг барча кучлари йиғилиб қолган эди. Улар ҳали ҳам ўзларининг мағлубиятига ишонмас, бир неча ғалабалар билан қудратли туркут ҳоқонлигини тиклаб, “Осмон фарзанди ва бошқалар билан тенглашиш”⁴⁴ мумкиндай бўлиб туюларди. Ростдан ҳам омад кулиб боқди. Жанубий хон асир олинди ва 641 йил майида дорга тортилди.⁴⁵

Тикланишга уриниш. Йуқуқ бирлаштирувчи хонларнинг муносиб салафларидан эди. 641 йилга келиб унинг ҳукмига Илидан тортиб Сибир тайғасигача бўлган ерлар кирган эди. Унга Жунғориядаги басмаллар⁴⁶, Олтойдаги қипчоқлар⁴⁷, Минусин ботиғидаги қирғизлар, Енисейдаги бомалар⁴⁸ ва жанубий Тарбағатайдаги чумугунлар бўйсунарди. Ушбу қудратли, кўп сонли ва жанговар қавмлар бор-йўғи уч йил ичида босиб олинганлигини, шу вақт ичида Йуқуқнинг чуюе ва чумулардан ташкил топган кичик бир аскарый кучи Еттисув жанубида шафқатсиз жанглр билан ҳам банд бўлганлигини тасаввур этиш қийин. Ҳар ҳолда биз бу ўринда кўчманчи қавмларнинг Тан империясининг ўсиб бориши ва унинг босқинчилик сиёсатидан хавотир олиб уюшиши жараёнини кўриб турибмиз, шекилли. Чумугунлар истисно қилинса, бу қабилалар барчаси ўн ўқ доирасидан сиртда, бома ҳисобга олинмаса бу қавмлар барчаси қачонлардир туркут хонларига тобе бўлганлардир. Булар барчаси яна бўри кал.гаси акс

⁴⁴ Н.Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 287-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 30-б.

⁴⁵ У Чоч (Тошкент) тудуни томонидан асир олинди, бироқ юқорида айтилдики, Чоч ихтиёрий равишда жанубий хонга бўйинсунди, деб. Чочда ва бошқа кентларда ҳам маҳаллий бекардан ташқари, туркут саркардалари ўз навкарлари билан, маҳаллий қайсидир табақаларга суяниб иш тутган ва ўшалар жанубий хоннинг ҳаракатларини бўғиб турганлар, деб ўйлайман (Иакинф Бичурин, *История Китая*).

⁴⁶ Басмаллар ҳақида қаранг: Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 256-б.

⁴⁷ Қипчоқлар ирқий жиҳатдан туркутлардан кескин фарқ қилсалар ҳам (Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 57-59-б.) сиёсий жиҳатдан улар бирлашдилар (Қаранг: Г. Рамстедт, *Перевод надписи “селенинского камня”*, 40-б.; С. Е. Малов, *памятники...*, 1959, 38-б.).

⁴⁸ Л. Н. Гумилев, *Хунну*, 40-41-б.

этган байроқ остидан анъана оҳанграбоси биланми ёхуд Суғдиёнанинг бой кентларини талаш иштиёқи биланми чиқиб кела бошлади. Лекин бу ерларда уларни қандай тақдир кутаётганини яхши билишарди. Ҳонини йўқотган нушиби қабилалари ўзларини йўқотиб қўйишмади. Йуқуқ ўз аскарлари билан бутун мамлакатни кўндалангига кесиб ўтиб, Тохаристонни⁴⁹ бўйсундирди, бироқ фарбдаги Суғдиёна, шарқдаги Иссиққўл тевараги тоғлари унинг ҳукмига ўтмаган эди.

642 йилда⁵⁰ Йуқуқ чуюе ва чумилардан иборат қўшинини Хамини яғмо қилиш учун юборди, аммо империянинг мунтазам сувори қўшинининг икки минг кишилиқ бўлинмаси уларни тормор қилдигина эмас, балки уларни ўз ерларигача қувлаб келди, бу ҳодисада чумилар кўп талофат кўрдилар.⁵¹ Йуқуқнинг ўзи бу юришда иштирок этмаган бўлса керак. У “бирлашган кучлар” билан⁵² Самарқанд ва Маймурғ⁵³ларга ҳамла қилиб, бу бой шаҳарларни талади. Бироқ тантаналар авжи чоғида Йуқуқнинг омади юришмади. Ўзимбошимчалиқ ва очкўзлик уни дулу йўлбошчилари билан тўқнаштириб қўйди. Дулу етакчилари уни ўз улушидан кўра кўпроқ миқдорда ўлжа олишда айбладилар.

Йуқуқ бир йўла тартибсизликка барҳам бериб қўрқитиб олиш учун жанжал бошловчиси Нишу чурни (чур — дулу уруғи йўлбошчиси унвони) дорга тортди. Бунга жавобан дулуларнинг ҳарбий кўзғолони кўтарилди. Йуқуқ буни бостира олмади, чунки унинг сафдошлари ўлжаларни олиб тарқалиб кетишганди. Илгари уни бу ерга таклиф этган Фарбий аъёнлар иш чаппа кетганлигини кўриб, энди шарққа ўзининг ворисий ерларига қайтишни маслаҳат беришди. Лекин Йуқуқ бундай қилолмасди, чунки унинг асосий таянчи-Гаочанни 640 йилда хитой аскарлари босиб олган эди. Йуқуқ фарбга — яқиндагина бўйсундирилган ва ўзига хавфсизроқ кўринган Тохаристонга ёриб ўтишни афзал билди. Аммо у билан шу пайтгача бўлган охириги сафдошлари ҳам бирга кетишни исташмади. Йуқуқ теварагида фақатгина унга ўта содиқ туркут хос аскарларигина

⁴⁹ Бунда у анча олдин келиб ўрнашиб қолган ва нушиби хонларидан ажралган туркутлардан фойдаланган кўринади.

⁵⁰ Цзю Таншу бўйича 641 йил. Биз эса “Таншу”даги санани олдик (E. Chavannes, Documents..., 58-б, 2- изох.).

⁵¹ Империя суворилари Катун Богдо-ола тоғигача борган (E. Chavannes, Documents..., 31-б, 3-изох.).

⁵² Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 287-б.

⁵³ Канжюй ва Даоми (Ми) ҳам шу ерда (E. Chavannes, Documents..., 31-б.

⁵⁴ “Ҳамма Йуқуқдан қочиб кетгандан кейин ҳам ҳали кучи етарлича эди. Шунинг учун “ҳамма” сўзи ундан норози бўлган дулуларга тегишлидир. Туркут аскарларининг ҳам Йуқуқ каби бошқа борадиган ери йўқ эди”.

қолди.⁵⁴ У ажралиб кетганларни яна қайтаришга уриниб кўраётганида тўсатдан душманлари-нушибиларнинг хужумига дучор бўлиб, енгилди ва Байшунху шахрига (Испижоб, Чимкентдан шарқроқда⁵⁵) беркиниб олди.

Нушибилар Хитой мададига таяниб, тезда ўзларига хон кўтардилар, бу Ишбара Тўлис шоднинг набираси Ирбис Шегуйхон эди.⁵⁶ Аввал тутуқланган барча хитойликлар уйларига қайтишга изн олди. Хитойга хирож ва никоҳ ҳақида илтимос жўнатилди. Сурдиёна билан Хитой орасидаги анъанавий иттифоқ завоқ топмади. Нушиби аскарлари Йуқуқни Байшунхуда ўраб олишди, бироқ туркутлар ҳали аскарий қахрамонликни йўқотмаган эдилар. Йуқуқнинг зирҳ-совут кийган аскарлари бурғу ва ноғора садолари остида хужумга ўтганида нушибилар тумтарақай бўлди. Кўплари ўлдирилди, асир олинди.

Йуқуқ эски иттифоқчилари дулуларга унинг ҳузурига қайтишни таклиф қилди, бироқ улар қатъий туриб: “майли, урушда минг кишимиз ўлсину бир кишимиз қолсин, барибир шунда ҳам сенинг олдинга бормаймиз”⁵⁷ деб жавоб беришди. Халқи ўзига қарши бўлган мамлакатда қолишнинг чораси йўқлигини кўриб Амударёнинг чап қирғоғи – Тохаристонга хос аскарлари билан кетди. Бу ерда Тун Жабғухон замонида Қундузда ўтроқлашиб қолган туркутлардан ёрдам кўрди.⁵⁸ Улар раҳбарининг унвони Ишбара жабғу бўлиб, ўша киши ўз қариндошини меҳмондўстлик билан кутиб олган кўринади. Йуқуқ 693 йилда⁵⁹ ўрдасини ўғли Чженчу⁶⁰га қолдириб вафот этади. Чженчу Ашина уруғининг сўнгги беги бўлиб, уни туркут хони деб аташга ҳаддимиз сиғади.

Тинчлантириш. Фарбий туркутлар туркут хавфини бартараф этиши биланоқ нушиби билан дулу ўртасидаги эски адоват кўзгалди. Нушибилар биринчиликка даъво қилишда асосли эди: тинимсиз жанглarda улар ўн ўқ эркинлигини ҳимоя қилиб келди, дулулар эса мунтазам тарзда сохта хонлар билан алоқа ўрнатиб, фақат сўнгги дамлардагина у билан алоқани узди. Бироқ дулунинг ўз қилмишлари учун жавоб бергиси йўқ эди. Император Тайцзун нушиби хонини қўллаб турар экан, улар мавжуд ҳолатга тоқат қилишди, лекин бу

⁵⁴ E. Chavannes, Documents..., 195-б.; Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 260-б.; В. В. Бартольд, Туркестан..., 176-177-б.

⁵⁶ Иби Шегуй хон. “Шегуй” сўзига танланган иероглиф маъноси «ўқдон» (туркчаси – сабдоқ).

⁵⁷ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., 1 ж., 288-б.; E. Chavannes, Documents..., 59-б.

⁵⁸ E. Chavannes, Documents..., 156-б, 6-узоқ.

⁵⁹ Ibid..., 35-б.

⁶⁰ Хитойча: Чженчжу шеху. Изоҳ қуйироқда.

дўстликда дастлабки дарз пайдо бўлиши билан дулулар вазиятдан фойдаланиб қолдилар.

646 йилда Ирбис Шегуйхон Тан хонадони маликаси билан никоҳдан ўтиш ва иттифоқни мустақамлаш учун Чанъанга элчилик жўнатади. Император малика қалини учун Кучу, Хўтан, Қошғар, Чжукюбо (Ёркенд жанубида) ва Цунлин (бу ҳам ўша ерда) шаҳарларини талаб қилади. Куча 630 йилда, Хўтан 632 йилда, Қорашар ва Ёркенд 635 йилда империя тасарруфига ўтган бўлиб, бироқ кейин Фарбий хон ҳукмронлиги остига кирган эди. Бу инсофсизликдан сўнг, хон музокараларни тўхтатди, айна чоғда иттифоқчилик риштаси ҳам узилди. Шу аснода саҳнада яна дулу пайдо бўлди. Бу ҳаракатнинг хусусиятлари дулулар сайлаб олган йўлбошчининг шахсий сифатларида равшан намоён бўлади. У фарбий Ашина уруғи шаҳзодаларидан, Бўри шоднинг ўғли ва Истамихон наслидан эди.⁶¹ Иқтидорни зўрлик билан қўлга киритиш авж олган замонларида у Йуқуқга ёндошди, ундан “жабғу” мансабини ва барча шарқий ҳудудлар назоратчилиги лавозимини олди. Асл исми сақланмаган, тарихда у Халлиғ лақаби⁶² билан аталади. Ижтимоий кўтарилишида амакиваччалари Мише ва Бучжен⁶³лар кўмак беришган. Бироқ бу икки амакиваччалар бир-бирини кўра олмас эди. Бучжен турли фасодлар билан чуюе қабиласи бошчиси Мишени Хитойга қочишга мажбур қилади. Кейин Бучжен Йуқуқнинг аҳволига умид қилиб бўлмайдди, деб ўйлаб, империяга сотилади. Бироқ у адашган эди, Йуқуқ ўз муҳолифлари устидан зафарлар қозонди ва дулу йўлбошчисининг бўш қолган ўрнига шаҳзода Халлиғ таклиф этилди.

Йуқуқ қочиб кетганидан сўнг Ашина Халлиғ оғир аҳволда қолди. Ирбис Шегуйхон юборган қўшин унинг ўрдасини тарқатиб юборди ва у ўзи даштда яшириниб юрди. Ўша пайтда дулуларнинг уч нафар йўлбошчиси⁶⁴ уни афв этишларини хондан сўраб орага тушдилар. Ҳазабга минган хон орага тушганларни дорга осмоқчи бўлди. Нафсиламбирини айтганда, унинг бунга асослари бор эди. Ашина Халлиғ норози дулуларга бошчилик қилишга ҳар жиҳатдан энг мос киши эди: Ашина уруғининг маҳаллий тармоғига тааллуқли эканлигининг ўзи унинг омма орасидаги эътибори кафолати эди; шунинг билан бирга Йуқуқ билан алоқалари туфайли номига доғ

⁶¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 288-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 3-б.

⁶² Ҳозирги хитойча Хэлу – иероглифларни товушга айлантирилиши. Турки муқобили Хэлли – “баланд кўтарилган”. Менимча, бу исм эмас, лақабдир.

⁶³ Лақаб мазмуни: “Ҳақиқат йўлидаги”, яъни чақимчи (*Маънолар изоҳчиси* М. Ф. Хаан).

⁶⁴ Шушеди, Чумүзүн ва Поби (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 289-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 59-б.).

ҳам туширган бўлиб, яна шунга ўхшаш ишларни қўл остидагилар кўз ўнгиди такрорлашга ботина олмаслиги ҳам аниқ эди. Шахсий фазилатлари: мардлиги, серғайратлиги, уддабуронлиги уни хоннинг хавfli рақибига айлантирар, дулулар наздида уларнинг кўнглидаги йўлбошчи эди. Ўз тавсияларини ўтказа олмаган уч йўлбошчи, хоннинг мурувватсизлигига қарши исён қилиб, аламзада шахзода билан бирга шарққа кўчиб кетишди ва у ерда 648 йилда Тан империясига тан бердилар.⁶⁵ Бу Фарбий ҳоқонликни нобуд қилган янги ғалаёнларнинг уруғи эди. Туркут фожиасининг бешинчи пардаси баёнидан олдин, Осиё сёсий харитасини юз йил муддатга ўзгартириб юборган шарқдаги йигирма йиллик воқеаларга диққатимизни жалб этайлик.

XVII боб

ТАБҒАЧ ХОНИ

Тисарилиш. 631 йилга келиб император Тайцзун бутун Буюк Даштнинг хўжайини бўлиб олди, агар у хоҳлаганида, Фарбий ҳоқонликдаги ғалаёнлардан фойдаланиб бутун Осиёнинг ҳукмронига айланарди. Лекин бу ажойиб саркарда айни чоғда доно сиёсатчи ҳам эди, шунинг учун кейин жиловлаб туриш қийин бўлган мамлакатларни босиб олишдан тийинди.

Даштда пачақлаб ташланган туркутлардан бошқа яна кўп сонли ва жангари халқлар ҳам истиқомат қилишарди: ғарбида сеянтоларнинг 70 минг чодири¹ бор бўлса, шимоли-шарқда 100 минг нафар уйғурлар² яшарди. Вазиятга баҳо бериб Тайцзун: “Агар биз уларни битта қўймай қириб ташлай олмас эканмиз, никоҳ сиёсати юритишдан бошқа чорамиз йўқ”³ деганича, қўшинини Гоби саҳросининг жанубига йўналтирди ва кўчманчиларга ўз тақдирини ўзлари белгилаш ихтиёрини берди. Кўчманчилар шу ондаёқ бир-бирига ташландилар. Пусанинг вориси, уйғурлар йўлбошчиси Тумиду сеянтоларни тор-мор қилиб, кўчикларини эгаллаб олди. Сеянто “оқсоқоллари кўркувдан қушдай учиб, номаълум жойларга тарқаб

⁶⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 289-б.

¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 339-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 95-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 354-б.

² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 302-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 89-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 350-б.

³ *Die chinesischen Nachrichten...*, 392-б.

кетишиди”⁴, теле қабилаларининг ўн бир йўлбошчиси эса Хитойга келиб, ўз хонликларини эътироф этишини сўради. Император уларга тўн кийгизди, қиличлар совға қилди, мансаблар берди, маст бўлганча шароб ичирди-ю, айна пайтда сеянто йўлбошчиси Инонга унинг хонлигини этироф этувчи рамзлар – васиқа, ноғора ва байроқ билан элчи жўнатди.⁵ Императорга Сеянтонинг юксалиши уйғурларнинг кучайишидан ҳам муҳимроқ экан, шекилли.

Даштдаги аҳвол бирданига ўзгарди: уйғурлар урушни тўхтатиб янги хонга бўйсундилар. Сеянто салтанати Олтойдан Хингангача, Гоби саҳросидан Байкалгача кенгайди.⁶ Унинг тузилиши туркутча эди. Иноннинг ўғиллари “шод” мақомини олиб, толос ва тардушларга бошчилик қилишди, фақат фарқи шундаки, энди толослар шимолда, тардушлар эса жанубда эдилар. Хитойлар аскарлари ададини 200 минг найза деб аниқласа, туркутларнинг аскарлари ададини эса Шибирхон замонида миллион, деб кўрсатганлар.⁷ Сеянто хонлиги туркутларникидан анча кучсиз бўлса ҳам, улар билан тортишмоқчи бўлган барча туркут бекларини муваффақиятли тарзда танобини тортиб қўйишни эплар эди. Истисно тариқасида, Кат Элхонга содиқлигини сақлаб, 630 йилда Хитойга тобе бўлиб, Ордосга жойлаштирилган туркутларни кўрсатиш мумкин. 639 йилда уларга хон қилиб Ашина Симо тайинланди. Бу киши ўзининг сиёсий мавқеи билан эмас, балки шахсий сифатлари билан ажойиб инсон эди. У “табиатан ўтқир, самимий, содиқ, гарчи уни никоҳсиз туғилганлиги гумон қилинса-да (юз қиёфаси Фарбий ўлкада туғилганларга ўхшаганлиги учун унинг олдида олий рутбалар эшиги ёпиқ эди⁸), ҳар икки буюк хон – Шибир ва Чуло бирдай яхши кўришарди. Кат Элхонни ҳамма дўсту ёронлари ташлаб кетганида, Симо унга охиригача содиқ қолди ва у билан бирга асир тушди.

Тайцзун содиқлик қадрини биларди: Симога доимо ишонарли, у ҳам ҳеч қачон императорни алдамади.

Бироқ хоннинг ишончини қозониш осон бўлса, халқнинг мойиллигини қозониш ҳеч вақт осон бўлмаган. Симо Ордосда уч йил яшаб ҳам халқни ўзига мойил қила олмади. Аксинча, унинг

⁴ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 302-б.

⁵ *Билгахон Чжен-чжу унвони билан (E. Chavannes, Documents..., 59-б.; Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 352-б.*

⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 340-б.; *Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 323-б.*

⁷ *Шартли ҳисоблаш (Қаранг: Л. Н. Гумилев, Хунну, 60-61-б.)*

⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 260-б.

кўплаб фуқаролари шимолга кетиб қолди.⁹ Ҳатто туркут хос аскарларига киритилганларга ҳам ишониб бўлмас эди. Толосхоннинг укаси Гешешуай¹⁰ 639 йилда фитна уюштирди, мақсади хитойлардан туркут тахти ворисини — Толосхоннинг ўғли Хелохуни ўғирлаб, шимолга олиб кетиш ва курашни қайта бошлаш бўлган. Хитой ўрдугоҳига тўсатдан ҳужум қилиш натижа бермади. Хелоху қочиб кетган уринган ҳолда ўлдирилди, Гешешуай тоққа қочиб кетди.¹¹

Ушбу ғалва хитой амалдорлари ишончсиз кишилар сифатида барча туркутларни Хитой ҳудудидан чиқариб юбориш ҳақида императорга тақдим ёзишларига асос бўлди. Инкор қилишнинг имкони йўқ бўлгани учун император ноилоҳ рози бўлди. Лекин у кўчманчи фуқароларини хафа қилмоқчи эмас эди, ҳатто уларни ўзига янада яқинроқ қилиш йўлини топди. Ҳузурига Симохонни чақириб, халқи билан Хуанхе дарёсининг чап қирғоғига ўтиб, Гобининг жанубидаги чўлларни эгаллашга руҳсат бериш билан ўта ғамхўрлик кўрсатгандай бўлди.

Бу билан император уч мақсадга бирваракайига эришди: “яйловлари кенг, тупроқлари унумдор”¹² мамлакат тақдим этиб халқни ўзига ром қилди; туркутларни ўзларининг туғма душманлари деб билган сеянтоларга қарши тўсиқ ҳосил қилди; четга юришларида зарур бўладиган ажойиб отлиқ қўшинга эга бўлди. Кўчиб ўтиш 641 йилда тугалланди, гарчи кўплаб туркутлар ғолибларига хизмат қилишни истамай шимолга кўчиб кетган бўлсалар ҳам, қолганлари ўз қахрамонликлари билан Тан қиличига Осиёда бунгача мисли кўрилмаган шуҳрат келтирди.

Табғач хони. Суй сулоласини ағдариш ва “адолатли уруш” хитой халқига шунчалик қимматга тушдики, ундан ташқи истилолар учун маблағ ундиришнинг ҳеч иложи қолмади. Мамлакат чегараларидан ташқаридаги фаол сиёсатдан воз кечиш ҳалокатли эди, чунки сулола душманлари ташаббусни қўлга олиб, биринчи фурсатда Хитойга бостириб кириши нақд эди. Даштдаги урушни муваффақиятли тарзда фақат даштликлар олиб бора оларди, уларнинг мойиллиги Тан императори учун ҳаёт ва фаровонлик гарови эди. Саркардалик қобиляти ва давлат арбоби истеъдоди туфайли у варвар йўлбошчилари, беқлари билан умумий бир тил топишди, буларнинг самимийлиги ва очик кўнгиллилиги императорнинг адолати ва олижаноблигига уйғун

⁹ *Уша асар*, 262-б.; *Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten...*, 198-б.

¹⁰ *Амакиваччами ёки туғишган укаси, ҳар ҳолда, у тахтга даъвогар эмасди.*

¹¹ *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений...*, I ж., 260-б.; *Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten...*, 203-б.; *S. Julien, Documents...*, Vol 4, 240-241-б.

¹² *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений...*, I ж., 262-б.

бўлди. Илгари улар Хитойга келганда ўзларини, ёлланма деб ҳис қилиб, ола қараетганларини сезган бўлсалар, энди эса уларнинг оғири ва енгилида шахсан ўзи иштирок этадиган императорнинг яқини ва дўстига айландилар. Корея юришида камон ўқидан яраланган Симахоннинг жароҳатидан император шахсан ўзи қонни сўриб ташлаганини кўрдилар.¹³

Хитойнинг ярмини вайрон қилган Кат Элхон афв этилди. Бунинг устига оиласи қайтарилиб, эркинликда яшаш имкони яратилди. У соғинчдан озиб кета бошлагани аён бўлганида, овуниб тузалиб кетиши учун буғу ва бошқа овларга бой бўлган Хучжоу вилояти ҳокимлиги таклиф этилди.¹⁴ Тайцзун: “Подшоҳлик қилувчи ҳеч кимдан шубҳаланмаслиги керак”¹⁵ деб чақимчилик ва айғоқчилик тизимини йўқ қилди. Кўчманчи иттифоқчиларининг унга меҳрини Ашина Шэнининг Тайцзундан кейин яшаш керак эмаслигини айтиб, император қабри устида ўзини ўлдирмоқчи бўлганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.¹⁶

Императорнинг дўстлик сиёсати, кўчманчилар заифлашганидан фойдаланиб, уларни мутлақо қириб ташлаш кераклигини қаттиқ туриб талаб қилган давлат кенгаши айрим аъзоларининг жиддий қаршилигига дуч келди. Аммо Тайцзун қарама-қарши нуқтаи назарни қабул қилди, у тугган йўлни унинг мансабдорларидан Вэй Ян-бо жуда яхши ифодалаган: “Арқонни узун ташлаш, маҳкамроқ жиловлаш гаровидир”.¹⁷

Тайцзун замонида қабул қилинган ўзга ҳалқлар ҳудудларини аста-секин қўшиб олиш тизими асосини кўриб чиқайлик. Ҳориж ҳукмдори “муомала билан” империя вассаллигини олишга мойиллик билдиради, кейин унинг мулки “жалб этилган” вилоят деб қайта номланади, ўзига эса хитой рутбаси берилади, (дастлаб номигагина), кейин эса ўзидан катта мартабалига бўйсунуши талаб этилади. Бу лавозим, бошланишида наслий бўлиб, бора-бора маҳаллий зодагонлар томонидан муайян ҳуқуқлар билан тайинланадиган бўлади. Кейинги босқичда ташқаридан ўз-ўзини бошқараетган бўлиб кўринган бу ҳолат йўқолиб, “жалб этилган” вилоят империя таркибига умумий асосларга таяниб киради.¹⁸ Тайцзун тириклигида бу тизим ажойиб самаралар бериб турган.

¹³ *Уша асар, ўша бет.*

¹⁴ *Уша асар, 256-б.*

¹⁵ *Уша асар, 263-б.*

¹⁶ *E. Chavannes, Documents..., 178-б.*

¹⁷ *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., 1 ж., 258-б.*

¹⁸ *Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 263-б.*

Тогоннинг қисмати. Янги бунёд этилган ҳарбий машинанинг биринчи қурбони кичкина, лекин ўжар Тогон бўлди. Туркутлар билан сўнгги курашларнинг шафқатсиз замонида тогонлилар империянинг ғарбий чегараларига тинимсиз ҳамла қилиб туришди. Хитой кўшини мудофаа қилиш билан қаноатланиб юрди, бироқ сафларида чаққон кибилар ва шафқатсиз дансянлар пайдо бўлиши биланок, қарши ҳужумга ўтиб, тогонларнинг кўплаб қорамолларини ҳайдаб кетишди.¹⁹

634 йилда дансянлар ва кўчманчи тибетликлар – кянлар Хитойга қарши кўзғолон кўтариб, тогонлилар билан бирлашди. Уларга қарши туркут ва кибиларнинг суворилари ташланди ва 635 йилда тогонлар узил-кесил тор-мор этилди. Етмиш ёшли Тогон шоҳи Фуюн Хўтанга қочди. Таъқиб қилганларида, у асирликдан кўра ўлимни афзал кўрди. Унинг вориси Муюн Шун Чанъанда гаров сифатида узоқ яшади ва ўз фуқаролари томонидан хитойсеварликда гумон қилиниб ўлдирилди. Махсус юборилган Хитой кўшини тахтга унинг вояга етмаган ўгли Нохэбони ўтқазди. У империянинг кўғирчоғига айланди, эвазига дабдабали тарзда “малика” деб мурожаат этиладиган хитой бекачини хотинликка беришди.

Ўрнатилган тинчлик ва хитой молларининг мўллиги тогонликларга ёқиб қолган бўлса керакки, 641 йилда аёнлардан бири Тибет билан иттифоқ тузиш учун ҳаракат бошлаганида, унга беклар кескин қаршилик кўрсатиб,²⁰ империя билан иттифоқда яшашни ҳимоя қилдилар. Бу Тогонга йигирма йил осойишта ҳаёт бахш этди.

Тогон учун ва бутун Тан империяси учун хатар ғарбдан пайдо бўлди. Буюк Брахмапутра дарёсининг ўрта ва қуйи оқимларидаги Жанубий Тибет боти қабилалари VII асрда бирлашиб қудратли ҳарбий давлат туздилар. 634 йилда Тибет давлатининг цэнпо унвонли раҳбари Сронцангамбо империя билан алоқа ўрнатиш учун Хитойга элчилик жўнатади. Элчилик совуқ қабул қилинади, тибетликлар буни тогонликлардан кўриб, ўша кезларда ўзаро келиша олмай, ички низолар гирдобида ётган Тогонга уруш қилиб ёпирилиб кела бошлайди. Тибетликлар Нохэбони Хуанхэнинг юқори оқимида осонгина енгади.²¹ Нохэбо хотини ва бир неча минг тарафдорлари билан Лянчжоу вилоятига қочади. Шунинг билан Тогоннинг мустақил мавжуд бўлиш ҳаёти поёнига етади.

Нохэбо 688 йилда ўлади, унинг зурриёдлари яна юз йил давомида хон ҳисоблансалар ҳам²² кўлида на ҳокимият, на аниқ бир

¹⁹ *Иакинф Бичурин, История Тибета...*, 90-92-б.

²⁰ *Уша асар*, 94-б.

²¹ *Уша асар*, 95, 135-б.

²² *Уша асар*, 96-97-б.

худуд бўлмади, улар туркутлар ва бошқа кўчманчи тобелар каби Тан империяси лашкарида хизмат қилиб келдилар.

Гаочаннинг тугатилиши. Айтилганидек, Тан сулоласи душманларини ўзига жалб этувчи марказ Гаочан бўлиб қолди. Бу ерга хитойлик сиёсий муҳожирлар, Суй сулоласи тарафдорлари²³ оқиб келарди. Хитойга бўйсунининг ҳар қандай шаклидан бош тортган, турклар билан аралашган ҳар қандай кўчманчи қабила Гаочанга суюнардди.²⁴ Маҳаллий аҳоли²⁵ хитойлар нимани ва қайси товарни ишлаб чиқарса, гаочанлилар ҳам шуни чиқарганлиги учун улар ўзаро табиий бир рақобатчи эдилар. Булар бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олмай, сахро бизнинг мустақиллигимизни асраб қолади, деб ўйлашарди.²⁶ Уларнинг умидини империянинг ташқи аҳоли ҳамон кескин бўлиб қолаётгани, шарқда Кореяда давлат тўнтариши учун вазият пишиб етилгани ва бу жиддий оқибатларга олиб келиши (ҳақиқатдан ҳам 645 йилги урушга сабаб бўлди), ғарбда эса Тибетнинг янги ҳукумати билан урушнинг кети кўринмаслиги ҳам мустаҳкамлаган эди. Бироқ Гаочан беги ва унинг маслаҳатчилари, барибир, янги вазиятни ҳисобга олмаган эдилар.

Хитой пиёдаларининг ғарбга юриши, ҳақиқатдан ҳам, омадсизликка маҳкум тадбир эди, лекин 636 йилда туркут шаҳзодаси Шэни ўз бўлинмаси билан империяга хизматга киради, айна чоғда 632 йилдан бери Хэси атрофида кўчиб юрган жанговар теле қабилаларидан кибиларнинг йўлбошчиси Киби Хэли ҳам император Тайцзуннинг танланган дўстлари қаторидан ўрин олди. Унинг сувориларига даштдаги ўтақлар ҳеч гап эмасди.

Йуқуқга эргашиш гаочанликларга фақат зиён етказди, чунончи туркутларнинг душмани сеянто хони Гаочанга қарши юриш ҳозирланаётганидан хабар топган заҳоти иттифоқчилик таклиф этиб даштдан олиб ўтадиган йўлбошловчилар бўлимини тақдим қилди.²⁷ 639 йилда Тайцзун яна бир карра Гаочан беги Вэн-тайни изоҳ учун

²³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 291-б. А. Стейннинг Астанадан топган топилдиқлари орасида Гаочан ҳукмдори ҳузурда хос генерал рутбасига эга Фан Юн-лун деган кимсанинг тули, таниқли хитой хоними Сянинг жуда қизиқарли некрологи ҳам бор. Бу хоним "эски тутум"нинг, яъни Суйнинг ашаддий тарафдори бўлгани учун Гаочанда яшаган. У 667 йилда ўлган (А. Stein, *Innermost Asia*, II, 659-б.).

²⁴ Булар Йуқуқ шодни қўллаган эдилар.

²⁵ Л. Н. Гумилев, *Статуетки...*, 243-244-б.

²⁶ Вэн-тай яқинларига шундай деган эди: "Олдинги гал саройга бореанимда Цин ва Лунларнинг шимали сахро эди. Суй сулоласида бундай эмасди. Ҳозир агар бизнинг устимизга кўшин тортса уларга озиқ-овқат етказиб бўлмайди, агар кўшин 30000 кишидан кам бўлса унга менинг қурбим етади. Қумли сахродан ўтишда улар толиқадилар, мен эса бардам аскарларим билан уларнинг оғир аҳолидан фойдаланиб қоламан". (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 292-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 105-106-б.).

²⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 291-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 723-б.

хузурига келишини таклиф этди, у яна рад этди, демак, юриш бошланиши муқаррар бўлиб қолди.

640 йилда туркут ва кибиларнинг бир неча ўн минг отлиқ аскарлари хитойлик ва кўчманчи зобитлар қўмондонлигида даштдан ўтиб, яшнаб турган Люкчун ботиғига кириб келди. Вэн-тай ташвишланиб хасталанди ва вафот этди, гаочанликлар унинг ўғлини тахтга кўтариб, қаршилик қилишга тайёрлана бошладилар. Империя аскарлари биринчи навбатда Хитой муҳожирлари яшайдиган кентни қамал қилишди. Киби Хэли шиддатли ҳамла билан қалъага кирди ва 7 минг аҳоли ғолибнинг шафқатига мунтазир бўлди.

Кейин империя лашкари пойтахтга келди, кент хандақларини тўлдирди ва шаҳарга қамал қилувчи аслаҳалардан тошлар ота бошлади. Ёш бек империя қароргоҳига келиб, сўзсиз таслим бўлишни қабул этишларини ёлбориб сўради, бироқ бош қўмондон хужум ишорасини берди ва Гаочаннинг куни битди.

Империя қўшинининг Гаочан қалъасини забт этиш тезлиги маҳаллий аҳолини лол қолдирди. Йигирма икки кент ҳеч қандай қаршиликсиз таслим бўлди; қамал қилувчиларнинг орқа томондан зарба бериши керак бўлган жанубий Жунғорияда турган суворилар жабғуси империяликлар томонига ўтиб кетди. Бу кимса ўша Бучжен — “ҳақиқатга интилувчи” бўлиб, олдинроқ ғалвалар уюштириб биродарини қочиб кетишга мажбур этган, сўнг эса, ҳеч нарсадан тап тортмай, Йукуқга хиёнат қилган киши эди. У империяликларга Бешбалиқни тортиқ қилди, империяликлар шу ондаёқ бу ерда Тинчжоу ҳарбий ўрами (округ) ташкил этишга киришдилар ва бу ер Фарбий ўлкада уларнинг таянчи бўлиб қолди.

Гаочан аҳолиси шафқат ва афвга муяссар бўлди, фақат “бақувват хонадонлар” Хитой ичкарасига кўчирилди. Гаочан босиб олган Қорашар кентлари ўзларига қайтарилди ва қорашарлик тутқунлар озод этилди.²⁸ Тайцзун ўзининг яқин хитой маслаҳатчилари²⁹ кенгашига қулоқ осмай, босиб олинган ерларда Сичжоу ҳарбий ўрами таъсис этиб, валий тайинлади, қамоқ турмуши ҳарбий ҳаёт билан алмаштирилган минглаб жиноятчилардан тузилган гарнизон жойлаштирилди.

Сеянтонинг тепкиланиши. Сеянто хони Инон билан император Тайцзун ўртасидаги дўстлик Хуанхэдан шимолда туркут хонлиги тикланганлиги ҳақидаги “узун қулоқ” гаплар Иноннинг қулоғига

²⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...* II ж., 294-295-б.

²⁹ Унга “гарнизонни сақлаш қимматга тушади, керакли керексиз нарсаларга сорф-ҳаражат қилиш тўғри эмас” деб айтдилар. (Уша асар, 293-б).

етиб борган лаҳзадаёқ дарз кетди. Инон ҳамма нарсадан туркутларнинг калласини олишни яхши кўрарди, бироқ уларни қўриқлаш учун махсус аскарарий амалдор тайинланган бўлиб, империя билан сан-манга бориш жиддий бир масала эди. 641 йилга келиб, Инонга фурсат ганиматдай бўлиб кўринди. Император анъанавий қурбонлик келтириш учун Тайшан тоғига отланди, удум бўйича ҳамма лашкар уни кузатиб кетди. Инон империя аскарлари туркутларга ёрдамга етиб кела олмаслигига ишонч ҳосил қилди ва ўзига тобе бўлган барча қабилаларни – тўнғра, буғу, уйғур, мохэс (чжурчжен), татабларни³⁰ сафарбар этиб, Гобидан олиб ўтди ва халқининг душманидан бир йўла қутулмоқчи бўлди. Қўшинга ўзининг ўғли Тардуш шод қўмондонлик қилди.

Ҳужум кутилмаганда бўлиши учун ҳар бир жангчига тўрттадан от ажратилиб, ҳеч қаерда тўхтамай, отлар алмаштирилиши таъминланган эди. Аммо Ашина Симо жангни қабул қилмай туриб, Хуанхе ортига – Ордосга чекинишга ва бу ердан Чанъанга ҳамла ҳақида хабар беришга улгурди. У ердан ёрдам учун зарбдор отлиқ аскарлар шошилинич йўлга чиқди.³¹ Туркутлар билан бирлашиб, империяликлар тўғри муҳолиф устига юриб, уни Ночжен дарёси бўйида жангга киришга мажбур этди (641 й.).³² Сеянтолар юриш вақтида ҳар бирида тўрттадан от бўлишига қарамай, пиёда жанг қилишди. Жанг асносида отларга махсус сайислар қараб турди, тўрт жангчига бир сайис ажратилган эди.

Жанг бошланишида сеянтолар ўз тактикаларига мувофиқ туркутларнинг зирҳсиз отларини мўлжалга олиб ёйандозлик қилишди. Пиёда жанг қилишга ўрганмаган туркутлар калавани учини йўқотиб чекина бошлашди. Сеянтолар уларни таъқиб қилар экан, сафлари бузилди, шу ҳолатни кутиб турган табғач саркардаси Ли Цзу навбати етди. У хитой пиёдаларини юзтадан қўлга тузиб, очилиб қолган оралиққа зарба бериб, душманни тўхтатди. Ўзини ўнглаб олган туркут отлиқ жангчилари шошилинич қайта саф тортиб, сайисларга ҳамла қилишди ва 15 минг отни қўлга киритди. Бу ваҳимага сабаб бўлди ва сеянтолар туркутлар таъқибидан қоча бошладилар. Бу воқеа декабр ойида бўлган эди, сеянтоларнинг қиличдан омон қолганлари саҳро орқали қайтишида аёздан ҳалок бўлдилар. Сеянтолар шахсий таркибнинг 80 %ини йўқотишди.

Бундай фожиали мағлубият Иноннинг сулҳ сўрашга ва уни мустаҳкамлаш учун хитой маликаси қўлини сўрашга мажбур этди.

³⁰ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 242-6.

³¹ Тхуки - кесувчи отлиқлар (Н. Я. Бичурин. *Собрание сведений...*, 1 ж., 34-б.)

³² Юнпегу Сюйюан вилюати (Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 668-б.).

Тайцзун шахсан хоннинг ўзи никоҳ совғаси сифатида кўп миқдордаги қорамол олиб келишини талаб қилди. Бундай тухфаларни йиғишда хонлар томонидан солинадиган солиқлар халқнинг норозилигини келтириб чиқарарди. Қорамолни саҳро орқали ҳайдаб ўтишнинг имкони бўлмади, чунки қорамолга ют оралаган эди. Бу Иноннинг охирги қувватини ҳам емирди, Тайцзун эса энди у билан мутлақо ҳисоблашмай қўйгани боис, никоҳ аҳдини ҳам бекор қилди.

Инон босқин уюштиришга уриниб кўрди, лекин империя кўшинига кўзи тушиши билан жангсиз орқага қочди. Хитой билан курашга бел боғлаган Корея 645 йилда Инонни шамлағат ҳамлалари қилишга кўндириш учун роса уринди. Ўзининг ҳамма ниятлари пучга чиққанини кўрган Инон 645 йил октябрда жон таслим қилди. Сеянто аъёнлари унинг ўйнашдан бўлган ўғли Иманни хон кўтардилар, лекин қонуний ўғли Бачжо тарафдорлари билан отасининг дафн маросимида Иманга ташланиб уни ўлдирадилар ва ўзини хон деб эълон қилди.³³ Тайцзуннинг асосий ҳарбий кучлари Корея урушида бандлигидан фойдаланиб Бачжо Хитойга босқин ташкил этди, бироқ фақат чегара кўшинларининг ўзиёқ уни тормор келтирди. Шунинг билан бирга Бачжонинг қарши оқим вакиллари уни ўлдириши ўз ўрдаси ичида норозиликка сабаб бўлди, шунинг учун ҳам империя кўшинлари яқинлашиши билан ўрда уни ташлаб тарқалиб кетди. Тез орада Бачжони уйгурлар тутиб ўлдирадилар, ундан сўнг 646 йил кузида сеянто ўрдаси қолдиқларига империя кўшини етиб олади; бир қисмининг калласи кетади, бир қисми асир олинади, қолганлари қайтиб бирлаша олмайдиган бўлиб сочилиб кетади.³⁴

Бундай жанговар ва кўпсонли қавм устидан енгил ғалабага эришиш сири империя дипломатиясининг ҳисоб-китобларидадир. Тайцзун Инаннинг хитой маликаси билан никоҳини рад этганида, сеянто хонининг барча тобеларига кўзғолон кўтариш учун имо қилган эди.³⁵ Кейин у кўзғолончиларга йўлбошчилик қилиш учун

³³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 342-б. Иноннинг қонуний ўглининг унвои — Гели-Гюлли-Шисе-ша-Дони-хон.

³⁴ Иакинф Бичурин, *История Китая*.

³⁵ Тайцзун ўз маслаҳатчиларига шундай дейди: “Сеянто тобелик билдирди ва бизнинг газабли ҳаракатларимизга калла кўймоқдалар, доносиниш ва менсимасликка ҳадлари сизмайди, чунки ҳужмдори янги ва ҳар турли, аралаш яшайдиган қабилалар унинг идорасига бўйинсунмайдилар. Буюк давлатга узлуксиз таянибгина, улар бу халқларни бўйинни эга олади. Тулло, пуғу ва бошқа ўн қабиланинг ҳар қайсисида бир неча ўн мингдан кўшин бор. Ана ўшалар бош кўтара олмас эканлар бу Хитойдан кўрққанидан, кўриниб турибдики сеянтони биз қўллаяпмиз. Агар у маликага уйлантирилса, буюк

“туркут баҳодирини”³⁶ жўнатди, бироқ у ерда унга бир майдон топилмади. Кўзгалганларни уйғур оқсоқолларидан Тумиду бошқарди. У сеянтоларни енгди, бироқ бошқа йўлбошчилар билан бирга Тан императорига бўйсунди. Теле қабилалари учун бу энг яхши йўл эди: улар ҳеч нарса йўқотмай, ҳамма нарсага эга бўлишарди: ўз турмуш тарзини сақлаб қолган ҳолда, хитойлар билан эркин савдо қилар, империя лашкарига хизматга кира олар эдики, бундан жуда кўп ўлжа ва ҳурматлар кутиларди. Тўғри, бунга ҳам мухолифлар пайдо бўлди ва фитначилар Тумидунни ўлдирдилар, айти пайтда уларнинг ўзлари ҳам империя валийси томонидан тузоққа туширилиб дорга осилдилар. Тумидуннинг ўғли қабила боши этиб тайинланди, ҳарбий унвон олди, бундан сўнг уйғурлар империяга мойил бўлдилар ва унинг барча олиб борган урушларида қатнашдилар.³⁷

Чебихон. Сеянтонинг тор-мор этилиши Тан империяси мавқеини шунчалар ошириб юбордики, ҳатто олисдаги байирку (баегу) ва курикан (гулиган) каби теле қабилалари ҳам 647 йилда ўлпон билан элчи юбориб, императорга кўнгилли тарзда бўйинсундилар. Ўша йилнинг охирларида туркут хони Чебихондан ҳам элчилик келди.³⁸

Бу шаҳзоданинг тақдири гаройибдир. Кат Элхон замонида у улус бекларидан бири бўлиб, “кичик” хон унвонига эга эди. 630 йилги қирғиндан кейин ўз ўрдаси билан шимолга қочади ва уларни изма-из таъқиб қилиб келаётган сеянтолларни даф этиб шарқий Олтой водийларида яширинадилар. “Таншу”да бундай дейилган: “Чеби Олтин тоғ (Олтой)нинг шимол томонига кетди. Олтин тоғнинг уч томони тик қоялардан иборат бўлиб, фақат тўртинчи томонида ўтак бор, ундан отлик ҳам, арава ҳам ўта олади. Ерлари текис ва Чеби шу ерларни эгаллади... У ғарбда Гелолу (қарлуқ)ларни, шимолда Гегу (қирғиз)ларни тобе қилди”.³⁹ “Олтин тоғнинг шимол томонига” иборасини айнан тушунмаслик керак. Олтойнинг шимолий ёнбағри ўрмон билан қопланган, бу ерда туркутларга ўхшаш кўчманчилар

давлат куёви ўзининг обрў-эътиборини ошириб, ҳамфикрларини ўзига маҳкам боғлаб олади. Турли оила ва қабилалар уни янада кўпроқ ҳурмат қилади, бўйинсунади... Энди, унга (хонга) малика берилмаса, унинг имконияти анча чегараланиб қолади. Барча оила ва қабилалар биз уни ташлаб қўйганимизни дарров билишади. Улар унга (хонга) ҳамла қилишига шошилишлари аниқ.” (Вэнсян тункао, XVI ж., 334-б.)

³⁶ Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 351-б. 719 бетга қиёсланг, бу ерда у “Моходу”ни атоқли от деб изоҳлайди ва унинг кимлигини аниқлай олмагач, матнда галат бўлса керак, дейди. Мен ўйлайманки, бу турдош отдир.

³⁷ Ўша 647 йилда иттифоқчилар билан алоқа қилиш учун империя ҳукмати “туркутлардан (Чахар) уйғурларгача (Халха)” элчилар учун доимий почта бекатлари таъсис этди (Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 418-б.).

³⁸ Иакинф Бичурин, История Китая.

³⁹ Бичурин Н. Я., Собрание сведений..., Т. I. С. 263. I ж., 263-б.

яшай олмайдилар. Қирғизлар Енисейнинг юқорисида яшардилар, агар чиндан ҳам Чебихон Олтойни ошиб ўтганида, қирғизлар унинг шимолида эмас, ғарбида бўлар эди. Қорлуқлар Иртишнинг юқори оқимини эгаллаган бўлиб, улардан ғарбда эмас, балки жанубида бўлар эдилар. Ўша жой ҳамма томонидан тоғ билан ўралгани, орасида “ер текис”лиги Чебихон ички Олтойнинг водийсини эгаллаганини кўрсатиб турибди, бу ерга ягона ўтадиган йўл Сайлюгемдадир. Демак, бу ерлар Теле қўли билан Катун дарёси оралиғидир, шарқда эса у Кобдо ҳавзаси⁴⁰нинг бир қисмига ҳам эгалик қилган бўлиши мумкин.

Кўшини адади 30 минг нафар киши бўлган. У шимолда қирғизларни, ғарбда қорлуқларни бўйсундиришга муваффақ бўлди. Шарқда бўлса, у сеянто билан тинимсиз кураш олиб борган.

Тайцзун унга жавоб элчилиги жўнатиб, тобеликни билдириш учун шахсан ўзи Чанъанга келишини таклиф этади. Бироқ Чебихоннинг режасида дипломатик муносабат ўрнатиш билан бир қаторда сўзсиз таслим бўлиш нияти йўқ эди. Хитой элчилари хон ён босмаслигини кўриб, уни тутуқлаш учун қорлуқлар билан боғланадилар. Бу можаро ошкор бўлади ва элчилар қиличдан ўтказилади. Ғазабланган Тайцзун 649 йилда уйғурлар ва буғулардан ташкил топган кўшинни генерал Гао Кан қўмондонлигида Чебига қарши юборади, уни асир оладилар ва Чанъанга келтирадилар, бу ерда у афв этилади ва олий ҳарбий унвон берилади. Унинг халқи шарқий Хангайдаги Ўтуканга яшаш учун кўчирилади, бу вилоят сеянто янчиб ташлангандан буён бўш ётган эди.⁴¹

Воқеаларнинг умумий оқими ана шундай, бироқ халқни Олтойдан Хангайга кўчириш хабарида бир оз бўрттириш бор. Мен “Таншу” ва “Ганму” тузувчилари ҳалоллигини шубҳа остига олишдан йироқман, улар ўз ишларига Гао Каннинг ҳисоботини шундайлигича кўчириб киритганга ўхшайди. Бироқ бу генерал бошқа кўплаб генераллар каби ҳисоботини аниқ-тиниқ ёзган ва ўз-ўзидан Хитой сарой ходимларига хос географик билим саёзлиги акс этиб қолган. Ушбу ҳисоботга биноан бутун тадбирга, бунинг ичига Чанъандан Гоби ва Ғарбий Мўғулистон орқали Олтойгача бориш ҳам кирадики, бунга атиги бир йил – 650 йил етарли бўлганлигини кўрсатиб ўтиш кифоя қилса керак.

Мазкур вақт ичида 30 минг туркутларнинг қаршилигини енгиб ўтилгани, Чебихонга хиёнат қилган икки оқсоқолнинг тобелиги қабул қилингани, бир аймақ ғафлатда бостирилиб, Чебихоннинг

⁴⁰ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 277-б.

⁴¹ *Уша асар*, 284-б.

ўзи тутиб олинганига ишониш мумкин, бироқ Гао Кан шу қисқа муддат ичида кўп минг кишилиқ халқни тутиб олишига Олтойни умрида кўрмаган Хитой сарой аъёнларигина ишониши мумкин эди. Бир-биридан баланд довлар билан ажралиб турадиган тоғ воҳалари табиий бир пана жойлар бўлиб, исталган душмандан беркиниб олиш мумкин, чунки кичик чўл майдони ҳам (Олтой водийсининг шимолий ёнбағри қуёшнинг ўткир нуридан қовжираган ерлари чўлли жойлардир) сояли, хушбўй ўрмон парчаси (жанубий ёнбағирда, қуёш нурулари ёйиқ тушади), тоза сув билан тўла тоғ сойлари ва остидан сойчалар оқадиған шаршаралари барчаси қамалдагилар хизматига тайёрдир. Қиш ойлари баланд довлар ўтиб бўлмасдир, ёзда ҳам душман ўша водийларнинг бирига етиб олганида ҳам ҳеч нарсага эриша олмас эди, чунки яйловлар сув айиргичларда жойлашган бўлиб, у ерларга кўз илғар-илғамас сўқмоқлар олиб боради, бу сўқмоқлар эса фақат маҳаллий аҳолигагина маълумдир. Юқори томонга сой ва ирмоқлар ўзани бўйлаб чиқиб бўлмайди, сойлар ўзининг қуйроқ ўзанларида қоятошларни тешиб, шундай даралардан оқадик, у ерлардан отда эмас, пиёда ҳам ўтиб бўлмайди. Бироқ Олтойда кўчманчи чорвачилиқни фақат унча кўп бўлмаган водий қиялиқларида йўлга қўйиш мумкин. Шунинг учун қорамол сони ва аҳоли ададининг кўпайиши билан Чебихон чўлга тушиш йўлини излаши керак эди. У буни топди ва бу уни ҳалок қилди, бинобарин, даштда император сувориларига тенг келадигани йўқ эди.

Матнга қайтсак, кўрамизки, Чебихон текисликда тор-мор этилган ва тоғ дараларида беркинишга чоғланган бир пайтда Олтой тоғолди минтақасида тутиб олинган.⁴² Кўринадики, Гао Кан ўз вазифасини ўтаган ҳисоблаб, асирларни Хангайга кўчирган ва Чанъанга шунга мутаносиб ҳисобот жўнатган. Натижа шундай бўлдики, тоғда яшаган туркутлар соғ-саломат қолишди ва ҳатто ўз уруғи-аймоғи номини, толосни ҳам сақлаб қолишди.⁴³

Корейс мардлиги. Ҳали Сеянто хонлиги тугатилмасдан олдин ҳам, Тан ҳукумати олдида корейс масаласи кўндаланг турарди. VII юзйиллик ўрталарида Корея уч давлатга бўлиниб кетган эди: ярим оролнинг жануби-ғарбида Пякче подшолиги бўлиб, Япония билан иттифоқдош бўлишга мойил эди; жануби-шарқдаги Силла подшолиги, Япон денгиз қароқчиларидан озор чекканлиги боис

⁴² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 264-б.; S. Julien, *Documents...*, Vol. 4. 339-б. {Гао Кхан уни (Чебини) Олтой тоғига таъқиб этиб асир олди ва пойтахтга келтирди}.

⁴³ Л. Н. Гумилев, *Алтайская ветвь...*, 104-105-б.

Хитой билан иттифоқдош бўлиш тарафдори эди; шимолда Когурио ёки Корея подшолиги, ҳар икки жанубий подшоликлар билан душманлик муносабатида бўлиб, манчжурларнинг ўрмон қабилаларидан бўлмиш мукри (мохэ) билан дўстлик ришталари ўрнатилган эди. Когурио мустаҳкам ва жанговар давлат бўлиб, Суй Хитойининг ҳужумини уч марта қайтара олган эди. Тан сулоласи билан дўстлик ришталари тикланди, аммо 642 йилда Когуриода тўнтариш бўлиб, Гай Су-вин деган кимса аскарларга суяниб аёнлар калласини олди, подшони ўлдирди, кейин марҳумнинг гўдак жиянини тахтга ўтқазиб, ҳокимият жиловини ўз қўлига олди.

Империя ҳукумати қўшнисининг ички ишларига аралашмоқчи эмас эди, лекин Гай Су-вин Пякче билан иттифоқ тузиб, 643 йилда Силлага қарши уруш бошлади. Тайцзун Кореяга дипломатик вакиллар жўнатиб, ўз иттифоқчисининг ҳалокати олдини олишга уринди, бироқ элчини ниҳоятда ҳурматсизлик билан қабул қилдиларки, оқибатда, бу уруш чиқишига сабаб бўлиб қолди.⁴⁴

Тайцзун корейс золим подшосининг зулми халқни унга қарши кўтарилишига⁴⁵ ва империя Силла қўллови билан кидан, татаби ва мукри қўшинлари устидан ғалаба қилишига йўл очади, деб ўйлаган эди.⁴⁶ Бироқ у қаттиқ адашди, корейслар ватан ҳимояси учун қаҳрамонларча курашдилар ва мукрийлар (манчжурлар) уларга ёрдамга келди. Империя лашкарида хитойлардан кўра кўчманчилар кўпроқ эди. Теле корпусига бир қўлли полвон Киби Хэли, туркутларга Ашина Шэни, чуюэ отлиқлари ва Жунғория чўлларидан келганларга Ашина Мише қўмондонлик қиларди, Ашина Симо хон эса император қароргоҳида эди. Олий қўмондонлик императорнинг қариндоши, сеянтолар устидан ғалаба қозонган табғач Ли Цзига ва Хитой саркардаси Чжан Лянга топширилган эди. Хитой ва турк саркардалари бир-бири билан аралашиб кетган эди, аммо флотда фақат хитойлар хизмат қиларди.

645 йилнинг баҳорида империя лашкари чегара дарёси Ляошуйни кечиб ўтди ва бир ҳамла билан Гаймучен қалъасини олди ҳамда Ляодун кентини қамал қилди. 40 минг корейс ёрдам учун етиб келиб, хитойларнинг пиёдасини сиқиб кўйди, лекин барибир, ўзлари улоқтириб ташланди. Шундан кейин тошотарлар шаҳар деворини бузди ва шамол йўналишидан фойдаланган империяликлар шаҳарга ўт кўйди. Девор устида турган корейслар таслим бўлмадилар, аммо уларни узун найзалар билан ҳалок қилдилар. Шаҳар таслим бўлди.

⁴⁴ S. Julien, *Documents...*, 413-б.

⁴⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 106-б.

⁴⁶ Уша асар, 105-б.

Саботли мудофаадан кейин Ляодундан шимолдаги мустақкам қалъа бўлмиш Баййичен олинди. Ҳамладан олдин саркарда Ли Цзи шундай деди: “Суворилар жон ҳақида ўйламай, жон деб ўқлар ва тошларга тик бормоқдалар, бу ўлжа олишнинг ягона йўли. Ҳозир шаҳар деярли эгалланган. Нима учун шаҳар топширилишига кўниб, жанг қилаётганлар газабини совутиш керак?” Ҳукмдор отдан тушди ва узрини айтиб шундай деди: “Сен ҳақсан: лекин аскарларни қотилга айлантириб, хотинларни оиласи билан асир олишга ижозат беришни мен кўтара олмайман, сенинг корпусингда жасорат кўрсатганларни эса мен давлат хазинасидаги нарсалар билан мукофотлайман ва шу тариқа мен сендан бир шаҳарни сотиб оламан.” Ли Цзи кўшинини олиб кетди⁴⁷ ва ҳукмдор тўлиқ таслимни қабул қилди.

Корейслар бор кучини сафарбар этдилар ва мукрий сувориларни ёрдамга чорладилар. Ашина Шэни туркуглари билан чиройли маневр қилиб, корейс кўшинини ҳужумга ундади ва уларни ўзининг асосий кучларига рўбарў қилди. Корейслар жанг қилишга мажбур қолдилар ва жуда кўп кишиларни йўқотишди. Тоғларга тақаб қўйилиб, империяликлар қуршовида қолган корейслар ғолиблар лутфидан умид қилиб таслим бўлишди. Тайцзун 2500 командирни кейин Хитойга жойлаштириш учун асирликда олиб қолди. 30 минг отлик аскарни уй-уйига жўнатиб юборди, аммо 3 минг мукрийни ўлдиртирди.

Лекин империя кўшинининг барча қудрати Анши шаҳри (Кайпиннинг шимоли-шарқида) деворига урилиб парчинланди. Девордан тешик очадиган манжаниқлар тиранишига қарамай, тошотарларнинг шаҳарни тошбўрон қилишига қарамай, кундузи-ю тунда етти марта ҳамла қилинишига қарамай, қамалдагиларнинг оғир йўқотишларига парво қилмай шаҳар таслим бўлмади. Қиш қиличини судраб, емак туганганди. Император корейс ҳарбий бошлиқларини шаҳар девори устига чорлаб, ўз лашкарига чекинишга фармон берди. Ҳужум бўғилди, тадбир бой берилди ортга қайтишда кўпчилик совуқдан, толиқишдан ўлди. Бу уруш Ян-ди Корея билан олиб борган урушга сира ўхшамасди! 645 йилда босиб олинган ерлар империя таркибида сақланиб қолди, корейслар чекинаётган кўшинни таъқиб этишга ботинолмадилар. 647 йилдаёқ қайтадан уруш бошланди, бироқ узил-кесил ғалабага фақат 668 йилдагина эришилди.

Биз бу урушнинг икир-чикирларини кузатмаймиз. Бизнинг мавзумиз учун қизиги бунда турклар ва бошқа кўчманчиларнинг

⁴⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 110-б.

иштироки даражасидир, уларнинг иштирок даражаси эса паст бўлмаган.⁴⁸

Шэнининг “Ғарбий ўлка”га юриши. Кореядан қайтгандан кейин Тайцзуннинг эътибори яна ғарбга қаратилди. Йуқуқ ва Халлиг ҳайдалганидан кейин бу ерларда анчагина осойишталик ҳукм суурди. Шарқий Туркистоннинг майда ҳукмдорлари туркутлар кудратига ортиқча баҳо бериб ҳамда Гаочан бошига тушган қора кунлардан ибрат олиб, бироз бўлса ҳам нисбий мустақиллигини сақлаб қолиш учун, империя босқинига қарши таянч нуқта сифатида Ирбис Шегуйхонга бўйинсундилар. Кучанинг империяга 630 йилда ихтиёрий тобе бўлиши подшо Сварнатепанинг (санскритча “Суварнадева”нинг тохарча айтилиши) иши эди, аммо унинг ўрнига келган Харипушпа (хитойча Али Бушиби)⁴⁹ империя билан муносабатларни узиб, юзини Ғарбий ҳоқонлик томон бурди.

640 йилда⁵⁰ Қорашар луни (ҳукмдори) Тукичжи қизини ғарбий турклар аёнларидан бўлмиш Кули Чур⁵¹ деган кимсага беради ва кудратли суянчиқ топдим, деб ўйлаб хирож тўлашни тўхтатади. Дастлаб хитойлар бунга чидайдилар. 644 йилда улар томонга Қорашар ҳукмдорининг укаси ўтганидан сўнг, Ғарбий ўлка валийси Го Сяокэ қочиб ўтган кишидан йўлбошловчи сифатида фойдаланиб, бебош вассалнинг адабини бериб қўймоқчи бўлади. Тўсатдан ҳужум қилиб Қорашарни эгаллади, Тукичжини тутиб Хитойга жўнатди, бўш қолган тахтга укасини ўтқазди. Кули Чур қайнотасининг қасдини олиш учун туркутлар билан келганида, хитой аскарлари қайтиб кетганига уч кун бўлган эди. У янги тайинланган ҳукмдорни қамаб, унинг қариндошларидан Сепо Аначжини тахтга ўтирғизди. У эса хоинни Кучага юборди, бу ерда маҳаллий ҳукмдор Харипушпа⁵² уни дорга осди.

Тайцзун бунини уруш очиш учун етарли баҳона деб билди ва 648 йилда энг яхши генерали Ашина Шэнини туркут ва теле сувориларидан ташкил топган улкан қўшин (100 минг киши) (?) билан жўнатди.

Ашина Шэни тўсатдан ҳужум қилмоқ учун Хомидан Тянь Шаннинг шимолий қияликлари бўйлаб Юлдузгача борди, йўл-йўлакай чуюе, чумиларни тор-мор келтирди, сўнг қўшинни доvon орқали олиб ўтди ва Куча беклиги ҳудудида пайдо

⁴⁸ Кибн Хэли жасорати баёнига қаранг: Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 110? 119? 122-б.

⁴⁹ R. Grousset, *Histoire de l'Extreme-Orient...*, I, 271-б.

⁵⁰ E. Chavannes, *Documents...*, 112-б, 1-изох.

⁵¹ *Ibid.* Бичуринда – Кюйлиду (Қаранг: *Собрание сведений...*, II ж., 295-б.)

⁵² E. Chavannes, *Documents...*, 105-106-б.) Н. Я. Бичурин, *обрание сведений...*, II ж., 296-б.

бўлди.⁵³ Душманлар ўзини йўқотиб қўйишди, Қорашар беги Сепо Аначжи пойтахтни ташлаб қочди, бироқ тутиб олинди ва калласи кесилди.⁵⁴ Кучаликлар 50 минг аскарни қарши қўйишди, бироқ енгилдилар, Шэни Кучани қўлга киритди. Ҳукмдори енгил суворилари билан туркутлар томон қочди, таъқиб қилиб бориб, қуршаб олдилар ва асир туширдилар. Кучалик аёнлардан Нали деган киши тун қоронғусида қочиб кетишга муваффақ бўлди. У Фарбий ҳоқонликка етиб борди ва у ердан 10 минг турк отлиқ аскарини олиб келди. Турклар империя бўлинмаларининг бирига ҳамла қилиб уларни битта қўймай қириб ташлашди. Шэни аскарлари орасида ваҳима пайдо бўлди, бироқ асосий кучлар билан тўқнашилганда Нали енгилди ва асир олинди.⁵⁵

Бундан кейин 70 майда кентлар ихтиёрий равишда Шэнига тобе бўлишди. 649 йилда Хўтаннинг таслим бўлиши учун биргина ҳарбий намоёишнинг ўзи етарли бўлди.⁵⁶ Бухоро ва басмал қабиласи ҳам тўлиқ тобелик билдирди⁵⁷, бироқ бу тобеликда ҳеч қандай мажбурият йўқ эди. Ирбис Шегуйхон мамлақати яхлитлигини сақлаб қолиш қобилияти йўқлигини кўрсатиб қўйди. Даштда туркут суворилари устунлигига барҳам берилди, империя отлиқлари ҳам худди шундай даштликлардан ташкил топган бўлиб, очиқ майдон жангида туркут қолдиқ саркардаларидан кўра анча тажрибали саркардалар қўмондонлик қила бошлаган эди. Лекин 649 йилнинг 10 июлида Тайцзун вафот этди ва Фарбий ҳоқонликнинг фарғараси бироз чўзилди.

Тайцзуннинг ўлими. 649 йил бошига келиб, марказлашган империя яратиш иши охирига етган эди. Гарчи Кореяда қатъиятли қаршилик давом этаётган, Олтой водийларида бўйин эгмас туркутлар яшириниб юрган ҳамда Фарбий ҳоқонлик суғуд шаҳарлари ва дашт устидан то Кубангача ҳамон ҳукмронлик қилаётган бўлса ҳам, империянинг ҳарбий кучига рақобат қила оладиган куч йўқлиги барчага аён бўлиб қолди.

Фарбий турклар устидан Кучадаги галабадан (648 й) кейин Тайцзун бундай деган эди: “Мен бир пайтлар айтган эдимки, ҳар хил нарсалар бизга эрмак бўлади. Лой шаҳарча ва бамбук той болалар овунчоғи; олтин ва ипаklar билан безанмоқ аёллар орзуси; савдо қилиб, ортиқча молларни айирбошлаш савдогарлар истаги; юқори мансаб ва яхши маош амалдорлар

⁵³

⁵⁴ *Ibid...*, 177-б., 1-узох

⁵⁵ *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., II ж., 298-б.*

⁵⁶ *E. Chavannes, Documents..., 126-б.*

⁵⁷ *E. Chavannes, Notes additionnelles..., 19-б.*

хоҳиши, жангларда тенгсиз бўлиш саркардалар тилаги, дунёда осийшталлик ва бирлик подшолар нияти. Мен мамнунман”.⁵⁸

Бу осойишталик ва тинчлик тиз чўктирилган, мустақилликдан воз кечган қабила ва халқлар учун дастур бўлиб, ана шу дастур амалга ошсин, дея оғир юришлар қилинди. Унда ўзлари ва ўзгаларнинг жангчилари ҳалок бўлишди. Юқориди бу дастурнинг ҳаётийлик даражаси борасида фикр юритилди, бироқ аниқки 649 йилда у амалга оширилди, лекин шунга қарамай эришилган галабалар мастлиги, уруш эпкини империя лашкарини навбатдаги жанглар қаърига судрарди. Бу борада кўп нарса империя асосчисининг шахсияти билан боғлиқ эди.

Шахсий хусусиятлари қувватидан олий ҳокимиятга эришган инсонлар ҳақида гап кетганида, одатда, Наполеонни эслашади. Айтиб ўтмоқ лозимки, унинг билан Тайцзун Ли Ши-мин ўртасида муштгараклик жуда кўп. Униси ҳам, буниси ҳам хизматни асқарий лейтенантликдан бошлаган, истеъдоди билан кўтарилиб боришган, ҳар иккаласи ҳам сафдошларини ўзларига маҳтиё қила олган. Ҳар иккиси жасур ва оқил бўлиб, ўз халқлари ҳаётида жуда катта аҳамият касб этган.

Аммо Наполеоннинг ишлари унинг тириклигида, кўз ўнгида хонавайрон бўлди, Тайцзун бошлаган ишлар эса, ундан кейин яна юз йил яшаб қолди. Наполеоннинг Фушеси бор эди, Тайцзун эса: “Султонлик қилувчи ҳеч кимдан гумонсирамаслиги керак” дер эди. Наполеон даврида *grande silence de L’Empire* ҳукмронлик қилди, Тайцзун замонасида эса маданият юксалди. Наполеон Францияси энг зарур маҳсулотлар: қаҳва, қанд ва бошқа нарсаларга зор бўлди, Тайцзун бўлса хитой халқига шунчалик тўкинчилик келтирдик, авваллари буни тасаввур ҳам қила олишмас эдилар. Конфуцийчи зиёлиларгина императорнинг аёлларга ўчлигини, буддизмга мойиллигини, урушни яхши кўришини таъна қилар эдилар.⁵⁹ Конфуцийчилар, хусусан, унинг кўчманчилар билан дўстлашишини қоралардилар, бу борада улар ўз ниятларини ошкор намоён қилиб қўйгандилар: империячилик гоёси уларга ёт эди, улар турклар ва мўғуллар билан дўстликни хоҳламасдилар ва Суй хонадони сиёсатини қўмсар эдилар, гарчи унинг аянчли оқибатини ўз кўзлари билан кўриб турган бўлсалар ҳам.

Тан тахти учун бир тўда хат-саводи чиққанларнинг минғирлаши хатарли эмасди, чунки унинг ортида кўчманчи

⁵⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 298-б.

⁵⁹ *Gaubil, Abrege...*, 462-б.

қўшинлар садоқати, кенг халқ оммасининг қўллови бор эди. Тан сулоласи меҳрибонлик ва тоқатдан бегона эмасди.

649 йил кўкламида император ўзини беҳузур сезиб, аъён ва акобирларини чақириб, бошқарув ишларида ўғлига ёрдам қилиш ҳақида буйруқ берди. Касаллик чоғида, яъни ўлимига қадар у ворисига панд-насиҳатлар қилди. У 649 йилнинг 10 июлида вафот этди. Саройдаги барча инсонлар, ҳеч истисносиз худди ўз отасини ёки онасини йўқотгандек йиғладилар.⁶⁰ Ашина Шэни эса, ўзини хони ва дўсти жасади билан бирга кўмишларини истади, зеро нариги дунёда дўстининг ёнида кузатиб юриш нияти бор эди, бироқ тахтнинг ҳадикчи вориси бунга йўл бермади.⁶¹

Янги император Гаоцзун унвонини олди ва илк подшолик даврида Кореядаги уруш тўхтатилгани, Кучада қўлга олинган⁶² барча асирлар бўшатирилгани ҳақида эълон қилди. Лекин бир фурсатдан сўнг у отасининг ишини давом эттиришига тўғри келди.

XVII Боб

ТУРКУТЛАРНИНГ ҲАЛОКАТИ

Ғарбий ҳоқонликда тўнтариш. Ирбис Шегуйхон уни тахтга кўтариб қўйган ўн ўқларнинг умидини оқламади. Ўтроқ ўлкалар қўлдан чиқа бошлаб, империя қўшинлари ҳоқонлик чегараларига тақалиб келиб қолди. Барча қабила бошлиқлари яхши билардиларки, бундай қўшничилик яхшиликка олиб бормайди.

Йигирма йил хотиржамлик ҳукм сурган ҳоқонликнинг жанубий чеккаларида безовталиқ аломатлари кўзга ташлана бошлади. Араблар Эрон тўсиқларини ғарбдан бошлаб, юнонлардан кўра шиддатлироқ тарзда улоқтириб ташларди. 637 йилда Кадесияда шоҳаншоҳ III Ўзидигирднинг мунтазам лашкари ер тишлади, сўнг Ктезифон қўлидан чиқди. 642 йилда Негавандда араблар форс кўнгиллиларини тор-мор келтирди. Эроннинг қисмати ҳал бўлган эди. Форслар баҳоли қудрат қаршилик қилардилар, бироқ бир шаҳар кетидан иккинчиси турна қатор бўлиб араблар қўлига ўтаверди. Шоҳ арконлари билан шарққа чекиниб борар ва ҳар ерда жуда яхши қабул қилинарди. Аммо у уруш учун пул ва кишилар талаб қилишни бошлаган заҳоти

⁶⁰ Mailla, *Nistoire generale...*, 123-6.

⁶¹ E. Chavannes, *Documents...*, 178-6.

⁶² Gaubil, *Abrege...*, 462-6.

валийлар ундан юз ўгирардилар. Шу зайлда у ўз мулкининг чеккаси – Марвга етиб келди.

Форсдаги кўзғолон, Дайлам, Табаристон тоғлиларининг ва Журжоннинг охирги томчи конигача қаршилиқ кўрсатишлари араблар юриш шиддатини пасайтирди. Уларнинг зафарлари ҳақидаги дараклар ҳеч шубҳасиз Ўрта Осиёга ҳам кириб келди ва бу ўн ўқ туркларининг оромини бузди.

Безовталиқ Жунғорияда ҳам ҳукм сурарди. Ирбис Шегуйхон таъқибидан қочиб империя ҳудудларига кириб қолган чуюе ва чуми қабилалари ўз ватани ерларини қайтариш ва мустақиллик учун интилар эдилар.

Ҳоқонликдан қочиб империяга борган Халлиғ Тайцзун хизматиға кириб, хизмат поғоналарида кўтарилиб, Тинчжоу (Бешбалиқ) ҳарбий ўраи идорасини қўлга киритди.¹ Лекин бу иқболпараст саркарда империя чегара зобити рутбаси билан қониқа олмасди. Тайцзун ўлимидан кейин фақат Бешбалиқни эмас, Турфонни ҳам озод қилиш мақсадидаги фитнага аралашиб қолади. Фитна олдиндан фош этилади, бироқ жиноят содир этилмагани учун Халлиғ ўғли Теинни² Чанъанга “хос аскар сифатида хизмат қилиш”га жўнатиш, яъни гаровга қўйиш билан кутулди. Теин Хитойда узоқ қолмади. У отасини кўриш учун рухсат олиб келади ва отасига, шарқни бир четга қўйиб, Фарбий ҳоқонликка диққатини қаратишни маслаҳат берди. Бу ҳужумни Хитой уюштирганми ёки озодликка интилишми ёхуд униси билан буниси биргаликда, бир гап айтиш қийин.

Бутун бошли бир ўрда империя валийлиги хабарисиз кетиб қолишига ишониш қийин, албатта. Аммо нима бўлганида ҳам, империя кузатувидан нари бўлгач, Халлиғ ўзини Ишбарахон (хитойча: Шаболохон Хэлу) деб эълон этди ва 651 йилда³ илгари Дулухонга қарашли бўлган ерларни ишғол қилди.⁴ Ўн ўқлар томонидан бирор қаршилиқ бўлганлиги ҳақида манбалар лом-лим демайди. Маълумотлар ниҳоятда озлиги туфайли бўлиб ўтган тўнтариш манзарасини тиклаш қийин. Ирбис Шегуй хоннинг одамлари ундан узоқлашиб, курашчан, иродали, ғайратини исбот этган кишини кўнгилли равишда хонимиз деб тан олганлигини тахмин қилиш мумкин. Ирбис Шегуйхоннинг қисмати оғир бўлди. Ундан тахтни зўрлик билан тортиб олган хоннинг

1. Г. Г. Грум-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 262-263-б.

2. Н. Я. Бичуринда – Хиюн. Шаваннда – Тие-уп. Тие – “Туя” + ин” эгалиқ кўшичмаси, яъни “туям” (бўталюим) бўлса керак.

3. Нагаиф Бичурин, *История Китая*.

4. Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 289-б.; E. Chavannes, *Documents...*, 33, 60-б.

“ўзи уни ўлдирди”.⁵ Ҳалок бўлган хон ворислари қочиб кетиши вожиб эди.

Бироқ 651 йилга келиб жануб йўлларини араблар, шарқ йўлларини империяликлар тўсиб қўйган эди. Тохаристонда эса Йуқуқ ҳукмрон. Шимолдан Ишбарахон босиб келмоқда, ягона йўл фарбгадир, бинобарин, Волга ва Терекдаги хазарлар ҳали ҳам туркутлар ҳукмронлигини тан олар эдилар.

VII юзйиллик ўрталарида ҳақиқатдан ҳам, Каспий денгизи қирғоқларида бошида Ашина сулоласи турган⁶ мустақил хазар ҳоқонлиги бунёд бўлди. Ушбу хон уруғининг VII аср ўрталарида яшаган барча аъзолари маълум бўлганлиги туфайли истисно усулидан фойдаланиб, эътироф этмак керакки, Хазарэлда Ирбис Шегуйхоннинг вориси подшоҳлик тахтига ўтирган. Худди шу ондан бошлаб Хазарэл Фарбий ҳоқонликдан ажраб чиққан. Нафсиламбирни айтганда, Ишбарахоннинг ҳам, ўн ўқ туркларининг ҳам хазарларни ўйлашга вақти йўқ эди.

Ишбарахон. Ишбарахон ўн ўқ туркларига улар орзу қилган нарсани — ички тинчлик ва ташқи урушни берди. Аввало, у ўн ўқ қабилалари йўлбошчиларининг ҳуқуқларини мустаҳкамлаб, дулуларга “чур”, нушибиларга «йегин»⁷ унвонини жорий қилди. Ўзи ва хос қўшинига⁸ “Минг булоқ”⁹ водийсида истеҳком — кент қурди, ўғлига эса “баҳодур жабғу”¹⁰ унвонини бериб, уни Фарбий ҳоқонликдаги иккинчи ҳукмдорга айлантирди.

Ишбарахонни анчадан бери интиқиб кутилаётган туркут ва ўн ўқ келишувига эришган деб ҳисоблаш мумкин, чунки ҳатто нушибилар ҳам қаршиликсиз унинг хонлигини тан олди. Бу келишиш ўзлари етакчи бўлишни орзу қилиб келаётган чуюе, чуми ва чумугунлар интилишларига зид эди. Мазкур қабилаларнинг кўнглини халқининг асосий қисми манфаатига захм етказмай овлаш учун, хон империя қўлига ўтиб кетган уларнинг ота—боболари ерини қайтаришга жазм қилди. Тўсат ҳужум уюштириб Тинчжоу қалъасини

⁵ E. Vieger, *Textes historiques...* 1608-1609-6.

⁶ М. И. Артамонов, *История хазар...*, 171-б.

⁷ “Таншў”даги хабар кам, лекин узиндилардан кўра бу бўлимнинг тузилиши кўпроқ маълумот беради. Санаб ўтилган қabila бошлиқлари унвонлари фақат шу ерда бор, гарчи уларга бу ҳуқуқ 15 йил муқаддам берилган бўлса ҳам (635 й.). Туркут хони буни эътироф этиб, бекларга “Чур” ва “йегин” (хитойча: сизин) унвонларини бериб шакллантирган кўринади.

⁸ Хусусан туркут хос аскарлари борлиги “Таншў” дан Шаван таржима қилган матндан билинади: “*qu'on extrême Uniquement Ho-lou et lessiens*” (*Documents...*, 61-6). Бичуринда бошқача: “Фақат Хэлунн жаъолаш” (*Собрание сведений...*, I ж., 290-б).

⁹ Талас дарёсидан жанубга (қаранг: Pelliot, *Leopitiure...*, 189-190-б.)

¹⁰ Хитойча: Моходу Шеху (Н.Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 289-б.)

эгаллади. Ана шундан сўнг ўлжадан хушнуд бўлган чу қабилалари қайтадан Ишбарахоннинг суянчига айланди, бироқ босқин Империя билан уруш бошланишига олиб келди.

652 йил бошларида 20 минг хитойликдан ташкил топган Лан Гян—фан кўмондонлигидаги ва 50 минг теледан ташкил топган Киби Хэли бошчилигидаги¹¹ империя лашкари Жунғорияга киритилди. Уруш режаси пухта тузилган эди.

Иттифоқчи теле кўшинининг шиддатли ҳаракатлари билан узоқ вақт уруш олиб бориш учун етарли миқдорда емак заҳирасига эга бўлмаган Ишбарахонни қисиб қўйиш мўлжалланган эди. Асосий душман Ишбарахоннинг ўзи ҳисобланиб, бошқа кўчманчилар, жумладан, чуюе ва чумиларга бироз юмшоқ муомала тавсия этиларди. “Кўчманчиларни хайдаб, бўриларга ҳамла қилиш”¹² белгилаб олинган эди, яъни хитойлар фикрига кўра “илдиз” бўлмиш туркутларга хужум уюштирмоқ керак, қолганлари унча аҳамиятли бўлмай “оддий бир бутуқлар ва барглар” эди.

Бундай кескин кўрсатмаларга қарамай, ҳарбий ҳаракатлар бошланиши анча ланж кўринишда бўлди. 652 йилда чуюе ва чуми¹³лар тор-мор этилди, бироқ мағлубият унча жиддий бўлмаган шекилли, уларда курашиш иштиёқи сўнмаган эди. 653 йилда империяликлар яна Бешбалиқни ишғол этишди. 654 йилда эса қорлуқлар устига бостириб борилди, бироқ 10 минг отни¹⁴ хайдаб кетиш билан бу иш ҳам тугади. Шу йилнинг ўзида чумугун қабиласининг бели букилди, Хитой аскарый бошлиғи бу жангдан кейин мурдалардан кесиб олинган 30 минг қулоқни Хитойга жўнатди. Аммо ҳамлалар босқинлар хитойларга кам наф келтирди, улар бунга ҳам Ишбарахон ўзининг жануби ғарбий чегарасини ҳимояси билан банд бўлганлиги туфайли эришган эдилар.

Махуй Сури ҳалокати. Марв марзбони Махуй Сури III Йаздигирдга шаҳрининг дарвозасини очди. Шоҳ билан бирга шахсий кўриқчиларидан иборат кичик бир бўлинма ва тож—тахт хазинаси карвони ҳам келган эди.

Махуй барча содиқ фуқаро каби шоҳ олдида таъзим бажо этди. Бироқ қачонки Йаздигирд арабларга қарши урушга сафарбарлик учун пул талаб қилганида, хомкалла Махуй араблар бизгача етиб келмайди, шоҳ хазинасини ўзлаштириб, ўзим шоҳаншоҳ бўлсам ёмон бўлмас, деган хаёлга боради. Ўзи шоҳнинг кўриқчиларига

¹¹ E. Chavannes, Documents..., 92-6

¹² Н.Я. Бичурин, Собрание сведений... 1 ж., 290-б.

¹³ Иакинф Бичурин, история Китая.

¹⁴ Н.Я. Бичурин, Собрание сведений... 1 ж., 291-б.

хужум килишга ботина олмай, ёрдам беришни сўраб туркутларга мурожаат этди.¹⁵

Марв марзбони чақиригига Бижан тархон¹⁶ – Суғудда яшаб келган, нушиби оқсоқолларидан бири бўлган кимса жавоб берди. Ўзининг аскарлари билан келиб, Махуйнинг сотқинларча ёрдамидан фойдаланиб, шоҳ кўриқчиларини гафлатда қолдирди ва қириб ташлади. Йаздигирд қутулиб қолди-ю, бироқ бошпана сўраб мурожаат этгани тегирмончи томонидан ўлдирилди.¹⁷ Махуй шоҳ хазинаси эгасига ва мустақил ҳукмдорга айланди. Аммо унинг ҳолига ҳавас қилиб бўлмасди, бўлиб ўтган ҳодиса Хуросан бўйлаб тарқалиб, меҳмонкушга нисбатан нафрат кучайиб борди. Махуй айбни туркутларга тўнкади ва шоҳ унга ҳукмронлик тимсоли – тож ва узукни васият қилиб қолдирганини эълон этди. Бу далилларининг бўш ва ишончсиз эканлигини англаган хоин ўз кўшини аҳволини яхшилаш ва сонини кўпайтиришга ҳаракат қилди. Фирдавсийга кўра у ўз мулкига Балх ва Ҳиротни¹⁸ кўшиб олди ва Суғуд томон босқин бошлаб, Бухоро, Самарқанд ва Шошни ишғол қилмоқчи бўлди. Хужум учун баҳона Йаздигирд учун ўч олиш эди, чунки, унингча, Бижан “ер юзи подшоси бахтини қора қилган”¹⁹.

¹⁵ Бу ҳодиса ҳақида Белазурий (қarang: *Материалы по истории туркмен* Ёж. 62 б.), Табарий (*Ушй асар*, 92 б.), Баламий (*Tabari, Zoteuberg, 502 б.*)лар ёзади, бироқ воқеа жараёни ўзларида ҳам аён бўлмаган. III Йаздигирднинг сўнги кунлари ҳақида зиддиятли ҳикоялар кўп бўлиб, уларни мослаштириш мушкул. Табарий беш хал ҳикояни ўзини шундайлигича келтиради ва ҳикоятчиларни кўрсатади. Баламий муаммони аниқлашга киришади ва бу баёнларда форс версиясини анча ҳақиқатга яқин деб ҳисоблайди. Унинг версияси билан Фирдавсийники яқин бўлиб, ҳар иккаласи Белазурийникига яқиндир. Бизнингча, сўнгиси ҳақиқатга анча яқин бўлса керак. Агар ундан латифанамо тафсилотлар чиқариб ташланса, уни баён учун асос қилиб олиш мумкин.

¹⁶ Бу ерда бизнинг мавзумиз учун муҳим бир савол туғилади: Махуй қайси бекка мурожаат этган? Белазурий Бодғиз ҳокими, Қутайба томонидан 709 йилда ўлдирилган Низак тархон деб кўрсатади. Табарий ҳам шу исми айтилади. Бироқ Фирдавсий таъкидлайдики, турк бегининг исми Бижан тархон, унинг улуси эса Самарқанд бўлган деб. 651 йилнинг ёзигача Самарқанд ва Сўғд Ирбис Шегуёхонга бўйинсунган, Бодғисда эса Йуқуқ Ирбис Дулухон ўз умрининг охириги йилини яшаётган эди, у 653 йилда ўлади. Йуқуқнинг ўғли Чэженчу (“Инжу”, хитойчаси “Чжан-чжу иероглифининг маъноси – асл инжу”) 659 йилда ўлдирилган. Низак тархон унинг вориси бўлиб, 709 йилда ҳалок бўлган. Демак, ишонч билан айтиш мумкинки, туркут бегининг ҳақиқий исми Низак эмас, балки Бижан бўлган. Низак араблар учун анча маълум шахс бўлганлиги, Бижан билан араблар тўқнашмаганлиги сабабли Бижон исми Низакнинг соясида қолиб кетган деб ҳам ўйлаш мумкин. Хатони араб ёзуви ҳам мустаҳкамлаган бўлиши эҳтимоли: бунинг устига араб алифбосида “ж” (...ы) ҳарфи йўқ.

¹⁷ Бу ҳодиса 31 ҳижрий (651/652) йилда бўлди. Вазиятдан келиб чиқилса,, Фарбий ҳоқорликда Йаздигирднинг ўлдирилиши Ишбарахоннинг узил-кесил галабасигача бўлган, яъни 651 йилнинг кузи ёки қиш бошигача. Баламий бошқа версия тақдим этади: Йаздигирд Фарғонага бориб хитойлар ва туркутлардан ёрдам олиб, яна Эронга келади, Тохаристонда ўлади. Бу маълумотлар ўғли Пероз саргузаштидан отаси Йаздигирдга ўтказилган бўлиши керак, чунки ҳар иккиси ҳам тахминан шу йўлни босиб ўтган.

¹⁸ Фирдавсий, *Шах-наме*, 329б. (Тегеран, изд. М. Бехара, на персидском языке).

¹⁹ *Ушй асар*.

Мана шу маълумот бизга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин, чўнки Фарбий туркут ҳоқонлигидаги вазият Фирдавсийнинг баёнига мос келади. Ирбис Шегуйхоннинг заиф ҳукумати душман сулоланинг охириги шоҳи ўлдирилишига бефарқ, ҳатто ҳамдард бўлиб ёндошди. Йаздигирднинг қони совимай туриб, Ирбис Шегуйхонни тахдан тушириб, дулулар яна ҳокимиятни ўз қўлларига олади. Вужудга келган вазиятдан Махуй Сури фойдаланиб, Хуросан, Тохаристон ва Суғудни бирлаштирмоқчи бўлди. Бу унча қийин бўлиб кўринмасди, чўнки Суғуд анчадан бери дулулар билан душман эди, шунинг учун Махуй бу ерда кенг қўллаб-қувватланишга умид боғларди, бинобарин, савдогарлар карвон йўлларини ёпилишига олиб келадиган Хитой билан урушдан ҳеч вақт хурсанд бўлмасликлари тайин эди.

Ишбарахон таваккалчи инсон эди. Эрондаги тўнтариш ҳақида хабар топган захоти бу ҳам ўша Махуйнинг “шоҳ учун ўч олиш” шиори билан ҳужумга тийёргарлик бошлаб юборди. Фирдавсий уни ҳам “Бижан” дейди, туркут юриши йўналиши манзараси баёнида тилга олинган географик жой номлари ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайди. Хон Кочарбошидан²⁰ чиқиб. Бухорага етади ва зўриқтирилган юришлар билан ортни тортиб, Жайхундан ўтиб олади. Махуй ҳам унга қарши юради ва биринчи тўқнашувдаёқ асир олинаиб, азоблаб ўлдирилади.

Форсларнинг бир-бирини қирғин қилиши Абдуллоҳ ибн Амир йўлини тозалаб беради, у 651 йилда Абрашахр (Нишопур), Тус, Обивард, Несуларни ишғол этиб, арабларга ҳирож тўлашга рози бўлган Марвнинг янги марзбони Абраз билан битим тузди.²¹ Хуросондан сўнг Жузжон ва Тохаристон бошига ҳам шу қисматлар тушди. 655 йилги Хоразмга ҳужум муваффақиятсиз тугади ва 656 йилда туркутлар уруш майдонини яна Хуросонга кўчирдилар, бироқ унчалик муваффақият қозона олмадилар.²² Уларнинг муваффақиятсизликлари ҳоқонликнинг шарқий чегаралардаги вазият кескинлашуви билан изоҳланади.

Сўнги кураш. Империя ҳукумати қўмондонликнинг истейод-сизлиги, сафарлари самарасизлиги ва интизомсизликнинг ҳаддан ошганлигини жуда тўғри кўрсатиб берган эди. Бунга бош қўмондан ёрдамчисининг қилмишлари мисол бўла олади, у душман билан жанг қилиш ўрнига, империяга ихтиёрий йўсинда бўйинсунган шаҳарда қирғин ва талон тарож қилади. Бу шаҳар Бичуринда Хинду²³ деб номланган.

²⁰ Қошғар ёки Кочарбоши. Қаранг: Г. Птицын, к вопросу о географии Шах-Наме, 303 б... Бошқача ёзилишлар ҳам бор.

²¹ “Материалы по истории туркис...” I ж., 67,98-6.

²² Уша асор, и69-б.

²³ Н.Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 291-б.

Чженчу жабгу Йуқуқ ўглининг Ишбарахонга ортдан зарба беришга уриниши ҳам зое кетди. Чженчуга отасидан Тохаристон ҳудудида кичкина бир улус билан бирга жуда катта орзулар, идаоалар ҳам мерос қолган эди. У ўзи бутун Ғарбий ҳоқонликнинг ҳукмдори бўламан, деб ўйларди. Ана шу мақсадда нушиби қабиласини кўзғолонга ундади, ростдан ҳам айрим норози йулбошчилар унга эргашдилар.²⁴ Шундан кейин у ўзининг камтарона “жабгу” унвонини дабдабали “Сибир тардушшал”га ўзгартириб, мадад ва эйтироф сўраб Хитойга мурожаат қилди.²⁵ Империя мансабдори исёнчи бек ҳузурига етиб боролмади ва мишмишлар асосида аниқладики, у тўплаган куч арзимас экан, кейин ҳукуматига бу даъвогарга эътибор бермасликни тавсия этди.²⁶ Иттифоқчиларсиз ёлғиз ўзи қолган Чженчу Ишбарахон аскарлари томонидан шу даражада қисиб қўйилдики, у ўз улусига қайтиб бориб, тобелик билдирди, дабдабали унвонлардан воз кечди, бундан сўнг ўзини умрининг охиригача мулойим тутди.²⁷

Ўз ортидан бежавотир бўлгач, Ишбарахон сара қўшинларини Амударёдан олиб Или воҳасига ташлади ва империяликлар силжишини узил-кесил тўхтатди.

Бу ҳолат император Гаоцзунни қўмондонларни алмаштиришга, қувватлантирувчи кучлар юборишга ва Хитойга содиқ ғарбий турклардан бўлинмалар тузишга мажбур этди. Бош қўмондон қилиб Су Дин-фан тайинланиб, унга уйғурлардан иборат ёрдамчи қўшин ҳам юборилди. 656 йилда у Илига йўл олган биринчи зарбдор қўлга қўмондонлик қилди. Хитойга бўйинсунган шаҳзодалар Мише ва Бученларнинг туркут аскарлари марказий Жунғориянинг кўчма кумлари орқали Олтой томон юрдилар.

Бу гал барча устунлик империя лашкари томонида эди. У Сеянтони тор-мор қилган, Кореянинг ошиб бўлмас қалъаларини олган фахрийлардан ташкил топган эди. Бунда хитой пиёдаларининг Шансида тибетликлар, Хэбэйда киданлар ҳамлаларини қайтаришдаги кўникмалари, уйғурларг хос чидамлик, шарқий туркутларнинг жанговар жўшқинлиги, чегарачи табғачларнинг саркашлиги — барчаси бирлашиб кетган эди. Лашкар унча катта эмас ва оғир дахмасаси ҳам йўқ эди. Бу жангчилар душман ҳисобидан овқатланишга устаси фаранг бўлиб қолишган. Биринчи қурбон жунғор қабилалари бўлди. Улардан

²⁴ E. Chavannes, *Documents...*, 35,266-6.

²⁵ *Хитойчаси: Ние-пи та-тоу чад (Ibid)*. Тохаристон беги томонидан бундай унвоннинг олинishi, ўзини отаси Йўқуқни тахта кўтарган анъананинг давомчиси деб эълон этиши эди.

²⁶ E. Chavannes, *Documents...*, 35,266-6.

²⁷ Бу унинг 659 йилда империянинг фаол душманига айланганидан ҳам кўринади.

баъзилари бўйин эгишга шошилсалар, баъзилари масалан, чумугунлар шафқатсизларча қирғинга дучор қилинди.

Ишбарахон рақибни тўхтатиш учун бутун бор кучини йиғди. Хитойлар унда 100 минг отлиқ бўлган дейишади, бироқ бу ҳаддан ташқари бўрттиришдир. Или дарёси бўйида²⁸ у Су Дин - фаннинг хитой пиёдаларини ва уйғур сувориларидан иборат 10 минг аскарли бўлинмасини қуршаб олди. Су Дин-фан олдинга зич сафланган пиёдаларни чиқарди. Уч марта турк отлиқлари ҳужум қилиб, Хитой найзаларига осилиб қолиб орқага тисарилди. Ўшанда найздорлар орқасидан дам олиб гижинглаган отларда уйғурлар пайдо бўлиб, ҳужумга ташландилар. Турклар бардош беролмади, қочдилар. Уйғурлар уларни қувиб орқада қолганларни калласини уздилар, асир тушганлардан фақат катталар ва тархонлар сони 200 нафар эди.

Империяликлар ҳужумни давом эттириб, чекинаётган нушибиларга етиб олдилар, улар таслим бўлишди. Дулулар Бучжен бўлинмасига дуч келдилар ва уни ўз ҳукмдори деб шу заҳоти тан олдилар. Су Дин-фан енгил отлиқлар бўлинмасини Талас водийсига, туркутларни жануб томонидан йўлини тўсиш учун юборди. Ишбарахон ўз хос аскарлари билан чекинишга улгурди ва қувватлантирувчи кучлар йиға бошлади. Империя лашкари аёзу бўронга қарамай уни изма-из таъқиб қилишда давом этди. 657 йил бошларида душман лашкари хон ўрдасига етишди, бу вақтда хон қароргоҳи Тарбағатай ёнбағрида жойлашган эди.²⁹

Энди империяликлар туркутлардан анча кучли бўлиб кетганди, чунки уларга тобе бўлган дулу ва нушибилардан ёрдамчи бўлинмалар ташкил этишган эди.³⁰ Ўз уйларида қолганлар ҳам хонга бўйсунмай қўйган эди, деб хулоса чиқариш мумкин, чунки туркутларда емак қолмаган бўлиб, улар сурукли ов билан машғул бўлишига мажбур қолган эдилар. Империяликлар тўсатдан ҳужум қилиб, туркутларга катта талофат етказдилар.

Ишбарахон қолган аскарлари билан Или дарёсининг нариги томонига чекинди. У ёлғизланди шимолда ҳам, жанубда ҳам душман бор эди, ўн ўқ турклар урушга киришни истамасдилар. Маневр

²⁸ Н.Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 291-б. Шаваннда бу дарё *Ye - tie* (64-б) дейилади ва у уни бирор дарё билан айнан дейишдан қочинади. (*E. Chavannes, Documents...*, 36-б, 4 изох). Уйғурлар ҳақидаги хабарда жанг *Ин (?)* тоғида бўлганлиги айтилади (*Ibid...*, 92-б) ва *Гиня* (*Ibid...*, 93-б) тоғида такрорий жанг бўлган. Иккинчи вариантда уйғур ёрдамчи бўлинмалари ҳаракатинигина ифода этилиб урушнинг умумий оқимида дахли бўлмаган.

²⁹ *Гин тоғи* (Н.Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, III ж., 20-б)

³⁰ Н.Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 292-б.

қилишининг иложи бўлмаса ҳам ўрдугоҳини боғ билан паналаб жангни қабул қилди ва яна енгилди. Империяликлар Чу дарёсигача таъқиб қилиб бориб, у ерда таслим бўлишга мажбур қилишди.

Бироқ Ишбарахон ўғли ва бир қанча садоқатли суворилари билан яна таъқибдан сурилиб чиқиб кетди. У жануб томон қочди. Чоч (Тошкент воҳаси) теварагида ҳориган отлар юролмай қолди. Туркутча “тархон” унвонли Чоч ҳукмдори қочоқларни қабул қилди ва уларни оёқ-қўлини боғлаб, таъқибчиларга топширди.³¹ Сўнги туркут хони кишанланган ҳолда Чанъанга келтирилди. Гаоцзун унга шафқат қилди, лекин у, барибир, тутқунликда, эркинликни соғиниб 659 йилда ўлди. Ўқувчимиз пайқагандир, туркутлар орасида эркесварлар кам эмасди.

Мамлакатни ишғол этиш анча тезлашиб кетди. Курашадиган ҳеч ким қолмаган эди. Кан (Самарқанд), Хэ (Зарафшон водийсидаги мулк), Даван (Фарғона), Ми (Маймурғ) ва Кеш (Шаҳрисабз) каби суғуд бекликлари ҳали Ишбарахон тахтдан тушмасидан олдин туркутлардан ажралиб чиққан эди. 659 йилда улар кетидан туркут ерларидаги Сулэ (Қошғар), Чжуцую (Кўкйар, Қарғолиқнинг жануби-ғарбида) ва Бохан (Яккаариқ)³²лар ҳам ажраб кетди. Ишбарахон тарафдорлари қолдиқлари Куча³³ яқинидаги Эбинор кўли ёнида 658 йилда гум қилинди.

659 йилда Чженчу кўзғолон кўтаришга уринди, бироқ Боротоли воҳасида янги хўжайинларига ишонч ва имон билан сидқидилдан хизмат қилаётган Мишедан мағлуб бўлди, асир олинди, осилди. Ниҳоят, 660 йилда қандайдир нушиби бекчаси мустақиллигини сақлаб қолмоқчи бўлган экан, уни Су Дин-фан асир олибди.

Ғарбий туркут салтанати мустақил давлат сифатида ҳалок бўлди ва қайтиб тикланмади.

Ғарбий ҳоқонлик ерлари ўрам ва туманларга бўлиниб, улардан икки губернаторлик ташкил этилди. Уларнинг бири дулулар ери ҳудудида бўлиб, унинг бошчиси этиб Ашина Мише тайинланди, иккинчиси нушибилар ери бўлиб у Ашина Бучженга берилди. Бу ҳар икки хон мустақил эмасди.

Янги қўлга киритилган ерлар — “Ғарбий ўлка”³⁴ устидан назорат қилувчи волийнинг қароргоҳи 640 йилгача Турфонда бўлса, ундан кейин эса кўчкларга яқин бўлиш учун Кучага кўчирилди. Суғдиёнанинг маҳаллий ҳукмдорлари ўз ўрнида қолиб, бу ерларда бир муддат нисбий осойишталик ҳукм сурди.

³¹ *Ўша асар*, 292-б.

³² (*E. Chavannes, Documents..., 8-б*).

³³ (*Ibid..., 268-б*).

³⁴ *L. Wiegand, Textes historiques, 3, 1609-б*

Ғалаба самараси. Енгиш керак бўлган ҳеч ким қолмади, бироқ бу зафарнинг сирти ялтироқ эди. Империя ўз ичида имкон қадар турфа халқларни қамраб олишга интилди, бироқ уларнинг чатишиб кетишига умид қилиш қийин эди.

Тайзун назокати ва илтифоти билан барча тобеларини ўзига тортар эди, жумладан кўчманчиларни ҳам, лекин Гаоцзун кўчманчилар билан янги муносабатни, эски, анъанавий кибрли муносабатга ўзгартирди.³⁵ Кўчманчилар яна ўзларини бегона сеза бошладиларки, бу тез орада ўз меваларини берди.

656 йилда юангэ, баегу, сиге, пугу ва тунло-теле қабилалари, яъни уйгурлар кўзғолон кўтаришди. Уларнинг раҳбари марҳум йўлбошчининг синглиси Бисуду хоним эди.³⁶ 662 йил бошларида кўзғолон бостирилди. Бисуду қочиб кетди, ammo Хитой қўшини қиш совуғи сабаб бўлиб кўп талафот кўрди.³⁷

Бўйсундирилган ерларни ушлаб туриш муаммоси ниҳоятда кескинлашди. Ҳатто Хитойдай моддий ва инсоний заҳиралари жуда улкан бўлган мамлакат янги босиб олинган ерлардаги гарнизонларни боқишга қодир эмасди. Гаоцзун ҳукумати қилган энг катта иш тўрт шаҳарни мустаҳкамлаб, уларни доимий гарнизон билан таъминлаши бўлди, бундан бошқа йирик тadbир қила олмас ҳам эди. Бу тўрт гарнизон Куча, Қошғар, Хўтан ва Тўқмоққа³⁸ жойлаштирилган бўлиб, Хитой саройидагилар мулоҳазасига кўра, бутун “Ғарбий ўлка”да устунликни таъминлай олар эди.

Барча ишғол этилган ерлар тўрт волийликка ажратилди: иккитаси шарқда, иккитаси ғарбда. Ғарбий туркутлар ери шимоли-ғарбий волийлик таркибига киритилди.³⁹ Бу минтақаларни бевосита идора этиш имкониятига эга бўлмаган Хитой ҳукумати, ўз садоқатини исбот этган туркут беклари ёрдамидан фойдаланишга ўтди. Дулу қабиласи ерлари Мишега ишониб топширилди, нушибилар ери Бучженга. Ammo бу истеъдодсиз бошқарувчилар омма орасида мавқега эга эмасди,⁴⁰ қанча уринишмасин улар аҳоли ишончини қозона олмади. Тўғри, айрим кўчманчи бекларнинг ва ўтроқ ҳокимларнинг исёнлари осонгина бостирилар эди,⁴¹ бироқ хонлар бир-бири билан можаро қилиб жанглар олиб борар эдики, унинг

³⁵ Г.Е. Грумм – Гржимайло, *Западная Монголия...*, 278-б.

³⁶ (E. Chavannes, Documents..., 93-6).

³⁷ (Ibid., 113-6, 2-изох).

³⁸ Ibid.

³⁹ Қаранг: Г.Е. Грумм – Гржимайло, *Западная Монголия...*, 268-б.

⁴⁰ Н.Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 393-6

⁴¹ Масалан, 660 йилдаги Қошғарда Сига Думан кўзғолони ва 662 йилги Куча кўзғолони.

қиймати Хитойнинг қийинчилик билан қўлга киритган зафарлари самарасига тенг келиб қоларди. Бучжен 664 йил Кучага ташкил этган жазоловчи юришида Мишени қўзғолонга тайёргарлик кўришда айблаб туҳмат қилади. Хитой саркардаси Су Хай-чжен ўйлаб ўтирмай, Мишени “ва унинг барча тобеларини, ҳатто чўпонигача” дорга осди.⁴² Бу дулу орасида галаён келтириб чиқарди ва улар Хитойга қарши ёлғиз курашиш имкони йўқлигини билиб, Тибет билан яқинлашди ва бу “Ғарбий ўлка”даги кучлар муносабатини тубдан ўзгартириб юборди.

Мишенинг ўчини олиш учун марказий Тянь-Шанда яшайдиган гун-юэ қабиласи майдонга чиқди. Улар теле қабилаларидан янмянлар билан ва тибетликлар⁴³ билан иттифоқ бўлиб, империя қўшинига ҳужум қилиб кўришди, бироқ улоқтириб ташландилар.⁴⁴ Ундан кейин 663 йил кўкламида гун-юэлар Хўтан ва Турфондаги хитой гарнизонига ҳужум қилишди, бу гал ҳам муваффақият қозонмадилар.⁴⁵ Ниҳоят, 664 йилда империяликлар гун-юэни узил-кесил тормор этдилар. Тянь-Шандан шимолдаги чўллар, жануб ва ғарбдаги шаҳар-воҳалар Империяга юзаки кўшилиб, уларнинг одатлари ва турмуш тарзида ҳеч қандай ўзгариш ҳосил қилинмаган эди. Ташқаридан ёрдам кутиш беҳуда эди: Хуросонни босиб олган араблар, жанубга юз бурди. Улар 662 йилда Қобулни олишди, Ўрта Осиёни ишғол қилишни келажакка қолдириб, 664 йилда Панжобга бостириб киришди. Тянь-Шан қабилалари исканжада қолди, уларнинг йулбошчиси Ашина Бучжен эса Тан империясига садоқат билан хизмат қилишда давом этарди.

Вазият кескин эди, шу ҳолатда 667 йилда Бучжен ўлади, ўрнига ўринбосарлик учун талабгор кундан-кунга ортиб боришига қарамай, Империя лойиқ киши тополмай хуноб бўларди. Империянинг сара қўшинлари ўз мустақилликларини мардонавор ҳимоя қилаётган Кореяда жанг қиларди. Мана шу лаҳзада майдонга кучлар муносабатини жиддий ўзгартириб юборган янги бир куч чиқди. Тибет Тан империяси рақобатчиси бўлди. Янги уруш Хитойнинг ғарбий чегараларининг ҳамма ерида аланга олиб, тезда Тарим ҳавзасига ўтди. Бироқ буни баён қилишдан аввал, VII юзйилликдаги Тибет қанақа бўлганлигини кузатайлик.

⁴² Н.Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 393-б, E. Chavannes, *Document...*, 73-б

⁴³ E. Chavannes, *Documents...*, 280-б, Иакинф Бичурин, *стория Тибета*, 138-б.

⁴⁴ Иакинф Бичурин, *История Китая*; . E. Chavannes, *Documents...*, 280-б

⁴⁵ Y.P. Remusat, *Histoire de la Ville Khotan*, 69-70-б.



Иккинчи қисм

КЎКТУРКЛАР ВА УЙҒУРЛАР ЁКИ ИККИНЧИ ХОҚОНЛИК ДАВРИ

ХІХ Боб

ҒАРБИЙ ХОҚОНЛИК ҒУЛҒУЛАСИ ВА ТИБЕТНИНГ КЕНГАЙИШИ

ҚАДИМГИ ТИБЕТ. Тибет баландлиги чорвачилик учун қулай ўт-ўланли чўллар ва дарё хавзалари ўлкаси бўлиб, ғарбдан ва шарқдан келганларга муқим яшаш макони бўлиб хизмат қилиб келган. Ғарб томонида азалдан мон ва дард каби деҳқончилик билан шуғулланган помирликларга ўхшаш қавмлар яшаган. Улар бир-биридан мустақил бўлган майда бекликларга бўлиниб яшаганлар. Шарқда икки халқ: қўйчивонлик қиладиган қянлар ва зироат билан машғул бўлган жунлар истиқомат қилишган. Ғарчи бу икки халқ ҳозирги тибетликлар аждоди ҳисобланса-да, қадимда улар бошқа-бошқа халқлар ҳисобланган. Қянларнинг авлодлари — нголоклар ҳозирги кунларда ҳам Амдо тоғида кўчиб юришади. Эрадан аввал қянлардан ажралиб чиққан ботлар, жунлардан деҳқончилик кўникмаларини ўрганиб. Цанпо (Брахмапутра) дарёси ҳавзасида ўтроқлашиб, Тибет маданияти ва давлатчилигига асос солдилар. Бу воҳаларининг унумдор тупроқларида, тоғ сойлари сувлари билан суғорилиб буғдой, арпа, қора буғдой, нўхат етиштирилган.¹ Кентлар тош деворлар билан ўраб олинган, дарёларга осма кўприклар қурилган. Металлургия пайдо бўлган ва кумуш, мис, темир эритиш йўлга қўйилиб, тўқимачилик юзага келган. Хўжаликнинг янги ўсиши VII юзйиллик бошларида аҳолининг 2860 мингга² етишига имкон берганки, то XX асргагача аҳоли сони бу даражага ҳеч қачон кўтарилмаган. Мавжуд ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти сатҳида мамлакат бундан ортиқ аҳолини боқа олмас эди.

Узоқ замонлар Тибет қабилалари ўзларининг уруғ оқсоқоллари бошқарувида яшаб келдилар. Дастлабки ўзгаришлар Тибетга қора

¹ А.Н. Francke, *A. History of Western Tibet, 19-30-б*; Г.Е. Грум-Гржимайло, *Материалы по этнологии Амдо...*, 3-б, 41-43-б.; В.Успенский, *страна Кукэ-нор...*, 51-б; Иаканф Бичурин, *История Тибета...*, 127-б; В.А. Богославский, *Очерк истории...*, 24-б.

² В.А. Богославский фикрича бу фақат эркалар — жанчилар сони (*Очерк истории...*, 128-б). Агар шундай бўлса жами аҳоли 15 млн. бўларди. Лекин Тибет шароитида бунинг имкони йўқ (Л.Н. Гумилев, *Величие и падение древнего Тибета*).

дин — “бон”нинг кириб келишидан бошланди. Уни Шаншун мамлакатидан келган устоз Шэнраб тарғиб этди. Ибтидоий анимизм ўрнига иккибирлик худо — “Умумэзгу” ва унинг рафиқаси “Уч оламнинг машхур маликаси” ёки “Меҳрибонлик ва муҳаббатнинг буюк онаси” бўлиб, бу маъбуда қонли қурбонлик, жумладан, инсонларни ҳам қурбонлик сифатида қабул қилган. Шэнраб таълимоти бўйича олам уч таркибий қатламдан: самовий, заминий ва сув остилардан (бу ерда сув руҳлари яшайди) иборат. Сирли олам оғочи ўша уч доира бўйлаб ўсади ва улар орасида мулоқот воситаси ҳисобланади. Мулоқот ўз таълимотини тарғиб этувчи, устоз изнини олган роҳиб бажарадиган ҳаракат ва дуолар билан амалга ошади. Ибтидоий эътиқодлардан фарқ қилиб, бон ҳукмрон ва жангари черковга, бир тизимга туширилган эътиқодга айланиб давлат ишларига аралаша бошлади.³ Унинг тантанаси қонсиз бўлмади. Тибетнинг афсонавий ҳукмдорларидан бири қора черковнинг ҳомийлигидан қутулмоқчи бўлиб кўрганида, яқинлари билан бирга қўшиб ханжар билан сўйилдилар. Шундан кейин ҳукмдорлар ва қабила йўлбошчилари тирик қолиш учун ҳокимиятнинг бир қисмини дин арбобларига беришни афзал кўрдилар. Қабилалар ўртасидаги доимий можаро ҳам, бонларнинг ҳакамлик мавқеи ҳам уларнинг ҳукмронлик мавқеини таъминларди. Охир оқибатда, зодагону роҳиблар бир-бири билан чиқишиб кетиб, кейинги тарихда қўлни-қўлга бериб ҳаракат қиладиган бўлишди.

439 йилда Хэсидан чекинган жангари санбийлар бўлинмаси Тибетга келади ва уларнинг йўлбошчиси бой ва пароканда мамлакатга келиб қолганини кўриб, қянларни ўз томонига оғдириб, муттасил ўзаро душманлик қилиб келаётган қабилалар орасида ҳукмрон бўлиб олади. Ана шу атамanning насллари 200 йил ичида тибетлашиб кетишади ва “подшоҳ билан ҳукумат бошлиғи” оралиғидаги маънони ифода этувчи “цэнпо” унвонини қабул қиладилар ҳамда улар ўз қабиладошларига суянадиган қабила бошлиқлари, яъни мамлакатдаги ягона сиёсий куч иродасини бажариши лозим бўлган.

Мана шундай бир вазиятда цэнпонинг ҳолати жуда мураккаб бўлган. Бир томондан, у лавозимига мерос йўли билан эришган; унинг хазинасига “тахтга” тегишли кенг ерлардан солиқлар, бўйсундирилган халқлардан хирожлар, маҳлул мулк ва дорга осилган

³ Муаммо бўйича адабиёт кўп. Айрим муҳимларини келтираман: А.Н. . Francke, *A history of Western Tibet: Ch Bell, The religion of Tibet*; В. Laufer, *Uler ein tibetisches Geschichtswerk der Bonpo*; Н. Hoffman, *Quellen zur Geshichte der tibetischen Bon-Religion*; G.Tucci, *The tombs of Tibetan kings*; M.Laeou, *Les religions du Tibet*.

жиноятчилар мулклари тушиб турарди, иккинчи томондан, уни истаган вақтларида лавозимидан олиб ташлашлари мумкин бўлиб, амалда на тайинли суянчи, на ҳақиқий иқтидори бор эди. Ҳатто қўшин ҳам цэнпога эмас, махсус аскарый маслаҳатчига бўйинсунар эди.⁴ Бечора цэнпога фақат куруқ хурматгина қолиб, улар бойиб кетган зодагонлар иқтидорини тортиб олиб қўйган юнон басилевсларини эсга туширарди.⁵

Барибир, мамлакатнинг бирлашиши ўз меваларини берди ва цэнпо Намри (570-620) замонида тибет лашкари Ҳиндистон ва Тогонга бостириб кирди. 604 йилда Тогонда улар шарқий қариндошлари томонидан ташлаб кетилган Қора Чурунни тор-мор келтирди. Мамлакатга янги фуқаролар келиб қўшилди, ана шу ҳолатда зодагонлар ва бон черкови томонидан қисиб қўйилган цэнпонинг ягона йўлбошчи бўлишини халқ истади ва бу борада халқ билан зодагонлар орасида зиддият келиб чиқди. Фуқаро уруши келиб чиқиши учун ҳамма сабаблар етарли бўлди. Намри ўлдирилди, унинг ўғли Сронцангамбо замонида “отасининг тобелари исён кўтарди, онасининг тобелари қўзғолон қилди, қариндошларининг (номлари саналади —Л. П.) бари қўзғалди”.⁶ Бу ҳар турли гуруҳ ва қабилалар қатнашган фуқаролар урушига жудаям ўхшаб кетади. Бироқ қўзғолон нимагадир сўнди, тартиб ўрнатилди. Ақлли ва ғайратли Сронцангамбо бу қўзғолондан жуда муҳим хулосалар чиқарди: у сочлари қиртишлаб олинган қашшоқлар жамоасига ва улар тарғиб қилаётган бўшлиқ ва ҳаракатсизлик ҳақидаги сирли таълимотга эътибор берди. У адашмади: буддавийлик Тибетда илдиз отиб олгач, асилзода ва роҳиблар қаршилигига қарамай, ценполарни подшоларга айлантира оладиган кучга айланди.

Тогон учун уруш. Тибет олдида турган энг долзарб муаммо Хитой билан муносабат эди. Ҳар икки салтанат манфаатлари мутлақо қарама-қарши эди. Шуни ҳам ҳисобга олмоқ керакки, VII аср Тибети тўрт томонидан берк эди. Фарбда бўйин эгмас дардлар; Ҳиндистон эса Ҳимолай билангина муҳофазаланган бўлиб қолмай, унинг иқлими ҳам тоғ ёнбағрининг кескин об-ҳавосига ўрганганлар учун ҳалокатли таъсир этарди, шарқда эса, кудратли аскарый салтанат — Тан Хитойи бор эди. Ягона чиқиш йўли шимоли шарқда Амдо орқали Гансуга ва ундан Хэси чўллари ва “Фарбий ўлка” (Синцзян) кенгликларига чиқиларди. Лекин бу йўлни анча кучсизланиб қолган бўлса ҳам Хитойдай таянчи бор Тогон тўсиб турарди.

⁴ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 127-128-б.

⁵ Л. Н. Гумилев, *Легенда и действительность...*, 107-б.

⁶ В. В. Богословский, *Очерк истории...*, 36-б.

Агар Тибет Тогонни эгаллаб олиши бир зарурат бўлса, Хитой учун зарурат бунга йўл қўймаслик эди. Даштда империяга қарши уюштирувчи яна бир марказ пайдо бўладиган бўлса, жуда катта чиқимлар ва қурбонлар эвазига туркутлар устидан эришилган галаба чипакка чиқарди, чунки кўчманчилар хануз кўзголон кўтарар ва мустақиллик дардидан фориг бўлмаган эди. Даштга чиқиб олган тибетликлар Хитой алоқа воситаларини йўқ этиб, турки исёнчи унсурларга таяниб, хитойликларни яна Буюк девор ортига ҳайдаб юборарди. Шунинг учун ҳам империя, гарчи бу ҳаракатлари уруш келтириб чиқаришини билса ҳам, бутун бор кучи билан Тогонга ёрдамга келди.

Тогоннинг ўзида эса Хитой билан иттифоқчилик маъқулланмас эди. Чжоу, Суй ва ниҳоят Тан Хитойи билан кўп йиллик урушлар ўз тасирини ҳали йўқотмаганди.

— Тогонларнинг ҳамлаларига хитойлар ҳалокатли босқинлари билан — Амдога уйғур ва туркут каби иттифоқдош қўшинларини киритиш билан жавоб берарди. Якуний галаба Хитой томонида бўлди, бироқ Тайцзун тахтга ўтқазиб қўйган хитойлашган шаҳзода Муюн Шунни ўз тобелари ўлдирди.⁷ Тайцзун хон тахтига ўлдирилган Муюн Шуннинг ўғли, Хитойга содиқ бўлган ўспирин Нохэбони ўтқазди. Нохэбо Тогонда Хитой йилойкунини жорий қилди, Хитой маликасига уйланди ва ёш тогонликларни Чанъанга Хитой саройида хизмат қилиш учун жўнатди. Табиийки, вужудга келган муҳолифат Тибетга ёндошди, бироқ 641 йилги фитна фош бўлди ва бартараф этилди. Ўша кезларда тибет лашкари тепасида Цэнпо Сронцангамбога муҳолиф бўлган, машҳур Гар уруғидан Донцан турарди.

Тайцзуннинг қатъий иродаси ва Тибет сиёсатида Сронцангамбо давридаги кескин бурилиш бир оз вақт Тогонни хатардан холи қўйди. Аммо Донцан шарқдан босқинни қайта бошлаган чоғда, калтабин Гаоцзун Нохэбога фавкулудда ёрдам беришдан бош тортган вақтда, Тогоннинг қисмати ҳал этилиб бўлганди.

Тогонлик аён Содохуй Тибетга қочиб боради ва Донцанга Гаоцзуннинг қарорини айтади. Донцан шу заҳоти уруш бошлаб, 663 йилда тогонликларни Сариқ дарёнинг юқори оқимидаги жангда битта қўймай қириб ташлайди. Нохэбо малика ва бир неча минг ўтов билан Лянчжоуга Хитой ҳимоясига қочади. Гаоцзун бошини чангаллаб Тогонга гарб юришлари қаҳрамони Су Дин-фан бошчилигида⁸ қўшин жўнатади, бироқ кеч бўлган эди. Тан империяси учун воқеалар оқими бундан ҳам омадсиз бўлишини тасаввур этиш қийин.

⁷ Иакинф Бичурин, *История Тибета...* 93-94-б.,

⁸ *Уша асар*, 95, 135, 163-б.

Эҳтиёткор Донцан Гаоцзун билан келишишга уриниб кўрди, бироқ унинг Тогонни бўлиб олиш ҳақидаги таклифи рад этилди. Донцан ўзидан қобилиятда қолишмайдиган тўрт ўғил қолдириб оламдан ўтди: тўнғич ўғли Цинлин улуғ маслаҳатчи бўлди, кичиклари эса аскарий бошлиқлар бўлишди ва уруш бошланди.

Империя ҳукумати яна жуда оғир аҳволга тушиб қолди, сара қўшинлар ҳамон Кореядаги урушда банд бўлиб, бу мамлакатни босиб олиш 668 йилдагина охирига етган эди. Шу давр мобайнида, Бичурин келтирган маълумотига кўра тибетликлар қянлар яшайдиган 12 вилоятни ишғол қилади ва лашкарини ўзларига қўшилган дансян (тангут) ва хорлар (тогон) ҳисобига қувватлантиради. 670 йил теваарагида Тибет лашкари Тарим ҳавзасига бостириб киради, туркутлар хайрихоҳлиги ва Хўтан билан иттифоқидан фойдаланиб, Куча деворларини бузиб ташлайди ва натижада Сучжоу (Турфон)дан бошқа бутун “Фарбий ўлка” тибетлар қўл остига ўтади.⁹

Йўқотганларини қайтариб олишга интилган хитойлар Тибетга катта қўшин юборади, аммо Бухайн-голда бўлган жангда қириб ташланади. Хитой генерали Се Жин-гуй тибетликлар билан яраш сулҳи тузгандан кейингина чекиниш имконига эга бўлади (670 й.). Тибетликларга қарши юборилган бошқа қўшин, ҳарбий бошлиғи ўлиб қолгани сабабли йўлдан қайтади. Ана шунинг билан урушнинг биринчи босқичи тугайди.

Тибетликлар Тан империясига икки марта – 672 ва 675 йиллар тинчлик битими таклиф этади, бироқ Гаоцзан буларни рад этган, 676 йилга келиб эса уруш қайта бошланди.

Туркутларнинг тугатилиши. Бухайн-голдаги оғир мағлубият ва яна ён босишларга имкон йўқлиги сабабли империя ҳукумати Тибетга қарши курашда янги воситалар излашга мажбур бўлди. Бунинг учун фарбий туркутлардан фойдаланиш керак деган, қарорга келинди.

Халқни тинчитиш учун оқсоқол Ашина Дучжи 671 йилда аскарий бошлиқ ва айни пайтда Фуян¹⁰ волийси этиб тайинланди. Аслида буни уддалаб бўлмас эди. Ашина уруғига нисбатан анъанавий ҳурмат VII юзйиллик ўрталаригача сулолани тахтда ушлаб келди, бироқ сўнги хонлар хитойларнинг содиқ хизматкорлари ва ўз халқининг душманига айлангач, бу ҳурмат бефарқлик билан алмашинди. Империя бошқаруви кўчманчи минтақаларда эътибор қозона олмади. Дучжи ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун Тибет билан иттифоқ тузди ва 676 йилда ўзини хон деб эълон қилди.

⁹ Уша асар, 136-138-б.

¹⁰ Фуян – чумугунлар вилояти, яъни Эбинор ҳавзаси.

Урушни қайта бошлаган тибетликлар Ғарбий Хитойнинг то Чанъангача¹¹ бўлган қисмини яғмо қилдилар, империя лашкари эса ҳаракатсиз ҳолда эди. Навбатдаги 677 йилда Тибет лашкари Дучжи кўшини билан кўшилиб, аҳолининг хайрихоҳлиги ва фаол кўмагида¹² Кучани империяликлардан озод қилди. Бу Дучжининг тақдирини ҳал қилган ҳодиса бўлди.

Дучжига қарши мансабдор Пэй-Хин-гян кўшин билан юборилди, аммо иш тўқнашувгача етиб бормади. Хин-гян, форс шаҳзодасини тахтга ўтқазиб ва дашиларни (арабларни) тинчлантириш учун кетяпман, деб овоза тарқатди. Турфонга етиб келгач, қишлаш учун қолиб, ов билан машғул бўлди, овга омон қолган Хитой мансабдорларини таклиф этди. Таклиф этилганлар орасида Дучжи пайдо бўлганида, уни тутуқлаб Хитойга юборишди (679 й.). “Ўша вақтдан бери тўққиз аймақ жуда кучсизланди”¹³ 20 йил ичида қанчалар ўзгариш!

Мише ўлдирилганда кўзғолон кўтарилди, Дучжи қамалганда ҳеч кимнинг пинаги бузилмади. Шу 20 йил давомида “туркут” номининг ўзи ғарбда ғойиб бўлиб, ўрнига “ўн ўқ” ишлатила бошланди. Ўн ўқ туркларнинг ўзи уларни Хитойга тобе қилган бирлашишда маъно кўрмай кўйдилар ҳамда икки авлоднинг насллари (дулу ва нушиби) кундан кунга бир-биридан узоқлашиб бордилар.¹⁴

Тартибсизликлар келтириб чиқарувчи тушунмовчиликларни бартараф қилиш учун Дучжи ўрнига хитойлар икки шаҳзодани – Мишенинг ўғли Юанкинни ва Бучженнинг ўғли Хушэлони тайинлашди. 693 йилда Юанкин дорга осилди, чунки у Хитой тахтининг собиқ шаҳзодаси билан алоқада айбланган эди. Юанкиннинг ўғли Ашина Суйцзи¹⁵ тибетликлар билан тил топишиб, 694 йилда кўзғолон кўтарди, бироқ мағлуб бўлди. Ҳокимият юзаки бўлса ҳам Хушэло кўлида тўпланди, бироқ тургашларнинг кучайиши уни Хитойга кетиб, 60-70 минглик ўз тарафдорларига кўшилишга мажбур қилди.

Туркутлар тарихи шундай тарзда тамом бўлди.

“Ғарбий ўлка” учун кураш. Ўзининг энг юқори нуқтасига 679 йилда кўтарилган тибет-хитой урушининг оний ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда ғарбий ва шарқий турклар орасида Хитойга қарши кайфият кучайиб борди. Империя ҳукумати тибетликларни ўз

¹¹ Шанжжоу, Кхочжоу, Хечжоу ва Фанчжоулар олинган эди.

¹² E. Chavannes, Documents..., 74–6.

¹³ Н.Я. Бичурин, Собрание сведений..., 1 ж., 294–6,

¹⁴ Уша асар (масалан, Кибу – чурнинг 682 й. кўзғолони). Қаранг: E. Chavannes, Documents..., 281–6., 3-изох.

¹⁵ E. Chavannes. Documents..., 281–6, 7-изох.

тоғларига ҳайдаб юбормагунча даштда тартиб бўлмаслигини жуда яхши англашар эди. Ана шу мақсадда катта қўшин (180 минг аскар)¹⁶ юборилди. Раҳбари этиб “давлат котибни” Ли Цзин-сюан тайинланди. Бу киши ўта айёр бўлса-да, ҳеч қандай аскарый истеъдоди йўқ эди. Хитой воқеаёзари Ли Цзин-сюанни тайинлашда унинг ашаддий рақиби, жоҳил Се Жин-гуй роли катта бўлганлиги ва у бу тайинланиш билан уни подшоҳнинг ғазабига дучор этмоқчи бўлганлигини таъкидлайди.

Бошланишида хитойларга омад кулиб боқди, кейин эса Кукунонор кўли ёнида тибетликлар уларни қуршаб олди. Асосий қисмидан ажралиб қолган Хитой аванғори қириб ташланади, қўшиннинг ўзини эса тоғга тақаб, алоқалари узиб ташланди. Хитойларни сўзсиз ҳалокатдан наслан корейс бўлган Хэчи Чан-чжининг тунги ҳамласи қутқариб қолди. У баланд бўйли, кучли, ниҳоятда қўрқмас¹⁷ бўлиб, Тайцзун эркалаган “илохе” (мард йигит)лардан бири эди. У 500 сара жангчиларни бошлаб, тибет қароргоҳига бостириб боради, ваҳима солади ва тўсиқлар орасидан ўтадиган жой очади, ана ўша жойдан яқиндагина даҳшатли бўлган лашкарнинг соғ қолган қисми ўтиб қутулади.

Гаоцзун ғазабда кенгаш чақириб, тибетликларни нима қилиш мумкинлигини ҳал этмоқчи бўлади, бироқ саройдагиларнинг фикри ҳар ердан чиқиб, ҳеч қандай қарор қабул қила олмайдилар. Тибет хавфи энди Хитойнинг ўзи устида осилиб турарди. Ўша 679 йилда цэнпо Манроманцан ўлиб, ўрнига саккиз яшар ўғли¹⁸ Дудсрон¹⁹ ўтиради, унинг замонида Цинлин укалари билан бутун ҳокимият тизгинини қўлига олади.

680 йилда тибетликлар Хитойга суқилиб кирдилар ва Ли Цзин-сюанни тўлиқ мағлуб этдилар, аммо Хэчи Чан-чжи ўн минг кишилик сара “қаллакесар отлиқлар” (ту-ки) билан кечаси тибетликлар қароргоҳига зарба бериб, уларни чекинишга мажбур қилади. Бу ғалабадан кейин чегара чизиги бошлиғи этиб тайинланган Хэчи Чан-чжи 70 та ишорат нуқтаси қуради ва давлат ерида аскарларини нон билан таъминлаш учун деҳқончилик ташкил этади. Шунга қарамай, Хитой чегараларида яшовчи қянлар²⁰ ёрдамида тибетликлар чегарани ёриб Юннанга кирадилар ва

¹⁶ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 142-б.

¹⁷ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 292-б.

¹⁸ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 143-б.

¹⁹ Дю-сонг (В. А. Богословский, *Очерк истории...*, 50-б.); Гун-срон-ду рже (E. Schlagintweit, *Die Könige von Tibet*, 50-б.), хитойча: Цинун Синун (Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 143-б.).

²⁰ Дансянлар, яъни Сариқ дарёнинг ўнг қирғоғи, Кукунонор кўлидан жанубдаги ерларда яшовчи тангутлар (қ: Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 237-б.).

маней²¹ номи билан маълум бўлган ярим ёввойи ўрмон қабиласини бўйсундирадилар.

Навбатдаги 681 йилда тибет саркардаси, Цинлиннинг укаси Цзанбу ички Хитойга киришга уриниб кўради. Гарчи Хэчи Чанчжи ҳужумни қайтарган бўлса ҳам, бу фақат мудофаанинг муваффақияти бўлиб, хитойлар учун даҳшатли фожиага айланиб бораётган аҳволни яхшилаш олмас эди. 689 йилда Фарбий ўлкада турган хитой қўшини тибетликлар томонидан мағлуб этилганида бундан ҳам баттар бўлган эди. Ваҳимага тушган Хитой ҳукумати Фарбий ўлкадан воз кечишга шай бўлиб турганида²² тарихёзар Цуй-юн нима бўлишидан қатий назар Фарбий мулкларни қўлда сақлаб қолиш зарурлигини исботлаб ҳисобот тайёрлайди, чунки қадим замонларда “бундайларнинг хунларда ўнг қўлини кесганлар... Агар тўрт тафтишликда гарнизонлар ушлаб турилмаса, Туфан (тибет) қўшини Фарбий ўлкага шу замон киради, Фарбий ўлкага гулгула тушса, бу албатта, жанубий кянларга ҳам ўтади. Агар булар улар билан иттифоқ бўлишга муваффақ бўлса, Хэсига хавф солганиши сўзсиздир... Агар шимол Туфан билан аралашса ўн бўгин (Фарбий туркутлар) ва Шарқий Туркистон биз учун йўқ бўлади”.²³

Бу саҳнанинг таъсири кучли бўлди: фарбий турклар билан тўлдирилган янги лашкар ҳозирланди ва у 692 йилда тўлиқ ғалабани қўлга киритиб, фарбий ўлкани тибетликлардан озод қилди. Шу пайтлардан кян ва манилар тибетликлардан кўнгли совиб, Хитой ҳомийлиги остига қайтди. Айримларини тибетликлар ушлаб қолишга улгуришди, лекин қутулганлар Хитой ичкарасидан ер олиб, фарбий чегара мудофаасини кучайтирди.

Тибетликларнинг шаҳзода Ашина Суйцзи ёрдамида фарбдаги ҳукмронлигини тиклаш учун уринишлари ҳам муваффақиятсиз чиқди ҳамда ҳукмдорнинг укалари томонидан уюштирилган ҳужумлар ҳам мағлубият билан тугади (695 й.).

Бироқ Цинлин ўжар эди. 696 йилда Лянчжоуга (Алашанда) бостириб киради. Тўлиқ ғалабага эришиб, тинчлик таклифи билан элчи жўнатади. Цинлин империя гарнизонларини тўрт тафтишликдан олиб чиқиб кетилишини, нушибилар ҳудудини Тибетга бериб, империяда дулу ўлкаси қолишини талаб қилиб туриб олди. Хитойлар эса, собиқ Тогон ҳудудларини қайтаришни талаб қилишди, аммо Тибетдаги ички вазиятдан хабардор бўлганликлари

²¹ Мани — жанубий ўрмон қабилаларининг умумий номи (қ: Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 27-б.).

²² Тибетга қарши юборилган лашкар 690 йилда йўлдан қайтарилган эди. (Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 146-б.).

²³ *Ўша асар*, 147-149-б.

туфайли музокараларни атайлаб чўза бошладилар.²⁴ Мўлжал тўғри олинган экан. Тибетдаги можаролар ва давлат тўнтариши Тан империясини яна бир карра сақлаб қолди.

Тибетдаги тўнтариш. Зафарлар алмашилиб турилган урушнинг чўзилиб кетиши Тибетни ҳам, Хитойни ҳам толиқтирди, бироқ толиқиш тарзи иккала давлатда икки турли бўлди.

Хитой жамоатчилиги империя ҳукуматигагина керак бўлган четдаги ҳудудлар учун олиб борилаётган урушга қарши эди, бунинг устига империя ҳукумати халқ орасида обрўсини анча кетказиб қўйган ҳам эди. Хитойлар тинч-хотиржам деҳқончилик, ҳунармандчилик билан ҳамда мумтоз адабиёт билан шуғулланишни истаб, буни сувсиз даштда, қор кечиб тоғда саргардон бўладиган юришлардан афзал кўрарди, албатта.

Империя ҳукуматининг ташвиши душманлар сони кўпайиши билан ҳам ортиб борди: араблар Ўрта Осиёдаги ҳудудларига таҳдид қила бошлади, турклар бутун шимолни босиб олишди, шарқда мукри ва киданлар ғалаёни бошланди. Ҳаммасига аскар керак, лекин ўз ҳарбий мавқеларини ушлаб туриш учунгина аскарий тўлдирмаларнинг барчасини Тибетга жўнатишга тўғри келмоқда эди. Шунинг учун империяликлар ҳам тинчликни истаб қолишди.

Тибет ичида ҳам ҳамжиҳатлик йўқ эди. Ташқаридан мамлакатга ҳар йили ўлжалар мунтазам келтириб турилса ҳам,²⁵ унинг энг катта қисми Гар оиласига, яъни Цинлин қариндошларига тегарди.

Бу бошқа эътиборли уруғлар ва эркин жангчилар оммасининг норозилигини келтириб чиқарди.²⁶ Кўп ҳолатларда бўлганидек, ҳукмрон уруғ душманлари тахтда ўтириб, ҳокимиятдан четда қолган цэнпо томонида бўлдилар. Ўша вақтда Дудсрон 25 ёшга тўлган эди. Дунхуан воқеаномасига кўра унинг ақли тиниқ ва сотқинларни шафқатсиз жазоларди. Уни асл тибетликлардан ташқари непаллик жасур тоғликлар ва Тан империяси қатлиомидан Тибетга қочиб жон сақлаган ғарбий туркутлар қўллаб-қувватларди.²⁷

Империя элчилигини Тибетга киритиб Цинлин хатога йўл қўйди. Хитой дипломатлари ҳукмдор ва цэнпо билан тинчлик ҳақида музокара юргиза туриб, совға-саломлар билан бошида цэнпо турган фитна уюштиришга ҳаракат қилдилар.

²⁴ *Ўша асар, 153-б.*

²⁵ *E. Schlagintweit, Die Könige von Tibet, 50-51-б.*

²⁶ Бу ҳақда Дунхуан воқеаномасида аниқ айтишган: “Кичкина водий Чапуда фуқаро ҳукмдор бўлишга интилади. Гаранинг ўғли ҳукмдор бўлишга интилади.” (Қаранг: В. А. Богословский, *Очерк истории...*, 52-б.).

²⁷ *Ўша асар, 50-б.*

Кураш 695 йилда Дудсрон Гар оиласи аъзоларидан бирини осдирганидан бошланиб кетди. Қатл тугаши биланоқ цэнмо (цэнпонинг хотини), ўзининг қариндошлари бўлса керак, кўп кишиларни чақиртирди.²⁸ Мақсад — тахтни гар оиласига бўйсунувчи ҳаракатдаги лашкар уюштириши мумкин бўлган суъиқасддан асраш.

699 йилда фитначилар сурукли ов баҳонаси билан жангчиларни йиғади ва тўрт мингдан ортиқ ҳукумат тарафдорларини тутиб ўлдиради. Сўнг эса Дудсрон ҳукмдорни қўшиндан пойтахтга чақиради, бироқ у нақд ўлимга чақирилаётганини билиб, қўшини содиқлигига ишониб кўзғолон кўтаради. Лекин жангчилар ўз подшоҳлари (цэнпо) тарафини олиб саркардаларини ташлаб тарқалиб кетишади. Ҳеч қандай нажот йўқлигини кўриб турган Цинлин юзлаб сафдошлари билан биргаликда ўзини ўлдиради. Орасида тирик қолиб яшашни истаганлари эса Цинлиннинг ўғли орқасидан эргашиб, Тан империясига ўтиб кетишади. Уларни ҳурмат билан кутиб олишди, орқага — Тибетга йўл йўқлиги учун чегара қўшинига қабул қилишади.

Вазият кескин ўзгариб турарди. Тибет саркардалар ва тажрибали жангчилардан маҳрум бўлди, Хитой 8 минг чиниққан аскарларга эга бўлди. Табиий, империя ҳукумати тинчлик музокараларини тўхтатди ва уруш барча жабҳаларда қайта жонланди. Энди империянинг қўли баланд кела бошлади. Хитойларнинг ўзлари ютуқларини Тибетнинг янги саркардалари тажрибасизлиги билан боғлар эдилар. 700 ва 702 йиллардаги босқинлар тибетликлар катта талофат бериши билан қайтарилди.²⁹ Дудсроннинг тинчлик ва хитой маликаси билан никоҳи борасидаги таклифига қўшиб юборилган туҳфа ҳам наф бермади. Чегара урушлари давом этаётганига қарамай³⁰, Тибет ичкарасига кириб олган хитой дипломатлари ўз ҳукуматларини цэнпо Дудсрон дуч келаётган янги қийинчиликлар ҳақида хабардор қилиб турдилар. Непал, Ҳиндистон каби жанубда Тибет таъсирида бўлган ерларнинг барчасини кўзғолон қамраб олди. Дудсрон 703 йилда ҳиндларга қарши юришда ҳалок бўлди.³¹ Галаба империя томонда бўлди-ю, бироқ у бироз кечиккан эди. Тибет-Хитой урушидан шарқий туркутларнинг авлодлари — кўк турклар фойдаланиб қолдилар. Улар орасида 50 йил давомида норозилик кучайиб пишиб етилди ва эҳтирослар портлаши ҳамда қон тўкилиши бошланди.

²⁸ *Ўша асар, 51-б.*

²⁹ *Иакинф Бичурин, История Тибета..., 154-155-б.*

³⁰ *703 йилда хитой элчиси Кам Кэнг цэнпога эҳтиром кўрсатди (В. А. Богословский, Очерки истории..., 52-53-б.).*

³¹ *Бу санани устун тутмоқ лозим (Б. И. Кузнецов, Тибетская летопись, 76-б.; И. К. Син-ха, А. И. Банержи, История Индии, 100-б.; қиёс: В. А. Богословский, Очерк истории...).*

Цэнпо ўлимидан сўнг яна қабилалар кўзғолони, аёнлар галаёни авж олди. Дудсроннинг укаси эса Непал тахтини бой берди.³² Лекин 705 йилдаёқ Ба ва Дро каби таниқли оилалар тартиб ўрнатиб, Хитойга келган Тибет элчиси тахтга янги цэнпо – Мзагцома³³ ўтиргани ҳақида хабар беради. Унинг ҳукмронлиги чоғида буддавийлар ўз мавқеини сақлаб қолишди. Ибодатхоналар қурилиши, муқаддас китобларни таржима қилиш, ҳинд олимларини таклиф этиш давом эттирилди.³⁴ Буддавийлик ва бон ёнма-ён яшашга ҳаракат қиларди.

XX Боб

ХАЛҚНИНГ ЯНГИЛАНИШИ

Олтой тоғларида. Тоғли Олтойнинг шарқий қисмида ҳозир теленгитлар яшашади. Уларнинг таркибига бир суяк (уруғ хили) сифатида, қадимий ном билан “төлс” ҳам киради. Теленгитлар қора татарлар (йиш киж) билан шимолда, тувалар билан шарқда, қозоқлар билан жанубда, ғарбда эса асл олтойликлар (олтой киж) билан қўшнидирлар. Ўтиш қийин довлари бўлган баланд тоғ тизмалари теленгитлар яшайдиган жойнинг табиий чегаралари бўлиб, бу муаян даражада уларнинг тилида акс этган (Олтой тилининг теленгит лаҳжасида кўп миқдорда мўғул тилининг унсурлари бор) ҳамда ўзини бошқа Олтой қабилаларига зид қўйиши каби ўзига хосликлар сақланиб қолишига имкон берган.

Чулишман, Бошкаус ва Улаган водийсида яшайдиган шимолий теленгитлар ўзларини теле деб атайди. Бу минтақа жанубий қисмидан баландликдаги яйловлари ҳамда ўзаро кесишадиган Кубадру ва Чибитсу тоғ сойликлари билан ҳам ажралиб туради. Жанубий теленгитлар Чуи дарёсининг қуйи оқимида, то у Катунга қуйиладиган жойигача бўлган ерларда яшайдилар ҳамда ўзларини “чуй киж” (чуй киши(си)) деб атайдилар.

“Теленгит” атамаси маъноси толос атамаси маъносидан кенг бўлиб, ўзларини төлс деб атамайдиган кишилар жамоасини ҳам ўз ичига қамраб олади. Төлслар билан бирга суяк-авлод номлари ҳам учрайди: аз¹, сойон, майма ва бошқалар.

³² В. А. Богословский, *Очерк истории...*, 54-б.

³³ Тахтга ўтирганида 7 яшар эди. Демак, ҳокимият яна уни тахтга ўтқазиб, унинг номидан бошқармоқчи бўлган оила қўлида эди. Унинг тўлиқ исми – Тридецуктэн Мзагцом.

³⁴ Кузнецов Б. И. *Тибетская летопись...*, стр 25

¹ В. В. Бартольд ушбу қабил аجدодлари Енисей остяклари – ассиларга дохил деб ҳисоблайди (*W. Bartold, Histoire des Turcs...*, 28-б.), Р. Жиро эса эроний аланларга дохил деб “аз”ни турж-эрон сўзи “зорностай” деб билади (*R. Giraud, L' Empire des Turcs...*, 193-196-б).

Толослар қачонлардир ҳукмрон суяк бўлиб, толоснинг ўзи каби қадимий этник ном бўлмиш теленгит номига ўтиб борган. XII юзйилликларда теле қабилаларидан бири ҳисобланмиш теленгитлар (хитойчаси: долангэ) Ордос фарбидаги Хангайнинг жуда кенг майдонига тарқалганлар.²

Толос номининг Ўрхун битикларида қайд этилган “тўлис” билан ўхшашлиги Аристовнинг диққатини тортади,³ лекин у шунчаки изоҳ билан чегараланади, чунки унинг замонида Ўрхун ёдгорлигидаги “тўлис” ҳали аниқланмаган бўлиб, қизғин мунозаралар кетаётган эди. Фарб шарқшунослари Томсен, Хирт ва Шаваннлар тўлисларни хитой воқеаномаларидаги теле билан бир деб ҳисобласалар, рус олимларидан Бартолд, Мелиоранский, Аристов ва Грумм-Гржимайлолар тўлисларни асил турки қабилалардан бўлиб, “телелардан фарқланади”⁴ деб иддао қилдилар. Фарбий Европа олимлари ўзларининг нуқтаи назарини ҳақ деб ҳисоблаб, бунинг исботи учун далиллар излашга, исботлашга қўл уришмади. Аристов этнонимика асосида тадқиқотлар олиб бориб, телеларнинг авлодлари телелар эмас, балки телеутлар эканлигини аниқлади.⁵ Грумм-Гржимайло эса тарихий материаллар асосида айнан шундай хулосага келди.⁶

Тўлослар билан теленгитларнинг бирлашиши фақат XVIII юзйилликнинг ўрталарида, яъни ойратларнинг тобелари бўлган теленгитлар император Цян лун ойратларни битта қўймай қириш буйруғини берган чоғида манчжурлардан қочиб, Олтой ва Фарбий Мўғулистонга келиб қолганида содир бўлди. Теленгитлар бу ўлкага VII аср ўрталарида туркут шаъни ва мустақиллигининг охириги ҳимоячиси бўлган Чебихон билан келиб қолган ва аста-секин телелар билан чатишиб кетганлар.⁷

Телелар ўз аждодлари тўлос суякли туркутларга кам ўхшайди, бу табиийдир, зотан, минг йил қоялар, қалин ўрмон ва душманлар билан ўралган халқда кўп ўзгаришлар бўлади. Бироқ археология аждодлар ва насллар орасидаги боғланишни тиклайди.

Баланд тоғлар орасига яшириниб олган кичик бир халқ яшаб қоладиган ёдгорликлар қолдирмаса тарих учун йўқолиб кетиши ҳеч гап эмасди. Туркутларнинг тўлос суяги қабрлари шарқий Олтой ёнбағри чўлларининг ҳамма ерида учрайди. Булар тош тўсиқлар ва

² Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 248-б.

³ Н. А. Аристов, *Заметки...*, 67-б.

⁴ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 283-б. Далиллар ва масала тарихи баён этилган.

⁵ Н. А. Аристов, *Заметки...*, 67-б.

⁶ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 284-б.

⁷ Л. Н. Гумилев, *Алтайская ветвь...*, 105-106-б.

улар билан боғлиқ бўлган чопонли, белида қилич ва ўнг қўлида косага ўшаш идиш ушлаган ёноқдор эр кишининг тош ҳайкалчаларидир.⁸ Бу тош тўсиқлар ичида тез-тез кул топилиб турадики, бу мурданинг ёқилиши қолдифидир.⁹ Қабрларнинг шарқ томонида бир қисми ерга киритилган ва дағал йўнилган тош — балбаллар бирин-кетин тизилиб боради.¹⁰ Булар марҳумнинг қахрамонлиги ёдгорлигидир: ҳар бир балбал у ўлдирган душман тимсоли. Кўплаб қабрларда балбал йўқ. У қабрларга аёллар ва болаларнинг кули кўмилган бўлса керак.

Балбаллар бир-биридан кескин фарқланувчи икки шаклга эга: учи қирра ва учи йўнилган. Юқорида Ўрхўн ёдгорликларида келтирилган, ҳар бир балбал муайян кишини акс эттиради, деган гувоҳликни ҳисобга олсак, бундай фарқланиш таосдий бўла олмайди. Бу ерда, кўпроқ муҳим этнографик белги — бош кийими акс этган. Даштдилар ҳанузгача учи учлик малахай киядилар, олтойликлар эса ясси айлана қалпоқ¹¹ киядилар.

⁸ *Уша асар, 107-111-б.*

⁹ *Л. П. Кизласов "тош тўсиқлар қабр эмас, балки улгаичларни йўқлаш жойи," деб ҳисоблайди, кул ва ҳайвонлар суюқларини "бу ерга олиб келиб тошлар билан кўмилган" деб изхалайди. Бироқ у туркутлар нима учун бундай қилганиликларини шарҳлашга интилмайди (Қаранг: Л. П. Кизласов, Тува..., 57, 62-б.). Кизласов Л. А. Евтюкова ва С. В. Киселевлар фаразини такрорлайди (Қаранг: Л. А. Евтюкова, Каменные изваяние..., 130-131-б.; С. В. Киселев, Древняя история..., 54б-б.), лекин янги далиллар келтирмайди ва менинг билдирган фикрларимни инкор ҳам қилмайди. Л. П. Кизласов таъкидлаган қиздирилган ернинг йўқлиги, бу ерда марҳум руҳи эланганлигидан эмас, балки кулини кўмиш билан боғлиқдир, бинобарин, жасади ерда ёқилган, ёғоч устида ёқиш қулайдир. Бу ўринда мурдани ёқиш тўлиқ-бўлмай, дафн удуми таъсиғига зидлик бор. (Қаранг: Л. Н. Гумилев, Алтайская ветвь..., 107-б.). Бундан ташқари "тош тўсиқлар"нинг бирида (Мешейлик) инсон суюқлари топилган (А. Гаврилова, Кудирее, 9-б.). Л. П. Кизласов, фақат аслодалар жасади ёндирилган, деб таъкидлайди. Бунинг далили учун 630 йилда юкүмли касалик тарқалганда "Далгои деворининг жанубий томонида инсон суюқлари үкүми ётганлигини" келтиради (Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., 1 ж., 256-б.). Бу жасадлар ёқилишига улғурилмаган, халос. 628 йилда Тайцзун туркут ҳақонлиги ҳалокатининг беш асосини санаб: ёзда аёз, осмонда беш кўеи, қизил туманлар қаторига туркутлар марҳумларни ёқишни тўхтатишлар, бу одатнинг бузилиши бўлиб, худодлар ва руҳдан ҳалокат чақиритишлар, бу одатнинг бузилиши *Nachrichten...*, 193-б.). Аниқ кўриниб турибдики, жасадини кўмиш анъанани даҳиятли тарзда бузиш ҳисобланган, тартиб тикланганда, яъни 634 йилда Кат Элхоннинг, 639 йилда унинг жияни Хэлахунинг жасадини ёқилган (*Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten...*, 203-б.). Л. П. Кизласов одат алмашини ҳақидаги матндан бир гапни узиб олади-да, ва шу асосда "турк-туғо VI-VIII асрларда ҳамма ерда от билан кўмиш одатига риоя қилган" деб хулоса чиқаради. (Тува..., 53-б.). Л. П. Кизласов фикри, бизнингча, туркут хонининг турк номини мерос қилиб олган кўчманчи тобеларга нисбатан тўғридир. Бироқ бу туркутлар — "туркларнинг юқори табақа"сига, ҳўкмон табақага тўғри келмайди, улар Кизласовнинг ўзи эътироф этганидай жасадини ёқишган.*

¹⁰ Қабр теварағидаги балбаллар, менинг ҳисобимга кўра, 0 дан 51 гача етади, энг кўп учрайдигани 4-5. Л. П. Кизласов ҳам шунга яқинроқ миқдорни келтиради (Тува..., 62-б.).

¹¹ VIII юзйилликка доир ёдгорликларда ҳам ана шундай шакллардаги бош кийимлар қайд этилган (Қаранг: Л. Н. Гумилев, Статүэтки...)

Туркутлар VII асрда Олтойга келганларида, уларнинг душманлари, бир томондан, туб аҳоли — олтойликлар, иккинчи томондан, дашт қабилалари — қозоқларнинг аجدодлари бўлган. Туркутлар VII-IX юзйилликда ана шу иккала томон билан ҳам кураш олиб боришган бўлса керакки, бу балбаллар шаклида ўз ифодасини топган. Агар бу фикр тўғри бўлса, биз шуни таъкидлай оламизки, дашт билан кураш анча муваффақиятли бўлган, яъни биз ўрганган 486 балбалдан 329 таси учқур учли, 157 сининг учи яссидир. Чебихон замонидан кейин ҳам дашт кўчикларига ҳамлалар, ўрмондаги ҳар бир дарахтни, дарадаги ҳар бир тошни яхши билган тоғлилар билан курашдан кўра анча муваффақиятли бўлган кўринади. Балки шунинг учун ҳам ясси бошли балбаллар учи қирралилардан кўра йирик-роқдир.

Бизда VIII-X аср туркут-тўлбслари¹² ҳақида тарихий маълумотлар йўқлиги туфайли (ҳатто тилсиз совуқ тошлар берадиган бир чимдим дараклар ҳам катта қиймат касб этади, албатта), бу курашларнинг икки-чикири бизга номаълум бўлиб қолаверади, аммо унинг умумий оқими ва йўналишини аниқлашнинг ўзи ҳам тарих фани учун катта ютуқдир.

Икки юз йил янги муҳитда яшаган халқ ўзгармаслиги мумкин эмас. Уларни Олтой тоғларига ҳайдаб келган аввалги қудратни тиклаш нияти рўёбга чиқмаслиги аён бўлди, вақт улар умидини оқламади.

Даштда бошбошдоқлик ҳукм сурган кезлардан туркутлар эмас, киданлар фойдалана олишди, туркутлар энди тарих саҳнасига бошқа кўтарилди олмадилар. Нега? Бунга жавобни табиий ва иқтисодий география бера олади.

Туркутлар — аслан даштли чорвадор халқ. Улар илк бор яшаган Катта Олтойнинг жанубий қияликлари чўл кенгликларидан ҳам фойдаланиш имконини берар, ўрмон эса унинг хўжалигининг асоси бўлмиш кўчманчи чорвачиликни тўлдирар эди, холос. Тоғларга ҳайдалганда ҳам улар ўз турмуш тарзининг асосини сақлаб қолди, фақат подалари учун яйловлар майдони шимолдаги қияликларнинг дарё ҳавзалари билан сиқиб қўйилган эди. Подалар саногини камайтириш мумкин эмас эди, шунинг учун туркутлар ўз истеъмоли учун манбалар доирасини кенгайтириш эҳтиёжини даштда қўл келадиган сурукли ов билан эмас, балки ундан кўра анча машаққат-

¹² Чебихон сафдошларининг кўпчилиги тўлбслар эди. Улар тўлбс хони Шибобининг хоинлигини кечира олмаганлари бўлса керак. Дастлаб булар алоҳида қабила сифатида мавжуд бўлиб, XIX асрда теленгитлар таркибига бир уруғ-суяк сифатида кирганлар. Тардушлар Олтойга камроқ миқдорда келишган, лекин улар ҳам теленгитлар ва олтой-кижилар таркибига “тодош” номи билан “суяк” сифатида кўринади (Қаранг: Н. А. Баскаков, Алтайский язык, 28-29-б.).

лироқ бўлган ўрмон якка ови билан қоплашга ўтдилар. Янги шароитга мослашаётган халқ таъминланиш жихатидан аввалгисидан яхши бўлмаган хўжаликнинг янги турини яратди. Олтой яйловларининг Сибир кутб орти иқлими каби кескин бўлган об-ҳавоси билан курашишга ҳам кам қувват сарф этилмади.

Натижада, халқ янги бир сифатларга эга бўлиш билан бирга табиийки, эскиларини ҳам йўқотиб борди. Жангари кўчманчи чорвадордан эрксевар ўтроқ чорвадор бунёд бўлди. Хулласи калом, туркутлар телеларга айланди.¹³ Бу бурилиш нуқтаси IX аср ўргаларига тўғри келади, ана шунда улар Хитойга элчилик юборишни эскилик сарқити, ортиқча дахмаза, деб билган эдилар. Шунинг билан бир қаторда булар кичик бир халқ бўлса ҳам ҳали ўзини ўзи эплай олар эди. Найманлар телелар мулкининг шарқий ва ғарбий қисмини қўлга киритганига қарамай, уларнинг тоғли Олтойнинг шарқий қисмига тиши ўтмади. “Юан чаомиши”да 1207 йилда Жўчихон томонидан бўйсундирилган эркин қабилалар сирасида телелар ҳам тилга олиншидан¹⁴ ҳам буни кўриш қийин эмас. Мана шу билан телелар мустақиллигига узил-кесил барҳам берилди.

Шимолӣ чўлларда. Эндигина тор-мор ва яғмо этилган шимолда, Хитойнинг “адолатли уруши” вақтида босиб олинган жанубда Тан империясининг ягона ҳалқасини ёриб юбораман, дегудек шиддатли тикланиш ишлари кетарди. Гоби саҳросининг икки томонида турмуш тарзи яқин бўлган, интилишлари ва маданиятида ўзига хос бўлган икки халқ – кўк турклар ва уйғурлар шаклланмоқда эди.

Дашт – ҳаёт кечириш учун мумкин бўлган ер. Даштнинг ўртасини ўрмон билан қопланган тоғ тизмаси кесиб ўтган, бу ажойиб бир манзара ҳосил қилиш билан бирга хўжалик юритиш учун кенг имкониятлар яратган эди. Бироқ даштга шимол томондан тайга – ҳаёт кечириш учун ноқулай бўлган, хўжалик юритиш учун энг кам имкорниятлар берадиган жой – улангандир. “Тайга денгизи” – ўрмон-чўлни ўрмон-тундрадан ажратиб турадиган ўрмонли минтақага энг муносиб атамандир. Бу кутболди қабилаларининг яшаш маскани ҳамдир. Чўл қўлтиқ бўлиб шимол томон кириб боради, ана шундайлардан энг аҳамиятлиси VII-VIII асрларда Енисейнинг юқориги минтақаси бўлган. Ана ўша ерда на турклар ва на уйғурларникига ўхшамаган қирғизларнинг чекка маданияти

¹³ Телеларни телелар билан чалкаштириб юбормаслик керак. Телеларнинг авлодлари телеутлардир. (Қаранг: Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 283-284-б. Масаланинг тархи ёритилган.)

¹⁴ Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 147-б.; С. А. Козин, Сокровенное сказание, 175-б.

яратилган. Тилдаги ва ёзувдаги ўхшашликка қарамай, баъзи бир хусусиятлари билан қирғизлар турк ва уйғурлардан узоқ эди. Улар умумий тараққиётни белгиловчи тинимсиз кураш уйғунлиги ва яхлитлиги саҳнида тенгбурчакли учбурчакнинг учинчи учини ташкил этадиган кўринади.

Қирғизлар шимол ва шимоли ғарб томонида Марказий Осиё билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган халқлар, аниқроғи қабилалар билан қўшни эдилар. Булар энг қадимги сибирликлар бўлиб, қўшниларига ўзини қарама-қарши қўя оладиган ёки бир-бири билан тил топишадиган даражада уюша олмаган эдилар. XVIII юзйилликка нисбатан VII юзйиллик Сибири этник жиҳатидан турли-туман эди. Худди Кавказда кўп халқларнинг қолдиқлари макон топгани каби Сибир тайгасида ҳам бундан 2000 йил олдин шиддатли тараққиёт йўлига тушган қабилалар қолдиқлари яшар эдилар.¹⁵ Қирғизлар худудининг Сибир тайгаси қабилаларига бевосита яқинлиги табиий муҳит билан бирга қирғиз салтанатининг имкониятлари ва ривожланиш йўналишини белгилаб берди. С. В. Киселев тадқиқотларига мувофиқ Қирғиз хонлиги бошида қоғон//қоон турувчи бир неча қабилалар бирлашмасидир.

Манбаларда қирғиз хонлигининг шимолий чегаралари тарҳи тубандагича бошланади: “Жануби-Ғарбда то Гэлолуғача”, яъни қорлуқларгача (демак, қирғизлар Том ва Бий юқори оқимида, то Салаир тизмасигача эгалик қилишган); шарқда Гулигангача¹⁶ (яъни, юқори Ангарда яшайдиган куриканларгача); шимолда улар билан “тез-тез муштлашиб турадиган”¹⁷ бома ёки йелочжи бўлиб, улар кўпсонли халқ, қирғизлардан атиги уч карра кам.

Бомалар от боқишган, отни қўшга қўшиб ер ҳайдаган, ёғочдан уйлар қуришган, бироқ давлатга уюшмаган ва ҳар бир қабилла ўз йўлбошчиси томонидан бошқарилган. Бомалар қиёфаси қирғизлар била ўхшаш бўлган-у, лекин бошқа тилда гаплашганлар. Бу сирли халқнинг манзили Ангаранинг қуйи оқимидаги водий бўлиб, бу ерда Алакчин мамлакати ҳам бўлган.¹⁸ Демак, қирғиз хонлигининг шимолий чегараси Красноярскдан бироз шимолроқдан ўтган.

В. В. Бартолд бома Енисей остяклари, яъни кетлар бўлса керак, деб тахмин қилади, уларга жанубдан қудратли “килик” халқи ҳужум қилганлиги ҳақида ривоят ҳам сақланиб қолган.¹⁹ Қирғиз

¹⁵ А. П. Окладников, *Неолит и бронзовый век Прибайкалье*.

¹⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 354-б.

¹⁷ *Уша асар*, 350-б.

¹⁸ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 353-б

¹⁹ В. В. Бартольд, *Киргизы*, 19-б.; В. И. Анучин, *Очерк шаманство...*, 4-б.

хонлигининг шимолий тахминий чегараси “Таншу” хабарларида ўз тасдиғини топади: “(Енисей ҳавзасининг) барча дарёлари шимоли-шарққа қараб оқади. Хагасни четлаб, улар қўшилишади ва шимолга оқади”. Енисей буриладиган жой ва ундан сал кейин унга Ангаранинг қуйилиши ҳақида гап кетмоқда. Шундай бўлган тақдирда у ҳозирги этнографик чегара; турки элатлар ҳамда угор-самодийлар ва эвенклар орасидаги чегара билан мос тушади.²⁰

Шарқий чегара масаласига келсак, улар икки йўналишга бўлинган: биринчиси, асосийси бўлиб, Шарқий Саян этаклари бўйлаб ўтган, иккинчиси эса Ока (Ангара ирмоғи) ва Ангара сувайиргичи бўйлаб ўтган. Мана шу икки чегара чизиқлари оралигида: дубо, яъни туваликлар, милигэ, яъни меркитлар ва эчжи – косоғол урянхай-ларидан ачженлар²¹ яшаганлар. Ушбу ўрмон қабилаларига қирғизлар ҳамла қилиб туришган, асирларни қулларга айлантиришган. Ўрмон халқи тунги ҳамлалар билан жавоб берганлар-у, бироқ золимларга қарши уюшиб қаршилик кўрсатишнинг уҳдасидан чиқа олмаганлар. Қирғизлар етарли даражада қаршиликни Ангарада яшовчи курикан-лардан кўришган. Айнан иккинчи чегарада қизғин ва тинимсиз уруш кетган, бу ерда саян ўрмон эли “курумчи темирчилари” – куриканлар билан бирлашиб иш кўришган.

Хитой тарих анъанасига кўра, куриканлар теле қабила гуруҳига мансуб бўлиб, уларнинг тили қирғизларникидан фарқ қилиши айтиб ўтилган.²² Куриканлар ёқутларнинг аждоди,²³ хакаслар қирғизларнинг авлоди эканлиги аниқланган экан, бу ҳолат бизни ажаблантирмаслиги керак, чунки бу икки ҳозирги тил ҳам ўз луғат таркиби ва товуш тузилишига кўра²⁴ бир-биридан кескин фарқ қилади. Шунинг учун тилшуносликдан унча хабари бўлмаган хитой зобити “бегоналар” ҳақида маълумот йиғар экан ва унга фарқлар грамматик қурилишдан кўра моҳиятлроқ кўринар экан, бу табиийдир. Ана шу туфайли ҳам куриканларни теле гуруҳидан ажратиб ташлашга ҳеч қандай асос йўқ.

Бу телесларнинг кўтарилиши даври бўлиб, ижтимоий муносабатлар, мафкура ва турмушнинг мураккаблашиш жараёни кетмоқда эди. Бу даврда қахрамонлар дунёга келган. Уларнинг бир қисми тарих хотираси учун ҳалок бўлган, бироқ айримлари-қайси бири ҳақида дараклар хитой йилномаларига тушиб қолиш насиб этса, келажак авлод учун сақланиб қолган.

²⁰ В. В. Бартольд, *Киргизы*, 20-б.;

²¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 354-б.

²² W. Scott, *Über die achten Kirgisen*, 436, 455-б. Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 250-б.

²³ А. П. Окладников, *История Якутской АССР*, 318-б.

²⁴ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 6-7-б.

Сибирда олиб борилган археологик ишлар куриканлар тарқалган макон археологик “курумчи маданияти” минтақасига мос тушишини аниқлаб берди. Унинг географик маркази ўша замонларда қирғоқларида аҳоли зич яшаган Байкал бўлиб, тарқалган асосий ўлкаси Ангара ва Ленанинг юқори оқимларидан Олхон оролини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, то Байкалгача бўлган ерлардир.²⁵ Куриканлар юқори сифатли темир эритиб ишлатганлар, қалъалар қуришган, айрим кентлар ҳамон сақланиб қолган, ажойиб от уюрлари бўлган, лойдан идишлар ясаганлар. Санъати қирғизларникини эслатса, кийим ва ёзуви туркларники билан айнан бўлган.²⁶

Теле қабилалари ўз тарихи давомида бир неча бор манзилларини ўзгартиришган. VII юзйиллик ўрталарида улар жойлашган маконни шундай тасаввур этиш мумкин:

Ғарбда Цзабхан дарёси ва шарқда Ўрхун ирмоқлари оралиғидаги Хангай тоғларида долангэ-теленгитлар; Селенга дарёси юқорисида сиегизгиллар²⁷; Селенга билан Ўрхун оралиғида — тунло-тунгра; Селенга ва Ўрхун қуйисида пугу — буғулар; Толой ва Ўрхун орасидаги чўлда — уйғурлар; Керулендан шимолда — Хэнгей ва Хинган оралиғида байегу — байирқулар; Селенга водийсида, пуғулардан ғарбда — сиег; байирқудан жанубда — байси; Байкалортида — гулиган-куриканлар; Алашан тоғларида — аде—эдишлар; Ордосдан ғарбдаги чўлда хун ва кибилар яшаганлар. Теле қабилалари шимолда, юқори Енисей ҳавзасида қирғизлар, шарқий Байкалортида бизга номаълум бўлган гюйлобо қабиласи макон топганлар.

Шарқий Хангай ва Ўтуканга қиргиндан омон қолган туркутлар зўрлаб жойлаштирилган, аммо улар бу ерда кўпчилик бўлмаган, шекилли.²⁸ Туркларнинг кўпчилиги уларга аралшиб кетган сирлар билан бирга Ордосдан шимол ва шарқда, то Иншан тармоғигача бўлган ерда макон топганлар. Гоби саҳроси, худди денгиздек, шимолий кўчикларни жанубийидан ажратган, бироқ у томонида ҳам, бу томонида ҳам кўчманчиларни хитой волийлари бошқарган.

ЖунҒорияда ва Еттисувда манзил қурган элатларни кўриб чиқамиз. Қора Иртиш ва Ўрунғу ҳавзаларида қорлуқлар²⁹, Или бўйи Марказий Тянь-Шанида тургашлар, уларнинг ғарбида шунишлар;

²⁵ А. П. Окладников, *История Якутской АССР*, 318-б.

²⁶ *Уша асар*, 295-298, 317-318-б.

²⁷ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 319-б.

²⁸ *Уша асар*, 275-277-б.

²⁹ Қорлуқ — 650 йилда Тан империясига ўтиб кетишда ўрданинг парчаланиб кетиши билан ундан ажралиб чиққан туркутлар. (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 347-б.). Уч бўлакдан иборат бўлиб, жабғу (Хит. шаху) томонидан бошқарилган, яъни одатий қабила иттифоқи бўлган.

жануби-гарбий Жунҗорияда нешетилар; Манас дарёси ва ундан шарқда хулушлар³⁰, жанубий Жунҗориянинг шарқий қисмида басимлар (басмаллар)³¹, худди шу ерда Ўрта Осиё хунларининг қолдиқлари – шатолар³² яшаганлар.

Берилган маълумотларга қўшимча тарзда Ўрхун битиклари 710-711 йилларда тургашлар билан уруш олиб борган кенгерес халқи ҳақида дарак беради. Булар печенеглардан бошқа қавм бўлиши мумкин эмас, чунки улар ўзларини “кангар”³³ деб атаганлар. Уларнинг яшаш жойи Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўлган.

Қора Иртишдаги қорлуқлар билан Сирдарё бўйларидаги печенег – кангарлар оралиғи бепоён дашт бўлиб, ўша вақтга келиб бунда қипчоқлар эғалик қила бошлаган. Ҳозирги Қозоғистон чўл минтақасини Дашти қипчоқ деб аталиши ана шундандир. Бу ерда қипчоқлар кангарлар (канғели) билан аралашиб Шарқда қипчоқ, Европада коман ва Россияда – половци деб аталган халққа асос солди. Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқими жанубида турклашган орийлар, парфянларнинг яқин қондошлари – туркманлар ёки ғузлар макон тутган. Шу билан Марказий Осиёнинг йирик қабила иттифоқлари рўйхати тамом бўлади. Улардан баъзи майдаларининг номларинигина биламиз: масалан, азлар³⁴, чиклар³⁵, абарлар³⁶ ва бошқалар. Жуда кўп майда қабилалар Хитой ва Европа палеоэтнографлари назаридан четда қолган кўринади. Бунга ачиниш керак эмас, чунки ким тарих саҳнасида ўз ролини ўйнаб ўтган бўлса, воқеаномалардан ўрин олган.

Қабилалар аҳолиси сони ниҳоятда кам бўлган. 688 йилда уйғурлар туркларга қарши ўз мустақиллиги учун қурашга чиққанларида 6 минг нафаргина жангчи бера олган.³⁷ Шуни ҳам ҳисобга

³⁰ Шуниш, нешети ва хулуш – бизгача дараклари етиб келмаган қабилалар.

³¹ Басмаллар 40 бўладан ташкил топган, бу бўлақлар уруғ, қабила эмас, шундай бўлганида улар даҳшатли кучга айланган бўларди. Улар эгаллаган ҳудуд майдонидан келиб чиқилса сони оз бўлган. Аристов, “басмал”ни турдош от (“аралаш, қозоқлардаги “арғин” ҳам шу маънода, қаранг: Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 256-б) бўлиб, кейин этнонимга айланган деб ҳисоблайди. Улар Тарбағатайда вужудга келганлар ва Шарқий Жунҗорияга қачон келиб қолгани маълум эмас.

³² Ўрта Осиё хунлари, айтиб ўтилганидек, Еттисуёда Юебан мулкани ташкил этишган. А. Н. Бернштам “Юебан”ни “чубан” қабила номи билан қиёслаган. Чубан билан чуюе, чуми ва чумугун қариндошлардир, демак, улар барчаси хунларнинг наслидандир. Чуюелар туркутлар билан аралашиб шато қабиласини ҳосил қилган. Шатолар Жанубий Жунҗориядаги Барқул кўлидан ғарбда яшаганлар.

³³ Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 314-б.; П. Голубовский, Печенеги, турки и половцы..., 55-б.

³⁴ Азлар Саян тизмаси билан Олтой оралиғида яшаган (В. В. Бартольд, Кыргызы..., 25-б.).

³⁵ Чиклар Енисей ирмоқларида яшаган (Уша асарда).

³⁶ Авар ёки асл аварлар Или бўйида яшаб, тургаиларга сингиб кетган (Л. Н. Гумилев, Три исчезающих народа, 107-б.).

³⁷ С. Е. Малов 3 минг деб ҳисоблайди (Памятники..., 1951, 66-б.).

олмоқ керакки, бундай масъулиятли дамларда жангга яроқли барча эркак қўзғалган, яъни бутун аҳолининг йигирма фоизи. Демак, аҳолининг умумий сони 30 минг атрофида бўлган. Аммо уйғурлар энг катта қабилалардан эди, бошқалари ундан анча майда ҳисобланарди. Демак, бир неча мингли қабилалар билан бирга бир неча юз аҳолиси бўлган қабилалар ҳам бўлган.

Уйғурларга қайтамыз. Ҳа 30 минг киши тўққиз бўлимни ташкил этган. Шундай қилиб, ҳар бир бўлимга тахминан 3,5 минг киши тўғри келган. Жадал чорвачилик хўжалиги жорий бўлган тақдирда бу миқдор хўжалик ташкилий бирлиги – ўғузни ҳосил қилиш учун етарли бўлади. Бизнинг бундай шарҳимизга хитойларнинг уйғурлар 50 минг отлиқ етказиб бера олиши ҳақидаги хабари зид келади, аммо хитойларда бўрттириб кўрсатишни яхши кўриш анъанаси борлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Яна бир қизиқ ҳолат, 628 йилда уйғурлар туркутларга қарши бор-йўғи 5 минг жангчи³⁸ йўллайди (бу ўринда бўрттириш йўқ шекилли), бу эса 688 йилдагидан бир неча минг нафар камдир. Бу рақамлар хитой манбаларига хос бўрттириш, лоф тамойилини кўрсатиб беради.

Хуанхе бўйларида. Туркутларнинг 630 йилда “хонавайрон бўлган бир неча юз ўтов”³⁹ сифатида асир олиниб, 631 йилда Алашанга жойлаштирилган⁴⁰ гуруҳига эътибор берайлик. Бундан кейин хитой тарихчисининг фикрича, улар шу даражада “қўпайиб”⁴¹ кетадики, Симо хон 641 йилда “100000 халқ, шу жумладан 40000 низомли аскарга ва 90000 бош отга”⁴² эга бўлади, 679 йилда эса турклар қўзғолон кўтаради ва империя билан кураша оладиган қудратга эга бўлади.

Статистикадан маълумки, инсон бу тезликда кўпая олмайди, манбада бирор жойи тушиб қолган бўлиши мумкин, бироқ бахтимизга “Селенга тоши”даги бир ибора аҳолининг бундай тез ўсиш сабабини очиқлагандай бўлади. 80-йилларда ҳоқонликни тиклаган туркларни бу тошда “турк-қипчоқ”⁴³ деб номлайди.

Қадимда қипчоқлар Олтойда, хитойлар Чжелян⁴⁴ деб атайдиган яъни шубҳасиз, туркча “жилон” – илоннинг хитойча берилиши, (мана шундан Змейиная гора ва Змеиногорск шаҳри) воҳада яшаганлар. Грумм-Гржимайло буларни динлин қабилаларидан боманинг бир

³⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 302, 305-б.

³⁹ *Уша асар*, 264-265-б.

⁴⁰ *Уша асар*, 269-б.

⁴¹ *Уша асар*, 261-б.

⁴² *Уша асар*, 262-б.

⁴³ Г. Рамстедт, *Перевод надписи «Селенгинского камня»*, 40-б.

⁴⁴ *Паладий Кафаров, Примечания к Юан-чао-ми-ши*, 247-б.

тармоғи⁴⁵ деб хисоблайди. Улар туркутларга тобе халқлар қаторида бўлиб, 630 йилда мағлубият азобларини биргаликда баҳам кўриб, ўз хўжалари билан биргаликда Алашанга сурилган бўлсалар керак. Албатта, бу бутун бир халқнинг ҳаммаси эмас, балки бир қисми эди, қолган қисми эса қанғиллар билан аралашиб кетган ёки половец номи билан маълум бўлган халқни вужудга келтирган.⁴⁶ Тикланган Ашина хонлари ўрдасининг иккинчи унсури сеянтотлар авлоди бўлмиш сирлар бўлди, бу Тўнйуқуқ ёдгорлигидаги битикларда ўз ифодасини “турксир будун”, яъни турксир халқим, бирикмасида ўз ифодасини топган.

646 йилда сеянто хонлиги империяликлар ва уларнинг иттифоқчиси уйгурлар томонидан барбод қилиниб, халқи даҳшатли қатлиомга маҳкум этилгандан сўнг, сеянтонинг қолган-қутганлари Бейшан тармоқлари бўйлаб сочилиб кетди ва уларнинг туркутларга бўлган азалий нафрати янада кучайиб хитойларга қарши нафрат билан аралашиб кетди. Шунинг учун улар туркларга қўшилиб, турк байроғи остида ўтмишдаги шаън-шавкатини қайтариб, мислсиз бешафқат бўлган хитойлардан ўч олиш ниятида бўлишининг ҳеч қандай ажабланарии томони йўқ.

Булардан ташқари Ордос ва Алашанда жанубий хунларнинг, бошқа турки тилли қабилаларнинг қолган-қутганлари, қолдиқлари яшар эдилар. Улар ҳам Ашина беклари ўрдасини кўпайтиришди. Юришлар жангчиларни яқинлаштиради, яъни ўлим қаршисида ўзганинг қўллашини ҳис этиш яшаб қолишининг гаровидир. Олис чўлларда кичик тезак гулхан ёнида сир туркут билан охириги қоқ гўштини бўлишади, уйгур татабининг жароҳатини боғлайди, тангут душман сиртмоғига илинган эдизни қутқаради. Бир вақтлар бир-бирини кўролмаган қабилалар қўлни қўлга бериб шарққа, ғарбга уруш билан боради. Тўғри, уларнинг оталари бир-бири билан курашганларини билишади, бироқ турмушнинг ижодий кучи кексайиб бораётган онг қобиғини синдириб ҳам боради. VII юзйилликнинг 50-йилларидаёқ собиқ душманлар дўст бўлдилар, йигирма йилдан сўнг уларнинг фарзандлари биродарлашдилар ва бир халққа “кўк турк”ка бирлашдилар.

Уларни энди туркут деб бўлмасди, бу “turk qaqa qatuγbudun” — “бутун турк халқи” бўлиб, ўз аждодларидан кўп нарсалар мерос қилиб олди. Бу халқ Осиё тарихида ўзининг муҳим гапини айта олди ва уни шундай йўлга бурдики, кўчманчиларни идора қилиш учун икки валийлик: Байкал валийлиги — Гобидан шимол томон ва Шанюе валийлиги — унинг жануб томони таъсис этишининг беихтиёр яратувчиси бўлган Тайцзун Ли Ши мин буни олдиндан кўра олмаган эди.

⁴⁵ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 59-б.

⁴⁶ *Уша асар*, 57-58-б.

ҚУТЛУФ ҚЎЗҒОЛОНИ

Нима учун? Улкан империя марказидан ўрин олиб, бошқа халқларга нисбатан унчалик зулм кўрмаётган турклар бундай тақдирдан шукрлар қилиши керакдай кўринади. Бироқ бунақа бўлмади. Аксинча, VII асрнинг 70-йилларида уларнинг норозилиги шунчалар кучайдики, у нисбий енгил турмушини осиеча урушнинг мислсиз қийинчиликларига, баъзан шафқатсиз жангларда ўлимдан ҳам оғир бўладиган онларга алмаштирди.

Қўзғолон кўтариш доим оғир иш ҳисобланган, айниқса, ҳукуматнинг қудрати чексиз бўлиб, қўзғолон маскани ўраб ташлангану ташқаридан нажот келадиган дарча бўлмаса. Агар мана шундай ноқулай шароитда қўзғолон кўтарилибгина қолмасдан яна у муваффақият қозонса, демак, бу одатий бир ҳолат эмас.

Шундай бўлса ҳам тадқиқотлардан бирортасида ҳам, 679-693 йиллар турклар қўзғолони муваффақияти сабаблари устида бош қотирилган эмас. Н. Н. Козмин бу қўзғолонда Олтойда макон тутган йирик феодалнинг ўз ерини кенгайтириш учун ҳаракатини кўради.¹ Бу хато мунозарага ҳам арзимаслиги боис уни муҳокама ҳам, мунозара ҳам қилмаймиз.

А. Н. Бернштам турк асилзодалари феодаллашиб бориб, ўз халқидан ўзлари фойдаланиш ҳуқуқи учун Хитойга қарши чиқади, деб ҳисоблайди.² Бунга битиклар матни ҳам, воқеалар оқими ҳам мос келмайди. Бундай тенгсиз курашда зафар қозониш сабабларига у етарлича эътибор бермаган. Г. Е. Грумм-Гржимайлонинг³ таҳлили анча теран бўлса ҳам, у фақат бевосита турклар ишлари билан чегараланиб қолади, ваҳоланки, кўп масалалар ўша вақт халқаро сиёсати замирида яшириниб ётарди. Бундан ташқари Чанъандаги қитмирликлар ҳам кам аҳамият касб этмаган. Шу боис вазиятларнинг уйғунлашувини, воқеалар оқимини кузатишимиз ва уларга замондошлари берган изоҳларни тарихий танқид нуқтаи назаридан кўриб чиқишимиз лозим. Барча ҳодисаларни, ҳатто кичик бир воқеани ҳам синчиклаб таҳлил қилишгина, фаразлар ботқоғидан барча фактларни ҳисобга олган мустаҳкам заминга олиб чиқишимизга имкон беради.

¹ Н. И. Козьмин, *Классовое лицо атысы Йоллиг-Тегина*, 272-273-б.

² А. Н. Бернштам, *Социально-экономический строй...*, 179-б.

³ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 278-291-б.

Халқ кўзғолони. Шанюй волийлигидаги турклар орасида 679 йилда хитойлар кутмаган бир вақтда кўзғолон кўтарилди. “Таншу” лўнда қилиб, ҳодисанинг сабаби, баҳонаси ва бошланишини “исён кўтарди”⁴ деб беради. Ҳеч қандай изоҳ йўқ.

Бунга муқобил тарзда туркларнинг ўзи ҳаракатларини анча тафсилотли ва ишончли баён қилади: “табғач халқи улар (туркларнинг) бек бўлишга лойиқ эркак авлодини кул қилди, хоним бўлишга лойиқ қиз авлодини чўри қилди. Турк беклари туркча унвонларини йўқотди, табғач хизматидаги турк беклари Чин унвонларини олиб Чин ҳоқонига тобе бўлди. Эллик йил хизмат қилди. Олдинда — кун туғарда Бўкли ҳоқонига (Мукри, хитойча Мохе; Манчжурия ва Амур бўйида) қадар сафар қилдилар, орқада — кун ботарда Темир қопқоғача (Бузгала ўтаги, Ўрта Осиё) сафар қилдилар. Табғач ҳоқони учун бундай урушлар қилди, ўлкаларни олди, ўз салтанати ва одатларини табғач хонга берди. Турк авом халқи бундай деди: “Салтанат соҳиби бир халқ эдим, салтанатим қани? Ким учун ўлкаларни забт этарман? Ҳоқон эгаси бир халқ эдим, ҳоқоним қарда? Қайси ҳоқонга хизмат қилиб заҳмат чекмоқдаман?”⁵

Воқеалар оқимини худди шундай тушуниш Онгин ёдгорлигига ҳам хосдир:⁶ “Қоғонлик қилаётган қоғонини ташлаб кетди,⁷ сўнг турк халқи илгарига — шарққа, орқага — ғарбга, қуёшга жанубга, табғачларга, шимолга тоғли тайгага тарқаб кетди.⁸ Ботирлар балбал бўлишга мажбур бўлди⁹ (яъни душманлари ўлдирди — Л. Г.). Турк халқи оти ўча бошлади. Шунда Тангри¹⁰ деди: “Турк халқи йўқ бўлмайди, қурбон бўлмайди”.

⁴ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 265-б. Матннинг грамматик таҳлили ва таржимаси Хирт, Жулен ва Бичуринларники, қаранг: Liu Mau-tsal, *Die chinesischen Nachrichten...*, 588-б.

⁵ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 37-б.

⁶ Онгин ёдгорлиги уч марта таржима қилинган: W. Radloff, *Die alttürkischen inschriften...*, Clauson, *The Orghen inscription*; С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, Сўнги таржима энг обрўлиси, аммо Клосоннинг кўпгина тахминлари аҳамиятли бўлиб диққатга сазовор ва ушбу ишда муаллиф вариантлари қаторида фойдаланилган.

⁷ С. Е. Маловда “ҳайдаб юборди”. Гап Кат Элхон устида. Унга кўпчилик хоинлик қилди (630 й.), лекин ҳеч ким ҳайдамади, балки ўз ҳолига ташлаб қўйди.

⁸ Клосоннинг таржимаси бошқачароқ ва эркиндир: “Турк халқи ўзининг азалий содиқлигини унутди. Улар хонни (бошқани — Л. Г.) толиқтирди. Турк халқи сафарга олдинга кун чиққунча кетди, орқага кун ботгунча, ўнга Хитойгача, чапга тоғли тайгагача бегона юрт хўжалари учун. Душманлар уларга катта талофот етказди...” (188-б.)

⁹ “alp arin balbal kisdı” ибораси таржимасининг, тахминий кўринишлари: “уларнинг жангчиларини ўлдирди ва балбалларни ерга тикди”(W. Radloff, *Die alttürkischen inschriften...*, 247-б.), ўрнига “уларнинг қаҳрамон эрларини у (ким? — Л. Г.) балбал (қилиб) қўйди” (С. Е. Малов, 10-б.) таклиф этдим. “Қис” феълининг С. Е. Маловнинг “Памятники”га берган луғатидаги маъносига қиёсланг.

¹⁰ “Тангри” сўзининг махсус маънолари учун қуйироққа қаранг.

Ёдгорлик 716 йилдан сўнг тез орада қўйилган бўлиб, Култегин битиги билан Ҳамоҳанглиги бежиз ва тасодифий эмас. Буни қўзғолоннинг расмий сабаби деб қабул қилса бўлади.

Турки матн турк жамиятининг раҳбар қисми нуқтаи назарини ифода этса ҳам, у ҳақиқатга яқинга ўхшайди. “Таншу”да берилган ахборотга қўра, оқсоқол Ашидэ қўзғолони бошланганида, унга шу заҳоти 24 ўрамнинг барча оқсоқоллари қўшилган. Хитойлар учун қўзғолон мутлақо қутилмаганда бўлди, чунки “ўттиз йилдирки, шимолий мамлакатларда аскарый шовқин эшитилмас эди”.¹¹ Ўз хони ва ўз элини талаб қилиниши шуни кўрсатадики, Тан империясининг асосий ғояси – дашт ва Хитойнинг қўшилиб кетиши – замини бўш экан. Кўчманчилар руҳияти хитойларникига шу даражада ўхшамас эдики, уларнинг қўшилиб кетиши мумкин эмасди.

Турклар қўзғолон кўтариб, чорасиз бир галвага қўл уришди: улар давлатнинг ўртасида, тўрт томонидан душман билан ўралган, на орт, на иттифоқчи, на одатий устунлик бор эди. Улар ўзлари буни тушунмаслиги мумкин эмас эди, лекин барибир қўзғолон кўтарилди! Айни чоғда на хитой манбалари ва на турк манбалари ҳақорат ва зулм ҳақида гапирмайдилар. Битиклар очиқдан очиқ, турклар ўз турмушини яхшилаш учун эмас, балки ёввойи эрк ва ҳукумат учун қўзғалганлигини айтади. “Табғач давлатига ўз меҳнати ва кучини ўйламай сарфлаган турк халқи (турк будун) айтди: “яхшиси ўзимизни ҳалок қиламиз, йўқ қиламиз”, дея ҳалокат томон юра бошлади”.¹² Битикларда аниқ намоён бўладиган нарса шуки, турк халқининг ғурури бўйсунини кўтара олмас эди. Тобелик шунчалик бир ҳақорат эдики, бутун турк халқи умидсиз курашга иккиланмай шиддат билан ўзини урди. Шиддат шу даражада кучли эдики, қўзғолончилар дастлаб муваффақият қозондилар. Ашина хон уруғидан бўлган шаҳзода Нишубекни хон кўтардилар¹³ ва ўзини худди сайилга келаётгандай тутган ва қўзғолонни осонгина тинчлантирмоқчи бўлган қўшинни тор-мор келтирди. 10 мингга яқин хитой аскарлари ўлди, асир тушди, бошқалари бирлашиб, қуршовни ёриб ўтиб қутулди.¹⁴

Қўзғолончилар сони 100 минг кишига етди¹⁵ (табиийки, “хитойча ҳисобда”¹⁶, демак, 12 минг киши). Кейинги – 680 йилда қўзғолонни

¹¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 265-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 210-б.

¹² С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 37-б.

¹³ *Уша асар, уша бет.*; S. Julien Documents..., vol 4, 402-б.

¹⁴ *Хитойлар мағлубиятни отларни қийнаб қўйган аёздан кўришган.*

¹⁵ S. Julien Documents..., vol 4, 403-б.

¹⁶ Қаранг: Л. Н. Гумилев, *Хунну*, 59-63-б.

бостириш учун турк кучидан уч баравар кўп лашкар ташланди. Турклар уни ортидан айланиб ўтиб, озиқ-овқат юklarини йўқ қилдилар, сўнг хитой аскарлари оч қола бошлашди. Тажрибали саркарда Пэй Хин-кян тузоқ тайёрлади: озиқ-овқат юklarини душманлар эгаллаган ерга кўриқчилар билан юборди. Турклар кўриқчиларни тирқиратиб ҳайдаб, озиқ-овқатни талай бошладилар, ана шу вақтда заҳира озуқалик орқасидан масофа ушлаб, эҳтиёт бўлиб келаётган сара кўшин уларни битта кўймай қириб ташлади. Бу ҳақдаги овозалар кенг тарқалиб, шундан бошлаб хитой озуқаликлари ҳаракатдаги лашкар учун бемалол етиб борадиган бўлди.

Ташаббусни қўлга олган Пэй Хин-кян сон жиҳатдан кўплигидан фойдаланиб, кўзғолончиларни Хэйшан тоғида қуршаб олди. Жанг кўплаб майда тўқнашувларга айланиб, бунда хитойлар тўлиқ ғалабага эришди.¹⁷ Бундай вазиятда кўрқоқ-андишасизлар бош кўтариб, 680 йил баҳорида¹⁸ голиб олдига хоннинг калласини олиб келиб ташладилар ва тобелик билдирдилар. Бироқ сабот-матонатлилар қуроолларини ташламади ва курашни давом эттирди. Улар Сарик дарёдан кечиб ўтиб, шаҳзода Фуняни¹⁹ хон деб эълон этдилар ва уни ҳамма қабилалар тан олишди. 681 йилда турклар яна ҳужумлар уюштиришди ва уларга қарши яна Хин-кян турди. Турклар “Қора кум”га чекиндилар ва кўл хабарларига кўра очликка дучор бўлишди. Бунинг устига кўзғолончилар сафида келишмовчилик бўй кўрсатди: хон ва қабила оқсоқоли Винбег чиқиша олмадилар, оқибатда, кўзғолончилар кучи иккига бўлиниб кетди. Айни кезде хитойликларнинг енгил бир бўлинмаси туркларнинг шундай бир қаршилигига дуч келдики, саркардаси чидай олмай, кўшинни ташлаб қочиб қолди. Саркардаси ташлаб кетган суворилар ҳам душманидан қочишарди ва ўлдирилганлар “ярим кун юзини ерга қаратиб ётишди”.²⁰

Фунянинг тактикаси тўғри эди: душмани таъқибидан узилиш учун шимолга чекинарди, аммо унинг озуқалиги, хотинлари ва фарзандлари Хин-кяннинг енгил отлиқлари кўлига тушади. Оч ва қийналган кўзғолончилар шимол сари судралиб силжиётган бир чоғда мунтазам суворилар кўшини уларга етиб олади. Кўзғолончилар руҳи муваффақиятсизликдан тушиб кетган, саҳро шимолида эса уйғурлар кўлида қуроли билан туркларни кутиб турарди. Фунян чорасиз қолади. Ўзи ва сафдошларига афв ҳақида келишиб олгач,

¹⁷ *Уша асар, 404-405-б.; Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 211-б.*

¹⁸ *Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 589-б.*

¹⁹ *Бу исмининг туркча талаффузини тиклашнинг имкони бўлмади.*

²⁰ *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., 1 ж., 266-б.; S. Julien Documents..., 406-б.;*

Фунян таслим бўлди.²¹ Бироқ хитойлар ваъдасининг устидан чиқмадилар. Чанъандаги Шарқий майдонда кўзғолон бошлиқларининг каллалари узилди. Халқ ҳаракати мунтазам отлиқ аскарлар оти туёғи остида топталди.

Катта турки тошбитик тарихнинг ушбу саҳифалари ҳақида "... ва улар ҳалокат сари юра бошладилар" деб ноаниқ тарзда баён қилади. Тўнйуқуқ тошбитиги эса буни анча тафсилотли қилиб ёзади: "Турк халқи, хони йўқ бўлиб, табғач давлатидан ажралиб чиқди, халққа айланди, хонли бўлди: хонини ташлаб қўйиб, яна Табғач давлатига бўйсунди. Кўк Тангри шундай деди: " Мен сенга хон бердим, хонингни ташлаб бошқага бўйинсундинг. Ана шу бўйсунинг учун Кўк Тангри сени урди, ўлдирди". Турк халқи силласи қуриди, кучсизланди, йўқ бўлди".²² Хитойчаси ва туркчаси бир-бирига мос тушади.

Энди нималар бўлганлигини аниқлаб чиқайлик. Кўзғолон оммавий, халқ кўзғолони бўлган ва унинг якуни ҳам худди шунга ўхшаш бошқа ҳаракатларнинг тақдири каби ҳал бўлди. Туркларда интизом ҳам йўқ, мутахассис ҳарбий бошлиқлар ҳам йўқ эди. Улар орқасидаги озукликка боғлиқ эдилар, у эса илдам ҳаракат қила олмасди, чунки озуклик ҳўкизлар кўшилган араваларда ҳаракат қиларди. Атроф тўла душман эди. Уйғурлар ва тўқуз ўғузлар императорнинг Халҳадаги содиқ хизматкорлари бўлиб, уларга совға ва мукофотлар ёғилиб келарди. Йўқотилган шавкат, шаън туркларни ич-ичидан кемирса, уйғурларнинг парвосига ҳам келмасди. Эрксевар уйғурлар ҳали улуг бир қудратли салтанат тузиб улгурмаган ҳамда бунга интилмас ҳам эдилар; тибетликлар эса олисда эди. Кўзғолон қонга беланишга маҳқум эди, бироқ у бошқа бир шаклда давом этди.

Кўзғолон авж олди. Турклар тор-мор этилганидан бир йил ҳам ўтмай, янги йўлбошчилар раҳбарлигидаги уруш бошқача тус олди. Агар бошланишида кўзғолон етакчилари қабила оқсоқоллари бўлиб, ўз кетидан қариндошларини эргаштирган бўлса, бу сафар саҳнага Хитойда таълим олган асилзодалар фахрийлари ва зиёли турклар чиқди. Воқеа қандай содир бўлганлигини кўрайлик. "Таншу" қуйидагиларни маълум қилади: ... "682 йилда яна Гудулу (Қутлуғ) исён қилди. Гудулу Хйели (Кат Элхон)нинг узоқ қариндоши эди. Авлодбоши-Хонли Юанин... У тутунлик (тутун – турклар зобитлик мартабаси) мартабасини мерос қилиб олган.

²¹ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 212-6.; S. Julien *Documents...*, vol 3, 539-6.

²² С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 65-6.

Фунян ҳалок бўлгач, ҳамма тарқалиб кетди: Цзунцайшан тоғида жойлашишди, Хэйшачен шаҳарчасини қуришди. Уларнинг сони 5000 нафар кишига етарди. Гудулу ўн уруғни (яъни уйғур ёки тўқуз ўғузларни)²³ талади ва аста-секин отлари кўпайиб бойиб кетди ва ўзини хон деб эълон қилди. Укаларидан Мочжо (Мочур)га шод унвони, Дусиф (Тузалбек)ка ябғу унвонини берди. Ашидэ Юан-чжен (хитойча маълумот олган турк)ни Ван Вэн-ли деган иш юритувчи тутуқлади. Бу аснода Гудулу ҳамла қилиб қолди. Юан-чжен қабиладошлари айбини қандай ювишини тушунтириш учун изн сўради. Рухсат берилди. Қабиладошлари бўйин эггач, Гудулу улар билан бирга фитна уюштирди, оқибатда барча аҳоли ва даганлар (тархонлар) оддий аскарлар қаторига туширилди”.²⁴ Матн мазмунини равшан. Қутлуғ “қонли ўтмишдаги дўстлар”нинг баъзи нарсаларни унутган ва императорга хизмат қилиш чоғида баъзи нарсаларга ўрганган қисмини дохил инсондир... Кўзғолон пайтида у ўргатилмаган оломонни зирҳли пиёдалар найзаси томон итариш ўрнига, ҳеч нарсадан ҳадиксирамай юрган уйғурларга хужум қилиб, партизан урушига керак бўладиган йилқи уюрини тортиб олади. У эски мансаб тизимини тиклади, демак, интизом ўрнатди. Оломонни сафарбар қилишдек бемаъни ҳаракатдан тийилиб, у эски асилзодалар орасидан ҳали аскарлий қобилиятларини йўқотмаганларни танлаб бўлинма тузди ва шунинг билан партизанлик уруши олиб боришга шароит яратди. Яна бир муҳим факт: Қутлуғ хитойча таълим олган кишиларни — Ашидэ Юан-чжен ва Тўнйуқларни қабул қилди ва улардан

²³ Liu Mau-tsai (Die chinesischen Nachrichten..., 591-593-б.) “тўққиз қабила” деганда тўқуз аймақ-ўғузларнинг уйғур иттифоқини эмас, барча теле қабилаларини (айтгандай, улар ўн иккита) тушуниш керак дейди. Унинг бу фикрига қуйидагиларга биноан қўшилиб бўлмайди. “Тўққиз қабила” ичида у киби ва байиқларни ҳам ҳисоблайди, бироқ Қутлуғ хужуми улар фаолликдалиги учун на унисига, на бунисига қаратилиши мумкин эмас. Билка қоон “тўқуз ўғуз ўз халқим” дейди, лекин киби, барибир, унга тобе қабилалар орасида бўлмаган. Урхун битикларида, Малов таржимаси бўйича, тўқуз ўғузлар тўнгра ва эдизлар билан ёнма-ён тилга олинади, демак у “уйғур” этнонимининг синоними сифатида қўлланилади. Лю Мао-цай келтирган матн уйғурларнинг бошқа теле қабилалари билан қариндошлиги ҳамда уларнинг бошқа майда қабилалардан устуналигини кўрсатишдан бошқа ҳеч қандай маъно касб этмайди.

²⁴ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 266-267-б.; Liu Mau-tsai бошқача таржима қилган: уни апа тарханлар сирасига киритди ва ҳарбий ишларга қўйди (Die chinesischen Nachrichten..., 213-б.). Аммо биз Бичурин жумла таржимасида хатога йўл қўйган деб ҳисоблаган тақдиримизда ҳам, тарих оқимини умумий талқинидан воз кечмаслигимиз керак, бу бошқа манбаларда ҳам, воқеалар оқими жараёнида ҳам ўз тасдиғини топган. Қутлуғ қўшини барча хусусиятлари билан олдинги кўзғолоннинг кўнгилларидан фарқ қилган, Бичурин бунини ҳис этган, унинг ҳиссиёти ҳақиқатни Лю Мао-цайнинг ўз билгисича шарҳидан кўра аниқроқ акс эттирган. Бундан ташқари Бичурин намунали матндан эмас, муҳим тафсилотли матн вариантдан фойдаланган кўринади.

фойдаланди.²⁵ Бундай кишилар душманнинг заиф томонларини ҳамда унинг қаерига зарба беришни билар эдилар. Ҳақиқатан ҳам, тезда уруш йўналиши ўзгариб кетди. Аввал туркларнинг ўзи Кутлугнинг Илтерес қогон деган улуғвор унвон олгандан кейинги фаолиятини қандай баён этишларини кўрайлик: “Отам ҳоқон ўн етти эр билан чиқиб кетди. Четда юрибди деган овозадан шаҳардагилар тоққа чиқибди, тоғдагилар пастга тушибди, йиғилиб етмиш эр киши бўлишибди. Тангри куч бергани учун отам ҳоқоннинг лашкари бўридай экан, душмани қўйдай. Олдинга (шарққа) орқага (ғарбга) лашкар тортиб, (одам) йиғибди. Ҳаммаси етти юз эр киши бўлибди, давлатини йўқотган, ҳоқонини йўқотган халқни, чўри ва қулга айланган халқни, турк урф-одатларини йўқотган халқни, ота-боболаримни йўл-йўриғи бўйича тузибди. Тўлис, тардуш, ябғуни, шодни тайинлабди”.²⁶

²⁵ Хирт нима учун Ашида Юан-чжен билан Тўнйуққуни бир шахс қилиб бирлаштирганини тушуна олмадим (Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 285-б.; F. Hirt, Nachwort zu inschrift...). Ашидэни тургашилар 693 йилгача улдиришган эди (Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 268-б.). Тўнйуққу эса яна кўп йил яшаган ва фаолият кўрсатган. Хиртнинг асослари қуйидагича: 1. Ашидэ Юан-чжен-Чаньанда тарбия топган турк. Тўнйуққу ҳам худди шундай. Демак, бу бир шахс (?). Айни чоғда Хиртнинг ўзи Чаньанда кўплаб турклар ўқиганлиги ва хизмат қилганлиги ҳақидаги маълумотни келтиради.

2. Ашидэ Юан чжен қочиб кетган киши сифатида номига доғ туширган эди, сулҳ тузилган пайтда тутиб бермасликлари учун Хитойга ўз ўлими ҳақида ёлғон хабар жўнатади (?). Бироқ Ашидэ Юан-чженни кўплаб хизматдошлари танирди, демак, улар уни Тўнйуққу номи билан юрган пайтда бемалол таниб олишлари мумкин эди. Кейин, у қандай қилиб, 693 йилда туриб 709 йилда тузиладиган тинчлик сулҳини билиши мумкин? Яна, Тўнйуққу 693 йилда Толеда уйғурлар билан урушади, Юан Чжен эса Иссиқкўлда тургашлар билан урушади. Тургашлар ўзларидан енгилган саркарда тақдирини билмасликлари мумкин эмас бўлгандай, “тўрт қалъа”даги хитой зобитлари ҳам буни билмасликлари мумкин эмас эди.

3. Юан-Чженнинг 693 йилда халок бўлганлиги ҳақида гувоҳлар тайинли эканлигини тан олса ҳам Хирт бундай ёзади: “Wir dürfen jedoch annehmen, das Juan-tschun weiter lebte...” (19-б.). Бошқа далиллар келтирмайди. Нотўғри айнанлаштириш Радлов томонидан тургашлар устига юриш санасини хато белгилашга олиб келган, (Die alttürkischen inschriften..., 61-б.) ва воқеалар оқимини бузиб тасвирлашга ҳам сабаб бўлган. Грумм-Гржимайло Радлов хатосини тўғрилади (282-б. ва давоми), бироқ бошқа бир хатога йўл қўйди, яъни 683 йилда тургашлар билан турклар оросида уруш бўлган эмас, чунки битимда айтилган уруш санаси 710 йилдир, деб ҳисоблади. Хиртнинг хулосаси Лю Мао-цзай томонидан баҳс қилинади ва рад этилади (Die chinesischen Nachrichten..., II, 594-597-б.), бироқ Кляшторний томонидан қабул қилинади (S. Klyastorniy, Die chinesischen Nachrichten..., S. 115-150-б.), натижада, биз ҳам ўз далилларимизни келтиришни лозим топдик.

²⁶ С.Е. Малов (Памятники..., 1951, 37-38-б.) шундай таржима қилади: “У (Илтересхон) телис ва тадруш халқларига тузум берди ва шунда ябғу ва шадни тайинлади...”. Таржима нотўғри, чунки телис, тадруш халқлари бўлмаган. Булар туркут давлати икки қисми номи эди: шарқий-тўлис, ғарбий-тардуш (қаране: И.Н.Клюкин, Новые данные, 97-б.; Л.Н.Гумилев, Удельно-лествичная система...). Тўғриси: “Халққа тўлис-тардуш тузилмасини берди” бўлиб, мазмун ҳарбий салтанат аъналарини тиклашдир. Ябғу—турк ҳарбий рутбасидаги амал, хоннинг ўринбосари. Асида сузнинг маъноси қирол ўринбосаридир. Бу иборани тўлалигича, турк халқига ябғу ва шад билан тўлиқ ҳарбий ва рутбали тузилма берилди, деб тушуноқ керак.

Ҳодисаларнинг, туркча талқини хитойча маълумотлар билан (агар жангчилар адади ҳисобга олинмаса: хитойлар 500 киши дейди) мос тушади. Туркча матнда етти рақамининг қайта-қайта ишлатилиши унга қандайдир сеҳрли, ғайри-табiiй маъно юклатилган деган фикр туғдиради ва Қутлуғ аскарлари сони ҳақида хитойлар келтирган рақам тўғри деган хулосага олиб келади.

Тўнйуқуқ битиктошида ҳам аҳамияти кам бўлмаган тафсилотлар кўп. У ўзини ўқувчига таништиришдан бошлайди: “Билга (билимдон) Тўнйуқуқ мен ўзим Табғач давлатида тарбия топдим. Турк халқи Табғачга қарар эди”. Тўнйуқуқ Ашидэ Юан-чжен каби маълумотли турк эди, бу икки нафар ихтисосли малакали маслаҳатчининг кўзғолон муваффақиятида катта хизмати бор кўринади. Халқ ҳаракатининг бостирилишини Тўнйуқуқ шундай тасвирлайди: “Чакалақ, тошлар орасида тўпланиб етти юз нафар бўлди. Икки қисми отлик, бир қисми яёв эди, (бу муҳим тафсилот бўлиб, ўтган урушда туркларнинг маневр қилиши оғир бўлганлигини ва Қутлуғнинг партизан уруши учун зарур бўлган отларни қўлга киритишдаги хизматини таъкидлайди – Л. Г.) етти юз кишини уюштирганларнинг улуғи шод эди. У айтди: “Менга кўшил” деди. Мен унга кўшилдим. Мен билимдон Тўнйуқуқ хоқонни ҳам қўлга олайин дедим. Уйладим, биров ориқ буқа ва семиз буқанинг тозалигини билса, биров буни билмас экан. (Тўнйуқуқ эҳиёткорлик билан Қутлуғнинг кишиларни баҳолашда, фазилатларини аниқлашда нўноқлигига ишорат қилмоқда – Л. Г.). Шундан сўнг Тангри менга илм бергани учун ўзим хоннинг қобилияти пастлигига қарамай, унинг хон бўлишини истадим. Билга Тўнйуқуқ бўйла баға тархон (давлат маслаҳатчиси) билан биргаликда мен Илтерес ҳоқон бўлайин”.²⁷ Тўнйуқуқнинг мақтанишлари олиб ташланса, матн юқорида келтирилганлари билан уйғун тушади ва кўзғолон манзараси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Хитойларнинг ўзлари турк кўзғолончиларига шароит яратганлигини айтиб ўтмоқ даркор. Фунян кўзғолонини бостиригач, зукко ва тажрибали саркарда, адолати, самимийлиги, зийраклиги боис аскарлар меҳрини қозонган, оддий аскарларнинг кўпини қутқариб қолган Пэй Хин-кян назардан қолиб, сургунда ўлади.²⁸ Унинг ўрнига бирданига одам топилмади ва бундан фойдаланган кўзғолончилар ўз сафларини қайта тузиб олишга улгурдилар.

Чегара уруши. Қутлуғ ўз бўлинмасини ташкил этмоғи учун бир йил вақт кетди. 683 йилдан бошлаб, у фаол ҳаракатга ўтди. Турк сувориси яшин тезлигидаги зарбалари билан Ордосдан шарқдаги

²⁷ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 65-6.

²⁸ Н. Cordier, *Histoire generale...*; Mailla, *Histoire generale...*, 157-6.

Буюк девор бўйлаб деярли барча мустаҳкамланган чизиқни энига ҳам бўйига ҳам тор-мор этиб, ҳамма жойда мунтазам қўшин зарбасини четлаб ўтишга муваффақ бўлди. Турклар беш ҳарбий ўрамни тор-мор этиб, фақат биттасида — олтинчисида улоқтириб ташланди. Шанйуй валийлиги бошқа ерлардан узиб қўйилди, уч йил давомида амалдорлар ва жангчилар йўллардан юра олмай қолдилар.²⁹

Турклар зафарига Хитойдаги давлат тўнтариши ҳам кўмак берди. Тул император хоним У-хоу ўз ўғли Чжунцзунни тутуқлади ва унга беклик унвони бериб, Марказий Хитойга сургун қилди.

Бундай вазиятда, доим бўлганидай, ворис тарафдорлари топилар эди, уларни бартараф қилиш билан овора бўлиб, турклар билан машғул бўлишга қўл тегмади. Фақат 686 йилда Шун-юй Кхяньпин деган ҳарбий бошлиқ кўзғолончилар томон юриш қилиб, Цзунцайшан тоғидаги мустаҳкамланган қароргоҳда турган оилаларини қўлга олишга ҳаракат қилди.³⁰ Қутлуғ душман йўлини кесиб чиқди. Синчжоу (Шанси вилояти) ёнидаги қонли жангда хитойлар мағлуб бўлишди. Улар 5 минг нафар кишини йўқотдилар.

Бу Хитой ҳукумати кўзини очди. Чан-чжи деган аскарый бошлиқ етагида анча катта куч ташланди. Чан-чжи Тан генераллари орасида истеъдоди, жасурлиги ва жисмоний қуввати билан ажралиб турарди ҳамда Тибет урушида ҳам ўзини кўрсатган эди.

Чан-чжи ишга жиддий киришди. Хуанхуадуй³¹ ёнида 687 йилда бўлган савашда турклар енгилди. Хитой отлиқ аскарлари уларни 20 километргача³² қувиб борди, бироқ улар буларни орқада қолдириб Буюк Дашт бағрида кўздан ғойиб бўлишди. Чан-чжи қўл остидагилардан Цуан Бао-би деган кимса алоҳида кўзга ташланмоқчи бўлиб, чегарадан ўтади ва айғоқчилар орқали турклар қароргоҳини билиб олади. Бао-би уларни ғафлатда қолдиришга ҳаракат қилади-ю, бироқ турклар душман яқинлашаётганини пайқаб қолишади ва ҳарбий саф тортишга улгурадилар. Хитойлар бор кучи билан савашадилар, бироқ мағлуб бўлишади. Ҳамма-ҳаммаси ҳалок бўлади, қочиб кетишга муваффақ бўлган Бао-би бундан мустасно.

²⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 267-б.

³⁰ *Тан даврида қайси тоғ Цзунцайшан дейилгани номатълум, бироқ турклар қароргоҳи Хэйша тоғида, -Ишандан шимолдаги "Қора қум"да эди (Г.Е.Грум-Гржимайло, Западная Монголия..., 282-б.). Тўнйуқуқ ҳам шу жойни кўрсатади: "Биз яшашга Куз Чугай ва Қора қумни танладик" (С.Е.Малов, Памятники..., 65-б.). Демак, сирли Цзунцайшан сирли Куз Чугайдир (қаранг: F. Hirt, Nachwort zur Iuschrift..., 31-б.). У Онгиннинг юқорисида, Гүлхуачен ғарбида жойлашган (R. Giraud, L' Empire des Turcs..., 169-171-б.).*

³¹ *Ҳозирги Датунфу вилоятидаги Ханхуашан (Г. Е. Грум-Гржимайло, Западная Монголия..., 278-291-б.; Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 549-б.)*

³² *S. Julien Documents..., vol 4, 412-б.*

Тадбир тугади, лекин эътироф этмоқ керакки, хитойлар фойдасига эмас. Исёнчи кўчманчиларни Сарик дарёдан Олтой тоғларига қувиб юбориш бу балиқни қайтадан сувга қўйиб юбориш дегани эди. Турклар мисли кўрилмаган қатъийлик ва сабот кўрсатдилар, мағлубият уларни парчалаб юбормади, аксинча, жипслаштирди. Курашни давом эттириш иродаси сўнмади, бу эса воқеалар оқимининг тақдирини ҳал этди ва турк ҳоқонлигининг тикланишига олиб келди. Хитойлар учун турклар қўл етмас манзилга етган эди. Энди хитойлар девор ортидаги иттифоқчиларининг кучи билан, биринчи навбатда, уйғурлар кучи билан ҳаракатни давом эттиришларига тўғри келди.

Савол туғилади: нима учун империяликлар, гарчи улар қўшини узоқ сафарларга кўниккан отлиқлардан иборат бўлса ҳам, таъқиб қилиб бориб, қўзғолончиларни йўқ қилишдан бош тортди? Ҳа, шундай отлиқ қўшин қачонлардир бор эди, бироқ 689 йилда тибетликлар зарби остида қолиб кетган эди.³³ Барча заҳираларни Юннани жангалларидан Хуанхэнинг қояли қирғоқларигача, Турфоннинг чўғдек қизиб турган қумларидан Марказий Тянь-Шаннинг ўрмонли қояликларигача чўзилган Тибет жабҳаси ютиб юборганди. Кам сонли, ҳали ярим ваҳший Тибет 693 йилгача Фарбий ўлканинг воҳаларини ўз қўлида ушлаб турди, 700 йилгача Хитойнинг асосий кучлари Гансу ва Сичуанда тибетликлар билан жанг олиб боришга мажбур бўлди. Қутлуғнинг шаккоқларча бошлаган ишининг омадини белгилаган асосий омиллардан бири ҳам ана шудир.

Фарбда. Қутлуғ қўзғолони билан бир пайтда, айнан шундай қўзғолонни фарбий туркутлар ҳам кўтарганлигини тасодифий дейиш мумкин эмас. Нисбатан оз куч билан империяликлар Марказий Тянь-Шанни ўз қўлида ушлаб туришига Кошғарнинг 673 йилда ихтиёрий бўсуниши ва Иссиққўлнинг³⁴ шарқ томонида яшовчи турки қабилаларидан гун-юэлар³⁵ сабаб эди. Ҳеч қутилмаганда фарбий туркутлар гун-юэлар устига бостириб келиб, уларнинг мустаҳкамланган истеҳкоми — беклик “пойтахтини” қамал қилдилар. Исёнчилар бошида Ашина Кибу чур деган кимса турарди, исмидан келиб чиқилса, наслий шаҳзода-ю, лекин худди Қутлуғ каби тахтга бевосита меросхўрлик ҳуқуқидан маҳрум эди. Сўнги воқеанинг аҳамиятли томони шундаки, бу ҳодисалар ҳокимиятдан четлатилган

³³ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 145-б.

³⁴ E. Chavannes, *Documents...*, 122—б.

³⁵ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 272-б.;

шаҳзодалар шахсий ҳокимиятпарастлиги натижаси эмас, балки халқ ҳаракати эканлигини кўрсатади. Шарқий ва Ғарбий қўзғолонларнинг бир пайтда бўлиши тасодифий эмаслигига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Буюк ипак йўли бўйича ахборот тарқалиши мунтазам бўлиб, агар йўли ўз элатлари ичидан ўтса-ю ва отлар алмаштирилиб турилса, 2 минг км отлиқ чопар учун ҳеч нарса эмас эди.

Кибу чур ўзига гун-юэлардан шимолда Балхашнинг шарқда яшайдиган янмян деган теле қабиласини ҳам оғдириб олди.³⁶

Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам турклар озодлиги масаласи ўз тадрижида янги босқичга ўтди. Олдиндан ўйлаб қўйилган келишув борлиги шубҳасиздир. Лекин ғарбий туркутларнинг қўзғолони сиқиб қўйилган иттифоқчиларига ёрдамга келган империя мунтазам лашкарининг қарши ҳужумига дуч келди. Файратли ва қўрқмас зобит Ван Фан-и туркларни Или дарёсига сиқиб бориб, шу ерда Кибу чурни тўлиқ мағлубиятга учратди. Турклар минглаб кишиларини йўқотди, бироқ янмянларнинг тўсатдан ҳужум қилиб қолиши хитой ютуқларини хатар остида қолдирди.

Иссиққўл бўйидаги жангда теле пиёда камончилари империя қўшинини шунчалар қисувга олдики, Хитой қўшинида хизмат қилаётган кўчманчилар ўз саркардасининг калласини келтириш эвазига душманидан қутулишга рози бўлишди. Ван Фан-и фитнеси ҳақида билиб қолиб, унинг бошчиларини қароргоҳига чақиради, қўл-оёқларини боғлайди. Ноғораю карнайлар садоси ёрдамга чақирувчилар овозини босиб кетади ва 70 исёнчи калласи узилади. Шундан сўнг империяликларнинг тўсатдан қилинган ҳужуми янмянларни бироз бўшаштириб қўяди ва уларнинг тўдаси тарқалиб кетади.³⁷ Шунинг билан ҳаммаси тугади.

Моҳиятан, Кибу чур ва Кутлуғ қўзғолонлари бир хилда, фақат биринчиси шу заҳоти бостирилди, иккинчиси, ҳақиқатдан, улкан ютуқларга эришди. Бунда нима ҳикмат бор? Гап туркларнинг ўзида эмас. Ғарбий чеккада Тан империясининг дастлабки йиллардаги анъаналар ҳали ўз кучини йўқотмаган бўлса, Хитойнинг ўзида бегоналар сулоласига қарши қудратли кучлар ҳаракат бошлаб юборган эди. Император хоним У (У-хоу) амалга оширган тўнтариш ана шу тамойилнинг юзага чиқиши бўлди.

Император хоним У. Тан сулоласининг икки юзи бор эди. Сулола асосчиси Ли Юан ҳали кўчманчилик одатларидан воз кеча олмаган хитойлашган турк бўлиб, унинг сафдошлари ҳам худди шунақа

³⁶ E. Chovannes, *Documents...*, 123-6.

³⁷ *Ibid*, 76-6.; H. Cordier, *Histoire generale...*442-6.

бўлганлиги учун ҳам ўз кишисини тахтга ўтқазилган эди. Тайцзуннинг теварагида хитой олимлари билан бир қаторда уйғур йўлбошчиси, — бир қўлли Киби Хи, турк шаҳзодаси Ашина Шэни каби турк ботирлари бор эди. Гаоцзун эса соф хитойча тарбия кўриб ўсди. Айнан шунинг замонида чегара саркардаларининг аскарый шавкати билан хитой нозиклигига маҳлиё бўлиш орасида зиддият келиб чиқди. Асосий ҳал қилувчи мавқе аёллар жозибасига келиб тақалди.

637 йилда ворис шаҳзоданинг ишқи отасининг гўзал канизагига тушади. Император ўлимидан сўнг унинг хотинлари ибодатхонага жўнатилиб, сочлари қиртишланган ҳолда умрининг охиригача шу ерда умргузаронлик қилишлари керак бўлади. 650 йилда янги император Гаоцзун ибодатхонага ташриф буюрганида, ўша гўзални кўриб қолади ва севгиси қайта тугён уради. Ўз кундошлари билан курашда шерик излаган фарзандсиз император хонимнинг рухсати билан гўзални император ҳарамига юборадилар. Бу унга можаролар учун имкониятлар бериши билан бирга, бу борадаги ажойиб санъатини намоён қилишга ҳам йўл очди.

654 йилда Гаоцзун бутун борлиғи билан унинг таъсирига тушиб, уни император хоним қилади. Янги император хоним барча кундошларини йўқотади, баъзиларини қўл-оёғини боғлаб, ҳеч қандай судсиз, айбловсиз, шароб тўла идишларга чўктириб юборади. Кейин Тан сулоласи равнақида қўли борларни ва император оила аъзоларини бирин-кетин захарлаш, сургун қилиш, осил, қийнаш бошланиб кетади. Бу бир тасодиф эмасди, хитой асилзодалари жорий сулолани бегона қон деб билар ва ундан нафратланарди, сулолани емирадиган зот топилганидан мамнун эди. Эрининг эркини қўлига тўлиқ олган император хоним ҳар қандай қаршиликни бостириб, сиёсат ва маданиятда хитойлар кўп бўлишини тиклашга тайёргарлик кўрди. Гаоцзун ўлимидан кейин у мустақил иш юритиш қобилияти кўриниб қолган ўглини тахтдан четлатиб, ҳокимиятни ўз қўлига олди. 684 йилда Тан сулоласининг бир неча шаҳзодалари суиқасд уюштиришда айбланиб дорга осилди. Булар билан бир қаторда император хонимга тўнтариш қилишда ёрдам берган тарафдорлари ҳам дорга осилди. Бу унга ҳокимиятни бўлишиб оладиганларидан қутулиши учун керак эди.

Бироқ йўлни у кимлар учун оча бошлаган эди? Омаддилардан биринчиси будда жамоасининг бошлиғи бўлди. Ана шундан бошлаб Хитойда буддавийликнинг таъсири жуда кучайиб кетди.

Ундан кейин ҳарбий бўлмаган, лекин турли синовларда ўз қобилиятини намойиш эта олган кишиларга лавозимлар берилди. Табиийки, булар қаламни қиличдан кўра яхшироқ ушлай биладиган хитойлар эди. Булар ҳукуматдан чегара жангчиларини суриб

чиқаришди. Жангарилар қилич ишлатишни билганлари туфайли ташқи урушлар тақдирини ҳал этишарди, император хоним ҳукуматидан ранжиши оқибатида улар бу борада жудаям жонини жабборга бермайдиган бўлиб қолишди. Империя қўшини қуролини ташламади, лекин истамай, ланж савашадиган бўлишди.

689 йилда Тан сулоласи номи тугатилди. 690 йил 19 октябрида император хоним император унвонини қабул қилди. Буддавийлар зудлик билан У Будданинг қизи эканлигини ва Тан сулоласидан империяни мерос олиши кераклигини исботловчи нарсалар ёзиб беришди. Қўллагани учун жавоб ташаккури сифатида император, мамлакатнинг ҳамма шаҳарларида будда ибодатхоналари қуриш ҳақида фармон берди.

Тўнтариш, осилар, буддавийлик ташвиқоти, Тибет билан уруш – барчаси хитой жамоатчилиги диққат марказида бўлиб, Хангайга қочиб кетган турклар билан унча ишлари бўлмаслиги тушунарли бир ҳолат эди.

Буларнинг ҳаммаси биргаликда турк ҳоқонлигини қайта бунёд этиш учун шароит яратди.

Турклар ва уйғурлар. Халхада турк ўрдасининг пайдо бўлиши бутун Ханхай валийлигини тўс-тўполон қилиб юборди. Халхада макон қурган эмин юриб, молини боқиб, хитойлардан совға олиб юрган тўқуз-ўғузлар ва бошқа теле қабилалари эркин ҳаёт тугаганлигини англаб етишди.

Оч қочоқлар қўшнилари, айниқса, улар душманларининг содиқ фуқаролари бўлса, таламасдан иложи йўқ эди. Табиийки, даштнинг барча қабилалари туркларга қарши жуда шиддатли курашга ҳозир бўлмоқлари лозим эди. Турклар бунга жуда яхши тушунар эдилар: “душманларимиз йиртқич қуш каби тепамизда айланишар, биз улар учун ўлакка эдик”³⁸ деб ёзади Тўнйуққ. “Ўшанда Хитойдан шимолда беклар, ўғузлар ўртасида етти нафар эрлар бизларга душман бўлдилар,”³⁹ деб хабар беради Алп Элэтмиш, ўзининг ёшлиги ва ана шу урушда қатнашгани учун шод унвонини олган отасининг мансаб поғонасидан кўтарилишини эслаб.⁴⁰ Йўллуғ тегин яна ҳам аниқроқ айтади: “Ўнгда (жанубда) табғач халқи душман бўлди, қирғизлар, куриканлар, отуз татарлар, қитой (киданлар), татаблар (хи) – бари душман бўлди”.⁴¹ Ростдан ҳам, вазият ниҳоятда оғир бўла борди.

³⁸ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 65-б.

³⁹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 10-б.

⁴⁰ Clauson, *The Ongie Inscription*; С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 10-б.

⁴¹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 38-б.

“Таншу”да Били⁴² деб аталадиган тўқуз ўғузларнинг Баз қоғони ташаббусни қўлга олди. У Хитойга, киданларга элчилар юбориб, Қутлуғ устига жавлик ҳужум уюштиришни таклиф қилди: жойлашиши бўйича хитой – жануб томондан, уйғурлар шимолдан ҳужум қилиши керак эди.⁴³ Ғарбда ғарбий туркутларнинг қолдиқлари – ўн ўқ деб аталадиган турклар бўлиб, улар шундай бир сиёсий тушкунлик ботқоғига ботиб қолган эдиларки, ҳеч бир жиддий урушга ярамайди, деб ҳисобланарди. Айғоқчилар бу режа ҳақида Қутлуғга хабар етказишди, у Тўнйуққнинг режасини қабул қилди. Бунга биноан, ҳужумга дастлаб ўзлари ўтиши ва қаршилиқ камроқ бўладиган ғарб томондан дастлабки зарбани бериш ва қолган душманларига навбат билан зарба бериш эди. Бир катта муаммо ҳам бор эди: туркларда бор-йўғи икки-уч минг жангчи бўлиб, улар ҳамма жабҳада уруш қилишига тўғри келарди.

Барибир, Қутлуғ таваккал қилди. Ашидэ Юан-чжан бошчилигида минг суворини Курданни – Оролбўйи саҳросини босиб олиш учун юборди (турклар ғарбда бостириб келаётган душмандан яширинмоқчи бўлган кўринади), икки минг аскар билан Тўнйуққ шимолга ҳужумни бошлаб юборган тўқуз ўғузларга қарши юрди. Ҳар қандай бирлашмада бўлгани каби хитойлар ва киданлар иттифоқи ҳужум қилишда кечикдилар.

Тўнйуққ Баз қоғондан тезроқ юрди ва икки қўшин Тўғла (Тола) дарёси бўйида тўқнашди. Уйғурлар сони олти минг бўлишига қарамай, турклар уларни дарёга улоқтириб ташлади ва таъқиб қилиб, қочаётганларни чопиб ташлайвердилар. Баз қоғон ҳалок бўлди⁴⁴ ва тўқуз ўғуз халқи турк хонига бўйинсунди.

Бироқ ғарбий бўлинманинг иши юришмади. Бу вақтда тургаш қабиласи кучая бошлаган бўлиб, улар Чу ва Или дарёлари оралигини эгаллаган ва ғарбий турк хонларига тобе эдилар. Тургашларнинг қабила бошлиғи Учжилэ бага тархон (хитой матнида Мохэ-даган)⁴⁵ унвонига эга эди. Ғарбий турк хони ўша кезларда, Тан ҳукуматининг амалдори ҳисобланар, бу эса, табиийки уларнинг ўз фуқаролари орасидаги обрўсига путур етказар эди. Учжилэ анча истеъдодли бўлиб, сулоладан норози кишилардан анчасини ўз теварагига йиғди. “Таншу”да унинг аскарлари сони жуда кўп қилиб кўрсатилган: 140 минг. Тўғри, бу 699 йилга тааллуқли. 688 йилда улар анча

⁴² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 306-б.

⁴³ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 65-66-б.

⁴⁴ Баз-қаған балбали Қутлуғ мазорига қўйилган. Қаған 693 йилда ўлдирилган. 688-693 йил ораларида турклар билан уйғурлар орасида бошқа тўқнашув бўлмаган.

⁴⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 296-б.

кам бўлиши керак (хитойнинг орттириб кўрсатиш нисбати 9-10 га тенг).

Ғарбга юришда Ашидэ Юан-чжен тургашларга дуч келди ва жангда ҳалок бўлди.⁴⁶

Шундай қилиб, маълум бўлдики, ғарб туркларга ёпиқ, шимолдан эса бошпана сифатида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун Қутлуғ ўрдани Ўтуқанга – Хинган ёнбағридаги тоғ тайгасига кўчирди. Бу ерда туркларни империя аскарларидан ғорлар ва даралар паналарди, худди мана шу ерда улар ҳароб қилувчи ҳамла ва ҳужумларига замин тайёрлади, бунинг натижасида иккинчи ҳоқонлик бунёд бўлди.

Тола бўйидаги ғалаба билан ҳам дашт учун уруш охирига етмади. Битикларга кулоқ солинса, Қутлуғ 47 марта юриш ташкил этди, 20 та жанг қилди, “душманларини тинчликка мойил этди, тиззаси борлар тиззасини букди, боши борларнинг бошини эгди”.⁴⁷ Бу хитоб нимани англатишини топиш қийин. Қутлуғ Халхани ўзига бўйсундиргани рост, лекин ғарбда – Ўрта Осиёда, шарқда – Манчжурияда у ҳеч нарсага эришмаганга ўхшайди. 693 йилда Қутлуғ вафот этади⁴⁸ ва тахт укаси Мочурга (хитойча: Мочжо)га ўтади, у Қопоғонхон унвонини олади. 693 йил бундан ташқари, хитой қуролининг зафари йили ҳам бўлиб, ниҳоят тибетликлар Ғарбий ўлкадан суриб чиқарилди.

Империянинг қаттиқ қўлини ҳис этган ғарбий турклар шаҳзода Ашина Суйцзи раҳбарлигида 694 йилда қўзғолон кўтаришди, аммо Данлин-чуда⁴⁹ тор-мор этилди.

Бундан кейин ушбу қўзғолонга қўшилган тургашлар ҳам енгилди, Тибет босқинчи қўшинидан эса Нишумус кенти тортиб олинди. “Ғарбий ўлка”да тўлиқ осойишталик ўрнатилди, лекин бу тинчлик ҳам Чжанге олиб келган турк аскарлари воситасида ўрнатилди. Бу кар турклар қўзғолонга қўшилмаган Ордос турклари⁵⁰ бўлса керак.

Дастур. Шундай қилиб, империя мунтазам қўшини билан курашга фақат турклар дош берди. Савол туғилади: улар буни қандай уддалашди, душман олдида қуролини ташламаслик учун у билан саҳро бўйлаб чекинган Қутлуғ сафдошларининг мафқураси қанақа эди? Хитойга нисбатан бундай салбий муносабат сабабларини бобоси

⁴⁶ *Ўша асар, 268-б.*

⁴⁷ *С. Е. Малов, Памятники..., 1951, 38-б.*

⁴⁸ *А. Габайн Қутлуғнинг ўлган йили 692 йил дейди. У ўша йили илон йили эканлигини далил қилади (Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 597-б.). Аммо мучал йили турк ва хитойларда бир йилга фарқ қилади.*

⁴⁹ *Бу жой номини ҳозирги географик ном билан боғлаб бўлмади.*

⁵⁰ *Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 303-б.*

Кутлуғ Илтерес қоғон⁵¹ номидан битилган, Йўллуғ тегин тузган битикдан излаб кўрамиз: “Бизга олтин, кумуш, ипак, ипакли матолар берарди. Табғач халқининг сўзлари тотли, ипак матолари юмшоқ эмиш. Тотли сўзларга, юмшоқ ипак матоларга қондириб, олисларда яшаган халқларни ўзларига яқинлаштирар эмиш. Бу халқлар яқинлашиб, ерлашгач, уларнинг ёмон ниятларини тушунар эмиш. Бу ўринда Йўллуғ тегин хитой маданияти кўчманчи турмушга кириб келишига қарши, айна чоғда, у моддий маданиятни хитой мафкурасини тарқатиш воситаси сифатида баҳолайди. Муаллиф варварларни бартараф қилишнинг айнан ана шу йўлини тавсия этган Конфуцийни ўқиган, деган хаёлга бориш мумкин.

Давомида Йўллуғ тегин оқибатларни кўрсатади: “(Табғачнинг) тотли сўзларига, юмшоқ ипак матоларига алданиб, эй турк халқи, кўп миқдорда ўлдинг... у ерда ёмон кимсалар шундай ақл беришар эркан: (табғачлар) (бирор халқ) узоқ бўлса ёмон ҳадылар берар, яқинларга эса яхши ҳадылар берар, деб шундай ақл берар эмиш. (Ақлсиз) жоҳил кишилар, бу сўзларга эргашиб, яқин бориб кўп миқдорда ўлдингиз”.

Қандай қилиб улар ҳалок бўладилар, ахир улар мўл-қўл қимматбаҳо нарсалар оларди-ку? Муаллиф жавоб беради, совғаларга аскарый хизмат билан жавоб қайтариш керак эди, яъни бегоналар манфаати учун олис ўлкаларда жон беришга тўғри келарди: “Сен эй... турк халқи, у ерларда, бегона мамлакатларда ҳолсиз, мадорсиз тентирар эдингиз. Тирик қолганларингиз бир ўлиб, бир тирилиб дайдингиз”.

Йўллуғ тегин тўғри айтади, ўзига хосликни сақламоқчи бўлган халқ, унга қанча ҳақ тўламасин, ватангадо ва жаллодга айланмаслиги керак. Бундай “сафдошларни” хўжайин остонасидан бери киритмайди, на олтин ва на кумуш билан қарамликни оқлаб бўлмайди. Бир бурда нон учун сотилиш мафкурасига у хаёлий бир нарсани эмас, аниқ бир дастурни — ҳоқонликни тиклашни қарам-қарши қўяди. “У ерга тўғри кетсанг, эй турк халқи, олажаксан, Ўтукан ўлкасида ўтириб бу ердан карвонлар жўнатсанг, ҳеч бир дардинг бўлмас. Ўтукан тоғларида ўтирар бўлсанг, сўнгсизгача давлат соҳиби бўлиб ҳукмронлик қиласан. Эй турк халқи сен тўқ...”

Сўнг у бу дастур амалга оширса бўладиган хаёл эмас, балки бобоси томонидан рўёбга чиқарилганини айтади: “Тахтга ўтириб йўқсил ва фақир халқни тўпладим. Фақир халқни бой қилдим, оз халқни кўп қилдим. Ёки менинг сўзларимни ёлғони борми?” Лекин шунинг билан бирга у таъкидлайдики, хон кишилар орасида обрўга эга эмас, яъни “беклар хатога-хоинликка йўл қўйишга мойилдирлар”,

⁵¹ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 303-б.

халқ эса нодон. “Турк халқи... сен очикққанда тўқликни тушунмайсан, тўқ бўлсанг, очлик нималигини унутасан”. Бундан кўринадики, ҳоқонликни тиклаш ташаббуси бир тўда эски ҳолатни қўмсаган кишилар бошлаган ишдир. Йўллуғ тегин битиги гувоҳлик берадики, бекларнинг бир қисми ва улар билан боғлиқ бўлган қатлам Хитой билан иноқ бўлиш тарафдори бўлганлар, бироқ хон теварагига тўпланган ватанпарвар кучлар уларни ўтган қадимги шухратини тиклаш учун аскаррий юришларга ҳайдаб борганлар. Бу гуруҳ биринчи ҳоқонлик тархонлари бўлиб, кейин жўн кишиларга айланиб қолганлардан ташкил топганини англаш қийин эмас.

Фахрийларни тарғиб-ташвиқ қилишнинг кераги йўқ эди, шунинг учун Йўллуғ тегин мурожаат этган ўша беқарор омма кимлардан иборатлигини билиш жуда қизиқдир. “Менинг сўзимни тўлиқ бир четидан эшитинг: оға-иниларим, кичик қардошларим, ўз қабилам, ўз халқим, ўнгдаги шодлар ва қардош беклар”. Бу ўринда даштга хос анъанавий марказ, ўнг ва чап қанотларга бўлиш бор, лекин поғона шаклида: марказ – хоннинг хос аскарлари, ўнг қанот – шаҳзодалар, чап қанот – уларга қариндош ва тенг бўлмаган тўқуз ўғузлар, яъни уйғурлар ва Халханинг бошқа қабилалари.

Шундай қилиб, кўз ўнгимизда тузилиши поғонали тамойилдаги ҳарбий демократия манзараси намоён бўлади. Энг муҳим ҳолатни ҳам айтиб ўтмоқ керак, бу ерда тўқуз ўғуз беклари ва халқи турклар билан тенглаштирилган. Бошқа бир ўринда мурожаат йўналтирилганлар рўйхати яна ҳам кенгайтирилганлигини кўрамиз: “Кўнглимдаги сўзларни ўн ўқ ўғиллари, (ва уларга тобе) тотларга қадар ушбу ёдгорликдан кўринг, ўрганинг”.

Бироқ бу ерда ҳам ғарбий турклар ва уларга аралашиб кетган тотлар кўшилган, холос. Кидан, қирғиз, қорлуқ, татаби, суғудлар ва бошқалар, яъни матн тузилгунга қадар тобе қилинганлар, бу сирага киритилмаган. Улар ўрда аъзолари эмас эдилар, улар ўлпон тўловчилар ёки иттифоқчилар эди.

Хуллас, кўктурк ўрдаси ўзига фақат тўқуз ўғузларни бириктирган.⁵² Бироқ ушбу кўринишда ҳам у ўз асосчиларининг метин иродаси ва аскаррий истеъдоди билан қувватланиб турарди.

Бошқача қилиб айтганда, турклар ҳарбий демократия босқичида эдилар ва ўзлари кўниккан ушбу тузумни сақлаб қолиш учун ўзларига боғлиқ ҳамма нарсани сафарбар қилишга тайёр эдилар.

⁵² Қиёсланг: (С. Е. Малов, Памятники..., 1951, 42-б.: “Тўқуз ўғуз менинг ўз халқим эди, кўк ва ер тўс-тўполон бўлиб, у бизга душман бўлди”). “Ўз халқим” дегани кўшиб олинган, ўрдага қабул қилинган дегани, бироқ у элга зўрлик билан киритилган ҳирож тўловчи эмас.

ЯНГИДАН ҚУРИЛГАН ХОҚОНЛИК

Вазифалар. Толедаги ғалаба турклар ихтиёрига бугун Халханинг ўтишини таъминлаган бўлса-да, бу салтанат жуда бир оғир аҳволда эди. Янги тобелардан бўлмиш уйгурларга ишониб бўлмас; янги тузилган хоқонликни шарқдан, жанубдан, ғарбдан империя мулклари ўраб турар: шимолда – Сибирда кенг майдонни эгаллаган қирғиз хонлиги ҳам туркларга душманлик кайфиятида эди, энг муҳими эса турк халқининг катта қисми Ордосда, душман чангалида қолиб кетганди. Биринчи навбатда ана ўшаларни чангалдан чиқариб олиш керак эди, Қопоғон хон ҳам шундай йўл тутди.

694 йилда турклар Хитой чегараларига яшин тезлигида ҳамла уюштириб, кўплаб жангчи ва халқларни асир қилиб олиб кетди.¹ Айни чоғда, Қопоғоннинг ўзи император Уга мурожат қилиб, тобеликка қабул қилишни таклиф этди. Бунинг маъноси империя ҳукумати Халхада турк давлати ташкил этилишига рози эканлиги ва уни тан олиши демак эди. Ўз-ўзидан аёнки, Хитой бунга осонликча кўниши мумкин эмасди. 18 лашкарбоши етакчилигида хитойлар ва кўчманчилардан иборат суворилар қўшини туркларга қарши юборилди, бироқ душманни топа олмай қуруқ қайтишди.² Ўтуқан тоғлари туркларни мағлубиятдан сақлаб қолди.³ Хитойларга мудофаага ўтишдан бошқа чора йўқ эди.

Ўша ҳамла чоғида асирлар зўрлаб олиб кетилмаган, балки вақтида Қутлуғ билан кетишга улгурмаган Ордос турклари энди ўз қабиладошлари томонига қочиб ўтган бўлиши мумкин. Битик Қопоғонхон сиёсатини шундай таърифлайди: “Амаким қоғон, подшо бўлиб яна турк халқини тузди, кўтарди, чиғойини бой қилди, оз сонлини кўп қилди”.⁴ Оз сонли халқ кўп бўлиши, аёнки, табиий кўпайиш ҳисобига бўлган эмас.

Қабиладошларини озод қилиш каби асосий вазифадан кам аҳамияти бўлмаган иккинчи вазифа: бошқа кўчманчи халқ ва қабиалар билан муносабат ўрнатиш масаласи кўндаланг турарди. Империяга номигагина тобе бўлиш кўчманчилар ориятига тегмасди, аксинча, бу улар учун фойдали эди. Бироқ хитойлар бизнинг

¹ Н.Я.Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 286-б.; S. Julien Documents..., vol 4, 414-б.

² Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 215-б.

³ “Қачонки биз кучлимиз – тарож қиламиз; қачонки кучсиз бўлсак, тоғ-тошларга қочамиз”, – деган эди Тўнйўқуқ

⁴ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 38-б.

хукмронлигимиз мустақкам ўрнашди, деган асоссиз ишонч билан Буюк девор орти мулкларига ўзларининг амалдорларини қўя бошладилар. Бу эса турли хил келишмовчиликлар келтириб чиқарарди: кўчманчилар оқсоқолларининг ҳуқуқлари камситилар, оддий кўчманчилар эҳтиёжи англанмас ҳамда хитой мансабдорлари манманлигидан озукланадиган порахўрлик, фирибгарлик ва ҳақоратлар авж оларди. Шунинг учун ҳам VII юзйиллик охирларида кўчманчиларнинг Хитойга ён босиши Буюк Хитой деворининг улкан масофасига тескари бир мутаносибликда эди. 696 йилда Манчжурияда киданлар ва татаб (хи)⁵лар ғалаёни бошланди, албатта бундан турклар фойдаланиб қолишди.

Ниҳоят, хон олдида учинчи вазифа: ички сиёсий ишлар турарди. Қадимги туркутларда, айтилганидек, тахт мероси қонунига мувофиқ отага ука, амакига жиян ворислик қиларди (поғонали кўтарилиш). Хитойлар бундай тартибда мазмун кўрмас эдилар, шунинг учун турклар ишига аралашганда уни ҳисобга олиб ҳам ўтирмасдилар. Ҳоқонликни қайта тиклагандан сўнг турклар эски қонунларини ҳам тикладилар ва шу қоида бўйича Мочур Қопогон хон бўлди. Лекин унга хитой маданияти анча таъсир қилган эди, шу боисми у тахтни жиянига — Мўғилёнга бергандан кўра, ўғли Фугуйга топширишни афзал кўрди. Қонунни илдизидан бошлаб бузмаса иш чала бўлишини фахмлаб, у эски “кичикхон” (“шод”дан юқори) лавозимини тиклади ва ўғлига тақдим этди.⁶ Жиянига эса тардушлар шоди, яъни туркларнинг ўнг қаноти раҳбарлигини топшириш билан энг хавfli ҳарбий вазифани ҳам юклади. Бундан у жияни ҳалок бўлишидан ҳеч ҳам қайғурмас экан, деган хулосага ҳам келиш мумкин.

Шарқда. Туркларнинг зафарлари Марказий Манчжуриядаги кидан ва татаб каби мўғул қабилаларида ҳам умид чироғини ёқиб юборди. Хитой тарихининг ўзи ҳам кўзғолон учун жавобгарликни асосий бошлиқ Чжао Вэн-хайга юклаб, манманлик туфайли қўл остидагиларни менсимай қўйганлигини кўрсатади.⁷ 695 йилда кидан йўлбошчилари Цзинчжун ва Ванюнлар кўзғолон кўтариб, Чжао Вэн-хайни ўлдиради ва ёрдамчисини асир олади. 24 кун ичида кўзғолон саккиз кидан қабиласининг барчасига ёйилади. Улар билан бир пайтда татаблар ҳам кўтарилади, лекин ўз кучларига унча ишонмагани учун турклар билан иттифоқ тузадилар. Юборилган мунтазам қўшинни

⁵ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 160-б.

⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 270-б.; С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 38-б.; Л. Н. Гумилев, *Удельно-лествичная система*, 19-б.

⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 364-б.

мунтазам қўшинни Пинчжоу яқинидаги Хуанчжангу воҳасида киданлар тор-мор келтиради. Фақат сотиб олинган қуллардан ташкил топган учинчи қўшингина 696 йилда киданлар ҳужумини даф этиб, уларнинг силжишини тўхтатишга муваффақ бўлади.

Бундай вазиятдан Қопоғон хон фойдаланиб қолди. У император аёлдан қўзғолончиларни тинчитиб қўйиш учун розилик сўрайди ва у рози бўлади. Хизмати учун унинг хонлиги эътироф этилди, аскарий унвон ва зодагонлик рутбаси тақдим этилди. Қопоғон хон яшин тезлигидаги ҳужум билан киданларни тумтарақай қилди ва ўрмонлардаги инларига кириб кетишга мажбур этди.

Хурсанд бўлиб кетган император аёл турк хонини *улуғ шанйуй* деб тан олмоқчи бўлиб турганида, у ҳали хонлик унвонини расман олиб улгурмасданоқ Хитой чегараларига ҳужум уюштирди ва 697 йилда икки ноҳия – Линчжоу ва Шенчжоуларни,⁸ яъни шимоли-шарқий Ордосни яғмо қилди. Уларни чегарабўйи халқларидан ташкил топган империя лашкари қувиб юборди,⁹ бироқ қўмондонлик Тўнйуқуқ қўлига ўтгач “йигирма уч шаҳарни вайрон қилиб” зафар қозонди.¹⁰ Тошбитикларда бу тадбир “Яшил ўғуз”¹¹ ёки Талуй ўғуз (Яшил дарё)¹² билан сугориладиган Шантунг текислигидаги уруш” деб номланади.

Хитойларни шу тариқа қўрқитиб, хон тинчлик битими шартларини ўзи қўйди. Унинг шартлари: император хонни ўғил қилиб олиши, хон қизларини хитой бекларига олиб бериш, Ордосда қолиб кетган туркларни қўйиб юбориш, уруғлик учун 100 минг ху тариқ, 3 минг дона деҳқончилик асбоблари ва тақалар учун темир беришдан иборат эди. Шубҳа йўқки, у рад жавобини олди. Шундан кейин хон музокараларни тўхтатди, элчиларни тутуқлади ва кидан ерларидан қўшинини олиб чиқиб кетди. Киданлар тезда ўрмонларидан чиқиб, Ванюн деган бек теварагида бирлашишди.

⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 268-б.

⁹ S. Julien Documents..., vol 4, 4414-415-б.

¹⁰ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 66-б.; *Уша асар*, 38-б. билан қиёсланг.

¹¹ Турклар тасаввуридаги ранглар орасидаги чегаралар европаликларни кидан ўзгачадир. Масалан, -кўк – яшил ранг; яшил – яшил-сарик, хира; сариқ-сарик-тўқсарик, тиниқ. Шундай қилиб, *Яшил Ўғуз Хуанхенинг мутлақо айнан муқобил таржимасидир. Сарик дарё – хира, лойқа – сариқ рангли дарёдир. Тошбитикларда Сарик дарёнинг қуйи оқимигача бўлган биргина юриш тилга олинади, аслида бир неча бор юриш бўлган: 697 й. Линчжоу ва Шенчжоуга (Ордоснинг шимоли-шарқий қисми) ва 698 йилда Хэбэйга юришлар қилинган. Балки битикларда уч юриш биргаликда тилга олинар, ҳарбий ҳаракатлар майдони сифатида “Шантунг текислиги” тилга олинади (Қаранг: С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 38-б. 17-§, 66-б. 18-19-§. “Яшил ўғуз”ни “Денгиз дарёси” деб таржима этишни Малов тавсия этган. (Қиёс: F. Hirt, *Nachworte zur inschrift... 17-18-б.*)*

¹² С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 66-б.

Ванюн яна хитойларга ҳужум қилиб, Цзичжоу ноҳиясини яғмо қилди. Киданларга қарши жуда катта куч – 170 минг аскар (бу ҳисобга хизмат кўрсатувчилар ҳам киритилган бўлса керак) юборилди, аммо киданлар уларни қириб ташлади. Ванюн ҳужумга ўтиб, Ючжоу ва Инчжоу ноҳияларини узиб ташлади ва “кўнглига келганини қила бошлади”.¹³

Император аёл турк хонининг ҳамма талабларига рози бўлиб, киданларга қарши кўмак олишига тўғри келди. Ана шу кундан бошлаб турклар кучайиб кетди.¹⁴ Хоннинг император билан иттифоқи киданлар учун қиёматнинг бошланиши дегани эди. Турклар билан иттифокда бўлган татаблар икки юз минглик хитой янги лашкари билан қўшилиб киданларни исканжага олдилар. Кидан қўшини тор-мор этилди, Ванюн қули билан қочиб кетаётганида тутиб ўлдирилди. Киданларнинг омон қолганлари хитойларга таслим бўлишни истамай, туркларга бордилар ва 697 йилда Қопағон Манчжурияни ўз мулкига қўшиб олди. Бундан сўнг киданлар хитойлар билан урушни туркларнинг вассаллари сифатида давом эттирдилар.

Император хоним У тўнтариши ва Тан сулоласи идорасидаги ўзгаришлар оқибати айнан мана шу ўринларда кўзга ташланади. Муҳожирлардан ташкил топган чегара қўшинлари хитойлар учун жанг қилишни истамас эдилар, шунинг учун қўшинни янги аскарлар билан тўлдиришга, ҳатто маош бериб ёллашга тўғри келган.¹⁵ Сайёр қўшин ичида кеккайган хитой мансабдорларига нисбатан муҳолиф кайфият ҳосил бўлмаслиги мумкин эмас эди. Тан анъаналари оҳанграбоси ва эпкинни чегара қўшинини ҳукуматга мойиллик доирасида ушлаб турарди, лекин ҳарбийларнинг аксарияти сургундаги меросхўр тарафдорлари бўлиши император хотиннинг жигига тегарди. Император қўмондонлик ва катта кучлар бир генерал қўлида тўпланиб қолмаслиги учун бўлиб ташлаган эди, бу эса қўшиннинг ҳарбий салоҳиятига таъсир этмай қолмасди.

Қопағонхон вазиятни ҳисобга олиб, ўзини ворис томонида, деб эълон этди. Унга тахтни олиб бериш учун “100000 сувори”¹⁶ билан Қопоғон 698 йилда юриш бошлади. Бу чиройли сохта сиёсий

¹³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 365-б.

¹⁴ *Уша асар*, 269-б.

¹⁵ Император аёл У аскарлар ёллаш ҳақида эълон қилиб, бор-йўғи 1000 киши тўплай олди. Тан хонадони шахзадаси Хэбэй саркарда этиб тайинланганида эса, у 50 минг ёлланма аскар йўғди (*Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten...*, 445-б.)

¹⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 269-б.

шиор унга кўп наф келтирди: империя лашкарида хизмат қилаётган кўплаб кўчманчилар унга келиб қўшилди.¹⁷ Қопоғонга қарши бири 300 минглик, иккинчиси 150 минглик икки катта қўшин юборилди. Бироқ улар жангга киришга ботина олмадилар. Турклар эса, қатор чегара ўрамларини торож қилиб, кўплаб асирлар олишди. Очiq жангларнинг барчасида хитойлар мағлуб бўлаверишди. “Шантунг текислиги”¹⁸даги зафарлар ҳақида ўз қабри устига ёздирган матнда ана шу муваффақиятларни назарда тутган бўлса керак: энди хитой ҳукумати душмани қўлидаги асосий зотни – қонунийликни тортиб олмақчи бўлди. Тахт вориси сургундан қайтарилиб, қўшинлар қўмондони қилиб қўйилди. Қопағон хон чекинишга мажбур бўлди, айни чоғда, у Тан сулоласи учун эмас, ўзи учун, ўз халқи учун жанг қилганини ҳам кўрсатиб қўйди.

Қопағон Тан сулоласи муҳофазаси учун отланган чоғида, унинг тарафига ўтган 80 минг аскарни қириб ташлаб турклар чекина бошладилар. Қайтишда барча хитой кентлари ва қишлоқлари хонавайрон қилиниб, аҳолисини қулга айлантирилди. Бундан сўнг уруш тўхтаб қолмади, давом этди, лекин сулола вориси тахтга ўтиргач, империя кучлари ҳам жипслашди. 699 йилда киданлар тор-мор этилди¹⁹, бу ғалабани илгари бир-бирига душман бўлган, насли кўчманчи икки уста саркардалар номи билан боғлайдилар. Англанса бўлади, Хитой учун кўчманчи ўлишни истамайди, бироқ Тан империяси учун кўчманчи заҳмат чекса бўлади. Мочурга қўшилиб улгурмаган кўчманчиларни ўзига оғдириш учун фаросатли У уларнинг аҳволини яхшилашга киришди. 701 йилда туркларни қулга айлантириш ман этилган фармон чиқди.²⁰ Бу билан даштдагилар асрлар бўйи етказган жабрларининг қасдини ола олмай, ўз захрини чегара бўйи кўчманчиларга сочишни касб қилиб олган хитой амалдорлари ва ер эгаларининг ҳиссиётларига чек қўйилди.

Фармон ҳосил бера бошлади, чегарабўйида турк ҳамлалари муваффақияти камая борди, ҳатто қисқарди ҳам. 700 ва 702 йилларда турклар Шимолий Хитойга ҳамла қилдилар, аммо иш қорамол ҳайдаб кетиш ва талончилик билан чегараланди.²¹ 703 йилда Қопоғонхон

¹⁷ S. Julien Documents..., vol 4, 415-6. Хирт маслаҳатчи Се Тэннинг мулоҳазасини келтиради, у айтдики, ҳарбий ва маъмурий хизматга кўчманчиларни олмаслик керак, олинганларини эса мамлакат ичкарисида ушламоқ керак, чунки улар ўз қабилалари орасига тушиб қолса Хитойга катта зиён етказади (F. Hirt, Nachworte zur iuschrift... 15-6.)

¹⁸ С. Е. Малов, Памятники..., 1951, 66-6.

¹⁹ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., 1 ж., 365-6.

²⁰ Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 452-6.

²¹ 700 йилда Хитойга бўйсунган тангутлардан турклар 10 минг отни ҳайдаб кетишди. (Г. Е. Грумм-Гржимайло “700 йил охирида” деб ёзади (?), Западная Монголия..., 301-302-б.) бу тadbирга хоннинг жияни Мугулён бошчилик қилган (қаранг: С. Е. Малов, Памятники..., 1951, 20-6.).

ўз элчисига қизини тахт вориси ўгли билан никоҳи ҳақида музокара олиб боришни топширди. Бу тинчлик дегани эди. Ҳақиқатдан ҳам, музокаралар уч йил давом этди ва бу вақт мобайнида ҳарбий ҳаракатлар бўлмади. Бу вақт ичида император аёл ўлди ва тахтга номини турк хони байроқ қилиб кўтариб юрган ўша Чженцзун ўтирди. Энди очиқ ўйин бошланди.

Ғарбда. 698 йилга келиб шафқатсиз уруш туркларнинг ҳам, хитойларнинг ҳам силласини қуритди. Бундан тургашлар етакчиси Учжилэ фойдаланиб қолди. У хитойпараст унсурларнинг йўлбошчиси нотаваон Ашина Хусэлони сиқиб қўяди ва у 60-70 минг тарафдорлари билан 699 йилда Хитой девори ортига кўчиб кетади.²² Тургаш хонлигининг марказий ҳудуди Или водийси ва Тянь-Шан тоғолди минтақалари эди. Хоннинг ёзги — жанубий қароргоҳи ҳозирги Тўқмоқ кенти атрофида, шимолий — қишки қароргоҳи эса гун-юэ²³ қабиласи ерларида эди. Босиб олган ерларини қонулаштириш учун Учжилэ Хитойга иккинчи ўгли Чжену бошчилигида элчилик юборади. Элчилик яхши қабул қилинади, бу эса ишғол этилган ерлар қонунийлаштирилган-лигини англатарди.

Бунга турклар хотиржам қараб тура олмади. Улар Ғарбий Жунгориядаги тургашлар ҳали ўз салтанатига қўшиб улгурмаган чуй қабилалари (Урта Осиё хунлари насллари)дан фойдаландилар. “Салтанатни кенгайтириш ва қоғон ҳукмронлигини кучайтириш”²⁴ учун Еттисувга ёндош ерларни қўлга киритишга интилиб, хоннинг жиянлари тардушшад Мўғилён ва унинг ўн олти яшар укаси Кул тегин²⁵ чуй қабилалари устига 701 йилда юриш қилиб, уларни бўйсундирди.²⁶ Юриш режаси анча кенг бўлиб, Суғудни ҳам бўйсундириб, ягона ҳоқонликни тиклаш мўлжалланган эди. Тургашлар муносабатни кескинлаштиришни истамаганларидек, турк беклари ҳам уларга тегишни лозим топмади, аммо Хитой ҳукумати душманининг ғарбий мулкидаги муваффақиятига хотиржам қараб тура олмасди. Турк ёзма ёдгорликлари 50 минглик империя лашкарини Идукбошда тор-

²² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 295-б.

²³ E. Chavannes, *Documents...*, 49—б.

²⁴ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 40-б.

²⁵ Кул тегин — ўлимигача ва ундан кейин тарихда қолган унвони, болалик исми номаълум.

²⁶ Шаванн шахзодалар ғарбий турк ёки “ўн ўқ”ларни бўйсундирган деб ҳисоблайди. (Қаранг: E. Chavannes, *Documents...*, 282—б.; 5-изох) Бу қисман эътироф этилади, чунки ғарбий турклар хони аввалгидек империя иттифоқчилари эдилар. Туркларга хон ўрдalarидан ажралган чуёз, шато каби қабилалар қолган бўлса керак. Шундай тушунилса, далиллар билан ҳам, манбалар билан ҳам зидлик келиб чиқмайди. Билка қоон битиғида шундай дейилади: “Ўн саккизмда қўшин билан Олти-Чуб ва Сўгдаққа бордим, халқини енгдим”. (С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 20-б.)

мор келтириб, унинг аскарбошиси Ўнг тутуқни асир олганларини ёзади.²⁷ Лекин хитой воқеаномаларида бу жанг ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Шунинг учун воқеа миқёси ошириб кўрсатилган бирор кичик жанг бўлганлигини тахмин қилиш мумкин.

Изоҳ. Ушбу воқеа ҳақидаги тақдим этилаётган шарҳ биринчи марта баён этилмоқда. Бунинг заминида С. Е. Маловнинг П. М. Мелиоранский таржимасидан фарқ қиладиган таржимасининг пайдо бўлиши ётади. Мелиоранскийда “*altu cub sogdak*” ибораси “олти чубнинг суғдақлари”²⁸ деб таржима қилинган. Маркварт сирли “чуб”ни Чжао-ву сулоласи номи билан изоҳлайди. Бу сулолага Кан (Самарқанд), Ми (Маймурғ), Ши (Кеш), Хэ (Кушания), Цао (Усрушан) ва На-се-бо (Насаф) каби суғуд мулкларининг беклари дохил бўлган ва бу ерларни, Маркварт фикри бўйича, 701 йилда шарқий турклар босиб олган. Ўз фикрига далил сифатида Маркварт 701 йилда суғудлар Хуросон амири Мухаллаб ибн Абу Суфрга қарши турклардан мадад олганлигини кўрсатади.²⁹ Бу айнанлаштириш илмий доирада кенг тарқалиб кетди, бироқ Грумм-Гржимайло жуда қаттиқ танқид остига олди ва у бу пайтда Суғудга юриш қилиш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Аммо бу муаллиф ҳам бошқа бир хатога йўл қўйди: ғарбий юришни мутлақо инкор қилди ва матнни тўқиб чиқарилган деб ҳисоблади.³⁰

С. Е. Маловнинг таржимаси ҳар икки фикрни ҳам рад қилишга имкон беради. Малов “Олти чуб ва суғдақлар” деб таржима қилади.³¹ Агар “чуб”лар деганда чуюэ, чуми, чумигун, икки тармоқли чубан ва (чуюедан ажраб кетган)³² шатолар тушунилса, ғарбий Жунғория, Тарбағатай ва Қора Иртишда кўчиб юривчи ушбу қабилалар забт этилгани маълум бўлади ва бу амалга ошириш мумкин бўлган бир ходисадир. Суғдақлар масаласига келинса, бу олисни кўзлаган сиёсатдир. Грумм-Гржимайло, 700-701 йилда араблардан Суғудни ҳимоя қилган турклар Тан империяси тобелари бўлмиш ғарбий туркутлардир, улар ҳеч вақт шарқий турклар бўлиши мумкин эмас, чунки шарқий турклар ўзлари босиб олмоқчи бўлган халқни ҳимоя қилиши мумкин эмас, деб тўғри айтган эди. Бироқ у империя чегара қўшинига қўмондонлик қилган, араблардан енгилмаган,

²⁷ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 40-б.; 1959, 20-б.

²⁸ П. М. Мелиоранский, *Памятник в честь Кюль-тегина...*, 140-б.

²⁹ J. Marquart, *Die Chronologie...*, 15-б.

³⁰ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 304-309-б.

³¹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 40-б.

³² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 289, 357-б.

асир тушмаган хитой саркардаси Сян Ван билан Ўнг тутуқни айнанлаштиришганда хатога йўл қўйган эди. Фарбий юришни инкор этиш мана шу асоссиз айнанлаштиришга таянади, бинобарин, Кул тегин бир йил ичида Суғуддан Ўрхунга бориб қола олмас эди.

Ўнг тутуқни 692 йилда тибетликларни Тарим ҳавзасидан³³ ҳайдаган ва ўша ерда сайёр қўшин қўмондони бўлиб хизмат қилишда давом этган Ван Сяо-цзе билан айнанлаштира бўлади, шекилли. Агар шундай бўлса, империянинг Суйе³⁴даги (Иссиққўлдан шимолдаги қалъа) гарнизони билан жанглarda омади юришмай келган тургашларнинг тезда кучайиб кетиши сабаби аён бўлади. Айтилганлардан маълум бўладики, Фарбий ўлкада уч томонлама уруш кетган: империя лашкари Идукбашдаги жангда ютқазгандан кейин ҳам Карашар, Куча, Кошғар, Хўтан ва Бэйтин (ҳозирги Гучен яқинида)ни қўлдан чиқармаган; фарб тургашлар назорати остида, шимол – турклар тасарруфида эди. Чиндан ҳам Суғудгача турклар етиб бормаган. Уларнинг қурбонлари Иртиш юқорисидаги қорлуқлар, жанубий-фарбий Жунғориянинг Юлдуз воҳасида кўчиб юрувчи (дулу иттифоқига кирувчи турки қабилалар) хуви ва шунишлар бўлган эди. Жунғория жанубидаги басмилларнинг бўйсундирилиши (703 й.) ҳам ана шу чоғларга тўғри келади.

Цзю-Таншунинг қуйидаги хабари ҳам ўша ҳужумга тааллуқли бўлса ажаб эмас: “Чоугун давридан бошлаб (685-688; яъни Ашидэ Юан-чженнинг фарбга омадсиз юришидан бошлаб) ўн уруғ Мочжо туркларининг муттасил яғмоси ва талони остида қолди, уларнинг бир қисми ўлдирилди, бир қисми тарқатиб юборилди ёки бутунлай йўқ қилиб ташланди (одатдаги хитойча бўрттириш – Л. Г.), кейин 60-70 мингдан кўп бўлмаган кишилари қолгач, Хушэло билан бирга Хитойга кўчиб келиб жойлашдилар”.³⁵

“Син-Ташу” эса, аксинча, Хушэлоннинг асосий душмани тургаш Учжилэ³⁶ бўлган, дейди, бизнингча иккаласини ҳам тўғри деб қабул қилмоқ керак: турклар ҳам, тургашлар ҳам фарбий туркут қолдиқлариغا бирдай хатарли бўлганлар ва уларни ўз хўжалари Хитой пинжига жойлашишга мажбур этишган.

700-704 йилларда Фарбий ўлкада Империя кучлари жуда оз эди. Идукбашда сайёр қўшин мағлубиятидан кейин фақат қалъалардагина гарнизонлар қолдирилган бўлиб, уларга ҳам ҳеч қандай қўшимча кучлар юборилмаган бўлса керак. Ҳақиқатдан ҳам,

³³ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 303, 305-307-б.

³⁴ Шаваннга биноан, Суйб (Е. Chavannes, *Documents...*, 77-б.), бироқ Грумм-Гржимайло уни Карашар деб ҳисоблайди (*Западная Монголия...*, 303-304-б.).

³⁵ Е. Chavannes, *Documents...*, 42-43-б.

³⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 295-б.

янги кучлар Манчжурияда киданлар билан ва Хуанхэда турк хонининг ўзи билан савашмоқда эдилар. Шунинг учун ака-ука шаҳзодалар Суғудга боришга ҳаракат қилган бўлиши мумкин-у, бироқ битиклар бу ҳақда ҳеч нарса демаслигига қараганда, бу йўналишда жудаям омад кулиб боқмаган кўринади. Аммо турк таҳдиди империя ҳукуматини тургашлар кучайишига чидаб туришга мажбур қилди, бу билан улар лоақол, тургашлар бетарафлигини қозонар эдилар. Бизнинг шарҳимизни: туркларнинг Жунғорияга кириши, Хушэлонинг қочиши ва Учжилэнинг тан олиниши – барчасининг бир вақтга – 699 йилга тўғри келиши тасдиқлайди. Ҳодисалар бир-бири билан боғлиқлигига шубҳа йўқ.

Тургашлар. Ўз аждодлари абарлар ва мукрилар каби тургашлар ҳам на телеларга, на чуйларга ва на турклар (туркутлар)нинг гуруҳларига мансуб эмас эди.³⁷ Улар ҳақидаги дастлабки маълумотлар VII асрга, ҳали тургашлар беш қабилалик дулу³⁸ таркибида бўлган кезга тўғри келади. Фарбий туркут ҳоқонлиги хитойлар томонидан босиб олинган вақтда тургашлар икки ҳарбий ўрамда яшар эдилар: Ву-лоуда – Или дарёсининг юқори оқими, бу ерда соғэ ва мохо уруғлари яшарди ва Го-шанда – Илиннинг фарбида, бу ерда алишэ³⁹ уруғи яшарди. “Тан сулоласи тарихи”да тургашларнинг келиб чиқиши ва этник мансублиги ҳақида фақат улар “сарик” ва “қора” уруғларга бўлиниши айтилган. Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, “сарик”лар қадимдан шу ерда яшаб келган мукрилардир, “қора”лар эса келгинди абарлардир, улар чагишиб бир халққа айланганда ҳам, ҳамон келиб чиқиши ҳар хил бўлганлигини унутишмаган.

Тургашлар кўпсонли халқ бўлган. Энг гуркираган замонларда Согэхон 300 минг жангчига эга эди. Бу рақам ичида тургашларнинг ўзларидан ташқари Ашина салтанати узилиб, Фарбий туркут ҳоқонлиги парчалангандан кейин тургашларга бўйинсунган кўшни қабилалардан тузилган ёрдамчи кўшин ҳам бор эди. Бундан сал олдинроқ эса, сулола асосчиси Учжилэда атиги 140 минг жангчи бўлган, уларга ҳам “қўл остидагиларни хотиржам қилишни билиши билан обрў ва ишонч қозониб, кўчиклар унга бўйсунадиган бўлганлиги”⁴⁰ туфайли эришган.


“Қора”лар сон жиҳатдан камчиликни ташкил этиб, адади 300 минг жон (жангчилар эмас!) бўлган, яъни улар тургаш халқининг учдан бирини ташкил этган.

³⁷ Л. Н. Гумилев, *Три исчезнувших народа...*, 109-б.

³⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 289-б.

³⁹ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 209-б.

⁴⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 296-297-б.



VIII юзйилликнинг биринчи ярмида Марказий Осиё

Қўшин ва халқ нисбатининг варвар давлатларига хос оддий ҳисоби усулини қўллаб, маълум даражадаги аниқлик билан тургаш халқи умумий сонини белгилаш мумкин. Уларнинг сони 500-700 минг оралиғида чайқалиб турган. Бу ўша замон учун жуда кўп ҳисобланарди. Ўша чоғда, Тан империяси гуллаган пайтда (754 й.) Хитой аҳолиси атиги 58 млн. жон (ҳар икки жинс)га етган эди.⁴¹ Лекин ғарбий туркут хонлари ерларини мерос қилиб олган тургашлар, уларнинг империяга қаратилган сиёсатига ҳам ворислик қилдилар. Шунинг ўзи уларни туркларга душман бўлишига олиб келди ва бунинг оқибатлари тезда кўзга ташланиб қолди.

Акс ҳужум. Тан империяси Ғарбий ўлкани қўлдан чиқаришга кўнмас эди. Улар турклар, араблар, тургашларнинг истилосини ўзларининг вақтинча омадсизликларига йўйардилар. Фақат янги сайёр қўшин ва истеъдодли генерал бўлса бас. Бундай киши топилди: гап дорга тортилиб ўлдирилган хон Юанкиннинг ўғли, сургунда сокин юрган туркут шахзодаси Хян эди. Керак бўлиб қолганида, дарров уни кечиришди. 703 йилда шарқда тинчлик битими тузилади, шундан бошлаб — 704 йилдан ғарбдаги вазият ҳам ўзгарди. Икки нафар ғарбий турк хони Хуай-дао ва Хянларнинг ҳар бири қўшинлари билан юборилади. Хян Чунинг ғарбидаги 30 минг чодирли қабилада осойишталик ўрнатади.

704 йилда аввал шато, кейин ғарбий туркут ва қорлуқ қабилалари империя томонига ўтадилар. 706 йилга келиб аввалги ҳолат тикланади.

Тургашларнинг лоқайдлиги нима билан изоҳланади? Бунни тушуниш осон: жанубда араблар қисиб келмоқда эди. Қутайба 705 йилда Балхни, 706 йилда Пойкендни ишғол қилди, фақат суғудлар ва “туркларгина” уни чекинишга мажбур этди. Табарий воқеаномасидаги “турклар” айнан тургашлар эди.⁴² Умумий душмандан қўриқланиш зарурати уларни хитойлар билан яраштирди, Хитой ҳукумати эса, жануби-ғарбда тўсиқ бўлиб тура оладиган янги давлатни тан олишга мажбур бўлди. Ана энди нега Хян Чудан ғарбдаги ерларни истило қилган тургашларни аягани ва Учжилэ қайси хизматлари учун 706 йилда улуғ беклик мақоми билан тақдирланганлиги маълум бўлади.⁴³ 707 йилда тургашлар Қутайбани Бухородан улоқтириб ташлади. Тургашлар билан суғудлар орасидаги англашилмовчиликкина арабларга эсонликда Хуросонга чекиниш

⁴¹ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 338-б.

⁴² *Тургашлар йўлбошчиси Хитой императори жияни дейилган. Бу қариндошлик даражаси эмас, балки унвондор (Қаранг: Иакинф Бичурин, История Тибета..., 162-б.).*

⁴³ W. Radloff, *Die altturkischen inschriften...*, 7-8-б.

имконини берди. Шу орада Учжилэ ўлади, ундан ўгли Сўгэга 300 минг(?) аскар, яхши ташкил этилган ўрда, Хитой билан иттифоқчилик ва араблар билан уруш мерос қолади.⁴⁴ Ўша 708 йилда Кутайба яна Бухородан улоқтириб ташланади ва Сўгэ бутун Ўрта Осиёда биринчи салоҳият бўлиб қолади. Агар 707 йилгача Тибет қиличи жанубга қаратилгани бизга маълум бўлмаганида, биз тибетликларнинг сустигидан ҳайрон қолган бўлар эдик, албатта. Жанубий Хитой қўшини Юннани жангларида мани қабилаларини бўйсундириб, жон бошидан икки ҳисса солиқ ола бошлайди. 710 йилда манилар бош кўтаради ва ёрдамга тибетликларни чақиради. Улар бу вазиятдан фойдаланиб хитойлардан товон эвазига маликани, Цзюцюй ва Хэси ноҳияларини унга сеп сифатида беришга мажбур қилишади. Мана шу кичик бир ер майдони жуда катта стратегик аҳамиятга эга бўлиб, Хитойга ҳамла уюштиришда отларни боқадиган ем-хашак базаси бўлиб хизмат қилади. Кейинги воқеалар оқидамида бу омил кам аҳамият касб этмаганини кўраимиз.⁴⁵

Уюшма. 703-706 йиллардаги яраш ҳоқонликдан кўра Империяга кўп фойда келтирди. Мудофаа ва ҳужум тадбирлари самара бермаётганига қаноат ҳосил қилган хитойлар сотиб олиш йўлига ўтдилар. Биринчи навбатда тўқиз ўғузларга қўл солинди, чунки улар хонларининг хурмача қилиқларига қарамай, даштда бемалол кўчиб юрган, сахийларча берилган туҳфалардан хушнуд бўлган кунларини ҳали унутмаган эдилар. Яраш чоғида Тўлада ўлдирилган Боз қоғоннинг (хитойча Били) ўгли Дугайчжи уйғурлар ва киби, сиге, хун қабилалари билан бирга хондан юз ўгириб, Гоби саҳросидан ўтиб Империя оёғига бош урди. Улар Алашан ва Гансудаги Лянчжоу теварагига жойлаштирилди ва “кучли чавандозларини аскарлар сафини тўлдириш учун олишди”.⁴⁶

Турклар учун уйғурларнинг ажралиб чиқиб кетиши катта зарба бўлди, чунки бу уларнинг ички сиёсий қувватини кўрсатувчи аломат бўлиши билан бирга, тўқуз ўғузлар ичидаги ҳаракат хитойлар акс эттирган манзарадан ҳам кўра анча кенг миқёсга эга эди. Тахминан худди шу кезларда турк шаҳзодалари Мўғилён ва Кул тегинлар Шарқий Байкалортида яшовчи байиркулар кўзғолонини бостираётган эди.⁴⁷ Байиркулар Тургияргун (Онон ва Керулен

⁴⁴ Р. Жиро Учжилэ “706 йил қишида совуқдан ўлди,” – деб ёзади (R. Giraud, L'Empire des Turcs..., 43-б.). У нима демоқчи? Урта Осиёда кўп нарсалардан ўлиш мумкин, фақат совуқдан эмас, чунки кўчманчи ҳар қандай совуқда гулхан ёқа олади.

⁴⁵ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 156-158-б.

⁴⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 306-б.

⁴⁷ Уша асар, 344-б.

оралиғидаги Түрей кўли) кўли ёнида мағлуб этилади ва уларнинг бошчиси Улуғ Эркин қочади⁴⁸, албатта, Хитойга, чунки бошқа қочиб борадиган жойнинг ўзи йўқ эди.

Хатарли аломатлар кўриниб-билиниб турарди, бироқ манманлик кўзини хиралаштириб кўйган Қопоғон иккиюзламачи императорни жазолашга азм қилди. 706 йилда турклар Шимолий Хитойга бостириб кириб, Шач-Чжун қўмондонлиғидаги мунтазам қўшинни қириб ташлади ва яйловдаги ҳукумат йилқисини ҳайдаб олиб кетди. Йилқи сувориларнинг отларини янгилаш учун мўлжалланган эди.

Миншадаги жанг⁴⁹ Кул тегин ёдномасида чиройли тасвирланган. Кул тегин остидаги уч от ўлдирилади, унинг совути ва чакмонига “юздан ортиқ ёй ўқи қадалган” эди. Ўргатилган оғир сувориларнинг қайта-қайта ҳужумга ўта олиш фазилати бу жанг давомида уч марта намоиш қилинди. Хитойлар бу савашни 10 минг киши йўқотганлигини айтади, бу эса жанг жараёнида тасаввур қилиш имконини беради. Кўринадики, енгил қуролланган камончилар ҳужумни ўқ дўли ёғдириб қайтаришга уринишган ва икки марта бунга муваффақ ҳам бўлишган, бироқ учинчи ҳужум ваҳима туғдирган ва турклар қочаётганларнинг калласини узиб ташлайверишган. Бундай катта талафот фақат шу тариқа юз бериши мумкин. Жангнинг тактикасидан келиб чиқилса, хитой кўшини таркибида қочиб ўтган уйғурлар савашганлар.

Шундан кейин музокаралар тўхтатилди ва император хоннинг калласи учун мукофот белгилади. Лекин империя лашкарининг Халхага киришга юраги дов бермади ва улар Ордосга келиш йўлларида учта истеҳком қуриш билан қаноатланишди. Бу ўринда биз руҳиятнинг тўлалигича эврилишини кузатамиз: у дашт руҳиятидан хитой руҳиятига айланди, айнаи замонда хитой мудофаа тизими ҳам қайтиб тикланди: худди Хан замонасидагидай хунлар ўта билмас истеҳкомлар қурилди, “ёш олчоқлардан” ташкил топган пиёда кўнгиллилар ва эркатой саркардалар пайдо бўлди.⁵⁰ Айнан мана шу 708 йилда саксон яшар чол қўмондон этиб тайинланса, жангчилардан нимани ҳам кутса бўларди. Ташаббус, омад туркларга кулиб боқди. Мочур империя элчисини осди ва Хитой чегарасига ҳамлани қайтадан уюштирди. Ушбу ҳамла ҳақида хитой манбаларида

⁴⁸ С. Е. Малов, *памятники...*, 1951, 41-б.

⁴⁹ Минша – Шарқий Гансуда, *Хуанхэнинг ўнг қирғоғидаги шаҳар* (Қаранг: Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 310-б.). Турклар бу ерни ўзлариға хойлик қилган уйғурлардан ўч олиш учун танлаган бўлса керак, чунки бу ерга йўл уйғурлар яшаши учун ажратилган Алашан тоғолдидан ўтади (қиёс: Н. Cordier, *Documents...*, 181, 189-б.). П. М. Мелиоранский, *Памятник в честь Кул – Тегина*, 139-б.

⁵⁰ Л. Н. Гумилев, *Хунну*, 128, 140-б.

шунчалик хира хабар бериладики, бундан туркларга жиддий қаршилик қилинмаганлигини англаш қийин эмас. Империяликлар хонга янги элчи юборади, бироқ бу элчи ўзига юклатилган вазифани бажаришга улгурмай, йўлда ўлади.⁵¹

Барибир, дипломатия ва сотиб олишлар ўз ҳосилини бермай қолмади. 709 йилдаги вазиятни доно Тўнйуқуқ равшан ифода этган: “Табғач қаған йағимиз эрди. Ўн ўқ қағани йағимиз эрди (шу ўринда турғаш хони Сўтэ – Л. Г.) Қирқиз кучлуг қағани кўпроқ йағимиз бўлди. Ул уч қаған ўйлашиб “Олтун йиш устига юрайлик” дейишибди. Шундай ўйлашибди: ўнгга (шарққа) Турк қағанга лашкар тортайлик дейишибди. (Кўринадики, туркларнинг ортидан, ғарбдан биргаликда зарба бериш мўлжалланган – Л. Г.). Унга лашкар тортилмаса, у ғазабланса у бизни йўқ қилади, қағани алп экан, маслаҳатчиси билгучи экан, қачон ғазабланса ўлдирадиган кўринади. Учовлон ёпирилиб лашкар тортиб уни йўқотайлик, дебди. Турғаш қаған яна саросимада дебди. Ўғузи бўлса пароканда дебди”.⁵² Ҳақиқатдан ҳам, турклар қуршовда эди, ундан қутулиш учун душманнинг хаёлига ҳам келмаган йўл топиш керак эди. Улар йўл топишди.

Биринчи зарба. Доно Тўнйуқуқ маслаҳатчи лавозимини Қопагон хон замонида ҳам сақлаб қолди, лекин тахтдан четда бўлган шахзодалар билан алоқасини узмади, аксинча, қизи Пўфуни тахт вориси тардушшод Мўғилёнга бериб алоқани мустаҳкамлаб борди. Мўғилён ҳоқонликнинг ғарбий чегара қўшини қўмондони бўлиб, 709 йилда чиклар мулкига ёриб киради ва Енисейнинг юқори қисмидан кечиб ўтиб, уларнинг қўшинини Орпен⁵³ ёнида тор-мор қилади, сўнг азларни⁵⁴ ҳам бўйсундиради. Ана шу вақтда у ҳозирги Туванинг бутун ҳудудини тобе қилади, бироқ асосий душман – қирғизлар ҳамон табиий ва ишончли истеҳком – Саян тизмалари орқасида эмин-эркин юришарди. Чиклар ва азларнинг бўйсундирилиши қирғиз ҳужуми эҳтимолини анча масофага узоқлаштирди, бироқ уни мутлақо бартараф қилмади.

⁵¹ S. Julien Documents..., vol 4, 427-6.

⁵² Шу ерда “оғуз” сўзининг юқорида тавсия этилган “жамоа, хўжалик бирлиги” маънолари тасдиғини топган. Муайян ерга эга бўлгач, турклар унга тарқалишиб, табиийки, бир-бирдан алоҳида яшаган. Бу кўчманчи чорва хўжалигида одатий бир ҳолатдир. Турғаш хони ана шу ҳолатни айтмоқда: унда-мунда алоҳида яшаганда уларни йиғиш қийин бўлади. алоҳида яшаш туркларга қорамол ва йилқини боқиш учун ҳам зарур эди. Тўнйуқуқнинг кўзидан уйқу қочиб, халқини қутқариш йўллариини ўйлашининг чуқур мазмуни ҳам ана шундадир.

⁵³ Жойлашиш ўрнини аниқлаб бўлмади.

⁵⁴ С. Е. Малов, Памятники..., 1959, 20-6.

Ана шундай бир ҳолатда ишга яна Тўнйуқуқ аралашди. У ташаббусни қўлга олиб, ёз чиқишини кутмасдан, тўсатдан қирғизлар устига бостириб бориб уларни тор-мор келтиришни таклиф этди. Энг оғири Саян тизмасининг ҳеч ўтилмаган жойидан ошиб ўтиш эди, чунки Кўгман довони (ғарбий Саян) қўриқланарди. Довонни ҳамла билан ҳам олиб бўлмасди, чунки қирғизлар 80 минг аскар йиға олар ва то тургашлар, империя – табғач қўшинлари етиб келгунча туркларни ушлаб тура оларди. Сафарбарлик борасида қирғизларда катта бир устунлик бор эди: улар суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлиги боис⁵⁵ аҳоли зич, тўпланиб яшар эди. Шунинг билан бирга сомон кўплиги ҳам, отларни уйдан узоқлаштирмай боқиш имконини берарди. Хужум тўсатдан, кутилмаганда бўлгандагина туркларни зафар кутиши мумкин эди. Тўнйуқуқ “дашт азларидан” бошқа йўлни кўрсатиб берадиган йўлбошловчи топди.

Режалаштирилган юриш телбаларча бир ҳаракатга ўхшарди, бироқ хон рози бўлди, Тўнйуқуқни бошчи қилиб тайинлади ҳамда унга ёрдамчилар сифатида ўзининг унча суймаган жиянларини қўшди. Ундан кейин содир бўлган воқеаларни Тўнйуқуқнинг ўзи жуда яхши баён қилган.⁵⁶ “...Лашкарни йўлга солдим. Отлан, дедим. Оқ Тэрмелни кечиб, қароргоҳ қурдирдим (Бу ерда барча ортиқча нарсалар қолдирилган бўлса керак – Л. Г.). От устига миндириб қорни ёриб кечдим. Юқорига отни етаклаб, яёв ёғоч тутиниб⁵⁷ (юрдик). Олдиндаги йигитлар юқорилаб борди ва ўсимлиги бор довонга етдик. Қийналиб индик (тушдик), ўн тун (кундузи душманни чўчитиб қўймаслик учун юрилмаган) ёнимиздаги тўсиқни айланиб бордик. Йўлбошчи йўлдан адашди ва бўғизланди. Ани суви бўйлаб пастга тушдик. Санаш учун лашкарни туширдик (тўхтатди), отни ўтга бойлар элик (Орқада қолган совқотганлар кам бўлмаган кўринади – Л. Г.). кун ҳам, тун ҳам елиб бордик. Қирғизни уйқуда босдик... найза билан йўл очдик. Хони ва қўшини йиғилди”⁵⁸.

Саваш ҳақида Йўллуғ тегин жуда яхши баён қилади: “Ҳоқони билан Сунга йишда жанг қилдик. Кул тегин Байирқудан олган оқ айғирни миниб хужумга отилди, бир эрни ўқ билан урди, икки эрни кетма-кет қилиб найза санчди. Ўша хужумда Байирқу айғирининг курагини синдирди. Қирғиз қаганини ўлдирдик,

⁵⁵ С. В. Киселев, *Древняя история...*, 570-572-б.

⁵⁶ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 67-б.; 41-бети билан қиёсланг.

⁵⁷ С. Е. Малов “чанғида” деб ўйлайди. Бундай бўлиши мумкин эмас! Чанғичи от ўта олмас ердан осон ўтади, лекин туркутларга аскарларий отларни олиб ўтиш зарур эди. Қорни улар аскарларга эмас, отлар учун топташган.

⁵⁸ Кўгман довони – Ғарбий Саяндаги Шабиндабедаги довон. Қирғиз хони қароргоҳи Абикан дарёси воҳасида эди (Г.Е.Грум-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 297-б.)

давлатини олдик”.⁵⁹ Тўнйуқуқ тушунтиради: “Хонни ўлдирдик. Қирғиз халқи қаған ҳукмига ўтди ва унга бўйинсунди”.

Шундай қилиб, Тўнйуқуқ топқирлиги, Култегин мардлиги ва турк аскарлари бардоши туфайли душман бирлашмасининг бир аъзоси сафдан чиқарилди. Қирғиз ерининг бўйинсундирилиши номига эди, чунки Тўнйуқуқ у ерда ҳеч қандай гарнизон қолдирмади, аммо энди орқадан ҳужум бўлишидан ҳадиксирамай, бор эътиборини ғарбга қаратиш имкони туғилди.

Иккинчи зарба. Тургаш хони Сўгэ 708 йилда Хитой билан иттифоқчилик шартномаси тузди.⁶⁰ Тўнйуқуқ айнан мана шу шартномани назарда тутган бўлса керак. Аммо поёнсиз тургаш салтанати мустаҳкам эмас эди, чунки у ҳалок бўлган Ғарбий туркут ҳоқонлигидан ахлоқсизликни мерос қилиб олган эди. Сўгэ ўз йўлбошчиси Кюэ-чжо (Кули чур) билан жанжаллашиб қолиб, иккаласи орасида шафқатсиз уруш бошланиши”⁶¹ тагида давлат сиёсатидан анча йироқ масалалар ётган эди. Сўгэ ўз тобеси устидан Хитой ҳукуматига шикоят қилади, бироқ униси пора бериб, муаммони унинг фойдасига ҳал этадиган мансабдор юборилишига эришади. Сўгэнинг қўлига тасодифан уларнинг ёзишмалари тушиб қолади ва у мансабдорни ўлдиртиради. Сўнг эса, у турклар билан курашиш ўрнига, Анси (Кучо) қалъасига ҳужум қилиб шу ердаги Хитой кўшинини тор-мор келтиради. Бу ишни, Хитой ҳукумати мен билан ҳисоблашсин, деб қилади ва мақсадига эришади. Император Чжунцзун уни афв этди ва ғарбда тинчлик тикланди. Лекин турклар билан уруш қилиш вақти ўтказиб юборилган ва иттифоқчилар орасидан самимият ҳам кўтарилган эди.

Бир ташвиш тугаши билан иккинчиси бошланди. Сўгэ укаси Чженга улус ажратиб беради, лекин у менга кам тегди, деб хафа бўлиб, 710 йилда акаси билан ҳисоб-китоб қилиш учун турклар томонига ўтиб кетади.

Донишманд Тўнйуқуқ қуйидагиларни ёзган пайтида Чженни назарда тутган бўлса ажаб эмас: “тургаш қағанидан жосус келди (бу ерда когуг, тўғриси балки “кузатувчидир” – Л. Г.). Гапи бундай: Шарқдан ҳоқонга қарши лашкар тортайлик, тортилмаса бизни йўқотади... Тургаш ҳоқон сафарга отланибди, деди. Ўн ўқ халқи бутунлай ҳаммаси чиқибди, деди. Орасида табғач лашкари ҳам бор экан”.⁶²

⁵⁹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 41-б.

⁶⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 2997-б.

⁶¹ *Уша исар. уша бет.*

⁶² С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 68-б.

Қопоғон хон асосий кучлари шарққа тўплангани боис, бу иш унга анча қалтис кўринди ва тургашларга ўзи ҳужум қилишга бетламади. Хотинини дафн этиш баҳонаси билан қароргоҳида қолиб, Алтун (Алтаин-нуру) тизмасига қоровул қўйди.⁶³ У бу кўшинларга бошлиқ этиб кенжа ўғли Инэл қоғонни⁶⁴ (қиёсланг: Инехан) ва тардушшод Мўғилённи тайинлади, маслаҳатчи раҳбар (штаб бошлиғи) эса Тўнйуқуқ бўлди. Тўнйуқуққа фақат мудофаада бўлиш – “ўзини яксон қилишга йўл қўймаслик”⁶⁵, қочиб ўтганларни тўплаш ва ахборот йиғиш каби қатъий кўрсатмалар берилди. Тўнйуқуқ унинг буйруғини бажаришига кўзи етмаган хон апа тархонга (мухтор вакилга) Тўнйуқуқ ишларидан кўз-қулоқ бўлиб туришни топширди. Олдинги юришдаги муваффақиятсизлик хоннинг хотирасида чуқур из қолдирган бўлса керак.

Барибир, Тўнйуқуқ ўз билганидан қолмади ва кичик бир кўшинни ҳужумга сурди. Душманни ғафлатда қолдириш одатига содиқ қолиб, у Алтаин-нуру⁶⁶ тармоғининг қалин ўрмонларидан ўтди ва қистаб юриш билан бир кечада Бўлчу, яъни Урунгу⁶⁷ дарёсига етиб борди. Бу ерда турклар тургашларнинг илғор бўлинмаларига дуч келишди. Улар бамайлихотир ухлашар, душман бирданига бемаҳал пайдо бўлиб қолиши тушига ҳам кирмас эди ва оқибатда қириб ташланди.⁶⁸ Асирлар турк саркардаларига “Яриш чўлида ўн туман лашкар” йиғилганлигини айтишди, турк беклари чекинишни мақбул кўришди. Бироқ яна Тўнйуқуқ тўсат ҳужум имкониятидан фойдаланишни айтиб, ҳужум қилиш керак, деб туриб олди. Турклар тургаш кўшинига ҳужум қилиб, уни кичик бир мағлубиятга учратди.⁶⁹

Тургашлар сон жиҳатдан жуда ҳам кўп бўлмаганини айтиб ўтмоқ даркор. Тўнйуқуқнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “бизникидан икки қаноти ярмича ортиқ эди”.⁷⁰ “Ўн туман” “ўн қабиланинг” кўнгиллилари бўлса керак, у ҳам ҳали тўлиқ йиғилиб улгурмаган

⁶³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 297-б.

⁶⁴ *Уша асар*, 272-б.

⁶⁵ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 68-б.

⁶⁶ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 313-б.

⁶⁷ Бўлчу ва Бўлчу ўкуз бир дарё бўлса керак. Бу дарё тўрт битикда тилга олинади: (Кул тегин, Тўнйуқуқ, Билка хон ва Мўйунчур битикларида) ҳамда уйгурларнинг Уланком битигида (Қаранг: А. М. Шербак, *Надпись на древне уйгурском языке...*, 23-25-б. Тўнйуқуққа кўра Қора Иртишдан ўтган турклар Бўлчуга бир кечада етади, демак, улар оралиғи 100 кмдан ортиқ бўлмаган. Қора Иртишдан Урунгугача энг узок масофа 80 кмдир ва энг қисқаси 50 км. Урунгудан жанубда кенг бир текислик бор, уни Яриш чўлига – тургашлар асосий кучи тўпланган жойга қиёслаш мумкин.

⁶⁸ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 41-б.; 1959, 21-б.

⁶⁹ “Ҳужум қилди, ҳайдаб юборди” (С. Е. Малов, *памятники...*, 951, 68-б.).

⁷⁰ *Уша асар*, 68-69-б.

кўринади. Бундан ташқари дастлабки икки ғалабада турклар тургашларга жиддий талофат етказди. Шунга қарамай тургашлар ўзларини ўнглаб “оловдай ловуллаб” туркларга ўзлари ҳужум қилишди. Бунда яна турк сувориларининг жанговар сифати иш берди — тургашлар узил-кесил мағлуб бўлиб, Сўтэ ҳоқон асир олинди. Тургаш давлати емирлди. “Беклари ва ўн ўқ халқи барчаси келди, тобелик билдирди”.⁷¹ Зафарни мустаҳкамлаб, тургашларнинг қолган-қутганларини таъқиб этиб, турк кўшини жануб томон силжийверди ва Бузгала ўтагигача, турклар “Темир қопқа (дарвоза)” деб атайдиган жойгача етиб боришди. Улар бу ерда суғудлардан жуда кўп миқдорда ҳирож тўплаб олишди. Бироқ силжишни Ўрта Осиёга жанубдан кириб келган араблар тўхтатди. “Мард жангчилар бизга ҳужум қилишди”.⁷² Кул тегиннинг чекинувчиларни ҳимоя қилиб кўрсатган қаҳрамонликларигина туркларнинг асосий кучини араблардан анча узоқлашиб кета олишига имкон берди.⁷³ Бу тўқнашув ҳақидаги мишмишлар ҳатто Тибетгача етиб борди.⁷⁴

Мана шу юриш асносида Кул Тегин шуҳратга бурканди, у жанубга чекинаётган тургашларни ва Ўрта Осиёда ҳали ҳам сақланиб қолган нушиби бекларидан бўлмиш Қўшу тутуқни тор-мор қилди.⁷⁵ Иккинчи вазифа ҳам биринчиси каби аъло даражада адо этилиб ғарб хатари ўртадан олиб ташланди.

Қопагонхон тўлиқ ғалаба хабарини, ҳамда асир Сўтэ ва ҳарбий ўлжаларни олганидан кейин у, ғарб тўлиқ истило қилинди, энди тургаш хонларининг тирик юриши ортиқча, деб билди. У сотқин Чженга: “Сиз туғишган ака-ука бўлсангиз ҳам чиқишиб яшай олмадингиз, менга қандай қилиб астойдил садоқат билан хизмат қила оласиз?” деб иккаласини ҳам дорга осдирди. (711 й.).

Бироқ у бироз шошқалоқлик қилди, ғарб енгилди, бироқ босиб олинмаган эди. Қора Иртиш ва Тарбағатайда яшовчи қорлуқлар “эркинлик ва мустақиллик учун” туркларга қарши чиқишди. Янги душман билан кураш ғарбий лашкар кучларини бир неча йил боғлаб турди. Қўлга киритилган ерлар орасида энг ишончлиси фақат Ғарбий Жунғория бўлиб, бу ердаги мукрин (хитойча: моғ⁷⁶)лар туркларга бўйсунган эдилар. Турклар Суғудда узоқ қола олмади, 713 йилда Мохэда Тутун (Баҳодир тутун) деган кимса “урушдаги хизматлари

⁷¹ *Уша асар*, 69-б.

⁷² *Уша асар*, 41-б.

⁷³ *W. Barthold. Die altturkischen inschriften...*, 18-б.

⁷⁴ *J. Bacot, Reconnaissance...*, 147-б.

⁷⁵ *Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия...*, 315-б.; *E. Chovannes, Documents...*, 74-б.; *G. E. Puleybeank, The Background...*, 11-б.

⁷⁶ *Л. Н. Гумилев, Три исчезающих народа...*, 106-109-б.

учун”⁷⁷ империяликлар томонидан Тошкентнинг вассал ҳокими этиб тайинланганидан ҳам буни билиб олса бўлади. 714 йилда ғарбий туркларнинг империя ҳукмронлигини улоқтириб ташлаш учун уринишлари ҳам зое кетди. Империя генерали Ашина Хян Суйшэ (Тўқмоқ)да кўзғолонни бостириб, унинг раҳбарини дорга осди. Бу ғалабадан сўнг қорлуқлар, хулуви ва сунешлар ўзларини Империя тобелари (номига) деб тан олдилар, яъни улар билан турк ва турғашларга қарши иттифоққа бирлашдилар.⁷⁸

VIII юзйиллик ўрталарида империяликлар туркларнинг Суғуддаги барча муваффақиятларини йўққа чиқарди. Бироқ Тибетнинг ҳатти-ҳаракатлари Ғарбий ўлкада Хитой фаолиятини бўғиб турарди, худди қорлуқлар Кул тегин лашкарларини маҳкам боғлаб тургани каби. Бундан Суғуд ва Тохаристонни истило этишни ниҳоясига етказган арабларгина ютди.

711 йил охирида тибетликлар уруш майдонини Ғарбий ўлкага кўчирди. Улардан қочиб, шато қабиласи Баркул қўлидан империя гарнизони ҳимоясига – Бэйтинга келди. 713 йилда Тибет қўшини Фарғона водийсига кириб келди, араблар билан иттифоқ тузиб, биргаликда Фарғонага Алуда номли ўз валийсини ҳам қўйди. Аммо 715 йилда Куча валийси маҳаллий кучлар ва теварак қабилалари кўнгиллиларига таяниб Фарғонага бостириб кирди. Алуда қочиб қутулди, маҳаллий бекнинг қонуний ҳокимияти тикланди. Тибетликлар қайтиб кетишга мажбур бўлишди, араб-хитой чегараси эса вақтинча барқарорлашди.

Учинчи зарба. Бирлашманинг ғарбдаги омадсизликлари турклар учун Хитойнинг шарқ томондан ҳужуми хавфини бартараф эта олмади. Империяликлар Олтойга Гоби орқали бостириб кела олмасди, чунки турклар улардан энг яхши отларни тортиб олганди ва ўша пайтда империя лашкари хитойлардангина иборат бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳужумга Манчжурия, унинг татаблар яшайдиган ғарбий қисми танлаб олинганди.

712 йилда 120 минглик хитой лашкари уч қисмга бўлиниб, татабларга ҳужум қилди ва мағлуб бўлди. Ваҳимали чекиниш асносида “бир неча ўн минг” жангчи ҳалок бўлиб, “икки генерал таслим бўлиб асир тушди”. Татаблар асирларни турк хонига юбордилар, у эса уларни қатл этишга буюрди. Қатл учун қасос олинмай қолиб кетди, чунки “саройда бу вақтда ташвиш кўп бўлиб, уларни тинчлантиришга вақти йўқ эди”.⁷⁹

⁷⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 272-б.

⁷⁸ E. Chavannes, *Documents...*, 78, 283-б.

⁷⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 372-б.

Бечора император Чжунцзун ўз суюкли хотини томонидан захарлаб ўлдирилади ва тахтга Сюанцзун ўтиради. Турк хони никоҳ билан мустаҳкамланган тинчлик битими тузиш талабини кескин тарзда қўйди, империя ҳукуматининг кўнмаслик имкони йўқ эди: хонга шаҳзода қизларидан маликалик унвонига эга бўлган келинни ва “марҳамат ёрлиғи”ни юборишди.⁸⁰

Бу турк ҳарбий қудратининг энг юқори чўққиси эди.

Бу билан империя бошига тушган кулфатлар тугамади. Татабларнинг зафари шарқий Манчжуриядаги кичик бир вассал бекликнинг беги Цицик Чжунсян деган кимсага қаттиқ таъсир қилади. 696 йилдан бошлаб Хитойга қарашли жанубий Манчжурия ерларига ва Кореяга ҳужум уюштириб туради ва ниҳоят, марказий, жануби-шарқий Манчжурия (Фуую ва Чаосян) ва ҳатто Корея (Бянхан)ни ҳам ўз ичига олган давлат тузиб олади. Империя ҳукумати бу ҳолатга кўнишга мажбур бўлади. Янги подшолик Бохай давлати номини олади.

Тан империяси сиёсий таназулни бошидан кечирмоқда эди. У аста-секин Хитой подшолигига айланиб бораётган эди.

Араблар босқини. VIII аср бошларига келиб Моварауннаҳр суғуд бекликлари — аҳолиси зич ва жуда бой бир мамлакат “ўз-ўзини ҳимоя қилишга” қодир бўлмай қолди. Араблар ғалабаси эркакларга ўлим, аёллар ва болаларга қулик келтириши ҳаммага аён бўлиб қолган бўлса ҳам, ҳар бир кент ўзича ёлғиз ҳимояланмоқда эди ва табиийки, мағлуб бўлишда давом этарди. Ўзларидаги бўлгинчилик кайфиятини синдириб уюшишга суғудларнинг қурби етмади. Араб бўлинмалари ҳужумларини қайтариб турганлар фақатгина тургашлар бўлди.

Бу ҳам камлик қилгандай, суғудлар ўзларининг ҳимоячиси бўлган тургашлар билан ҳам чиқиша олмай қолди. Қутқарувчилар ва қутулувчилар орасидаги нифоқ 707 йилда бир бурчакка сиқиб қўйилган арабларнинг ўз бошларини қутқариб Хуросонга етиб олишига имкон берди. Худди шунга ўхшаш келишмовчилик 709 йили ҳам содир бўлганида Қутайба Бухорони эгаллаб олди. 710 йилда турклар тургашларни тор-мор келтириши араблар Шоуман, Насаф, Кешни ишғол қилиши ва Толиқонни босиб олиши билан бир вақтга тўғри келди. Мафгункор шаҳарлар ёндирилди, аҳолисининг калласи олинди ёки қул қилиб сотилди. Талон-торож қилинган олтин ва ипақларни юклаб олган қарвонлар Дамашқ томон йўл олар экан, уларнинг кети кўринмасди. Лекин ҳали ҳам Қутайбанинг нафси “ором олмаган” эди, у “яна” дерди. 711 йилда Қутайба хоразмшоҳ билан Хамжурд

⁸⁰ *Ўша асар, 272-б.*

подшоси ўртасидаги можарога аралашди ва хоразмшоҳни ўз тахтига тиклаб, унинг ёрдами билан Ҳамжурдни эгаллаб олди. Сўнг эса бўйсундирилган бухороликлар, насафликлар ва хоразмликларни сафарбар этиб Самарқандга ҳужум қилди. Самарқандликлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатишди, икки томондан ҳам жуда кўп қурбонлар бўлди. Бироқ барибир араблар билан охиригача курашиш учун кучлари етмаслигини англаган самарқандликлар кўмак сўраб Фарғона ихшидига, Чоч бегига, турклар ҳоқонига (ўша тургашларга бўлса керак) ва Хитой императорига элчилар юбордилар. Турклар пачақлаб ташлаган тургашлар Самарқандга қандай ёрдам кўрсата оларди? Ҳеч қанақа! Элчи Чанъанга 713 йилда аранг етиб борди, император ёрдамдан бош тортди: унинг ўзига туркларга қарши қўйиш учун лашкар керак эди.⁸¹ Аслидаку, ёрдамнинг энди кераги ҳам йўқ эди. Чоч беги ва Фарғона ихшиди самарқандликлар хатида ёзилган: “агар араблар Суғудни енгса, сизга ҳам навбат келади,” фикрига қўшилишди⁸² ва мадад учун йўлга тушишди. Бу ҳақда дарак олган Қутайба, уларнинг йўлини тўсиш учун ёрдамчиси Солиҳ Муслимни жўнатди. У эса Бекобод қишлоғидаги тунги жангда чочлик ва фарғоналикларни тор-мор этди ва Самарқанд таслим бўлди.

712 йил кузида Қутайба Марвга жуда катта ўлжа ва асирлар қарвони билан қайтди.

713 йилда у ўтган йилги қатлиомдан омон қолган суғудларни сафарбар этди ва улар билан қўшинни тўлдириб Хўжанд, Фарғона ва Чочга ҳужум қилди. Хўжанд ва Фарғона енгилди, лекин Чоч ҳали қаршилиқ кўрсатарди. Бу ерга империя томонидан ҳоким этиб тайинланган турк Баҳодир тутун арабларни даф эта олди.⁸³

Фарғона водийсида араблар хитойлар билан тўқнаш келишлари керак эди, чунки айнан шу ерда Фарбий ўлка валийлиги қароргоҳи жойлашган эди, бироқ на у томон, на бу томонда бундай тўқнашув ҳақида хабар бор. Кўпроқ ҳар икки рақиб бир-бирига тўқнашиб қолмасликка астойдил интилганга ўхшайди.

715 йилда Қутайба Шарқий Туркистонга юрмоқчи бўлди, аммо халифа Валиднинг ўлими ҳақидаги хабар уни орқага қайтишга мажбур этди. Қайтишда йўлда уни ўз қўл остидаги ҳарбий бошлиқлардан бири исён кўтаришда уринганликда айблаб ўлдирди. Истило даври тўхтаб қолди.

Араб истилосининг бир муддат тўхтаб қолишини бир саркарданинг ҳалокати билан боғлаб қўйиш ярамайди. Турк

⁸¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 311-б.

⁸² Б. Г. Гафуров, *Таърихи мухтасар...*, 99-б.

⁸³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, II ж., 311-б.

ҳоқонлигидаги қаттиқ тебранишлар қобилиятли хон Сулунинг араб босқинига тўғаноқ бўла оладиган турғаш салтанатини тиклашга имкон берди. Худди шундай империя ҳукумати ҳам турк таҳдидидан қутулгач, Фарғона водийсининг шарқий қисмини ўз таъсири остида ушлаб қола олди. 715 йилда ғарбий ўн ўқ туркларидан ташкил топган империя қўшини Фарғонадан тибетликлар ва арабларни қувиб чиқарди. 716 йилда турғашлар империя қўшинини мағлуб этгач, 717 йилда араблар ва тибетликлар яна Қошғардаги империя истеҳкомларига ҳужум қила бошладилар.

Хитойда-чи... Турклар, араблар, тибетликлар Империя чегараларида қанчалик қутурмасинлар, Империя учун энг хавфлиси, барибир, хитой аёллари бўлиб қолаверди. Иродасиз император Чжунцзуннинг умр йўлдоши император хоним Вэй Шэ ўзининг даҳшатли салафи У-хоунинг можаросини такрорлашга уриниб кўрди. Эрига кучли таъсирдан фойдаланиб, унинг энг вафодор хизматчиларини қатл эттиришга эришди, бироқ бир кун эрининг кўзи очилиб ким дўст, ким душман эканини фаҳмлаб қолишидан хавотир олиб, кундоши малика Ан-ло билан тил бириктириб, уни заҳарлади. Императорнинг ўлимини пинҳон тутиб, тахтни ўғлига топшириб, ўзи тахтдан воз кечганлиги ҳақидаги фармонга сохта имзо чекилди.

Кундай равшанки, император хоним ўзини васий этиб тайинлаган. Лекин бу фасоднинг ҳам чуви чиқди. Оғу ичирилган Чжунцзуннинг қариндоши олимлар, яхши аскарый бошлиқ сифатида Тан сулоласига меҳр қўйган амалдорлар, зобитлар ва аскарлар ҳурмати ва эҳтиромига сазовор бўлган Ли Лун-ки⁸⁴ сараланган қўшинни бошқариб саройга бсотириб киради, ҳар икки суиқасдчининг калласини танасидан жудо қилади ва тахтга ўз отаси Жуйцзунни ўтқизади (710 й.).⁸⁵ Жуйцзун ҳукмронлик лавозимидан нафратланарди, шунинг учун 712 йилда тахтдан ўғли фойдасига воз кечди (ўлимидан сўнг олган унвони Сюанцзун).

Тан империяси яна бир синовдан ўтган бўлса-да, ҳар бир синов унга жуда кўп оғир мусибатлар етказар эди.

Янги император муомаладаги камтаринлиги, оиласига ғамхўрлиги билан сулола тарафдорлари меҳрини қозонди. Бу унинг аммаси уюштирган суиқасдни бартараф қилишига ҳам ёрдам берди. Аммаси уни заҳарлаб ўлдирмоқчи бўлган, лекин фош бўлиб, барча суиқасд иштирокчилари қатл қилинди.

⁸⁴ *Gaubil, Abrege... 2-6.*

⁸⁵ *Mailla, Histoire generele..., VI, 201-6.*

Ундан сўнг, 714 йилда, император аёл Уга таянч бўлиб хизмат қилган буддавийликка қарши қонун чиқарилди. Чоллар ва беморлардан бошқа ҳамма роҳибларга оилаларига қайтиш тақлиф этилди, яъни солиқ тўловчи табақага қайтарилди. Будда тасвирини эъозлаш ман этилди.⁸⁶ Саройда муттасил бўлиб турадиган фитналар тўхтаб, аста-секин бошқарув ишлари изга тушди, бир неча йилдан сўнг эса, Тан империяси дастлабки императорлари давридаги куч-қувватдан кам бўлмаган қудратга эга бўлди.⁸⁷ Унинг бу ҳолатини Тўнйукуқ қисқа, лекин мазмунли қилиб тасвирлаган: “Кўк ўғли жанговар, халқи инок, йиллари ҳосилли... уларга тегиб бўлмайди”.⁸⁸

Аммо Фарбда янги чақмоқли булутлар йиғила бошлаган эди: тибетликлар араблар билан иттифоқ тузишди, қора тургашлар бошчиси Сулу ўзини хон деб эълон этди. Қорашар ва Кучу аҳолиси орасида 500 йилдан бери хукмронлик қилиб келаётган ва кўниқиб қолинган буддавийлик динининг ман этилишини бу ерликлар катта бир зарба сифатида қабул этишди. Шаклланиб, илдиз отиб улгурган дунёқарашни буйруқ билан алмаштириб бўлмаслик бир масала, иккинчи масала бу буйруққа итоат этмаслик бўлиб, муваффақиятсиз бир исён, бўйин товлашга кирарди. Кучаликлар бундай вазиятдан чиқиб кетишнинг ҳам ажойиб бир йўлини топишибди, бу ҳақда Муғ тоғидан топилган суғуд ҳужжатида (ҳужжат А-9) айтилади: “Шундай бир овоза бор: кучалилар ва Им” (Карашарнинг қадимги номи бўлса керак, хитойча берилиши - Ян) бутун халқи брахман динига ўтди, зодагонлар ҳам, савдогарлар ҳам, авом халқ (хизматчилар) ҳам ва 14000 руҳоний пирлари (устоз, вахси)⁸⁹ ҳам.”

714 йил санасига тааллуқли бўлган бу матнни⁹⁰ тўғри маънода тушуниш мумкин эмас, аввало, бунга брахманизм келгинди бир дин бўлганлиги боис бўлса, сўнг унинг ичига кириб мағзини чақиши учун каста аъзоси бўлиш керак, каста аъзоси бўлиш учун эса фақат улар орасида туғилиш керак. Агар чиндан ҳам мана шундай бир тарзда дин алмашиши содир бўлган бўлса, у Тянь Шан теваараги тарихида қандайдир бир из қолдириши лозим бўларди; бироқ кейинги кезларда ҳам Куча ва Қорашар аҳолиси буддавий динида

⁸⁶ H. Cordier, *Nistoire generale...*, 453-6.; Mailla, *Nistoire generale...*, VI, 201-6.

⁸⁷ Буддавийлик Хитой жамияти куйи табақасида тарқалган бўлиб, хизматчилар табақаси конфуцийчиликда эди. Улар буддавийликни ёмон кўрар, шунинг учун ўз дастурида буддавийлик ва даосизмни мутлақо ман қилиш, ҳатто китобларини ёқиб юборишни илгари сурганлар (Қаранг: Н. И. Конрад, *Начало китайского гуманизма*, 78-б.).

⁸⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 274-б.; S. Julien *Documents...*, vol 4, 46(4).

⁸⁹ В. А. Лившиц, *Два согдийских документа...*, 79-б.

⁹⁰ *Уина асар*, 81-б.

қолганлигини кўрамиз. Ҳатто манихейчилик ва христианликнинг озгина таъсири ҳам бу мамлакат ёзувида ўз ифодасини топди, брахманликдан эса ҳеч қандай нишон йўқ. Бизнингча, масала миш-миш ва овозадан кўра сал бошқачароқ бўлган. Император фармонини Куча чегара ҳарбий мансабдори олиб келган, бундайлар эса, фалсафий масалаларда нўноқлиги маълумдир. У бир нарсани – фақат буйруқ бажарилишини талаб қилган, бу унга, ўз навбатида, ҳисобот топшириш учун керак бўлган. Буддавийликдан бошқа ҳамма динларга рухсат берилган, брахманлик ва бу эътиқод ҳақида олимларнинг буддавийлик билан алоқадор бўлганларигина мужмал бир тасаввурга эга бўлиши мумкин эди, бироқ чегара мансабдори бундан зарра хабардор бўлиши мутлақо мумкин эмасди. Демак, кучаликлар ва карашарликлар дадил туриб императорнинг буйруғини бажардик, ман этилган буддавийликдан ман этилмаган динга – брахманликка ўтдик, дея олган. Бу ундай бўлмади, деб исбот қила оладиганнинг ўзи йўқ эди. Хитойда анча нохуш қабул қилинадиган бошқа динлар билан рақобатлашаётган буддавийлик билан боғлиқ алдовни эса, ошкор этишнинг ҳеч кимга кераги йўқ бўлган, Кучада ягона ва кўникилган дунёқараш бўлмиш бу дин ҳеч кимга ҳалақит бермаётган эди.

Фармонни ипидан игнасиғача ижро этиш кўпинча нохуш зиддиятларни келтириб чиқарар, одатий хитой маъмурий расмиятчилиги эса баъзи бир ҳолатларда қийин вазиятдан чиқиб кетишга имкон берар эди. Бозорларда юриб, буддавийлар императорни алдади, деб бақариш эса хатардан холи эмасди, шунинг учун расмий хабар Суғудгача етиб борган. У хат матнида хат ёзувчи “фалон гапни эшитиб” Хутталга отланиб, адресатга жойида қолишини маслаҳат беришининг юридик жиҳатдан тасдиғи сифатида намоён бўлади. Яна бошқачароқ қилиб айтилса, кучаликларни матнда тилга олиш империянинг Фарбий ўлкаларидаги аҳволни тасвирлаш учунгина киритилган, чунки у вақтларда бу ерда вазият барқарор эди.

Ҳарбий тизим эврилиши. Сюанцзун замонасидаги вазият кескинлигини тушуниш учун 723 йилда бекор қилинган фубин ҳарбий тизими эврилишини кўриб чиқмоқ керак. Бу тизимнинг бекор қилиниши шундай оқибатларга олиб келдики, унинг аҳамияти тизим жорий этилишидан ҳам муҳимроқ бўлди, десак муболаға бўлмас. Фубин тизими IV асрда Шимолий Хитойни истило қилган тоба қабиласи ҳарбий тизилмасига бориб тақалади. Бу тизимга биноан ҳар бир санбий қабиладоши учун аскарый хизмат мажбурий эди. Рағбат тариқасида уларнинг ҳар бирига ер парчаси ажратиб

бириктирилар ва аскарый хизмат ўтовчи барча ижтимоий мажбуриятлардан озод этиларди. Хизмат ўташ наслий бўлиб, бора-бора жангчилар имтиёзли табақага айланиб қоларди.

Аввал бошида лашкар фақат санбийлардан ташкил топар эди, кейин эса уни Шенси ва шансилик хитой бойлари ҳам тўлдирди бошлади, чунки бу минтақаларда бегона сулолалар расман хитой маданиятини қабул қилиб, хитой тилини давлат тили деб тан олганлари боис улар билан чиқишиб кетган эди. Бу чиқишув Бэй-Чжоу ва Бэй Ци каби хитой сулолалари даврида ҳам фубин тизмини сақланиб қолишига имкон яратди. Бироқ ўша вақтда-564 йилда қабул қилинган қонунга мувофиқ аскарый хизмат ўташ бурчи авом халққа ҳам юклатилган бўлиб, бир пайтда икки тизим жорий этилган эди. Натижада, асилзодаларнинг фубин қўшини ва халқдан ташкил топган қўшин мувозанати вужудга келган эди. Ундан кейин фубинга камбағал муҳожир ва хитойларни ҳам қабул қиладиган бўлишиб, аскарый хизмат муддати ҳам бир йилда олти ой қилиб белгилаб қўйилди. Суй сулоласи даврида фубиннинг аҳволи янада ёмонлашди: 590 йилги фармон бўйича жангчиларни алоҳида “ҳарбий рўйхат”га эмас, балки “фуқароларнинг маҳаллий рўйхати”га тиркаб қўядиган бўлишди, яъни энди улар барча солиқлардан озод эмас эдилар. Бу Суй сулоласининг Хитойда санбий ҳукмронлиги қолдиқларини йўқ қилиш сиёсати борасидаги чораларидан бири эди.

Тан сулоласи ғалабаси билан фубин ҳам жонланиб қолди. 650 йилда чиққан фармон командирларни ер мулкидан ташқари маош билан ҳам таъминлади, гарчи фуқаролар маҳалла рўйхатига тиркаш ҳам ўзгартирилмаган бўлса-да, фубин жангчилари фуқаролик маъмуриятига эмас, ҳарбий ўрам бошлиқларига бўйинсунадиган бўлди.⁹¹ Энди фубин ташқи душман билан курашга эмас, балки сулолани мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак бўлиб, бу унинг хитой оммаси орасида эътиборини тушириб юборди. Фубин қўшинларининг асосий қисми, чегараларга эмас, пойтахт теварагига жойлаштирилди. Чегара қўшинлари кўчманчилардан ёллаш ҳисобига тўлдирилди.⁹²

Сиёсатни хитой аҳолиси билан яқинлаштириш фубин қўшинларини кераксиз қилиб қўйди. 723 йилдаги фармон билан бу тизим амалда бекор қилиниб, ҳарбий хизматни давом эттиришни истовчиларнинг чегара қўшинларига кириши таъминланди, 735 йилги фармон эса фубин тизимини ҳуқуқий жиҳатдан йўққа

⁹¹ Liu Man-tgai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 442-444-б.

⁹² *Ibid.*, 98-б.

чиқарди.⁹³ Бу тадбир билан империянинг аралашиб кета олмаган хитой ва нохитой қисм аҳолиси табақаланишига барҳам берилди. Ана шу кездан бошлаб Хэдунда махсус этник субстрат шакллана бошлади. Хитойда ўтроқлашган хитой бўлмаган элларнинг барчаси учун ягона бошпана чегара ўқчи қўшини бўлиб, хитой аҳолисининг миллий ривожини уларга бирон-бир яхшиликдан дарак бермас эди. Қайта қурилганлигини пайқамасликка олинган сулолага садоқатгина бир-бирини кўролмайдиган ихтисослашган қўшин билан кўпмилионли ҳалқни бир-бирига боғлаб турарди.

Империя асослари ва хитой асослари кураши адабиётда ҳам ўз ифодасини топди. Тан даври хитой шеърини жўн осойишталик билан суғорилган. Лекин унда ҳукумат сиёсати йўналишига қарши ниқобланган мухолиф бир кайфиятни кўриш қийин эмас. Бунақа зид қараш қанчалик ажабланарли бўлмасин, бундай шеърлар бизгача корейсчадан таржималарда ёки ўз мамлакатини мағлубиятидан кейин, голиб император Тайцзун хизматига кирган жангчиларнинг қадимий шеърлари шаклида етиб келган.

Тан империясининг айрим корейс саркардалари, масалан, Хэчи Чжан-чжи ва Гао Сян-чжи кабилар номларини тарих сақлаб қолган, бироқ Тан даври корейс жангчилари жасоратларини куйлаган шоирлар XV юзйилликда яшаганлар.⁹⁴

Улар қадимги корейс шеърларидан истефода этганларми ёки уларга ҳамоҳанг бўлган хитой шеърларини ағдарганларми ёхуд уларга саккиз аср оша етиб келган аскарини шуҳратнинг жонли анъанасини ўзлари ҳиссиётларидан ўтказганларми, буни ишонч билан айтиш қийин, лекин улар тасвир этган у ёки бу ҳолат такрорланмасдир ва бизнинг эътиборимиздаги замонга жуда ҳам мосдир.

Бу хотиралар кейин ўтган шоирлар кайфияти билан уйғун тушган ва улар атайлаб ўтмишни тирилтирганлар, деб ўйлаш ҳам мумкин.

Шеърини ривожининг у ёки бу йўналишини таққослаш Тан империяси, унинг пойтахти Чанъанни кемирган ички курашнинг яққол манзарасини кўз олдингизда гавдалантиради:

Цуй Жун⁹⁵

Кунботар денгизидан

ой чиқар

Чегарадан эсган ел

кўнглим ўртар

Ким Чон Со⁹⁶

Шимол шамоли дарахт

учларида

Ой аёзли нури

қор устларида

⁹³ Шан Юэ, *Очерки...*, 204-205-б.

⁹⁴ “Корейская классическая поэзия”, 6-7-б.

⁹⁵ “Антология китайской поэзии”, 18-б.

⁹⁶ “Корейская классическая поэзия”, 48-49-б.

Нурга йўқдир тоғу
чегаралар
Чексизликкача
олам ўзгарадир

Хитой аскарари
Кенгликка талпинар
Фор излар
ёввойи суворилар
Ёғийнинг найи
тунги нидоси
Уй соғинчим-уйим

Ван Чан-мин⁹⁷

Суғориб отни – ўтдик
ларёдан
Шамол тигли – суви эса
музд

Ҳориган қуёш олисга чўмар
Линтаога мен ташладим назар
Узоқ ўтмиш жангида аскар
Эмиш мағруру, руҳи жангари

Эндичи, саҳро қумидай сочилиб
Мақтуллар суяги тошдай ялттирар

Чоғиштиришнинг ўзи ўзи ҳақида сўзламоқда, урушга қарши хитой шеърларини яна давом эттириш мумкин. Масалан, Ду Фу очиқ айтади: “Мен, қари бир чол, мамлакатлар чегараларини кенгайтириши керак, деган бир хаёлдаман”.⁹⁸ Бу тинчликсеварлик эмас, варварлар устидан ғалаба қозониш унга анча хуш ёқади ва ниҳоят, у варварлар босқинидан қутулишнинг ягона йўли имкон борича чегара қўшинларини узоқроқ жойлаштиришда эканлигини тушунмаслиги мумкин эмасди. Йўқ, унга Қизил Сарой, яъни Суй сулоласи қасридан келтирилган олтин буюмлардан фойдаланиб, базми жамшид қилаётган сулола ва сарой аъёнларини қоралаш муҳим.¹⁰⁰ Айни чоғда айтиб ўтмоқ лозимки, Тан сулоласи мустабидлари ўзининг хитой фуқаролари билан тил топишишга интилганлар ва кўриб ўтганимиздек, ишонувчанлиги оқибатида қурбон ҳам бўлганлар. Аммо

Қардошлар мингларча ли
нарида
Қўриқчиман мен қўлимда
узун қилич

Хуштагим хавотирли
менинг
Чинқирим даҳшатли
менинг
Тўсиқ йўқ ерда ўтолмасам
мен

Ким Чон Со

Чанбэксан узра туғ кўтардик
Туманганни биз кечиб ўтдик
Эй, ўйга чўмган алам, айтчи,
Нима, сенга қўрқоқ кўриндикми?
Линянгэ⁹⁸ шуҳрат тоқчаларига
Кимнинг тасвирини
туширмоқда рассом?

⁹⁷ “Антология китайской поэзии”, 56-б.

⁹⁸ Уша асар, 57-б.

⁹⁹ “Антология китайской поэзии”, 150-б.

¹⁰⁰ Уша асар, 137-б.

туркларнинг юз ўгириб кетиши тахтнинг дашт таянчини лиқиллатиб қўйди, оқибатда тахтга янги ўтирган Сюанцзуннинг асосий вазифаси ички осойишталикка эришиш бўлиб қолди.

Аста-секин, лекин ҳеч тортинмай хитойлар саройдаги ҳукмронликни қўлга киритиб боришди. 739 йилда Конфуцийга шаҳзода унвони берилиб, шунга мувофиқ равишда унинг хотирасига боғлиқ маросим тартиби ҳам ўзгартирилди.¹⁰¹ Кейин эса бирор мансабга ўтириш учун гуманитар маълумот талаб қилинадиган бўлди, бу борада хитойлар турк ва мўғулларни осонликча орқада қолдиришди: 754 йилда мансабдорлар тайёрлайдиган Ханлин академиясига асос солинди. “Асилзодалар” билан “олимлар” кураши бошланди. Олимлар усталик билан махфий хабарлар тузиб, ютиб чиқдилар ва ҳукумат бошлиғи уларнинг одами — Ли Лин-фу бўлди.¹⁰² Мана шуларнинг барчаси Хитойга тинчлик, осойишталик олиб келди ва Сюанцзун диққатини дашт сиёсатига қаратиш имкониятига эга бўлди.

XXIII Боб

ТИТРАШ

Кескин бурилиш. Империя бошидан кечирган шунча омадсизликлар ҳам Сюанцзунни Осиёда ҳукмрон бўлиш фикридан қайтара олмади. Унинг ёнида яна бир фойдаси кўп ёрдамчи — Қопоғон хон пайдо бўлди. “Таншу” хитойларга хос амалиётчилик билан хоннинг шахсий хусусиятларига боғлиқ ҳолда вужудга келган вазиятдаги ўзгаришларни тушунтиради: “Кўл остидагилар билан ғайриинсоний муомала қилади, қариганида эса баттарроқ ахлоқ ва ўпкаси йўқ бўлиб қолди. Аймақлар ҳасратини ичига ютиб, тарқалиб кета бошлади”.¹ Ҳақиқатдан ҳам, бир вақтлар Кул Тегинга қарши жанг қилган қорлуқ, холуву (хитойча: хуву) ва шунишлар² Империядан ўз бағрига олишни илтимос қилишади. Еттисув ва Тянь Шан этагидаги ғарбий турклар империя фойдасига ҳоқонликка қарши кўзғолон кўтаришди. Татаблар ҳам уларга эргашди, киданлар ҳам империя томонига ўтди.³ Хон учун ҳаммасидан ёмони босиб олинмаган, балки қўшиб олинган “ўз халқи”-гўкўз ўғузлар ҳам

¹⁰¹ H. Cordier, *Histoire generale...*, 408-б.

¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 272-273-б.

² Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 318-б.; S. Julien *Documents...*, vol 4, 455-456-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 221-б.

³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 365, 372-б.

қўзғолон кўтарди, Гоби, Иншан ва Олтойдаги уч турк ноибиди ҳам душман томонга ўтиб кетди.

Туркларнинг Жунгориядаги Империянинг таянч кенти — Бешбалиқни вайрон қилиш учун уриниши ўзларининг тўлиқ мағлубияти билан тугади.⁴ Бир турк саркардаси асир олиниб, шаҳар дарвозаси олдида боши кесилди, бошқа бири эса хон олдига қайтишга юраги дов бермай, Хитойга қочиб кетади. 715 йилга келиб турк хонига содиқ қўшин қўзғолонлар денгизидаги оролга ўхшарди. Ўнгин битигида вужудга келган вазиятнинг ниҳоятда жиддийлиги ва чекинишга имкон қолмаганлиги акс эттирилган: “Яна тўқуз ўғуз беклари душман бўлди. Улар қудратли экан. Хон юриш қилди... Жуда чаққонмиз, биз кўрдикки, биз оз, улар кўп. Хужум қилайлик... Бекларимга айтдим: биз озмиз”.⁵ Фалокат сўнггида Хитойда элчилик қилаётган хоннинг учинчи ўғли ўлади, унинг дафн маросими кўнгилдагидек ўтган бўлса ҳам, бу таскин бўла олмасди.

Кўчманчилар кайфиятида бундай кескин бурилиш бўлишини қандай изоҳласа бўлади? деган савол туғилади. Ахир халқни қўзғолонга қўзғатиш учун махсус муҳожир жосуснинг пайдо бўлишининг ўзи камлик қиладику? Демак, ҳоқонликнинг даштдаги ҳокимияти унчалик маҳкам эмас экан. Ички келишмовчилик ва ўзаро шафқатсизлик сабабларини таҳлил этиб кўрайлик.

Хоннинг ахлоқлашуви қўзғолон портлашига олиб келди, дейилган хитой изоҳи асосли эмас. Масалани анча чуқур мулоҳаза этилишини Ўрхун битикларида кузатиш мумкин. Тўғри, унда ҳам қўзғолон сабаби “халқнинг ўз фойдасини билмаслиги ва унинг пастлиги” деб кўрсатилади, айти пайтда, ўша пайтдаги фуқаролар ва ҳатто қўшинларга ҳам ёқмайдиган давлат идеали (Улгуси) ҳам баён қилинади. Битик муаллифи Йўллик тегин фикрига кўра, энг яхшиси тўрт томонда яшайдиган барча халқларнинг бўйинини эгиб

⁴ S. Julien Documents..., vol 4, 454-6. Билка қорон ёдгорлиги бу ҳодисани мутлақо бошқача ёртади: “... Бешбалиқ томон лашкар солдим. Алти йўлга савашдик. Кўп лашкарини ўлдирдим. Бешбалиқ ичидоги аҳали молига тезмадим, шаҳардан кишилар буйинсуниб чиқди. Бешбалиқ шунинг учун амон қолди”. (С. Е. Малов, Памятники..., 1959, 21-6.). Бу хабарга шунинг учун ҳам ишониб бўлмайдики, юришдан мақсад душмanning таянч нуқтасини йўқ қилиш экан, у амалага оширилмаган, албатта мағлубларни тинчитишни яхши биладиган жангариди Муғилёвнинг раҳмдиллиги ҳисобига эмас. Бошқа бўлинмалар қирилиб кетган бир чоғда, алти марта хужумни қайтариб, ўз бўлинмасини қўтқариб қолганига эса, ишонса бўлади.

⁵ G. Clauson, The Origin Inscription, матн ва таржимаси С. Е. Маловнинг таржимаси башқачароқ, бироқ мазмунан мос тушади: “...кучли ва илоҳий бўлган толиқди (?) Биз аҳмоқ ва яроқсиз эдик. Биз озни кўп деб ўйладик. У айтади: мен савашдик. Энди бекларига айтди: биз озмиз, деб кўрқди”. (С. Е. Малов, Памятники ..., 1959, 10-6.).

тиз чўкдиришдир. Аждодлар шундай қилишган, Қопоғон тегин ҳам улардан қолишмайди. Унинг ҳукмронлиги замонида, турклар яшайдиган жойларнинг ҳудуди кенгайди, улар ўзгаларнинг яйловларини эгаллаб, бойлик орттиришди: “Ўша вақтларда бизнинг кулларимиз кулдор бўлдилар”.⁶ Иккинчи турк ҳоқонлиги турклари биринчисидан ҳам кўпроқ ҳарбий демократия ҳолатида эдилар. Хос аскарлар орасида рутба поғонаси тенгликка раҳна сололмасди, бироқ теваарақдагилар учун бу демократия эмас, балки терисини шилиб олиш билан баробар эди. Шунинг учун ҳам бундай жамиятда асосий қарама-қаршилик ҳукмрон ва тобе қабилалар орасида мавжуд бўлади.

Академик В. В. Бартолд, турк жамияти зодагонлар жамиятини ёки демократик жамиятми? деган саволни ўртага ташлаган эди. Бу саволда маъни йўқ эди, чунончи турк кўшинида “або ва тархонлар” оддий аскар бўлса, бекар фақат кўмондонлик таркиби эдики, буларсиз ҳеч қандай кўшинни тасаввур этиб бўлмайди. Қачонки, “халқ” ва “кўшин” тушунчалари мос тушар экан, ундай ерда зодагончилик ва демократизмга ўрин йўқ. Кўшин тўлдирилиб боришига эҳтиёж сезилганда, тўқуз ўғузлар туркларга тенглаштирилиб қабул қилинди. Бошқа барча бўйсундирилган халқлар эса, элни, яъни салтанатни ташкил этиб, хоннинг “тутқунлари” ҳисобланар эди.⁷ У тутқунларнинг шахсий эркинлиги ўзларида бўлса ҳам, шилиб терисини олар эдилар. Бир қараганда тўқуз ўғузларнинг аҳволи жуда зўрга ўхшайди, бироқ эркесвар уйғурлар тумушни бундай орзу қилган эмасдилар. Уларнинг сиёсий истаги кучсиз хон ҳукмронлиги остида ихтиёрий асосдаги қабила иттифоқи вужудга келтириш эди. Уйғурлар ўз эрklarини ҳимоя қилишни билишар, “ўлжа учун” бегона байроқ остида мардларча жанг қилишни қойиллатар эди, лекин улар ҳеч қачон мустаҳкам давлат тузганларгина эмас, ҳатто бунга интилган ҳам эмаслар. Турклар талаб олинган ўлжадан уларга ажратган улушлар, оғир интизомга амал қилиш заруратини ва ҳақоратловчи мутеликни кўтариб юришни қоғлай олмас эди.

Тил, ирқ, турмуш тарзи, машғулоти жиҳатидан жуда яқин бўлган бу икки қавмнинг интилишлари тубдан фарқ қиларди. Марказий Осиё тарихи ёки турк йўлидан ёки уйғур йўлидан кетиши лозим эди.

Кул тегин. Донишманд Тўнйуқуқ турк хос аскарларини бошқариш учун қариллик қиларди. 716 йилда у етмиш ёшда эди.⁸ Ҳоқонликни қутқариб қолиш Кул тегин зиммасига тушди. У тўрт

⁶ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 36, 39-6.

⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 276-6.

⁸ *Уша асар*, 276-6.

йил (711-715 й.) муттасил қорлуқлар билан жанг қилди, фақат 716 йилда Тамаг⁹ муқаддас тоғида қорлуқларни енгиб ҳоқонликка тобе бўлишга мажур этди. Лекин бу вақтларга келиб салтанат кўзғолонлар ичида қолган бўлиб, хатто Кул тегин қадрдон кўчигига қайтиш йўлида ҳам шу ҳолат эди. У азларнинг қаршилигига дуч келди. Азлар Қоракўлда дучор (Тотохаранор кўли, ғарбий Мўғулистон) мағлуб этилиб, қирғинга дучор қилинди.

Уйига қайтган Кул тегин ўзини қабилалараро уруш гирдобида дучор кўрди. Ўзининг эски сафдошлари билан у изгиллар устига бостириб бориб, у ерда шунақа бир қирғинбарот қилдики, ҳатто изгиллар номи бутунлай унутилиб кетди.

Тоғу¹⁰ шаҳри ёнида туркларнинг тўқуз ўғузлар билан биринчи жанги бўлди, Кул тегин кўрсатган қаҳрамонликларига ҳам қарамай, ғолиблик насиб этмади. Қўшғалоқда эдизлар тор-мор этилиб, қириб ташланди. Ундан кейин Бол... ёнидаги жангда тўқуз ўғузларнинг кўнгилилари янчиб ташланди, шунга қарамай, битикларда ёзилишича, Чуш тоғи этакларидаги кейинги савашда тўқуз ўғузлар сал бўлмаса турк қўшинини енгиб қўяёзди, лекин барибир тўқуз ўғуз бўйсундирилди. Кул Тегин душманини қувди ва таъқиб қилиб бориб унга зиён етказди. Бу тўнғра қабилиси бўлиши керак. Кул тегин Эзгенти Кадазда тўқуз ўғузлар билан жангда яна бир марта ғолиб чиқди, бироқ “шаҳарга бостириб кирмади”.¹¹ Эҳтимол, жиянининг муваффақиятлари хонни безовта қилиб, Кадаз кентини олишни саркарда Алп Элэтмишга топширгандир, у эса бу вазифани тезда адо этди. “Авом халқини йиғди”, беклар қочиб кетди”.¹² 715 йил тадбирлари қиш келиши муносабати билан тўхтаб қолди.

716 йил кўкламида жияни шуҳратига ичи қоралик қилиб, Қопоғон хоннинг ўзи лашкарини тўқуз ўғуз устига етаклаб борди. Кул тегин қароргоҳни, яъни аёллар ва болаларни қўриқлаб қолди.

Ана шу ҳолатда қорлуқлар¹³ ўч олиш фурсати етди, деб қарор олдилар ва туркларнинг икки жабҳада уруш олиб бориши учун

⁹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 42-б.; 1959, 21-б.

¹⁰ *Тали барёси атрофида* (Қаранг: С. Е. Малов, *Памятники...*, 959, 211-б.).

¹¹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 42-б. Қўшғалоқ, Бол..., Чуш тоғи, Эзгенти Кадазлар каерда жойлашгани аниқланмади.

¹² Қаранг: G. Clauson, *The Origin Inscription*, 188-189-б. 9-мисрада *km* ва *balika* бор (матн, 182-б.), 186-бетдаги *ixoxda*, *ixkanchi* ҳарф *d* бўлиши мумкин, учинчиси *i*, *c*, *l* ёки *a* дир. Матн тўқуз ўғуз билан кураш борасида (715-716) бўлаганиги учун унга уйғун матни Кул тегин битигида ҳам кўриш мумкин; бу 47 сатрdir. Шунда шаҳар номи *Kds*=Кадаз бўлади, бу ерда Кул тегин охириги марта савашган. Маловда: “Мен кўп шаҳарларга ҳужум қилдим, ҳамла қилдим, босиб олдим...” (С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 10-б.).

¹³ Уч ўғузлар (С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 21-б.). қиёс: Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 258-б. Бу ерда қорлуқлар “уч қабиле” деб номланиб, ҳамли империя кўмондонлиги билан муваффақлаштирилгани ҳам кўрсатилган.

аскарий отлари етишмайди, деб ўйладилар. Туркларнинг асосий кучлари шарққа қараб кетганидан сўнг улар Олтойдан икки бўлинмани бу ёққа олиб ташлашди. Уларнинг бири турклар қолдирган бўлинмани қисиб қўйиши, иккинчиси қароргоҳни талаши керак эди. Аммо қароргоҳни қўриқлаш Кул тегинга топширилган бўлиб, бу гал ҳам у шаънга буркалди. Тенгсиз бир савашда у ўлим ёки чўрилик таҳдид солаётган аёлларни ҳимоя қилиб “Тўққиз ботирни ўлдирди ва ўрдани қўлдан бермади”. Шу аснода Қопоғонхон ҳам исёнчи кўнгиллиларни кумли чўлнинг шимол томонида мағлуб этди. Бу тadbирнинг кейинги тафсилотлари бизга маълум эмас.

Сўнгра байирку қабиласининг навбати етди, улар 716 йилда Тола дарёси бўйида тор-мор этилди. Мана шу ўринда тарихга тасодиф кириб келади: галабадан сўнг орқага қайтаётганида хон қўриқчиларидан олислаб, хаёл олиб қочиб ўрмонда ёлғиз кетаётган бўлади. дунёни ишларини қарангки, айнан мана шу ўрмонда мағлуб бўлган байиркулар яширинган экан. Якка отлиқни кўриб, унга ташланиб, отини тортиб оладилар, ўзини ўлдирадилар. Хоннинг калласи хитой элчисига етказилади, у эса Чанъанга жўнатади. Ҳоқонликдаги кўзғолон билан Тан империяси ўртасидаги алоқа мана шундай тарзда ошкор бўлади.¹⁴

Бу камлик қилганидай, 702-703 йилларда империя томонига ўтган уйғурлар йўлбошчиси “Мочжога қарши боради ва уни ўлдиради”,¹⁵ деган маълумот ҳам бор. Хон ҳалок бўлишига қарамай, кўзғолон бостирилмади. Империя ўзига фақат Манчжурияни қайтариб олди. У ерларда эса тардушшад Мўғилён жанг қилаётган эди, лекин унинг ҳам Агу¹⁶ даги икки галабасига қарамай, ишлари ривож топмаган кўринади.¹⁷

Хон ҳалокатидан сўнг, ворислик масаласи кўтарилди. Қопоғонхоннинг ўзи “Кучукхон” – “кичикхон” унвонли катта ўғлини тайинлаган ёки васият қилган эди. Қадимги турки қоидаси бўйича тахт тардушшод Мўғилёнга тегишли бўлса-да, турк “мангу эли”нинг ҳақиқий доҳийси қахрамон Кул тегин эди.

Кул тегин вақтни ўтказмай ҳарбий тўнтариш қилди: Ўзи қўриқлаётган ўрдага хужум қилди. Унинг саркардалик ўрнини эгаллаган

¹⁴ “Таншу” Қопоғонхон ҳалокати сабабчиси, армия генерали Да-у Холин-цзоан” деб аниқ ёзади. (Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten..., 259-б.). Ҳақиқий қотили байирқулик жангчи Сечжилодир (Ibid, 670-б.), бироқ айнан хитойлик тузоқ қўйган ва бу воқеаномада акс этган.

¹⁵ Н. Я. Бичурин “Таншу”нинг шу ердаги матнидан туширилиб қолган ўрни бор, дейди (Собрание сведений..., 1 ж., 306-б.). Хролоногия чалкаш, биз тўғриланганини бердик.

¹⁶ Урни аниқланмади.

¹⁷ Урни аниқланмади.

Алп Элэтмиш исёнчилар тарафига ўтиши билан масала ҳал бўлди.¹⁸ Кучукхон ва Қопогонхон маслаҳатчилари ўлдирилди. Қопогон фарзандларидан ўша вақтда Хитойда бўлган ва Ашидэ Мими деган кимсага турмушга чиққан ўн етти яшар Мо тегин номли қизи омон қолди. Бу қизи ҳам эридан айрилгач, Хитойда жон сақлади, бу ерда уни сарой хизматиға олишди, лекин тез орада акасининг ўтовида пайдо бўлади ва шу ерда ўлим топади. Унинг акаси дастлаб хитой лашкарида хизмат қилгани маълум, бироқ кейин у ҳақда ҳеч қандай дарак учрамайди. Қопогонхоннинг насли шу тариқа завол топди.¹⁹

Кул тегин эски одатни бузмади, шунинг учун хонлик унвонини ҳам олмади ва тахтга акаси Билка қоонни ўтиргизди. Билка қоон тахтга ўз хизматлари учун ўтирмаганлигини яхши англарди,²⁰ иниси қўлида бир қўғирчоқ эканлигини ҳам биларди. Шунинг учун у инисини қўшин қўмондони, яъни ҳоқонликнинг амалдаги эгаси этиб тайинлади. Барча аёнлардан фақат бир киши, донишманд Тўнйуққ омон қолди, айна кезде у янги хоннинг қайнотаси ҳам эди. Қасд олиш фақат Қопогонхоннинг яқин маслаҳатчилари доираси билан чегараланган бўлса ҳам, бутун бир халқ бир сесканиб тушди: “Хон бўлиб ўтирганимда, турк беклари ва халқи ўлимга маҳкумлигидан қайғуга тушганлар юқорига, тахтга хотиржам кўзлар билан қаради”.²¹ Кўпчилик ушбу шаҳзодалар олдида айбдорлик ҳис этсалар-да, улар ўч олишдан раҳмдилликни афзал кўрдилар. Бироз муддат Тўнйуққ ҳам тушқунликни бошидан кечирди, бироқ “халқ уни ҳурмат қилар ҳам кўрқарди”²² ва 718 ёки 719 йилда хон унга *бўйла бага тархон* мансабини ва давлат маслаҳатчиси лавозимини қайтиб берди. Шу тариқа ҳокимиятга хитой маданиятига ва Тан империяси сиёсий устунлилига қарши курашишни тамойил қилиб олган учлик келди. Империя, бунга чидаб туриши ўз-ўзидан мумкин эмасди.

Шу боис ҳам, Билка қоон ҳокимиятга келгани заҳоти таклиф этган тинчлик сулҳига империя ҳукумати рози бўлмадигина эмас, балки ҳаракатларни кучайтириш билан жавоб берди. Бироқ Хитой манбалари шимолий қўшиннинг ютуқлари ҳақида, тортинибми, ломлим демайди. Аммо ёввойи ҳайвонларни ов қилишнинг чегараланишидан норози бўлган ғарбий турклар қўзғалиб, Ғарбий ўлка валийси Чжан Чжи-юнни асир оладилар.²³ Унга содиқ қолган хитойлар қутқариб олишга зўрға муваффақ бўлишди.

¹⁹ P. Pelliot, *La fille de Mo-tcho qaghan...*

²⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 306-б.

²¹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 20-б.

²² *Уша асар, ўша бет.*

²³ S. Julien *Documents...*, 458, 460-б.

Ҳоқонликнинг янги ҳукумати анча жонли эди. Қопогонхоннинг ҳалокати ҳоқонликни, кутилмаганда, қутқариб қолди. Қаттиққўл сиёсати туфайли теле қабилалари Қопогонхон номини ҳам эшитишни истамай қолишди. Турклар билан савашда мағлуб бўлгандан кейин уларнинг қўпчилиги жанубга қочиб, Хитойдан паноҳ топишди. Дашт “узун қулоқ”лари тўнтариш ҳақида дарак етказиши билан янги хўжайинларини ташлаб, қадрдон кўчикларига қайтиб кела бошладилар. Ишнинг бу зайлга айланиб кетишини хитойлар Тўнйуққунинг кўчманчилар орасидаги таъсири билан боғлаб тушунтиради.²⁴ Лекин Билка қоон эълон қилган янги сиёсий тамойиллар ҳам кам аҳамиятли бўлмаган бўлса керак.

Нима бўлганида ҳам, телеларнинг қайтиши империя дипломатияси ютуқларини йўққа чиқариб, ҳоқонлик қудратини тиклади. Империяликларнинг сўнаётган уруш оловини қайта ёқиб юборишдан бошқа йўли қолмади.

Аммо бунинг ҳам иложи бўлмади, чунки 714 йилда тибетликлар ўртадан чиқиб ҳукумат йилқисини Наншан ва Алашан тоғолдидан ҳайдаб кетишди. Тибетликларнинг иккинчи ҳужуми империяни Хэсида ҳамма кучларини тўплаб уларга қарши йўналтиришга мажбур этди. Тибетликлар тор-мор этилиб, тоғларига улоқтириб ташланди. Бироқ империянинг талофати ҳам катта эди, бунинг устига тоғликларнинг ўжарлиги ҳам маълум. Шунинг учун империя лашқари илгари тибетликларга туҳфа сифатида берилган кичик бир ерни эгаллаб, чегарани Хуанхэ дарёси бўйлаб белгилади ва то 718 йилгача тибетликлар босқинини қайтариб туриш билан қаноатланишга тўғри келди.²⁵ турклар нафас ростлаш ва бир фурсат ундан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Билка қоон вақтдан унумли фойдаланиб, бир томондан, “ўз ер-сувини ташлаб табғачларга боқинган” тўқуз ўғузларга мурожаат қилиб: “уларни жиноятга бошлаган” ва “жанубда табғачлар юртида уларнинг номи ва шаъни топталишига”²⁶ Табғачхон айбдор эканлигини таъкидлаб, халқини “улуғлаши” ва хон амакисидан ажралганларни жазоламоқчи эмаслигини айтади.

Иккинчи томондан, у бор кучини даштда қолган, лекин ҳануз қаршилиқ кўрсатаётган уйғурларга қарши қаратди.²⁷ Селенга бўйлаб тушиб, уларни сиқиб қўйди, кўчикларини ҳароб қилди ва

²⁴ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 321-322-б.;

²⁵ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, I ж., 159-160-б.

²⁶ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 22-б.

²⁷ Қизиқ, бўйинсунаётганларни турклар “тўқуз ўғузлар” дейди, қаршилиқ қилаётганларни эса, “уйғурлар” дейди. Бир халқнинг икки хил номланиши бўлган бу атамалар қандайдир маъно нозикликларига ҳам эгага ўхшайди.

чекинаётганларни Хамар-дабан тайгасига ҳайдаб юборди. Уйғур йилқиси отларини кўзголон чоғида йўқотган жангчиларга тақсимлаб берилди. Уйғур оилалари асир қилиб олиниб, турк хони “қул”лари сонини кўпайтирди. Уйғур *элтебари* юзтача отлиқлар билан шарққа томон қочиб кетди.

Босқин шиддатини сусайтирмай, Билка қоон Хинган томон ташланиб, татабларни енгди. Юриш самараси қўлга киритилган йилқи уюрлари бўлди, бу эса турк лашкарининг чаққонлиги, сафарбарликка тайёр ҳолда туриши дегани эди. Фарбда омад бундан ҳам катта бўлди, Тудун Яштар қўл остидаги турклар қорлуқларни остин-устун қилди. Шимолий Жунғория тўлалигича турклар қўлига ўтди. 717 йил охирига келиб бутун дашт турк хони оёғи остида эди.

Иккиланиш. Хукмронликни қўлга киритиб, элни тиклаган Билка қоон олдида ўзининг содда идроки ва ҳатто тақдир эркаси укасининг ҳам ақли етмайдиган муаммо кўндаланг бўлди: энди нима қилиш керак? Уйғурларнинг бўйсундирилганидан фойдаланиб босқинчилик урушини давом эттириш мумкин эди; қудратини тиклаб олган тургаш давлати орқада турган бир пайтда, ўрдани мустаҳкамлаб, мудофаа ҳолатига ўтиш ҳам ёмон эмасди. Мудофаа масаласи 714 йилдаги қонундан кейин Тан ҳукуматига қарши бўлиб қолган буддавийларга хомийлик қилиш билан боғланар эди. Сургундан чақириб олинган Тўнйуқуқ ҳар икки режани ҳам рад этди. Хитойда “халқ иноқ, йиллар ҳосилли” бўлганлиги учун ҳужумга ўтишнинг истиқболи йўқ ҳисоблади, ўрдани девор билан ўраб олиб, будда ибодатхоналари қуриш ҳалокатлидир, деди: чунки “бу олимлар кишиларни жангари ва кучли эмас, балки заиф ва инсонсевар қилиб қўядилар.”²⁸ Раддия кўп ҳам асосли эмасди, бироқ Тўнйуқуқ Хитойда таълим олиб юрган чоғида буддавийликнинг кўп сонли душманларининг бирига шогирд тушган кўринади.²⁹ Бундан ташқари Хитойда қувғинга учраган буддавийликни қувватлаш, Хитойга қарши бевақт душманлик чақирғи билан чиқишга баробар ҳисобланарди.

Хуллас, у ҳар икки ҳаракат режасини чиппакка чиқариб, хон тинчлик битими илтимос қилишини маслаҳат берди. Империя ҳукумати хон вақтдан ютишни ўйлапти, деб тушунди, нафсиламбирини айтганда, бу вазиятни тўғри англаш ҳам эди.

Чиндан ҳам, “қудратли учлик”нинг — Билка қоон, Кул тегин ва Тўнйуқуқларнинг вазифаси ҳоқонликни тиклаш эди, бу Тан империяси сулоласини Хитой фуқароларини бостиришдаги асосий таянчи бўлмиш кўчманчилардан маҳрум қилиб (қўриб ўтганимиздек

²⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 274-б.; S. Julien Documents..., 460-461-б.

²⁹ Н. И. Конрад, *Начало китайского гуманизма...*

булар ҳам сулоланинг шафқатсиз ва ашаддий душмани эдилар), Тан империясини Хитой подшоҳлигига айлантириб қўйиш дегани эди. Тан империяси учун Хитой қанчалик зарур бўлса, дашт ҳам шунчалик керак эди. Шу сабабдан тинчлик битими таклифи рад этилди, Тўнйуқуққа эса, кўпмиллионли душман билан курашишнинг янги усуллари ихтиро этишга тўғри келди. У буни топди ҳам: туркларнинг яқин келажак стратегияси тамойили фаол мудофаа бўлса, сиёсат ва мафкура борасидаги тамойили эса, ўзларини Хитойга қарама-қарши қўйиш бўлди.

Бу дастур сиёсий йўналишдаги кескин бурилиш эди. Мочур ўзини хитой халқининг эмас, Хитой ҳукуматининг душмани сифатида кўрсатишга уринди: тинчлик битими тузгандан сўнг, шаҳзодаларни Хитойга маданий яқинлик ўрнатиш учун жўнатди. Тўғри, алоқани улар буддавийликка қарши гуруҳлар билан ўрнатишди, чунки буддавийликни император аёл У қўллаб-қувватлар эди. Янги хонда душманининг душмани бўлган қудратли буддавий жамоаларни қўллаш учун асос бор бўлса ҳам, у бундай қилмади. Тўнйуқуқнинг ўзи сиёсий йўналишини ўзгартирди. Гап асосий жанговар куч бўлмиш уйғурлар устида бормоқда. Улар империя ҳудудларида “хитойчилик”нинг ҳар қандай кўринишидан безиб кетганди. Бу даврга келиб, буддавийлик Тан сулоласининг янги сиёсати билан келишиб олган Хитой мухолифати билан боғланиб қолди. Турк хони агар буддавийларни очиқ қўлласа, ўз таянчи бўлмиш Хитойга қарши кайфиятдаги кўчманчилар орасида мавқеини йўқотиб қўйишдан чўчирди. Худди шу вақтда Қутлугнинг Хитойга қарши дастури тирилтирилди ва ривож топтирилди, буни Йўллуғ Тегин тошбитикларида моҳирона акс эттирди. Унга биноан эркисизлик ва қон-жон эвазига бериладиган Хитой совғалари, турк баҳодирларини Тўнйуқуқ сўзи билан айтилса, “инсонсевар ва заиф” қилиб қўяди. Бинобарин, улар Будда ва Лао-цзи таълимотлари билан машғул бўла бошлар эдилар.³⁰

Шундай қилиб, зикр этилган дастур ҳаракатлари ғалабалар билан душманни тинчлик битимига мажбурлаш, лекин унда охиригача курашиш ҳиссини қўзғамаслик ҳам лозим эди. Туркларнинг мақсади мақбул ва муносиб тинчлик битими эди. Бунга жуда шафқатсиз уруш воситасидаги эришилар эди.

Тўнйуқуқ. Агар 717 йилда империя ҳукумати ички урушлардан толиққан турклар устига лашкар тортганида, энг ақлли йўл тутган бўлар эди. Бироқ вазият бунга йўл бермади. 716 йилда йўлбошчиси Сулу империяга очиқ душманлик кайфиятида бўлган тургашлар

³⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 274-б.

давлати тирилиб оёққа турди. Унинг душманлик кайфияти сабаби эса, Фарбий ўлкада империянинг мухтор вакиллари сифатида Фарбий туркларнинг қонуний хонлари Ашина шаҳзодалари тан олинди, тургашлар эса улардан ҳокимиятни тортиб олишга интилиб келганлилар ҳисобланарди. Ашина Хян Хитойдан қўшимча ёрдам сўради, лекин ҳеч нарса ололмади. Ҳукумат Сулу билан келишмоқчи бўлиб, унга бош қўмондонлик мансаби ва беклик унвони таклиф этди. Элчилик йўлда судралиб юргунча, Сулу вазият унинг фойдасига ҳал бўлаётганини ҳали яхши билмасдан туриб, ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди.³¹ Куча валисининг ёрдамчиси тургашлар билан курашга қорлуқларни ёллади ва Ашина Хян билан биргаликда Сулу устига ҳужум қилди, табиий, марказдан кўмак келмагани учун ҳеч нарсага эриша олмади. Хян Чанъанга кетди ва шу ерда вафот этди. 717 йилда Сулу Чанъанга тинчлик таклифи билан элчилик юборади ва унга 719 йилда Чжуншун хон, яъни вафодор, ёввош хон унвони берилди. Унвон эгасига тўғри келмас эди, бироқ араб истилоси тургашлар қўлини боғлаб қўйди ва у империя учун хавфсиз бўлиб қолди.

Шарқда ҳам бошқа бир ёқимсиз ҳодиса юзага чиқди. Кидан йўлбошчиларидан бири империя уларга катта қилиб тайинлаб қўйган бошлиқни ўлдириб қўяди, уни қотиллиги учун жазолашга келган хитойлик татабилардан иборат бўлинмани тор-мор келтиради. Мана шу ғалвани тинчлитиш учун ҳам бир йил кетди ва фақат 720 йилда империя лашкари турк хонига қарши юриш қила олди.

Аммо шу орада империя дипломатияси анча муваффақиятлар ҳам қозонди, Жануби-Фарбий Жунғориядан маскан топган басмаллар туркларга қарши итифоққа жалб этилди.³² Басмаллар Буюк турк ҳоқонлиги қолдиқлари бўлиб, улар Ашина уруғи беклари томонидан бошқарилар эдилар.³³

Чанъанда ишлаб чиқилган режага мувофиқ кидан, татаб ва басмаллар турли йўллар билан, лекин бир вақтда келиб Билка қоон ўрдасини босиб, ўзини асир олиши керак бўлган. Аванғорни қўллаш учун 300 минг кишилик империя қўшини сафарбар этилиши керак эди. Режани амалга оширишнинг мутлақо иложи йўқ эди. Чунки Манчжурия ва Қозоғистондаги қўшинлар ҳаракатини мувофиқлаштиришни хаёлга ҳам сиғдириб бўлмасди. Бунинг устига фақат кўчманчи қабила беклари орасидагина эмас,

³¹ Шу ўринда Н. Я. Бичурин таржимаси тушунарсиз, бунинг шарҳловчи ҳам кўрсатиб ўтмаган. "Сулу қамал қилган Бохуан шаҳри Даши" нима дегани? (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 295-б.). Шаванн бу Аксу бўлиши керак деб ҳисоблайди. (E. Chavannes, *Documents...*, 284—б, 2-изох).

³² Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 256-б.

³³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 347-б.

империя ичида³⁴ ҳам бирлик йўқ эди. Ушбуларни ҳисобга олган Тўнйуқуқ, хонга хотиржам бўлишни ва душман етиб келишидан уч кун олдин шимолга кетиб, у ерда хитойларнинг емак заҳираси тугаб, ўзлари орқага қайтгунча кутиб туришни маслаҳат берди. Бироқ воқеалар бошқача тус олди. Басмаллар турк ўрдасига биринчи бўлиб етиб келишди ва иттифоқчилари кечикканлигини билиб, орқага қайтишди. Тўнйуқуқ маслаҳатига биноан турклар уларга тегмади, яъни отлар ва отлиқларни тинимсиз йўл юриш билан толиқтириб, ўзлари шиддат билан (отларни йўрғалатиб) Байтин-Бешбалиққа юриб, қутилмаган ҳамла билан уни қўлга олишди. Ҳориган басмаллар ҳужумининг таянчи бўлган Бешбалиққа интилар эдилар, аммо бу ерда озиқ-овқат ва истироҳат ўрнига душманга дуч келишди. Қалъа деворлари остида қуршаб олинган басмаллар таслим бўлишди ва тадбир режаси ҳам бузилди.

Турклар шу билан тўхтаб қолишмади. Лашкарларини Жунғориядан Гансуга, Хитой қўшинининг орқасига ташлади. Бу ерда улар Ганчжоу, Юанчжоу каби шаҳарлар атрофини яғмо қилди. Лянчжоу қутволи Ян Киншу киби қабиласи (телелардан)³⁵ билан ўз қўшинини бириктириб, қалъадан чиқди ва жангга шайланди. Турклар жангни қабул қилди. Империя қўшини қудрати кибининг пиёда камончиларида, туркларники эса отлиқ найзадорларда эди. Ҳаво қаттиқ совуқ бўлиб, хитойларнинг қўлқопда ёй тортишни билмайдиган жангчиларининг қўлини совуқ урди. Ёйдан ўқ ота олмагандан кейин улар турк отлиқларининг тик турган қурбонига айланди. Ғалаба донғи бутун Буюк Дашт бўйлаб қанот қоқиб учди, барча исёнчи қабилалар турк хонининг бўри калласи тасвири туширилган байроғи олдида бош эгдилар.

Энди киданларга навбат етди. Турклар улар устига 721 йил қишида ташландилар. Билка қоон тошбитигида жангнинг тафсилоти берилмаганлиги бу туркларга унча кўп фойда келтирмаганлигини билдиради. 722 йил кўкламида улар татаблар устига ёпирилдилар ва уларни шафқатсизларча қириб ташлашди, ҳатто асир тушган аёлларни ҳам боши танасидан узиб ташланди.³⁶

Шундан сўнг Тан империясининг даштда бирор иттифоқчиси қолмади, бинобарин, урушни давом эттириш имкони ҳам қолмади.

Ғалаба садоси. Бешбалиқдаги ғалаба Хойто-Тамир³⁷ ёдгорлигида ўз ифодасини топган: “маймун йилида (720 й.) еттинчи ойда³⁸

³⁴ *Уша асар*, 274-6.

³⁵ *Liu Mau-tsai, Die chinesischen Nachrichten...*, 259-6.

³⁶ *С. Е. Малов, Памятники...*, 1959, 22-6.

³⁷ *W. Radloff, Die altturkischen inschriften...*, 1895, 268-6.

³⁸ *jt. ncai — таржимада хато: im funf ten Monate...*

йигирма...³⁹ табғачга (империяликлар) бордик. Йилнинг тўққинчи ойида (ўша йилнинг) қушу қора бошлари⁴⁰ босдим; кузда табғачга... кўшйн билан бордим.⁴¹ Шунча кўп неъмат... (турклар?) савашиб, енгилмасин!”⁴² Бу битик жангда ҳалок бўлган унча катта рутбага эга бўлмаган турк аскарлари бошлиғи номидан битилган бўлса керак. Мархумнинг ватанпарварлик кайфиятидаги қариндошлари унинг тилидан турк қуролига омад тилайди.⁴³

Ана шу ёдгорликнинг ўзида Бешбалиқ ҳарбий тадбирига бағишланган бошқа бир битик сатрлари ўзгача бир оҳанглар билан жаранглайди: “Маймун йилида, тўққизинчи ойда биз яширинча Бешбалиққа бордик. Қутли қаҳрамон оғир⁴⁴ аҳволда, унинг қўшини пистирмада. Эр қутли бўлсин!”⁴⁵

Бу битикдаги кайфият олдингисиданинг зиддидир: Бешбалиқ ҳарбий тадбири – фожа. Бу матнни тузувчи ҳеч шубҳасиз басмал-

³⁹ d'ES7P сўзини аниқлаб бўлмади, лекин агар охириги ҳарфларни *pf* деб тахмин қилсак, унда бу Урхун матнларида эски унвонли асилзодалар учун қўлланиладиган мўғулча кўплик қўшимчаси бўлиб чиқади. Агар бу фаразни қабул қилсак, матннинг умумий мазмунига суяниб қуйидагича ўқши мумкин: “фалон. Фалон мансабдорлар империя мулкига борди”. С. Е. Маловда: “Сен Бабичага бординг”. Унинг бу вариантда битик кимга қаратилгани номаълум (С. Е. Малов, Памятники..., 1959, 53-б.).

⁴⁰ “qsoj”ни Радлов таржимасиз қолдирган. Уни “қошу (гэшу) қабиласи, нушиби қабила иттифоқидан” деб ўйлаш мумкин (Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 289-б.; E. Chavannes, Documents..., 35, 68—б.). Улар ҳаммаси ўзида қирқ уруғни жамлаган басмал таркибига кирган (Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 256-б.). Бундан сўнг қошу алоҳида қабила сифатида учратилмайди. Маловда: “Қушуга(да) қуллар олдим”. “Қушу”ни топоним дейишга далил йўқ.

⁴¹ Малов вариантини ҳам кўринг.

⁴² Маловда: “Аскар юришга бормасин”. Таржима чўзилиб кетганроқ кўринади ва битикнинг биринчи сатрларига мос келмайди. У ачиқ кесатиқ сифатида, қабр тоши битигига ҳам мос келмайди.

⁴³ Транслитерация

1. Bein jilka
2. tkzncj ka
3. brdmz p. bsbe

Транскрипция

- | | |
|------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 4. kutlg lp jok | bicin jylka |
| 5. süü rzol kl...k süü (a) rzal (ärzällik-настлик) (Уша асар, 366-б.). kölgök (ka) | tokuzunc aika |
| 6. bolzon nta bolzon anta | bardumyz rus (яширинмоқ, пусмоқ) |
| 7. Kutlg er kutlg er | C. E. Малов, Памятники..., 1951, 409-б. |
| | Basbalyk (ka) |
| | kutlug alp jok (ka) |
| | (пистирма) (В. В. Радлов, Опыт словаря тюркских наречий, Тубаларский, Теленгитский язык, 1274-б.). |

1895 йилда қилинган табдил ва таржима бирмунча эскирди ва нашр этилган матнга таянган ҳолда биз янгича ўқилишни таклиф этамиз.

⁴⁴ Локни оғирлик, қайнаlishи деб тушуниш мумкин (рус тилидаги “вьюк” сўзи шундан) ва тоғ чўққиси деб ҳам. Охириги тўғри бўлса, матн буйича басмал йўлбошчиси қўшинини ташлаб тоққа қочан бўлиб чиқади. Иккала талдан ҳам мақбул.

⁴⁵ Малов таржимасидан айрим икирларида фарқ қилади (Қиёсланг: Памятники..., 1959, 48-б.). Мен таклиф қилган таржимадан фарқлари жиддий эмас.

дир. У қалъа девори орқасида ором ва овқат топмоқчи бўлиб, душманга дуч келди. Матн эгаси юришнинг йўлбошчиси бўлмаса керак; охири гап йўлбошчига қўшинини, шу жумладан, матн муаллифини ҳам, қуршовдан омон олиб чиқиб кетишда омад тилайди. Бироқ биламизки, фалак гардиши басмаллар фойдасига айланмади, матн муаллифи асир олинади, бу матнни асирликда ушбу тошга ўйиб ёзган бўлса керак. Бу битик икки томонлама қизиқиш ўйғотади — ҳам тарихий бир ҳужжат, ҳам бир маданий ёдгорлик сифатида.

Маълум бўлишича, бу вазнли, ҳатто қофияли биринчи турк шеъридир. Вазни бўғинли (ҳижоли): тўрт бўғин, беш бўғин ва саккиз бўғин;⁴⁶ уч мисраси бир бандни ташкил этади, бироқ оҳангли ўқишда иккинчи мисрада унлининг қисқариши содир бўлади, шунинг учун уни оҳанг билан ўқиганда, саккиз бандли мисрани оралиқ пауза билан ва ички қофия билан ёки тўртбандли қаторларни ўқигандек ўқилади.

Бу вазн ҳозиргача татар оғзаки ижодида сақланиб келмоқда, масалан:

Атгим қарға

Тўшти қарға

Қарға тўшти оқ қарға...⁴⁷

Оҳангда тўлиқ мослик бор.

Қофия тарҳи: а, а, а, в, в, с. Битикдаги охири мисра пауза билан қисмларга ажратилган. Бу шеърнинг тузилиши билан боғлиқдир. Биринчи қатор — вазият тасвири — тезис; иккинчи мисра — унинг фожиа эканлигига ишора — антитезис; охири қатор — тилак бўлиб

⁴⁶ Вазн юзасидан қаралганда, иккинчи банднинг 4 ва 5- мисраларида келишиқ қўшимчалари туширилган, рус тилида “быт” феъли ҳозирги замонда туширилгани каби. Бу шеър замон назаридан Урхўн битикларидан муқаддамдир, битикларнинг охириги мисраларида Корш “оҳанг ёки ҳатто тартибсиз алмашинадиган икки оҳанг” кўради. (Д. Корш, Древнейший народный стих турецких племен, 1-2-б.) Ушбу охириги ифода тўғри, бироқ худди шу Урхўн битиги мисраларида шеърни эмас, балки ажойиб тарзда қайта ишланган прозани кўришимизга мажбур этади, бу проза оҳанг талаб қиладиган проза эди. “Слово о полку Игореве”нинг прозаси ҳам худди шундай, Н. В. Гогол прозаси янада оҳанглироқ. Оҳангдор проза (наsr) мавжудлигининг ўзиёқ, ҳаяжонли оҳангдор нутқ, яъни шеърят туркларга ёт эмаслиги исботидир. Хойто-тамир ёдгорлиги Ф. Коршнинг башоратини тасдиқлайди. 1965-йилда пайдо бўлган И. В. Стеблеванинг “Поэзия тюрков VI-VII веков” асарида Кул тегин ва Тўнйўқуқ тошбитиклари шеърый йўл билан ёзилган қаҳрамонлик достони эканлигини исботлаш учун ҳаракат кўринади. Муаллифнинг астойдил уринишлариға қарамай, шеър учун асос бўлган асосий устун — оҳангни унинг мисолларидан илғаб ололмадик ҳамда А. М. Щербакнинг: “бу битиклар ўз хусусиятларига кўра шеърый асарлар сирасига кирмайди” деган таъкидига тўлиқ қўшилишимизни айтиб ўтмоқчимиз (А. М. Щербак, Соотношение аллитерации..., 145-б.).

⁴⁷ М. Салахетдиновдан олинди.

унда “бўлгай” унсури бор. Бу шеърнинг сеҳрини ҳодиса сифатида билиб, ундан нажот кутилганини англатади.

Қофия билан илтижо қилиш – қисқа шеърый жанр илк ўрта асрларда фақат араб шеърыйтидагина маълум эди.⁴⁸ Бизнинг материалimiz масаланинг ечими учун етарли эмас: бу жанр араблардан ўзлаштирилганми (улар Ўрта Осиёда мулоқот қилган бўлишлари мумкин) ёки мустақил ҳосил қилишганми, ҳар ҳолда VIII юзйилликда турк ўтовларига илҳом тез-тез меҳмон бўлиб турган.

Билка қоон. Ташқи душман устидан ҳам, ички душман устидан ҳам ғалаба қозонилди: мамлакатда осойишталик. Бунга фақат жазо аскарлари воситаси билан эмас, ички сиёсатни ўзгартириш йўли билан ҳам эришилди. 716 йилда ғолиб туркларнинг аҳволи ҳам жуда ҳавас қиладиган даражада эмасди. Билка қоон шундай дейди: “Йилқилик (бой) халққа ҳоқон бўлмадим. Ичи ошсиз, ташқи кийимсиз ночор, заиф халққа ҳоқон бўлдим.”⁴⁹ Кенгу-Тарман чўлидан то Кадиркан йиши (Хинган)гача сочилиб кетган турк чорвадорлари маълум даражада, қўзғолончилар қурбонига айланган бўлса керак. Ҳатто улар ўзлари қутулиб ўрдагача етиб борганларида ҳам, уларнинг чорвалари душманга ўлжа бўлган.

Кул тегин ҳокимиятни қўлга олишда Қопоғонхоннинг барча сафдошлари ва маслаҳатчиларини, яъни тўқуз ўғузлар нафратланадиган, Қопоғонхонга қарши қўзғолон кўтаришига сабаб бўлган сиёсатни юргизишга турткилаган кишиларни қиличдан ўтказди. Билка қоон халқ билан муомалани ўзгартирганини таъкидлайди: “Бизга қўшилган халқларни бир-бирига ўт-сув қилмадим”, яъни келишишга интилдим, қаердаки садоқатли эл ва содиқ ҳоқон бўлса, унга яхшилик қилдим. Тўрт томондаги халқни тотув бўлишга мажбур қилдим, уларни душман қилмадим, улар бари менга бўйсунди”.⁵⁰

Самара тез кўзга ташланди. Афв қўзғолонни сўндирди ва бу Билка қоонга ташқи урушлар олиб бориш учун имкон яратди.

Билка қоон турклар ички муаммоларини ҳам мувафақиятли ҳал этди. давлат маслаҳатчиларининг 716 йилги тўнтаришда қириб юборилиши кўплаб туркларга ёмон таъсир қилди ва улар “иккилана бошладилар”.⁵¹ Тўнйуқуқни хизматга чақириб олиш билан Билка қоон, норозиларни доҳийсидан маҳрум этди. Булардан ташқари у яна “ўлаётган халқни ҳаётга қайтарди, яланғоч халқни кийинтирди,

⁴⁸ И. Ю. Крачковский, *Арабская поэзия*, 250-б.

⁴⁹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 39-б.

⁵⁰ *Уша асар*, 40-б.

⁵¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 273-б.

чиғой халқни бой қилди, оз сонли халқни кўнсонли қилди”.⁵² Бунга эришиш учун у ўлжани тақсимлашда сахийлик кўрсатиши, ўрдага кўнгиллиларни қабул қилиши (бу билан у чавандоз йигитларни ўзига мойил, хизматига жалб қиларди) лозим эди. Бу ҳаракатлари билан у рақибларидан фаол қисмни тортиб олар, ўзини ва ўрдасини кучайтирар эди.

Билка қоон ташқи сиёсатда ҳам ўзгаришлар қилиб Империя билан тинчликка эришди. Қойилмақом ғалабадан сўнг тезлик билан императорга мурожаат қилди ва “Осмон фарзандини бола отасини ҳурмат қилганчалик эъозлашни ваъда қилди. Император рози бўлди”.⁵³ Бу ярашиш эди: бу ҳурмат хонга ҳеч қандай мажбурият юклай олмас; лекин унга зориқиб қутилган тинчликни келтирарди. Масаланинг бундай қўйилишида Император номигагина даштнинг ҳукмдори ҳисобланиб, обрўси сақланиб қоларди. Аммо унга туркдан гаров керак эди, шунинг учун у аёёнларидан бирини ўзининг қўрчилик хизматига талаб қилди. Бу Империянинг барча тобе кўчманчилари адо этиши лозим бўлган мажбурий аскарый хизматининг рамзи ҳам бўлиб кўриниб туриши лозим эди.

Туркларни синдириб ташлаш учун 722 йилда яна бир уриниб кўрилди: Билка қоон, Кул тегин ва Тўнйуқуқлар Хитойга келиб, император шахсан ўзи ўтказадиган Тайшун тоғидаги тантанали қурбонлик маросимига иштирок этиши таклиф қилинди. Хитойлар хон ва унинг йўлдошларини гаров тариқасида ушлаб олиб қолиши ҳаммага,⁵⁴ шу жумладан, таклиф этилганларга ҳам кундай равшан эди, шундай бўлсада, бундай шарафга лойиқ кўрганликлари учун ташаккур билдириш билан чегараланиб қолмади. Жавоб ҳаракати сифатида Билка қоон маликани хотинликка сўради. Император рози бўлмади, чунки бу юридик жиҳатдан ҳоқонликни айни пайтда ўзининг ожизлигини тан олиши дегани эди. Ҳоқ йўл берди ва йилига бир аёённи Чанъанга “хизматга” жўнатиб турди. Гарчи тинчлик битими тузилмаган эсада, ҳеч қандай ҳозирликсиз ўз-ўзидан тинчлик ҳукм сурди.

Ниҳоят хон ҳудудий масалада ҳам ён берди. “Туфан (Тибет подшолиги) итдан тарқаган, Кидан ва Хи қулларим ва тобеларим”,⁵⁵ “тургаш хони майда бир ҳоким, турк вассали”,⁵⁶ (аммо Билка қоон тургаш хонига катта тантаналар” билан қизини беради, тургаш

⁵² С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 40-б.

⁵³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 275-б.

⁵⁴ F. Hirth, *Nachworte zur Inschrift...*, 8-б.

⁵⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 276-б.

⁵⁶ *Уша асар*, 298-б.

хонининг қизи Билка қоон ўғлига яна “катта тантаналар билан” узатилади)⁵⁷ каби баландпарвоз ифодаларига қарамай, Билка қоон тибетликлар гаддорларча талон-тарож қилаётган Тянь Шан жанубига қадам боса олмади, Эттисувни қайтариб олишга ҳам шошилмади. Ҳатто Ўрта Осиё хунлари авлодлари турк шатола яшайдиган жанубий Жунгория 714 йилда Империя қўл остига ўтгани бўйича қолиб кетди. Саян қирғизлари ҳам ҳоқонликдан чиқиб кетди, буни уларнинг элчилари Сюанцзун ҳузурига тўрт марта келганлигидан ҳам билса бўлади (713-715 йй.).⁵⁸ Қирғизлар устидан ғалабанинг ягона нишони 710 йилда ўлдирилган қирғиз ҳоқонининг Қопоғонхон қабри устидаги балбали бўлиб қолди.

Мана шундай ён босишлар билан Билка қоон халқи ва элини йигирма йиллик тинчлик билан таъминлади (722-741 йй.).⁵⁹

Тинчлик. Билка қооннинг бир нозик сиёсати туфайли сулҳсиз тинчлик ҳукм сурарди. 727 йилда Тибет Империяга қарши урушни қайта бошлади ва турк ҳоқонлигига умумий душманга қарши биргалашиб курашишни таклиф этди. Тибет мактубини Билка қоон ўз садоқатининг намоёниши ҳамда 724 йилда Шофанда айрибошлаш савдоси очишга ижозат бергани учун мамнунлиги исботи сифатида императорга юборди. Бу ижозат император ўз даромади ва ҳуқуқининг бир қисмидан воз кечганлигини англатарди, чунки отларни олтин ва ипаклар эвазига оладиган Хитойда ташқи савдо тўлалигича хазинанинг монополияси эди.⁶⁰

Бироқ империя ҳукумати тез орада ўзаро иқтисодий муносабатларни эски ўзанига туширди. 725 йилда хон ўрдасига империя элчиси Юанчжен ташриф буюрди, у тантанали равишда кутиб олиниб, у билан уч буюк туркнинг бари – Билка қоон, Кул тегин ва Тўнйуқуқ⁶¹ – музокара олиб боришди. Музокаралар мундарижаси 727 йилда тузилган шартномада ўз аксини топган, бунга биноан келишилган миқдорда отлар эвазига туркларга ҳар йили 100 минг парча ипак етказиб берилади.⁶²

Яна Хитой ва ҳоқонлик аҳолилари савдо ишларидан четда қолди. Айни чоғда икки ҳукумат орасидаги муносабат кескинлашмаслиги ҳам мумкин эмасди, чунки турклар отлар нархи ошишини истаса, хитойлар ипак нархини кўтаришни истарди.

⁵⁷ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 23-24-б.

⁵⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 355, 359-б.

⁵⁹ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 260-б.

⁶⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 276-б.; Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 454-б.

⁶¹ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 415-б.

⁶² *Ibid*, 395-б.

731 йилда Кул тегин вафот этди. Император махсус элчилик уюштириб таъзия билдириш учун юборди. Элчилик таркибида Ўрхун қирғоқларида ажойиб обидаларни яратган усталар бор эди. Улар ҳайкал қўйдилар, ибодатхона (топиноқ) бунёд этдилар, топиноқ деворлари жанг тасвирлари билан безатилган эди. Хитой ва турк тилларида битилган матнлар сақланиб қолган ва 1889 йилда Н. М. Ядринцев томонидан кашф этилди. Унда Кул тегин дафн маросими тафсилотлари билан баён қилинган. Булар жуда қизиқарли, чунки VIII юзйилликдаги халқаро муносабатлар миқёсини намоён қилади.⁶³ “Йиғлаб-сиқтаб қитай, татаби халқини бошлаб Удар Сенгун келди; табғач ҳоқондан Иси ва Ликенг (Чжан Кюй ва Лю Сян)⁶⁴ келди. Бир туман ипак (оғи), олтин, кумуш келтирди; Тубут (Тибет) ҳоқонидан Булун келди; Кунботардан: Суғуд, Барчакар ва Бухоро улусидан Нек Сенгун, Ўғул тархон келди. Ўн ўқ халқидан, тургаш ҳоқони ўғлимдан Мақрач тамғачи, Ўғуз билка тамғачи келди. Қирғиз ҳоқонидан Тардуш Инончи чўр келди. Бино қурувчи, нақшли битигтош йўнувчи табғач ҳоқонининг кишилари (Мелиоранский бўйича тошйўнар, балки рассомдир — Л. Г.) ва Чен Сенгун келди... Тош... мунча нақшни туйғунлар ва элтебарлар келтирди (?)”

Бу ерда ҳоқонликнинг энг яқин қўшилари санаб ўтилган, зотан 732 йилда барча чегараларда тинчлик ўрнатилган эди. Бироқ узоқдаги халқларнинг элчилари йўқ, худди шунга ўхшаган маросимда 553 йилда Бўкли ёки Мукри (Моҳэ) ва Пурум-Рим, яъни Византия элчилари тилга олинган эди.⁶⁵

Иккинчи ҳоқонлик истеъдодли хонлар интилишлари ва уринишларига қарамай, барибир, биринчисининг соясидай бир гап эдики, Билка қоон дафн маросими тасвирида (734 й.) фақат турк аъёнлари иштирок этиб, чет элликлар тилга олинмайди.⁶⁶ Юқорида номи келтирилган айрим қабилалар ҳам, масалан, абарлар, уч курикан ва отуз татарлар кейинги дафнда эсга олинмайди. Айрим қабилалар иштирок этмаслиги сабаби аён, абарлар Илининг ўрта оқимида яшардилар, уни Қопогонхон босиб олгач, улар мустақил халқ бўлмай қолишди. Ёқутларнинг аждодлари бўлган уч куриканлар турклардан узоқроққа — тайгага кетиб қолишган ва улар душманлари билан алоқа ўрнатишга муҳтож эмасди. Отуз татарлар ҳам шу йўлни тутиб, Амурбўйи тайгасига яширинган кўринади. Буларнинг ўрнига янги

⁶³ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 43-б.

⁶⁴ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 277-б.

⁶⁵ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 36-б.

⁶⁶ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 23-б.

сирли бир халқ барчакар⁶⁷ пайдо бўлади. Қизиқ, тургаш хонини матнда “ўғлим” дейди, бу эса қандайдир шаклда бўлса ҳам тобеликни англатади, лекин бу ҳукмронликка бир иддаодан бошқа нарса эмас, чунки тургаш ҳоқонлиги туркларга мутеъ эмасди.

Буларнинг барчаси шуни кўрсатадики, турклар даштда тинчлик бўлишини исташган ва уни ўрната олган, зотан, VIII юзйилликда улар варварлар ўрдасидан бир маданий давлат ярата бошлаган эдилар.

Уйғурлар жанубда. Жанубга кўчиб келган уйғурлар хитойлар билан чиқишиб кета олмадилар. Гарчи уларнинг идора этилиш шарт-шароити анча яхши йўлга қўйилган бўлса ҳам, хитой амалдорлари томонидан содир этиладиган ўзбошимчалик ва ғалваларнинг йўли тўсилмаган эди. Бундай ҳол юз берса, уйғурлар жавоб қайтарар ва оқибатда, муносабатларда шахсий ғаразлар пайдо бўлар эди.

Ван Гюн-чо деган кимса, уйғурлар бошчиси Чэн-цзун билан жанжаллашиб қолади. Шундан кейин бу хитойлик кимса Хэси ҳокими лавозимига кўтарилади ва шаклан қонунга мос равишда уйғурларни сиқа бошлайди. Уйғурлар шикоят ёзишади, ҳоким эса пойтахтга, Чэн-цзун мустақил бўлмоқчи, деб жавоб юборади. Устаси фаранг қоғозбоз томонидан тўқилган ёлғон соддадил кўчманчи ҳақиқатидан кўра ишончлироқ бўлиб кўринади. Чэн-цзун сургун қилинади, уйғурлар ҳайрон бўлиб қолаверишади.

Шу кезде Тибет билан уруш бошланиб, Ван Гюн-чо юришга отланади. Сургун қилинган бошчининг ўғли Хўшу халқни ўч олиш учун йиғиб, пистирмадан туриб ҳокимни ўлдиради. Кўзғолон кўтарган уйғурлар Хитойдан Кучага⁶⁸ борадиган қарвон йўлини кесиб кўядилар.

Биз бу воқеани батафсил баён қилишимиздан мақсад, Тан империясининг давлат тизими тобора бачканалашиб, ёмонлашиб боргани ҳақида тасаввур туғдиришдир. Хитойлар ва кўчманчилар умумий бир тил тополмай қийналди, бир-бирига жуда керак бўлганида ҳам чиқиша олмади, чунки уларнинг руҳияти бошқа-бошқа эди. Тўқнашувлар онгсиз равишда, турмуш икир-чикирларидан чиқар эди, шунга қарамай бу охир оқибатда Тан империясини қулатди. Хўшу ўз халқи билан Хэсидан чекинди ва шимол томон юриб, туркларга бўйинсунди ва тез орада вафот этди. Унинг ўрнини ўғли Гули Пэйло эгаллади.

⁶⁷ С. Г. Кляшторной буларни еттисувлик сугудлар деб ҳисоблайди (*Согдийцы в Семиречье, 7-11-б.*).

⁶⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 306-б.

Юқорида баён қилинган ҳодисалар уйғурлар учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бунгача улар ниҳоятда беқарор бўлган тўққиз қабила иттифоқи эди. Жанубга тўрт қабила — хўйху (асл уйғурлар), киби, сигйе ва хун қабилалари кетди. Кейин уларга тунло (тўнгра) ва байси ҳам қўшилди. Яна ярим асрдан кейин Халхага яхлит бир халқ — уйғурлар кўчиб келади. Муштарак тақдир, тинимсиз урушлар, бегоналарга ўзини доимий қарама-қарши қўйиш, қадрдон турмуш тарзи, дин, маданий анъаналарини бегоналарнинг кўпол таъсиридан сақлаш туйғуси қабилавий маҳдудликни ёриб ўтиб, қабилалардан яхлит халқ пайдо қилди.

Хитой ва Тибет маданиятига бегона бўлган уйғурлар ўзларига қардош бўлган турклардан ҳам фарқ қиларди. Келиб чиқиши ҳақидаги афсона қанчалик муштаракликларга эга бўлмасин, барибир айирмалари бор эди. Турклар ўз наслини шаҳзода ва урғсчи бўридан десалар, уйғурлар бўри ва маликадан деб ўйлардилар. Арзимас бир майда-чуйдага ўхшайди, лекин руҳиятда бунинг фарқи анча сезиларли бўлади.

Биз яна ишимиз давомида кўрамизки, турклар ва уйғурлар маданияти йўналиши ва бўёқлари билан ҳам фарқланади. Масалан, турклар ўз кўзғолонига шиор қилиб “ўз меҳнати ва кучини” бегона ҳоқонга бермасликни олди. Уйғурлар эса ўз бошчисига етказилган ҳақоратлар учун қасд олишга кўзғалдилар. Яна арзимас икир-чикир, лекин барибир ўзига хослик. Ахир бутун этнопсихология зўрға илғаб олинадиган бўёқлардан иборат эмасми! Демак, уларни суриб қўйсақ, тарихий давлатларни ковушни оёққа мослаб олмасдан, оёқни ковушга мослагандай ҳолатда тасаввур қилиб қолмаймизми!

Хоннинг ўлими. Киданлар ҳам ўзларини уйғурлар каби тутдилар. Уларнинг бошчиси Кэтуган хитой валийси Шаогуни ўлдириб, ўрнига Кюйлэ деган кимсани қўйди ва 730 йилда татабилар билан бирга турклар қўл остига ўтди.⁶⁹ Унга қарши саккиз бўлинмали қўшин ташланди. Татабилар жангсиз бўйинсунди, лекин ўжар киданлар 732 йилда тор-мор этилди. Кейинги йили Кэтуган турк лашкари билан қайтди.⁷⁰ 10 минг кишилик империя қўшини татабилардан ташкил топган ёрдамчи қўшин билан душманга қарши чиқди, лекин Тунгкер тоғидаги саваш пайтида татабилар жангдан қочиб кетишди ва империяликлар енгилди. Янги тайинланган генерал Шеугуй Кэтуганнинг котиби (исмига қаралса хитой) Ли

⁶⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 367-б. Исmlар ўқилишига қаранг: Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 670-б.

⁷⁰ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 23-б.

Го-сини сотқинликка ундади ва у кечаси “Кэтуганнинг йигирма-ўттиз чоғли сафдошларининг калласини олиб қайтиб келди”.⁷¹ Қилган хизматлари учун Ли Го-си Сунмо (Сунгарий вилояти)га валий қилиб тайинланди. Лекин марҳум Кэтуганнинг омон қолган сафдошлари сотқинни тутиб олишди ва оиласи билан бирга майда-чуйда бўлақларга бўлиб ташлади. Қўзғолон давом этаверди ва империя саркардаси Шеугуй 734 йилда икки марта юриш қилиб, киданларни мағлуб этди... барибир, қўзғолонни бостира олмади. Бироқ унинг кураш усули Чанъандагиларга ёқиб қолди. 734 йилда туркларнинг Хитойдаги собиқ элчиси, (727 йилда Сюанцзун шахсий учрашув чоғида сахийлик билан бойликка кўмиб ташлаган⁷² ўша элчи) Билка қоонни захарлади. Ўлар экан хон хойини ва бутун уруғини қатл этишга буюрди. Император жиноят изларни ювиб юбориш учун таъзия билдириб элчи юборди.

Лекин уруш чиқмади. Билка қооннинг вориси, ўғли Йўллиг тегин ҳоқонликдаги аъёнларнинг барчаси истаги билан тахтга ўтирди. У ёзувчи ва тарихчи бўлиб, иккита Ўрхун тошбитигининг муаллифидир. Отасининг сиёсатини давом эттириб, оғир аҳволлардан чиқиб кетиш йўлларини изларди. Хитойга уч марта элчилик жўнатган. Айни чоғда киданларни қўллаб-қувватлаб турган бўлиши керак, чунки Манчжурияда партизанлик уруши ҳамон давом этарди.

Фарбда бутун 30-йиллар давомида тургаш хони Сулу ҳукмронлик қилди. У бор кучини босиб келаётган араблар билан курашга сарфлади. Шунинг учун араблар унга “Музаххим”, яъни “сузағон” деган лақаб қўйишган.

Империя эса, Тибет уруши ва қўшинни қайта ташкил қилиш билан банд бўлганлиги туфайли, ҳодисалар жараёнини тезлаштиришга ҳаракат қилмади. Йўллиг тегин 739 йилда ўз ажали билан ўлади. Тахт иниси Билка Қутлуғхонга ўтди. Империя уни тан олди, янги унвони эса Тангрихон бўлди. 740 йилда янги хон Хитойга жавоб элчилиги жўнатди. Ким ўйлабди дейсиз, дунё фалокат ёқасида деб?

⁷¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 367-368-б.

⁷² Liu Mau-tsai, *Die chinessischen Nachrichten...*, 420-б.

КЎКТУРКЛАР ЎЗЛАРИ ҲАҚИДА

Кул тегин ёдгорлиги. Кул тегиннинг ёндирилган жасади кули устига император Сюанцзун йўллаган Хитой усталари томонидан ажойиб ёдгорлик ўрнатилди. Бу ёдгорлик харобалари, айтиб ўтилганидек 1889 йилда Н. М. Ядринцев¹ томонидан кашф этилди. 1891 йилда В. В. Радлов томонидан ўрганилди, турли сайёҳлар зиёрат қилди ва ниҳоят чех археологи Йисл томонидан батафсил тавсифлаб берилди. Йисл² ёдгорликни 1958 йилда ташкил этилган Чехословакия ва Мўғулистон Халқ Республикаси ҳамкорлигидаги археологик экспедиция ишида қатнашиб ўрганган эди.³

1958 йил экспедицияси ёдгорлик тарҳини тузди⁴ ва тахминий тиклаш тафсилотини баён қилиб берди.

Иншоот ҳажми 80х40 метр бўлиб, шарқдан ғарбга қараб чўзилган. У дарвоза олдига келиб тўхтайдиган ҳандақ ҳамда лой девор билан ўралган бўлиб, усти керамит билан ёпилган ва сувоқ қилиниб, оқланган. Давроза олдидаги, икки томонида бир-бирига қаратилган икки қўчқор мрамрдан ясалган. Улар ортида йўлка ва ортиқча намликни чиқариб юбориш учун қилинган керамит қувурли ҳовуз бор. Унинг орқасидаги мрамр тошбақа (хитойларда мангулик рамзи) устига ўша машҳур битикли кўк тош ўрнатилган. Археологнинг фикрича, битикли кўктош атрофи пана қилиниб, устига керамитли том қилинган, ҳатто бунинг деворлари ҳам шувалиб, оқланиб қўйилган. У ердан йўлак тўғри ибодатхона томон боради, йўлакнинг икки тарафига мансабдорлар ва хизматкорларнинг табиий бўйи баландлигида ҳайкаллари бўлиб, у гўё фахрий қоровулликни эслатади. Ибодатхона-тўртбурчакли, 10,25х10,25 метр. Оқ деворлари йўл-йўл қизил ранг билан бўялган, томи керамитдан бўлиб, четлари садаф билан ўралган, деворларида сополдан бўрттириб ясалган аждарлар тасвири бўлган. Иморат ичида қурбонлик қилиш ўрни, ўчоқ ҳамда Кул тегин билан хотинининг мрамр ҳайкаллари турган.

Кул тегин ҳайкалининг боши топилди. У ҳақиқатга тўла мос келади: ёноқлари туртиб чиқиши, мўғулча қовоқ, тўғри паст бурун ва қийиқ кўз Ашина уругининг ирқи ҳақида ҳеч қандай шубҳа

¹ Н. М. Ядринцев, *Предварительный отчет...*

² В. В. Радлов, *Предварительный отчет...*, *Атлас древностей Монголии...*

³ I. Jisl, *Vyzkum Kultegimova pamatniki...*, 86-113-б.

⁴ *Ibid*, 93-б.

қўлдирмайди. Бошида беш қиррали тож, унда лочинга ўхшаш бир қушнинг тасвири ҳам бор. Кул тегиннинг юзида хотиржамлик сезилади; санъаткор уни ўлимидан сўнг кўрган бўлса керак.

Кул тегин хотинининг ҳайкали бош қисмидан бир парчагина сақланиб қолган, унда ҳам монголоидлик белгилари бор. Кўзга ташланадиган бир хусусияти шуки, лаблари қимтиниб турибди, бу унинг иродаси кучли ва қатъиятли аёл эканлигидан дарак беради.

Цайдамнинг шўр кўлларида то ёдгорликкача бўлган 3 км масофада балбаллар занжири чўзилиб кетган, бироқ улар ўша пайтда ҳозиргидан анча кўп бўлганлиги аниқ. Баъзи балбаллар кўпол бир тарзда инсонга ўхшатишга: кўллар, беллар акс эттирилмоқчи бўлинган. Хандақдан шарққа қараб балбалларнинг иккинчи занжири бор, бу эса Йислда; улар деворни айлана тарзида ўраб турган, деган фикр уйғотди.⁵ Биз эса, шу ерга олдинроқ дафн этилган бошқа бир марҳумга тегишли балбал занжири бўлган деган фикрдамиз.

Ўрхун матнлари, унинг ёзилиш вақти ва ҳозирги наشري. Бизнинг измимизда икки ёдгорлик бор: Кул тегин қабр тошбитиги, у кичик ва улуг битиклардан иборат, кейингиси Селенга бўйидаги Тўнйуқуқ тош битиги. Шунинг билан бирга Кул тегин ва Билка қоонга ана шу ернинг ўзида – Ўрхун қирғоқларида хитойча ҳам матн битилган.⁶ Иккинчи тошбитик тўлиқ сақланмаган, лекин биринчиси ўзининг тўлиқлиги билан диққатга сазовор.

Хал қилиниши керак бўлган биринчи масала бу санадир. Кул тегинга дохил Улуғ битикда ёдгорлик тикланишининг аниқ санаси кўрсатилган: “маймун йили (732 й.), еттинчи ой, йигирма еттинчи кун”.⁷ Худди шу санани хитойча матн ҳам такрорлайди.⁸ Хитойча матн, унинг мазмунидан келиб чиқилса, ўша мақбарани тиклаш ва дафн маросими муносабати билан ўша вақтнинг ўзида ёзилган. Аммо бу турки матни тузилган ва ёзилган вақти эмас, чунки турки битикда тарихий воқеалар то 716 йилгача ҳикоя қилиниб, энг қизиқ жойида узилиб қолади. Кул тегин амалга оширган тўнтариш, амакиваччаларининг ўлдирилиши ёдга олинмай қолиши бежиз эмас, шекилли. Тошбитик матни 719 йилдан кейин битилган эмас, чунки унда 720 йилдаги буюк ғалабалар баён этилмаган, ҳатто басмалларнинг номи ҳам учрамайди. Демак, 732 йилда тошга ўйилиб абадийлаштирилган матн 716 ва 720 йиллар ўртасида, яна ҳам аниқроғи 717-718 йилларда тузилган, деб хулоса чиқаришимиз

⁵ Ibid, 95-б.

⁶ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 1-36-б.

⁷ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 43-б.

⁸ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 7-б.

мумкин. Мана шу чоғда Билка қоон чайқалиб турган салтанатни тиклашни бошлаб, кенг жамоатчиликка мурожаат этган эди. Матн бошланишидаги мозийга чекиниш, беклар ва халққа ўғит ҳамда умуман матнларнинг кичиги ва улуғининг дастур хусусиятига эғалиги ана шулар билан изоҳланади. Бу матн Кул тегин ўлимидан 14 йил олдин тайёрланган бўлиб, унга Кул тегинга тегишли қабртош битиги қўшилган, холос. Матннинг ўзига қайта ишланмайдиган бир бадий асар сифатида қаралган бўлса керак. Бундан яна бир хулоса чиқариш мумкинки, халққа мурожаат Билка қоонга яхши самара келтирди: у халқ орасида шуҳрат қозонди, акс ҳолда матн тошга ўйиб абадийлаштиришдан олдин янгиланарди ва тўлдириларди.

Аммо ҳеч бир тарихчи ўз иншосини фактик маълумот билан тўлдириш имконини бой бермаган бўларди. Бундан Йўллиғ тегин ҳам мустасно эмас. Билка қоон тошбитигига у Кул тегин битигида қолдириб кетган жанглар, юришлар ҳақидаги хабарларни киритади. Бунда у 700 йили Тангутга юришни, 709 йилда чикларни бўйсундирилишини, 714 йилда мағлуб бўлишдан қутулиб қолиб, Бешбалиқ остоналаридан турк бўлинмасининг чекинишини, 715 йилда Агу ёнида тўқуз ўғузлар билан бўлган савашни, 717 йил охирида уйғурларнинг босиб олинишини, 717 йилда империя лашкарини Янчжоуда яксон қилинишини ва 721-722, 733 йилларда кидан ва татаблар устига юришларни эслайди.

716 йилги тўнтариш ва қирғин тилга олинганида, нозик ниқобланган ифодалар билан берилиши ниҳоятда қизиқарлидир. Бу жой яна шунинг учун ҳам аҳамиятлики, тошбитик айнан шундан бошланади.⁹ Кул тегин битигида баён этилган воқеалар эса, жонли ва кенг ҳамда лўндадир, чунки эскини такрорлайвериш қизиқарли бўлмасди. Баён қамрови хоннинг ўлимига қадар — 734 йилгача етказилган, ҳатто ундан кейинга ҳам ўтиб, унинг “тўнғиз йили, бешинчи ой, йигирма еттинчи кун” (755 йил ёзи) дафн этилгани ва дафн маросими акс эттирилади. Битик матни мана шу вақтда “бир ой ва тўрт кунда”¹⁰ тузилган. Бу вақтга келиб Йўллиғ тегин тажрибага эга эди, ёзувчиларда бўлиб турадиган ҳолат ўз-ўзига тақлид қилиш унда ҳам юз беради. Шундай қилиб, Билка қоон

⁹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959. С. Малов биринчи мисрада асосланмаган сўз қўйишга йўл қўяди: “{отам ўлимидан сўнг, турк Кўки ва турк муқаддас ватани иродаси билан} хон бўлдим”. (20-б.). Матннинг 16-бетиде шу ўринда “{ту}рк та{н}ри...” сўзлари бор ва яна туширилган жойлар Мўғулиён отаси ўлимидан сўнг (693 й.) эмас, балки амакиси ўлимидан сўнг (716 й.) хон бўлди. Шунинг учун киритма ўринли эмас.

¹⁰ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 23-24-б.

битик тошини Кул тегин ёдгорлигининг тўлдирилиши ва давоми деб қарашимиз мумкин.¹¹

Тўнйуқуқ битиги ҳам Кул тегин битиги билан бир вақтда бунёд этилган. У 716 йилдан кейин тузилганлиги учун “Билка қооннинг халқига”¹² мурожаат этилса ва 720 йилгача тузилганлиги учун ҳам унда Тўнйуқуқнинг басмаллар билан курашдаги хизматлари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бунинг устига, битик матни Тўнйуқуқ тушкунликда юрганида, халққа мурожаат қилиб, хонни унинг хизматларини тан олдириб, саройга қайтишга эришишга интилиб юрган кезида тузилган. У бу мақсадига 719 йилда эришди.¹³ Демак, битик матни 717-718 йилларда тузилган бўлиб, кўз ўнгимизда бу мавзуда баҳс юритаётган икки ёдгорлик каби нодир ҳодиса пайдо бўлади.

Учинчи ҳужжат — “Ўнгин битигтоши” бўлиб, у илон¹⁴ йили, яъни 716 ёки 718 йилда ўрнатилган.¹⁵ Бунда Билка қоон тахтга ўтиргунча бўлган воқеалар баён этилган бўлса ҳам (яъни 716 йилгача), биз кўрсатган биринчи сана тўғри бўлиши қийин. Бироқ 716 йилда тузилган матн орадан 12 йил ўтиб қоятошга ўйиб ёзилган.¹⁶ Бу ёдгорликка қаттиқ захм етганлиги учун уни ўқиш ва илмий доирага киритиш қийин кечди. Шундай бўлса ҳам тикланган матн асосида уни Кул тегин ва Тўнйуқуқ битиклари сирасига бир жанрнинг учинчи асари сифатида киритилиши керак. Унда 719 йилда (қўй йили) вафот этган Алп Элэтмиш кўкларга кўтарилади. Битикда марҳумнинг ўғиллари, укаларига Билка қоонга содиқ бўлиш васияти ҳам берилган. Марҳумнинг ўзи Билка қоон томонига 716 йилги тўнтариш чоғида ўтган эди.¹⁷ Йўналиши бўйича бу ҳужжат Кул тегин ёдгорлигига жуда яқиндир.¹⁸

Жанри. Ҳар учала битикда турк жамиятининг кенг қатламларига мурожаат қилинади. Бу мурожаатлар мақсади ниқобланган, чалкаштирилган эмас, балки очиқ-ойдин — халқни ишонтиришга интилган. Демак, битиклар бу — ташвиқот, ташвиқот бўлгач, тарихий воқеалар ёппасига эмас, танлаб берилади. Энг муҳими, айни чоғда “Таншу”да ҳам ўша воқеалар жараёни баён этилади.

¹¹ Кули Чур ёдгорлиги бошқа хусусиятларга эга бўлиб, алоҳида кўрилади.

¹² С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 70-б.

¹³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 273, 298-б.

¹⁴ W. Radloff, *Die altturkischen inschriften...*, III, 252-б.; С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 10-б.

¹⁵ Қаранг: П. М. Мелиоранский, *Памятник в честь Кюль-Тегина...*, 40-б.

¹⁶ Қиёс: G. Clauson, *The Ongin Inscription...*, 191-192-б.

¹⁷ Қўй йилида (қаранг: G. Clauson, *The Ongin Inscription...*, 1191-192-б.).

¹⁸ А. Н. Бернштамнинг мулоҳазалари ва ёдгорликни изоҳлаш юзасидан таклифлари Клоусон таъжжмасини эълон этганидан сўнг ўз аҳамиятини йўқотди (қаранг: Бернштам. *Специально-экономический строй...*, 38-40-б.).

“Таншу” орқали текшириб кўриб биламизки, ҳодисалар асосан. тўғри баён этилган, лекин бироз қисқароқ. Буни тушуниш мумкин. зеро ташвиқот, тарғибот ҳужжатларида холислик, бетарафлик ноўрингина эмас, ҳатто мутлақо мумкин эмас. Мана шундай жанр мавжудлигининг ўзи Сўз қуввати, Сўз қудрати туркларда қадрланганлиги, у ҳақиқий қудрат ҳисобланганлигига қаноат ҳосил қилдира олади. Демакки, уларда ривож топган жамият бор эди ва бу жамиятда ижтимоий фикр шаклланиб улгурган эди.

Тузилиши. Битиклар тузилишини ўрганиш жуда қизиқ хулосалар беради. Юқорида Йўллиғ тегин битиклари билан Тўнйуққ битиги тортишув, баҳс ҳужжатлари эканлиги айтиб ўтилди. Агар уларнинг тузилишини чоғиштирсангиз, бунга яна бир марта амин бўласиз.¹⁹

Мана шу саҳнда Алп Элэтмиш битиги диққатга сазовор, у имкон қадар бошлиқларга “ёқиб қолишга интилади”. Бошланишида тарихий ҳодисалар расмий жиҳатдан шарҳланади: кейин у ўзининг амалдор қариндошларини санайди, сўнг у Қопоғонхон ва Элтеришхонларга садоқатини таъкидлайди, Билка қоонга эса содиқлиги ўз-ўзидан маълум бўлади. Ҳатто болаларини ҳам шу тариқа тарбиялашга эътибор беради. Қисқаси, у ўқувчига зоҳиран ҳукуматга қаттиқ боғланганлигини етказишга интилади, бу унга жуда ҳам зарур бўлган, шекилли, чунки у Кадаздаги жангдан сўнг Кул тегиндан кўмондонликни қабул қилган Мочурнинг омон қолган тарафдорларидан биридир.

Йўллиғ тегин

Билка Тўнйуққ

Алп Элэтмиш

1. Муаллиф ўқувчига хон ва унинг сафдошларини тақдим этади (1-2-§). 1. Муаллиф ўзини тақдим этади: “Мен доно Тўнйуққ”(1-§). 1. Муаллиф ўз наслини санаб чиқади (3-4-§).

2. Элтериш ва Қопоғонхонлар урушларининг қисқача саноғи (3-4-§). 2. Биринчи турк ҳоқонлиги тарихига чекиниш (1-3-§). 2. Тарихга чекиниш (1-3-§).

¹⁹ *Ўрхўн битикларида мунозара-баҳс ўринлари борлигини Н. Н. Козьмин кузатди. (Классовое лицо атысы Йоллиг-тегина..., 269-277-б.). Турк жамиятини феодал жамият деб тушунган Козьмин: “Йўлли” тегин ўз манфаатларини бек хонадони билан чамбарчас боғлаган феодал зодагонлар вакилидир (273-б.), Тўнйуққ эса “ер эгалари хўжалиги ва Утукан йиши” билан камроқ боғланган” (276-б.) дейди. Бу ҳолатларни матндан юлиб олинган узиндилар билан исботлашга уринган, турки тахт ворислиги поғоналарини билмаслик, воқеалар умумий оқимини четлаб ўтиш ва яна бир қатор фактик хатоларни (масалан, у шарқий туркларни «тўққиз қабила» (268-б.) деб атайди) тузатиш кераклиги ҳам, унинг “турмуш тарзида ҳамда ижтимоий ва сиёсий тузилишида ўрхўнлар” билан франклар ўртасида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд” (276-б.) деган хулосаларини ўз-ўзидан йўққа чиқаради.*

3. Хитой маданиятини танқид (5-6-§).
4. Халқ ҳатти-ҳаракати танқиди (6-9-§).
5. Хоннинг халқ олдидаги хизматларини кўрсатиш (10 п.).
6. Битикдан ният: “Турк беқлари ва халқ-қи биллинг...” ва охирида муаллиф имзоси: “Бу битикни невараси Йўллиғ тегин ёзди”. (13-§.)
3. Қутлуғ истеъдодининг танқиди (4-§)
4. Халқнинг озчилиқ қисмига ҳавола (6 §.).
5. Тўнйуқуқ бошчилигидаги юришлар саноғи (8-48-§.): “Мен қўшин саркардаси бўлдим, тун ухламай, кундуз ўтирмай, қизил қоним тугатиб, қора терим юғиртиб, (халққа) меҳнатни, кучни бердим, мен ўзим олисларга босқин уюштириб турдим, ахир”. (52-§.).
6. Муаллиф имзоси ва муаллиф нияти: “Мен доно Тўнйуқуқ, Билка қооннинг турк халқи учун битишни буюрдим. Элтериш хон ва доно Тўнйуқуқ интилишлари туфайли Қопонхон ва турк-сир халқи мавжуддир”. (61-§.).
3. Содиқлик қасами: Мен Қопон ва Элтериш эли учун ўстирилганман (3-4-б.)
4. Халқ ҳатти ҳаракатини қаттиқ қоралаш (6-9-§.).
5. Отасининг ва ўзининг содиқ фуқаро эканлигини кўрсатиш (5-6 ва 10-§.).
6. Битикдан ният: бола-ларига Билка қоонга содиқлигини сақлаш ҳақида насиҳат (3-§) ва ўғилнинг марҳум отасига мурожаати. (4-§.).

Шундай қилиб, айнан бир материал қарама-қарши назардан шарҳланганига қарамай, тузилиш жиҳатидан бир хилликни кузатмоқдамиз. Йўллиғ тегин хонни кўкларга кўтарди; Тўнйуқуқ уни тўғридан-тўғри “ориқ ва семиз буқани ажрата олмайдиған”²⁰ ақли калта дейди. Йўллиғ тегин Хитой маданиятини пастга уради. Тўнйуқуқ эса Хитой маданияти муҳитида тарбия топгани ва бу

²⁰ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 65-б.

унга зиён етказмаганини очиқ айтади. Йўллиғ тегин бекларни хоинликка мойил бўлганлиги учун сўкади, Тўнйуқуқ инкор этади: “ўз турк халқим устига қуролланган душман юбормадим, аслаҳали отлиқларни етаклаб келмадим”.²¹

Мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин етарли бўлди, деб ҳисоблаймиз.²² Йўллиғ тегин ва Тўнйуқуқ ёдгорликлари фақат бир-бирига чамбарчас боғлаб ўрганилиши мумкин, чунки уларда ўрда ичидаги²³ икки оқимнинг – тахтдан мосуво шаҳзодалар ва ошиги олчи аъёнларнинг баҳс ҳамлалари намоён бўлган.

Тўнйуқуқ Билка қоон билан ярашиб олгандан сўнг у бошқача гапира бошлади: “Мўғилён ўрдани девор билан ўраб олиб, Будда ва Лао-цзига ибодатхона қурмоқчи бўлди. Тунъюгу айтди: турк халқи сони жиҳатидан Хитой аҳолисининг юздан бирига тўғри келмайди, турклар сув ва ўт (майса) излаб, доимий манзилга эга бўлмайди ва муттасил аскарый ишлар билан машғул бўлганлиги учун ҳам Хитой давлатига қарши тура олади. Қудратли пайтларида бирор нарсалик бўлиш учун илгариди яради, заиф чоғларида, бош тортиб яширинадилар. Тан хонадони аскарлари жуда кўп, лекин уларни қўллайдиган ўрни йўқ... Бунинг устига Будда ва Лао-цзи кишиларни жангари ва кучли эмас, инсонсевар ва ночор қилиб қўяди”.²⁴

²¹ *Уша асар*, 69-б.

²² Р. Жиро Кул тегин ва Тўнйуқуқ битикларидаги бир ҳодисани параллел баён қилишини қиёслаб, матнларда бир воқеани баён қилиш тафсилотларида фарқ борлигини аниқлаб, бу ўринда бир воқеа эмас, балки бошқа-бошқа воқеалар баён қилинган бўлиши керак дейди. Масалан, дейди у, Кўгман орқали қирғизлар устига икки марта юриш қилинган (R. Giraud, L' Empire des Turks..., 35-б.). Болчуда тургайлар билан ҳам икки марта саваш бўлган (Ibid, 36-37-б.), шунинг учун бир баёнда ҳоқон ўлган, дейилса, иккинчисида асир тушган дейилади. Аслида ҳоқон аввал асир олинган, кейин ўлдирилган. Шундай қилиб у ҳодисалар сонини икки ҳисса кўпайтиради ва уларга мос саналар излайди. Масалан, у таъкидлайдики, 698 йилда Учжилэ Тўнйуқуқ томонидан асир олинади ва ундан кейин у Сугдиёнага – 701 йилда хужум қилади (Ibid, 43-б.). Бундай бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида юқориди айтиб ўтганмиз. Матнга ҳижжалаб ёндошиш усули мутлақо нотўғридир. Воқеа устида бўлган турли муаллифларнинг ҳам кўрсатмалари мос келавермайди: бири бир нарсага эътибор бериб хулоса чиқарса, иккинчиси уни аксини айтади. Бунинг устига ёдгорлик кўп йиллардан кейин турли воқеа, мақсад ва кайфиятларни эслаб ёзилган. Ҳар хиллик бўлиши қонунийдир, лекин ҳақиқий тарихий танқид вазиятни яхлит ҳолда таҳлил этиши йўли билан аниқланади, матннинг иборалари ва грамматик шакллари чоғиштириш йўли билан эмас, албатта.

²³ А. Н. Бернштам Тўнйуқуқнинг фикри Мочжо қоғонга қарши қаратилган деб ҳисоблайди (Социально-экономический строй..., 40, 45-б.), лекин айнан Мочжо даврида Тўнйуқуқ қувватга тўлган ва 716 йилги қирғиндан омон қолиши, тўлалигича қизининг – Мўғилённинг хотини туғрайлидир. Лекин янги хон уни сургул қилади (Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 273-б.) Шунинг билан бирга Бернштам Тўнйуқуқни “анъанавий”, яъни “тараққийпарвар беклар”га қарши оқим вакили, деб ҳисоблайди. Бу идрдо далиллар билан тасдиқланмагани учун у билан баҳсга киришиш шарт эмас, деб ҳисоблаймиз.

²⁴ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 274-б.

Маккор сарой хонандаси хўжаларига ёқиб тушадиган ҳамда замона зайлига мос тушадиган қўшиқни куйларди, Билка қоон замонаси зайли эса ўтмишни, жангари ўтмишни истарди. Тўнйуқуқ саройда ишни кўзини биладиган бир ақлли инсон бўлганлигини унинг битиги ҳам кўрсатиб турибди. Битикда у ўтиб кетган барча хонларнинг зафар тожини ҳеч тортинмай ўз бошига қўндиради, бироқ тирик хон ҳақида эса: “Билка қоон турк сир халқини, ўғуз халқини юксакликка кўтаради”, дейди.²⁵

Кул тегин ёдгорлиги Улуғ битигида икки мавзуда ҳикоя қилинади: 550 йилдан 718 йилгача бўлган турклар тарихи ва Кул тегин таъзияси битиги. Ҳикоя Билка қоон тилидан қилинади, лекин уни Йўллиғ тегин ёзган. Мафкуравий назардан кичик ва улуғ битик айнандир.

Биринчи ҳикоя оламнинг яратилишидан бошланади; сўнг дастлабки хонлар хизмати ҳамда Биринчи ҳоқонликнинг тугаши ҳақида сўзланади. Жуда қисқа, лекин ифодали тарзда туркларнинг Тан империясига бўйсунishi баён этилади, жумладан, Фунян қўзғолони бир жумла билан айтилади. Ундан кейин халоскор Илтаришхон пайдо бўлади, муаллиф унга мақтовни аямайди. Қопоғонхон олиб борган урушлар анча қисқартириб сўзланади, ана ундан кейин халққа насиҳат-танбеҳ бериш бошланади: “халқнинг ҳоқонига нисбатан қилган пасткашлиги учун”, у “учиб кетади”, яъни ўлади. Матн Билка қооннинг хизматларини тасвирлаш билан тугатилади (ҳарбий тадбирларга нисбатан, ички ислоҳотлар кўпроқдир). Яна 720 йилдаги уруш ва басмалар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Шунинг учун матн 720 йилгача тузилган деб ҳисобламоқ керак. Аммо душманлар қаторида киданлар ва татабларнинг саналишидан Улуғ битик 718-719 йилларда, яъни кичик битик ва Тўнйуқуқ ёдгорлигидан бир йил кейин ёзилган дейиш мумкин.

Кул тегин битигининг бир қисмида Йўллиғ тегин битигининг тузилиши ва мафкуравий жиҳатдан такрорланиши кузатилади. Шунинг учун кичик битик дастлаб ёзилган бўлиб, Тўнйуқуқ битиги унга жавоб берган ва бу жавобга яна жавоб тариқасида улуғ битик матни тузилган деган фикрга беихтиёр келасан, киши. Бу бир тахминдир, холос.

Иккинчи қисми Кул тегин таъзия битиги. Отаси Қутлуғ ўлган чоғида Кул тегиннинг ёши таржимон томонидан тахминий тарзда 7 ёш деб берилган, бу тўғри эмас. Ўша вақтда, яъни 693 йилда Кул тегин 9 яшар, ҳатто 10 ёш ҳам бўлиши мумкин эди.²⁶ Давомида 700

²⁵ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 70-б.

²⁶ *Уша асар*, 40-б.

йилдан 716 йилгача бўлган юришлар батафсил тасвирланади. Кул тегин ўлдирган душманлар саноғи ва ҳатто арғумоқларнинг номи ҳам берилади. Матннинг бу қисми 717 йилда, Кул тегин 716 йилда уюштирган қирғинни оқлаш учун ёзилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам унинг ташқи душманлар билан кураши ва жасорати батафсил баён қилинган. Бу матнга “илова” ҳам тиркалган бўлиб, унда Кул тегинни йўқсаш ҳамда унинг дафн маросими тасвири акс эттирилган. Кул тегиннинг 716 йилда кўрсатган охириги жасорати билан 731 йилдаги ўлими орасида ҳеч қандай мантиқий боғланиш йўқ, лекин 15 йиллик асоссиз узилиб келган оралиқ вақт бор. Буни тириклигида ўзини оқлаш учун ёзилган тайёр бадий асарни қабр битигига мослаштирган деб тушунтириш мумкин. Бунинг учун охири ўзгартирилса бас, етарли бўларди. Битик Кул тегин вафот этган сана ва дафн маросимини тасвирлаш билан тамомланади. Ташвиқот чақиқлари тариқасидаги матн келажак авлодлар учун ибрат сифатида абадийлаштирилган бўлиб мунозара панд-насихатга айланди.

Битиклар манба сифатида. Энди муҳим бир масалага ўтайлик: битикда айтилганларга ишонса бўладими, агар ишонилса, қай даражада? Кўриб ўтдикки, битиклар тарафгир ва ҳақиқатни аниқлашни эмас, балки мақсадларига етишни ўз олдига қўйган кишилар томонидан тузилган. Ана шунинг учун ҳам Йўллик тегин ва Тўнйуқларнинг берган баҳоси адолатли ва холис бўла олмайди. Воқеалар жараёни ҳам тўлиқ акс эттирилмаган: “Таншу”да баён этилган қатор фактлар битикда йўқ. Шунинг билан бирга битикларда VIII юзйиллик турклари маданияти манзарасидан жуда кўп маълумотлар берилган. Дини, тарихи ва географик билими, улгуси, диди ва ниҳоят ҳарбий тактика ва тизими Хитой маълумотларидан кўра анча тиниқ ва тўлиқдир. Матн тузилаётган пайтда бу нимарсалар ҳаммага маълум ва баҳсдан ташқарида бўлган, улар шунчаки лозим бўлган ўринда айтиб ўтилган, ана шунинг учун ҳам уларни онгли равишда бузиб кўрсатишга ҳеч қандай ҳожат ҳам бўлмаган. Бунга тўлиқ ишониш мумкин ҳамда битиклар асосида турklar маданияти ва мафкураси бўйича рисоалар ҳам қилиш мумкин.

Ҳоқонлик тарихининг сиёсий ва стратегик муаммолари турли-туман бўлиб, юқорида бунга таҳрир қилувчи манба сифатида “Таншу”дан ҳам фойдаланилди. Энди биз унга тўхталмаймиз ва диққатимизни шу чоғгача эътиборимиздан четда қолаётган турklarнинг руҳоний турмуши ҳамда қадимги турк маданиятининг ҳоқонлик ҳалокати олдидан ўзига хос бир маданият бўлганлигига қаратамиз.

Уруш. Иккинчи турк ҳоқонлиги ҳарбий салтанат эди, шунинг учун Кул тегин тошбитигида уруш анча яхши акс эттирилган.

Турк баҳодирининг қиёфаси “Роланд ҳақида кўшиқ”даги мардонни (рицар?) эслатади, айти чоғда жанг тактикаси ҳам. Жангни оғир қуролланган отликларнинг селдай ёпирилиб қилган ҳужуми ҳал этган, уларнинг қатори ораси кенг, ёйилган ҳолда бўлиб, ҳар икки отлик оралиғи ҳар бир жангчи мустақил ҳаракат қилишига имкон берган. Натижада, саваш муваффақияти алоҳида олинган ҳар бир жангчининг тайёргарлик даражасига боғлиқ бўларди.

Юқорида Кул тегиннинг ўзини кўрсата олгани тилга олинди: “Кул тегин Байирку оқ отини миниб отилиб ҳужум қилди, бир эрни ўқ билан урди, икки эрни жипс қилиб санчди. Ўша ҳужумда Байиркунинг оқ айғирининг курагини синдирди”.²⁷ Ундан кейин Башғу деган бўз отни миниб, тургашлар сафига ўзини уради: Шолчи деган оқ отда икки қорлуқни бошини олади. Изгиллар билан савашда Шолчини йўқотади ва Азман деган оқ отни миниб, олти эрни (найза билан) санчди ва еттинчисини қиличлади. 716 йилда ўрдани ҳимоя қилар экан, “Оқ Ўгсизга миниб тўққиз эрни ўлдириб, ўрдани бермади”.²⁸ Демак, яккама-якка жанг савашнинг асосий қисмини ташкил этган. Агар баҳодирлар доимо кўплаб топилмаслигини назарда тутсак, бундай тактикада бир баҳодирнинг сафдан чиқаришнинг аҳамияти, ўнлаб оддий жангчини йўқотишдан кўра кўпроқ бўлган. Баҳодирлар кўшиннинг зарбдор қисми бўлиб улар ҳалок бўлса ваҳимаю, мағлубиятга сабаб бўла олган.

Жанг олиб боришнинг бу ибтидоий усули, маневр қилиб, айланиб ўтишни инкор этмаган (найза бўйи қор суриб, Иртишдан сув кечиб айланиб ўтишларни эсланг). Тўсат омили турк ҳарбий бошлиқлари кенг қўллайдиган усул эди.

Афсуслар бўлсинки, айрим кўшинларнинг, лоақал тахминий ададини аниқлашнинг иложи йўқ. Биз хитой манбаларидаги бўрттириш ва орттиришларга ишона олмаймиз, ахир юз минглаб аскарларни даштда боқиб бўлмайди. Тўнйуқуқ тошбитигида Яриш чўлидаги тургашлар сони юз минг дейилган. Буни тўғри, аниқ миқдор деб тушуниш ярамайди, юз минг — бу сон-саноқсиз, яъни жуда кўп ҳам деганидир. Бошқа бир ўринда Тўнйуқуқ турклар бўлинмаси аскарларининг сонини атайлаб камайтириш йўлини тутганлигини яъни 697 йилда Ўтукан йишида 2 минг аскар бўлганлигини таъкидлашида кузатамиз. Тўғри, у дарров изоҳ беради, яъни кўшиннинг икки бўлинмасини назарда тутганлигини айтади.²⁹

²⁷ *Ўша асар, 40-41-б.*

²⁸ *Ўша асар, 42-б.*

²⁹ *Ўша асар, 66, 68-б.*

Уруш асносида шафқатсизлик кучайиб борган, аёлларни ҳам, болаларни ҳам аямаганлар. Уларни ҳам шармандали қул бўлишга мажбур этар ёки жўнгина ўлдириб қўя қолардилар.³⁰ Тараққиётнинг илк босқичида турган халқларда қабилалараро урушларда аёллар дахлсиз ҳисобланган.

Мафкура. Ҳоқонликнинг расмий мафкураси икки тамойилга суянарди: Хитой маданиятини инкор этиш ва қўшниларидан ўзларининг устунлигини англатиш. Ҳар икки тамойил анча изчил амалга оширилиб бориб, кўк турклар давлатининг барпо бўлишига ҳам, ҳалок бўлишига ҳам йўл очди.

Биринчи масала бўйича Йўллик тегин билан Тўнйуқуқ фикрдошдирлар. Йўллик тегин ёзади: “олтин, кумуш, ичкилик, ипакни шунча ҳисобсиз бераётган Табғач халқи сўзи ширин, ипаклари майин экан. Ширин сўзи, қимматбаҳо нарсалари билан алдаб йироқ халқни шу тарзда яқинлаштирар экан. Яқин қўшни бўлгандан сўнг ёвузлик илмини у ерда ўрганар экан”.³¹

Бу қандай “ёвуз илм” эканлигига жавоб Қул тегин тошбитигида бор: “... табғач халқи ҳийлакор бўлгани учун, фирибгар (ёлгончи) бўлгани учун, оға-инини (бир-бирига) қайрагани учун, беги ва халқини бир-бирига чаққани учун турк халқи давлатини, элини қўлдан чиқарди”.³² Тўнйуқуқ бирмунча лўнда ифодалайди: “Доно Тўнйуқуқ мен ўзим Табғач маданияти таъсирида тарбия топдим... Хон айтди “менга ёндош” деди. Ёндошдим — билагон Тўнйуқуқ”.³³ Тўнйуқуқ шаҳарни ташлаб ўрнига даштни танлади.

Хитойча битик ҳам туркларда ғоявий йўналиш борлигини кўрсатади, унинг жангари бир кўринишда эканлиги ҳам баён этилади. Ўз халқи шаънига тегмаслик учун Хитой маданиятини қабул қилмасликни, бироз айлантириб, чўзиб тушунтиради: “Унинг (Қул тегиннинг) ота-онасига ҳурмати, ҳаммага дўстона муносабати узоқ мамлакатларда ҳам машҳур бўлди, унинг улуғлиги ва фазилати ахлоқини ўзгартиришига йўл бермади”.³⁴ Бундай нозик, айни чоғда аччиқ тушунтириш бегона маданиятга ўз ўтмишини зид қўйиб, бегона маданиятни онгли равишда нари суриш борлигини тасдиқлайди, холос.

Мана шу нуқта жуда муҳим: бу ерда давлатлар курашигина эмас, маданиятлар кураши, икки хил дунёқараш ва дунёни ҳис этишлар кураши намоёндыр. Буюк дашт Хитой бўлмаслик, ўз-ўзича қолиш ҳаққини баралла айтди. Бундай кураш хун даврида шанйуй Модэ

³⁰ *Ўша асар*, 43, 1959, 22-б.

³¹ *Ўша асар*, 1951, 34-б.

³² *Ўша асар*, 36-37-б

³³ *Ўша асар*, 64-65-б

³⁴ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 6-б.

даврида ҳам бўлган эди, лекин энди у шаклланган ва ҳужжатда акс эттирилган тарзда рўй берди. Хитой оҳанграбосига берилмаслик учун қаттиқ ҳаракат, интилиш керак зарур эди, буни Қутлуғ, Тўнйуқуқ, Кул тегин, Йўллиғ тегин каби кўк турклар адо этди.

Агар биринчи тамойил кўк турклар элига бўйсунган қўчманчилар орасида, гарчи чўнтакка зарар бўлса ҳам, оммавийлашиш имконига эга бўлса-да иккинчи тамойилни қабул қилиб бўлмасдигина эмас, балки бу улар учун ҳақоратли ҳам эди. Турк эли, унинг асосчилари режаси бўйича, ички томондан яхлит бўлиб, бошқа қабилалар устидан ҳукмронлик қилиши лозим эди. Тўнйуқуқ бутун умри давомида “турк халқини юксакларга кўтаргани” ва “қозонганини” ўзининг катта хизмати деб кўрсатади.³⁵ Турк хони ўрнатган “тартиб”и “қулларимиз қулдор бўлгани, чўриларимизнинг чўрилари борлиги” билан белгиланади.³⁶

“Туфан (Тубут подшолиги) итдан тарқаган, Кидан ва Хи менинг қулларим”³⁷ дейди Билка қоон. Турклар тургаш хонини ўз вассаллари деб билган ва Чанъандаги базмда турк элчиси тургаш элчисидан қуйи ўтиришга рози бўлмаган.³⁸ Турклар ғурури ўз гарданларидаги бурчни англашдан, даштни ташкилий тартибга келтириб, ўзига хос маданият яратишдан озукланади, бироқ бу “тобе”ларни эксплуатация қилишгина эмас, балки уларни бир бурда нонини топиш илинжидан ҳам маҳрум этишга қаратилганлиги туфайли, улар Империядан нажот истадилар ва охир-оқибат ҳоқонлик тақдирини ҳам ҳал этдилар.

Энди кўрайликчи, кўк турклар узун найза, кескир қиличи билан ташвиқ этган маданияти қанақа бўлган экан.

Тарих. Ўз тарихини билмай ва унга муайян муносабатда бўлмай, маданият ривожини ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Йил саноғи, агар у ўзлаштирилган бўлмаса, этногенез жараёни тарихи бошланганлигини англатади, яъни ана шу санадан ўша халқнинг мавжудлиги бошланади; унгача бўлиб ўтган барча ҳодисалар мазкур халқ учун тарихидан олдинги ҳисобланади.

Турклар ўзларининг мавжудлигини олам ибтидосидан бошлайди, бироқ улар ўзларича оламни унча қадим деб билмайдилар. Кул тегин битиги тарихий чекиниш билан бошланади: “Юқорида кўк осмон, пастда бўз ер яратилганда (ёки пайдо бўлганда), иккисининг ўртасида инсон боласи яратилган (ёки пайдо бўлган). Инсон боласи устидан

³⁵ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 69-70-б.

³⁶ *Уша асар*, 39-б.

³⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 276-б.

³⁸ *Уша асар*, 298-б.

менинг боболарим Бумин ҳоқон, Истамин ҳоқон (тахтга) ўтирганлар”.³⁹ Шундай қилиб, оламнинг бошланиши VI аср бошлари ҳисобланади. Демак, олам бор-йўғи 200 йилдан бери мавжуд. Бу ўринда аввало шунини таъкидлаш керакки, марказий Осиёда хун анъаналари узилиб қолган эди. Худди Чингизхон мўғуллари турклар ҳақида ҳеч нарса билмаганлари каби, турклар ўз аجدодлари бўлмиш хунлар ҳақида ҳеч нарса билмас эди. Агар биз икки марта юз берган анъаналар узилишини назардан соқит қилсак, Марказий Осиё тарихини тушунишимиз мушкул бўлади: булар Хунну билан турк ҳоқонликлари орасида ва турк ҳоқонликлари билан Чингизхон империяси орасидаги узилишлардир. Оралиқларида хира бир даврлар бор.

Хитойлар учун эса тарих тўғри чизиқдай, воқеалар занжири каби узлуксиз давом этган. Шунинг учун тошбитикларнинг хитойча матни бошқача тарихий тушунча (айни пайтда бу ҳам ташвиқий мақсадда бўлса керак) беради. Аввало, инсониятнинг бирлиги, бир манбадан эканлиги таъкидланиб, у Ин ва Янларнинг сўқир ўйини натижасида парчаланadi.⁴⁰ Бундай қараш халқларни бирлаштириш учун ҳаракатлари асли дастлабки сокин ва хотиржам ҳаётга чорлаш деб тушунтиришни истаган Тан империяси императорларини жуда ҳам қониқтирарди. Ундан сўнг турклар хунларнинг авлодлари эканлиги айтилиб, айниқса, хунлар Хитой қўл остида бўлган кезга кўпроқ эътибор берилadi. Аслида, бу хунлар ҳаётида ҳам, хитойлар ҳаётида ҳам бир оний лаҳза эди, холос. Бу кўпроқ маълумотсиз кишиларга қаратилгани яққол сезилиб қолган. 630 йилда Биринчи турк ҳоқонлигининг босиб олинишини тартибсизликларга барҳам бериш деб баҳоланади ва аскарый жасоратлар кераксиз бир нарса сифатида тушириб қолдирилади. Ҳоқонликнинг тикланиш тарихи ва кейинги урушлар ҳам силлиққина тушириб қолдирилади. Бироқ тинчлик муносабатлари ўрнатилиши “ҳамла ва безовталиклар орқада қолгани, ўқлар садоққа солингани, улар (турклар) менадан (императордан) азият чекмагани, улар алдаганликларини билмаслиги”⁴¹ кабилар ҳам таъкидлаб ўтилади. Давомида “ҳоқон менга бир ўғлимдек” гапидан тобе қилиш учун кўп уриниб, эглай олмагани боис “боғланиб қолиш ва ҳурмат маъносида” қўллагани сезилиб туради.⁴²

Тарихий истиқбол замонавий сиёсий йўналиш тамойилларини асослаш учун жалб этилиши лозим бўлса-да, хитойлар Кул тегин қабр битигини тарихий асарлар сирасига қўшмаганлар.

³⁹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 69-б.

⁴⁰ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 3-.

⁴¹ *Уша асар*, 5-б-б.

⁴² *Уша асар*, 6-б.

Биз учун энг муҳими бошқа томон, яъни VIII асрда илмий-тарихий мунозаранинг борлиги ва унинг хусусиятларидир. Туркларнинг ўз тарихларига ёндошиши хитойларнинг бу борадаги ишларидан анча фарқ қилади.

Иккинчи бир қизиқарли ҳолат туркларнинг келиб чиқиши ҳақида битик фикри билан хитой воқеаномалари орасидаги номувофиқликдир.⁴³ Хитойлар бу борада икки афсонани келтиради, унга мувофиқ турклар норасида шаҳзода билан ургочи бўридан таркаган. Битикда афсона ва эртак ўрнида қўлуп – “қилинмоқ” феъли турибди.⁴⁴

Хитой қабртоши битиги ривоятнинг эски шаклларидан кўра, айнан туркларнинг келиб чиқишини мана шундай тарзда беришни афзал кўради. Энди туркларнинг келиб чиқиши, “кўплаб қаҳрамонлар етиштирган”⁴⁵ Динлин мамлакати билан боғланади, яъни ҳодисани англаш ибтидоий материалистик, маҳаллий манзарани таъкидлаш кўринишига эга бўлади. Ҳар икки ҳолатда ҳам турк тасаввури акс этган дейиш мумкин, буни эса, туркларда илмий фикрлаш ривожидан содир бўлганлигининг бир тасдиғи дейиш мумкин. Улар 200 йил давомида жонли ва рангли фикрлаш довоидан ўтиб, тарихий ва ақлий идрок этиш йўлига тушган кўринади.

Ундан сўнг биринчи ҳоқонлик тарихи юзаки бир тарзда баён этилади. Бироқ туркларнинг “поғонали” тахт ворислиги тартиби айтиб ўтилган: “Ундан кейин инилари, сўнг унинг болалари ҳоқон бўлдилар”. Давомида “ҳукмдорлар ва халқнинг риекорлиги”, табғачлар “жозибаси” борасида нолишлар келади. Турк халқи “элини бузилишига ва ҳоқони ҳалок бўлишига”, оқибатда, 50 йил давомида куч ва меҳнатини табғач ҳоқонига сарфлашга мажбур бўлишда айбланади. Бу битикда табғачлар айбланмайди, чунки улар душман бўлганлиги учун ҳам зиён-заҳмат етказиши лозим, шундай экан улар душман сифатида ўзлари қилиши керак бўлган ишни қилганлар, табиийки, улар айбдор ҳам эмас. Шу тариқа Биринчи ҳоқонлик ҳақидаги гап ҳам тугайди.

Битикда тарихий хабарлар танқислигини ялпи бир жоҳиллик деб тушуниш ярамайди. Ушбу битик ёнида биз топа олмаган ёки йўқ бўлиб кетган яна бир бошқа мазмундаги матн бўлиши керакка ўхшайди. Руник матнларнинг катта бир қисми ёғочга ҳам битилгани аён-ку, чириб кетган ҳам бўлиши мумкин.⁴⁶

⁴³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 221-б.

⁴⁴ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1051, 416-б.

⁴⁵ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 7-б.

⁴⁶ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 13-б.

Тарих хронологиясиз ақлга сифмайди. Даврий вақтдан ўлчовли вақтга ўтиш бу ибдитойликдан тарихга ўтишдир. VI аср турклариди ҳали йил ҳисоби йўқ эди, “вақтни майса кўкаришига қараб сезар эдилар”.⁴⁷ VIII юзийилликда эса «ҳайвон даврийлиги» вақт ўлчови қабул қилинди, унга биноан, ҳар бир йил бир ҳайвон номи билан аталиб, 12 йилда такрорланиб келар эди. Бундай вақт ҳисоби ҳозир ҳам Ўрта ва Шарқий Осиё халқларида мавжуд. “Ҳайвон даврий” ўлчовининг келиб чикиши алоҳида муаммо бўлиб, бу ҳали ечилмагандир. Фақат бир нарсани, у жанубдан келиб чиққанлигини айтиш мумкин, чунки ҳайвонлар сирасига маймун ҳам киритилган. Турклар томонидан ҳайвон даврийлиги қабул қилиниши эса, халқаро муносабатлар ва ўзлаштиришлар ривож топганлиги белгисидир.

Мазкур даврийлик билан ёнма-ён “жонли вақт ҳисоби” ҳам яшаган: “Кул тегин 26 ёшга етганда, биз қирғизлар устига юрдик” ёки “Ушбу жангда Кул тегин 30 ёшда эди” ёки “Тахтга ҳоқон амаким ўтирган чоғда” ва ҳ.з. “Жонли вақт ҳисоби” мавсумий ҳисобдан (баҳордан, баҳоргача) ҳайвон даврий ўлчовига ўтишда бир шакл бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Туркларнинг эрага ақли етмади.

Туркларда тарих фалсафаси, ҳатто унинг ўзаро фарқланувчи икки йўналиши бўлган. Хитойча тарбия топган Тўнйуқуқ – прагматик. У турк хони ва халқи манфаати учун ҳамма нарсани ўзим қилдим, деб ўйлайди. Биринчи ўринда “Мен” – қип-қизил волонтаризм! Дин ҳам иштирок этади: “Тангри (осмон, илоҳ)⁴⁸ менга билим берди”,⁴⁹ лекин бу Ерда Тўнйуқуқ ўзи билади – бу деярли деизмдир. Худди шу ерда Тўнйуқуқ хитойча тарбия олганлиги ўзини кўрсатади. Тарихий жараён тузилмасини айнан шундай англанишини хитойча битикдаги Ин ва Янларнинг маънисиз курашлари саҳнида ҳам кўрамиз. Тайцзун тартибсизликларни бартараф этиб, маорифни олиб киради, бу ерда эса волонтаризм янада яққолроқ намоён бўлган.

⁴⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 231-б.

⁴⁸ *Tangri* – “илоҳ ёки доҳий ҳомий” деб таржима қилмоқ мақбул, бироқ уни шахссиз осмон сифатида тушуниш нотўғри: турк хонлари насабларини шахзода ва урғочи бўрига тақайдилар, осмонга эмас. “Илоҳиёт” маъносиди Тангри ҳозирги мўғулларда учрайди: Дайчин – Тэнгри – уруш худоси, Марс. Яхшиси атамани таржимасиз қолдириш керак, чунки нотўғри талқинга сабаб бўладиган тахминий таржимадан шу яхши. Алп Элэтмишда Тангрини худди шунақа тафсири бор: “Юқоридидаги Тангри деди: “Турк халқини ҳалок қилма”. Бу ўринда яна тарихий тараққиёт омилли сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг билан бирга Тангрини бу оламда ўз ўрни бор, у юқоридида (Қаранг: G. Clauson, *The Ongin Inscription...*, 188-189-б.; W. Radloff, *Die altturkischen inschriften...*, 251-б.; С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 10-б.). Йўллик тегин ва алп Элэтмиш дунёқарашлари муштарак эканлиги Ўнгин матнида кўринади: “Мен Қоғон алп Элтерини эли учун тарбияланганман” (G. Clauson, *Ibid*). Биз ўз таҳлилимиз билан расмий мафкура тамойиллари унсурларини излаб топдик, деб айта оламиз.

⁴⁹ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 65-б.

Йўллик тегиннинг ёндошиши мутлақо бўлакча. У диндор. Турклар ҳалокат сари қадам ташлаганларида “Турклар Тангриси ва туркларнинг муқаддас Ер-Суви шундай деди: “Турк халқи ҳалок бўлмасин, халқ бўлсин”.⁵⁰

Сўнгра Тангри Элтариш хонга раҳномалик қилади, уни улуғлайди, аскарларига куч бағишлаб қўшнилари устидан ғалаба қозонтиради. Тангри фақат ато қилиб қолмайди, у юқоридан туриб босим ўтказиши мумкин, ўшанда Ер титрайди. Бироқ Тангрининг илтифотини тилаб олиш мумкин,⁵¹ ўшанда у мадад беради, зотан “вақтни (яъни тақдирни) Тангри тақсимлайди”.⁵² Қонуний хон “Тангридай, Тангрида вужудга келган турк билимдон ҳоқони”⁵³ деб қабул қилинади, кўрдингизми, Йўллик тегин ҳудожўй киши бўлган!

География. Кўк туркларнинг географик билими улар жанговар ҳамлалар уюштирган маконлардан кўра анча кенг бўлган. Шарқда турклар кидан, татаб (хи) ва ўтуз татар⁵⁴ каби Манчжуриядаги қадимги мўғул қабилаларидан ташқари Амурбўйи қабиласи муқриларни⁵⁵ ҳам билган.

Турклардан шарқда, денгиздан унча олис бўлмаган булғаш-сарик ёки Денгиз дарёси суви⁵⁶ билан сугориладиган “Шантунг текислиги” ястаниб ётарди. Бу энди шимоли-шарқий Хитойдир.

Жанубда турклар икки йирик давлатни, турклар Табғач деб атайдиган Хитойни ва Тибетни билар эди. Сибир⁵⁷ ҳақида турклар унча кўп нарса билган эмас. Тайга уларни ўзига жалб этмаган бўлса керак. Улар кўпроқ дашт чегараларида яшайдиган халқлар ва қабилаларни: Байкалортининг шарқда байирқуларни, ўша кезларда

⁵⁰ *Уша асар, 37-б.*

⁵¹ *Уша асар, 38-40-б.*

⁵² *Уша асар, 43-б.*

⁵³ *Уша асар, 27-б.*

⁵⁴ *Хитой манбаларида ўтуз татарлар шивэи дейилади, бу эски “санби” сўзининг бузиб айтилиши (Л. Л. Викторова, К вопросу о расселении монгольских племен..., 54-62-б.).*

⁵⁵ *С. Е. Малов шундай таржима қилади: “Кўёшли чиқадаган мамлакатдан Бокли чўли халқи (келди)”. (Памятники..., 1951, 36-б.). Асл нухада: “Бокли col (l) ig il” col (мўғ.-турк) – қуруқлик, сувсиз саҳро, бироқ сўгли – узоқ дегани. Иккинчиси мақбулроқ, чунки ўрта Мўғулистондан шарқда 552 йилда белгилли бирон-бир чўл халқи бўлмаган, II салтанат, демак: “олисдаги Бокли салтанатидан” деб таржима қилиш мумкин. Бокли товуш жиҳатидан Муқри (моҳэ)га мосдир.*

⁵⁶ *С. Е. Маловё Памятники..., 1951, 34, 38, 66-б.*

⁵⁷ *“Сибир” номланиши V юзйилликдан бери бор. Бу ном билан Об ва унинг ирмоқлари ҳавзасида яшаган угор қабилалари, хусусан, манси (вогул)лар аталган (Қаранг: В. П. Чернецов. Усть полуйское время, 23-б.; S. Patkanoff, Uber die Sabiren, 258-277-б.; G. Fecher. Bulgarische - ungarische..., 55-56-б.; 69-70-б.). “Сибир” номи икки нафар туркут унволида учрайди: Сибихон ва Шибихон (хитойча). Товуш фарқлари шеваларга хос. “с” ва “и” алмашилиб турувчи ундошлар.*

Байкал атрофида яшаган куриканларни, Фарбий Саяндаги қирғизларни, Юқори Иртишдаги қорлуқларни билишган. Иртиш (битикда “Artis”) ўша замонлардан ҳозиргача номи деярли ўзгармай сақланиб қолган.

Фарбий мамлакатлар ҳақида анча-мунча эслаб ўтилган. Ўрта Осиёни кўк турклар Сўғдақ деганлар: Сирдарёни Йинжу, Бузгола ўтагини эса, Темир қоғиғ — Темир дарвоза деган. Катта шаҳарлар ўз номи билан аталган, масалан, Бухоро. Турклар билан бевосита чегарадош бўлмаган ўлкалардан ва қавмлардан номи тилга олинганлари Курдан — Шимолий Туркменистондаги саҳро, тохарлар, tazik — араблар ва Пурум-Рум (Рим), яъни Византия империяси. Кенг доирали географик тушунчаларни кўк турклар Биринчи ҳоқонлик туркутларидан мерос олганлар. Гарчи Фарбий ўлкалар билан турклар боғланиши узилиб қолган бўлса ҳам, у ҳақдаги билимлар бўйича мерос тўпланиб борган, яъни турк маданиятининг ўсиб бориши содир бўлган.

Санаб ўтилган номлардан ташқари битикларда айрим этнонимлар ҳам қайд этилганки, биз ҳали уларнинг кимлиги ва нималигини аниқлай олмаганмиз: Мўғулистоннинг шимоли-ғарбида яшаган азлар, улар билан ёнма-ён яшаган изгиллар (!) ва ноаниқ берчекерлар ҳамон сир бўлиб қолмоқда. Кул тегин битигида эслаб ўтилган абарлар йўқолиб кетган мукри халқи билан аралашиб кетган эди.

Мукри халқини Феофилакт Симокатта “Тарих”⁵⁸ асарида тилга олади. У мукрилар “таугастлар”, яъни тобаларга яқин бир халқ ва ўта жангари бўлганлигини айтиб ўтади. Бу қабила тургашлар таркибига кириб соғэ ва алишэ уруғлари билан аралаш-қуралаш бўлиб кетганлиги маълум.

Шаванн, мукри = mou-ki хитойлар мохэ⁵⁹ деб атайдиган тунгус гуруҳига кирувчи қабила деб ўйлайди.

Маркварт⁶⁰ эса мукрилар билан меркитлар бир деб ҳисоблайди. Аммо ҳар икки тадқиқотчи назаридан меркин ёки мукрин халқи четда қолади. VII юзйиллик хитой воқеаномаларида мукрини мохэ дейдилар ва улар соғэ билан бирга Или юқорисида ва Шимолий Тянь Шанда Хомигача бўлган ерларда яшаб, тургашларнинг бир бўлаги ҳисобланган. Аслида мукри меркит бўлиши мумкин эмас, чунки ундошларнинг ўрин алмашинувини асослаб бўлмайди, худди шундай сабабга кўра, меркитларни Чанъани-Таугастга яқин халқ деб

⁵⁸ *Феофилакт Симокатта, История, 160-б.; E. Chavannes, Documents..., 230-б.*

⁵⁹ *E. Chavannes, Documents..., 230-б.*

⁶⁰ *Marquart J., Eransahr..., 54-б.*

бўлмайди. Мукрилар Вэй империясининг ғарбий чегараларига, Тянь Шан ва Бейшантоғ тармоқларига тақалиб яшаганлар. Гучэн ва Урумчи орасидаги Мохэ кенти номи ана шу ерда яшаган қабила номидан олинган бўлса ажаб эмас.⁶¹ Или водийсидан қорлуқлар томонидан суриб чиқарилган мукрилар ўзлари аввал ҳам яшаган Тянь Шаннинг шимолий тармоқларида сақланиб қолишди.

Рашидиддин мукрилар ҳақида шундай хабар беради: “Бақрин қабиласи, уларни мукрин ҳам дейдилар. Маконлари Уйғурэлдаги мустаҳкам тоғлардадир. Улар мўғул ҳам эмас, уйғур ҳам эмас”.⁶² Номланишидаги фарқ, Рашидиддин фикрича, шевалараро айриқчаликларга боғлиқ, ўша халқнинг ўзини, худди шу сабабларга кўра кабрин ҳам дейишади. Рашидиддин уларни мўғулларга ўхшаш дашт қабилаларидан ҳисоблайди ва келиб чиқиш нуқтаи назардан даде қабиласидан бўлмиш афсонавий Ўғузхонга тақалар эмиш. Бу қаторга яна кераит, найман, ўнгут, тангут, бақрин ва қирғиз каби этник дохиллиги ҳар хил ва ноаниқ бўлган қабилалар ҳам киради.⁶³ Абулғозий ҳам⁶⁴ Рашидиддиндан олган бўлса керак, мукринлар ҳақида айнан шу жумлаларни келтиради. Ниҳоят, мукринларни Плано Карпини⁶⁵ ва Мин-ши⁶⁶лар ҳам тилга олади.

Мўғуллар замонида мукринлар худуди аввал Угедай (Ўктой)нинг набираси Хайдунинг улуси бўлган, сўнгроқ Чигатой улусига ўтган бўлиши керак. Чигатой хонлари ҳукмронлиги тугатилиб, даштда ўзбек қабила иттифоқи ташкил топганида, унинг таркибида мукрин қабиласи ҳам бор эди.⁶⁷ Ҳозир мукринлар йўқ. Лекин 1896 йилда Грумм-Гржимайло Қорлиқтоғда мўғул, хитой ва турки тилларни аралаштириб гапирадиган қандайдир бир қабиланинг қолдиқларини учратади,⁶⁸ булар сўнгги мукринларми ёки бошқаларми аниқлашнинг иложи бўлмади.

Тургашлар билан жанг қилган кенгереслар, Сирдарё⁶⁹ бўйларида яшаган печенеглардан бошқа қабила бўлиши мумкин эмас, чунончи улар ғарбга силжишидан аввал “қанғар” (олижаноблик ва кўрқмас⁷⁰) деб аталганлар.

⁶¹ E. Chavannes, Documents..., 271, 346-б.

⁶² Рашид-эд-Дин, Сборник летописей, Березин таржимаси, 129-б.

⁶³ Ўша асар, 70, 8-б.

⁶⁴ И. Н. Березин, История Абул – Гази, 40-б.

⁶⁵ Рубрук Г. Путешествия восточные страны, 37

⁶⁶ Д. Покотилов, История восточных монголов..., 135-б.

⁶⁷ Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 533-б.

⁶⁸ Г. Е. Грумм-Гржимайло, Описание путешествия..., 484-485-б.;

⁶⁹ Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., 314-б.;

⁷⁰ Константин Багрянородный “О фемах” и “О народах”, 142-б.

Ниҳоят, Тўнйуқуқ ўз халқини турк сир халқи – *turk sir budun* – деб номлайди. Хиртнинг⁷¹ сирни сеянто этнонимининг хитойча се унсури билан боғлашга уринишлари Г. Е. Грумм-Гржимайло томонидан инкор этилди, бироқ А. Н. Бернштамнинг танқидга номуносиб ишлари туфайли илмий майдонда маҳкам ўрнашиб қолди. Сирлар масаласини ҳозирча очиқ қолдирайлик.

Ғарбий турклар доимо ўн ўқ халқи деб аталиб келинган. Бироқ бу этноним эмас, балки Ишбара Тўлишад хон деган туркут хонининг 635 йилда ўтказган маъмурий фаолияти маҳсулидир.⁷² Олти чуб эса чу қабилаларидан ҳисобланиб, чуюе, чуми, чумугун, чубан каби Ўрта Осиё хунларининг авлодларидир, улардан чубанлар VII аср ўрталарида иккига ажралиб кетади,⁷³ чуюелардан эса шатолар ажралиб чиқади.

Чуюе (Суб) бевосита хитой ёдгорликларида тилга олинган бўлиб, улар туркларнинг ғарбий қўшнилари дейилади ва ана шу асосида юқоридагича тафсир қилинади.⁷⁴

Шундай қилиб, кўк туркларнинг географик билим кўлами фақат хитой ва юнонларниқидан торроқ бўлиб, замондош ғарбий овруполикларниқидан анча кенг эди.

Оғзаки адабиёт. Этнографик маълумотларни таҳлил қилишда давом этиб, эътиборимизни оғзаки ижодга қаратмоғимиз лозим. Бироқ дostonлар мавзуси қадим даврларга бориб тақалса-да, Ойрат замонида⁷⁵ шу даражада қайта ишландики, оғзаки ижод намуналаридан тарихий тадқиқотларда фойдаланишда жуда эҳтиёт бўлиб ёндошишни талаб қилади.

Шунга қарамай, фольклорнинг айрим унсурларини туркут замонаси санасига тақаш мумкин. Бахши Н. Улагашёвдан ёзиб олинган дostonлардан бири – “Сай Солонг” да жуда қадим даврларга оид бўлган парчалар бор. Дostonнинг мазмуни содда, унчалик асли ҳам эмас: баҳодир йигит жасоратлар кўрсатиб, душманлари ва жинларни енгади. Муҳими, бунда эмас, Улагашев баёнидаги бир ўринда, қахрамон ажойиб сирли бир нарсани ишлатмагани айтилади. Бу унинг сингиси совға қилган нарса – э р д э н э ёки унинг ўрнини босадиган ва олтой тилида учрамайдиган “эрмен” сўзидир.

⁷¹ F. Hirth, *Nachworte zur inschrift...*, 129-б.

⁷² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 286-б.; Хитойча ўқилиши: “Шаболо – Хилиши - хан”.

⁷³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 289-б.;

⁷⁴ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 6-б. Сив – халқнинг бир бўлаги номи (С. Е. Малов, *памятники...*, 1951, 376-б.; В. В. Радлов, *Опыт словаря тюркских наречий*, 1893-1911, III 2184).

⁷⁵ Л. П. Потапов, *Героический эпос...*, 120-б. ва давоми.

Бундан ҳам муҳими, олтойлик қаҳрамон Сай-Солонгга баҳодир Ирбис – буркан (балки, “бурхан”дир?)⁷⁶, ёрдамга келади бу шарҳловчининг фикрича “ривоят асосида жуда қадимги афсона ётганлигини кўрсатади”.

Ушбу Ирбис буркан ўзини танитиб шундай дейди: “Қалин қоятошни ёриб, ўзим ёруғ дунёга чиқдим”.⁷⁷ Шарҳловчимиз дунёнинг кўп халқларига хос муштарак мавзу деб тушунтирмоқчи бўлади ҳамда унинг Амиран ва кичик Мгерге⁷⁸ ҳақидаги кавказ халқлари ривояти билан умумий деб келтирган ўхшашликлари Ирбис достонига тескари чиқиб қолган: Кавказ баҳодири тоғга киради, Ирбис эса ундан чиқади. Бундан ташқари Кавказ билан Олтой алоқалари ўзи хаёлга сиғиши қийин.

Ўхшашлик унча олис эмас, Олтойнинг ўзидан топилади. Рашидиддин асарида туркларнинг келиб чиқиш баҳсида айтиладики, улар тоғларга ҳайдаб юборилган бўлиб, у ердан чиқа олмадилар. Шунда улар бир қоя остида катта гулхан ёқишади, бу тоғ темир маъданидан иборат бўлгани учун, қоятош эриб, тешик очилади ва турклар шу тешикдан чиқадилар.⁷⁹

Бу ўринда вариантлар аниқ мос тушади. Турк Ирбис—буркан олтойлик Сай-Солонгни балодан қутқаради, синглисига уйланади ва улар дўстона ҳаёт кечирадилар. Достон учун иккинчи даражали бўлган бу парча тарихий аҳамиятга моликдир. У жуда қадим замонларда Олтой туб аҳолиси туркутлар билан кўшилиб кетганлигини тасдиқлайди. Ирбис исми (яъни Барс)нинг ўзи Ўрхун битикларида учрайди,⁸⁰ бироқ исмнинг иккинчи қисми – бурхон шубҳа туғдиради. Ирбисда ҳеч қандай илоҳийлик йўқ, ҳатто бунга хуқуқи ҳам йўқдай. Нега шунақа? Бу ўринда қайта англаш содир бўлган кўринади: Бурхон Бўрихон, яъни “бўри хони”дан пайдо бўлган, бўри деб эса туркутларни айтишган. Шаманизмнинг пайдо бўлиши ҳамда мўғуллар ва ойротлар билан мулоқотга киришгач, сўз маъноси унутилиб, Ирбисга илгари унда мавжуд бўлмаган афсонавий бўёқ берилган.

Худди шундай мазмунли ривоят: Оқ Тўйчини Эрликдан ҳимоя қилган оқ бўри гўдакни мораллар сути билан боқиб катта қилиши ҳақидаги ривоят Л. П. Потапов томонидан ёзиб олинган. У буни туркутларнинг келиб чиқиши ривояти билан қиёслаб, мазкур

⁷⁶ Малчи – Мерген, *Алтаический героический эпос*, 228-229-б., 24, 31-изох.

⁷⁷ *Уша асар*, 190, 193-б.

⁷⁸ *Уша асар*, 229-б.

⁷⁹ Рашид Эддин, *Сборник летописей*, 136-137-б.

⁸⁰ П. М. Мелиоранский, *Памятник в честь Кул-тегина*, 69-б.

⁸¹ Л. П. Потапов, *Героический эпос...*, 122-б.

афсонада ҳозирги олтойликлар ижодидаги қадимги тотемистик тасаввурулардан қолган бир қолдиқни кўради.⁸¹

Иккинчи мавзу ҳам туркут ҳоқонлиги замониға бориб тақаладиган Алпомиш ҳақидаги эртақдир.⁸² Бу эртақнинг вариантлари кўп, лекин энг қадимийси Н. Улагашев баҳши оғзидан ёзиб олгани Алип – Манашдир.⁸³ Унинг мазмуни туркутлар тарихини ёритиш учун зарур бўладиган йўналишда қисқартириб берилган.⁸⁴ Алип Манаш девқомат баҳодир бўлган; ота-онаси уни Қирғизхоннинг гўзал қизига уйлантиради. Бироқ Алип Манаш хотинини севмасди, у Ақ-қоннинг қизи гўзал Эрка Қароқчини излаб йўлга тушади. Кўп саргузаштлардан кейин Ақ қонга асир тушиб қолади, ёввойи фознинг қанотиға хат ёзиб, ёрдам сўрайди. Кутқариш учун юборилган тутинган укаси уни кутқаришдан бош тортади ва асир учун аталган сеҳрли овқатни еб қўяди. Шундан кейин у Алип Манашга ўхшаб қолиб, орқаға қайтади, келиб дўстининг хотиниға эришмоқчи бўлади. Алип Манаш ботирни оти кутқаради, лекин бунга сеҳр аралашади. Баҳодир билан унинг оти биргалиқда Ақ қонни енгади, уни кўп ботирлар қонига зомин бўлган қизи билан бирға ўлдиради. Аққоннинг халқи ва молини баҳодир ўзи билан олиб кетади, лекин олтойликларнинг бошқа эртақларидаги каби уларни “чўнтагиға солиб” олиб кетади.⁸⁵ Уйига тоз ва ирkit бир чол қиёфасида қайтади, шу қиёфа ёрдамида хоин дўстини ошкор қилади. Хавфни ҳис этгач, хоин дўсти турнаға айланиб учиб кетади. Алип Манаш эса ўз ериға асирлар ва чорвасини жойлаштириб, халққа катта тўй беради.⁸⁶

Бу эртақда ҳаммаси қизиқ: “оқ хон”нинг шафқатсиз барно қизини излаб сафарға чиқиш Ўрхун битикларидаги ўз уйингда-Ўтукан йишида яшашинг керак; Табғач хонининг кулчасидан ўзингни кўмачинг яхши, Табғачдаги гўзаллардан юртинг қизлари афзал (гарчи бундай очиқ айтилмаган бўлса ҳам), деган кўрсатмаларни эслатади. Фоз қанотидаги хат Хан даври Хитойидаги Су У деган элчи ҳақидаги панд-насиҳат ҳикоясига уйғундир, ҳикояда элчи шу йўл билан хун асирлигидан қутулади. Тутинган уканинг сотқинлиги мавзуси ниҳоятда кескин, аламли тусда берилади, чунки биз кўрдикки, Биринчи ҳоқонлик тарихи бошдан-оёқ хитой

⁸² В. М. Жирмундский, Сказание..., 9-б.

⁸³ Уша асар, 140-б.

⁸⁴ Эртақ вариантлари таржимасига қаранг: Н. Улагашев, Алтай-Бучай, 79-126-б.; А. Граф и П. Кучияк, Алтайские сказки..., 73-83-б.

⁸⁵ В. М. Жирмундский, Сказание..., 144-б.

⁸⁶ Баён этишинг ҳамма тафсилотлари бўрттирилган ва лоф ниҳоятда кучли, ҳақиқатни ҳис этиш дид ўлчови бўла олмайди.

айғоқлари томонидан сотиб олинган туркут шаҳзодалари ва ботирлари билан курашдан иборат. Туркутлар бир-бирига камдан кам суянишган, шунинг учун ижобий қаҳрамон сифатида сеҳрли сифатларга эга от берилган. Эртақ охирида қаҳрамон интилган мақсадига етмаганлигидан умидсизланиб, хаёл сукутига фарқ бўлади. гўзал қизга уйланишдан кўра ўч олиш ҳисси устун чиқади ва у Аққон билан яқинларини ҳамда қизини қатл эттиради. Лекин амалий манфаат ҳисси қондирилади ва чеккан азоб-уқубатлари натижасида қаҳрамон ўлжали бўлади. Ниҳоят, ёмонлар жазосини олиб, яхшилик тантана қилгач, эртақ бахтли тугайди. Бу панд-насиҳатли унсурлар, VIII юзйилликда осмон остида, ер устида яшаб қолиш учун шафқатсиз кураш кетаётган бир паллада ниҳоятда муҳим ва зарур эди. У Йўллик тегин, Тўнйуқларнинг дастурий фикрлари билан ҳамроҳанг эди. Биз таҳлил этаётган вариантдаги қандайдир бир илғаб бўлмас оҳанглар, унинг биринчи ҳоқонлик даврида пайдо бўлиб, иккинчисида ҳам яшаб, Олтойга келиб тўхтаб қолган ва бизгача етиб келган, деб тургандай. Мана шундай ўтмишдан узилган парчалар туфайли биз фақат турк ҳукмдорлари мағрурона эълон этган, тошга ўйиб битган нарсаларинигина эмас, унинг халқи нималар дегани ва нималарни тинглаганини тасаввур эта оламиз.

XXV боб

ТИБЕТЛИКЛАР ВА ТУРГАШЛАР

Тибетликлар ғарбга юрмоқда. Тан империяси ва Тибет ўртасидаги оғир, қонли ва қимматга тушган уруш 718 йилда Империя ғалабаси билан тугади. Тибетликлар ўз чегараси доирасига қувиб киритилди ва тезоқар Хуанхэ икки халқнинг чегараси бўлиб қолди.¹ Тибетликлар урушни давом эттира олмасдилар, аммо Тибет ҳукумати урушмаса турулмас эди. Тахт билан асилзодалар орасидаги кураш Тибетни хонавайрон этмоқдайди. Подшолари ташқаридан келган буддавийликда ўзларига таянч кўрсалар, асилзодалар ўз тақдирини маҳаллий бон динига боғлаган эдилар.

Бон дини Тибетга Ўрта Осиёдан келган. Бу динга коинотга жодугарлик маросимлари воситасида топиниш ва марҳумлар арвоҳини чақириш хусусиятлари хос эди. Тибетликлар осмон

¹ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, I. 159-6.

ва ер, қуёш, ой, юлдуз ва дунёнинг тўрт томони худоларига топинар эдилар. Уларнинг ушбу дини билан Гэсэр ҳақидаги ривоятлардан иборат жуда бир улкан достон туркуми боғланган бўлиб, унда ярим афсонавий қаҳрамон Амдода босқинчи душманлар билан курашади.² Гэсэр урушда енгиледи, лекин мухлисларида унинг учун ўч олиб енгиб чиқишига ишонч етарли эди.

Буддавийлик ғаройиб бир ҳодиса эди. Уни қабул қилиш ва англаш учун киши идроки ўткирлашган бўлмоғи керак, шунинг учун ҳинд ва хитой маданияти мазасини тотган оз сонли кишиларгина унга сазовар бўла оларди.

Тибет лашкари сафида буддавийлар эмас, бончилар жанг қилганлигини сулҳ шартномалар тузилган чоғларда отлар, буқалар ёки ит, чўчқа ва қўйлар қурбонлик қилинганидан осонгина билиб олса бўлади.³ Аурел Стейн Лобнордан унча узоқ бўлмаган Миранда, Хўтан дарёсининг чап соҳилида VIII аср ёки IX аср бошларига оид Тибет ҳужжатларини топди. Уларда буддавий йўналиш сезилмайди: исмларнинг жуда катта бир қисми буддавий эмас, ҳозир мутлақо қўлланилмайди; айрим унвонлар буддавийликкача бўлган достонларга уйғун; “лама” атамаси йўқ, “Ом-мани-падма-хум” дуоси ҳам учрамайди, булардан ташқари, ҳужжатларнинг тили ва услубий хусусиятлари, диний адабиётниқидан анчагина фарқ қилади.⁴

VII юзйиллик бошидан аёнлар ва бон руҳонийлари етти ёшида тахтга ўтказилган подшо бола номидан мамлакатни бошқарар эдилар.⁵ Асилзодаларнинг таянчи қўшин эди, агар у тарқатиб юборилса, улар фақат ташқи душмандан эмас, ўз подшоҳидан ҳам ҳимоялана олмас эди. Қўшинни эса бекорчи ушлаб туриш хавфли, чунки у шиддат билан ахлоқсизлана бошлайди. Шунинг учун уруш қилиш, ғалабага эришиш билан ўз таянчини қўшнилари ҳисобига боқиш лозим эди, ўша замонларда бундан бошқа йўлни билмас эдилар.

Содир бўлган воқеаларни кузатишимиздан аввал VII юзйиллик Тибет лашкари қанақа эканлигига боқайлик, бинобарин, у бизга Тибет босқини тақдирини таҳлил қилишимизда, хусусиятларини аниқлашимизда ёрдам беради.

Қадимги Тибет қуроллари ҳақида маълумотлар кам, Хитой воқеаномаларида фақат шундай бир хабар бор: “дубулғалари ва

² G. N. Roerich, *Trails...*, 354-355-б. Бу ерда боннинг илк, ибтидоий шакли ҳақида айтилган. Ҳозирги бон ундан анча фарқ қилади.

³ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, I. 189-б.

⁴ Belle, *The religion of Tibet*, 4-б.

⁵ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, I. 155-б.

зирхлари тоза ва тиниқ, кўздан бошқа ҳамма аъзоларини қоплайди”.⁶ Ҳамма қуроллари ҳақида ҳеч қандай гап йўқ, матнларда тарқоқ ҳолда учрайдиган айрим эслатмаларда ўқ ва палаҳмон тилга олинади.⁷ Булар Тибет жангчиси ташқи қиёфасини тасаввур қилиш учун ва Тибет қўшинининг зафарли юришларини сабабларини билиш учун камлик қилади. Палаҳмон ҳақидаги хабар муҳим бўлиб, у тибетликларда пиёда қўшин ҳам бўлганлигини билдиради. Отлиқлар палаҳмондан фойдалана олмайди, от устида ўтириб, ердан тош олиб уни айлантириб отиш амри маҳол. Тибетликларнинг аждодлари – жунлар ҳам хитойлар билан пиёда савашганлар ва кўп марта голиб бўлишган.⁸ Аммо Хитой воқеаномалари ортдан дош бериб бўлмас даражада ҳамлалар уюштирадиган Тибет отлиқлари ҳақида кўп гапирди. VII аср Тибет суворилари пиёда саф тузиб савашган кўринади. Бу ўқувчимизда таажжуб уйғотмасин, маълумки телеларнинг ҳам (сеянто ва уйғурлар) юришда тўрттадан оти бўларди, жанг юғида отларини сайисларда қолдиришга шошилар эдилар.⁹

Отлиқлар саф тартиб жанг олиб боришини VI-VIII юзйилликларда гуркулар ишлаб чиққанлар,¹⁰ аммо буни нотекис, тўсиқли ерларда қўланиш ноқулай ҳам эди.

Тан ва Тибет қўшинларининг тактик имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар бирининг ютуғи сабабларини осонгина аниқлашимиз мумкин бўлади. Кенг текисликларда империя оғир суворилари зарбаси тибетликлар тўдасини янчиб ташлаган, бироқ тоғларда чаққон ва нотекис жойнинг тузилишидан унумли фойдаланишни яхши билган отлиқлар ҳам Тибет камончилари ва палаҳмончилари олдида ожиз қолар эдилар. Шунинг учун Хитой мунтазам қўшини бошқа жойда банд бўлганида тибетликларнинг Хитойга кириб бориши осон кечарди: империяликлар ҳужуми эса тоғларга келиб тўхтаб қоларди. VII аср тактикаси имкони бўйича Тан империяси Тибетни босиб олишга қурби етмасди, шу сабабли империяликлар тибетликларни Сарик дарё орқасига ҳайдаб юбориб, қутилмаган ҳамлалар олдини олиш тадбирлари билан қаноат ҳосил қилишга мажбур бўлар эдилар.

Аммо Тибет лашкари ташқи уруш бўлмаса, шу заҳоти уй-уйларига тарқаб кетарди ва мамлакат бирлигига путур етарди. Буни ҳукмдорлар ҳам фаҳмларди, шунинг учун шарқий йўл вақтинча

⁶ *Уша асар*, 129-б.

⁷ *Уша асар*, 197, 201-б.

⁸ *W. M. Govern. The early empires of Central Asia*, 87-б.

⁹ *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений...*, I ж., 341-б.

¹⁰ *Л. Н. Гумилев, Статустки...*, 242-б.

тўсилган экан, улар ўз лашкари кучини ғарб томон йўналтирди. Бу ерда тоғ-тошлар, даралар орасида Тибет аскарлари қобилятини намойиш этишини, бемалол ҳаракат қилишни яхши билишарди.

Тибет қўшини бир пайтда ҳам қабилалар кўнгиллилари, ҳам мунтазам лашкар эди. Бунга анча зукко ташкил этиш йўли билан эришилган бўлиб, айна чоғда бутун Тибет тўрт ҳарбий ўрам (ру)га бўлинган, улар ўз ичида юқори ва қуйи бўлимларга, булар ҳам ўз навбатида тўрттадан аскарый бирликка (тонгдэга) ажратилган бўлиб, охиргиси баъзан ўша ҳудудда яшайдиган қабилаларга мос келган.¹¹ Қабила кўпсонли бўлса, уни аскарый бирликларга бўлганлар, нагижада мавжуд қабилаларга ажралиб яшадан маъмурий мақсадда фойдаланганлар. Лхаса теварагидаги аскарый бўлинмалар шакллантирилишида қабилавий хусусиятлар ҳисобга олинмаган, чунки улар бевосита подшонинг измида бўлган. Бошқа ҳарбий қисмлар эса ўз оқсоқолларига бўйсунган, айрим ҳолларда лавозимлар наслий ҳам бўлган.¹²

Феодал ва уруғ-қабилачилик муносабатлари аралашмаси ҳамда яхши ташкил этилган марказлаштирилган ташкилий ишлар ўша замонда Тибет қўшинининг қудратини ниҳоятда ошириб юборган. Тибетликларга ўлжа бўлиб қолмаслик учун ғарбий қўшнилари қандай кучни қарши қўя олиши мумкин эди?

Ғарбий Тибет. Ҳинд дарёси юқори оқими ва унинг ирмоқларидан суғориладиган Ғарбий Тибет VII юзйиллик бошларида Тибет подшолиги таркибига кирмаган эди. Бу ерларда аҳолиси тибетликлар билан дард қабилалари аралашмаси бўлган кичик-кичик мулклар бор эди. Ҳинд соҳилидаги Лех беклигида ярим афсонавий Гэсэр наслидан эканлигини иддао этувчи сулола ҳукмронлик қиларди. Сасполнинг ҳукмдори *бандел* унвони билан иш юритарди. Калатсда эса дард беклари сулоласи ҳукмрон эди. Булардан ташқари, айрим қишлоқлар ўз оқсоқолларига эга бўлиб, ҳеч кимга тобе эмасди.¹³ Бу майда бекликлар барчаси, одатдагидай, бир-бирига душман ва ўзаро жанжалда эдилар. Тибет Хитойнинг Тан империяси билан 718 йилда сулҳ тузиб, 722 йилдаёқ “Кичик Болюйга, яъни Гилгитга ҳужум уюштиради”¹⁴. Аммо улар бу ерга фақат Ғарбий Тибет ва Балтистон (Катта Болюй)ни тўлиқ эгаллаб олганларидан сўнггина кела олишлари мумкин эди.

Балтистон ва Гилгит тибетликлар тоғ сўқмоқлари орқали Ўрта Осиёга борадиган йўлида тўсиқ бўлиб турарди, шунинг учун ҳам

¹¹ G. Uray, *The four horns...*, 31-57-б.

¹² В.А. Богословский, *Очерк истории...*, 128-138-б.

¹³ А. Н. Franke, *A history of Western Tibet*, 48-49-б.

¹⁴ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, I. 162-б.

ушбу бекликлар сиёсий йўналишлари учун дипломатик кураш кескин кечди. 717 йилда тибетликлар Помиролди тоғлари орқали Кучага ҳамла қилиш учун ўта олган эди, бироқ худди шу йили Катта Болую подшоҳи Тибет қўшинини тоғ ўтаклаги орқали ўтказмасликка қарор қилди. Ана шундан кейин тарих Катта Болуюнинг мустақил сиёсат юргизганини билмайди. “Таншу”нинг географияга оид бўлимида эса, бу мамлакат тибетликларга бўйсунди, деб ёзилган.¹⁵

Тоғлар мамлакати. Помиролди тоғли ўлкасида жуда кўп майда-чуйда бекликлар ҳамда бир нечта йирик мамлакат, масалан, Кашмир ва Тохаристон бор эди. VIII юзйиллик бошларида булар барчаси икки томондан исканжа орасида қолишди: шарқдан тибетликлар, жанубдан араблар сиқувга олишди. Ҳукмдорлар табиийки, ўз мустақиллигини сақлаб қолиш учун Империяга кўз тикканлар. 710 йилда Хитойга Фарбий Ҳиндикушдаги кичик бир беклик-Сиедан элчилик келади.¹⁶ Унинг ортидан 713 йилда Хитой билан дипломатик муносабат ўрнатиш, Тибетга қарши иттифоқ тузиш учун Кашмирдан элчилик ташриф буюради. Кашмир подшоҳи Хитойдан ёрдамчи қўшинни юборшини илтимос қилган ва уларни емак билан таъминлашни гарданига олган. эди¹⁷ Элчиликка Чанъандан кетишга 720 йилда изн берилади, иттифоқ тузилди-ю, бироқ бундан на Кашмир ва на Хитой наф кўрди.

718 йилда Чанъанга Тохаристон жабғусининг иниси мурожаат қилиб, Забулистон, Каписа, Хуттал, Куран, Шуман, Шугнон, эфталитлар, Вахан, Жуздон, Бамиан, Қабодиён ва Бадахшон подшолари устидан ҳукмрон эканлиги ҳамда ушбулардан Забулистон ва Каписада 200 мингдан иборат отлик ва пиёда жангчилари борлиги, қолганларида эса 50 мингдан аскарлари бор эканлигини маълум қилди. Шунга қарамай, у кўзда ёши билан ёлвориб тибетликлар ва арабларга қарши ёрдам сўрайди. Бу ёлворишларга қараб, албатта, аслида аскарлар сони 900000 дан¹⁸ анча кам бўлган, деган хулоса чиқади. Император тоғликларнинг араблар ва тибетликлар билан жанг қилишини маъқуллади ва уларнинг бекларига унвонлар тақдим қилди (720 й.). лекин 727 йилдаёқ Забулистондан Чанъанга мактуб келди. Бунда ёрдам ҳақида ўғиниб йиғлаб сўраларди, чунки уларни араблар қамалга олган эди.¹⁹ Кейин ҳаммасининг уни ўчди.

¹⁵ E. Chavannes, Documents..., 150—б., 1-узоҳ.

¹⁶ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I т. ж., 323-б.

¹⁷ Уша асар, 325-б.

¹⁸ E. Chavannes, Documents..., 200-202-б.

¹⁹ Ibid, 293-294-б.

Кичик Болуюнинг элчилиги катта қозонишларга эришди. Бу беклик Фарбий Тибетда, Ҳинд дарёси қирғоқларида жойлашган бўлиб, аҳолиси монлар ва ҳиндуларга қариндош бўлган тоғли орий қабилалари-дардлардан иборат эди. Тибетликлар Болую ҳокимидан унинг мулки ҳудудидан Фарбий ўлкага, демак Қошғар ва Кучадаги хитойларга тўсатдан ҳужум уюштириш учун бемалол ўтказишини талаб қилар эдилар. Аммо Болую ҳукмдори тибетликларнинг холислигига ишонмасди, бунга асоси ҳам бор, тибетликлар ундан тўққиз кентини тортиб олишган эди. Хитойнинг Бэйтиндаги валийси безовта бўлиб Болуюга Қошғардан 4 минг аскар жўнатди.²⁰

Руҳланиб кетган болуюликлар тибетликларни ер билан яқсон қилди ва ўз кентларини қайтариб олишди.²¹ Бироз муддат Болую Хитой билан иттифоқчи бўлиб турди, бироқ Хитой ёрдами онда-сонда эди. Тибет эса доимий даҳшатли қўшни эди.

Сужа ража деган Болую бекларидан бири Тибет маликасига уйланди ва Помирдан шарқдаги 20 тоғли бекликлар барчаси Тибетга бўйинсунди. Фарбий ўлка валийси томонидан ташкил этилган уч қарра юриш натижа бермади. Тибет босқини давом этаверди. Тибетнинг фарбга босимини кучсизлантириш учун Империя ҳукумати 724 йилда шарқдаги урушни яна кўзгади. 730 йилгача бу уруш дам у томон, дам бу томон устунлиги билан давом этди. 730 йилда сулҳ тузилди. Сулҳдан сўнг тибетликлар Болуюни хонавайрон қилишди, император норозилик билдирди, бироқ унинг норозилиги мағлубларга ҳеч бир наф келтирмади.²²

Болуюни бир ёқлик қилиб, тибетликлар Тохаристонга ташланди, бироқ Хитой қўшини томонидан ҳужум қайтарилди.²³

Чанъанга Ҳиндистондан ҳам элчилик келиб, тибетликлар ва арабларга қарши лашкар сўради. Худди шундай илтимос билан 713 ва 719 йилларда Гибиндан ҳам келишди.²⁴ Агар турк суворилар “табғач хонига ўз жони ва кучини беришда” давом этаверганида, Тан сулоласи мусулмонларни тўхтатган, Тибетни тиз чўқтирган, ўзаро душман бўлақларга парчаланиб кетган Ҳиндистонни бўйинсундирган ва бугун Осиёни бирлаштирган бўлармиди... Бироқ бу суворилар сулоланинг душмани эди ва улар душманидан ғолиб келиши ёки уларни қириб ташлаши керак эди.

Империяча феодал тизим. Ўрта Осиё дарвозаси тибетликларга катта истиқбол ваъда қиларди. 715 йилдаёқ тибетликлар араблар билан

²⁰ *Ibid*, 150, 293-6.

²¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 11 ж., 320-б.

²² Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 1. 169-б.

²³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 11 ж., 320-б.

²⁴ *Уша асар*, 307, 309-б.

тўқнашди. Тибетликлар арабларга уларнинг Сирдарё водийсига, яъни Суғдиёнага бўлган даъволарини тан олишини, билдирди араблар эса тибетликларга Тарим водийсини босиб олиш ҳуқуқини бердилар.²⁵ Тянь Шан шимолидаги чўлларни тургашлар эгаллаб олишди, бу ерларда империя учун бир қарич ҳам ер қолмаслиги керак эди. Бироқ айнан мана шу даврда Ўрта Осиё Тан империяси учун алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Юқорида ушбу сулола ўзида Хитой ва турк маданияти унсурларини мужассам этганлиги ва ҳар икки унсур мувозанатини сақлашга уринганлиги айтиб ўтилганди. Бу анъана, хитойларнинг амалга оширадиган давлат тўнтаришлари, туркларнинг қўзғолонлари билан бузилиб турарди, бироқ Сюанцзун ҳокимиятга эски анъаналар тарафдори сифатида келди.

Аммо дашт Хитойдан қайтиб юз кўрмас бўлиб ажралди. 720 йил турклар ғалабаси ва тургашлар қудрати тикланиши йили бўлиб қолди. Демак, энди улар ўрнига империя хитой фуқароларининг ўсиб бораётган таъсирига посанги бўла оладиган бошқа куч топиши лозим бўлиб қолди. Бу юзадан империя ҳукуматининг назари суғуд ва Тохаристон бекликларига тушганга ўхшайди, чунки, айти шу чоғларда, империя булар билан жуда қизиқиб қолди. Империя ҳукумати ҳатти-ҳаракатида шундай бир тизим кузатиладики, Сюанцзун улкан бир феодал империяси яратмоқчи бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Энг қизиғи шундаки, бунда “оммаж, фуа ва инвеститура”²⁶ тамойилли ялпи суюрғол тизими амал қиладиган тузум яратмоқчи бўлган, аммо бу вақтда Хитойнинг ўзида фақат чегараланган суюрғолгина амалда қўлланилар эди.

Чанъан саройи ўзаро муносабатлар учун асос қилиб олган тизим қуйидагичадир: Император қонуний ҳукуматнинг ягона манбаи деб эълон қилинади. Юқоридаги тамойилга биноан фақат у чет эллик бек//ҳукмдорни ўз мансабида тасдиқлаши, унвонлар бериши ҳамда унинг ўз ерларини наслига қолдириш ёки бир умр фойдаланиш ҳуқуқларини ҳал этади, айти чоғда бек//ҳукмдор империя тизимига кирар ва ўз ҳомийсига ихлоси бўлиши лозим эди. Чет эллик бек//ҳукмдорлардан ҳирож, ўлпон олинмас, аксинча, уларга дабдабали туҳфалар, асосан ипак жўнатилар эди. Уларнинг ички ишларига хитойлар аралашмасликка ҳаракат

²⁵ E. Chavannes, Documents..., 291-6

²⁶ *Оммаж (homagium)* – кичикнинг ўзидан катта ва кучли олодида унга ҳомийлик қилиш истагини ифодалаш маросими; *Фуа (fides)* – кичикнинг каттага содиқлик ҳақидаги қасамёди; *Инвеститура* – феодал вассалини мулкига олиб кириши. Ҳаммаси биргаликда феодалча шартномадир.

қилишарди. Шундан қилиб, унвон ва тобелик (инвеститура) қабул қилган бек//хукмдор фақат ютган, чунки ундан фақат бир нарса — императорга — ҳомийга (оммажга) ҳурмат талаб этилган. Ана шунинг учун ҳам 717 йилдан то 740 йилгача тургаш хони, барча суғуд ва Тохаристон беклари, бир қанча ҳинд рожалари ҳам Чанъанга иттифоқ тузиш учун элчилик юборишган.

Бундай вазиятдан империя ҳукумати қандай наф чиқара олади? Улар мана шу тариқа янги кўнгилчиларни ўзларига ром қилиб, уларнинг “меҳнати ва кучи”ни оларди. Эсингизда бўлса, турклар бундан буён уни беришдан бош тортган эдилар. Содиқлик тамойилидан фойдаланиб, империя ҳукумати улкан бир лашкар тузиб, унинг воситасида Тибетни яксон қилмоқчи, арабларни улоқтириб ташламоқчи, норози ва мағрурларни тиз чўқтирмоқчи бўлди. Буларнинг ҳаммаси маҳаллий маблағ ҳисобига, шарқий чегарадан бирон-бир бўлгани олмасдан бажарилиши керак эди. Империяликлар, араблар ва тибетликлар олдидаги қўрқинч ва ваҳима Ўрта Осиёнинг бутун аҳолисини ўзининг бағрига отилтиради ва уларга бу ерларда фақат ташкилий ишлар билан шуғулланиш қолади,²⁷ деб ўйлаган эдилар.

Ўрта Осиё беклари Империядан буни кутмаган эдилар. Улар душмандан ҳимоя қилиниш учун ёрдам кутишганди. Агар Довон валийси ихтиёрига бир неча ўн минг найзадорлар юборилганида эди, бу ҳақиқий кўмак бўларди. Аммо унинг тасарруфида жуда оз, бунинг устига яхши машқ олмаган жангчилар ҳамда араблар, тибетликларга қарши урушиш учун иттифоқдош кучларидан фойдаланиш тавсиясидан бошқа нарса йўқ эди. Иттифоқдошлари бўлса, курашларда ҳолдан тойгани учун Хитойга мурожаат қилган эдилар.²⁸ Улар Хитойдан аскарий кучлар келишини кутсалар, Хитойда булардан ёрдамчи кучлар келиб қолишига кўз тикмоқда эдилар. Суғдиёнада бу ҳалокатни тушуниб етганлари замонқ, қаршилик кўрсатиш бефойдалигини билиб арабларга таслим бўлишди. Ўша чоғда Хитойнинг ялпи суюрғол тизими, ўлик бола туғилгандай йўққа чиқди. Ана шу паллада Сулу томонидан тикланган тургаш ҳоқонлиги майдонга чиқди.

²⁷ Қуруқ гап бўлмасин учун, Ўрта Осиё бекларига ўз ҳукмронлигидаги ерларни туҳфа қилиниш рўйхатини келтираман: 705 йилда Баҳодир Тудунга — Чоч беги ва Фарғона подшоси; 718-719 йилларда Бухоро Тугшоди ва Самарқанд Гуреки уларнинг тобелиги (Оммажи)ни қабул қилиб, араблардан қутулиш учун қўшин сўради; 720 йилда Забулистон ва Гибин подшоларига ўз мулклари ялпи суюрғол қилинди; 727 йилда араб исканжасида қолган Тохаристон ябғуси вассалликни қабул қилди. Ундан кейин қайта-қайта илтимос ва шикоятлар келади. Манзара равшан (қаранг: R. Grousset, Histoire de L'Extreme-Orient, 281-282-б.; E. Chavannes, Documents... 290-295-б.).

²⁸ E. Chavannes, Documents..., 292-б.

Қора тургаш. Айтиб ўтганимиздек, тургаш халқи мукри ва абар қабилаларидан ташкил топди. VII юзйилликда тургаш уруғлари сариқ (мукрилар авлоди) ва қоралар (абарлар авлоди)га ажралган. Эътиборга олинганки, Осиёда сариқ ранг асилзодалар рамзи, қора – авом рамзи. Бу қачонлардир ўз заминига эга эди, VIII асрга келиб сариқ ва қора уруғлар орасида ҳеч қандай фарқ қолмади, агар бир-бирини ёқтирмаслик каби ота-боболардан қолган меросни ҳисобга олмасак. Учжилэ ва Согэ сариқлардан, турк босқинидан кейин ўрдани тиклаган Сулу қоралардан эди. Сулу халқ эътиборини қозонишнинг оддий усулидан фойдаланди: “Ҳар бир жангдан кейин ўлжанинг ҳаммасини қўл остидагиларга берар, шунинг учун ҳамма рози ва ҳамма астойдил хизмат қиларди”.²⁹ Бостириб келаётган араблар билан савашар экан, Сулу турк хони, Тибет ценпоси ва 722 йилда Хитой императори билан дипломатик никоҳдан фойдаланди. Император унга Ашина уруғидан бўлган маликани узатди. У империя қўшинида хизмат қилувчи хонлардан бири (Хуай-дао)нинг қизи эди. Бу билан малика ҳам, унинг эри ҳам фақат кўчманчи асилзодалар қаторига ўтиб қолмай, Империянинг зодагонлари қаторидан ҳам ўрин олди. 737 йилгача мана шу зайлда ҳамма нарса меёрда кечди.

Тургаш ҳоқонлиги ва Тан империяси орасидаги муносабатлар силсиласида юқорида баён қилинган янги суюрғол тизимининг яққол манзараси намоён бўлди. 717 йилда Сулу ўзини ҳоқон деб эълон қилиб, араблар ва тибетликлар билан биргаликда империянинг Бохуан (Яккаариқ ва Даши (Оқсув)даги гарнизонларига хужум қилишди. Фақат қорлуқларни олиб келган турк шаҳзодаси Ашина Хяннинг ўз вақтида аралашуви вазиятни қутқарди. Бироқ 718 йилда Сулу беклик унвонини олди ва кейинги йилнинг ўзида, расмий равишда “садоқатли ва итоатли хон”³⁰ деб тилга олинди. Ана шу ондан бошлаб араблар билан дадил курашга бел боғлади, уни араб ҳужжатларида ҳатто “Хитой императори жияни” ҳам дейишади, гарчи буни қариндошлик маъносидан тушуниш керак бўлмаса ҳам. Империя билан иттифоқ тургашларга ордан бежавотирликни таъминлади, шимолий қўшнилари қорлуқлар ҳам империя сиёсати ариғида оқа бошлаган эдилар.

Араблар ҳам тургашларни ўзларига иттифоқчи қилишга уриниб кўрдилар, бироқ уларнинг усули бошқачароқ – исломни тарғиб қилиш эди. Халиф Ҳишом (724-743) Сулу ҳузурига даъватчи юбориб, исломни қабул қилишни таклиф этди, бу айни чоғда

²⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 298-б.

³⁰ E. Chavannes, *Documents...*, 284-б., 2-узоҳ.

сиёсий жиҳатдан ҳамда барча мусулмонларнинг раҳномаси бўлган халифга руҳоний жиҳатдан бўйсуниб дегани эди. Хон элчи иштирокида лашкари кўригини ўтказди ва таржимонга деди: “Бу элчига айтгилки, у ҳам ўз хўжасига етказсин: булар орасида на дурадгор, на темирчи, на тикувчи бор, агар улар ислом ақидаларига амал қилса, яшаш учун нарсаларни қаердан олади?”³¹

Тургаш хони халифга диндошлар нима учун кераклигини жуда яхши англашини билдириб қўйди. Бу вақтга келиб араблар динга янги кирганларга солиқ имтиёзини бекор қилган, мусулмонлардан олинадиган ҳирожни йиғишда давом этар ҳамда улардан кўшиннинг ёрдамчи қисмига оддий аскар сифатида қабул қилиб, лашкарни тўлдириб турарди. Империя билан иноқлик ва суғуд деҳқонлари ҳожатини чиқариш эса тургашларга ипак ва олтин келтирарди. Шунинг учун Сулу бутун ғайрат-шижоатини ишга солиб халиф кўшинига қарши курашди ва уларнинг силжишини тўхтатди.

Тургашларнинг қудрати ошиб бориши, суғудларда шафқатсиз араб зулмидан озод бўлиш умидини туғдирди. 720-721 йилда Суғудда кўзғолон кўтарилди, бироқ араблар тезда бостиришга муваффақ бўлишди. Аммо 724 йилда яна кўзғолон кўтарилиб, бу гал тургашлар кўзғолончиларга ёрдамга етиб келишга улгурди. Араблар кескин ҳаракат қилишди. Кўзғолон етакчиси Диваштич асир олинди, қатл этилди. Шунга қарамай, тургашлар ва омон қолган кўзғолончилар Суғуддаги араб ҳукуматини йўқ қилишди. Фақат 728 йилдаги катта босқин Суғудни араблар қўлига қайта ўтишига олиб келди.

Тургашларнинг Суғуддаги ҳаракатларига назар ташлаб, биз улкан жангларни, шиддатли зарбаларни ёки ўйлаб уюштирилган ҳарбий тадбирларни кўрмаймиз. Тургашлар майда уруш олиб боришди. Уларнинг чаққон отлиқ бўлинмалари ҳамма ерда енгил ҳамла билан арабларнинг жиғига тегиб, ҳолдан тойдирар эди. Суғуд аҳолиси ҳам қўллаб турган бу тактика араб гарнизонларини муттасил безовта ҳолатида ушлаб турди.³² Арабларга фақат жанг билан олинган шаҳарлар ва бориш осон бўлган водийлардаги ҳимоясиз қишлоқлар бўйсунарди. Тоғликлар ислом ва унинг солиқлари тўғрисида эшитишни ҳам истамас эдилар. 737 йилда Асад ибн Абдуллоҳ Хутталонга ҳужум қилди, лекин ўзлари қириб ташланди. Бундан суғудлар озод бўлиш вақти етди, деган хулоса чиқардилар: Самарқанд, Чоч ва Фороб араб ҳукмронлигидан чиқиб кетди. Балки бу гал улар ростдан ҳам қутулиши мумкин эди, лекин шарқдаги воқеалар ҳалақит берди.

³¹ В. В. Бартольд, *О христианстве...*, 9-б.

³² Тафсилоти ҳақида қаранг: В. В. Бартольд, *Туркестан...*, 190-б.

Тургаш хоними малика Ашина бир кун нимагадир Кучага чопар юборди. Илтимос буйруқ шаклида етказилган эди, чунки унинг шаъни шуни талаб қилар эди.

Фарбий ўлка валийси хитой Ду Сян, жўнатманинг оҳангидан газабланиб: “Ашина қазининг менга буйруқ беришга қандай ҳадди сиғди” деб жавоб қайтармади. Муносабатлар узилиши учун шунинг ўзи етарли бўлди. Хон шаънига доғ тушди, “узул кулоқ” бу гапни дашт бўйлаб янгради, хоннинг обрўсига путур етиши мумкин эди.

Хитой Ду Сян ўзининг қизиққонлиги ва кибри урушга сабаб бўлади, деб ўйламаган бўлса керак. Шу ўринда хитой ва турк руҳиятидаги фарқ юзага чиқади. Хитойда бўлганида Ду Сян устидан шикоят ёзиларди, у бундан қўрқмасди, юқорида қўлловчилар бор эди, Ўрта Осиёда эса дарғазаб бўлишди ва Сулу тибетликлар билан келишиб Кучани қамал қилди. Ду Сян қалъада йўқ эди. У мансабидан юқорилаб Хитойга равона бўлган экан. Унинг ўринбосари ҳимоя билан чегараланиб туриши лозим эди, чунки қалъадан чиқиш бу мағлубият дегани эди. Сулу Фарбий ўлкадаги Хитойга қарам ерларни талаб, уни ранжитган кишининг бу ерда эмаслигини билгандан сўнг, Кучани қамал қилишни тўхтатди. Икки жабҳадаги уруш, араблар билан курашдаги мағлубият тургаш салтанатини оғир оқибатларга гирифтор қилди. Сулуда нафс зўрлик қила бошлади, у талончиликдан тушган ўлжаларни бора-бора бўлмасдан ўзига олиб қоладиган бўлди. Шунда унинг тобелари ҳам аста-секин кетиб қола бошлади”.³³ Бу узиндида тургаш ҳоқонининг табиати ойнадагидек акс этган. Варварларнинг ўзаро ришталари фақат биргаликдаги талончилик орқали боғланган, баъзан бу ришталар аждождаридан ўтиб келаётган “оқсуяклик” ва “қорача”лик фарқи билан ҳам узилган.³⁴

Тургашлар қудрати тўлалигича хоннинг ғайрати устида турарди. 738 йилда Сулу шол бўлиб қолди. Ўрдада йиғилиб қолган норозиликлар бирданига бўй кўрсатди. Баға тархон (исми номаълум) деган аъён, у яна Кулуг чур³⁵ унвонига ҳам эга, ўзи кулугун қабиласидан, кечаси хонни ўз чодирда ўлдириб, ҳокимиятни қўлга олмоқчи бўлади.³⁶

³³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 299-б.

³⁴ *Уша асар.*

³⁵ Шаванн Кул чур дейди (*Documents...*, 285-б.). Ж. Клоусон тўғрилаган (қаранг: G. Clauson. *A propos du manuserit...*, 16-б.)

³⁶ “Таншу”да бошқачароқ (қаранг: E. Chavannes, *Documents...*, 285-б.), бунда “Хитой хабари Табарий маълумоти билан тўғриланади, у қотилнинг номини Курсул” дейди. Айнанлаштириш учун қаранг: J. Marquart, *Die Chronologie...*, 38-б.; W. Barthold. *Die altturkischen inschriften...*, 27-б.; В. В. Бартольд, *Туркестан...*, II, 195-б. Мохэ (Шаванн “баға” деб ўқийди) атоқли от бўлиши мутлақо мумкин эмас, ҳамто

Шу пайтгача дарик ва қоралар ўртасида тутаб келаётган душманлик олови гуркираб кетади. Сариклар раҳбари Бага тархон эди. Бошқа бир аён – Думочжи Сулунинг ўгли Тухосян Гучжони хон қилиб кўтаради. Унга Чу дарёсидаги тургаш кўчклар, Талас кентини қўриқлаётган қоралар уруғидан бўлган Живэйхон тобелик билдиради. Бага тархон байроғи остига сарик тургашлардан ташқари Фарбий ўлка, Фарғона, Чочдан кўнгилилар ҳамда “Буюк кум дашти фарбидаги мамлакатнинг бош бошқарувчиси”³⁷ келишди. Чу дарёси лабидаги жангда қора тургашлар енгили, Тухосян асир олинди. Қошғарлик ва фарғоналиклар Таласни талаб Живэйхонни ўлдиришди.

Сулунинг барча туллари ва Живэйнинг тули голиблар қўлига тушди. Барча тутқунлар Хитойга жўнатилди, бу ерда уларга раҳм кўрсатилиб, кечирилди ва ҳатто Тухосянга мансаб ҳам беришди. 739 йилда Империя яна бир марта Ўрта Осиёда устунлик қозонишга уринди. Сарик уруғлар суғудлардан иттифоқдош топдилар, бундан тургаш асилзодалари суғуд маданиятидан баҳра ола бошладилар деган хулоса ҳам чиқариш мумкин.

Империя ҳукумати яна нишонга ура олмади. Status quoni ўрнатиш учун интилиб император “ўн ўқ” ҳокими этиб шахзода Ашина Хинни тайинлади. Бўйсундирилган тургашлар ҳам унинг ҳукмида бўлиши керак эди. Бага-тархон яна жаҳли чиқиб, ўзини шу лавозимга тайинлашни талаб қилди. Шундан сўнг тургашларни Бага тархонга бериб “ўн ўқ”дан чиқардилар, бироқ бу мураса муваффақиятли чиқмади. Хитойдан юборилган Ашина Хин 740 йилда Цзюйлан³⁸ кенти ёнида тургашлар ҳамласига учраб ҳалок бўлди.³⁹ Империя бунга кечира олмасди. Қандай содир бўлганлиги аён эмаску, лекин Бага тархон тутилиб, қатл этилади, Фарбий

Учжилда “мохэ” деган унвон бор эди (Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 296-б.; Е. Chavannes, Documents..., 43, 79-б.). А. Н. Бернштам, уйғур ёзувида ёзилган тургаш тангасини эълон қилди: “тыгдъль даҗан бай баҗа” (“Труды отдела Востока Гос. Эрмитажа”, II ж., 1940, 105-б.) Кўринадики, Ғ ҳарфи ҳам q ни ҳам y ни ифода этади, шунинг учун баҗа ўрнига ваҗа даҗан, яъни бакгип этнонимининг биринчи бўғини мукрин билан тенгдир. Ҳақиқатдан ҳам хитойлар қабила номи ва тархан унвонини айнан бир хил иероглифлар билан ёзади. Бу “мохэ - бага” атамаси қабилага дохиллигини ифода этишини кўрсатади, бу ерда мукрин - бакриндир. Яна шуни ҳисобга олмоқ керакки, мохэ-даган, яъни мукри тархани — уруғ унвони, бизни қизиқтираётган шахс тургаш хоқонлиги насаб поғонасида “кул чур” унвони билан чумугун қабиласини бошқарган (Қаранг: Е. Chavannes, Documents..., 285-б, 3-изох.).

³⁷ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 299-б.

³⁸ Кулан, Етисувда, кейинроқ Луговое қишлоғи (Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., III ж., 210-б.)

³⁹ Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., I ж., 296-300-б. Хин қотили номи “Мохэ-ду”, бу Грумм-Гржимайлога уни Чоч беги билан айнанлаштиришига баҳона бўлди (Западная Монголия..., 329-б.). Бироқ Мохэду — баҳодир дегани, яъни турдош от.

кўчманчиларни бошқариш иши унинг рақиб Думочжига ишониб топширилади. Аммо 742 йилда қора тургашлар Эл Эдимшиш Кутлуг Билгани (хитойчаси: Илиди Миши Гудулу Бигя) хон этиб сайлайдилар, империяликлар уларни ўз ҳолига қўядилар. 741 йилда Чоч ҳокими императордан арабларга қарши аскар жўнатишини илтимос қилади. Император рад этади: кўшин унга бошқа жойда керак эди. Шунинг учун тургашларни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйган эдилар, чунки улардан бошқа муҳим ташвишлар бошдан ошиб ётган эди.

Шу аснода Хуросон ва Моварауннаҳрнинг янги валийси Наср ибн Сайёр янги кучлар билан Суғудга кириб келди ва 737 йилда Харистонда кўзғолончиларни битта қўймай кириб ташлади. Куча қамали билан банд бўлган тургашларнинг йўқлиги араблар тез ғалаба қозонишига имкон берди. Наср Самарқанд, Чоч ва Фороб қаршилигини бостириб, 738 йилда мустаҳкам чегара устида турар ва кўз ўнгида дашт булган денгиздай ёйилиб ётарди. Сулунинг ўлими ва қирғинлар тургашлар арабларни улоқтириб ташлашига имкон бермади ва суғудларда ўч олиш умидини сўндирди. Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олинishi охирига етган ҳисоби эди.

Наср ибн Сайёр ўз салафига нисбатан анча нозик сиёсатчи чиқиб қолди. У террордан қўл тортди ва 740 йилда омонлик эълон қилди. Ушбу омонлик шартларидан бирида Наср диний мураса қилдигина эмас, балки исломдан қайтганларни тўлиқ афв этди, бинобарин, сўнги курашлар чоғида кўплаб суғудлар оталари динига қайтган ва янги динга қилган хоинлиги учун жазодан қўрқиб, чўлда тургашлар ҳузурида яшириниб юришарди. Афв уларга уйларига қайтиб, янги ҳокимият билан чиқишиб кетиш имконини берди. Омонлик уруш қила олмаган ишни қилди: Суғуд даштдан юз буриб, Хуросон билан юзлашди.

Тибет-Хитой уруши. Ҳеч қандай шубҳасиз айтиш мумкинки, Тибет VIII асрда анча жанговор мамлакат эди. Тан сулоласи суянчиғи бўлган чегара қўшинлари эса жангариликда барча қўшнилardan ўтиб тушарди. Уруш уларнинг хунари ва кўтарилишининг ягона воситаси, яъни умрнинг мақсади ва мазмуни эди. Тибет чўпонлари бўлса, уйларига тарқалгач, аввалги табиий ҳолига, турмушига қайтар эди. Олдинги урушда мағлуб бўлганларидан кейин Тибет аскаррий бошлиқлари мудофаа тадбирлари билан қаноат қилиб,⁴⁰ ер истеҳкомлари қуришга киришдилар, зеро, хитой деҳқонлари Тибет кўчманчиларидан қанчалик хавотир олишса, тибетликлар Хитой чегарачиларидан шунчалар чўчир эдилар. Шунинг учун тибетликлар 731 йилда империя саркардаси Цуй Си-мяннинг тинчлик

⁴⁰ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 1. 169-б.

шартномасини тиклаш ва уни сўйилган оқ ит жасади олдидаги қасам билан мустаҳкамлаш ҳақидаги таклифини (оқ ит руҳи ваъда бузилмаслигини сақлайди) хурсандчилик билан кутиб олдилар. Шундан сўнг тибетликлар “чегара эҳтиёт чораларини ташлаб, чорвачилик билан шуғуллана бошладилар”.⁴¹

Вужудга келган вазият чегара қўйи қўмондонларини қониқтирмас эди, шулардан бири империя саройига мудофаага тайёрланаётган тибетликларни енгиш осон эканлиги ҳақида маъруза тақдим этди. Кучлар муносабатини император яхши билмаган, шекилли, тасдиқлаб юборди.⁴² Ҳэсидаги қўмондонга ҳеч нарсадан гумонсирамаётган тибетликлар устига ҳужум қилиш ҳақида буйруқ берилди, у ўз қасами ва фикрига зид бўлса ҳам буйруқни бажаришга мажбур бўлди.

737 йилда қилинган босқин муваффақиятли чиқди, тибетликларнинг 738 йилдаги Ҳэсига жавоб ҳамласи қайтарилди, истеъдодли саркарда айни чоғда ўз ваъдасини бузгани учун қийналаётган пок виждонли инсон ҳам эди. Тушида оқ итни кўра бошлади ва у “Таҳаййул кучидан (ваҳимадан) ўлади”⁴³ ёки ҳозирги тушунчамиз бўйича асаб бузилишидан ўлади.

Унинг салафига софдил алданган кишилар тошбағирлашиб нималарга қодир бўлишини ўз кўзи билан кўришга тўғри келади. Энди Тибетга бостириб кириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди; аксинча, омадлар алмашиниб туриши натижасида барча аскарий ҳаракатлар Куқунор теварагига кўчиб бу ерда қирғинбарот бўлишига олиб келди. Текисликдаги очиқ жангларда империянинг қўли кўпинча баланд келарди, лекин қамал қилиш уларга доим машаққатли бўларди. 749 йилда бир неча юз тибетликлар кўриқлаётган тоғ қалъасига ҳамла бир неча ўн минг аскар жонига жабр бўли.⁴⁴ Жавоб ҳамласида тибетликлар текисликдаги хитой қалъасини осонликча қўлга киритиб, у ердаги гарнизонни қириб ташлади.

Урушни бошлаш уни тугатишдан кўра анча енгил экан. Шимол ва ғарбдаги муваффақиятларга қарамай, империя лашкари Тибетда 751 йилгача боғланиб қолди, шу йили ўйинга янги бир шерик қўшилиб кучлар муносабатини ўзгартириб юборди.

Империя ҳукумати шимол ва ғарбдаги сиёсий муаммоларни ҳал этиш билан овора бўлиб, жанубга эътибор бермай қўйди ва шу вақт

⁴¹ *Уша асар, 170-б.*

⁴² *Ёши улгайиб Сюанцзун огоҳликни унутиб ўрнини аскарий шухрат нафси эгаллаб борди (Pulleyblank, The Background..., 45-б.).*

⁴³ *Иакинф Бичурин, История Тибета..., 1. 171-б.*

⁴⁴ *Уша асар, 174-б.*

мобайнида бу ерда, яъни Юннанида 738 йилда Нанчжао беклиги пайдо бўлди. Унинг сергайрат ҳукмдорлари тарқоқ қабилаларни бирлаштириб, 748 йилдан эътиборан Хитойдан мустақил сиёсат юргиза бошлади. 751 йилда зиддият очиқ тус олди. Олтмиш минглик хитой кўшини бутун аҳолининг жовлик қаршилигига дуч келди ва 751 йилда Сизр кўли ёнидаги савашда деярли қириб ташланди. Нанчжаонинг подшоси Голофон уруш яна давом этиб, бошқача тус олишидан кўрқиб, Тибетга ёрдам сўраб мурожаат этди. Иттифоқ тузилди ва Тибет кўмаги туфайли Хитойнинг янги лашкари 754 йилда битта қўймай ер тишлатилди. Ундан кейинги ҳодисалар Хитойнинг ўч олиши учун имкон қолдирмади ва Нанчжао ўз мустақиллигини сақлаб қолди.⁴⁵

Бу улкан талофатни Хэсидаги зафарлар биров қоплагандай бўлди. 753 йилда бу минтақа тибетликлардан тозаланиб, шошилинч тарзда Хитой маъмурияти ўрнатила бошланди.⁴⁶

Тибет ва Ҳиндистон. Нанчжао жанубий ўрмон қабилалари давлати Хитой давлатчилигига қарши ҳаракат натижасида ташкил топди. У ҳозирги Сичуаннинг жанубий қисмини қамраб олганлиги учун хитойликларнинг Тонкинга йўлини тўсиб қўйди, жанубда эса Бенгал қўлтиғига чўзилиб борди ҳамда ҳинд маданияти, буддавийлик таъсирига берилди.

Тибетга интилиш ҳам ана шу ҳолатлардан суғорилади, фақат Тибетгина Нанчжаога мустақиллигини сақлаб қолишга мадад бера оларди. Шунинг билан бирга Нанчжао билан иттифоқ тибетликларга Шарқий Ҳиндистонга ҳам йўл очар эди.

Ғалабасининг мустақамлигига шубҳа билан қараш Голофон сиёсатининг ҳамма вақтига дохилдир. У ўз фаолиятини акс эттирган битикли ёдгорлик ўрнатиб, келгуси наслларга унинг хато ва камчиликларини қоралаш ва муҳокама қилиш ҳуқуқини беради.⁴⁷

Мана шу даврда Ҳиндистоннинг ғарбий чеккасида қудратли Кашмир подшолиги пайдо бўлди. Кашмир подшоси Лалитадитя Муктапида (700-736 й.) Панжобни, Канаужни, Бадахшонни эгаллаб, 703 йилда Тибет билан муваффақиятли уруш олиб бормоқда эди.⁴⁸ Бироқ Ҳиндистон ичида содир бўлган кейинги ҳодисалар Кашмирни Тибет билан ярашишга олиб келди.⁴⁹ Айнан мана шу вақтда буддавийликнинг асосий душманлари бўлмиш ражпутларнинг Шимолий Ҳиндистонни истило этиши бошланди.⁵⁰ Ҳинд буддавийлари

⁴⁵ E. Chavannes, Documents..., 298-б.

⁴⁶ Иакинф Бичурин, История Тибета..., 1. 175-б.

⁴⁷ E. Chavannes, Une inscription..., 338-390-б.

⁴⁸ J. Prashad, History of medieval India..., 1-б.; Gwasha Lal Kaul, Kashmir..., 32-б.

⁴⁹ Иакинф Бичурин, История Тибета..., 1.155-б.

⁵⁰ J. Prashad, Histore of medieval India..., 26-28-б

қаршилик кўрсатишни уюштира олмадилар ва брахман Кумарилла Бхата томонидан ислоҳ қилинган қадимий дин тантана қилди. Тибет ҳам, Кашмир ҳам диндошлари ҳалокатига бефарқ қараб тура олмасди. VIII аср охирларида Кашмир подшоси Жаяпида Шимолий Ҳиндистонга бостириб кириб, Бенгалияни бўйсундирди ва ундан ажралиб чиққан Канаужни ишғол қилди. Ушбу подшо хизматлари учун “таълимот ҳомийси” деган буддавий унвон олди.⁵¹ Тибет воқеаномаларида Бенгалия то Ганг дарёсигача ишғол этилгани қайд қилинган, бироқ бу ҳодиса санаси кўрсатилмаган ва ниҳоятда қисқалиги туфайли воқеалар занжири ва жараёнини тиклаб бўлмайди. Шуниси равшанки, Тибет подшоси эътиборини жанубий чегаралар шарқий чегаралардан кўра камроқ тортган эмас, Ҳиндистонда буддавийликни қутқариш учун бўлган ҳаракатларга Тибетнинг Осиё давлатлари орасида биринчиликка даъво қилишига ражпутлар тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатишган ва бу борада зафар ҳам қозонишган.

XXVI боб

ХОҚОНЛИК ВА ИМПЕРИЯ

Кучаниш. Йиллар ўтаверди ва Чанъандагилар Империя хоқонликка қўшни бўлиб яшай олмаслигини тобора чуқур англай бордилар. Хоқонлик мавжудлигининг ўзи Тан империяси ғоясини бўғиб қўйган эди. Умумосиё империяси ўрнига Буюк девор ортидаги Хитой империясигина бор эди. Шимолдаги дашт кучлари Империя жанговор кучларининг баракали манбаидан империянинг барча душманларини ўзига тортадиган бир доирага айланди. Турк ва уйғурларни тибетликларга ва арабларга қарши курашга юбориш ўрнига энди хитойлардан лашкар тўплаб турк ва уйғурлар устига жўнатишга тўғри келди.

Ниҳоят сергайрат Сюанцзун бир тўхтама келди. 742 йилда император фармони билан Империя оёқларидаги кишанни кесиш учун қўшинда ислоҳот ўтказилди. Чегара қўшинлари ҳақидаги янги кўрсатмага биноан ўнта чегара ўрамлари — цзе-ду таъсис этилди. Агар харитага қаралса, уларнинг жойлашишининг ўзида ҳам мазмун борлиги кўринади: 1. Анси цзе-ду: қароргоҳи Кучада, Фарбий ўлкани қўриқлаш учун таъсис этилган. 2. Бэйтин цзе-ду: қароргоҳи Илининг ўрта оқимидаги (Жунғория) Бешбалиқда. Тургаш ва қирғизларга қарши таъсис этилган. 3. Хэси цзе-ду: қароргоҳи Лянчжоуфуда

⁵¹ *Gwasha Lal Kant, Kashmir..., 36-37-6.*

(Нинся вилояти). Турклар ва Тибет ўртасидаги мулоқотни йўқотиш учун таъсис этилган. 4. Шофан цзе-ду: қароргоҳи Линчжоуда (Гансу вилояти, Хуанхэнинг чап қирғоғида). Туркларга қарши таъсис этилган. 5. Хэдун цзе-ду: қароргоҳи Тайюанфуда (Ордос). Шофандаги цзе-дуни қўллаб-қувватлаш учун таъсис этилган. 6. Фанъян цзе-ду: қароргоҳи Ючжоу – Ордос марказида. Хи ва киданлар таъзирини бериш учун таъсис этилган. 7. Пинлу цзе-ду: қароргоҳи жанубий Манчжуриядаги Инчжоуда. Шивэй ва мохэларни жиловлаб туриш учун таъсис этилган. 8. Лунъю цзе-ду: қароргоҳи Шанчжоуда. Тибетга қарши таъсис этилган. 9. Гиннан цзе-ду: қароргоҳи Юннан вилоятидаги Инчжоуда. Фарба Тибетга қарши, жанубда мане ва лаоларни тинчлантириш учун таъсис этилган. 10. Линнанидан беш фулик масофадаги алоҳида бўлинма, Лаосда осойишталикни сақлаш учун.

Ўнта цзе-дудан ташқари уч кузатувчи қисм ҳам таъсис этилди. Чегара қўриқчи қўшинларида (чжен-бин) жамъи 490 минг нафар киши¹ ва 80 минг от бор эди. То 713 йилгача чегара қўшинларини ушлаб туриш нисбатан қиммат эмас эди, 742 йилдан бошлаб ҳар йили 10200 минг парча газлама ва 690 минг ху ғалла керак бўла бошлади. Бу катта ҳаражат халқни хонавайрон қилиши табиий эди.² Аммо империя ҳукумати Осиёда устунликни сақлаш ва биринчи навбатда ҳоқонликни йўқотиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Вазият империяга кулиб боқа бошлади: ҳоқонлик ичида безовталиқ авж олди.

Турклар. Нисбий фаровон замонларда ҳам кўнгли тўлмаганлар топилади. Турк ўрдасида ҳокимият учун, рақиблар билан ҳисоб-китоб қилиш имконияти учун сарой тўдалари ўртасида бир-бири билан кураш кетарди. Билка қоон ва унинг ўғли Йўллиғ тегинлар аъёнларнинг ўзбошимчалигини бостириб туришарди, лекин Тангрихон даврига келиб ҳокимиятнинг жиловини хоним она – Тўнйуққунинг қизи қўлга олди. Ўрда одатий турк бошқарув тамойили асосида қурилган бўлиб, хон марказга қўмондонлик қиларди, шарқий шод ва ғарбий шод қанотларга қўмондон эдилар. Шодлар қон жиҳатидан шаҳзодалар бўлиб, сараланган лашкарга қўмондонлик қиларди. Хоним-она бошқарувни жазмани-оддий бир тархонга топшириб қўйди, бу олий қўмондонлар орасида минғир-минғир гапларга сабаб бўлди. Норозилиқнинг олдини олиш учун хоним-она ўғлини ғарбий шодни

¹ Бу саноқда хизматнинг ҳамма тури бор. Империя аҳолиси 742 йилда 48 млн кишига етди. 80 минг сувори, яъни сайёр қўшин вазифаларини бажариш учун унча кўп миқдор эмас.

² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 308-б.

қатл этишга кўндирди. Шарқий шод Панкул ўз аскарлари билан ўрдага ҳужум қилиб хонни ўлдириб, ўрнига марҳумнинг ўғлини хон қилди. Аммо Панкулнинг рақиби Яғу Қут (хитойча Гуду) янги хонни ўлдириб, ўрнига укасини ўтқазди. Сулола фалокатга гирифтор бўлди. Қут ўзи қўйган хонни ҳам ўлдириб, тахтга ўзи ўтирди (741 й.). Тахтга ғайри қонуний эга чиқиш йиғилиб қолган аламларни юзага чиқарди, дашт бўйлаб ариқларда қон оқа бошлади.

Ушбу давр ҳодисалари хитой воқеаномаларида мужмал ва чала ёритилган, аммо бу бўшлиқни “Селенга тоши” тошбитиги тўлдиралади.³ Бу тошбитик уйғур хони Мойунчурнинг қаҳрамонликларини абадийлаштиришга мўлжалланган. Гарчи яхши сақланмаган бўлса-да, бу манбанинг аҳамияти катта, чунки воқеаларга уйғур нуқтаи назаридан боқилади. Уйғур хони фаолиятини турклардан озод бўлиш учун жанглардан бошлаганлигини айтади, бу ҳақиқатга мосдир. Турклар уйғурлар устидан 50 йилдан кўпроқ (688 дан 741 гача) ҳукмронлик қилган. Уйғур йўлбошчиси отасидан шод унвонини мерос олиб, 742 йилда ўз тўқуз ўғуз халқини тўплади ва бирлаштирди.⁴

Ўша 742 йилда бир пайтнинг ўзида уйғурлар, басмаллар ва қорлуқлар кўзғалишди. Хитой манбаларида хира бир тарзда улар ғайри қонуний хонга ҳужум қилиб, уни жангда ўлдиргани аён этилади. Воқеа шундай бўлганлиги рост, лекин бутун бир халқ хўжалиги ҳалокатини, ғуссаларини ҳис этмоқ учун шунинг ўзигина етарли бўлармикин? Омадимиз чопиб, туркча битик бу фалокатни англашга имкон беради, хитой тарихёзари ҳиссиз ёзган мисраларни тўлдиреди.

Хоқонликнинг ғарбий чегараларини тардуш бекарлар бошлиғи, саркарда Кули чур⁵ қўриқлаган. Унинг ёши саксонга етган эди. У Қутлуғ Элтеришхонга сафдош бўлган, унинг ўғиллари юришларида эш бўлган. Бешбалиқда табғачлар билан, Инжударё (Сирдарё)да араблар билан, Селенга соҳилларида уйғурлар билан, Хинган ёнбағирларида татабилар билан савашган эди. Кўрсатилган қаҳрамонликлари учун “Ишбара” – қудратли ва “Билга” – доно унвонларини олган. У ботир ва қаҳрамон эди.

735 йилда Кули чур Ғарбий чегаралар хўжайини бўлди ва ўзининг кўтарилиш поғонасидаги чўққисини қозонди. Бу лавозимда у етти йил бўлди, қорлуқлар босқинида у “отга миниб, ҳамла қилди, енгди, оти ҳалок бўлди, бошқа от миниб... қўшинни етаклади, қорлуқлар... қорлуқларга... бориб... уйигача уруш қилиб борди.

³ Г. И. Рамстедт, *Перевод надписи “Селенгинского камня”, 40-47-б.*; С. Е. Малов, *Памятники..., 1959, 30-44-б.* Матн, транскрипция, таржима.

⁴ Г. И. Рамстедт, *Перевод надписи “Селенгинского камня”, 40-б.*; С. Е. Малов, *Памятники..., 1959, 38-39-б.*

⁵ С. Е. Малов, *Памятники..., 1959, 23-б.*

Қорлуқлар отга минди, шундай кўшин билан... тўр от... қорлуқлар... Элтабар ўзи келди, эш, эр ўртоғи келди, Эркин ўғли Йитанчур... кўшини савашди, у нишонга урди, эли олди, ўғли ва хотинлари уни... ҳоқони Ишбара Билга Куличур... ўлуқлар учун шундай урди. Ёғига бир ўзи ҳамла қилди, жангчилар кўп жойга ўзини урди, ўлғудай қийналди...”⁶

Вақт емирган, душманлар тирнаган бу битикда, кўк туркларнинг ватани учун ғаддор душман билан шафқатсиз курашга чорлаган шон-шавкати ҳақидаги дараклар сақланиб қолган. Кекса бир чол қилич тигига тик боради, отини йўқотади, бироқ мардлик уни тарк этмайди. Майли, битикда доғлар, яралар кўп, лекин барибир унинг узуқ-юлуқ гаплари, сўзлари ортида, даштдаги сароб орқали уфқда ҳамма томондан чавандозлар от чоптириб елишади, келишади, улар бар:1, ҳаммаси душманлар. Шимолда ҳам, жанубда ҳам, ғарбда ҳам қорлуқлар, чекиниш даркор, орқада эса уй ва хон. Ана, хон ўлдирилди, оиласи тутқун бўлди, шунда қариб қолган баҳодир кўриқлайдиган нарсасини йўқотиб қўйди ва ўз танасини душман оёқлари остига ташлади, уни боссинлар, тепкиласинлар, эзиб-пачақлаб ташласинлар. Зотан, у Иккинчи ҳоқонлик ҳукмронлигига доялик қилганлардан, унинг ўлимини кўришга истаги, ҳам мадори ҳам йўқ. Айнан мана шу Кули чурга ўхшаган турклар кўшнилари учун даҳшатли эди, улар бундай баҳодирлар қайтадан яна ҳеч қачон бизларни ваҳимага солмасинлар, деб бу урушга келган. Лекин ҳамма турклар ҳам саркардаси сингари бўлмади, унга эргашувчи бўлмади. Саломат қолган кўшин уйғурлар таъқибида “Қора қум”га чекинди.⁷

Иттифоқчилар ғалабадан унумли фойдаланиб, тезда ўз давлатини тузиб олдилар. Басмаллар йўлбошчиси хон бўлди, уйғурлар йўлбошчиси Шарқий ябғу, қорлуқлар элтабари Фарбий ябғу бўлди. Турк аъёнлари ҳам ўзларини ўнглаб олиб Панкулнинг ўғлини Ўзмиш унвони билан хон кўтарди.⁸ 716 йилнинг қонли кунлари қайта бошдан келди, лекин энди турклар бошқача бўлиб қолишган эди, Кул тегин бўғини қилган ишларга уларнинг ўғилларининг қурби етмади, гарчи булар ҳам ҳукмронлик иддаосидан воз кечмаган

⁶ *Ўша асар, 29-б.*

⁷ Г. И. Рамстедт (Перевод надписи “Селенгинского камня”, 41-б.) гап Гоби саҳроси ҳақида деб ўйлайди. Бу Жунғориядаги саҳро бўлса керак, чунки унинг теаварагида уйғурлар қорлуқ ва басмаллар билан кўшилишган эди.

⁸ *Хитойча талаффузи – Уси-миши-хан. Уйғурлар унинг холигини эътироф этмаганлар, уни Ўзмиш тегин деб аташган. Рамстедтнинг Ўзмиш уйғурларга асир тушди, деган тахмини нотўғри. “...хотинини асир олдим, ўзимга олдим. Турк сулоласи шундан сўнг йўқ қилинди” деган гап Ўзмишнинг салафи Баймэйхонга тегишли бўлиши керак.*

бўлсалар-да. Туркларнинг ўз-ўзининг исканжасида қолганлигини кўрган империя ҳукумати Ўзмишхондан империяга тобеликни эътироф этишни талаб қилди. Ўзмишхон рад этди. Аммо басмал, уйғур ва қорлуқларнинг бирлашган кучлари уни ўрдани ташлаб қочишга мажбур этди. Туркларнинг айримлари (беш минг ўтов) хоннинг ўғли бошчилигида самарасиз урушдан воз кечиб Империяга бўйсуннишни афзал билишди.

Турклар ўтмишдаги қонли зафарлари ва мағрурлиги учун ҳисоб берадиган фурсат этди. 744 йилда басмаллар Ўзмишхонни ўлдириб, калласини Чанъанга юбордилар.⁹ Бироқ туркларнинг ўжар қисми Кулолини ташламади ва тахтга мархумнинг укаси Баймэйхон Қулунбекни ўтқозишди.¹⁰

Ҳамма турклар ҳам омад қўлдан кетганлиги учун шундоққина ўлиб кетишни хоҳламас эди. Улар орасида “катта ғалва бошланди: аъёнлар басмал йўлбошчисини хон кўтардилар”.¹¹ Баймэйхон теваарагида фақат қадимги турк шуҳратини тиклашни истаган ашаддий тарафдорларнинг ҳам бир қисми қолди. 744 йилда кураш ҳали давом этмоқда эди.

Шу орада иттифоқчилар жанжаллашиб қолишди: уйғурлар етакчиси Пэйло басмаллар устига юриб, уларни тор-мор қилди. Басмал бошчиси Седе Иши қоғон¹²нинг калласини узиб Чанъанга жўнатиш билан бирга, Пэйлонинг Қутлуғ Билга ва Қулхон унвонларини эътироф этиш таклифи ҳам тақдим этилди.¹³ Мағлуб басмаллар қочган-қутганларининг оқсоқоли Бэйтинга қочди, бу ерда қолиш имкони йўқлигини кўргач, халқини ҳам ташлаб ўзи Хитойга кетворди. Басмалларнинг қолдиқларини қорлуқлар яна ҳам сиқиб кела бошлагач, улар уйғурларга бўйсуниб қўя қолишди.¹⁴

Бу тўс-тўполон туркларга қўл келиши мумкин эди, лекин бундан фойдаланиб қоладиган киши топилмади. Империяда ўтказилган аскарый ислоҳот мева бера бошлади. Империянинг Ордосдаги қўшини туркларнинг шарқий қанотига Сахэней тоғида зарба берди, апа тархон қўмондонлигидаги 11 уруғ тор-мор этилди. Баймэйхон хитой қўшинларини таъминлаб турувчи ҳарбий базаларидан

⁹ Liu Mau-tsai. *Die chinesischen Nachrichten...*, 261-6.

¹⁰ Хитойча: Баймэй-хон Хулун-фу, маъноси: “оққошхон, тои – бек.”

¹¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 278-б.

¹² В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 28-б. Шарҳ хитой “Цзунли Ямин”нинг (Илмий-тарихий қўмита) уйғур даври, Ўрхун ёдгорлиги хитой тилидагисига берилган.

¹³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 307-308-б.

¹⁴ Уша асар, 348-б. (Бу ерда “Таншу” матнида номувофиқлик бор: 307-бетда “басмал йўлбошчиси ўлдирилди”, 347-348 бетда “У Бэйтинга қочди”, балки бири ўлдирилган, бошқаси қочгандир, барибир ишончи эмас).

йирокроқдаги гарбий мулкида ўрнашиб олмоқчи бўлди, бироқ бу ерга ҳам уйғур ва қорлуқлар етиб келди. Турклар узил-кесил енгилди. Пэйло Баймэйхоннинг калласини Чанъанга юбориб, ўзи императорга вассал бўлганлигини билдирди.¹⁵

Туркларни ҳамма ерда бўрини тутиб ўлдиришгандай ўлдиришди, энди дашт узра олтин бошли бўри каллали байроқ ҳеч қачон ҳилпирамай кўйди.

Тирик қолган туркларга Билгахоннинг тули – Тўнйуқуқнинг қизи По-бег бошчилик қилиб, таслим бўлиш шартларини келишиб олгач, Хитойга олиб келди. Туркларни чегара қўшинларига қабул қилишди. По-бег эса малика унвонига ва беклик мақоми имтиёзларига эга бўлди.¹⁶ По-бег инсонларни қутқарди, лекин халқни қутқармади. Турклар худди бошқа кўчманчилар каби табғачлар билан чатишиб, уларга сингиб кетди.

Жаҳл отига минган уйғурлар душманлари қасосдан қутулиб қолганлигини кўриб, аламини ёдгорликлардан олди. Турк ботирларига қўйилган тош ҳайкалларнинг калласини узиб ташлай бошлашди. Кул тегин ёдгорлигини парча-парча қилиб, унинг ҳайкалини шунчалар бузиб ташладиларки, унинг парчаларини йиғиб олишнинг ҳам имкони қолмади.¹⁷ Мақсад фақат бузиш бўлган эмас, ундан ҳам муҳимроғи, турк элининг қайта тикланишига йўл бермаслик, тош ҳайкаллар билан бирга барча нарсанинг унут бўлишига интилиш эди. Уйғурлар ўз ниятларига етдилар, қадимги турклардан фақат ном қолди, холос.

Киданлар. Киданлар кўк туркларга содиқ иттифоқчи бўлиб келишган, лекин ҳоқонлик мавжудлиги барбод бўлгач, уларнинг қаршилиик кўрсатишида маъни қолмади. 745 йилда киданлар бош оқсоқоли курашни тўхтатди. У Сунгарий вилояти бошлиғи бўлиб олди.

Бироқ Манчжуриядаги чегара қўшинлари қисмининг бошлиғи Ан Лушан киданларни талаш ва уларга ҳужум уюштиришда давом этаверди. Ҳазабланган киданлар кўзғолон кўтаришди, лекин Ан Лушан уларнинг попугини пасайтириб қўйди. Аммо янги оқсоқол ҳам қаршилик қилишни давом эттирди. Хитойлар бу урушни бошловчиси сифатида Ан Лушанни кўрсатадилар, эмишки, у янги ғалаён чиқариб, кўзғолончиларни тинчитиш йўли билан ўзини кўрсатмоқчи бўлган. Шундай бўлган тақдирда ҳам унутмаслик керакки, чегара қўшинлари урушни ва ўлжани кўчманчилардан ҳам яхши кўрадиган жангари қабилалардан ташкил топган эди ва

¹⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 278-б.

¹⁶ S. Julien *Documents...*, 475-б.

¹⁷ I. Jisl, *Vyzkum Kulteginova pamatniki...*, 109-б.

тўқнашув юзага чиқиши мажбурий бир ҳолат эди. 751 йилда Ан Лушан 60 минг аскар ва татаб йўлбошчилари билан киданлар устига юриш бошлади.

Анча, яъни мўл йўл юриб қўйилганда (1000 ли-400 км.) ёмғир ёғиб камоннинг киришлари намланди. Татаблар киданлар томонга ўтиб кетди, улар империя қўшинига Шара-Мурэн соҳилида ҳужум қилиб, галаба қозонишди.¹⁸

754 йилда киданлар уйғурларга тобе бўлишди, шунинг билан Манчжурия бутунлай Имериянинг қўлидан чиқиб кетди. Ана шундан кейин чегарадаги урушлар нима учун тўхтаб қолгани, тўқнашувларни кўчманчилар эмас чегара каллакесарлари уюштиргани маълум бўлиб қолди.

Ғарбий ўлка. Турклар устидан галаба ва уйғурларнинг сохта тобелиги Империяга қимматга тушди, шу давр мобайнида, ғарбда араблар ва тибетликлар мустақамланиб олди. Лекин ўз кучига ишонган Хитой мунтазам қўшини¹⁹ Ўрта Осиёнинг шимолида пайдо бўлди.

747 йилда Ғарбий валий ёрдамчиси, асли корейс Гао Сян-чжи Тибет подшоси Сужа ражанинг куёви ҳокимлик қилаётган Кичик Болюйга юриш қилди. Гао Сян-чжи Кичик Болюйга тоғ сўқмоқлари орқали кириб борди ва маҳаллий аҳолидан сотилганлари ёрдами билан Сон (?) устидаги кўприкни қўриқловчи Тибет ҳарбий қисмини қириб ташлади. Болюйда Гао Сян-чжи ҳаммага ипак матолар совға қилиб чиқди, Сужани таслим бўлишга кўндириб, унга ёрдамга келган тибетликларни улоқтириб ташлади. Болюйда минг кишилиқ аскарарий қисм бор бўлиб, энди тибетликларга ғарбий ўлка йўли ёпилиб қолган эди. Гао Сян-чжи йўллаган аскарарий хабарида бу галабанинг аҳамияти жуда бўрттириб кўрсатилган: “Фолин (Византия), Даши (Араб халифалиги) ҳаммаси бўлиб 72 мулк қалтираб қолди ва Хитойга тобелик билдиришди”.²⁰ Гао Сян-чжи фақат ҳукуматиinigина эмас, ўз-ўзини ҳам алдади. Ғалабадан руҳланиб, араблар билан курашга отланди.

Айрим суғуд мулклари ҳали ҳам Империядан умид қилар ва мусулмон босқинига қарши ундан кўмак олишига ишонарди ҳам. Бироқ 748 йилда Бэйтин валийси Ван Чжен-сян бухороликлар билан урушга аралашиб қолди.²¹ Унинг ягона муваффақияти Иссиққўлдан узоқ бўлмаган Суяб кентини ишғол этиш бўлди.²² Шаҳар мутлақо

¹⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 368-б.

¹⁹ Grousset, *Histoire de L'Extreme-Orient*, 283-б.

²⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 321-б.

²¹ *Уша асар*, 314-б.

²² Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 303-б.

вайрон этилди. Бу муваффақият ҳам бўрттирилган бўлиши мумкин, чунки сал кейин Гао Сян-чжи Чоч билан Фарғона ўртасида қуролли тўқнашувга аралашади ва фарғоналиклар билан бирга 749 йилда Чочни истило қилади.²³

Суғудлар араб талончиларига қарши ёрдам олиш ўрнига хитой генерал таловчиларига дуч келди, бунинг устига хитойлар араб лашкари билан дуч келишдан қочинар ҳам эдилар. Лекин ҳодисалар мантиғи саркардалар хоҳишидан устун келди: тўқнашув барибир содир бўлди.

Суғуд беклари ғам-ташвишлари билан ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлсалар ҳам, улардан ҳам садоқат талаб қилинарди. Гао Сян-чжи Чоч ҳокимини хоинликда гумон қилиб тутуқлади ва Хитойга жўнатди, у ерда уни осдилар. Бу шафқатсизлик сабаби империя саркардасининг очкўзлиги бўлиб, осилган бекнинг бойликлари унинг қўлига ўтиши ҳаммага равшан эди. Бу ҳолат суғудларнинг узил-кесил араблар томонига оғишига сабаб бўлди. Ўлдирилганнинг ўғли Зиёд ибн Солиҳнинг мусулмон бўлинмасини олиб келди ва унга ўзининг суғуд дўсту ёрларини қўшиб Талас кентини қамал қилди. Гао Сян-чжи ва империя вассали қорлуқ отликлари қамалдагиларга ёрдамга ошиқдилар. Империя тарафида фарғоналиклар, қошғарликлар ва кучаликлардан 30 минг аскар қатнашди. Араблар ва суғудларнинг адади маълум эмас, ҳар ҳолда уларнинг сони ҳам кам бўлмаган. Икки томон лашкари Талас дарёси қирғоғидаги Атлахда 751 йил июлида дуч келишди. Беш кунлик шафқатсиз жанг натижа бермади. Бироқ ҳал қилувчи онда қорлуқлар Гао Сян-чжи қўшини ортидан зарба берди, империяликлар қирғинга учради. Гао Сян-чжи Хитойга қочиб қолди.²⁴

Халифат ғалаба нашидасини сура олмади. Абу Муслим ва Абул Аббосларнинг 750 йилдаги уммавийларга қарши қўзғолони халифатнинг барча кучини банд қилди. Талас ғолиби Зиёд ибн Солиҳ кўпсонли фитналарнинг бирига аралашгани ошкор бўлиб, жаллод қўлида ўлиб кетди. Айни чоғда, мағлубият хитойларни шу даражада қўрқитиб юбордики, улар ғарбни босиб олиш ўйидан ҳам воз кечвордилар. Империянинг ўзи синиш арафасида эди.

Талас жанги Ўрта Осиёда мусулмон маданияти хитой маданиятидан устун келиши масаласини ҳал этди, деган қараш ҳам бор. Аммо бир саваш бутун бир мамлакат тараққиёт йўлини белгилаб бериши мумкин эмас Тан империяси ғарбда ўз маданиятини ёймоқчи эмас, балки сиёсий ҳукмронлигини ўрнатмоқчи бўлди, бироқ буни амалга ошириб

²³ В. В. Бартольд, *Туркестан...*, II қисм, 200-б.

²⁴ E. Chavannes, *Documents...*, 142-143, 297-б.

бўлмасди. Кўчманчи уйғур ва қорлуқ хонликлари душманлигини йўқ қилиш имконсиз эди. Империянинг ҳарбий қудрати 751 йилда турли томондан зарбага учради: шарқда киданлар уларни тор-мор этди, жанубда тибетликлар ва янги пайдо бўлган Нанчжао давлати хавфи кучайди, ички зиддиятлар эса тез орада фожиаларга айланди, булар ҳаммаси Хитой ўз чегараси доирасида ивирсиб қолишига олиб келди. Талас жанги воқеалар занжирининг оддий бир ҳалқаси эди, холос.

Қорлуқлар. Қорлуқлар этник жиҳатдан туркутларга энг яқин қабила бўлишига қарамай, улар доимо чиқиша олмаганлар. Туркут-толосларнинг Олтой тармоғини йўқ қилиш ҳаракатида-650 йилда, ушбу тadbирни ўтказётган империя лашкарига қорлуқлар яқиндан ёрдам беришди. Бу ёрдамни Хитойда тобелик деб қабул қилишларига қарамай, қорлуқлар амалда фақат 657 йилда²⁵. Фарбий туркут ҳоқонлиги истило қилингандан сўнг Тан империяси таркибига кирди.

Империяга қарамлик қорлуқларга оғир ботмасди. Бу фақат уларнинг йўлбошчиси Хитой унвони олишини англаиб, бошқа ҳамма нарса ўз ҳолича қолаверарди. Иккинчи ҳоқонлик даврида қорлуқлар ўз мустақиллигини қаттиқ туриб қўриқладилар ва ниҳоят, тўлиқ ғалабага эришдилар. Лекин Талас савашида айнан қорлуқларнинг Гао Сян-чжи қўшинига хоинларча орқадан берган зарбаси жанг тақдирини ҳал этганлигига қарамай, улар Империя билан иттифоқини сақлаб қолишга ҳаракат қилар эдилар. Шунинг учун 744 йилда империяликларга ўтган турк ябғуси Абуси 752 йилда қўзғолон кўтариб Шофанни ишғол қилганида, 753 йилда қорлуқлар унга қарши чиқдилар ва фарб томондан ҳужум қилиб қўзғолончиларни мағлуб этдилар. Абусини қорлуқлар тутиб, хитойларга топширди, улар эса уни зиндонбанд қилди.²⁶ Қорлуқ ябғуси “Олтой подшоси” деб тан олинди.

Ўша вақтдан бошлаб қорлуқлар иши юриша бошлади. Ягона рақиблари бўлмиш тургаш хонлиги тушкунликка юз тутган эди. 756 йилда сариқ ва қора уруғлар орасида қонли қирғин бўлди.²⁷ Бу қирғин уларни қолган қувватидан ҳам маҳрум қилди ва 759 йилда қорлуқлар ҳужуми бошланганида қаршилиқ кўрсатишга мадори етмади. 766 йилга келиб қорлуқлар Еттисув, Талас, Чу водийси истилосини тамомлаб, Фарбий Тянь-Шангача етиб боришди.²⁸ Тургашларнинг бир қисми қорлуқларга тобе бўлди, бир қисми

²⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений... 1 ж., 347-б.*

²⁶ Liu Mau-tsai, *Die chinessischen Nachrichten...*, 261-б.

²⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений... 1 ж., 300-б.*

²⁸ *Уша асар, 347-б.*

шарққа – уйғурларга кетди Шундан бошлаб қорлуқлар Ўрта Осиёда дашт маданиятини ягона сақловчисига айландилар. Улар 200 йил ислом босимиға бардош бериб келди, ниҳоят 960 йилда ўзлари ушбу динни қабул қилишди. Энди Хитой билан муносабатлар узилган эди, қорлуқларда бунга эҳтиёж қолмаган бўлса, ажаб эмас.

Шунга қармай, хитойликлар ғарбий ўлкада “тўрт қалъани” кўлда сақлаб қолишга муваффақ бўлгандилар. Булар – Куча, Қарашар, Хўтан ва Жунғориядаги Бэйтинлар эди. Шато императорга садоқатини сақлаб келди, аммо уйғурлар улар билан Хитой орасини бузиб қўйгач, уйғурлар солиғи огирлик қилиб, музаффар Тибетга тобеликни афзал кўришди.²⁹

Тан империясининг ғарбдаги сиёсати таназулға учради. VIII юзийликнинг иккинчи ярмида Хитой ва Буюк Дашт икки бирига душман олам сифатида яна юзма юз келиб қолган эди.

XXVII боб

УЙҒУР ХОҚОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ


Уйғурлар. Уйғурлар ўз давлатини туркларникидан мутлақо бошқача тамойилда ташкил этишди. Тўққиз уруғ тўқуз-ўғуз қабиласининг ўзагини ташкил этар ва етакчи қабила эди, лекин хукмрон қабила эмасди. Басмаллар ва шарқий қорлуқларни бўйинсундирган уйғурлар уларни ўз таркибига тенг аъзо сифатида қабул қилиб олди.

Буғу, хун, байирқу, сиге ва киби каби олти теле қабилалари ҳуқуқ ва мажбуриятларда тўқуз ўғузларға тенглаштирилган эди. Хон ўрдаси Хангай ва Ўрхун дарёси оралиғига жойлашди. Чегара шарқда Ғарбий Манчжурияни, ғарбда Жунғорияни ўз ичига олар эди. Қорлуқлар билан уйғурлар ўртасидаги чегара 745 йилдаги ҳарбий тўқнашув натижасида белгиланди. Турклар мағлубиятидан кейин қорлуқлар уйғурларға қарши тургашлар билан иттифоқда бўлди, бироқ енгилдилар.¹ Ана шунинг натижасида қорлуқларнинг Қора Иртишдаги кўчкларни уйғур хоқонлиғи таркибига кириб қолди.

Гобидан жанубдаги чўлларни уйғурлар империяда қолдирди. Уйғурлар янги ҳудудларни эгаллаш иштиёқида бўлмасалар ҳам,

²⁹ *Уша асар, 359-б.*

¹ Г. И. Рамстедт, *Перевод надписи “Селенгинского камня”, 41-б.; С. Е. Малов, Памятники..., 1959, 39-б. Матнда ўн қабила, яъни ғарбий турклар ҳақида сўз кетади. Лекин охириги ғарбий турк хони Ашина Хин 740 йилда ўлдирилиб, ғарбий туркларнинг қолган қисми тургашларға қўшилиб кетганлиги учун, 745 йил учун “ўн қабила” атамаси қора тургашлар хонлигини ифода этишини тўғри деб ҳисоблайман.*



XI аср ұрталарында Марказий Асиё

кейинроқ улар мулкларини шимоли-ғарб йўналишида бироз кенгайтиришди. Қабилалар бирлашмасидан ташкил топган Уйғур ҳоқонлиги хонларга катта лашкар тўплаб, уларни ўзи истаганича тасарруф этишига имкон бермасди. Барча қабилалар кайфияти тинчлик ва осойишталикка мойил эди. Улар турклар чиқарган тўс-тўполонлардан чарчаган, ҳеч қандай ғалвасиз ором истар эдилар. Худди шу қатъият заминиди, ортиқча зиддиятлар олдини олиш учун Пэйло ўзини империя вассали деб тан олди. 747 йилда ундан тахтни мерос қилиб олган ўғли Мўйунчур Гэлэхон ҳар йили Чанъанга элчилик ташкил этиб жўнатар, тухфалар олар ва Империяга нисбатан мойил бир кайфиятда эди.²

Фуқаролар уруши. Тахтга қонуний ворис, шаҳзода, Мўйунчуршоднинг ўтириши негадир кутилмаганда, халқнинг қаршилигига дуч келди. Кўзғолон бошида яқиндагина марҳум хон кўлидан “ябғу” унвонини қабул қилган Тай Билга тутуқ турарди. “Қора халқ сотилди, айримлари Той Билга тутуқ ёнини олди ва уни ҳоқон кўтардилар”.³ Кўзғолончиларга киданлар, татаблар кўшилди;⁴ хон томонида, кутилганидек, отасининг уйғур хос аскарлари жанг қилди., бироқ кўп аъёнлар унга душман бўлиб чиқди. Туркларни эндигина тор-мор этган фахрийлар, халқ оммасидан, ҳатто уларни Шарқий кўшнилар кўллаб туришига қарамай, анча қудратли куч эди. Букегукдаги (?) икки кунлик савашда Мўйунчур кидан ва татабларни тумтарақай қилди, шундан сўнг қабиладошларини тўлиқ бўйсундирди. Аъёнларга қаттиқ жазолар белгиланди, аниқроғи улар дорга осилган бўлса керак.⁵ Авоҗ афв этилди. Шунга қарамай, хон бошқа ерга кўчиши билан яна кўзғолон аланга олди ва яна кидан ва татаблар кўмакка чақирилди. Лекин улар бир ой кечикди. Хон бўйинсунмас фуқароларни бўйсундириб бўлган эди, улардан жазо сифатида молини ва хотинларини тортиб олди.

² “Таншу”да Пэйло вафоти ва Мўйунчур тахтга чиқиши саналари кўрсатилмаган (Қаранг: Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 309-б.). Е. Бретшнейдер мутлақо нотўғри санани кўрсатган — 756 й. (Қаранг: Е. Breitschneider, *Medieval researches...*, 240-б.). Тўғри сана “Селенга тоши”да бор: тўғри йили = 747 йил (Г. И. Рамstedт, *Перевод надписи “Селенгинского камня”*, 41-б.; С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 39-б.).

³ Г. И. Рамstedт (*Перевод надписи “Селенгинского камня”*, 41-б.) қора халқ Мўйунчурга, айримларини ҳисобга алмаганда, эргашди деб ҳисоблайди. С. Е. Маловда эса: «Қора халқ менинг ҳокимиятимга содиқ эди» дейилган. Воқеалар оқими битикдаги баёнга зиддир, айнан қора халқ хонга кўп қаршилик кўрсатади ва куч билан бостирилади.

⁴ Гап саккиз ўғуз, яъни саккиз қабилали халқ ҳақида. Уша замонларда фақат киданлар шунга эдилар.

⁵ “Жиноятчи аъёнлар (ёки “номдор йўлбошчилар”),ни Кўк кўлимга берди” жумласини мен шундай тушундим (Г. И. Рамstedт, *Перевод надписи “Селенгинского камня”*, 41-42-б.). С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 39-б.).

Уйғур қўшини кидан ва татарлар билан Селенганинг шимоли-гарбида тўқнаш келди. Уйғурлар уларни янчиб бориб, дарё қирғоғига сиқиб қўйди. кидан ва татарлар чекинди, уйғурлар таъқиб қилди. Чекина бориб, киданлар билан татарлар ажралишди. Киданлар соғ-саломат чекина олди, лекин уйғурлар татарларга “Кейра булоғи ва Уч бирка”⁶(?) сойида етиб олишди, татар аскарларининг ярми асир олинди.

Ушбу юриш чоғида хон ўз халқининг янгидан қўзғалган қўзғолонини ҳам бостиришига тўғри келди. Шуни таъкидлаш керакки, хон ҳар томонлама ён босишларга ва келишишга интилди. У қўлга тушган қўзғолончиларни озод этиб, ҳиссий бир мурожаат ҳам қилди: “Той Билга тутуқ пастлигидан, бир-икки номдорларнинг пастлигидан, о қора халқим, ўлим ва касофатга дуч келдинг, лекин сен ўлмаслигинг, азоб тортмаслигинг керак! — дедим. — Яна менга кучингни, кўмагингни бер!” давомида маъюс ҳолда таъкидлайди: “Улар келишмади”.⁷

Қўзғолончилар яна бир марта Шўр Алтир (?) кўли ёнида тор-мор этилади ва фуқаролар тинчлиги ўрнатилади.

Бу ички урушнинг мазмуни ва сабабини мутлақо тушуниб бўлмайди, бироқ фуқаролар уруши билимдони Фаринат делли Уберти айтган эдики, “жанга бирорта ҳам жангчи бирор бир сабабсиз бориши қийин”,⁸ деб. Такрор-такрор ғазабланишлар натижасида шафқатсизланиш (бағри тошлик) бўй кўрсатадики, демак бу ўринда ҳам омманинг нафсониятига тегилган бўлса керак.

Бу урушни қуйи табақанинг юқори табақа билан кураши сифатида талқин қилиб бўлмайди, бинобарин, битик бир эмас, икки марта қўзғолонга аъёнлар раҳбарлик қилганлигини таъкидлайди. Шунинг билан бирга яна бир ҳолат борки, хоннинг лашкари фақат асилзодалардан ташкил топмаган кўринади. Демак, ҳодисалар сабабини бошқа томондан излаш лозим.

VII ва VIII юзйилликларда бутун Осиё келгинди динлар энди тарқалаётган бир майдонга айланди. Ғарбда ислом авж ола бош-ласа, шарқда буддизм ривож топди, шимолда эса Эрондан суриб чиқарилган несториан христианлиги ва манихейлик макон топди.

Христианлик ташвиқоти турк ҳоқонлиги ерида яхши ҳосил бермади, чунки турклар ўз дунёқарашларини давлат тамойиллари устида бунёд этди, бироқ ҳоқонликнинг қулаши ва уруш мафқурасилан

⁶ Г. И. Рамstedт, Перевод надписи “Селенгинского камня”, 41-42.; С. Е. Малов, Памятники..., 1959, 40-б.

⁷ С. Е. Малов, Памятники..., 1959, 40-б.

⁸ Данте Алигьери, Ад, пленъ X, стихи, 89-90.

қайтиш қирғинлардан омон қолган уруғлар орасида христианлик ташвиқоти самараси учун омил бўлиб хизмат қилди. Туркларнинг даштдаги ворислари қорлуқлар ва басмаллар эди, басмаллар ўз таркибига бошқалардан кўпроқ ҳоқонлик асоратларини мерос қилиб қўшиб олди.⁹ Айнан ўшалар орасида христианлик анча илдиз ота бошлади ва XIII асргача басмаллар наслидан бўлмиш арғинларда сақланиб келди.¹⁰ Аммо шарқда ҳам — уйғурлар орасида христианлар пайдо бўлди, буни иш давомида яна кўриб чиқамиз.

Чегара муаммолари ва ечими. Фуқаролик урушини зафарли яқунлаган Мўйунчур хон олдида иккинчи бир сиёсий вазифа пайдо бўлди: қайси қабилаларни ўз салтанати таркибига киритиши керак ва қайси бирларини киритмаслик керак? Чўл минтақаси ва кўчманчи турмуш тарзи шароитида бу вазифани адо этиш анча мушкул, чунки табиий чегаралар, масалан тоғ тизмаси керак бўлади. Бунинг учун Саян жануби ва Олтой ғарбидаги қабилаларни бўйсундириш даркор эди. Акс ҳолда уйғур кўчиқлари бўлиб ўтган уруш вақтидагидек, қўшнилари ҳамла қилиши учун очиқ бўлиб қолади.

Мўйунчур ўзига хос ғайрат ва шижоат билан ишга киришди. 750 йил баҳорида Енисей юқори оқимидаги Кем дарёси соҳилларида яшовчи чикларни истило қилди ва итоатни бўйнига олдиришга эришди. Шу йил кузида шимоли-ғарбий Манчжуриядаги татарларни таслим қилди. Лекин кейинги йили шимоли-ғарбдаги қайсидир қабила¹¹ қирғиз ва чиклар билан уйғурларга қарши кураш учун бирлашди. Энг хавотирлиси шу эдики, қорлуқлар қирғизлар ва чикларни қўлламоқчи бўлишди, уйғурлар бахтига улар бироз кечикиб қолишди. Мўйунчур чиклар устига 1000 кишилиқ бўлинма юборди ва тезда чикларни тинчитди. Уйғурларнинг кам сонли муҳофаза бўлинмаси қирғизларнинг учқур бўлинмаларини қувиб юборди, хоннинг ўзи асосий кучлари билан солларда Қора Иртишдан¹² ўтиб, қорлуқларни босди ва Бўлчу (Урунчу) дарёси бўйида бир вақтлар Кул тегин ва Тўнйуққ тургашларни тор-мор келтирган ерда мағлуб этди. Уруш шу билан тугамади, ўша бизга номаълум бўлиб қолган, кўзғолон бошловчиси бўлган қабила ҳали соғ-омон эди.

Битикда ғалаба санаси қуйидагича берилган: ўн биринчи ойнинг ўн саккизинчи куни. Уйғурлар ойларни қандай ҳисоблашган? Хитойча ҳам эмас, европача ҳам эмас, чунки ҳар иккаласи бўйича ҳам ўн

⁹ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 256-б.

¹⁰ *Книга Марко Поло, 94-б.*

¹¹ "Селенга тоши" матни шу ери бузилган, ўқиб бўлмайди.

¹² Г. И. Рамstedт, *Перевод надписи "Селенгинского камня"*, 44-б.; С. Е. Малов, *Памятники...*, 1959, 41-б.

биринчи ойда Иртиш музлайди. Бу матн, В. В. Бартолд ва П. М. Мелиоранскийларнинг “қадимги уйғурларнинг ой саноғи хитойча билан мос тушади, шекилли”¹³ деган фаразини йўққа чиқаради. Туркча вақт ўлчовида ўн ой бўлган. Ойларнинг номи асосан сонлар билан ифода этилган. Биринчи туркча ой, хитойларнинг учинчи ойига тўғри келган. Дастлабки икки ойнинг махсус номлари бўлган: улугой ва кичигой.¹⁴ Демак, бу ҳам тўғри келмайди.

Яздигирд давр ўлчови, унинг форсча йилойкуни билан ҳам мос келмайди: бунда йил 15 мартдан ва ўн биринчи ой – бахман – 9 январдан бошланади.¹⁵

Манихейлар Бобил йилойкунидан фойдалаганлар, бунда йилнинг биринчи ойи – нисон 3 апрелдан бошланади, ўн биринчи ой – шубат эса февралга мос келади. Демак, бу ҳам тўғри келмайди. Сурия йилойкунини шарқий христианлар – несторианлар ишлатишган, унда йилбоши 1 октябр бўлиб, ўн биринчи ой – аб – августга тўғри келади.¹⁶ Биз келтирган фактга фақат мана шу йилойкун тўғри келади. Агар биз айтганча бўлса, унда ёдгорликни тузувчиси Мўйунчур христиан бўлиб чиқади, у эса уйғур эканлиги шубҳасиздир, демак, уйғурлар орасида христиан жамоалар ҳам бўлган, деган мантиқий хулоса келиб чиқади.

Бу мулоҳаза ажабланарли эмас. Несториан епископлари Хирот ва Марва V асрда ҳам маълум эди. 635 йилда христиан тарғиботчиси Алопян Хитойга келган ва бу ерда жамоа ташкил этган.¹⁷ Христиан савдогарлари бир муддат яхудий тижоратчилари билан рақобатда бўлишган, охири яхудийлар Хитой билан Прованс ўртасидаги савдони ўз қўлларига тўлиқ киритиб олишган. Савдо шу даражада қизгин олиб борилардики, хитой тили, ҳатто Хазарэлда ҳам маълум бўлган.¹⁸ Турк ҳоқонлиги мафкуравий ва сиёсий таълимотининг зариф тизимида бегона динларга ўрин йўқ эди, бироқ карвон йўллари ва тижорий кентлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган Жунғория турклари кўчклариди, товарлар билан бирга бутун дунёни кезадиган гоёлар ҳам чўқар, ўрнашар эди.

Бу тахминлар, ҳеч қутилмаганда, воқеалар оқими жараёнида ўз тасдиғини топди. Навбатдаги 752 йилда уруш қайта бошланади, уйғурларга қарши бирлашмада басмаллар, тургашлар ва “уч

¹³ П. М. Мелиоранский, *Памятник в честь Кюль-тегина*, 142-б.; W. Barthold. *Die altturkischen inschriften...*, 4-б.

¹⁴ П. М. Мелиоранский, *Памятник в честь Кюль-тегина*, 2116-18-б.

¹⁵ Н. Ф. Кафанов, *Восточная хронология*, 216-218-б.

¹⁶ Н. С. Puech, *Le maniheisme...*, 29-б.; Н. Ф. Кафанов, *Восточная хронология*, 209-211-б.

¹⁷ P. Pelliot, *Les chretiens...*, 624-б.

¹⁸ L. Needham, *Science ans civilization...*, 681-682-б.

авлиё”¹⁹ бор эди. Бу галати ва сирли этник бўлмаган номни фақат бир усулдагина шарҳлаш мумкин: булар христиан жамоаси, учликка эргашувчилардир. Айнан ўшалар 751 йилда чиклар ва қирғизларни қўзғатган, маъжусий хонга қаттиқ қаршилиқ кўрсатган ҳам ўшалар, деб ўйлагим келади. Фақат шундай бўлгандагина тошбитикдаги: “Қорлуқларга ўз кишиларини юборди... Мен махфий тўполон қўзғайман, деди у, сизлар эса ташқаридан... мен сизларга қўшилишни истайман, деди у”,²⁰ дейилган гаплар тушунарли бўлади.

Ваъият ниҳоятда жиддий бўлса-да, Мўйунчур қўл остида фахрийлардан ташкил топган қўшин бор эди. Араб тарихчиси Кудаматайтишича, ўн нафар тўқуз ўғуз юзлаб қорлуқларга бас кела оларди.²¹

Жанг Ўтукан йишида, яъни Хангайда, Уйғурэлнинг қоқ марказида бўлди. Иттифоқчилар енгилди. Уйғурлар қорлуқлар ва тургашларни қувиб бориб етиб, бор буди-шудини тортиб олишди. Манба “уч авлиё”ни қайтиб тилга олмайди, бу гал уларни тинчйтишган кўринади.

Давомида матн анча қаттиқ шикаст кўрган. Аниқлаш мумкин бўлгани шуки, 753 йилда басмал ва қирғизлар билан шафқатсиз кураш давом этган ва уларга яна қандайдир турклар ҳам қўшилган, улар 720 йилда Олтойга беркинган турклар бўлиши ҳам мумкин.²²

¹⁹ Айнан “уч идук”. Матн тўлалигича мана бундай: “ташқи (душманлар) дан: уч қорлуқ, уч идук, тат... (етти ҳарф бузилган), тургишлар...”. Шубҳасиз, уйғур хони душманлари саноғи келтирилмоқда, демек, “идук” сўзи “тат...” билан бошланадиган кейинги сўз сифатловчиси бўлиши мумкин эмас. Охириги бузилган сўз навбатдаги этник номнинг бир парчаси: бўлиб, “уч идук”дан вержул билан ажратилиши керак эди. “Тат” “татар” сўзининг биринчи бўғини бўла олмайди (С. Е. Малов, Памятники..., 1959, 36, 41-6.), душманлар Уйғурэлнинг ғарбий чегарасида тўпланишган бўлса, у вақтда татарлар шарқий чегарада истиқомат қилишарди. Афсуски, матндаги бўшлиқда яна бир қабила номи бўлган сўз, “тургаш”дан олдинги сўз ўчиб кетган. Уни Жунгориянинг майда қабиаларидан бири деб ҳам тахмин қилиш мумкин. “Идук” сўзи қадимги турки матнларда доир манбаларидан келиб ватанини сифатлаб келади: “идук ер” (Култегин, 10.; Тўнйўжук, 38), уйғур матнларида — “осмондан индирилган”, “Худонинг чизган тақдири”, “дуо”, “хайрли” маъноларида ишлатилган (В. Радлов, Опыт словаря тюркских наречий, 1, 2, 1382-6.). “Уч” сони билан бирикканида, турки халқлар орасида христианлик ташвиқотида доир манбаларидан келиб чиқилса ҳам, уйбу бирикма христианликнинг “муқаддас учлиги” ифодаси эканлигига шубҳа қилинмайди. Васои (Reconnaissance..., 147-6.)да тилга олинган “Hi-dog-kas қабиласи” (Жунгориядаги басмалар ерида) жойлашган ўрни ва фонетик тиклашга кўра (“идук-кас а” қабиласи, яъни “муқаддас киши қабиласи”) христиан жамоасига тўғри келади. Унга Ne sag, зид қўйилади, бу сўзни Клаусон асосли равишда тиклайди ва уни Моничжоу, яъни м-ничей билан боғлайди (G. Clauson, A propos du manuscrit..., 15-6).

²⁰ Г. И. Рамстедт (Перевод надписи “Селенгинского камня”, 44-6.) тахмин қиладиги, бу сўзлар басмалар йўлбошчисига тегишлидир, бироқ уша ерда ҳали басмалар Уйғу элга қўшилмаганлиги ҳам айtilган, демек, ҳали уйғурларнинг ташқи душмани ҳисобланган. Бу ерда эса, душман ички эканлиги, у фитначи ва четдаги фикрдошларига муурожаат этгани аниқ айtilган.

²¹ В. В. Бартольд, О христианстве..., 22-6.

²² Л. Н. Гумилев, Алтайская ветвь..., 105-114-б.

755 йилга келиб, уруш уйғурларнинг тўлиқ ғалабаси билан тугади ва улар қорлуқлар кўчигини Саур ва Тарбағатайгача бўлган қисмини ишғол этишди. Уйғурларнинг яна ғарб томон силжишига, ўша вақтда кўчиги то Волганинг қуйи оқимигача чўзилган печенеглар йўл қўймади.²³ Бу жангари халқ бутун қўшнилари: хазарлар, қипчоқлар ва ғузлар билан жанжаллашиб чиққан эди. Шунинг учун уйғурларга қўл келадиган шафқатсиз уруш бир дақиқа ҳам тўхтамаган ва уларга ғарбий чегараларини тиклаб олишга имкон берган эди.

Киданларнинг ихтиёрий бўйсунishi Уйғур ҳоқонлиги шарқий чегараларини мустаҳкамлаган бўлса, Ан Лушан кўзғолони ва ундан кейинги Хитойга юришлар жанубий қисмини ўлжалар ҳисобига бойитди. Шимол томон эгалланмай қолган эди, бу ерда қирғизлар то 758 йилгача қаршилиқ кўрсата олди. Мағлуб бўлиб, итоат билдирган қирғизлар ўз-ўзини бошқаришини йўқотмади. Уларнинг бошчиси уйғур хонидан “кехан” сифатловчисисиз “Билга тўнг эркин”²⁴ унвонини олди. Бу ерда вассал деб атаб бўлмайдиган бир тобелик шакли борга ўхшайди ва бу шакл жамоанинг эркин аъзолари (оғузлар) ва аскарий тутқун қуллар ҳамжамиятида феодал муносабатлар бузилиб кетишини тизгинлаб турмоғи керак эди.

Шимол ва ғарб томон олиб борилган босқин табиий чегараларга тақалиб тўхтади. Уйғурлар қўшиб олинган қабилаларини қўноқ-мехмон дейишарди, турклар устидан ғалабани ўз салтанатининг иккинчи бир юксалиши ҳисоблар ҳамда «тахтга ўтирган хон халқни ўз болаларини бошқаргандай идора эташи»²⁵ ёки «курк товук тухум босгандай»²⁶ иш тутиши керак, деб билар эдилар.

Бунда акс эттирилган гуллаб-яшнаш ва бахтли ҳаёт манзараси бўёғи бўрттириб берилган, лекин муҳими ҳаммани тиз чўктирадиган ўрда ўрнига улгу сифатида қадимий ҳаёт тарзи илгари сурилган.

Уйғурлар ва қўшнилари. Айтиб ўтилдики, уйғур қабилалар бирлашмаси таркиби ҳукмрон, аниқроғи етакчи тўқуз ўғуз (буғу, хун, байирку, тўнгра, сиға ва кибилардан ташкил топган теле, шарқий қорлуқ ва басмал қабилаларини қўшиб олган ҳолда) ўзаро юридик тенг ҳуқуқли бўлган қабилалардан ва биз қуйида тўхталадиган бир неча бўйсундирилган қабилалардан ташкил топган эди. Тобе қилинган қабилалар тўқуз-ўғуз қабиласидан чиққан

²³ J. Vacot, *Reconnaissances...*, 147-б.; В. В. Бартольд, *Отчий...*, иловаси (Гардизийнинг китобидан турклар ҳақидаги “Хабарлар безаги” бобининг таржимаси) 120-б.

²⁴ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 147-б. Хитойча: Пицьсье-тунг-йе-синь. Айнан таржимаси: “доно, улуг жиян” ёки “тобе дохий” (G. Clauson. *A propos du manuscrit...*, 14-б.).

²⁵ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 21-22-б.

²⁶ G. Schlegel, *Die chinesischen Inschriften...*, 128-б.

Яглакар хон хонадони фойдасига хирож тўламоғи лозим бўларди. Тўқуз ўғузларга фақат иттифоқдош қабилалар орасидагина эмас, балки “савашларда доим олдинги сафда юрадиган”²⁷ басмал ва қорлуқларга (чунки буларни камроқ эҳтиёт қилишган) нисбатан ҳам имтиёзли ҳолат таъмин этилганди.

Энг муҳими уйғурларнинг бирлашмага кирмаган қабилалар билан муносабатини биз бир неча бор узиндилар олиб фойдаланганимиз VIII асрга оид Тибет географик ҳужжати туфайли ўрганиш имконига эгамиз.²⁸

Ушбу ҳужжатга биноан, Нонни соҳилида Уйғурэлдан шимоли шарқда яшовчи киданлар муайян мустақиллигини сақлаб қолганлар. Уларнинг йўлбошчилари ҳоқон унвони билан атала бошланган, гоҳида уйғурлар билан жанжаллашиб ҳам туришган, лекин хитойлар билан эски душманлиги юзасидан, кўпинча уйғур билан иттифоқ бўлишга ҳаракат қилишган. Татаб ва қора кибилар²⁹ ҳам худди шундай бўлганлар (бу ерда кибиларнинг бирлашмага кирмаган қисми ҳақида гап боради). Булардан шимолроқда, Амурда ўша пайтда, асосан, балиқ ови билан шуғулланган татарлар, Байкалортида эса чорвадор долеман (шарҳланмаган ном³⁰) қабиласи яшаган. Уйғурэлнинг шимолий чегарасида Қирғиз хонлиги жойлашган бўлиб, уйғурларга хирожни самуъ териси билан тўлашган. 711 йилги мағлубиятдан сўнг бир неча қабилага бўлиниб кетган³¹ ва бу уйғурларнинг улар билан алоқа қилишини енгиллаштирган. Жанубий Сибирда қирғизлардан бошқа яна бир неча қабилалар яшаб, (йедреларнинг етти қабиласи (Саян-Олтой угорлари — шорларнинг аждоди бўлса керак) ва кучугур — ку-кижи — олтойлилар), улар уйғурлар билан доимий уруш ҳолатида бўлганлар.³²

Бу уруш Уйғурэлни ҳолдан тойдириб, чегаранинг худди шундай кескин бўлиб турган бошқа қисмларига эътибор қаратишига имкон бермади. Сибир томонидан бўлган таҳдиднинг қуввати ҳақида афсонавий ривоятлардаги шимолда яшайдиган буқатуёқ одамхўр инсонлар, ўлмас дев ва инсонларга ҳамла қиладиган даҳшатли ҳайвонлар тасаввур беради. Бу ривоятларда ягона бир мазмун бор:

²⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 308-б.

²⁸ J. Bacot, *Reconnaissances...*, 147-б.

²⁹ *Ibid*, 157-б. (notes de P. Pelliot).

³⁰ G. Clauson. *A propos du manuscrit...*, 2-б.

³¹ Дж. Клоусон *Khe-ched, Hir-kis, Gir-tis, Hir-tis* турли транскрипциялардаги қирғиз номларидан бошқа нарса эмас, деб кўрсатади (*Ibid*, 23-б.). Лекин бу ҳалқлар номининг ёзилишигина эмас, уларнинг географик макони ҳам фарқ қилади. Мен VIII аср урталарида ягона қирғиз хонлиги йўқ эди, ҳар турли ёзилиш қирғиз халқининг сиёсий парчаланишининг акс этишидир, деган хулосага келдим.

³² Қиёсланг: J. Bacot, *Reconnaissances...*, 152-б. (notes de P. Pelliot).

бу шимолдан бўладиган даҳшатли хатарга диққатни тортишдир, бу жиҳатдан уйғурлар ҳақиқатдан жудаям йироқлашиб кетмаган эдилар.³³

Тибет географи Олтойга³⁴ ва унинг жануброғига икки халқни жойлаштиради. Биринчи халқ ҳар томонидан шунчалик ўраб олинган бир мамлакатда яшайдики, хатто қорлуқлар ҳам у ерга кириш йўлини билмайдилар. Уларга “Ики ил кур эркин” (икки бирлашган қабила доҳийси) унвонли йўлбошчи бошчилик қилади. Булар, шубҳасиз, Жанубий Олтойга беркинган ва ўзларига одатий “толис тардуш” тизимини таъсис этган туркларнинг қолдиқлари бўлиб, Телец кўли ва Чуй водийсида яшаган толис ва тодош суяклари (уруғлари) уларнинг давомидир.³⁵

Иккинчи халқ ибилку деб аталган ва улар Кулуг кул Чур туркларидан³⁶ келиб чиққан чумугунлар бўлиб, VIII юзйилликда қорлуқлар ва тургашлар ўртасида яшашига қарамай, мустақиллигини сақлаб қола олган ягона чу қабилаларидандир.³⁷ У қабила ери Тарбағатайдан ғарб томонда жойлашган.³⁸ Жунғорияда ҳаммага маълум басмал ва қорлуқлардан ташқари яна байиркулар ҳам яшаган. Бу кўпсонли ва 747 йилда уйғурларга қарши басмаллар тарафида туриб савашган қабиланинг бир қисми ушбу дўст қабилаларнинг маконига келиб жойлашган бўлса керак.³⁹ Кейингиси ўғроқ қабиласи, эрадан аввалги I юзйилликдан уга⁴⁰ номи билан машҳур қадимий қавм бўлиб, Жунғориянинг туб аҳолиси ҳисобланар ва тургашлардан шарқда яшар эдилар. Тургашлар, аниқроғи, шу номдаги халқнинг қолдиғи Ўрта Осиёга ўрнашиб ҳукмронлик қилаётган арабларга душманлик қайфиятини сақлаб келар ва уйғурларнинг содиқ иттифоқдоши бўлиб келмоқда эдилар. Ғарбда уйғурларга душман

³³ Барханлардан шимолда яшайдиган ит халқи ривояти билан қиёсланг. Тадқиқотлар натижасида, улар туркутлар шунча уринишига қарамай, мустақиллигини сақлаб қолган ғузлар бўлиб чиқди (J. Bacot, *Reconnaissances...*, 147-б.; G. Clauson. *A propos du manuserit...*, 15-б.

³⁴ *Hi-Kil-rkor-kin* (J. Bacot, *Reconnaissances...*, 147-б.).

³⁵ Н. А. Баскаков, *Алтайский язык*, 28-29-б.

³⁶ J. Bacot, *Reconnaissances...*, 147-б.

³⁷ G. Clauson. *A propos du manuserit...*, 16-б.

³⁸ Гардизи кимакларни ушбу маконга жойлаштирган (В. Бартольд, *Отчий...*, 105-107-б.). “Кимак” номи ўрта аср хитой географларига таниш эмас, худди “чумугун” араб ва форс географларига номаълум бўлганидай. Шунинг учун униси ҳам, буниси ҳам бир халқни назарда тутяпти, деб бемалол тахмин қилиш мумкин. Гардизийда баён этилган “кимак оқсуяклари татарлардан келиб чиққан” тушунчаси X асрга тааллуқли бўлиб, бу ўринда етарли асосларга эга эмас. Бу киданлар кўл остига ўтган татабларга алоқадор (Қаранг: В. В. Григорьев, *Восточный или китайский Туркестан*, 209-б.).

³⁹ G. Clauson. *A propos du manuserit...*, 14-б.

⁴⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 91-б.; Л. Н. Гумилев, *Хунну*, 169-б.

қабилалар: печенеглар ва “қора чавандоз”⁴¹ қабилалари жойлашган. “Қора чавандоз” деганда уйғурларга ихтиёрий бүйсунмаган тургашлар тушунилмоғи тўғри бўлар, деб ўйлаймиз.

VIII асрда ҳамма ёқда — шарқда, шимолда, ғарбда қабилалар бўлинмоқда, ажратилмоқда, қўшилмоқда, аралашиб кетмоқда эди, чунки Эрон орқали Даштга кириб келаётган янги маданият кишилар олдиға янги вазифалар қўймоқда, бирлашишнинг янги тамойилларини белгилаб бермоқда эди. Бу тамойил — дин, эътиқод эди.

Дин алмашиниши. Уйғур ҳоқонлиги бунёдға келиши жараёни билан ёндош ҳодисалар мафкуравий алмашиниш билан боғлиқдай кўринади, чунончи бу даврда Уйғурларда давлат дини пайдо бўлдики, бу бутун Ички Осиё учун бир янгилик эди. Хунлар, турклар ва қадимги мўғуллар ҳаётнинг, олам тартибининг адолатли манбаи “Абадий Кўкка эътиқод қилиб, уни моддий Кўк осмондан”⁴² фарқлаганлар ва унга сиғинишни ота-боболар руҳиға сиғиниш билан аралаштириб юбормаганлар. Ҳар икки эътиқод бу халқлар учун келгинди бўлиши мумкин эмас: Абадий осмон умуминсонийдир ва унга эътиқод ҳам барча халқлар учун хосдир, аждодлар эса ўзиники, унга бегоналар сиғиниши, эъзозлаши мумкин эмас.⁴³ Бунга ўхшаш Кўк-Ер эътиқоди уйғурларда ҳам бўлган, лекин Идиган хон замонида у манихейлик билан алмаштирилди.⁴⁴

Уйғур христианлари фуқаролар уруши палласида хонға қарши томонда курашиб, қаттиқ хатолашдилар. Уларнинг обрўси тушиб кетди ва бу манихейлар йўлини тозалади.

Мўйунчурхоннинг ўзи эски динға эътиқод этарди. Бу тошбитикдаги матндан ҳам кўриниб туради. “Мен ёзда ўзимнинг читимда яшадим, у ерда мен яка (яка якаладим) ўрнатдим”.⁴⁵ “Яка” сўзини Рамстедт таржимасиз қолдирган, лекин унинг маъноси вариантини С. Е. Малов топди: “тўлов”, баъзан “ижара”.⁴⁶ Мазкур матнда бу омадли юриш учун шукроналик ибодатини англатади.

⁴¹ Тибетча матнда: “На-ла-уй-лог — кўп сонли ва гуллаётган турк қабиласи. Шу ердан энг яхши турк отлари олинади” (J. Bacot, Reconnaissances..., 147-). Клозон бу қабилани Усрушан ва Фарғонаға жойлаштириб қўяди (G. Clauson. A propos du manuscrit..., 17-б.), яъни ўша вақтда тургашлар мулки бўлган ерларға жойлаштиради. Бундай ўқилишни таклиф этаман: “Қара юн(т)лиқ” — юнт “от”дир. Шундай бўлганида “қора отлиқ” келиб чиқади. Уша кезларда бу фақат тургашларға тегишли бўлади (қиёсланг: Тургашлар ҳақида Гардизий маълумотлари — В. В. Бартольд, Отчий..., 125-б.).

⁴² Д. Банзаров, Черная вера, 6, 15-б.

⁴³ Г. И. Рамстедт, Перевод надписи “Селенгинского камня”, 41-б.

⁴⁴ P. Pelliot (La Haute Asie, 17-б.) манихейликни Мўйунчурхон қабул қилган, деб хисоблайди (бу ҳақда кўйироқда).

⁴⁵ Г. И. Рамстедт, Перевод надписи “Селенгинского камня”, 44-б.

⁴⁶ С. Е. Малов, Памятники..., 1951, 384-б

Ўрхундаги хитой тилида ёзилган матнда манихейликни қабул қилиниши “Дэнли логу (юй) Момишисйеду Дэн миши хэ Гюйлу”⁴⁷ деган хон билан боғланади ва бу Ши Чао-и қўзғолони бостирилгандан кейин юз беради, яъни 763 йилдан сўнг. Бу Хуай Эн қўзғолони чоғида хитой-уйғур иттифоқчилигидаги узилиш даврига тўғри келади. Хитойда манихейчилик ниҳоятда нохуш кўрилиши ва христианликка бепарқлик назарда тутилса, диний ва сиёсий бузилишлар уйғунлигини кўрамыз. Шундай қилиб, уйғурларнинг манихейликка ўтиш санаси 766-767 йил бўлади. гарчи манихейчилик VII-VIII асрларда бутун Осиё бўйлаб тарғиб, ташвиқ этилган бўлса-да, у фақат уйғурларда⁴⁸ маҳкам илдиз отиб, ўрнашди. Уйғур хонлари бундан буён Хитой⁴⁹ ва Ўрта Осиёдаги⁵⁰ ўз диндошларини астойдил ва ғайрат билан ҳимоя қила бошлади.

Шундай қилиб, Уйғурларда мафқуранинг тубдан ўзгариш факти ҳеч қандай шубҳасиз аниқланади. Таассуфки, хитой ва араб манбаларида бу борадаги хабарлар узук-юлуқ бўлиб, ўзгариш қандай шароитда ва қачон рўй берганлигининг тафсилотларини тасаввур этишга имкон бермайди. Шундай бўлса ҳам, бу бўшлиқни тўлдиришга Ўрхун дарёси бўйидан топилган уйғур ёдгорлигининг хитойча матни ёрдам беради. Яхши сақланмаган бўлса ҳам, бизни қизиқтираётган масалага дохил сатрларни тиклаш билан қимматбаҳо маълумотлар олинди.⁵¹ Маълум бўлдики, Идигян⁵² даъватчиларни ҳузурига таклиф этиб, энг олий даъватчига ўз амалдорларини даъват этишга шароит туғдиради. У ажойиб нотиқ бўлиб чиқади: “унинг мулоҳазалари сувдай оқиб келарди, шу боис уйғурларда ҳаққоний таълимотга йўл оча олди”.

Уйғур аёнлари “аввалги гуноҳларидан тавба қилиб... бу таълимотни оммалаштириш, бегона ахлоқни озуқа мамлакатига айлантириш (озуқа соҳаси),⁵³ қотиллик салтанатини яхшилиқ мулкига эврилтириш борасида фармон олдилар”.

⁴⁷ “Тенгри улук куч мунмиш кат Дэнмиш кат кучлук кэхан” айнан: “Тангри юксай куч минган жуда Дэнмиш (?) жуда кучли хон”.

⁴⁸ В. В. Бартольд, *О христианстве...*, 18-б.

⁴⁹ Р. Pelliot, *La Haute Asie*, 17-б.

⁵⁰ В. В. Бартольд, *О христианстве...*, 13-б.

⁵¹ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 13-б.

⁵² Пельо ва Васильевлар ўйлаганидек Муйунчур эмас, балки айнан ўша. Бу ҳақда ўша битикнинг сугудча матни ҳам гувоҳлик беради. “нурли дин”ни қабул қилган хон Кул-билга хон, яъни Муйунчурнинг ўғлидир. Унинг унвони: “Тангрида бўлмиш Эл этмиш Билга ҳоқон”, “Осмонда пайдо бўлган, давлат тузган доно ҳоқон” Сугуд матни қисқа бир парча бўлса ҳам, хитойчасидан кўра равондир: “Куфр қонунимиз бор эди. Қачонки ... осмон эгаси ... алангали ёрқин таълимотни Моний қабул қилди ... шундан сўнг фалак эгаси ... Ҳаммага ... у ерда деду: “Қабул қилинг!” Шунинг учун биз сажда келтирдик” (О. Hansen, *Zur Sogdisdien Inschrift ...*, 16-18-б.

⁵³ “Маънавий озуқа” назарда тутилади.

Диний ислоҳот амалга оширилди. “Юқоридагилар қандай қимирласа, қуйидагилар шундай гимирлайди”. “Дин шоҳи”⁵⁴, яъни Бобилдаги манихейлар отаси буни маъқуллади ва “барча руҳоний ва роҳибларга давлат ичига кириб давъат этишни буюрди”.

Битикдаги матн билан Жувайнийнинг уйғурлар динини ўзгартириши ҳақидаги баёни тўлиқ мос тушади. Жувайний уларда “жоду илми” борлиги ва бу соҳа ихтисосларини “кам” дейишларини таъкидлайди. У уйғурлар қарашлари тизимини дин эмас, балки арвоҳ ва жинлар билан мулоқотда намоён бўладиган “амалий фаолият” деб ҳисоблайди (арвоҳ-жин//инкуб-суккублар билан мулоқот). Биз ҳам буни дин демаган, балки жодугарлик деб атаган бўлардик. Камларнинг таъсир доираси чексиз бўлган, улар ҳам даволаган, ҳам фол очган. Хусусан фол очиш хислати уларни хон ва бекларнинг маслаҳатчиларига айлантирган. Бу шаманизмнинг мумтоз бир шакли бўлиб, яхши ўрганилган ва у аслий эмасдир. Жувайний манихейларни “туин” деб атайтиди, улар “ном” – қонун китобини ўзлаштирган кишилардир. “Ном” форс сўзи бўлиб, ҳозиргача мўғул тилида муқаддас китобларни шундай аташади. Манихей даъватчиси Хитойдан келган. Жувайний замонида эса, Хитой деб Еттисувни атаганлар. Жувайний кам ва манихейлар орасидаги мунозарани батафсил келтиради: “...ҳар икки гуруҳни бирини иккинчисига қарши қўйдилар, бу билан ютиб чиққан томоннинг диний қоидаларини ўқиш керак бўлиши таъкидланди. Номчилар ўзларининг Ном” китобини ўқий бошладилар. “Ном” уларнинг билими ва ақидаларидир, унда бўлмағур ривоят ва ҳикоялар билан бирга барча пайғамбарлар кўрсатмаларига уйғун яхши ўғитлар, жумладан, бировни ранжитмаслик ва адолатсизликдан тийилиш, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш, ҳайвонларга озор бермаслик кабилар бор. Диний таълимоти ва эътиқоди серқиррадир, барибир, уларга энг яқини жоннинг кўчиб юришига (таносухга)ишонувчилардир... Улар “Ном”дан бироз ўқиғач, камлар жавобсиз ўтириб қолишди. Шунинг учун (уйғурлар) бутпарастликни қабул қилишди (манихейликни, Жувайний шаманизмни ҳатто маъжусий динлар қаторига ҳам қўшмайди) ва кўпчилик қабилалар уларга эргашди”.⁵⁵

Гарчи Жувайний ва битиклар матни бир-бирига яқин ва айнан бир ҳодиса ҳақида сўзласалар-да, шу нарса очик аёнки, XIII аср тарихчиси

⁵⁴ Буддавийларда бундай унвон бўлмаган.

⁵⁵ Узинди В. В. Радловдан, *К вопросу об уйгурах*, 60-61-б. олинди (Қиёсланг: *Ата Malik Juvaini, The History...*, 59-61-б.). уйғур хонини Жувайний Букухон деб атайтиди, сўғуд матнида у Бугу ҳоқон. Бу Жувайнийнинг уйғурларнинг дин ўзгартиришини бизгача етиб келмаган сўғуд хужжатларидан олганлигини кўрсатади (Қиёс: *O. Hansen, Zur sogdischen inschrift...*, 18-б.).

ўз даврида Марказий Осиёда унут бўлаёзган манихейчилик билан, голиб бўлган буддавийликни қоригириб юборган. Манихейларнинг “комил инсон”ини хитойча tao-жепдан (айнан: “Тариқат йўлидаги инсон, буддавий комиллашиш”) ҳосил бўлган туркча “туин” сўзи билан атайди. Яна у ўзининг замондошлари бўлмиш буддавий уйғурларни қадимги манихейлардан ажрата олмай, юқорида зикр этилган мурожаат туфайли улар исломнинг шарқдаги энг ашаддий душманларига айланди, деб таъкидлайди. Бироқ турли хил эпиграфик ва бошқа манбалар хабарлари жалб этилса бу буддавийликка эмас, балки манихейликка ўтиш бўлганлиги тасдиқланади.⁵⁶

Янги динга ўтиш шиддати қанчалик бўлганлигини 768 йилда уйғурлар хитойлардан тўртта вилоятда бутхона қуришни илтимос қилганларидан⁵⁷ ҳам билса бўлади. хитойлар бунни жудаям истамай бажардилар. Хитойликларни бошқа динлар орасида айниқса, манихейлик энсасини қотиришига сабаб, баъзи танланган кишиларга оила қуришни ман этиб, кўпчилик бўлиб бузуқчилик қилиб, вужудни кемиришга рухсат бериши эди. Бундан ташқари манихейларнинг ўзлари ҳам уларга нисбатан муносабат қаттиқлашишига сабабчи бўлишган: ўша шафқатсиз замонда ҳам улар бошқа диндагиларга нисбатан сабрли бўла олмаганлар.

Бу ҳақда битик матнининг ўзи биринчи галда сўзлайди: “Кофирлар нодонликдан шайтонни будда дедилар”.⁵⁸ Буддавийларни христианлар ва мусулмонлар мажусий деб баҳо берганлар, лекин ҳеч қачон шайтон қавми ҳисобламаган, яъни улар жуда ҳам ошириб юборганлар. Шундай маълумотлар ҳам борки, манихей бутхоналарида Иблис тасвирланган бўлиб, Будда унинг оёқларини юваётган ҳолда экан.⁵⁹ Табиийки, буддавийлар бунни учига чиққан таҳқирлаш деб қабул қилганлар.

Бу камлик қилгандай, ўзлари голиб бўлгач, мағлуб дин роҳибларига нисбатан, яқиндагина ўзларига қўлланган чораларни ишлата бошладилар. “Барча йўниб ишланган, чизилган иблислар тасвири ёқиб юборилсин, руҳларга ибодат қилаётганлар, иблисларга топинаётганларни кўшиб...”.⁶⁰ Уйғурларда буддавийларга ҳам осон

⁵⁶ В. В. Радлов (*К вопросу об уйгурах, 60-б.*) айтиб ўтганидек, Н. Риеш (*Le manichéisme*) уйғурлар дин ўзгартириши санаси деб 763 йилни кўрсатади, лекин бунни асослаб бермайди.

⁵⁷ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 33-б.; E. Chavannes et P. Pelliot, *Traite manicheen...*, 193-б.

⁵⁸ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 33-б.; E. Chavannes et P. Pelliot, *Traite manicheen...*, 193-б. Шлегел бошқачароқ таржима қилган: “руҳларни худолар дейишган” (Q. G. Schlegel, *Die chinesischen inschriften...*, 130-б.), бу мужжал ифода унча аҳамиятли эмас.

⁵⁹ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 34-б., 2-изох.

⁶⁰ Ўша асар, 23-б.; G. Schlegel, *Die chinesischen Inschriften...*, 130-б.; E. Chavannes et P. Pelliot, *Traite manicheen...*, 194-б. Ушанда Уйғурларда жуда кўп қабрусти турк ҳайкалларининг

бўлмаган кўринади. Манихейликни тантана қилиши уйғурларни ҳамма кўшнилари билан муносабатини бузди: Ўта Осиё мусулмонлари, Тибет буддавийлари, Хитой конфуцийчилари, Қирғиз хонлиги шаманлари — барчаси янги таълимотни ёввойи бир бузуқлик сифатида қабул қилишди. Ўз вужуди билан толиқтирувчи тийилишлар воситасида курашиш йўлини ва худди шундай толиқтирувчи ахлоқсизликни Уйғур хонлигининг қуйи табақалари қабул қилишига ишониш қийин. Бироқ “тарих айтадики: Хуйху кэхани Мони (й) бир умумий давлатдир”,⁶¹ яъни уйғур хони манихей жамоаси билан шунчалик боғланиб қолдики, унинг эли тахт ва меҳроб иттифоқига айланди.

Уйғурларда манихейлик қабул қилиниши ёзувни ўзгаришига олиб келди — янги алифбе қабул қилинди, унинг номи уйғур ёзуви бўлди. У янги суғуд ёзувидан келиб чиққан бўлиб, соддалиги ва қулайлиги билан ажралиб туради. Қаторлар юқоридан пастга ва чапдан ўнгга қараб ёзиб, ўқилади.⁶² Ушбу алифбе билан манихей, христиан ва мусулмон матнлари ёзилган ҳамда Турфондан топилган юридик ҳужжатлар ҳам мазкур ёзувда битилган. Энг қадимгиси манихей матнлари ҳисобланиб, фонетик ва грамматик жиҳатдан буддавий уйғур, уйғур мусулмон ёдгорликларидан кўра Ўрхўн-Енисей ёдгорликларига яқин туради.⁶³ Бу борадаги энг қадимги сана тикланган матн 795 йилга оид бўлиб, Ўрхўндаги хитой тилли матн ичидаги тўрт қатор гапдир. Битик жуда ёмон сақланган, бироқ у юқорида таҳлил қилганимиз хитойча матн билан боғлиқдир, иккаласи ҳам ўша жойда бир тошга ўйиб ёзилган.⁶⁴

Бизнинг измимизда тавба дуоси акс этган матн бўлиб, у ўртафорсча Хуастуанифт деб аталади, аниқроғи, унинг манихей-сурий тилидан уйғур тилига таржимасидир. С. Е. Малов таржима V юзйилликда амалга оширилган деган тахминни айтади, бироқ бунга тарихий ҳодисалар оқими зиддир. Манихейлик уйғурларда VIII асрда қайд этилган, туркларда эса умуман бу дин бўлмаган. Демак, бу Буюк Даштга VIII юзйиллик иккинчи ярмида, араблар суғудлар қаршилигини бостирган чоғда, манихейлар гуллаб турган боғу роғларни, жонини сақлаб қолиш учун чўлу биёбонга айлантирган вақтда кириб келган.

боши олинди. Шу муносабат билан А. Д. Грачнинг ўзига хос англамини эслаш керак, унга биноан “балбал” турк қабрлари устидаги тош ҳайкаллар бўлиб, ўлдирилган душманлар ифодасидир. (А. Д. Грач, Древне-тюркские изваяния..., 76-77-б.). Биринчидан, уйғурлар ўз аجدодлари ҳайкаларини йўқ қилиши қийин, иккинчидан, тош ҳайкаллар туркчасига “син тош” дейилган. “Балбал” эса ўлдирилган душманларни акс эттирувчи тош лавҳадир (Қаранг: Г. Е. Грумм-Гржимайло, Западная Монголия..., II ж. 776-б.)

⁶¹ В. П. Васильев, Китайские надписи..., 33-б.

⁶² С. Е. Малов, Памятники..., 1951, 105-б.

⁶³ Уша асар, 108-б.

⁶⁴ В. В. Радлов, Титулы и имена..., 269-270-б.

Дуода имзо бор: “Бетурмиш тархан Хуастуанифтни тингловчилар гуноҳидан ўтиш дуосини тугатди”.⁶⁵ Бетурмиш тархон “комил”лик рутбасида (манихейчилик поғонасида олий мақом) бўлган кўринади, яна бир эътиборли томони, манихейликка даъват асилзодалар вакили воситасида олиб борилган.

Янги дин қувватини авом уйғурлар ҳам ҳис этдилар. Манихейлик қоидалари бўйича, рўза кунлари бўлади ва унинг айрим кунларида ҳатто сут, ёғ истеъмоли ҳам ман этилади. Чўпон ва овчи уйғурлар очдан ўлмаслик учун зироат билан шуғулланишга тўғри келди. Шу тариқа чўлда деҳқончилик тарқала бошлади.⁶⁶

Манихей даъватчилари ўзлари эришган муваффақиятларидан қониқиб,буни қуйидагича ифода этганлар: “Тутаб ётган қонга тўла ёввойи ахлоқлар мамлакати мевалар билан озикланадиган диёрга, қотиллик мамлакати олижаноб ишларга интилаётган юртга айланди”.⁶⁷ Бу тантанавор шиор ҳақиқий аҳволни акс эттиришига ишонмоқ мушкулдир. Рўза ва ибодатлар уйғурлар табиатидаги жангариликни йўқота олмади ва Уйғурэли ташқи сиёсатда ҳамон фаол бўлиб қолаверди.

Бошланган жараён. Даштдаги янги тартиб савдо ривожига яхши таъсир қилди. Гарчи бу борада воқеаномалар тўғридан тўғри хабар бермасалар ҳам, ишончли далилларни нумизматика беради. Минусин ботиғидан Тан даврига оид кўплаб хитой тангалари топилди. 621 йилда зарб этилган 45 танга, турклар Тан империясига бўйинсунган вақтда 630-680 йиллар оралиғида, Сибирга олиб келинган. Кейин танафус, бу танафус Иккинчи ҳоқонлик даври билан мос келади, ундан сўнги даврга оид яна 12 танга — 758-759 йилларда оид, ундан кейин то IX юзйилликкача бор-йўғи 6 та танга.⁶⁸

Агар савдо VIII аср охирида тўхтаб қолибди, деб хулоса чиқарилса тўғри бўлмасди. Аксинча, у кучайди, бироқ араб ва турфон савдогарлари хитой рақибларини синдирди. Халифатдан ҳар уч йилда Минусин ботиғига 20-24 туялик қарвон нақшли газламалар келтирар эди.⁶⁹ Агар Уйғурэлнинг вилоятларидан бирига шунча мол келтирилса, унинг марказига қанча келтирилган экан!

Уйғур пойтахти энди турк хонлари ўрдасига ўхшаб, кигиз чодирлардан иборат қароргоҳ эмас эди. Турклардан фарқ қилиб уйғурлар кенг миқёсда шаҳарлар қуришни бошлаб юбордилар, бу

⁶⁵ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 125-6.

⁶⁶ E. Chavannes et P. Pelliot, *Traite monicheen...*, 268-6.

⁶⁷ R. Grousset, *L'Empire des Steppes*, 174-6.

⁶⁸ С. В. Киселев, *Древняя история...*, 591-592-б.

⁶⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 355-6.

ишни улар кўпроқ суғудлар ва хитойларга топширар эдилар. 758 йилларда Селенга соҳилида Байбалиқ⁷⁰ кенти қурилди. Вақт нуқтаи назаридан, тахминан ўша йилларда Уйғурэл маркази – Қорақурумда хитойча битик билан лавҳа ўрнатилди.⁷¹

Уйғурэли шиддат билан маданий мамлакатга айланиб борарди.

XXVIII боб

АН ЛУШАН ҚЎЗҒОЛОНИ

Буюк Хитой. 751 йилда ҳам шарқда, ҳам ғарбда муваффақият-сизликларга учраш Империяга кучли таъсир кўрсатди. 754 йилда¹ рўй берган табиий офатлар – ёғингарчилик ва тошқин оқибатида юзага келган очарчилик ва солиқлар ошиб боришидан норозилик бутун мамлакатни қамраб олиши ҳукуматни қўшин ичидаги норозиликдан кўра камроқ хавотирга соларди. Империя лашкари – зарбдор отлик ёйандозлар ва зирҳли аскардан ҳамда кўпхилли ёрдамчи бўлимлардан: пиёдалар, хизмат кўрсатиш, юк, лавозим доираси ва бошқалардан ташкил топган эди. Қўшин сони саноқсиз бўлиши ҳам ушбу керак-нокерак аскарий-ноаскарый тўдаларнинг барчаси унинг таркибига кириши билан изоҳланади. Айни чоғда ёрдамчи бўлимларсиз сувори камончилар ва зирҳли аскарлар жанг қила олмас эдилар, чунки агар ўзлари отларини боқсалар, қуролларини тозаласалар, ўтин келтириб овқат пиширсалар, саваш вақтида таранг ёй ўқини қулоғи тагигача етказиб тортиш учун, оғир қиличини ўйнатиш учун жангдан олдин кераклича дам олмгани боис кучлари етмасди. VIII юзйиллик жанг тактикаси шароитида тақдирни бир кичик лаҳза ҳал этарди, қўшиннинг ҳамма кучлари ана шу лаҳзада зарба бериш учун қаратилган бўларди. Тўғри, зарбдор қисмининг аксарияти болалигидан от миниб, ёйдан ўқ отишга ўрганган камончилардан ташкил топарди. Ана шундайларнинг бир қисми 682 йилда Қутлуғ билан Ордосдан кетиб қолишди. Уларнинг ўрнига келганлар ҳам даштдилар бўлиб,² буларнинг ҳам фикру зикри

⁷⁰ Г. И. Рамstedт, *Перевод надписи "Селенгинского камня"*, 46-б.

⁷¹ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 19-б.

¹ E. Pulleyblank, *The Background...*, 25-б. Пюллейбланк Хейфернинг (*Heifer, Die vierte der fünf großen Heimsuchungen Chinas, 193-б.*) Ан Лушан қўзғолони очликдан кўзига қон тўлган деҳқонлар ҳаракати эканини асослаш учун уринишлари беҳуда эканлигини ҳар томонлама асослаган. Лоянга оч-яланғоч деҳқонлар оммаси эмас, балки сафида таъри хитойлар кўпчилиги бўлган, мунтазам қўшин аскарлари боришган.

² 718-720 йилларда Хэбэйдаги чегара аскарлари Хэдунниқидан кам эди, аммо Ан Лушан Хэбэйга қўмондон бўлган, уни кўчманчилар ҳисобига кўпайтирди. (E. Pulleyblank, *The Background...*, 80-б.)

75 йил аввалги туркларники билан бир хил эди. Галаба, мукофот, ўлжа ҳиди келиб турганида улар виждонан жанг қилар, агар галабага кўзи етмаса, айбдорларни излашга тушарди, кўпинча айбдор ҳукумат бўлиб чиқарди. Хитой амалдорлари, Чанъан сарой киборлари чегара қўшинлари учун ёт ва хушланмас кишилар бўлса, аскарий бошлиқлар қўчманчилардан, яъни ўзларидан эди. Булар ҳам узоқ муддат ўз аскарий хизматида кўтарилиши ташвишлари билан банд бўлсалар-да, уларга вилоятлардаги қўшинлар қўмондонлигини топширишни ишонмас³ эдилар, бу эса уларнинг ҳамиятига тегарди. Шунинг учун ҳам чегара қўшинлари саройга тўлиқ мухолиф бўлиб қолган эди.

Чегара қўшинларидан ташқари пойтахт атрофида хос қўшин тўпланган бўлиб, уларда хитой асилзодалари оилалари аъзолари, Тан сулоласига ўз вақтида бирикканлар хизмат қиларди. Хос қўшин кўпсонли ва яхши қуролланган бўлса-да, саваш кўрмаган эди. Бу қўшин билан елкадош иккинчи бир Шимолий қўшин бўлиб, бошланишида у император Тайцзун тарафдорларидан ташкил топган ва 619 йилда у шу қўшин ёрдамида тахтга муяссар бўлган эди. Кейинроқ бу қўшинда ўша фахрийларнинг ўғиллари хизмат қила бошлагани учун уни “Ота-болалар лашкари” деб аташарди. Айнан мана шу қўшин саройдаги ҳар қандай фитна ва тўнтаришлар тақдирини ҳал эта оларди. Шимолий қўшиндан алоҳида ҳолда кўрчиларнинг махсус отлик бўлинмаси ҳам бўлиб, Ли оиласига тегишли эди ва аскарий асир, қуллардан таркиб топган эди.

Шундай қилиб, ички қўшин миқдори кўп эди, лекин унинг сиёсий лоқайдлиги доимо шубҳа туғдирарди. Ички қўшин сарой ва ундаги ўйинларга ҳаддан ташқари яқин бўлиб, баъзан, масалан, 731 йилда бўлганидай, императорнинг ўзи билан ҳам чиқишмай қоларди. Ўшанда бир қатор зобитлар ҳукумат назарида ҳақсиз равишда мансабини кўтаришга уринганлиги учун ўлимга ҳукм этилган эди.

Тибет жабҳасидаги мушкулотлар туфайли император Шимолий қўшинни⁴ ташқи душманга қарши юборди, лекин самара кам бўлди. Шу ўринда ушбу икки хил қўшинни сифатлаш имконини берадиган VIII юзйиллик хитой шеъриятига мурожаат қилмоқни лозим топдик.

Ду Фунинг бир шеърида, генерал Ан Лушан қўмондонлигидаги Хитойга ёт эллар аскарларидан ташкил топган мунтазам қўшиннинг 751 йилдаги интизоми ва ҳарбий руҳи куйланади:

³ Шан Юэ. *Очерки...*, 235-б.

⁴ E. Pulleybank, *The Back ground...*, 66-б.

Буюк Девор ортига юриш (киданлар устига)

Ўрдадан чиқдик тонгда Лоян дарвозасидан
Оҳиста юриб, ним қоронғуда ўзни кўрдик Хэян кўприкда
Ипак байроғимиз қон тусин олди кун ботарда
Аскар оти кишнаши тутар еру кўкни шамолда.
Чодирлар тикилган чексиз қумлар узра саноқсиз
Сафланар бўлимлар, билинар ким бору ким йўқ,
Ором керак жанггача, тартиб-онаси, қўриқчиси
Осмон ўртасида Ой у ҳам холис кузатувчи
Уф тортар мунгли, мунгли найлар мунгланар
Ботир боқиб кўкариб тўқ бўлган тунга хўрсинар.
Сўралса аскардан ким у қўмондонинг?
Жавоб бўлар ҳойнахой ўзимизнинг Хо Куй бин.

Бу шеър мазкур қўшиннинг 755 йилдаги қўзғолонидан атиги бир неча ой олдин ёзилган. Уларнинг доҳийси хунларни мағлуб этган машҳур хон саркардасига қиёс қилинади, бошқа бир шеърда эса лочинга ўхшатилади:

Хўмрайган ёввойидек боқар қошин чимириб⁵
Қуш кетидан қанот қоқмоқ бўлиб кифтин учуриб
Ўлжасига ташланар сасласанг бас, қичқириб
Бўй кўрсатур шу он жангари руҳинг сенинг
Текис чўлни айлаб текис қон ила, пат ила
Қачон саваш, ташланаман, олдимда қуш бир гала

Ўша Ду Фунинг ўзи тасвирлаган 749 йилда Гэ Шу-мин қўшинига сафарбар этилган, тибетликларга қарши уруш олиб борган хитой жангчисининг ҳис ва кайфиятидан нақадар фарқ қилади, бу мисралардаги ҳислар!

Аскар “алам-ла туғилган ери билан видолашади,” мансабдор эса қочоқ аскарни ўлгунича калтаклайди. Машқларда хитой чавандози баралла ғурур билан дейдики, “қўйиб отнинг бошини тутмадим эгар қошини”.⁶ Бу бир даштликка эмас, ҳатто бизга ҳам кулгули. Ана маҳорату мана маҳорат! Ундан кейин саркардасига ўз ҳуқуқини уқдириш бошланади: “биз ҳайвон эмас инсон... билгилки, қамчига бунда ўрин йўқ”.⁷ Сўнг тоғ ўтақлари машаққатидан шикоят. Ниҳоят отлиқ ёвларни орқага қайтарган,

⁵ Ду Фу, *Стихи*, 41-42-б.

⁶ *Уша асар*, 20-21-б.

⁷ *Уша асар*, 23-24-б.

қийналган аскарнинг душманга дуч келиш манзараси. Ундан сўнг эса аччиқ бир пушаймон:

Ўн йилдирки, мен лашкардаман⁸
Ўн йилдирки, мен аскардаман
Шунча умрим кетдими зое
Арзимасми ҳеч нарсага, ҳайрондаман⁹

Таниш тарих! Мансаб ва мукофот учун олиб борилган жангда аскар доим мағлубдир. Ҳайрон қоларли зиддият. Ўйламанг, VIII аср хитойи қўрқоқ бўлган экан, деб, бироқ жанубликлар, ўта таъсирчан бўлган, уларга чидам етишмаган, бу эса турклар, киданлар ва тоғли тибетликларда етарли эди. Хитойлар эса ҳали ҳам қалъаларда қандай ҳимояланишни яхши билишар, бироқ ўйинли (маневрли) уруш улар миждозига мос эмасди. Тахт ҳам, сарой ҳам ўзига қанча мойил бўлмасин хитойлардан иборат қўшинга суяниб қудратини намойиш қила олмасди.

Саройда бўлса ҳаммаси кўнгилдагидек деб бўлмасди.¹⁰ Мункайиб қолган Сюанцзун сарвқомат, мафтункор хитой қизи Ян¹¹ни севиб қолди. Бу маъшуқа давлат лавозимларига ўз қариндошларини — хитойларни ўрнаштирди, теварагида тўда ҳосил қилди, аскарини генераллар тахт тагига ҳам йўлай олмас бўлди. Ҳокимият аскарини қароргоҳдан маъмуриятга, саркардалардан ҳарам оғасига ўтди. Солиқлару мағлубиятдан, поралару ўзбошимчалиқдан, хизматига туҳматдан, маъшуқа қариндошлари дабдабаларидан норозилар барчаси бир овоздан Ян гуй-фэйни лаънатлардилар. Барибир, бу касофат тугунни узаман деган бир инсон топилди, у Ан Лушан эди.¹²

⁸ Уша асар, 25-б.

⁹ Уша асар, 29-б.

¹⁰ Сиёсий гуруҳлар ва уларнинг тавсифи ҳақида қаранг: E. Pulleyblank, *The Background ...*, 4-б.

¹¹Таниқли оила қизи бўлиб, Сюанцзуннинг ўн сақиззинчи ўғлига унаштирилган эди. Император ҳарам оғаси Гао Ли-шига гўзал бир қиз топишни буюрганнида, у шаҳзоданинг қаллиғини император ҳарамига олиб келади. 745 йилда Ян “гуйфэй”, яъни биринчи тоифали чўри/канизак унвонини олади ва “император билан ҳокимиятнинг ярим император хоним ҳуқуқида бўлишиб олади (Чэнь Хун, *Повесть о бесконечной тоске*, 125-б.)

¹² Сиёсий узоқни кўра олмайдиган Ян гуй-фэй, муомала маданиятини ҳам билмаганлигидан Ан Лушаннинг кўпол ҳазилларидан мамнун бўлиб, унинг кўтарилишига имкон яратди. Маъшуқанинг акаси Ян Го-чжун-императорнинг бош маслаҳатчиси, Ан Лушанни сотқинлик фикри борлигида айблаганида, уни Ян гуй-фэй ўғил қилиб олади. Оғзига кучи етмаганлар саркарда ярим император хонимнинг ўйнаши, деб айтар эдилар.

Ҳаддига етиш. Ан Лушан Хитой томонга ўтган кўчманчилар наслидан эди.¹³ 736 йилда у дивизияга кўмондон бўлганида, кидан билан жангни бой берди. Шу муносабат билан ўлимга ҳукм этилганида, император олдида ўзини оқлай олди. Ан Лушанда турк тизгинсизлиги Хитой айёрлигига кўшилиб кетган, у хушомадни ҳам, савашини ҳам, мунофиқликни ҳам, буюришни ҳам эпларди. Саройдаги ялоқилар порохўрлигини билганлиги учун порага пул аямасдан, тез поғонама-поғона кўтарилиб борди.

Бу чоғларда саройда оқсуяк оилалардан чиққан “зодагонлар” билан лавозимини имтиҳонлардан ўтиб олган “олимлар” ўртасида кураш кетаётган эди. “Олимлар” доҳийси, ҳукумат бошлиғи Ли Лин-фу рақибларини енггач, ҳарбий лавозимларга беҳавотирроқ бўлар, деб саводсиз кўчманчиларни қўя бошлади. Мана шу тўлқин Ан Лушанни ҳам кўтарди.¹⁴ 742 йилдаги ҳарбий ислоҳот вақтида унга Манчжуриядаги Пинлуда жойлашган ҳарбий қисм тегди. 744 йилда у Фаняндаги (Марказий Ордос) қисмини ҳам қўлга киритди. 751 йилда эса Ордос шимолидаги Хэдун ҳарбий қисми ҳам унга ўтди. 754 йилда у суворилар отларини янгилаб туриши учун давлат уюрларини ҳам бошқариб туриш ҳуқуқини сўраб олди. Ўзига тобе вилоятлардан тушадиган катта даромадга эга бўлгач, кидан, татаб ва тўнгра қабилаларидан ёллаб саккиз минг сараланган қўшин тузди ҳамда унга 753 йилда Хитой зиндонида ўлган турк оқсоқолларидан Абусининг омон қолган сафдошларини ҳам қўшди.¹⁵

Ан Лушанга садоқатли суғуд савдогарлари “барча йўлларда савдо қилиб”, айна чоғда унга маблағ тўплаб ва вазиятни ўрганиб хабар етказиш учун юборилди. Ҳатто хитой амалдорлари орасида ҳам Ан Лушанни қўлловчи ва ҳамфикрлар топилди.¹⁶

Ҳаддан ташқари фаоллик, қўшинларини кўпайтириб бориши, чегара ўлкаларининг бир киши қўлига ўтиши, бундан ташқари бизгача етиб келмаган махфий хизмат ахборотлари вазир Ян Го чжунни Ан Лушан устидан суд иши қўзғашга мажбур қилди. Ан Лушан иш муҳокамасидан қочмади ва шахсан пойтахтга келиб, чиройли бир тарзда ўзини оқлай

¹³ Г. Е. Грумм-Гржимайло уни хун деб ҳисоблайди (*Западная Монголия...*, 336-б.), Кордые уни кидан, дейди (*H. Cordier, Histoire generale...*, 474-б.). Пуллейбланк эса отаси суғуд бўлган (*Sogdian Colony...*, 317-336-б.), онаси машҳур турк уруғи Ашидэ қизи деб ҳисоблайди (қarang: *The Back ground...*, 7-б.). Бошқа манбаларда эса, отаси шимолий xv подачиларидан (ху - кўчманчи) бўлиб, суғуд бойларидан бири ўғил қилиб олган, дейилади (*Ibid*, 14-б.). Ёшида барантада қўлга тушган, ўлим ҳукми алмаштирилиб, аскарликка олинган ва ана шундан кўтарилиб кетганлиги ҳам айтилади.

¹⁴ E. Pulleyblank, *The Background...*,

¹⁵ Liu Mau-tsai, *Die chinesischen Nachrichten...*, 261-262-б.

¹⁶ Шан Юэ, *Очерки...*, 236-б.

олди¹⁷ ва ўйлаб қўйган қўзғолон олдидан жуда ҳам зарур бўлган 2500 зобитига ҳеч ким кутмаганда мукофотлар ундирди. 755 йилда 32 нафар олий хитой зобитларини ўзи кўчманчилардан танлаган ва тавсия қилган кишилар билан алмаштиришни илтимос қилди. Ян Го-чжуннинг қаршиликка қарамай, император бу илтимосни қондирди. Ан Лушан энди чўзиб ўтирмасликка қарор олди ва 755 йилнинг ноябрида Хэбэй вилоятидаги Юйяне деган жойда ноғоралар гумбури остида, Ян хонадони таъсирини йўқ қилиш учун қўзғолон чақириқлари янгради. 150 минг чегара қўшини ва зобитлар, аскарлар бир ёқадан бош чиқариб қўзғалишди. Ан Лушан маслаҳатчилари орасида турк шаҳзодаси Ашина Чэй-цин ҳам бор эди. Ниҳоятда содда бир дастур — Ян гуй-фэйни ҳокимиятдан четлатиш — ҳеч кимни чалғитмасди. Аскарлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳукуматни ағдаришга кетаётганини ва хитойлар эса варвар-хулар келаётганини уларни қириш кераклигини яхши билишарди. Империя яхлитлиги ва жипслиги чок-чокидан сўкилди.

Ҳукумат Ан Лушан қўзғолонига жавобан, унинг Чанъанда яшаётган ўғлини қатл этди ва қўзғолонни бостириш учун 60 минглик ва 100 минглик — икки қўшин юборди. Иккала қўшин ҳам тор-мор этилди.¹⁸

Ан Лушан тезда пойтахт томон юриш бошлади. Шарқий пойтахт — Лоян бирпасда унинг қўлига ўтди. Шэнсига, Чанъанга кетадиган йўлни Тунгуан тоғ ўтагида қўриқчи бўлинма тўсиб турар, шарқда — Хэбэй ва Хэдунда кидан бегининг ўғли Ли Гуан-би қўзғолончиларга қарши жиддий бир мудофаа ташкил этган эди. 756 йил ёзида Ли Гуан-би исёнчи саркарда Ши Симинни енгди, шундан сўнг Хэбэйдаги қисм Ан Лушанга қарши қўзғолон кўтарди.

Лекин Ланбао ёнидаги жангда хитой ҳукумат аскарларининг қириб ташланиши Тунгуандаги қўриқ бўлинмасида ваҳима уйғотди. Ўтакни муҳофаза қилиб турган аскарлар чекиндилар ва исёнчилар 756 йил 10 июлида Шэнсига ёпирилиб кирдилар.

Аммо бу ихтисослашган аскарларнинг қилган ваҳшийликлари хитой аҳолисини сулола томонига ўтишига олиб келди. Ваҳоланки, қўзғолонгача аҳоли унга лоқайд, ҳатто хушламай қарар эди. 756 йил қиши савашини Ду Фу доҳиёна ва лўнда тасвирлаб берган:

¹⁷ L. Wieger, *Textes hcsforiqes*, 1676-6.

¹⁸ H. Cordier, *Nistoire generale...*, 475-б. “Вилоятларда вазият шунга бориб етдики, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун аскарлар қалмаганди. Аскар ва зобитлар фақат қонозда бор эди, қуроллар, юк отлари, овқат пишириш қозонлари, чодирлар ва озуқалар эса ҳозирлаб қўйилмаган эди. Заҳирадан берилган соватлар тешик, нийа ва қиличлар ўтмас эди. Бой оила ёшларидан ташкил топган императорнинг хос қўшини интизомсиз бўлиб, тайёргарликдан ўтмаган эди” (Яна қарагиз: Шан Юэ, *Очерки...* 236-237-б.).

Чентаодаги мағлубият марсияси

Ботирлар отланди қорли қишда
Кераксиз бир мавҳум жасорат сари
Қонлари қўлни тўлдирди сув ўрнига
Мовий Чентао кўли бўлди-ку қирмизи.
Осмоннинг олис бурчида зангори тутун
Саваш майдонин осудалик қоплаган бутун
Аmmo бу ердан топди маскан мангуга
Қирқ минг чин аскарлари остин-устин
Ёввойилар ҳам оппоқ қорга ювибон
Ўқларин, тарк этмиш бу масканни
Ёввойи қўшиқларин куйлай-куйлай,
Бош оғриғи ва фаҳшдан чайқала-чайқала.
Бошкентда мотамсаролар хум-хум йиғлар
Буриб юзин совуқ шимол томон
Нола қиларлар туну кун узлуксиз:
Хукумат бошласайди деб интиқом юришин.

Эндигина ўзи тараннум этиб турган қўшинга шоирнинг муносабати шу даражада ўзгарганини қаранг! Энди у ўша аскарларини варвар — ху дейди; улар тўсатдан ашаддий ёвга айланди, сарой ва хукуматни хушламаслик ифодаланган 500 сўзлик шеърда...”¹⁹ бугланиб учиб кетган. Бундай кескин бурилиш хитой жамиятини тўлиқ қоплаган бўлиб, император ва саройдагиларнинг тўла қобилиятсизлигини кўрганлар исёнчилар билан курашга ўзлари бел боғладилар. Бироқ хитой ватанпарварларида ҳеч қандай нақд куч йўқ эдики, улар савашларда чиниққан, ғалабаларда руҳланган Ан Лушан фахрийларига қарама-қарши қўйсалар.

Император маъшуқаси билан пойтахтни тарк этди, лекин унинг хос аскарлари, кўрчилари бўйсунушдан бош тортдилар. Воқеалар оқимидан келиб чиқилса, улар ислоҳотни ёки сулола алмашинишини истамас эдилар, ундан ҳам кўпроқ эса, барча фалокатлар бошловчиси деб ўйлаганлари Ян гуй-фэй учун ўлмоқчи эмасдилар.

Императорга ҳамроҳ мансабдорлар тавсияси бўйича вазир Ян Го чжун ўзини ўлдириши ҳақида амр олди, бу билан улар норозилик алангасини пасайтирмоқчи бўлдилар. Бурчига содиқ киши сифатида у йўлда ўзини осди. Мансабдорлар бундан қониқдилар, бироқ аскарлар Ян гуй-фэй жонини талаб қилишди. Уни императорнинг шоҳона аравасидан тортиб

¹⁹ Ду Фу, *Стихи*, 45-46-б.

ғушириб, нозик ипак боғич билан бўғиб ўлдиришди. Кекса императорни эса, ўғли Ли Хэн (ўлимидан сўнг унвони - Суцзун) фойдасига тахтдан воз кечишга мажбурлашди. Император мана шундай қиймат эвазига жонини қутқариб қолди.

Воз кечган императорни Сичуанга олиб бориб, тоғдаги оёқ етмас бир қасрга тиқиб қўйишди, Чанъан бўлса жангсиз Ан Лушан тасарруфига ўтди.²⁰ Пойтахтнинг хитой аҳолиси тўғри келган томонга тум-тарақай бўлиб қочиб кетди.²¹

Ҳатто Чанъанда истиқомат қилувчи турк ва тўнғролар ҳам исёнчилардан қочиб кетишди. Улар Ашина Цзун-ли бошчилигида Ордосга йўналдилар ва бу ердаги қўчманчиларни кўзгагиб, бостириб келаётган қўзғолончиларга орт томонидан ҳужум қилиш учун Шенсига ҳамла қилишга кўндиришди. Бу фитна босқинни тўхтатиб қўйди ва янги кучлар аралашувиغا йўл очиб, аслида бутун тadbир тақдирини ҳал этди.

Фарбдаги қисмлар тахтга садоқатини сақлаб қолди. Шофанда кўмондон Го Цзи-и, Фарбий ўлка кўмондони Ли Си-йе ва тахт вориси Ли Хэн қўзғолончиларга қаршилик кўрсатишга раҳбарлик қилдилар. Бироқ уларнинг кучи кам бўлгани учун, шошилинч тарзда қўшни мамлакатларга ёрдам сўраб элчилар жўнатишди. 756 йилда уйғурлар ва тибетликлар қўзғолонни бостириш учун ўз кўмаklarини таклиф этишди. Бу вазиятда сиёсий масала билан шахсий муаммо мос тушди. Қўзғолончиларни йўқ қилиш император қўшинини яксон қилиш эди, Хитой ичидаги уруш эса, жуда катта ўлжалар манбаи дегани эди. Ли Си-йе ўзининг мунтазам қўшинидан ташқари 5 минг хўтанликлар, шато турклари ва “қорақўйлак даши”лар бўлинмасини, яъни аббосий араblарни олиб келди. Суцзун жанубдаги ярим ёввойи манейларни ёллади. 756 йил октябрида уйғурлар юриш бошлади. Мўйунчурхон юришдан олдин шарт қўйган бўлиб, ўша бажарилса ёрдам бермоқчи бўлди: у тинчлик сулҳи ва қариндошлик талаб қилган эди. Бундай битим унинг сохта вассалигини бекор қилар ва уни тенг ҳуқуқли иттифоқчига айлантирар эди. Янги император — Суцзун ҳамма шартларни қабул қилиб, ўзи уйғур бекачига уйланди ва хотинини “билга (доно) малика” мақомига кўтариб унвон берди.

Шундан сўнг хон Ан Лушанга бириккан тўнғра қабиласини мағлуб этди²² ва 756 йил декабрида Го Цзи-и билан Хуянгу воҳасида қўшилди.

²⁰ Уша асар, 31-40-б.

²¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 309-б. Ва давоми.

²² Исёнчилар “ҳар бир босиб олинган кентда кийим, олтин ва хотинларни олиб қўйишар, бақувват эркакларга замбил кўтартирар, нимжонлар, қариялар ни болаларни ойболта билан чопар эдилар” (Шан Юэ, *Очерки...*, 237-б.).

Тўнғра қабиласи ичидаги бўлиниш қўзғолон даштда ҳам акс садо берганлигини кўрсатади. Қўзғолонга қўшилган тўнғралар бошида император генерали Пугу Хуай-эннинг ўғли Пугу Бин турарди. Пугу Хуай эн ўз ўғлини асир олиб, хоинлиги учун уни ўлдирди: фуқаролар уруши шафқатсизланиб бориши унинг қатнашчилари ҳиссиётини охирги нуқтага етказиб қўйган эди. Бироқ тўнғра қўзғолончилари омадсизлиги тасодиф эмас: империя сайёр қўшини яксон этилиши Уйғур хонлигига тўлиқ мустақиллик келтирар, бу мақсадга етиш учун эса Тан сулоласини қутқазिश ва қўзғолонни бостириш керак эди. Уйғур хонлари буни яхши англаб, амалга оширдилар.

Хон хитой саркардаси аввал “бўрибош байроққа” таъзим қилиб, ушбу маросимни бажаргандан сўнггина, уни ўзига яқинлаштирди. Тантанали маросим чоғида ўзига ажратилган ўриндан норози бўлган уйғур элчисини император тахти ёнига ўтқазилгани буюрди ва уни эркалаб сўзлар сўзлади. Кейин уйғур тахтининг вориси ябғу 4 минг сара аскар келтирди. Хитой тахтининг вориси у билан биродарлашди. Соддадил уйғурлар кўрсатилган иззат-икромдан ўзларини йўқотиб, тезроқ меҳмоннавоз ҳўжайин кўнглини овлаб, хизмат билан қайтаришга шошилдилар. Уларнинг ҳаракатларини бошқариш учун суворилар генерали Пугу Хуай-эн тайинланди. Хуай-эн буғу қабиласи оқсоқолининг ўғли эди, отаси қабиладошлари томонидан хитойпарастлиги учун ўлдирилганди. Қотил қатл этилиб, марҳумнинг ўғлига мансаб ва хитойча тарбия берилди: у жуда истеъдодли ва садоқатли киши бўлиб чиқди.²³

Ёт юртларнинг ёрдами хитой аҳолиси учун қимматга тушди. Ду Фу шундай ёзади:

Эмишки, хос қўшин доим
Жангда жасуру, урушда тенгсиз.
Лек ваҳшийлик бобида улар
Туфанлардан қолишмас, шубҳасиз
Хитойимнинг ноласи қулоғим йиртар,
Улуғ дарёлар узра оқар мурдалар.
Тутқун қиз-жувонлар фиғони
Олис-олисларда ҳам кўкка ўрлар.

Ёланган иттифоқчилар на душманни ва на дўстни аяди. Улар Хитойга бойиш учун келган экан, шу ниятга етишнинг ўзлари биладиган ягона йўли — талончиликка ружу қўйдилар. Бечора аҳоли иттифоқчилардан кўра қўзғолончиларни афзал кўра бошлади.

Шу орада қўзғолончилар масканида ҳам ишлар орқага кета бошлади. Ан Лушаннинг кўзи кўрмай қолди ва шундан жиззаки, шафқатсиз бўлиб қолди. У қўл остидагиларни арзимаган нарса учун

²³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 345-б.

ҳақоратлар, урар, ҳатто қатл эттирарди. Бироқ бу кишиларнинг кўпчилиги довюрак эди. 757 йил 30 январиди маслаҳатчи Ян Чжуан ва ҳарам оғаси Ли Чжу-эр саркарда чодирига кириб уни ўлдиришади. Бу қотилликни биров муддат пинҳон тутишга муваффақ бўлишади. Шу муддат ичида улар Ан Лушанни император, унинг ақли заиф ўғлини ворис, деб эълон этишга улгуришади, кейин императорнинг ўлганлигини билдириб, тахтга унинг ўғлини кўтаришади. Ян Чжуан ушбу вазиятда ҳал қилувчи киши бўлиб қолди.

Шу вақт ичида ҳукумат қўшин ташкил қилиб улгурди: уйғур, араб, хўтанли, турк шато, бирмалилар Хитой ҳимояси учун Империя мунтазам қўшини билан жангга шайланди. Муҳолифлар 757 йил сентябрида Финшуй дарёси бўйида тўқнашдилар. Уйғурлар қўмондони Хуай-эн кўзғолончилар қўшинини айланиб ўтди. Айланиб ўтишда пистирмага дуч келди, пистирмадагиларни битта қўймай ўлдириб, орқа томондан ҳужум қилди. Айна чоғда хўтанли, араб ва шатоларга қўмондонлик қилаётган Ли Си-йе кўзғолончиларга манглайдан ҳужум қилди. Кўзғолончилар тор-мор келтирилди, улар 60 минг киши йўқотдилар. Буни одатдаги бўрттириш деб тушунмоқ керак, чунки уруш ҳали тугамаган эди. Агар кўзғолончилар қўшини ҳақиқатдан ҳам 40 %ини йўқотганида уруш давом этмасди, бундан ташқари, уйғур ва киданлар орқадан ҳужум қилиб қолмаслиги учун ажратилган қўриқчиларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Шарқий қўшин саркардаси Ши Симин кидан беги Ли Гуан бини Тайюан қалъасида қамалга олди. Қалъа қамали унга қимматга тушди, лекин, барибир уни ололмай исёнчилар пойтахти ва кўзғолон ўчоғи²⁵ Фанянга чекинди. Унинг мустақил иш тутиши ва эркин ҳаракати Ян Чжуанда шубҳа туғдирди. Уни кузатиб юриш учун бир неча зобитларни юборди, лекин Ли Гуан жосусларга тоқати йўқ эди. У айғоқчиларни тутиб қамади. Суцзунга Фанян ва 80 минг жангчиси билан тобелигини қабул қилишини таклиф этди. У буни қувонч билан қабул қилди ва Ши Симинга дабдабали унвон берди, саркардалигини тасдиқлади.

Энди Хэнандаги кўзғолончиларни бир ёқлик қилиш қолган эди.

Финшуйда ғолиб бўлган Хуай-эн уйғур, араб, бирмалик қўшинлари билан Чанъанни олди,²⁶ ундан Шанчжоуга борди ва бу ердаги Син-дьян карвонсаройида исёнчилар билан жанг қилди. Бу жанг натижалари ҳақида манба истиҳола қилиб лом-мим демайди.

Шу аснода уйғурларнинг мустақил бўлинмаси кўзғолончи-ларнинг Наншан жанубий ёнбағридаги (Синин яқинида бўлса керак) қўшинини тор-мор қилиш ҳақида топшириқ олиб ва уни адо этиб, яна шимолга қайтди. Ўша кезде бу ерда Го Цзи-ининг ҳарбий қисми ҳаракатда эди

²⁴ *Уша асар, 344-6.*

²⁶ *H. Cordier, Nistoire generale..., 478-6.*

Исёнчилар уни исканжага олдилар. Буни пайқаб уйғурлар уларнинг орқа томонига ўтиб олдилар ва зарба бердилар. Кутилмаган зарба исёнчиларни саросимага солди ва қоча бошладилар. Ян Чжуан Лоянни ташлаб, ақли заиф ўғли билан Сарик дарё орқасига чекинди. Мана шу ерда уйғурлар нима мақсадда Хитойга келганликларини намоён қилиб қўйди: аҳолини ёппасига яғмо қилиш ва зўравонлик бошланди. Аҳоли ўз “халоскорларидан” будда ибодатхоналарига яшириниб жон сақлади. Уйғурлар икки ибодатхонани ёқиб юбориб, 10 минг кишини қириб ташлади. Уларга йўл кўрсатадиган хитойлар ҳам топилиб турди. Қачонки, хитой мўйсафидлари уйғур етакчиларига 10 минг парча ипак келтириш-ганидан сўнггина яғмо тўхтатилиб, улар орқаларига қайтиб кетишди. 757 йил тадбирлари шу тарихга туғди.

Суцзун галаба қилиб, отасини пойтахтга олиб келди ва унга ҳокимиятни, тахтни қайтариб берди. Шу кундан оқ тахт ворислиги теварагида сарой ўйинлари, чақимчилик ва тўхматлар бошланиб кетди. Ши Симинга ҳам айғоқчилар юборилиб, ўзини тутиши ҳақида хабар юбориб туриш топширилди. Ши Симин чидаб туролмади, жосусларни тутиб ўлдирди, бу ҳукумат билан алоқа узилди, қўзғолон қайта бошланди, деган гап эди.

Қўзғолон илдизлари саркардалар шуҳратпарастлигида эмас эди, агар шундай бўлганида шунча йил қўшинни ҳалокатли курашга жалб этишнинг имкони бўлмасди. Бир нарса яққол кўзга ташланадики, Ши Симин ва унинг барча жангчилари чақимчилар ва амалпарастлар чангалига тушишдан кўра, қўлида қурол билан саваш майдонида бўлишни афзал кўришган. Улар умумий афвга ишонмаганлар ва ундан кўра омад тез-тез ўзгариб турадиган жангга умид боғлаганлар.²⁷

Шундай қилиб, уруш янгидан, янги шиддат билан бошланиб кетди.

758 йилда уйғурлар қирғизлар устига юриш билан банд бўлди ҳамда улар устидан бир юришнинг ўзидаёқ галабага эришди. Бу вақтда исёнчилар Хэнанда яна ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юбориб, ҳужумга ўтишди. Гарчи уйғур иттифоқчилари “аҳолига исёнчилардан бадтар ноинсофлик қилишларини” билса ҳам, император ёрдам сўраб уларга яна бир бор илтимос қилди.²⁸

²⁷ Уйғур ябғуси Чанвани яғмо қилишга изн сўради, бироқ хитой шахзодасининг шаҳарга қўшинни киритмаслик ҳақидаги илтимосига кўнди. Ябғунинг ўзи сафдошларини талончилик ва зўравонликдан тийиб туришни иложсиз, деб билар эди (L. Wieger, *Textes hcsforiges*, 1688-б.).

²⁸ Бу билан Хэбэйнинг чегара аҳолиси Ан Лушан ва Ши Симинларни ўлимидан кейин илоҳийлаштириш ҳодисасини қиёсламоқ керак; уларга “икки донишманд” руҳ — мамлакат ҳомийси сифатида эътиқод қилишган (*Pulleblank, The Background...*, 17-б.). Халқ фақат ҳалокат, ҳам келтирган шуҳратпарастни илоҳийлаштиришига ишониб бўлмайди.

Хитойнинг таҳқирланиши. Воқеалар оқими барчаси уйғурлар фойдасига ҳал бўлмоқда эди. Хитойлар ғалабасига қўшган ҳисасси учун уларга ҳар йили 20 минг парча ипак бериб турилиши лозим эди. 758 йилда император норасида қизини мункайган уйғур хонига хотинликка берди, хонлик унвонини тан олди, яъни Уйғурэл билан Хитойнинг расман тенглигини эътироф этди. Бу улар иккаласи: император ва хон – амакиваччалар деган шаклда ифода этилди. Хон хурсандликдан императорга 500 от, самур териси, оқ жун матолардан ташқари исёнчилар билан курашиш учун 3 минг отлиқ аскар жўнатди.

759 йил кўкламида Го Цзи-и ва яна саккиз саркарда биргаликда Йеченда (Хэнанда) Ан Лушаннинг ўғлини қамалга олишди. Исёнчилар мадад кутиб, жуда қаттиқ қаршилик қилишди. Ёрдамга Ши Симин етиб келди. Унинг суворилари ёвнинг орқа томонидан туриб аскар юкени олиб қўйди, тинимсиз безовта қилавериб империя қўшинининг тинкасини қуритди. Ниҳоят, жанг ҳам бўлди. Саваш авжига чиққан бир чоғда жанг майдонига дарахтларни илдизи билан қўпориб бўрон – тайфун кириб келди. Аскарлар турли томонга қочиб тарқала бошлади: кўзғолончилар шимолга, империячилар жанубга. Тажрибали саркарда Ши Симин биринчи бўлиб қўшинида тартиб ўрнатишга улгурди ва рақиблари орқасидан қувиш ташкил этди. Го Цзи-и талончиликка мукка кетган аскарларини йиғиштириб ололмади. Лоянни ташлаб, қочиб гарб томон кетди. Ши Симин Ан Лушаннинг ақли катта ўғлини қатл қилиб, 759 йил майида ўзини император деб эълон қилди.

Империянинг шарқдаги кучлари қўмондони Ли Гуан-би Хэян ёнида исёнчиларнинг пўстагини қоқди, лекин етиб келган Ши Симин уни мағлуб этиб, Хэян ва Хуайчжоуларни эгаллади. Яна силласи куриган мамлакат қолган-қутган кучини йиғишига тўғри келди.

Тахтдан воз кечган император Сюанцзун Чанъанга қайтиб, шавкатли ўғли Суцзунни тахтдан суриб тушириши билан хитойлилар аҳволи янада мураккаблашди. Сюанцзун подшонинг отаси унвонини олиб, аввал Лоянда жойлашди, кейин Чанъан яқинидаги гарбий саройга кўчиб ўтди. У бошқарув ишларига фаол аралашди, мақсади, асосан, уни ва сулолани қутқараман, деб Ян гуй-фэйни ўлдирган сафдошларидан қасд олиш эди. Қариган чоғида у ҳаддан ташқари шафқатсиз бўлиб қолди. Уч ўғли унинг қурбони бўлди. Бундан ташқари замондошлари гувоҳлик беришича у ақлдан озган эди: “Ҳаммани ўлдираверди, бир ўзи яшаб қолмоқчи бўлди”.²⁹ Ши Симинга ўчаёзган фуқаролик уруши оловини қайта ёқишга ундан кўпроқ ёрдам берган киши бўлмаса керак.

²⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 319-б.

Ҳар ҳолда, исёнчилар ҳужуми тўхтаб қолди. Хитойлар Сичуанда ялпи сафарбарлик ўтказди. Ду Фу урушга ҳали вояга етмаган болаларни жўнатиш чоғидаги кўнгилни эзиб юборадиган саҳналарини тасвирлайди, айна чоғда, маиший хизмат учун отланган аёлларнинг ватанпарварлигини ҳам куйлайди. Генерал Го Цзи-и янги сафарбар этилганларни қамчи ишлатмай шошилинич ўргатгани учун аскарлар орасида “ота ва оға” номини олади.³⁰ Исёнчилар бўлинмалари кўнгилчилар оммаси билан боғланиб қолди, шу боис уруш Хэнанида авж олган бўлса-да, у Шэнсига ўтмади.

759 йил ёзида уйғур хони Мўйунчурхон оламдан ўтди. Тўнғич ўғли – тахт вориси номаълум қилмиши боис қатл этилганлиги учун иккинчи ўғли тахтга ўтирди. Унинг номи Идиган Мэуюйхон эди.³¹ Унинг хотини Пугу Хуай-эннинг қизи бўлса-да, Тан сулоласи учун курашиб ҳориган қайнотасига мадад беришга икки йил давомида ҳам ошиқмади. Бу вақт мобайнида табиийки, Ши Симин пашша қўриб ўтирмади, албатта. Йечэнни ишғол қилганидан сўнг ғарб томон босиб борди, бу ерда эса тибетликлар эндигина қалъа-шаҳар Шанчжоуни (Гансуда) истило этган эди. 761 йил апрелида Ши Симин фитначилар томонидан ўлдирилди, унинг ўрнини тўнғич ўғли Ши Чао-и эгаллаб, исёнчилар бошқарувини кўлига олади. Ши Чао-и уйғур хонига император ўлимидан фойдаланиб, тахт ва хазина бойликларини олишни, ўзига эса ер ва халқни қолдиришни таклиф этди. Хон нафсга учиб, тезда жанубга отланмоқчи бўлиб турганида, Хитойдан элчи келиб, тахтга янги император, 757 йилда уйғурлар билан ҳамкорликда қўзғолончиларни титратган Дайцзун ўтирганлигини маълум қилади.³²

762 йил кузида уйғур лашкари юриш бошлади. Лекин ҳеч ким унинг қурбони ким эканлигини билмасди. Хитойда даҳшатли миш-миш тарқалди: 100 минг уйғур чегарага яқинлашиб қолибди, деб. Аслида уйғурлар кучи бор-йўғи 4 минг зарбдор қисм ва 10 минг ёрдамчи қисм ва бир уюр йилқидан иборат эди. Музокарага Пугу Хуай-эн йўлланди ва у куёвини қўзғолончилар устига юришга кўндирди.³³

³⁰ Чэн Хун, *Повесть о бесконечной тоске*, 127-б.

³¹ Ду Фу, *Стихи*, 60-65-б.

³² Бу тўнтарини ҳақида *Гардизий ҳам ёзади*. Унга биноан, манихейлар ўлимдан қутқарган кенжа укаси Кур тегин қўзғолон кўтариб, катта акасини ўлдиради (В. Бартольд, *Отчий...*, 114-115-б.). Бироқ *Гардизийда* келтирилган тўнтарининг тафсилотларига ишонини қийин. Шунинг учун унинг ҳақиқатига эргаштиришдан тийилмоқ яхшидир.

³³ Ши Чао-ининг таклифи ҳақида уйғурча битикда ҳам хабар берилган (В. П. Васильева, *Китайские надписи...*, 22-б.). Аммо унда уйғур хонининг раiddини асослаган эмас: эмишқи, у исёнчидан император яхшиликларини унутганлиги учун газабланган экан. Аслида бу ерда аниқ бир сиёсий ҳисоб бор эди, яъни империя кўшинини тор-мор этиш билан уйғурлар уларнинг ҳужуми хавфидан холи бўлардилар. ўзига ҳужумни олдинин олиш учун бундан ортиқ қулайликни тасаввур ҳам қилиш кийин эди.

Хитойларга тахт вориси³⁴ қўмондонлик қиларди ва у 762 йил ёзида Шанчжоудан шимолроқда уйғур қўшини билан қўшилди.

Хон ўзини бир мустабиддек тутарди. Тахт вориси унинг олдида уйғурча одат бўйича таъзим қилишдан бош тортган чоғда, у икки нафар хитой аёнини ўлгунча калтаклашга амр қилди. Хитойларнинг бу камситилишни ичига ютишдан бошқа чораси йўқ эди. Уйғур-хитой қўшини 762 йил кузида қўзғолончиларга хужум қилиб уларнинг лашкарини тор-мор этди. “Ганму”га мувофиқ исёнчилардан 60 минги ўлдирилди, 20 минги асир олинди. 20 ноябр куни уйғурлар Лоянга бостириб кирдилар.³⁵ Ши Чао-и Мочжоуга яшириниб олди кейин у ерда кент қутволини қолдириб, ёрдамчи куч тўплаш учун кетди. Қутвол қалъани Пугу Хуай-энга топширди. Ундан кейин Фанян қутволи ҳам таслим бўлди, қўзғолончилар ютқазган эди. Қафасга қамалган ҳайвондек Ши Чао-и ўзини осиб ўлдирди ва фуқаролар уруши тўхтади.

Хитой харобага айланган эди. Уйғурлар аҳолини таладилар, қишлоқларда уйларни буздилар, омон қолган аҳоли кийимидан ажралиб, қоғоз билан пана қилиб юрарди. Аҳоли қирилиб кетган ва кўп моддий зарар кўрган эди. 754 йилги аҳоли рўйхати бўйича Империяда 52880488 жон бўлса, 764 йилда 16900000 қолган эди. Шунинг ҳам эътиборга олмоқ керакки, Буюк Хитой деворидан ташқаридаги катта ҳудуд хитой тасарруфидан чиқиб кетган эди. Тан сулоласи фахри бўлган лашкар эса, мутлақо ишдан чиқиб, кўнгилчилар ва ёлланма бўлинмаларгина қолди. Империя гоёси ҳам ғойиб бўлди: уни амалга оширишга на куч, на маблағ ва на истак бор эди. Фуқаролар уруши оқибатларини хитойларнинг буюк шоири Бо-Цзюй-и ажойиб бир тарзда ифода этади.

Тўққизинчи ой букун Суйчжоу ҳамон уруш оловида

Шамол дод солар, қотиллик — ҳавода, дарёда, ҳатто тоғда

Ғафат Лугоуда — бир бутхонадир тоғ ёнбағрида

Шундоқ остонаси устида булут оқаринар худди аввалгидек.³⁶

Тибетликлар шарққа отланди. Ан Лушан исёни тибетликларга жуда кўл келди. Тахтга ўтиришини қотиллик билан бошлаган янги подшоҳ Тисрондеқан аввал, бу ҳолдан тойдирувчи урушни тинчлик йўли билан бартараф қилмоқчи бўлган эди, бироқ унинг 755 йилда қилган таклифига рад жавоби берилди.³⁷

³⁴ E. Chovannes et P. Pelliot, *Traite manicheen...*, 190-б.

³⁵ *Ibid.*

³⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 318-б.; E. Chovannes et P. Pelliot, *Traite monicheen...*

³⁷ Бао Цзюй-и, *Стихи*, 56-б.

Бу рад жавоби императорнинг катта хатоси бўлиб, Хитойга жуда қимматга тушди. Қўзғолон кўтарилиши билан энг яхши қўшинларни Тибет чегараларидан олиб фуқаролар урушига ташлашга тўғри келди, тибетликлар эса етти йил давомида осонликча Хитойнинг Фарбий Хэси ва Лунъю вилоятларини ундан ажратиб олди.

763 йилда тибетликлар босқинни давом эттиришди. Тибетликлар, тогонлар (мўғуллардан) ва дасянлар (тангутлар)дан иборат лашкар Шэнсига кириб, пойтахтга яқин келди, уларни ҳеч ким бу ерларга етиб келади, деб кутмаган эди. Икки кунлик жангдан сўнг тибетликлар иттифоқчилари билан хитойларни тум-тарақай қилиб, император ташлаб чиқиб кетган пойтахтга кириб келдилар. Чанъан талон-тарожга гирифтор қилинди. Чанъаннинг атрофида эса, мағлубиятдан сўнг тарқалиб кетган хитой жангчилари тибетликлардан ҳам ўтказиб талон-тарож билан машғул эдилар. Лекин тибетликлар пойтахтни талаб бўлгач, орқага қайтишди, бу эса шарқдан етиб келган хитой лашкарига шаҳарда тартиб ўрнатиш имконини берди. Тибетликлар орқага кетишига энг муҳим омил бўлган нарса жанговар хитой чегарачилари эди, улар Фэнсян кентини ёв қўлига топширмай уни жуда қаттиқ ҳимоя қилишган ва бу ер Тибет қўшини орқасида қолган эди. Маҳаллий аҳоли қаршилигини тезда бостира олиш кўрбига эга бўлмаган тибетликлар босқинни Сичуанга йўналтирди. Бошланишида зафар қозонган бўлсалар-да, 764 йилда Хитойнинг жанубий лашкари уларни енгди ва чекинишга мажбур этди.³⁸ Жабҳалардаги аҳвол осойишталикка томон юз бургандай бўлган бир паллада, Хитойда яна бир қўзғолон кўтарилиб, бу давлатни яна жар ёқасига олиб келиб қўйди.

Қаҳрамон қисмати. Тан сулоласини саркарда Пугу Хуай-эн кутқариб қолганини Хитойда ҳамма билар эди. Сулолага садоқат билан хизмат қилувчи бу варвар кучи, жасурлиги, истеъдоди жиҳатидан тенги йўқ эди. Ўзи ҳам биринчи сафда туриб жанг қиларди. Қирқ олти қариндоши савашларда ҳалок бўлган. У ўз ўғлини хоинлиги учун саф олдида турғазиб ўлдирган, икки қизини узоқ ўлкаларга маликалар ўрнига узатиб юборган, куёви-уйғур хонини икки марта пойтахтни қайтаришга кўндирган одам эди. Аммо ҳар бир инсоннинг душмани бўлади. Тайюан қалъаси қутволи бир куни Хуай-эн бошчилигидаги уйғур қўшинини қабул қилиш ва меҳмон қилишдан бош тортди. Бу билан у, кўчманчи нуқтаи назарида, даштга хос меҳмондўстлик муқаддас одатини бузиб, ҳалокатли ҳақоратга йўл қўйди. Хуай-энга уйғурлар меҳмон, у эса

³⁸ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 175-б.

меzbон эди, меzbон ўз қўл остидагиларни меҳмон қила олмади. Хуай-эн шикоят қилди, пойтахтдан ишни текшириш учун ҳарам оғаси келди. Ҳарам оғаси бу томондан пора олиб, Хуай-энда хоинликка мойиллик бор, деб ҳисобот берди. Бўхтондан хабар топган Хуай-эн ҳарам оғаси ва қутволни қатл этишни талаб қилади, бироқ ишни уруш тугагунча, тўхтатиб турилади деб орқага сурдилар. Сўнг эса саркардани судлаш учун пойтахтга чақаришади. Хитой ахлоқини яхши билган Хуай-эн кўзғолон кўтаришни афзал кўради (764 йил, май).

Бошланишида унинг иши юришмади: Тайюанни тўсатдан қўлга киритмоқчи бўлганида, уни улоқтириб ташлашди; қўл остидаги хитой аскарлар Го Цзи-и қўшинига қочиб бориб қўшилдилар. Пугу Хуай-эн Хуанхэ дарёсидан ўтиб даштликларга дуч келган заҳотидаёқ, унга жуда кўп кўнгиллилар келиб қўшилди. 765 йилда у тибетликлар ва уйғурлардан ёрдам сўради. Улар ҳам бу мурожаатга ижобий жавоб бердилар. Иттифоқчиларининг феълини яхши билган Пугу Хуай-эн, уларни бирлаштиради ва Чанъанга қараб уч қатор қилиб йўллади: шимолдан дансянлар, ғарбдан тибетиликлар, жануби-ғарбдан тогонлар юриш бошладилар, уйғурлар заҳирада, орқада Ордос қўшини билан Хуай-эннинг ўзи борди.

Жангта дастлаб тибетликлар кирди, бироқ хитойларнинг тошотар қуроллари уларнинг босимини тўхтатиб қўйди. Кўп кишиларини йўқотган тибетликлар чекиниб, уйғурларга қўшилди. Кейинги босим ҳал қилувчи бўлиши керак эди. Пойтахтда ҳеч бир истисносиз сафарбарлик эълон этилди, бироқ жамланганларнинг 10дан 8 қисми тарқалиб кетди., варварлардан ҳимоя қиладиган ҳеч ким қолмади. Ана шундай бир тўс-тўполонда Пуг у Хуай-эн вафот этди.

Унинг ўлими Хитойни қутқариб қолди, чунки бу бир-бирига мутлақо ўхшамаган қабилаларни фақат унинг обрўси бирлаштириб турарди. Тибетликлар билан уйғурлар орасидаги эски душманлик кайфияти аланга олди. Кўчманчилар ҳурматини қозонишга улгурган Го Цзи-и бундан фойдаланди. У ҳеч тап тортмай уйғурлар қароргоҳига келиб, уларни император билан иттифоқни узмасликнинг афзалликларига ишонтирди ва совғалар, имтиёзлар ваъда қилди. Бундан хабар топган тибетликлар бирон-бир касофат рўй бермасидан, уйғурлардан ажралиб ғарбга кетишни маъқул кўрдилар. Ва табиийки, уларнинг бу ҳаракати уйғурларга ҳам ёқмади. Улар хитой саркардаси таклифини қабул қилиб, тибетликларни кечаси босишди.³⁹ Хуай-эннинг жияни Пугу Мин-чен таслим бўлди ва афв этилиб, мансаб олди. Хуай-эннинг қизи саройга олиниб, маликалардай тарбияланди, уйғур

³⁹ *Ўша асар, 178-б.*

хонига турмушга беришди. Хуай-эннинг таржимаи ҳоли Хитой тарихига саройда рўй берадиган ўйин-фитналарни фoш этилиш намунаси сифатида киритилди. Лекин бизни кўпроқ бошқа бир нарса қизиқтиради: Хуай-эн ишида кўзга ташланадиган хитойлар ва даштликларнинг бир-биридан нафратланиши ва ўзаро тил топа олмасликлари идрок натижаси эмас, балки онгсиз бир ҳаракат эди. Бир томонда беқиёс садоқатли хизмат, иккинчи томонда императорнинг меҳрибон иродаси, бироқ улар орасида душманликнинг шундай бир жарлиги бор эдики, ундан сакраб ўтишнинг имкони топилмаган. Ана шулар туфайли Тан сулоласини юксалтган кўчманчилар исёнчилар сафида бошларидан айрилдилар ёки даштга қочиб яқиндагина ёви ҳисобланган уйғур ва киданлардан бошпана топдилар.

Кувда пиширилган сутда ёғ ва сув ўз солиштирама оғирлигига қараб ажралгани каби Тан империяси ҳам табақаланиб кетди ва Хитой ўзига хослигини сақламоқчи бўлган ёт унсурларнинг барчасини йўқ қилиб ташлади.

Яна бир “дунё империяси” қулади, худди антик даврнинг буюк империялари каби, худди Европада юз йил яшаб қулаган Буюк Карл империяси каби. Ан Лушан ва Хуай-эн кўзғолонлари Қутлуғ кўзғолони бошлаган давранинг якуни эди. Бу даврани марказга интилувчи ва марказдан қочувчи кучлар кураши даври деб аташ мумкин. Марказдан қочувчи кучлар энгди, лекин айнан мана шу ғалаба Чингизхон сафдошларининг тақа қоқилмаган энгил отлари туёқлари остида топталгунча, Марказий Осиёдаги маданий ўсиш ва гуллаш учун кенг имкониятлар яратди. Лекин бу янги бир давр, янгича ўзига хослик, янгича оҳанг ва уларни англамоқ учун янги бир калит даркор.

Тарихдан бир манзара. Давр якунланди! Тан империясининг темир ҳалқаси узилди, бир ярим аср ҳалқа исқанжасида бўлган халқлар тарқалишди, ҳар бири ўз тараққиёти йўли бошига бориб турди. Хитойда “уйғониш”нинг⁴⁰, ўзига хос маданият”, ўз маданиятини бунёд этиш бошланди. Тибет музаффар буддавийликни ўзлаштириб, уни ўз эҳтиёжлари ва тасавурларига мослаб олди. Уйғурэл ёт маданиятларни ташналардек симирди: манихейлик “комилларининг”, буддавий роҳибларнинг, мусулмон муллаларининг даъватларини тинглади. Ўтган урушда оққан қон ариқлари билан сугорилган дашт, заиф хонлар ҳукмронлиги остида, нисбий эркинликда осойишталик гаштини сура бошлади.

⁴⁰ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 322-б.

Суғдиёна жон бермоқда эди: голиб араблар уларнинг такрорланмас маданиятидан урвоқ ҳам қолмаслиги учун жаҳд кўрсатдилар, лекин ўт тагида қолган кулдан келажаги буюк тожик халқи шакллана бошлади. Даштнинг ғарбий қисми қипчоқ ва қорлуқ қиличларига таъзим бажо этди, Волгада Ғарбий турк хони наслари қудратли Хазар давлатини барпо қилди. Дашт маданиятининг кўчманчи анъаналарини сақлаб, хазарлар ва қорлуқлар ислом босимини тўхтата олди.

Мансурнинг бақувват қўлларида халифалик янги кучлар қозонди: араб қабила бошлиқлари зўравонлиги барҳам топиб, ҳокимиятга йўли очилган форслар Бағдод халифалиги маданияти ривожига янги истиқболлар ҳадея этди. 756 йили ажралиб чиқиб кетган Испания бундан истисно этилса, марказлашган тизим Гибралтардан Помиргача бўлган ерларни бирлаштирди ва ҳеч ким уни келажакда емирилишини айтиб беролмади.

Музаффар Византия араб ва булғор босимиға тўғаноқ бўла олсада, ўзи иконачилик (*иконоборчество*) — муқаддас суратлар чизиш гирдобига ғарқ бўлди. Кичик Осиё маданий ва аскарий анъаналарига таянган Константин Копроним эллинизмнинг охириги илдизларини қуритди, гўё унга ҳеч ким, ҳеч қачон қарши чиқа олмайдигандай эди.

Ғарбий Европа ўсиш йўлиға тушди: франк қироли Рим боби билан бирлашиб устун бўлиб олди. Халқларнинг буюк силжиши асотирлари — лангобардлар, аварлар ва саксларнинг қаршиликлари беҳуда бўлиб, улар умридан саноқли кунлар қолган эди. 768 йилда тахтға ўтирган Буюк Карл, ундан 150 йил олдин Тайцзун Ли Шимин қилган ишни такрорлаб, турли қабилалардан империя тузмоқчи бўлди. Буюк Карл уринишлари бесамар бўлса бўлгандир, лекин у Европани варварликдан ўзига хос маданиятнинг кенг йўлларига олиб чиқди. Лабадан Днепр ва Окагача мудраб ётган ўрмонларда ҳали ҳамма нарсаси олдинда бўлган славян қабилалари куч йиғмоқда эди.

Гуллаётган Уйғурэлни ўраб турган жаҳон манзараси ана шунақа эди.

⁴¹ Н. И. Конрад, *Начало китайского гуманизма.*

VIII АСРДА ТИБЕТ

767-781 йиллар уруши. Ҳар бир алоҳида даврни ўрганишнинг ўз калити бор. Агар VIII юзйиллик биринчи ярми учун Осиё сиёсий тарихини белгилловчи он Тан империясининг ёппасига ютиб юбориш тамойилига қарши турк ҳоқонлигининг кураши бўлса, турклар ҳалокати ва Ан Лушан қўзғолонидан кейин сиёсий энг ёрқин нуқта Тибетнинг тобора ўсиб борган фаоллиги бўлди.

Империя лашкари Хэбэй ва Хэнани майдонларида енгилиб, турк ўрдаси тарқалиб кетгач, на сафарбар этилган хитой деҳқонлари оломони, на уйғур бўлинмалари дош бера оладиган Тибет лашкари энг даҳшатли кучга айланди. Бунинг устига 765 йилда муваққат битим тузилгандан сўнг хитой ва Уйғурэл иттифоқида сидқидиллик йўқолган эди.

Мана шундай бир вазиятдан истезодли ва серғайрат цэнпо Тисрондецан фойдаланиб, Фарбий ўлкани қайтадан босиб олишга киришди. Агар зафар қозонса, ўз кўлига карвон йўлларини киритиб, Шарқда ва Фарбда тижоратнинг хўжайини бўлиб қолишдан умидвор эди. Бу қулай вазият берадиган моддий имкониятлар Тибетни худди аввалда турк ҳоқонлиги каби бутун Марказий Осиёда устун бўлишини таъмин этар эди.

Тибетликлар жанубга кириб боришга ҳам астойдил ҳаракат қилишган эди, бу ерда мустақиллигига Хитой тажовузидан сақланиш учун тиришаётган ва айни пайтда қондошлари юрти бўлган Нанчжао подшолиги кўллашига муясар бўлишган ҳам эдилар. Бу давлат кичик, лекин бақувват бўлиб, унинг ҳукмдорлари қандай йўл тутиши тибетликларнинг муваффақиятли илгариллашини ҳам, жанубий Хитой чегаралари осойишталигини ҳам таъмин эта оларди. Бу ерда муваффақият дипломатияга боғлиқ эди.

767 йил кузида йигирма минглик Тибет қўшини Хуанхэ бўйлаб шимолга юриб Линчжоу қалъасини қамал қилди. 30 минг сараланган лашкари бўлган Го Цзи-и тибетликларни улоқтириб ташлади. Арзимас талофатлар бериб чекинган тибетликлар, кейинги йили яна Линчжоуни қамалга олди. Хитойларни тибетликлар бош кўмондони “қарилик туфайли”¹ истезфога чиққани кутқариб қолди. Қарилик бу баҳона бўлса керак, ҳал қилувчи омил эса Тисрондецан саройидаги ҳизблар кураши бўлган кўринади. Нима бўлганда ҳам,

¹ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 1 ж. 183-б.

янги қўмондон ҳужумнинг йўналишини ўзгартирди. Даштга айланиб ўтиш ўрнига у зарбани жабҳа марказига берди, яъни Шэнси (Хачжоу, Лунси, Бинчжоу ва Нинчжоу) вилоятига. Бу ерларнинг чегара аҳолиси Цин подшолигининг каллакесарлари авлоди ва тибетликларнинг ашаддий душмани эдилар. Айнан мана шулар кўмагида Хитойнинг мунтазам қўшини аҳоли орасида суянчи бўлмаган тибетликларни икки марта қон қақшатган эди. Тибетликларнинг бу галги 10 минг кишилик лашкарининг Жанубий Хитойга босқини ҳам ана шундай муваффақиятсиз тугади. Манглайга зарба бериш режаси ўзини оқламади.

773 йилда 60 минглик Тибет отлиқ аскарари Гансунинг шимолий қисмига ёпирилиб бостириб борди ва у ердаги ғалла экин майдонларини пайхон қилди. Ундан сўнг яна жабҳанинг манглайига от сурдилар. Хитойларнинг икки қўшинига анча зарар етказилди, аммо улар ўзини ўнглаб олиб, акс ҳужумга ҳам ўтишди ва тибетликларни сиқувга олдилар. Чекиниш чоғида тибетликлар қўлга киритган барча ўлжаларидан, шу жумладан, асирларидан ҳам маҳрум бўлишди. Ўтган фуқаролар урушида толиқиб қолган Хитой тинчлик истарди. 774 йилда элчилар алмашилиши бўлиб ўтди ва бу ҳарбий ҳаракатларни тўхтаб туришига олиб келди. Бироқ музокаралар натижа бермади ва 775 йилда яна уруш бошланди.

Беш йил мобайнида хитойлар ва тибетликлар бир-бирига қаттиқ зарбалар берди, шикаст етказди, лекин ғалаба ва мағлубият мувозанати сақланиб тураверди. Нанчжоу беклиги аввал хитойларни қўллаб турди, 778 йилдан эса Тибет томонга ўтиб кетди. 79 йилда хитойлар тибетликларни жанубда енгиб, уларнинг ҳужумини депсинтириб қўйди.² Аммо Хитой билан Уйғурэл орасидаги тўқнашув тибетликларга шимолда босқинни кучайтиришга шароит яратди. Уйғурлар Шимолий Хитойга бостириб кириб Хитой лашкарини машғул этиб қўйган пайтида³ тибетликлар Наншаннинг шимолий ёнбағри орқали ғарбга юрди ва Дунхуанни қамалга олди.

Уйғурлар қайтиб кетди, лекин тибетликлар қолди, ниҳоят 780 йилда Дунхуан таслим бўлди.⁴

Моҳиятан Хитой урушда ютқазган эди, буни янги император Дэцзун ҳам тушунди. У тибетлик асирларни тўплади, айтгандай, булар ҳарбий асирлар эмас, балки тутуқланган элчилик аъзолари эди, уларга кийим-кечак тухфа қилиб, уйларига қўйиб юборди.

¹ *Уша асар*, 186-б.

² *Иакинф Бичурин. История Тибета...*, 1 ж., 323-б.

⁴ *Уша асар*, 27-б.

Уларни кузатиш учун юборилган мансабдор Тисрондецанга тинчлик сулҳи тузиш ҳақидаги таклиф мактубини топширди.

Тибет ҳукумати олдинга омад қаёқдан келиб қолганига ишонқирамай турди-да,⁵ кейин ўз шартларини кўндаланг бир тарзда ўртага ташлади. Тибетликлар талаби Хитойга тегишли ҳудудларга даъвогарлик ва Тибетнинг Хитой билан тенглигини тан олдиришдан иборат эди. Бу шартлар Хитой учун шармандали эди, бироқ Дэцзун буни қабул қилди. Аслида унинг ҳам бошқа чораси йўқ эди: чегара мансабдорларидан бири уйғур савдогарларини калтаклаши оқибатида 780 йилда бутун Уйғурэл оёққа қалққан эди. Хон уруш қиламан, деб таҳдид қилиб турган бир замонда асосий кучлар ғарбий чегараларда бўлиб, шимолий чегарага қўшин топиш амри маҳол эди. Буларнинг устига 781 йилда Хэбэйда қўзғолон кўтарилди. Бу қўзғолончилар амалдорлар бўлиб, улар лавозимларини наслларига қолдиришни расмийлаштиришни талаб қилиб чиқдилар.⁶ Шунинг учун ҳам чайқалиб турган тахтда ўтирган император тинчлик битимининг ҳар қандай шартларини қабул қилишга ҳозир эди.

Тинчлик битими Цин дарёси бўйида тузилди. Битим, ит, чўчка, қўй қонларини чиқариб қурбонлик келтириш билан, сўнг қурбонлик тоши ёнида қурилган будда топиноғида ичилган қасамлар билан мустаҳкамланди. Шартнома император томонидан Чанъандаги “Ғарбий Кентолди Буюк Маъбади”да⁷ тасдиқ этилди. Бу фақат сулҳ эмас, балки иттифоқ ҳам эди.

Тибет ғалабаси жуда улкан бўлди: улар қўлига карвон йўлининг муҳим қисми ўтди ҳамда Хўтан ва Куча томонига кенгайиш имконияти ҳам берилди. Хитой билан Уйғурэл ўртасидаги душманлик икки томонни заифлаштириб қўйиш билан бирга, Хэбэй қўзғолони ички садоқатни ҳам бўшаштирди. Нанчжоу Тисрондецанга чегараларни истиқболда кенгайтиришига йўл очди. Тибет кудрати ўзининг энг юқори нуқтасига кўтарилган эди.

Уйғурэл. Мўйунчур юришлари натижасида Уйғурэл жуда бир қулай шароитга мушарраф бўлди: унинг чир-теварагида кучли душманлари қолмади. Шарқда киданлар, шимолда қирғизлар уйғур хонига тобе эдилар. 766 йилдан ғарбдаги қорлуқлар кучайган бўлса ҳам, улар ўз диққат-эътиборларини жануби-ғарбга тикди ва табиий чегара бўлмиш Тарбағатайни кесиб ўтишмади. Жанубда эса Хитой хароблашиб қолган бўлса ҳам, у аскарый қисмларини Куча, Қошғар

⁵ *Уша асар, 183-б.*

⁶ *H. Cordier, Histoire generale..., 494-б.*

⁷ *Иакинф Бичурин, История Тибета..., 1 ж., 189-191-б.*

ва Бэйтинларда ушлаб турарди. Бу қалъалар 755-760 йилларда Хитойнинг шимоли-ғарбий бурчагини (Гансу ва Шэнси вилоятлари) босиб олиб, энди ғарбий ўлкага кўз олайтираётган тибетликлар билан уйғурлар ўртасида аросат қалъалар эди.

Хитойлар билан тибетликлар бир-бирига ашаддий душман бўлганликлари боис уйғурлар улардан бирини танлаши лозим эди. Уйғурлар Хитойга бир соғин сигирга боққандай қараб, ундан имкон борича кўпроқ нарса ундиришга интилишса, Тибет билан ҳеч қачон иттифоқ тузилмаган эди. Манихейлик билан буддавийлик орасида жуда катта мафкуравий зиддият бор бўлиб, уйғурларнинг манихей устозлари бекорга тибетликлар “иблисни будда деб атайдилар” дейишмаган бўлсалар керак.

Кейинги урушда икки томонда ҳам кўзга ташланган ўта шафқатсизлик ўзининг чуқур илдизларига эга эди. Марказий Осиёдаги диний урушлар Оврупадаги реформацияга эмас, черков бўлиниши ва ундан кейинги салб юришларига кўпроқ ўхшайди: Салб юришларида қатнашган лотинлар, юнонлар, карматлар ва мусулмонлар руҳий жиҳатдан бир-биридан жуда йироқ, ўзаро душман бўлишига қарамай, гоҳида ўзаро сиёсий битим тузишга муваффақ бўлишган, аммо булар орасида бунинг имкони йўқ эди, бундан ўша замона учун муҳим бўлмаган хусусий тутуруқсизликлар мустасно, албатта. Баъзи масалаларда Осиё Оврупадан 300 йилга ўтиб кетган эди: Тибет VII асрадаёқ диний давлат бўлса, Уйғурэл ҳам VIII юзйиллик иккинчи ярмида ана шундай давлатга айланди.

Манихей ташвиқотчилари фаоллигига қарамай, Уйғурэл янги сиёсий йўналишга бирдагина ўтгани йўқ. Дастлабки хонлар Пэйло (744-745), Мўйунчур (745-759) ва Идиганлар (759-780) ўз қабилаларига суяниб, кўк турк хонларига тақлид қилишга интиланлар. Фуқаролар уруши чоғида Хитойга яғмо қилиб, ўзларини бу ернинг хўжайинидай тутдилар. Чанъанга келган уйғурлар бу ердаги бозорларда безорилик қилишар, қизларга шилқимлик қилар, отларни тортиб олишар эди. 762 йилги шартномага биноан уйғурлар ҳар бир ҳайдаб олиб келинган от учун 40 парча ипак музд олишарди, бу эса ниқобланган хирож эди. Уйғурлар бир марта 6 минг яхши от ўрнига 10 минг қирчанғи от ҳайдаб келишганида, уларга музд берилмади. 775 йилга келиб уйғур тижоратчилари хитойлар тоқатини тоқ қилишди: улар бозор ўртасида амалдорни тутиб олиб ўлдиришди. Қотилларни тутиб бир умрга қамоқ жазосига ҳукм қилдилар. Шунда уйғур оқсоқоли ўз тўдаси билан келиб, қамоқхонани бостирди, қамоқ кўриқчиларини уриб жароҳат етказиб, оғайниларини олиб чиқиб

кетишди.⁸ Мамлакатнинг авом аҳолисигина эмас, ҳатто ҳукумат ҳам энди бундай давом этиши мумкин эмаслигини англаб етди.

778 йилда Хитой тахтига Дэцзун ўтирди, ҳа бу ўша, уйғур хонига таъзим бажо келтиришдан бош тортган ва оқибатда маслаҳатчилари калтакланиб ўлдирилган Дэцзун эди.⁹ У уйғурларни хушламаслиги ҳаммага аён эди. Буни яхши биладиган Идиганхон янги императорни тобе бўлишга мажбурлаш учун 778 йилда Шимолий Хитойга ҳужум қилди. Янкойдаги биринчи саваш уйғурлар фойдасига ҳал бўлди. Хитой томонидан ўлдирилганлар 10 минг кишини ташкил этди. Лекин Шенси валийси Дайчжоу уйғурларни енгди ва чекинишга мажбур этди. Уйғурлар атиги “бир неча минг қўйни ҳайдаб кетишга муваффақ бўлди, аммо улар бари йўлда ҳаром ўлди”.¹⁰ Хон Хитой оёққа туриб олганини ва status quoни сақлаб қолиш учун катта урушга ҳозирлик кўриш лозимлигини тушунди. Ҳақиқатдан ҳам, Хитойнинг аҳолиси 764 йилдан 780 йилга доғур ярим миллионга кўпайди (аниқроғи, 85 минг оила=485 минг киши),¹¹ бу эса янгидан 768 минглик лашкар тузиш имконини берарди.

Қуввати ошганлигини ҳис этган Дэцзун яна бир оғир мажбуриятдан қутулди. тўқуз ўғузлар давлат ҳисобидан меҳмон сифатида пойтахтда яшаш имтиёзига эга бўлиб олишган эди.¹² Улар бу имтиёз орқасидан анча бойлик ҳам орттириб олишган эди. 780 йилда Дэцзун уларни Хитойдан қувиб чиқарди. Чегарада маълум бўлдики, улар йўл қопларига хитой қизларини солиб олиб кетаётган экан. Чегарада тингув ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳарбий бошлиқ бир мансабдорни текшириляётган турк олдиға юборди ва бориб унга дағаллик қилишни буюрди. У ғазабға тўлиб, қўполлик қилганни қамчилаб урди. Хитойликка худди шунинг ўзи керак эди. Қўшин тўқуз ўғузлар уюрини ўраб олди, қизларни топишди ва ҳеч гап-сўзсиз барча “меҳмонлар”ни қиличдан ўтказишди.

Бундан хабар топган император чегарадаги бошлиқни бошқа лавозимға ўтказиб, уйғур хонига тушунтириш учун элчи юбориш билан чегараланди. У жуда яхши билардики, уйғурлар ўз қариндошлари қони учун хитой қонини талаб қилар ва Хитойни таҳқирлаган савдо битими имтиёзларидан воз кечишни истамас эдилар. Барибир, Дэцзун ушбу йўлни танлади, балки у қаршилиқ кўрсатишға қуввати етишини ҳис қилгандир.

⁸ Бу Иакинф Бичурин томонидан тушириб қолдирилган уйғурлар тарихига оид ягона фактдир, уни Д. Позднеев тиклаган (*Исторический очерк уйгуров, 75-б.*).

⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений.... 1 ж., 318, 326-327-б.*

¹⁰ *Ўша асар, 323-б.*

¹¹ *Ўша асар, 325-б.*

¹² “Мэйлу қадимги рус тилидаги “гость” (савдогор) атамасига ва унинг ҳозирги маъносига мос келади.

Шу воқеалар асносида Уйғурларда фавқулодда ўзгаришлар юз берди. 799 йилда Хитой билан муносабат кескинлашган бир паллада кутилаётган уруш борасидаги фикрлар ҳар хил бўлиб қолди. Тўқуз ўғузлар уруш тарафдори эдилар, чунки уларга ўлжанинг жуда катта қисми тегар эди. Иттифоқчи қабилалар эса урушдан манфаат эмас, балки фақат хатар кутарди¹³. Хон кўпчилик фикри билан ҳисоблашмагандан сўнг, аъёнлардан бири — Дунмага тархон исён кўтарди. Хон, унинг маслаҳатчилари ва тўқуз ўғуз оқсуюкларидан 2 минг киши ҳалок бўлди ва куч билан тахтни эгаллаган хон Кат Қутлуғ Билкахон унвонини олди (“жуда қутлуғ доно хон”)¹⁴.

Тўғри, бу ерда ҳам Хитой дипломатияси пинакка кетмаган эди. Гайриқонуний хон қўзғолон учун пулни Хитой элчисидан олди. Бундан ташқари, уйғур оммаси хон саройидаги дабдаба, унинг ҳарами учун одатдаги чодир эмас, балки сарой қурилиши, уларнинг фаровон турмуши кабилар учун солиқ тўлашлардан безиган эди. Тўқуз ўғузлар хўжайинчилигидан норозилик эса қирғин-баротга олиб келди: хатто хитойлардан “меҳмонлар” учун хун олиш ҳам унут бўлди.¹⁵

Янги хон тинчликни астойдил истади. “Меҳмон”лар хунига 781 йилда фидйа олди. 783 йилда қуйидаги шартлар билан тинчлик битими тузилди: 1) хон ўзини Хитой вассали деб билади; 2) уйғур элчилиги 200 нафардан ошмаслиги керак; 3) мажбурий савдога мингдан ортиқ от қўйилмайди; 4) хитойларни чет элга олиб кетиш ман этилади. Шартнома никоҳ билан ва Тибетга қарши иттифоқ билан 788 йилда мустаҳкамланди. Аҳвол барқарорлашди.¹⁶

Дунмага ички сиёсатда қаттиққўл ва шафқатсиз бўлди. Унинг буйруғи билан олдинги сулола шахзодасининг икки ўғли қатл этилди.¹⁷ Битик Дунмагани мард киши сифатида тақдим этади.¹⁸ Халқ орасида обрўси етарли бўлган кўринади, чунки 789 йилда унинг ўлиmidан сўнг ўғли Далоси тахтга ўтирди ва ворислик йўли тартибига амал қилинмади. Янги хонни аъёнлар тайинладилар ва

¹³ *Уша асар*, 323-б.

¹⁴ В. В. Радлов, *Титулы и имена...*, 266-267-б.

¹⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 324-325-б.; Д. Позднеев *нуктадонлик билан билдиради: “меҳмон”ларни сўйишни хитойда яшаган уйғурлар ўзлари ташкил этган, деб. Янги хон тарафдорлари хитойлардан аввалги хон тарафдорларини қириб ташлашни илтимос қилишган, хитойлар вазиятдан фойдаланиб, унисини ҳам бунисини ҳам қириб ташлаган (Исторический очерк уйғуров, 77-78-б.)*.

¹⁶ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 327-б.

¹⁷ *Уша асар*, 330-б.

¹⁸ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 24-б.; G. Schlegel, *Die chinesischen Inschriften...*, 130-131-б.

унга “Айдинлик улуғ Куч-мунмуш Кучлук Билкахон”-”зиёли, улуғ, куч билан минган, кучли донишманд хон” унвонини бердилар.¹⁹

Уйғурэл сайланадиган мустабид тузумга ўтди.

Урушнинг такрорланиши. Хэбэйдаги ер эгаларининг қўзғолони, гарчи у жуда тез бостирилган бўлса ҳам, Хитойни ташқи урушларга нисбатан ҳам қаттиқроқ чайқатиб қўйди. Ҳеч ким ҳукуматга бўйсуннишни истамасди, ниҳоят 783 йилда Дэйзуннинг ўзи Чанъандан қочиш зўрида қолди.

Алғов-далғовдан фойдаланиб, Тисрондецан Хитой императорига ёрдам бериш баҳонасида қўшин юборди. 784 йилда ҳукумат ва Тибет қўшма лашкари қўзғолончилар қўшинини Утинчуан ёнида тор-мор этиб, пойтахтга қайтишга ҳозирлик кўраётган чоғида, бечора Хитойда ўлат тарқалди, тибетликлар ютуқларини кўпайтира олмай орқага қайтишди. Хитойда тибетликлар исёнчилар билан тил бириктиришди, деган миш-миш тарқалди.

Императорнинг омади юришиб, ер эгалари бошчиси 786 йилда ўз табиби томонидан заҳарлаб ўлдирилди ва исён босилди.

Дастлабки шартнома бўйича, пойтахтни қайтариб олишдаги ёрдами учун тибетликларга яна ер бериш ҳақида келишиб олинган эди. Уларнинг муддатдан олдин кетиб қолишини хитой ҳукумати берилган ваъдадан қайтиш учун асос бўлади, деб ҳисоблади, тибетликлар эса исёнчиларни Утинчуан ёнида тор-мор келтириб кераклича заҳмат чекилди, деган иддаода эдилар. Ваъдадан қайтишни алдаш деб қабул қилдилар ва бундан ғазабланиб чегара вилоятларига босқин уюштириб, кишиларни, молларни олиб кетишди, экинларни топташди. Бу гал улар тўсатдан ҳужум шарофати билан ўз ашаддий душманлари чегара хитойларининг катта бир қисмини қирғин қилиб, Янчжоу, Линчжоу ва Сячжоу²⁰ қалъаларини – бу қалъалар тибетликларнинг шимолга ва ғарбга босқини йўлида тўсиқ бўлиб турарди – эгаллаб олишди.

Ўзларига керакли нарсаларни қўлга киритиб бўлганларидан кейин тибетликлар яна тинчлик битими тузишни таклиф этишди. Тибет саркардаси томонидан порага сотиб олинган хитой генерали Ма Суй ярашишга рози бўлди ва бу ҳақда тақдимот учун пойтахтга равона бўлди. Тибет бош қўмондони Шан Гецзан ушбу фурсатдан фойдаланиб, чарчаган қисмларни ортга қайтариб, янгиларини ташкил этди.

Чанъандагилар музокара олиб боришга рози бўлишиб, энг катта амалдорлар ва саркардалардан иборат комиссия туздиларки, улар

¹⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 328-б.; В. В. Радлов, *Титулы и имена...*, 266-267-б.

²⁰ Бу қалъалар Хуанхэнинг бурилиш жойидан шимолда, ҳозирги Гансу вилоятида бўлган.

шартнома бўйича тортишиб, Хитойга қулай шартлар қабул қилинишига эришсинлар ва тибетликлар босиб олган ерларни қайтиб беришга рози бўлсинлар деб. Комиссия аъзолари ичида исёнларни бостириш бўйича саркарда Хуан Сян бўлиб, тибетликлар айнан ўшани шартноманинг бузилишида бош айбдор, деб ҳисоблашарди.²¹ Варварлар билан музокарага уларнинг ашаддий шахсий душманини юбориш императорнинг жуда катта хатоси бўлиб, бу воқеалар оқимига жуда катта таъсир кўрсатди.

Ўч олиш жазавасида Шан Гецзан лафзсизликкача бориб етди: хитой вакилларига пистирмадан ҳужум қилинди ва улар асир олинди. Хуан Сян эгарланмаган бир отга миниб, қочиб чиқишга муваффақ бўлди, мустақамланган қароргоҳга етиб олди, уни таъқиб этган эдилар, бироқ унга бирон ўқ тегмади. Бу воқеалардан сўнг тинчлик ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Шан Гецзан истеъдодли саркарда эди. У бу ютуқларни бутун жабҳа бўйлаб Хитойга кенг миқёсда босқин уюштириш билан улаб юборишни ташкил этди.

Хитой қўшинлари чекинар, таслим бўлар, Тибет қўшинлари эса ҳамма ерда талончилик қилар эди. Шэнсининг жанубий чеккаси аҳолиси деярли барчаси қириб ташланган ёки Тибетга ҳайдаб олиб кетилган эди, булар шу чоғгача Тибет босқинини қайтариб турганлар эканлиги ҳам диққатга сазовордир.

Хитой урушни бой бергани равшан бўлиб қолди. Лекин яна Хитой дипломатияси ишга тушди. 788 йилда Тибетнинг кучайиши ва унинг шимол қисмига фарб томон бостириб келишидан хавотирланаётган Хитой Уйғурэл билан мудофаа иттифоқи тузди. Жанубда – Сичуанда уруш икки жабҳада: фарбда тибетликлар билан, жанубда Тибетнинг иттифоқчиси Нанчжао лашкари билан кураш кетаётганди. Иттифоқчилар исканжасида қолган саркарда Вэй Гао рақибга чалкаштирувчи хабар етказиш усулини қўллади. У Нанчжао подшосига мактуб йўллаб, унда “самимий меҳрибонлиги” учун ташаккур билдирилган эди, хатни тибетликлар қўлига тушиш тадоригини ҳам кўрди. Тибетликлар иттифоқдошини хоинлик қилишда гумон қилишди ва лашкар юбориб, уларнинг Сичуанга борадиган йўлини тўсиб қўйдилар. Бу иттифоқчилар орасига раҳна солди. Нанчжао қўшини қайтиб кетди, ёлғиз қолгач, тибетликлар мағлуб бўлди. 789 йилда Сичуан қутқариб қолинди.

Вэй Гао бу борада ишни тўхтатиб қўймади: у кичик қалъаларни қамал қилишдан иборат майда урушни давом эттириш билан бирга, Нанчжао подшоси Имосунга элчи юборди. Элчи Имосунни Хитой томонига ўтишга ва жанубда ҳаракатда бўлган тибетликларнинг орқа томонидан ҳужум қилишга кўндирди. Орқадан зарба кутмаган

²¹ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, I., 198-199-б.

тибетликлар 793 йилда мағлуб бўлдилар, оқибатда қатор енгилишлардан сўнг, ўз ҳудудларига чекиндиладар.²²

Уйғурэлнинг урушга қўшилиши шимолда ҳам ҳодисаларга янги йўналиш берди.

Урушнинг қизгин палласи. Уйғурэл ўзининг тобелик ҳолатидан ютқизиқдан кўра кўпроқ ютуққа эга бўлди. Аслида уйғурлар хитойларга эмас, хитойлар уйғурларга боғлиқ эди. Фарбий ўлканинг Хитой пойтахти билан ёзишмалари тибет қўшинини айланиб ўтиб, уйғур ерлари орқали олиб бориларди. Фарбдаги уруш учун Хитойда етарлича отлар йўқ эди. Вазиятдан фақат уйғурлар чиқара олар, бинобарин, улар бунга тайёр эдилар, аммо текинга эмас, албатта. “Кўчманчилар талабларининг поёни йўқ эди”.²³ Хитой қўшин муздини тўлагач, уйғурлар тибетликларга қарши урушга кирди. Аммо Тибет дипломатияси ҳам ўзини кўрсата олди: улар ҳам иттифоқчилар топишди. Улар тарафида уйғурларнинг эски рақиблари-фарбий қорлуқлар ва офир солиқлардан безиллаб қолган Жанубий Жунгориядаги шато қабиласи урушга кирди.

Уйғурлар қўл остидаги турклар, шарқий қорлуқлар²⁴ ва баян қабиласи шатолардан ҳам кўпроқ азият чекар ва тибетликларни халоскор сифатида билишарди. Ниҳоят, Мўйунчур томонидан мағлуб этилган, лекин йиқилмаган қирғизлар орасида ҳам тибетсеварлик кайфияти ўсиб бормоқда эди. Уйғур бўйунтуриғини улоқтириб ташлаш учун қирғизлар қорлуқлар ва араблар билан яқинлашишга интилди, бироқ араблар йироқ, қорлуқлар заиф эди, фақат тибетликлар уйғурлар зулмидан озод қила олади, деган умид бор эди.

Тибетнинг махфий айғоқлари Енисейга қорлуқ ерлари орқали ўтди.²⁵

Бундан ташқари, тибетликлар Помирнинг фарбий ёнбағрида

²² Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 1., 205-206-б.

²³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 329-б.

²⁴ Булар гэлүлар бўлиб, бу қабила Жунгорияда яшаганлигидан бошқа бирон-бир маълумот йўқ. Гэлүлар билан қорлуқлар аинан эканлиги ҳақида фикр билдирганлар: В. П. Васильев (*Китайские надписи...*, 25-26-б.), W. Radloff (*Die altturkischen inschriften...*, 289-290-б.), G. Schlegel (*Die chinesischen Inschriften...*), E. Bretschneider (*Mediaeval Researches...*, 28-б.), Г. Е. Грумм-Гржимайло (*Западная Монголия...*, 341-342-б.) гэлү Олтойдан ҳаммадан кейин тўшиб келган мустақил бир турк қабиласи деб гумон қилади. Ўрталикни ҳам олиш мумкин, деб ўйлайман: гэлү-қорлуқ, лекин ҳаммаси эмас, балки уйғурларга тобе шарқий тармоқ. Бундай бўлиши мумкинлигига Гардизий, ҳам гувоҳлик беради унда келтирилган ривоятга кўра қорлуқлардан бири уйғурларга қочиб келади ва Уйғурэз хўдудда яшовчи барча қорлуқлар бошлиғи (ябғуси) қилиб тайинланади (В. Бартольд, *Отчий...*, 104-б.; Н. Eschedy, *Uigurs and Tibetans...*, 96-97-б.).

²⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 329, 355-б.

Гибин²⁶ ни қўлга киритиб эфталитларни бўйсундиргандан сўнг бу ерларда ҳукмрон бўлиб олган эдилар. Улар тўлайдиган хирож доридармон ва озиқ овқат маҳсулотлари бўлиб,²⁷ кўпроқ, Тибет лашкари истеъмолига сарфланган кўринади.

Жануби ғарбда тибетликлар ўзларига диндош бўлиб қолган Кашмир подшоси билан дўстона муносабатда эдилар. Ўша вақтда Кашмир фаол босқинчилик ҳаракатига киришган ва Шимолий Ҳиндистонни²⁸ истило қилиш билан банд бўлиб, бу Тибетнинг орқа жабҳадан хотиржамлигини таъминлар эди.

789 йил охирида Тибет кўшини Бешбалиқ (Бэйтин)га йўл олди. “Гйегангас”²⁹ унвонли уйғур саркардаси шаҳарга ёрдам беришга келади ва асосан, шатолар сотқинлиги туфайли тўлиқ мағлуб бўлади. 790 йилда Бэйтин қўлдан кетади. Бу Куча, Карашар, Хўтан, Қошғар каби хитойлар маҳаллий аҳоли билан чагишиб кетган кентлар тақдирини ҳам ҳал этди. Хитойга бундан буён бу узилиб қолган мулклардан хабарлар келмай қўяди. Бу ерликлар ўзлари мудофаа чораларини кўрган бўлсалар керак, чунки тибетликлар жанубий Тянь Шан теварагида хўжайин бўлиб қола олмадилар. Бироқ Сичжоу вилояти Турфон воҳаси билан биргаликда метрополияга содиқ қолди.³⁰ Буни англаш осон, хитойлар V асрда бу ерга келиб жойлашар экан маҳаллий аҳолини хитойлаштирди. Аммо Сичжоу кўчманчиларнинг бўронли денгиздаги бир оролдай бўлиб, Хитой гарнизоли ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлолмасди.

Кейинги йилда тибетликлар ўз робитасини таъминлаш учун интилиб, Хуанхэ оқими бўйлаб шимоли шарқий йўналишда босқинни давом эттирди, лекин Линчжоу ёнида уйғурлардан енгилди. Уйғурлар қайтиб кетганидан сўнг тибетликлар яна босқинни давом эттириб, Шуйкэучжай қалъасини ишғол этишди ва теварак-атрофи билан кўшиб шунчалик талончилик қилдиларки, хитойлар қайтадан ҳужум уюштириш чоғида бу ерни ҳарбий майдон сифатида фойдаланишга яроқсиз деб топишди. Чегара уруши ҳамлаларни қайтариш, вайрон бўлган қалъаларни тиклашга айланиб кетди.

Қурбонлар орасида тибет манбаси негадир туркларга³¹ тақайдиган

²⁶ Ламэрму – Гибин, яъни Каписа подшолигидаги Ламган бўлса керак (Қаранг: E. Chavannes, Documents..., 277-б.).

²⁷ F. W. Thomas, Tibetan literary texts..., 273-б.

²⁸ Н. К. Синха, А. Ч. Бонержи, История Индии, 100-101-б.

²⁹ Ҳилда Ечети бу ерда «Эл ўгаси» - «салтанат шаъни» деган уйғурча бирикмани кўради (H. Eesedy, Uigurs and Tibetans... 98-б). Ишонини қийин! Бу сўзни атоқли от деб бўлмайди, чунки уйғур тарихининг 180 йили мобайнида бундай ном билан ҳарбий бошиқлар аталиниб келинади. Балки бу форсча «Жаҳонгир»нинг «й»лашган шаклидир?

³⁰ Иакинф Бичурин, История Тибета..., 203-б.; Н. Cordier, Nistoire generale..., 495-б; Н. Escedy. Uigurs and Tibetans..., 87-б.

³¹ Иакинф Бичурин, История Тибета..., 204-205-б.

Гэсэр³² авлодлари подшоҳлиги ҳам бор эди. “Қизил юзли тибетликларнинг иблисона кўшини бу турк подшолигига бостириб кирди ва уларнинг ерида ўз чодирларини тикди. Хонавайрон бўлган аҳолини монлар юртига элтди ва у ерда уларга уйлар беришди”.³³ Шундан кейин ғарбий Тибетда ўз насл-насабини Гэсэрга боғлайдиган бекар сулоласи пайдо бўлди.³⁴

Ўша 791 йилда Тибетнинг бошқа бир кўшини Хўтанни³⁵ истило қилиб, Жунғорияда ҳаракат қилаётган лашкарлар орқа жабҳасини мустаҳкамлади. Ўз қудратларига ишончни йўқотиб бўлган хитойлар, кўмак сўраб арабларга мурожаат қилди. Ҳорун ар Рашид бунга рози бўлди ва жуда кучайиб кетган тибетликларга қарши ҳарбий ҳаракат бошлади. Унинг лашкари Тибет кучларининг ярмини банд қилиб турди, бу эса кейинги ҳодисалар ривожига анча таъсир этди.³⁶

Шимол уруши. Жунғория калити бўлмиш Бэйтин қалъаси учун шиддатли уруш қайта бошланди. 790 йилда Бэйтиннинг валийси ва Хитой генерали Ян Си-гу кўшини билан Чичжоуга (?) қочди (Чичжоу – Иссиққўлда Тянь Шан тоғидаги “Қизил водий” – Чигу бўлиши ҳам мумкин). Гйегянгяс Ян Си-гуга ҳамкорликда ҳаракат қилиб тибетликларни қувиб юборишни таклиф қилди, бироқ тибетликлар тўлиқ ғалаба қозонди. Уйғур-хитой лашкари ўз аскарларининг учдан икки қисмини йўқотди. Гйегянгяс қолган-қутган аскарларини йиғиб Хитой қалъаси Сичжоуни таламоқчи бўлди,³⁷ Хитой ноибига эса, Хитойга жўнаб қолишни маслаҳат берди.³⁸ Виждонли Ян Си-гу вазиятни ўнглаб олишнинг иложи йўқлигини кўриб, ўзини ўлдирди.

Тибетликлар иттифоқчиси – шарқий қорлуқлар Жунғорияни ишғол этишди.³⁹

Уйғурлар ҳали ҳам таслим бўлмаган “тўрт қалъа” томонга – жанубга улоқтириб ташланди. Мана шу қалъаларга таяниб уйғур тезкор

³² Балки Тибет муаллифи бу қабила уйғурларни қўлаганидан келиб чиққандир.

³³ Гэсэр баҳодир, IV-V асрларда Амдода яшаган кўчманчи кян қабиласидан мард ишгитлар тўдаси бошлиғи (Қаранг: Ch. Bell, *The Religion of Tibet*, 14-б.). Унинг номи билан боғлиқ ривоятлар кўп, “Гэсэриада” номли эпик роман ҳам пайдо бўлган (Қаранг: A. David-Neet et *ama Jongden, La vie surhumaine de Geusar de Ling*).

³⁴ F. W. Thomas, *Tibetan literary texts...*, 273-б.

³⁵ A. H. Francke, *A history of Western Tibet*, 47-б. Ушбу манзу билан боғлиқ ҳолда айтиши керакки. Ц. Дамдинсүрэннинг Гэсэрни Тибет бекарларидан, XI асрда яшаган Госрай билан бир киши ҳисоблаши кишини ҳайратга солади (Қаранг: Ц. Дамдинсүрэн, *Исторические корни Гэсэриады*).

³⁶ Манбада Хўтаннинг ишғол санаси берилмаган, саноқ бундай амалга оширилди: Хўтанга юриш ҳақидаги хабар Самъе мабади ишосидан (787 й.) кейин берилган. 792-793 йилларда уйғурлар Хўтанга, демак, улар душмани тибетликлар қўл остида бўлган шаҳарга ҳужум қилишган.

³⁷ H. Cordier. *Histoire generale...*, 461-б.

³⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...* II 1 ж., 46-б.

³⁹ Шентучун (?) (Қаранг: Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...* I ж., 46-б.).

бўлинмалари тибетликларга орқадан зарба бера бошлади ва уч йил мобайнида шимолга силжишига ҳалақит бериб турди.⁴⁰ Бугур⁴¹ атрофидаги Тибет қўшини отлиқлари таркибини тўлдириш учун мўлжалланган йилқи уюрини тортиб олишди, ундан сўнг эса Циктама⁴² ва Чончи⁴³ ёнида Тибет бўлинмаларига ҳамла қилиб, улар-ни тор-мор келтирди. Хўтан⁴⁴ томонга уюштирилган муваффақиятли фавкулдда аскарый ҳаракатлари, тибетликларга жанубдан қувват-лантирувчи кучлар олиб келишига ҳалақит берди. 795 йилда уйғурлар ниҳоят ўз сафларини тўлдириб, Бэйтин ёнида тибетликларни мағлуб этди ва Тибет босқини олға силжишига қатъий нуқта қўйди.⁴⁵

Адирдан чўлга чиқиб олган уйғурлар олдида, Уйғур ҳоқонлиги таркибига кирувчи қорлуқ ва тургашлардаги тибетпарварлик кайфиятини босиб қўйиш зарурати турган эди.⁴⁶ Тибет истилоси уларга эркинлик келтирди, шунинг учун уйғур лашкарининг қайтиб келишини улар хурсандчилик билан кутиб ололмасди. Улар тибетликларни қўллашга уриниб кўрган чоғи, лекин булар ҳам ўша тибетликлари каби Болчу⁴⁷ дарёси бўйида енгилдилар. Уйғурлар уч йиллик уруш ғолиби бўлишди.⁴⁸

Ҳар икки урушаётган салтанат ичида юз бераётган ўзгаришлар ҳам урушни тўхтата олмади. Тибетда буюк саркарда Шан Гецзан 796 йилда, ундан кейинги 797 йилда Тисрондецан вафот этишди; Уйғуралда Йўлугэ сулоласи узилиб, 795 йилда аёнлар ҳокимиятини чекланишига олдиндан розилигини олиб истегъоддли саркарда Кутлуғни хон этиб тайинладилар.⁴⁹ Бу зот тахтга ўтиргач, олдин тасаввур ҳам қилмаган қийинчиликларга дуч келди.

⁴⁰ Қаранг: А. М. Шербак, *Надпис на древнеуйгурском языке...*, 24-б.

⁴¹ Матнда “Бур улуг” (Қаранг: Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений на исторической географии...*, 559-б.).

⁴² Матнда “Титам” (ўша асар, 555-б.).

⁴³ матнда “Чон” (ўша асар, 550-б.).

⁴⁴ Матнда “Ярмаган” (Қаранг: С. Г. Кляшторний, *К историческо́й оценке Уланковской надписи*, 27-б.).

⁴⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 330-б.; А. М. Шербак, *Надпис на древнеуйгурском языке...*, 24-б. таржима, 5 қатор.

⁴⁶ Тургашларнинг бир қисми ҳоқонлиги қулагач, уйғурларга тобе бўлган эди.

⁴⁷ Қирғизгор кўлига қўйилувчи Урунгу дарёси.

⁴⁸ Уланком битиги “жонли” йилсаноқдан фойдаланади: Бур Улуғ (Бугур)га юриш Бўғаз тегиннинг 17 ёшида бўлган бўлса, тургашларнинг Болчуда мағлубиятидан кейин, Омозга юриш эса у 21 ёшга тулганида содир бўлган.

⁴⁹ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 345-б. (қийс: В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 24-б.). Бу хонни хонларнинг тартиб саноғига мос келадиган Ачжо эмас, балки Кутлуғхон деб ҳисоблайдиган “Цзун-ли ямин” фикрига қўшиланган (ўша асар, 31-б.), чунки ёдгорликда таъкидланган хонга хос сифатлар ёш бала бўлган Ачжогога мос кела олмайди. Яна, Ачжо уйғур хони уювонини олган эмас, фақат исмига хитойча Фин-чэн қўшимчаси қўшилган. Кутлуғ хон эса “Айдинлиқ улукмиш кет кучлуг Билга чоғон” дабдабали уювнига эги бўлган (В. В. Радлов, *Титулы и имена...*).

Тибет дипломатияси ишга тушиб яна ўзини кўрсатди: уйғурлар ортида 758 йилда тобе бўлганидан бошлаб мухторлик мақомини сақлаб қолган қирғизлар кўзғолон кўтарди. “Кутлуғ қирғизларни бостира олди, юртини хонавайрон қилди, уларнинг давлатчилик ишлари барҳам топди, улар ерида тирик киши қолмади”.⁵⁰ Охирги қисми бироз бўрттирилган⁵¹ шекилли, шунга қарамай, бу қирғиндан кейин 20 йил давомида, яъни янги авлод вояга етмагунича, қирғизлардан дарак чиқмагани аниқдир. Ҳозир Минусин музейида 32 рақам билан сақланаётган Тувадан топилган лавҳнинг ўрнатилишига мазкур воқеа сабаб бўлганмикин? Лавҳ тўрт юзали қумтош бўлиб бўйи 3,4 метр. Кенг юзларининг бирига уч тик қаторга руник ёзувда (Ўрхун ёзуви) битик битилган. Улар остида юзга қавс шаклида пастга қараб чизик тортилган, унинг ўртасига оқоридан хоч бириктирилган (С. В. Киселев тафсилоти баёни). Битикнинг мазмуни:

“Сиздан, юз ўртоқ хешимдан, халқим олти уруғидан, сиздан айрилдим (яъни ўлдим). Ботирлик отим Ақ-баш-ат-их”. Ўзим Инал ўга етмиш ёшимда.

Қахрамонлик шаъним! Белбоғимда 42 тўқа-безак бор! 30 ёв ботирини ўлдирдим!”

Лавҳнинг ён томонида асосий матнга қўшимча бор:

“Олти уруғ халқим кучи билан бу ерга бу тошни қўйди...”

Агар қуйидаги фараз қабул қилинса, ёдгорлик мазмуни равшанлашади. Алти-баг-будун, яъни олти бек халқи бу 780 йилдан кейинги уйғурлардир.

Ақ-баш-ат-их эса юзбоши бўлса керак ва савашда ҳалок бўлган, голиб олти бек халқи хони, яъни уйғурлар хони, ушбу ёдгорликни ўрнатган. Бундай бўлиши учун фақат галаба керак эди, IX юзйилликда эса, қирғизлар уйғурлар устидан голиб келган. Бизнинг фаразимизга лавҳдаги хоч зид эмас, бинобарин, манихейлар Исо хотирасини ҳурмат қилганлар, чунончи Монийнинг ўзи ҳам хочга тортилган. Ёзув қаторининг тиклиги ҳам диққатга сазовор, зотан X—XI юзйиллик уйғур ёзуви ҳам худди шундай хусусиятга эга бўлган. “Битик ҳарфлари Ўрхун ҳарфлари билан айнан эмас”.⁵² Айтилган фараз қабул қилинса, агар лавҳ жойидан кўзгатилиб Минусин музейига олиб келинмаганида у бизга жанг бўлган ерни кўрсатиб турарди.

⁵⁰ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 25-б.; G. Schlegel, *Die chinesischen Inschriften...*, 132-б.

⁵¹ “200 минг қирғизхоқон ўқчиларини тум-тарақай қилди ва ўз подшолигини олди” (O. Hansen, *Zur sogdischen inschrift...*, 19-20-б.).

⁵² С. Е. Мэлов, *Енисейская письменность тюрков*, 97-98-б.

Кўшинлар тибетликлар ва қорлуқлар ҳаракат қилаётган Бэйтин теварагига яна қайтиб келди.⁵³ Битикда воқеалар анча ноаниқ берилган узок ва оғир жангдан кейин уйғурлар ғолиб чиқади, Бэйтин қалъаси харобалари улар кўлига ўтиб, яна қайта бошдан Бешбалиқ кентига айланади. Хужум учун таянчга эга бўлгач, тибетликлар қамалида қолган Кучага ёрдам бериш учун отланади.⁵⁴ Уйғурлар ёвни пистирмага тушириб, қириб ташлайди. Бироқ қутқарилган кучалик хитойлар ношукр чиқиб қолишди, улар шавкатли халоскорлари хони билан тўланадиган ҳирожи борасида савдолаша бошладилар. Зиқна иттифоқчиларга қарши аскарый бўлинмага шахсан хоннинг ўзи қўмондонлик қилди. Улар қаршилиқ кўрсатишга уринишди, бироқ дош бериб бўлмади ва то Фарғонагача қочиб боришига тўғри келди. Шу ерда Норин⁵⁵ бўйида уйғурлар қочоқларга етиб олади ва уларни шип-шийдам қилишади. Ана шундан кейин соғ-омон қолганлари “кўзда ёши билан ёлвориб” ўзларидан ҳирож олишларини илтижо қилишади, раҳмдил уйғур хони бунга кўнади. Шундай қилиб, фарбадаги хитой мулкининг қолдиқлари Уйғур хонлиги таркибига киритилади.

Бундан кўп ўтмай, улар фарбий қорлуқлар⁵⁶ билан дуч келдилар, тўқнашув уйғурлар фойдасига ҳал бўлди. Хон Қутлуғнинг сўнгги жасорати қорлуқларни тинчителиш ва уларни қўллаб турган Тибет лашкарини мағлуб этиш бўлди. Шарқий қорлуқлар ябғуси ҳокимиятдан четлатилиб, ҳайдаб юборилди. Бу жанглар Тянь Шандан жанубда бўлиб ўтганлиги учун ҳам хон қочоқларни қувиб, Фарғонагача бориб қолган эди.⁵⁷

Баён этилган ҳодиса-воқеалар бир ўн йиллик ичида — 795-805 йилларда содир бўлди. Битиклар аниқ саналарни тиклаш имконини бермайди, хитойлар эса, умуман бу фактларни четлаб ўтади. Ҳар ҳолда битиклар тарихнинг бўш ерларини тўлдиради⁵⁸ ва бизга маълум бўладиги, уйғурлар тибетликларнинг фарба босқинини тўхтатибгина қолмасдан, ҳатто уларни Жунғориядан

⁵³ “Кучли Тибет кўшини ва тўрт тохар ва кўп бошқалар... ҳукумат... ҳамда... қорлуқлар... Тибет”. Куйироқда “тургашлар ҳукмрони” ҳам бор (O. Hansen, *Zur sogdischen Inschrift...*, 20-б.). Уланком битигига қиёсланг: “Тибетни олдим, Тунлуғ (?), сўнг Болчу ёнида тургашни”. Аниқ санасини белгилаш имкони йўқ.

⁵⁴ Уша вақтнинг ўзида унинг вориси Бўғаз тегин ўз бўлинмасини Омазга олиб кетган бўлса керак (хитойча: Хомо, Таримнинг куйи оқимидаги воҳа).

⁵⁵ Матнда дарё номи Чжен-чжун дейилган (“Цзун-ли яминнинг” изоҳига қаранг — В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 532-б.).

⁵⁶ “та-ши-ли қаноти” — тарбий қорлуқ қабилаларидан бири (қаранг: Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 347-б.).

⁵⁷ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 26-б.

⁵⁸ Битикка “Цзун-ли яминнинг” шарҳида белгиланган (ўша асар, 32-б.).

суриб ҳам чиқарган эканлар. Қайтиб кетишида тибетликлар ўз иттифоқчилари шатоларни ҳам етаклаб кетишди ва уларни Ганчжоу вилоятининг тоғолди минтақасига жойлаштиришди.⁵⁹ Бу шатоларни буткул қирилиб кетишдан асраб қолди, уйғурлар ҳақли равишда, Бэйтиннинг қулаши уларнинг хоинлиги оқибати, деб билар эдилар.⁶⁰

Қонли савашлар, тинкани қуритиб, жонни азобга қўювчи юришлар натижасида маълум бўлдики, рақиблар кучлари тенг экан: уйғурлар Куча ва Қорашарни, тибетликлар эса Хўтан ва Қошғарни ўз қўлларида сақлаб қолишди.

Шарқда ҳам, ғарбда ҳам уруш. Тибетликлар кучининг катта бир қисми ғарбда банд бўлиб турганини ҳисобга олиб янги подшо — Муни Дзенбонинг тинчлик битими ҳақидаги таклифини хитойлар рад этиб, бутун жабҳа бўйлаб акс ҳужум ташкил этишди.

798 йилда тибетликлар шимолда — Янчжоу яқинидаги Хуамачида ва 800 йилда Линчжоуда мағлуб бўлди. Жанубда, Синчуанда, Вэй Гао Тибетнинг икки қалъасини ишғол этди. Бунга жавобан 801 йилда тибетликлар қақшатқич босқин бошлаб, натижасида Линчжоуни қўлга киритишди ва хитойларни ҳужум уюштирадиган таянч нуқтасидан маҳрум қилишди.

Мамлакат ичкарасига тибетликлар бостириб киришидан хавотир олиб, хитой ҳукумати Вэй Гаога Жанубий Тибетга чалғитувчи ҳужум уюштириш буйруғини берди. Бундан ягона мақсад — мухолифни асосий йўналишдаги кучларини бўлиб ташлаш эди. Вэй Гао йигирма минг аскар билан Сичуандаги Тибет ерларига кириб борди, тўсиқларни бузиб, беш қалъа ва етти кентни ишғол қилди. Бироқ Вэйжоу ва Кунмин истеҳкомларига тиши ўтмади. Тибет саркардаси Мадиндэ мағлубиятлари учун жавоб беришдан чўчиб хитойлар томонига ўтиб кетди, унинг лавозимини эгаллаган хияни Лун-манжо Мулун-цисиме шарқий қўшин қўмондони мақомида хитойлар пистирмасига дуч келиб, мағлуб бўлди ва асир олинди. Бироқ қалъалар қамалга ҳамон дош бермоқда ва хитой босқини жанубда тўхтаб қолган эди.⁶¹

Шундай бўлса-да, 802 йилдан бошлаб тибетликлар Хитой билан тинчлик битими тузишга интилдилар. 806 йилда, ҳатто асирларни айирбошлаш ҳам бўлиб ўтди. Чунки, тибетликлар билан араблар ораси бузилган эди. Агар 777 йилда Тибет подшоси халифани эътироф этган бўлса, 785 йилга келиб, Ўрта Осиёда араб-тибет чегара

⁵⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 359-б.;

⁶⁰ E. Schlagintweit, *Die Könige von Tibet*, 55-б.

⁶¹ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 209-б.

уруши кетаётган эди.⁶² 806 йилда тибетликлар ва қорлуқлар Рафи ибн Лайснинг Самарқанддаги қўзғолонини аскарий кучлар билан қувватлади.⁶³

Ундан кейин нималар бўлгани номаълум, бироқ 811 йилда Маъмун укаси Амин билан фуқаролик уруши бошланиши арафасида қуйидагича нолигани маълум: “Қорлуқ жабғуси итоатдан чиқди, Тибет ҳоқони ҳам шунга ўхшаш бўйинсунмаслик йўлини тутди; Кобул подшоси ҳамла қилишга ҳозирлик кўрмоқда; Ўтрор подшоси ҳирож тўламоқчи эмас”.⁶⁴ Бу ўринда “бўйинсуниш” атамасини қорлуқ жабғуси, уйғур хони, Тибет подшоси ва Хитой императори каби хосларга нисбатан ўрнатилган дипломатик муносабат маъносида қабул қилмоқ керак, “бўйсунмаслик” деганда, алоқа узилиб, урушга тайёргарлик кўрилаяпти, деб тушунмоқ керак. Келтирилган матн Тибет ташқи сиёсати доираси ҳақида тасаввур туғдиради, чунки бу ерда арабларга қарши ҳарбий қўшилма аъзолари санаб ўтилган. Лекин шарқда содир бўлган воқеалар Тибет босқинини давом эттиришга монелик қилди.

Тахминан, 806 йилда⁶⁵ уйғурлар ҳужумни давом эттириб, Лянчжоу қалъасини олади ва бу билан тибетликларнинг оёғига кишан бўладилар. Тибетликлар ўзларига суянч ҳисоблаб келишган шато қабиласи вафосидан гумонсирай бошлайдилар ва уларни Цайдам ясситоғлигига жойлаштиришни мўлжал қилишади.⁶⁶ Шатолар эсига Хитойга хизмат қилиб юрган даврдаги шаъни келади ва босқинчиларга қарши қўзғолон кўтаради. 808 йилда бутун халқ – 30 минг чодир – Наншаннинг шимолий ёнбағридан қаторлашиб Таошуй дарёси қирғоғи бўйлаб Хитойга кетади. Тибетликлар улар кетидан изма-из юриб, йўл-йўлакай ҳамла қилиб, то Хитой чегарасигача келдилар. Ҳар қуни шафқатсиз савашлар бўлиб турди. Хитойгача 2 минг отлиқ ва бироз чорва етиб келди, холос. Хитойлар саломат қолган қаҳрамонларни яхши қабул қилишди, емак ва чорва беришди ва улардан махсус чегара бўлинмаси ташкил этишди.

Шатонинг қўллашидан маҳрум қолган тибетликлар босқинни тўхтатиб қўйишди. Бу орада уйғурлар Хитой билан жанжаллашиб қолишди. Уруш ўзидан ўзи тўхтаб қолди.

⁶² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I т. ж., 333-б.; Gaubil, *Abrege*, 140-б., В. В. Григорьев, *Восточный или Китайский Туркестан*, 194-195-б.

⁶³ В. В. Бартольд, *Туркестан...*, 205-б.

⁶⁴ *Уша асар*, 207-б.

⁶⁵ Санани ҳисоблашимиз шундай: Қутлуғга бағишланган битикда бу юриш тилга олинмайдиган, демак, бу унинг ўлишидан (805 й.) кейин бўлган. 806 йилда уйғурлар Хитойга ҳамла қилган, демак, Лянчжоу 806 йил бошида олинган.

⁶⁶ Н.Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I т. ж., 359-б.

Хитойлар билан уйғурлар орасига нифоқ уруғини татаблар сочди. 788 йилда улар татарлар билан биргаликда Хитой чегарасига ҳамла қилишади. 795 йилда хитойлар жавоб ҳужуми уюштириб, улардан “60000 кишини”⁶⁷ қириб ташлайди. Бу татарларни уйғурлар пинжига киришига олиб келди ва 806 йилда улар уйғурлар билан бирга ҳамла қилишди. Татабларнинг уйғурларга қарамлиги 830 йилгача, яъни татаблар ҳужум ташкил этиб. Хитой қўшини томонидан мағлуб этилиб, қабила бошлиғи асир тушгунга қадар давом этган. Император асирга бўрк, камар ва аскарый унвон туҳфа қилади. Шу тариқа туткунликдан озод этилган қабилабоши Хитой вассалига айланди. Уйғурлар бунга анча бефарқ бўлиб, эътибор ҳам бермадилар, чунки уларнинг диққати ички ишларга қаратилган эди.

809 йилда Тибет-Хитой тинчлик музокаралари қайта бошланди, лекин тибетликлар бирваракайига уйғур хони билан ҳам яқин бўлиш учун ҳамла уюштириб Хитойда ушлаб турилган уйғурларни ажратиб олишди ва уларни ватанига қўйиб юборишди.⁶⁸ Уйғурлар ташаккур билдириб, 813 йилда Фарбий девордаги “Тол воҳаси”га⁶⁹ ҳамла уюштиришди ва бу чўзилиб кетган музокараларда Хитойни анча ён босадиган қилиб қўйди. Ана ўшанда Хитой Тибетнинг чегарада айирбош савдоси ташкил этиш таклифини қабул қилди.⁷⁰ Айирбош савдоси тибетликларга наф келтирар эди, чунки бунда улар ўзларига керак молни аҳолининг ўзидан олар, яъни нарх анча паст бўларди. Хитой учун бундан ҳам ёқимсизроғи шу бўлдики, тибетликлар Хуанхэ устига Шофэн теварагида кўприк қуриб, уни мустаҳкамлаган эди, бу билан улар истаган вақтида Ордосга ва ундан Хитойнинг мудофаа қилинмаган ерларига бемалол ўта оладиган бўлишди. Бироқ Хитой томони бунга ҳам рози бўлди, чунки йилдан йилга вилоятларда урчиб бораётган қўзғолонлар сафарбарлик қилишга ҳам, урушни давом эттиришга ҳам имкон бермас эди.

Урушнинг охири. Тибет лашкари Уйғур-Хитой иттифоқини енга олмас эди, бироқ Тибет дипломатияси ёрдамга келди: у асли замирида душман бўлган бу икки давлатни яна бўлиб ташлади ва Тибетга уларни битта-битта – яккалаб зарба бериш имконини яратди. Шарқ томондан бежавотир бўлиб олгач, уйғурлар ёрдамида Хитойни омонлик битими тузишга мажбур этган Тибет 816 йилда шимолга тўғридан-тўғри уйғур пойтахти Қорақурумга⁷¹ ташланиб қолди. Айни

⁶⁷ Уша асар, 374-б.

⁶⁸ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 211-б.

⁶⁹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 265-б.

⁷⁰ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 212-б.

⁷¹ Уша асар, 221-222-б.

чоғда уйғурларнинг орқа томонидан қирғизлар қўзғолон кўтарди ва бу гал муваффақият қозондилар.⁷² Бу ўринда иттифоқчилар ҳаракатининг мувофиқлаштирилганини кўрмаслик мумкин эмас.

Юришдан тўлиқ мақсадга эришилмаслик фақат ҳеч қутилмаган ҳолат юзага келиши билан боғлиқдир: 816 йилда тибетлик “исмсиз гамбо”⁷³ оламдан ўтди, оқибатда, саркарда Шан Шацзан Тибетга қайтиб, ўзига мақбул шаҳзодани тахтга кўтаришда иштирок этиши ҳаётий бир зарурат бўлиб қолди.⁷⁴ Бироқ уйғурлар ҳам бундан фойдалана олмас эди, чунки улар қирғизлар билан 20 йилга чўзилиб кетган уруш билан банд эдилар.

Хитой Уйғурэлнинг оғир аҳволидан ўзининг номига доғ бўлиб тушган битимлардан ҳалос бўлиш учун вужудга келган вазиятдан фойдаланиб қолди. 806 йилда Чанъанга биринчи марта дунёвий ишлар билан шуғулланувчилар эмас, балки фақат манихей руҳонийларидан иборат элчилик келди.⁷⁵ Бу “комилларнинг” даъват ва гуноҳдан фориг этиш фаолияти қанчалик жигига тегмасин, хитойлар Уйғурэл билан муносабатларига совуқлик тушмасин, деб чидадилар. Уйғур қудрати зил кетгани билингани, Тибет билан тинчлик битими тузилгани заҳоти Хитой ҳукумати манихей руҳонийларини уйғур тижоратчиларига савдо фирромликларида шерик сифатида айблаб чегарадан қувиб чиқарди. Бордию, айбнома ҳақиқатга мос бўлган тақдирда ҳам, у моҳиятни ифода этмасди. Конфуцийчилар бир пайтнинг ўзида ҳам мистика билан, ҳам кўчманчи маданияти билан фаол кураш олиб бормоқда эдилар. Элчиликнинг суриб чиқариб юборилиши Хитой-Уйғур иттифоқи умри тугаганлигини расмийлаштирилиши эди.

Тибетликлар ана шуни кутиб турган эди. Ўша йилда, ҳатто Чанъандан элчилиги қайтиб келишини ҳам кутиб ўтирмай, тибетликлар Хитойга ташланди қолди. Қайтадан бутун жабҳа бўйлаб савашлар авжига чиқди, бироқ хитойлар тибетликлар ҳужумини қайтариб туришди.⁷⁶ Хитой ва уйғур ҳукмдорларига бориб етдики, бу даҳшатли ёв олдида биргалашиб иш кўришдан бошқа чора йўқ. 821 йилда бу икки салтанат иттифоқи тикланиб, никоҳ билан мустаҳкамланди.⁷⁷ Тибет саркардаси

⁷² Қаранг: Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 335-б.

⁷³ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 210-б. (қиёс: И. Попов, *Ламаизм в Тибете...*, 158-б.). Уни Шлагинтвөйт Sadnalegs (*Schlagintweit, Die Könige von Tibet, 56-б.*), Шульман эса – *Кридэсронцан, деб атайди.*

⁷⁴ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 212, 221-222-б.

⁷⁵ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 331-б. “Ўшанда Мони биринчи марта қонунини келтирди” иборасини мен шундай тушунаман. Манихейлар Хитойда бундан олдин ҳам бўлишган, лекин энди уларга очиқча ташвиқ ишлари ва давлат дипломатик ишлари топширилиши эди (Қаранг: E. Chavanneset P. Pelliot, *Traité tanicheen...*, 264-266-б.).

⁷⁶ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 213-215-б.

⁷⁷ *Уша асар*, 216-б.; Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 332-б.

Шан Цисир Ўрхун⁷⁸ водийсига хужум қилиб кўрди, натижа чиқмади. Чунки тибетликлар иттифоқчиси-қорлуқлар Фарғонада араблар билан урушда банд эдилар,⁷⁹ уйғурлар эса уларнинг босқинини қайтариб ташлади.

Урушни давом эттиришда маъно қолмади, тибетликлар Хитойга тинчлик битими таклиф этишди. Шартлари бўйича, Хитой қўлга киритган барча ҳудудлар унинг тасарруфида қолар эди. Хитой қайта хужум уюштиришга ихтиёрида сувори аскарлар умуман қолмагани учун бу таклиф қабул қилиниб, 821 йилда уруш тамом бўлди.

821 йил Тибет-Хитой тинчлик шартномаси. Бу шартнома Лхасадаги лавҳада сақланган. Мазмуни билан танишамиз: “Маърифатли, жанговар ва зоти улуг Буюк Тхан императори; донишманд ва илоҳий Буюк Тибет кябуси,⁸⁰ икки подшоҳ, амаки ва жиян икки салтанатнинг бирлашиши ҳақида ўйлаб, буюк ва мангу тинчлик ҳақида онгли шартнома қабул қилдилар.

Рухлар ва инсонлар бу ишнинг гувоҳидирлар; келгуси авлод ани мадҳ этгайлар. Ушбуни келажак наслларга етказмак ниятинда тош битик барпо этмишлар. Маърифатли, жанговар, зоти улуг император, донишманд ва илоҳий Кябу ушбу икки подшоҳ ўтқир нигоҳ ва идрок соҳиблари сифатида жипслашган халқларни идора этарлар, ўз марҳаматларини очиб, жумла мамлакатлардан меҳрларини дариф тутмаслар, кенгашиб яқдиллик билан халқларга ҳаловат ва қут ато этмак учун мазкурлар валинеъматлик билан узоқ муддат бахтли ҳаётга асос солурлар. Яқдиллик била қўшничилиик дўстлигини қарор топтирмақ учун интилишлари аларга мангу донг келтурур. Бундан буён Хитой ва Тибет салтанатлари чагаралари бўлмиш Тхаочжеу⁸¹ ва Минчжеу⁸² кентларидан шарқ сари барча ерлар Буюк Тхан подшоҳлик мулкидир, андин ғарб томон ётган мулклар Улуғ Тибет салтанатиникидир.

Мазкур икки давлат гарданларига мажбурият олурларки, қон тўқувчи душманликка барҳам берилгай, қурол кўтарилмасун, ҳар қандай тарзда тажовуз қилинмасун. Мабода бирор киши, бирор сабабга кўра бегона ерда ушланиб қолгудай бўлса, тирик тутсинлар,

⁷⁸ Иакинф Бичурин, *История Тибета...*, 223-б.; қиёс: Г.Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 347-б.

⁷⁹ М.Ф. Grenard, *La legende de Satok Boghra Khan*, 26-б. В.В. Бартольд булар гузлар бўлиши керак, деб ўйлайди (Қаранг: *Туркестан*, 206-207-б.), лекин далил келтирмайди.

⁸⁰ “Ценпо” унвонини таржимасиз қолдириб Иакинф тўғри қилган, чунки ҳар қандай таржима ноаниқ бўлади.

⁸¹ Гансу вилоятида, Гунчанфудан ғарбга 269 ли масофадаги шаҳар (Н.Я. Бичурин, *Собрание сведений по исторической географии...*, 149-б.).

⁸² Гансудаги шаҳар, Гунчанфудан жануби ғарбга 240 ли.

сўроқ қилинган, кийим-кечак, озуқа билан таъмин этсинлар ва ўз ватанига йўлласинларки, ўз салтанати ҳузурини бузмасинлар ва арвоҳлари инсонларга меҳру оқибат кўргузсинлар. Амаки билан жиян орасиндаги ушбу ўзаро дўстлик самарасинда бир-бирига дўст тутинсинлар ва бир-бирини қўлласинлар. Икки салтанат орасинда мудом мулоқот бўлмай, икки тарафдин равона бўлган элчилар Цзянцзюньчу⁸³ воҳасинда отларин алмаштирсинлар. Тхаочжеу ва Минчжеудан шарққа Буюк Тхан саройи, ғарбга Улуғ Тибет саройи пўчта ишига масъул бўлмайлар. Амаки ва жиян орасиндаги яқинлик тўла кўрилсин, ҳудудларида олов кўринмасин, чанг кўтарилмасин,⁸⁴ ҳар иккиси яхшиликни оширсин, юрти дардини ўйласин, сайёҳлар эҳтиёт чорасин кўрмай, авом осойиш роҳатини тотмай, ҳужум деган нарса бўлмай. Ушбу саодатлар келажак насларга ёғилиши билан шуҳрат овозаси қуёш ва ой нури етган жойга доғур етажак. Тибетлик Тибетда осойишталик топсин, хитойлик Хитойда хушнудлик топсин; ҳар томон ўзининг онт ичиб тузган шартномасига амал қилсин, мангу бузмасин уни. Худолар ва донолар сиймоси ҳузурини, қуёш, ой, юлдуз ва қурбонлик қони олдида онтимизни тасдиқ этамиз.

Кимки ушбу шартномани сақламаса, у қасамхўр, ундан ғам аримасин. Тибет ҳукмдори ва хитой элчилари, ерга бош уриб гувоҳлик берадиларки, шартнома шу ерда ифода этилгандан ўзгача эмас. Икки подшоҳ яхши ишлари авлодлар қулоғида мангу янграмай ва фуқаро улардан келган эзгуликларни мадҳ этар”.⁸⁵

Шартнома мазмунига муҳим бир қўшимча бўла оладиган қисқа кўрсатмага биноан 821 йилда Қошғарда Хитой ҳокимияти ўрнатилиб, бу ерга улардан валий тайинланган.⁸⁶ Бу Тибетнинг ғарбий чегараларида бўлаётган ҳодисаларни ойдинлаштиради. Бир нарса аниқки, бу пайтда хитойлар қирғизлар билан овора бўлиб ётган уйғурлар воситасида ҳам Қошғарни истило қила олмасдилар. Шунга қарамай, Тибетга орқадан қаттиқ зарба берилган ва бу зарба қуввати шунчалик бўлганки, улар Қошғарда қайтиб ўз ҳокимиятини ўрната олмадилар. Ягона асосли талқин – қошғарликларнинг ўзлари тибетликларни ҳайдаб, уйғур ерлари орқали Хитой билан алоқа ўрнатишга интилгандир. Бу борада Ғарбий ўлкада уйғур хонидан қочиб ўрнашиб қолган хитой

⁸³ Тибет ҳудудида.

⁸⁴ Олов ва чанг – минорадаги қўриқчи олови ва ҳужумга от чопдириб келаётган душман чанги.

⁸⁵ Иакинф, *Землеописание Китайской империи*.

⁸⁶ *Уша асар*, 563-б.

колониистларининг иштироки ҳам анча-мунча бўлиши эҳтимоли кўп. 821 йилги Хўтандаги ҳолат мутлақо номаълум, бироқ тибетликлар бу ерда ҳам мустақкам ўрнашмагани аниқдир. Кўпроқ, Хўтан урушаётган ҳар икки томонга ҳам жилмайишни билган ва бу билан мустақиллигини сақлаб қолган кўринади.

Арзимас йўқотишлар Тибет учун тинчлик шартномаси аҳамиятини камайтирмади. Бу тинчликка ўзига хос ва тўлиқ баҳони буддавий йўналишдаги Тибет тарихчиси беради.⁸⁷ “Узоқ-узоқларга чўзилган тоғ занжирлари орасида, Ернинг қоқ ўртасида, силласи қуриган хитойлар тиз чўкиб тинчлик тиладилар, тезроқ тош ўрнатишга интилдилар ва унга ўйиб битик битдилар. Жанубда Тибет кудратига Ҳиндистон⁸⁸ (Бихар ва Бенгалия⁸⁹) бўйин эгди, ғарбда Брушал (Эрон билан чегарадош ўлка) истило этилди, шимолда барча мўғул давлатлари ишғол қилинди” (жанубий мўғуллар — хорлар назарда тутилмоқда — Л. Г.).

Ҳақиқатдан, бу улкан урушда ғалаба Тибет томонга насиб этди. Карвон йўли унинг қўлида маҳкам турарди. Собиқ Цин беклигининг жангари хитойлик чегарачилари қириб ташланган эди. Хитойнинг ичкарасига янада чуқурроқ кириб боришдан манфаат йўқ эди, аксинча, хитой унсурининг мамлакатига кўплаб кириб келиши хитой билан урушаётган мамлакат қувватини бўшаштириши мумкин эди, холос. Уйғурал бутун вужуди билан қирғизлар урушига ташланган эди. Қирғиз ҳукмдори Ажо ўз зафарларидан ғурурланиб уйғур хонига шуларни баён қилди: “Сенинг вақтинг ўтди. Тез орада олтин ўрданг меники бўлади, олдига итимни боғлаб, байроғимни тикаман. Мен билан беллашмоқчи бўлсанг тезда етиб кел, иложинг бўлмаса, тезда қайтиб кет”.⁹⁰ Тибет подшосининг бошқа бир иттифоқчиси — қорлуқлар жабғуси арабларни исканжасига олиб, даштда ислом тарқалишини тўхтатиб қолди.

Тибет ўзи Шарқ ва Ғарбни бир-бирдан ажратиб, улар ўртасида гўё учинчи бир тенг дунё бўлиб турди. Унинг атрофида хавфли душманлари қолмаган эди, лекин энг жиддий хавф мамлакат ичида пинҳона куч йиғмоқда эди.

Бон ва буддавийлик. Тисрондецан ва унинг ворислари идораси чоғида Тибетда нималар бўлганлигига назар ташлайлик.⁹¹ Ожиз

⁸⁷ *Schlagintweit, Die Könige von Tibet, 58-59-б.*

⁸⁸ *Zahor - Индия (Қаоанг: G. W. Roerich. Blue annals, 39-б.).*

⁸⁹ *В. А. Богословский, Очерк истории..., 57-б.*

⁹⁰ *Н. Я. Бичурин, Собрание сведений..., 1 ж., 355-356-б.*

⁹¹ *Тибетдаги ички уруш тафсилотлари ҳақида қаранг: Л. Н. Гумилев, Величие и падение древнего Тибета.*

хукмдорлар (ценпо) ўз фуқароларига қарши ёрдамни ўзларидан бошқа ҳеч ким ёқтирмайдиган ва ҳурмат қилмайдиган будда жамоаларидан излаганлигини эслайлик. Уруш вақтида куч доимо зафарли саркардалар қўлида бўлади, лашкарда эса роҳиблар эмас, бон динидаги қуролли халқ жанг олиб борган. Мэагцом ўзи тириклигида буддавий роҳиблар хавфсизлигини таъминлаб, бир оз ёрдамни бериб турди, лекин унинг вафотидан сўнг 755 йил тахтга ёш гўдак Тисрондецан ўтиргач, амалдаги ҳокимиятни буддавийликнинг энг ашаддий душмани аён Мажан қўлга олди.

Мажан буддавий адабиёт тарқалишига оҳиста тўсқинлик қилиб борди ва олдинги подшоҳ асос солган икки бутхонанинг хизматчиларини тарқатиб юборди. Буюк Лавран бутхонаси қушхонага айлантирилди, шундан сўнг буддавий аёнлар суиқасд уюштирдилар, бунда подшонинг ўзи ҳам қатнашди: Мажан тутуқланиб, сағанага қамаб қўйилди, чунки буддавий динига ишонганлар ҳеч кимни ўлдирмасликлари керак, албатта, бу ҳолатда эса Мажаннинг ўзича ўлиши тайин эди. Подшо яна ҳокимиятни қайтариб олди, Тибетда буддавийлик қайтадан гуллай бошлади. Топиноқлар яна очилди, Лхасадаги майдонда қора дин (бон) тарафдорлари билан буддавийлар орасида мунозара ташкил этилди. Табиийки, буддавийлар ғолиб бўлишди, мағлубларга анча шафқат қилинди: бон дини китобларининг бир қисми ёқиб ташланди, бошқа қисмини буддавийлар қабул қилдилар.

Келишув Тисрондецанга бир томондан, шарқ, шимол ва ғарбга босқин уюштиришга имкон берса, иккинчи томондан, янги-янги буддавий даъватчиларни уларнинг хавфсизлигини кафолатлаган ҳолда жалб этиш имконини берди.

Тез орада турли мазҳабларга мансуб буддавий роҳибларнинг ўзлари орасида устунлик учун кураш бошланиб кетди, оқибатда хитойлик ҳинд Роҳиб томонидан мағлуб этилиб, Тибетни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Тўғри, бир неча йил ўтиб, ғолиб мағлубнинг шогирдлари томонидан ўлдирилди.

Узоқ курашлардан кейин Ралпачане (816-839) замонида сарвастивадинларнинг хинаяни мазҳаби ютиб чиқди.⁹² Бу ғалаба шу даражада мукамал эканки, подшо бошқа мазҳаблар китобларини таржима қилишни ва буддавийликнинг махаяна ёки тантри тармоқларини ман этди. Бундай сиёсатнинг келажакка таъсири анча сезиларли бўлди.

⁹² И. Папов, *Ламаизм вв Тибете...* , 160-б.

Тибетда устунлик учун кураш олиб борган уч мазҳаб орасида сарвастивадин энг кам мавқега эга эди. Тибетликлар тантрининг ёмон руҳларни ҳайдовчи жодулари фойда келтиришини тасдиқлайдилар, чунки ёмон руҳ ва жодуларга ишонч ҳамма ерда бор эди. Махаяначилар таълимоти, яъни энг тез халос бўлиш эса, мутлоқ бекорчиликка, “ҳеч нарса қилмасликка” таянади. Тибетлик учун бундай роҳиблар безарар бўлиб, бундай дарвешнамоларни боқиш қийин бўлмаган. Сарвастивадин эса “аста-секин халос бўлиш”ни тавсия этар ва “яхшилиқлар қилиш” унинг моҳиятини ташкил этарди. “Яхшилиқлар қилиш”га топиноқлар, бутхоналар куриш ва қоидаларга даъват ва ташвиқот қилиш кирарди. Табиийки, ҳамма ҳаражатлар айланиб келиб халқ оммаси гарданига тушар ва янги дин гуллаб-яшнаган сайин омма камбағаллашиб, қашшоқлашиб бораверарди. Тибетликлар орасида норозилик бошланди. “Кимлар бизнинг қашшоқлашиб, эзилишимиздан наф кўради?” – деб сўрай бошлашди ва ламаларни кўрсатиб: “Мана шулар” дедилар. Подшо руҳонийларга нафрат назари билан қараш, уларни бармоқ билан кўрсатишни ман этди, бундай қилмиш учун кўзини ўйиб олиш, кўрсаткич бармоғини кесиб ташлаш жазолари қўлланиларди, бироқ бу тадбир ҳам иш бермади.⁹³ Подшоҳ ўзининг ўнг қўл вазирини малика билан ўйнашлиқда айблаб осишга ҳукм қилганида, ҳатто саройдагилар ҳам чидаб турулмади ва подшоҳнинг хобгоҳига кириб унинг бўйнини уздилар.

Тахтга келган марҳумнинг укаси Лангдарма буддавийликнинг душмани эди. Мамлакатда авж олган очарчилик, ют (чорва ўлати) ва бошқа офатлар будда дини касофати, дея уларни қувғинга олди. Топиноқлар, черковлар вайрон этилди, китоблар ва муқаддас тасвирлар ёндирилди ёки сувга оқизилди, ламалар овчиларга ёхуд қассобларга айлантирилди, бунга итоат этмаганлари дорга осилди. Қисқа бир муддатда Тибетда буддизм йўқ қилинди.

842 йилда Лангдарма буддавий дарвеш томонидан ўлдирилди. Қирғин ва кўзғолонлар бошланди, ички уруш 20 йил давом этиб, мамлакатнинг ҳолдан тойиши билан тугади. Натижада, хитойликлар тибетликлар ишига эътибор бермай ҳам қўйди. Шунинг учун ҳам X-XI юзйилликлар Тибет тарихи ҳақида хабар ва дараклар ниҳоятда кам, лекин, барибир, умумий манзара ойдин: подшо ҳукмронлиги тугатилиб, муттасил ўзаро урушиб турадиган майда бекликлар пайдо бўлди.

⁹³ В. П. Васильев, *Буддизм*, 45-й. на давоми.

VIII-IX АСРЛАРДА УЙҒУРЭЛ

Янги тартиб. 780 йилги тўнтариш тўқуз ўғуз қабилалари устунлигига барҳам берди. Йўқ этилган ҳолат тикланишини ҳаммадан ҳам кўпроқ ғолиб олти қабила истамасди. Уларга кучсиз, эркинлигини сиқиб қўя олмайдиган ҳокимият керак эди, шунга эришдилар ҳам. Моҳиятан уйғур хонлиги мустабид бир тузумдан, жумҳуриятга ўхшаш, лекин бир умрлик ҳукмдорга эга тизимга айланди. Ҳокимият аслида хонни сайлаб қўядиган қабила бошчилари қўлида эди. Бу хонлар шу даражада оҳорсизки, тарихда уларнинг тавсифлари ҳам йўқ. 789 йилдан 794 йилгача Пангуан – ҳокимиятни қонунсиз қўлга киритган кишининг ўғли – хонлик қилди. Бироқ у ҳам ҳокимиятга ворислик йўли билан эмас, балки «аъёнлар кўтариб қўйиши» билан келди.¹ 794 йилда уни хотини оғулаб ўлдирди. Тахтга ўтиришга ҳаққи йўқ бўлган укаси «ўзи»² тахтни эгаллади. Бу сиёсийдан кўра кўпроқ оилавий фожиага ўхшаб кетади. Ишга аъёнлар араллашиб, тахтни тортиб олганни ўлдириб, ўрнига гўдак ўғлини ворис, деб эълон этишади.

Ҳокимият куч билан бўлиб олинди, куч эса бизга исми номаълуму, лекин манбаларда “Гйегянгяс” деб аталувчи, ўша кезларда тибетликлар билан урушда қатнашаётган кишида эди. У урушдан ўз қўшини билан юртга қайтганида хон ва унинг аъёнлари кутиб олгани чиқишиб, қорнини ерга теккизиб, ёлвориб ўлдирмаслигини сўрашди. Гйегянгяснинг кўнглини овлаш учун хон унга Уйғурэл Тибет урушида қатнашгани учун берилган хитой буюмларининг ҳаммасини тақдим қилди. Ҳаяжонланиб ва талтайиб кетган Гйегянгяс ёш хонни бағрига босиб, уни қўллашга ваъдалар берди, нарсаларни эса аскарларига тарқатди, олам гулистон бўлди. Орадан бир йил ўтиб хон вафот этади (табиийки, бу қариллик ўлими эмас), хон этиб марҳум хон замонида аскарый лавозимга эришган аъёнлардан бирининг асранди ўғли – Кутлугни сайлашадилар.

Бу ворислик анъанаси устидан сайланиш ибтидосининг тантанасигина бўлиб қолмай, балки шаклланиб бўлган бир русум ҳам эди: “Аъёнлар мулозимлар³ ва шунга ўхшашлар маълум қилдиларки: “Эй, самовий подшо, сен олтин тахтингда қўлларингни тушириб бемалол ўтиравер, ёрдамчиликка эса денгиз ва тоғни ҳам

¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 328-б.

² Ҳокимиятни зўрлик билан эгаллашнинг хитойча ифодаси.

³ Турклар буюрук деб атайдиганлар бўлса керак.

ўлчов билан бошқариш қобилиятига эга кишилар ярайди, давлат тузуги (киритилмоғи?); қонун ва буйруқлар берилмоғи керак. Кўкнинг илтифоти ва марҳаматидан умидвор бўлмоқ керак. Биз мулозимлар ана шуни сўраймиз”.⁴

Бу матн жуда муҳимдир. Унда хон ҳокимиятини чегаралаш акс этган, хонга ҳукумат бошлиғи, яъни араблардаги *вазир* ва хитойлардаги *чэнсян* даражасидаги ваколат ажратилляпти. Иккинчи талаб суд ҳокимиятига доир: қонунлар қатъий қайд этилиши ўзбошимчаликнинг олдини олади. Ниҳоят, давлат ишларини диний ишлар, яъни манихей жамолари бошчилари билан мослаштириш кескин бир тарзда талаб этилмоқда. Хоннинг ихтиёрида фақат уруш қоляпти, ростдан ҳам Қутлуғхонни биз доим қўшин бошида кўрамиз.

Аммо уни, ҳатто бу ерда ҳам тинч қўйишмади. Битик ундан нима иштаганини аниқ айтади: “Ер юзининг ҳамма жойида авом ва жониворлар, поклар ва яхшилар ҳимояга олинур, ёмонлар қирилур”.⁵ Ишлатилган атамалар тўлалигича манихейларга хос, “Хуастанифт” муаллифи Бетурмиш тархон ҳам худди шунга ўхшатиб ўз фикрини ифодалайди.⁶ Манихейлар нимани яхши, нимани ёмон дейишини билганимиз учун, ушбу матн асосида Қутлуғ истило қилган ўлкаларида диний қувғин қилган, деб таъкидлай оламиз, айти пайтда, Куча ва Чанъан хитойлари уйғурларга нисбатан салбий муносабатда бўлишларининг асосий сабаби ҳам ана шундан, деб хулоса чиқариш мумкин.

Зотан, араблар ҳам хитойлардан қолиб кетгани йўқ. Хуросон амири унинг мулкида бир неча юз *зиндиқлар*, яъни манихейлар яшаётганлигини билгач, уларни ўлдирмоқчи бўлди. То бу ишга қўл ургунича унинг ҳузурига тўқуз ўғуз ҳоқонидан элчи келиб қуйидагиларни етказди: “Менинг мулкимда сеникидаги зиндиқлардан уч баробар кўп мусулмонлар бор, агар сен бир зиндиққа тегсанг, бу ердаги ҳамма мусулмонларни қириб ташлайман”. Улари ҳам, булари ҳам омон қолишди.

Шундай қилиб, уйғур хони ҳар икки бир-биридан мустақил манбалар бўйича ҳам христиан, мусулмон ва зардуштий мамлакатларида қувғин ва қирғинга учраган манихейларнинг ҳимоячиси сифатида намоён бўлади. Худди шундай сиёсатни Уйғурларда манихейлар ҳам олиб борганлар, яъни бошқа диндагиларни қувғин қилишни ташкил этганлар.

⁴ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 24-б.; G. Schlegel, *Die chinesischen Inschriften...*, 131-б.

⁵ В. П. Васильев, *Китайские надписи...*, 25-б.; G. Schlegel, *Die chinesischen Inschriften...*, 132-б.

С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 120-125-б.

Фақат Тибет ва араб халифалигидагина эмас, балки Ҳиндистон,⁷ Хитой⁸ ва Уйғурларда бошқа диндагиларни чиқиштирмаслик замонанинг бир хусусияти сифатида кўзга ташланади. Балки ана шунинг учун ҳам туркларга нисбатан уйғурлар қўшни қабилаларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келгандир. Турклар оддий тобелик ва ҳирож талаб қилсалар, уйғурлар бутун руҳиятни ҳамда турмуш тарзини ўзгартиришни талаб этдилар, булар кўчманчиларга шундай бир тасаввурларни тиқиштиради эдики, улар на тушунар ва на қабул қила олар эди. Шу туфайли ҳам Уйғурлар келишиб бўлмайдиган душманлари билан ўраб олинган эди.

Манихейлик ва уйғурлар. Манихейликнинг Уйғурларда ҳалокатини тарихий тасодиф дейиш мутлақо мумкин эмас. Манихейлик дини мунтазам равишда моддийлик ва умуман дунёвийлик билан курашиб келди, унинг тўлиқ тантанаси аслида манихей динини қабул қилганларнинг жисмонан йўқ бўлиши эди. Ўз-ўзини йўқотиш жараёни сунъий тарзда секинлаштирилиб борилган бўлсада, барибир, у ўзини ўзи тур сифатида йўқ қилишдан бошқа бир нарса эмасди.

Манихейларнинг олий фазилати ҳаётни қабул этмаслик ҳамда оқибатида безгинлик келтириб чиқарадиган ғамгинлик эди.

Иккинчи фазилати — барча вужудли нарсалар билан чиқишмаслик, ачиниш ва марҳаматни инкор этар, демак, шафқатсизликка кенг йўл очиб, уни бир тамойил даражасига кўтариш эди.

Учинчи ғояси — вужудни дарвешлик ва бузқўлик воситасида ишдан чиқарар, оила мавжудлигини имконсиз қилар, умуман, асосий мақсади оила қуришга мойилликни йўқотиш эди (гарчи оила қуриш, умуман олганда ман этилмаса-да).

Бу уч тамойил христианликка мутлақо қарама-қаршидир, унда безгинлик — оғир гуноҳ, марҳаматли бўлиш — фазилат, бир жуфтли оила қуриш эса диний ва сирли ҳаракатдир. Манихейлик ақидаларини мунтазам равишда манихейчилик устувор бўлган жамиятда амалга ошириб бориш қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур этиш қийин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, асил манихейлик кам кишига насиб этган бўлиб, улар ҳам асосан, зодагонлардан эди. Уйғур чўпонига, саводсиз, лекин жангари бир жангчига унинг қадрдон хушхўдли чўли, суюкли хотини, қувноқ қизил юзли болалари — барчаси турган-битган ёмонлик эканлигини, улардан воз кечиш кераклигини тушунтирса

⁷ I. Prasad, *History of Meghaval India...*, 26-28-б. ; Н. К. Синха ва А. И. Банерджи. *История Индии...* 98, 102, 104-б.

⁸ Н. И. Конрад, *Начало китайского гуманизма.*

бўлармиди? У ўзининг қадоқ ва бақувват, ёй ўқини қулогининг тагигача етказиб тортадиган қўлларидан, уни бир неча бор хушнуд ва эркин турмушга қайтарган вафодор йўлдоши бўлмиш тулпоридан нафратлана олармиди? Қандай қилиб у Нур ва бузилган Зулматнинг мавҳумий курашини кўз олдига келтириши мумкин? Аниқ ва очиқ-ойдин равшанки, уйғур кўчманчиларининг жуда катта қисми номигагина манихей бўлиб, илгариги турмуш ва ўрганган тасаввурлари асосида яшаб юраверган. Манихейликнинг бузғунчи фитрати уларга таъсир эта олмаган бўлса керак.⁹

Ушбу вазиятнинг оқибати сифатида зодагонлар ва авом халқ орасида узилиш юзага чиқиши лозим: халқ ўз бошчилари: бек ва хонларини тушунмай қолади, улар эса, ўз навбатида ўқимаган ва тушунмайдиган оммага тушунтиришнинг фойдаси йўқ деб билади. Бу мамлакатни мустақкамлашга олиб келмасди. Уйғур жамиятининг илғор қисми янги динни ташналик билан қабул қилди, бунда унинг уйғурлар табиатидаги жанговорликни юзага чиқара оладиган чиқишмаслик воизи мақбул бўлди.

Тибетликлар, қорлуқлар, қирғизлар билан уруш уйғурлар учун олий бир маъно қозонди: бу урушларда улар дин учун курашчиларга айланди. Оқибати эса, ташқи сиёсатнинг ҳар томонлама кескинлашувида намоён бўлди. Урушни жанг қилаётган динга ёт бўлган халқлар кучи билан олиб бориш керак эди. Юз кўрсатган фалокат ташқи ва ички сиёсатнинг айнан мана шу йўналиши билан кўпроқ боғланган эди.

Барибир, манихейликнинг энг даҳшатли емирувчи ақидаси оилани бузилишига олиб келувчи томонидир. Бу, асосан, уйғур жамиятининг юқори қатламларига, ижтимоий сабабларга кўра Эрон ва Ўрта Ер денгизининг юксак маданиятини қабул қилиб, уни сингдира оладиган қисми учун тегишлидир. Никоҳсиз чоғларда содир бўладиган шаҳвоний ҳаракатлар соғлом авлод вужудга келишига тўсқинлик қиларди. Уйғурларнинг маданиятга энг яқин турган қисми яримжон авлод қолдиришга мажбур бўлиб қолади. Қисқача айтилса, улар пуштсизликка мубталлоо бўладилар.

Пуштсизлик жараёни секин кечади, унинг оқибати кўзга кўринадиган даражага етиш учун камида уч бўғин ўтиши, яъни 80 йил керакдир. Манихей Уйғурэли айнан шунча яшаб турди.

⁹ Бунинг далили тўй одатида кўринади (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 333-б.) ва маъжусийлик мазмунидаги ёзма руник ёдгорликлариди ҳам намоён бўлади (С. Е. Малик, *Памятники...*, 1951, 80-92-б.).

Манихейликни қабул қилишнинг бу салбий томонлари юзага чиққунга қадар унинг ижобий томонлари — ғарб маданиятига дохил бўлиш ҳам бўй кўрсатди.

Хитой руҳоний маданияти шунчалик ўзига хоски, кўчманчилар уни қабул қилишни истамас ва қабул қила олмас эди. Тўйнуқуқ мисолида биз, ҳатто хитойча маълумот олган турклар ҳам хитойча дунёқарашга ўз қарашини қарама-қарши қўйишга интиланлигини кўраимиз. Тибетликларда ҳам шу ҳолат кўзга ташланди, албатта, уйғурлар ҳам бундан истисно эмас эди. Бироқ бу уларни маданий алмашиниш имкониятидан маҳрум этарди, фақат Суғуд ва Эрондан келганларгина уларга Хитой маданиятидан кам бўлмаган маданият эшигини очдилар.

Ибн Хўрдадбег Уйғурэлни барча турк мамлакатларидан энг каттаси, кенг ҳудудлиси деб таърифлайди: “Тўқуз ўғуз ҳоқони 12 дарвозали катта бир шаҳарда туради, кент аҳолиси манихейлик динига эътиқод этишади; ҳоқоннинг тепаликдаги кўшиқда 900 киши сиғадиган олтин чодирни бор бўлиб, олисдан — беш фарсах узоқликдан кўринади”.¹⁰ Мана шу дабдабали саройда заиф, нўноқ ўзларидан унвонларгина қолдирган хонлар ўтирарди. Мамлакатни тарихда номлари қолмаган қабила бошчилари ва манихей “комил”лар бошқарар эди.

839 йилгача Уйғурэлда ҳеч қандай йирик воқеалар бўлиб ўтмади, агар қирғизлар кўзғолони (815 йил атрофида) ва татарларнинг Амурдан Иншанга кўчиб ўтгани (820 йил атрофида) ҳисобга олинмаса.¹¹ Билвосита бу салтанат кучдан қолганлигини билдиради ва яна шуни ҳам айтиш керакки, мамлакат ичида ҳукумат заифлашганда доим бўладигани каби қандайдир гуруҳлар ўзаро кураш олиб борган, булар қандай гуруҳлар ва кимлар бўлганлигини билишнинг мутлақо имкони йўқ. 832 йилда Геса деган хонни “қўл остидагилар ўлдиради”,¹² унинг ўрнига Ху деган амакивачча жияни хон бўлади, фалокат ана шунинг даврида авж олди.

Уйғур хонлиги ҳалокати. IX юзйиллик ўрталарида Уйғурэл қудратдан-қувватдан қолган эди. Зодагонларнинг ахлоқан тубанлашуви ўз ҳосилини берди. Аъёнлар бир-бирига рақиб бўлдилар, бўйсундирилган қабилалар ажралиб чиқиб кета бошладилар. Аввалроқ, 794 йилда шатолар чиқиб кетганлиги айтилган эди. 835 йилда татаблар ҳам ажраб кетишди. Лекин Уйғурэл учун энг

¹⁰ C. Millet, *Sur le nom de cereales...*, 207-б. 839 йилда қирғиз хони ҳам Уйғурэлнинг пойтахтини “Олтин ўрда” деб атаган эди (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 355-б.)

¹¹ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 377-б.

¹² Уша асар, 333-б.

даҳшатлиси қирғиз қўзғолони бўлди. Мустақиллик орзусини ардоқлаб ўстириб юрган қирғиз беги араб, тибетликлар ва қорлуқлар билан дўстона алоқалар ўрнатган эди.¹³ 818 йилда бўлса керак, қирғиз беги Ажо ўзини хон деб эъълон этади. Унинг онаси тургаш бекачи, хотини эса тибет саркардасининг қизи эди, табиийки, улар билан ҳам булар билан ҳам қариндошлик мулоқоти ўрнатилган бўлиши керак. Уйғур хони Бао-и-хон уриниб кўриб, қўзғолонни бостира олмади. Ажо бегоналар зулмидан озод бўлганига қаноат қилмай, муҳолифини тўлиқ таслим бўлишини талаб қилди: “Сенинг вақтинг ўтди, тез орада олтин ўрданг меники бўлади, олдига отимни боғлаб, байроғимни тикаман. Мен билан беллашмоқчи бўлсанг тезда етиб кел, иложинг бўлмаса тезда қайтиб кет”.¹⁴ Ана шу пайтда жанубда шато­лар ҳам ўз қувватларини тиклаб, уйғурларга таҳдид қилмоқда эди.¹⁵

Бундай оғир бир аҳволга тушиб қолишларига сабабчи уйғурларнинг ўзлари эди. Улар жуда катта ғайрат ва шижоат билан ўз озодлиги учун кўк туркларга қарши курашиб, унга эришдилар, лекин озодликка эришиб, уни нима қилишни билмай қолдилар. Уларнинг эркесварлиги авж ола бориб, ҳар қандай ташкилотчиликни инкор этиш даражасига кўтарилди. Улар хон ҳокимиятини кескин чегаралаб ташлашга интидилар ва бунга эришгач, бу ҳокимият ўз моҳиятини йўқотиб қўйди. Уйғурларнинг ҳатто бевосита хавф олдида ҳам кучларини уюшти­ра олмаслиги ана шундандир. Шимол ва жанубдаги душманларга қаршилик кўрсатиш ўрнига уйғур зодагонларида қирғизлар ва шато­ларга мойиллик уйғонди.

832 йилда олтин тахтга Қорақурумда Қут тегин (хитойча: Худэлэ; форсча: Хутуглан ҳоқон¹⁶) Айдинлиғ улуғ Мунмиш Кулуг Билга-Чжан синхон унвони билан ўтирди. Унга салафларидан хоним сифатида хитой маликаси¹⁷ ва ечиб бўлмас зиддиятлар тугуни мерос қолди. Воқеаларнинг кейинги ривожини “Таншу”да жуда қисқа берилган бўлиб, ҳодисалар оқими ҳақида тасаввур олиш мумкин-у, лекин сабабларини аниқлаб бўлмайди.¹⁸

839 йилда Кулуг бек деган аён (хитойча: Гюйлофу) ўзига кўмакка келган шато­лар кучига ишониб Қорақурумга ҳужум қилади.

¹³ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 355-б.

¹⁴ *Уша асар*, 355-356-б.

¹⁵ *Уша асар*, 361-б.

¹⁶ *Қут ўғлон бўлса керак* (В. Бартольд, *отчет...*, 105-б.).

¹⁷ *Уйғурларда хотинларни мерос олиш қадимги одати сақланган эди.*

¹⁸ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 334-б.

Хон ўзини ўлдиради, кўзғолонни қўллаган аъёнлар ёш бола — Кэситегинни хон кўтарадилар.¹⁹

Қиш қорли келиб қўй ва йилқи кўп қирилди, очарчиликка ўлат қўшилди, 840 йил баҳорига келиб уйғурлар тўнтариш ва ундан кейинги очарчилик, юқумли касаллик, ғалаёнлардан жуда толиққан эдилар. Кулуг бекнинг душмани оқсоқол Кулуг бага қирғизларни ёрдамга чақириб, Қорақурумни ишғол қилади. Хонни, Кулугбекни осишади, тарафдорларининг ўтовлари ёқиб юборилади. Ваҳима босган уйғурлар тарқалиб кетишади. Бир қисми жанубга тибетликларга тобе бўлиб яшаш учун қочади; аъёнлардан Пан Тўра 15 аймоқни Жунғорияга олиб кетиб қорлуқларга итоат этади, хон аймоғининг 13 уруғи эса (тўқуз ўғузларнинг бошқалар билан аралашган авлодлари бўлса керак) 841 йил мартада Ўга тегинни хон деб эълон этиб, қирғизларга қарши курашни давом эттиришга аҳд қиладилар. Бироқ бутун Халха,²⁰ Қорақурум ва уйғурларнинг барча бойлиги уларнинг ёви қўлида эди ва фақат фитратидаги жанговорлик ва уруш эпкини уйғурларни курашни давом эттиришга ундар эди.

Қорақурумда қирғизлар қўлга киритган ўлжалар орасида уйғур хонининг хотини бўлган уч нафар хитой маликалари ҳам бор экан. Хитой билан муносабатни дарз кетказмаслик учун, аркону арбоблар билан ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиб маликани Хитойга жўнатишди. Ўга тегин бу қарвонга хужум қилиб, барча қирғизларни қириб маликани озод қилди ва уни хотинликка олди. Аммо Халхада бежавотир қолишига кўзи етмай, оч ва ахлоқсизланган улкан ўрдасига бош бўлиб, Ўга Гобидан ўтиб Хуанхэ қирғоқларида пайдо бўлди. Уйғурлар уришишни истамасликларини яхши билган Хитой ҳукумати уларнинг қўмондонлиги билан тил топишишга интилди. Лекин оч-яланғоч қўчманчилар музокаралар охирини кутишга сабри чидамади ва емак-ичмак топиш учун талон-тарож қила бошлашди. Вазият фожиали тугагини ҳис этган аъёнлардан Ўга тегиннинг укаси Умус бутун айбни унга тўнкаш ниятида иттифоқчиларидан шатоларнинг йўлбошчиси Чисинни²¹ қатл этди. Бунга жавобан шатоларнинг бошқа бир етакчиси Насечур ўз тарафдорлари ва Чисиннинг 7 минг

¹⁹ *Гардизий кўзғолонда Уйғурларда яшаган қорлуқлар ҳам қатнашган, дейди. Ушалар 12 бошиқни ва Хутуглан ҳоқон номли хон тарафдорларининг барчасини қириб ташлайди. Ундан кейин бутун даштда ҳокимиятни қорлуқ Илмалмасин жабғу қўлга олади (В. Бартольд, Отчий..., 105-б.).*

²⁰ *Халха — ҳозирги маъносида. Бу жой номи XIV-XV юзйилликларда пайдо бўлган.*

²¹ *Уйғурлар вазири Чисин билан шатолар йўлбошчиси Чисинни айналаштириш муаллиф хулосаси. Булар икки киши ҳам бўлиши мумкин, лекин бу фикр унча ишонарли эмас.*

кишилик аскарларини Манчжурияга олиб кетиб қолди. Уша ерда хитойлар ҳужумига дучор бўлиб, Ўганинг ҳузурига қайтиб қочиб келади, лекин бу ерда у қатл этилади. Бошқа аёнлар хитой императорига таслим бўлишни таклиф этишди.

Ўз тобеларини боқиш учун озуқаси қолмаган Ўга Шансини яғмо қилишга рухсат берди (841 й.). Хитой лашкари мағлуб этилиб, шимолий Шанси ва Ордос ишғол этилди. Ушбу ҳолат уйғурлар тақдирини ҳал қилди: Хитой ҳукумати уларни қўллашдан бош тортди ва уйғурларга қарши ўз лашкарини сафарбар қилди. 842 йилда уйғурлар енгилди ва хитойлар уларни Ордоснинг шимоли-шарқий бурчагидан Манчжурияга улоқтириб ташлади. Шу чоққача уйғурларга садоқатини сақлаб келаётган киданлар кимни кўрса шуни талаётган қочоқлар оломонини кўргач, кўзғолон кўтаришиб Хитойга тобелик билдиришди.²² 843 йил аввалида уйғурлар яна енгилди ва қувғинга маҳкум бўлган Ўга тарафдорлари билан “қора арава” қабиласи ҳузурига қочиб боради, улар эса хитойларга тутиб беради. Ўга ўлдирилади, унинг тобелари тарқалиб кетади.²³

Ўганинг иниси Энан тегин қолган-қутган уйғурларга бошчилик қилади. У татаб оқсоқолларининг ихтиёрий ёрдами билан улар билан бирга яшаб келди, лекин 847 йилда хитой кўшини татабларни ҳам яксон этгач, Энан татарлар (шивей)га қочиб борди. Хитой уни тутиб беришни талаб қилди, бироқ уйғурларнинг сўнги етакчиси хотини, ўғли ва тўққиз нафар сувориси билан беному нишон йўқолди.

Сўнги уйғурларга татарлар бошпана берганлигидан дарак топган қирғиз хони Манчжурияга ўн минг лашкар тортади ва қочоқларни тутди. омон қолганлари “ўрмону тоғларга беркинади ва талончилик билан кун кечириб”²⁴ охири ғарбга — Пан Торэга кетадилар.

Оқибат. Уйғур салтанатининг йўқ этилиши фақат бир сиёсий-ҳарбий воқеа эмас эди. Уйғур аскарлари яксон қилиниши биланоқ Хитой “ҳукумати монийларнинг барча китобларини, бутларини йиғиб йўлларда ёқиб юбориши, мол-мулкларини давлат хазинасига мусодара этиши”²⁵ бежиз эмасди. Динларга анча кенг феълли бўлган Хитойнинг бунчалик кескин чоралар кўришидан, масала жиддийлиги аниқ бўлса ҳам, афсуски, хитойларнинг манихейликка бундай муносабати сабаблари ҳақида хабарлар анча кам. Барибир, бир нарса аёнки, манихей жамоалари хонавайрон этилган ва буддавийлик ташвиқоти учун кенг йўл очилиб қолган.

²² Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, I ж., 369-б.

²³ *Уша асар*, 335-337-б.

²⁴ *Уша асар*, 337-б.

²⁵ *Уша асар*.

Х асрада уйғур тилига “Олтин йоруқ” сутраси таржима қилинади,²⁶ бу эса ўз навбатида бундай асарларнинг кўплаб ўқувчилари борлигини кўрсатади. Бора-бора буддавийлик манихейликни тобора суриб чиқараверди.

Уйғурлар яксон қилинганч, Хитой билан қирғизлар орасидаги муносабат бузилди, чунки Хитой қирғиз хонининг кучайишига ҳамкорлик қилишни истамас эди.²⁷ Хайриятки, бу уруш келиб чиқиш даражасига етмади.

Қирғизлар уйғурлар устидан ғалабаси ва мустақиллигини “Енисей ёдгорлиги”²⁸ номли икки қаторли битикда ифода этишган. “Сизлардан, элим, хотунларим, ўғилларим, халқим барчангиздан олтмиш ёшимда айрилдим (яъни ўлдим). Отим Эл Тўғон тутуқ. Мен илоҳий элга юборилмиш элчи эдим. Олти бек халқига бек эдим”.

“Олти бек халқи” ёки “олти қисмли халқ”, деб 780 йилдан кейинги уйғурлар айтилар эди. Улар беги ва “älči”си Эл Тўғон тутуқдир. “Элчи” “älči” умуман олганда, элчи маъносини ифода этади, бу ерда эса “мухтор вакил” маъносида ишлатилганида ҳеч қандай зиддият йўқ, у бир пайтнинг ўзида бошлиқ (baу), айна пайтда ўша халққа элчи ҳам бўлган. Унинг мурожаати хонга эмас, балки “qunčui” – “хоним”га (хитой тилидан: бу атама кўк туркларда қўлланилган) қаратилган. Бу эса ўз навбатида асар ёзилган санани аниқлашда асқотди: Ажо 847 йилда вафот этган, демак, Эл Тўғон тутуқ ундан кейинги унинг ворис хонимига мурожаат қилмоқда. Шу тариқа биз Халхада қолган уйғурлар аҳволи билан танишиш имконига эга бўламиз: улар қирғиз хонлиги таркибига бўйсундирилган бир халқ сифатида кўрсатилган, бинобарин, айна тобе қилинган қабилаларни бошқаришга тайинланган мансабдоргина “тутуқ” унвони билан тақдирланган.²⁹

Муҳим нуқталардан яна бири қирғиз битиги уйғур салтанатини “илоҳий эл” деб аташ билан Уйғур хонлиги диний аслдаги давлат эканлигини тасдиқлагандай бўлади.

Пан Тўрэ ғарбий чеккага етаклаб кетган уйғурларга қисмат нисбатан кулиб боқди. Қорлуқлар пинжига беркиниб олган бу уйғурлар тез орада иккига бўлиниб, катта бир қисми Кучада жойлашиб олдилар ва ҳатто ўз вақтида тибетликлар ҳамласини

²⁶ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 140-б.

²⁷ Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 357-б.

²⁸ С. Е. Малов, *Памятники...*, 1951, 78-79-б.

²⁹ *Битик санасини Л. Р. Кизласов ҳам шундай белгилайди. Лекин у “олти бек” деганда, бутун Уйғурэлни эмас (бу пайтда энди қирғизлар қўл остига ўтган), Тува ҳудудини тушунади (Л. Р. Кизласов, Новая датировка памятников..., 1145-б.). IX кўзиликда Тува ва Уйғурэл орасида чегара бўлмаган бўлса керак.*

қайтаришга ҳам улгурдилар, бошқа бир гуруҳи эса Тибет билан чегарадош ерга — Бешбалиқ теварагига ўрнашди.³⁰

Тибетни емираётган ички уруш, бу давлат кучга тўлган чоғида истило этган ерларида ўз аксини топмаслиги мумкин эмасди. 848 йилда Дунхуанда маҳаллий (хитой) аҳолисининг қўзғолони кўтарилди. Исёнчилар бошчиси Чжан И-чао деган бир заковотли зобит эди. Тарафдорларини у ўзи “бурчига содиқ кўшин” деб атаган бўлиб, уйғурлар кўмагида 850 йилда Хами ва Турфонни³¹ ишғол этди. Аммо у Ганчжоуда маҳкам ўрнашиб олган тибетликларни суриб чиқаришга тўлиқ муваффақ бўла олмади ва бу ерда қирғин ўн йилча давом эди.³²

Ана шу даврда уйғурлар куч тўтлаётган эди. Хитойга етиб келаётган хабарлар узук-юлуқ бўлишига қарамай, уйғурларнинг янги хонлиги анча жонли чиқиб қолганлигини аниқлаш учун етарли бўлди. 856 йилда Кучада тахтда ўтирган янги хон Манли Хитой билан иттифоқчиликни тиклашни истаб қолди.³³ Лекин орадан бир йил ўтиб Уйғурэл билан Хитой оралигидаги йўл тўсилиб қолди,³⁴ бу тибетликлар бошлаган акс ҳужумнинг натижаси бўлиши мумкин.³⁵ Шу ҳолатда ишга жунғор уйғурлари аралашди. Бешбалиқда мустақамланиб олган бек Буғу Цзун³⁶ тогон саркардаси, Тибет буддавийлари раҳнамоси Шон Бибининг сафдоши Тоба Хуай Гуан бошчилигида бон динини қўллаб-қувватлаётган тибетликларга қарши курашаётган хитойлар ва бошқаларга ёрдамга келди. Жангари бон билан юзма-юз келган манихей, буддавий ва конфуцийчилар ўзаро низоларни унутиб, бирлашдилар ва ўзаро рақобат мардлик, шижоат майдонига кўчди. Тибет мустабиди саркарда Шон Кунжо,³⁷ бор куч-қуввати билан мухолифлари белини синдириш учун тиришди-ю, бироқ “қабилалар унга эргашмади”.³⁸ Оқибатда тибетликлар босқини бир ерда депсиниб қолди. Бугу Цзун Тибет қўл остида бўлмиш Сичжоу (Турфон воҳаси), Бэйтин (Бешбалиқнинг чегара истехкоми бўлса керак), Луантай (Урумчи теварагида), Цзинчэн (Урумчидан 250 ли ғарбда)ларни қўлга киритиб, Тянь Шан теварагида Тибет устунлигига барҳам берди.

³⁰ J. R. Hamilton, *Les Ouighours...*, 10-116.

³¹ *Ibid.*, 12-6.

³² V. Minorsky, *Hudud al-Alan*, 85-6.

³³ J. R. Hamilton, *Les Ouighours...*, 10-6.

³⁴ *Ibid.*, 10-6.

³⁵ *Ibid.*, 15-16-6.

³⁶ Хамилтон уни Манлихоннинг вориси деб ҳисоблайди.

³⁷ Уни баъзи ўринларда лун (вазир) Шажо деб ҳам аташади (Н. Я. Бичурин, *Собрание сведений...*, 1 ж., 338-б.)

J. R. Hamilton, *Les Ouighours...*, 15-6.

Хитой саркардаси Чжан Ки-юн Шан Кунжонинг ўзини Гансу ёнида³⁹ тор-мор этиб минглаб асирлар, ўша пайтда танқис бўлган силоҳларни кўплаб қўлга туширди. Шан Кунжо Хунахэ юқори қисмидан жануб томон чекинди. Маҳаллий аҳоли Шан Кунжонинг оғир аҳволда эканлигидан Тоба Хуай Гуанни огоҳ қилган, шекилли, унинг ички Тибетга чекиниш йўлини тўсиб қўйди. Уйғур ва хитойлар шошилинч жанубга – Куқунорга етиб келишди ва Гуо кентчасида (Сининдан жануброқда) ҳал қилувчи савашга киришди. Шан Кунжо узил-кесил енгилиб, ўзи асир олинди. Уни аввал оёқларини кесдилар, ундан сўнг бутун қилмишларини санаб эшиттириб, сўнг калласини танасидан жудо этишди. 866 йил декабрида Чанъанга Тибетни бутунлай яқсон этилгани ҳақидаги хабар билан бирга Шан Кунжонинг калласини ҳам олиб келдилар.

Шундай қилиб икки юз йиллик Тибет ва Хитой уруши ниҳоя топди, аммо ғалаба нашидасини суриш Хитойга ҳам nasib этмади. Тан ҳокимияти ичидаги кураш шу даражада кучайиб, авж олиб кетган эдики, уни энди тўхтатишнинг имкони қолмаган эди. Бунинг оқибатида сўнгги Тан императорлари фаолияти натижаси ўлароқ Хитойнинг ички ишларига ташқи кучлар йўлатилмас бўлди.

Бу уйғурлар учун ютуқ бўлди. Буғу Цзун Бешбалиқдан ташқари Кучанинг Турфон водийси, Лобнор кўлининг шимолий қирғоғи ва Манас дарёсигача бўлган Жунғорияни ўз ичига олган кичик, лекин мустақкам бир беклик тузди.⁴⁰ Бу ихчамгина мулк, хонлик деб аташга кичиклик қиларди, шунинг учун унинг ҳукмдорлари “идукут” унвони билан иш юритганлар. Худди шу ўзакдан ўрта асрлар Уйғурэли ўсиб чиқди.

³⁹ *Ibid.*, 14-б.

⁴⁰ Г. Е. Грумм-Гржимайло, *Западная Монголия...*, 362-б.

ИЛОВА
Синхрон жадвал *

1	2	3	4
Йил	Узоқ Шарқ	Марказий Осиё	Яқин Шарқ
545	Вэй империяси ичида Шарқий ва Ғарбий империялар ўзаро уруши	Туркутлар жужанлар қўл остида Вэй элчиси Бу-мин ҳузурга келди.	Эроннинг Византия билан уруши
546	Ғарбий Вэйга эфталитлар элчилиги келди. Телеутларнинг бўйсундирилиши	Ғарбий Вэйга жавоб элчилиги юборилиши.	
547			Шимолий Африканинг Византия томонидан бўйсундирилиши
548			
549			
550	Бэй-Ци империясига асос солиниши		Лазларнинг Эронга Византия томонидан туриб юриши
551		Бумин Ғарбий Вэйдан маликани хотинликка олиши	Кутургурларнинг Византия устига, утургурларнинг кутургурлар устига юриши
552		Буминнинг жужанларга қарши қўзғолони. Мағлуб Анахуан ўзини ўлдиради. Буминнинг ўлими. Қора Иссиқхоннинг тахтта ўтириши	Эрондан юз ўғириб Византия томонига ўтган сабирларнинг Агванияни ишғол қилиши. Византия Италияни босиб олиши.
553	Киданлар цилар томонидан мағлуб этилиши. Ғарбий Вэйга эфталитлар элчилиги келиши.	Жужанларни тор-мор этган Қора Иссиқхон ўлими. Укаси Муғанхон жужанларни Цига ҳайдаб юбориши	Византияда ипак тўқимачилиги бошлалиши
554	Цида жужанлар талончилик қилиб, хитойлар томонидан тор-мор этилиши	Истаминнинг ғарбга юриши	Форслар Агванияда сабирларни мағлуб этиши. Византиянинг Испанияни ишғол этиши (жанубий-ғарбинни).
555	Бэй-Цидан қувилиб, Ғарбий Вэйга қочиб борган жужанларнинг қатл учун туркутларга топширилиши. Бэй-Цига Лян ҳужуми	Бэй-Цига қарши ҳоконлик ва Ғарбий Вэй иттифоқи тузилиши. Туркутларнинг абарларни яқсон қилиши. Эфталитлар билан илк тўқнашувлар.	Эрондан Ғарбий Вэйга элчилик келиши.
556	Тогонга ҳуружле	Тогонга ҳужум ва Шудун шаҳри олинлиши	
557	Ғарбий Вэй ўрнида Бэй-Чжоу империяси вужудга келиши	Вар, хуни ва оғорларнинг туркутлар томонидан тор-мор этилиши	

558		Огорларнинг бўйсундирилиши; вар вахунисохта аварларнинг Фарбга қочиши.	Туркутлар жужанлар қўл остида Вэй элчиси Бумин хузурига келди. Аварларнинг сабир ва англари яқсон қилиши.
559	Бэй-чжоу тогонларни мағлуб этиши. Гаочандан Бэй-Чжоуга элчилик келиши.		Култургуларнинг Византияга ҳамласи
560	Эронга йўлланган туркут элчилигининг эфталитлар қириб ташлаши.		
561	Кучадан Вэй-Чжоуга элчилик келиши.	Бэй-Цига қарши туркут ва Бэй-Чжоу иттифоқи	Хусрав Ануширвон сабирларни тор-мор қилиши.
562		Эфталитларнинг туркутлардан илк бор енгиллиши. Эфталитларга қарши Эрон билан иттифоқ	Эрон ва Византия тинчлик сулҳи. Аварларнинг Византияга юборилган иккинчи элчилиги.
563	Бэй-Чжоу ва Бэй-Ци уруши.	Туркутларнинг Византияга элчилик юбориши.	Форслар эфталитларни енгилли.
564	Карашардан Бэй-Чжоуга элчилик келиши. Бэй-Чжоу лашкарининг цилар томонидан мағлуб этилиши	Туркутларнинг Чочни истило қилиши.	
565		Насаф ёнида туркутларнинг эфталитлар устидан галабаси.	Тухфаларни кўпайтириш талаби билан Византияга авар элчилиги келиши.
566		Эфталитлар салтанатининг Эрон ва туркут ҳоқонлиги ўртасида бўлиб олиниши.	
567		Эронга туркут элчилиги юборилиши ва элчилар ҳалокати.	Авар ва лангобард иттифоқи юзага келиши.
568		Византияга Маниах бошчилигида элчилик юборилиши	Аварларнинг Паннонияни эгаллаши.
569		Туркутларнинг Эронга юриши.	Земархнинг туркутларга элчи бўлиб келиши.
571		Ҳоқонлик ва Эрон тинчлик сулҳи.	Эронга қарши арманлар кўзғолони.
572	Бэй-Ци-туркут тинчлик битими.	Муғонхон ўлими. Тубоннинг тахтга ўтириши.	Арманистон учун Византия ва Эрон уруши.
573		Евтихия, Иродион ва Павел Киликиялилар элчилигининг Византиядан келиши.	
574	Хўтандан Бэй-Чжоуга элчилик келиши.		

575		Утургур ва туркут итти-фоқи.	Византия-Эрон музокаралари.
576	Чжоуларнинг Бэй-Цини яксон қилиши.	Туркутларнинг Боспорни қамал ва ишғол этиши. Валентиннинг туркутларга элчилик юбориши. Истамининг ўлими.	Форсларнинг Арманистонга бостириб кириши.
577	Бэй-Цининг қулаши.	Туркутларнинг Қримга кириши.	Хусрав Анушрвон ўлими.
578	Гао Бао-нин Чахарада	Ҳоқонликнинг Бэй-Чжоу билан уруши	
579		Туркутлар Хитойга бостириб кириши	Хусрав Ануширвон ўлими
580	Бэй-Чжоу ва ҳоқонлик ўртасида тинчлик ўрнатилиши.	Туркутларнинг Лазикка бостириб кириши.	
581	Ян Цзян тўнтариши. Суй сулоласи бошланиши. Тогонлар ҳужумининг қайтарилиши.	Тубохон нафоти Тўрэманинг четлаб ўтилиши. Амрақнинг рад этилиши, Шаболионинг тахта ўтириши.	Сирмиянинг аварлар томонидан истило қилиниши.
582	Гао Баонинг Суй ҳукуматига қарши кўзғолони.	Хитойга қаратилган босқиннинг қайтарилиши.	
583	Линтао ёнида тогонларнинг яксон этилиши.	Тўрэманинг мағлубияти, Шаболио галабаси, Чулохоунинг Хитойга ўтиб кетиши.	Аварларнинг Византияга ҳужуми.
584		Ҳоқонлик ичида галаён. Шаболио ва Қора Чурунинг Хитой билан тинчлик сулҳи.	
585	Киданларнинг Хитойга ўтиб кетиши.	Абарлар кўзғолони. Шаболионинг абарлар ва Тўрэмани енгизиши.	
586		Тўрэманинг Бухорога чекиниши.	
587	Суйнинг Хоу-Лян империясини ишғол этиши.	Шаболио ўлими. Чулохоунинг тахта ўтириши. Тўрэман мағлуб этилиб, асир олинishi ва ўлдирилиши. Чулохоунинг ҳам "гарбий юришда" ҳалок бўлиши.	Византиянинг аварлар билан тинчлик ўрнатиши.
588	Туркутлар билан савдо учун бозорлар очилиши.	Йун улугнинг тахтага келиши.	Византиянинг Боспорни қайтариб олиши.
589	Суй империясининг Чэн империясини тизўқдириши	Эронга юриш. Ҳирот жанги. Форслар Пойкендни эгаллаши. Эрон билан сулҳ.	Хазар, Юнон ва гуржиларнинг Алпанига бостириб киришининг форслар томонидан қайтарилиши.
590		Туркутлар Гаочанни ишғол қилиши.	Баҳром Чубин исёни.
591	Тогон Хонн Куалюй ўлими		Баҳром Чубин мағлубияти. Хусрав Парвез подшоҳинг бошланиши

592 593		Ғарбий ва шарқий туркутлар ўртасида тинчлик ўриятилиши ва ҳоқонликнинг бирлашиши.	Бистам қўзғолони.
594 595 596	Хитойда очарчилик.	Чжан-сун Шэннинг туркутларга элчи бўлиб келиши.	Бистамнинг ҳалок бўлиши.
597	Хитой жанубида деҳқонлар қўзғолони. Тогон Хитойга бетарафлик кафолати бериши.	Жангарнинг хоинлиги ва Чжоу хонадони маликасининг ўлдирилиши. Хитой билан уруш бошланиши. Туркутларнинг қўзғолон кўтарган угрларни тинчитиши.	
598	Корейслар (когурёлар) Ляосини ишғол этиши. Хитойлар энгилиши.	Хитой лашкарининг туркутларга қарши отланиши.	Константинополга Қора Чурин Турклар элчи келиши.
599	Ордосдаги муваффақиятли жанглар.	Жангарни тор-мор келтирилиши. Иун Улунинг қатл этилиши. Қора Чурин Туркнинг "Бўка хон" унвони билан тахтга ўтириши.	
600	Анхойдаги деҳқонлар қўзғолони бостирилиши	Туркутларнинг Хитойга ҳамласи.	
601		Хитойларнинг Чанъанда яқсон қилиниши.	Византияликларнинг аварлар устидан галабаси.
602		Хитойга омадсиз ҳамла уюштирилиши	Фоки қўзғолони. Маврикийнинг ҳалокати. Византия билан Эрон уруши бошланиши.
603		Қора Чурига қарши ўн телес қабилалари қўзғолони. Нилихоннинг ҳалок бўлиши.	Туркутлар қўллаши билан кушанларнинг Эронга қарши қўзғолон кўтариши. Тохаристоннинг Эрондан ажралиб чиқиши.
604	Ян Цзяннинг тўсатдан ўлиши. Ян-диннинг тахтга чиқиши.	Қора Чурининг Тогонга қочиши. Ҳоқонликнинг бўлиниши: Шарқдаги хон – Жангар, ғарбдаги хон – Таман.	Форсларнинг Византияга бостириб кириши. Ларанинг истило этилиши.
605	Киданлар қўзғолони бостирилиши.	Жунгорияда телес хонлиги вужудга келиши.	
606		Ғарбий дулу-туркларнинг киби ва сянто – телеслар мағлуб этиши.	
607	Туркутлар билан эркин савдо қилишни маъ этувчи фармон. Тибетнинг бирлашиши.	Лоянда Жангарнинг қабул қилиниши.	Форслар Марас ва Амиду қатъаларини ишғол этиши.

608	Гаочан ҳокими Бо-я Хитой билан музокараларга киришиши. Хитой қўшинининг Тогонга бостириб кириши.	Жангархоннинг ўлими. Тахтга Шибирхоннинг ўтириши. Жунғор телеслари билан ғарбий туркутлар сулҳи ва биргалликда Тогонга ҳужуми.	Форслар Сурияни истило қилиб, Халкедонгача етиб бориши.
609	Ян-дининг Тогон, Гаочан ва яна 27 кичик мулкни қўлга киритиши.		
610	Лояндаги халқ қўзғолони бостирилиши. Гибинидан элчи келиши.	Лоянда туркутлар учун тантанали байрам уюштирилиши.	Ирақлий қўзғолони ва Фокиннинг ҳалок бўлиши.
611	Ян-дининг Когурёга юриши.	Шегуй қўзғолони ва Таманнинг Гаочанга қочиши.	
612	Хитой лашкарининг Когурёдаги мағлубияти.	Таман тарафдорлари Хитойга бўйсуниб, Уч ўрдага бўлиниши.	Форслар Каппадокиядаги Кесарейни эгаллаши.
613	Когурёга иккинчи юриш. Ян Сюанганнинг аскаррий исёни. Деҳқонлар қўзғолонининг ёйилиб кетиши.	Шибирхон Бойосо, Ван Сю ба Вэй Дао-эрларнинг исёнини қўллаб-қувватлаши. Туркут беклари орасида Хитой айғоқчилари ўйинлари фож этилиши.	
614	Когурё билан тинчлик сулҳи.		
615	Хитойда халқ қўзғолонлари кучайиши. Тогоннинг озод бўлиши.	Шибирхоннинг Яйминга босқини. Уруш.	Форсларнинг Кудусни босиб олиши.
616	Ян-дининг қочиб, Цзянду қалъасига яшириниб олиши.		Форслар Мисрни истило қилиши.
617	Лян Ши-ду, Лю У-чжоу, Ли Юанларнинг аскаррий қўзғолони.	Кидан, Шивэй, Тогон ва Гаочанларнинг Шибирхонга тобе бўлиши.	
618	Тан сулоласи бошланиши.	Шегуйхон ўлиб, тахтга Тун жабғухоннинг ўтириши.	
619	Тан сулоласи туркутлар билан иттифоқдан чиқиши. Хэсининг эгалланиши. Танга қарши Шенсида Ван Ши-чун ва Хэбэйда Доу Гян-дэ қўзғолонлари. Лян Ши-ду ва Лю У-чжоуларнинг туркутлар ёрдамида Шимолий Хитойга бостириб кириши.	Шибирхоннинг Ордосга бостириб кириши ва ўлими. Тахтга Чулохоннинг ўтириши. Сеянто ва кибиларнинг Тун жабғухонга бўйсундирилиши. Шарқий телеуйгурларнинг Чулохонга қарши қўзғолони.	Константинополда “гунн беги”нинг чўкintiрилиши.
620	Ли Ши-миннинг Лю У-чжоуни мағлуб этиши. Лю У-чжоунинг нобуд бўлиши.	Чулохоннинг Суй сулоласи тарафдорлари билан иттифоқ тузиши. Чулохоннинг ўлими. Тахт Кат Элхонга тегиши. Лянчжоуга бостириб кириш.	Аварларнинг Константинополга бостириб кириши. Аварларнинг чекиниши.

621	Ли Ши-миннинг Лоянда Ван Ши-чун ва Доу Гяндэларни енгизиши. Хэбэйда Лю Хэй-да қўзғолони.	Туркутларнинг Дайчжоу ва Юанчжоуга ҳамласи.	
622	Лю Хэй-да билан туркутлар иттифоқ тузиши.	Туркутларнинг Шимоли-шарқий Хитойга бостириб кириши.	Ирақлийнинг форсларга қарши ҳужумга ўтиши.
623	Лю Хэй-данинг тормор этилиши. Хитойлар Тогонликларни енгитди.	Шансига ҳужум.	Ирақлийнинг Атрпатаканга ҳужуми.
624	Хитойнинг Тан сулоласи қўл остида бирлашишининг ниҳоясига етиши.	Шарқий туркутларнинг Хитойга ҳужуми ва чекиниши. Фарбий туркут ҳоқонлигининг Хитой билан иттифоқ тузиши.	Ирақлийнинг Киликияга чекиниши.
625		Шансига бостириб кирилиши.	Византия билан Фарбий турк ҳоқонлигининг ўзаро элчилик билан алмашилиши.
626	Ли Ши-мин тўнтариши. Вэй дарёси бўйида туркутлар билан сулҳ тузилиши.	Фарбий туркутларнинг Дарбанд орқали Кавказ ортига кириб бориши. Шибирхоннинг Яйминга босқини. Уруш.	Юнонлар ва туркутлар Тбилисини қамал қилиши.
627	Тун Жабғухонга элчиликнинг Кат Элхон томонидан тўхтатилиши.	Сеянто фарбий туркутлардан юз ўтириб шарқий туркутларга ўтиб кетиши. Қор кўп ёғиши оқибатида очарчилик бўлиши.	Авар ва форслар Константинополни қамал қилиши. Нине-вияда юнонларнинг форслар устидан галабаси.
628	Лян Ши-дунинг йўқ қилиниши.	Фарбий туркутлар хазарлар билан биргаликда Тбилисини олиши. Агванияни истило этилиши. Сеянто, уйғур, байирку, киданларнинг Кат Элхонга қарши қўзғолони. Йуқуқшод ва Тўлисхонларнинг уйғурлардан енгилиши. Тўлисхоннинг Кат Элхонга қарши қўзғолони.	Хусрав Парвезнинг ўлдирилиши. Византия қўшинининг Ктезифондан, форс лашкарининг Константинополдан чекиниши. Эронда Кавал Шеруянинг Шахривараз ҳарбий диктатураси чоғида тахтни эгаллаши, тўнтаришлар авж олиши.
629	Ордосдаги Маи қалъаси олиниси. Бутун жабҳа бўйлаб туркутлар устига қарши ҳужум. Сронцангамбонинг Тибет тахтига ўтириши.	Ашина Шэни Бешбадиқини олиб, қорлуқларни Тун Жабғухонга қарши кўтариши. Сеянто “инони” “хон” унвоти	Византия ва Эрон тинчлик сулҳи.

		нини қабул қилиши. Байирку, бугу, тўнгра қабилаларининг Хитойга ўтиб кетиши. Линчжоуда Кат Элхон тор-мор бўлиши. Шаҳзодалар хоинлиги. Оянлин тоғидаги мағлубият.	
630	Хами Тан империясига бўйин эгиши.	Кат Элхон енгилиб, асир тушиши. Шарқий туркут ҳоқонлиги барҳам топиши. Тун Жабғухоннинг Кулуг Сибирхон томонидан қатл этилиши. Нушибларнинг унга қарши қўзғолон кўтариши.	Фарбий туркутларнинг Арманистонга бостириб кириши ва форларнинг мағлубияти. Фарбий туркутлар Кавказортини талashi.
631	Туркутлар орасида яшовчи 80 минг хитойликнинг тутиб олиниши.	Сибирхоннинг ўлдирилиши. Тахтга Си жабғухоннинг чиқиши. Хамининг тор-мор этилиши. Чебиҳоннинг Олтойга кириб бориши.	Кутургурларнинг аварларга қарши қўзғолони ва кутургурларни қирғин этилиши.
632	Қорашар ва Хўтандан элчиликлар келиши.	Кибилар Тянь Шандан Хитойга кўчиб ўтиши.	
633	Тибетдан Хитойга элчилик келиши. Зиддият.	Чуюэ ва чумилар Илидан Хитойга кўчиб бориши. Си жабғунинг тахтдан туширилиши. Тахтни Нишу Дулухонга тегиши.	Булғорларнинг туркутлар ҳукмронлигидан халос бўлиши ва уларнинг Кубрат қўл остида бирлашиши.
634	Тан империяси билан Тибет ўртасида уруш чиқиши.	Нишу Дулухон вафоти. Тахтга Ишбара Тўлис шодхоннинг ўтириши. Уйғурлар Ашина Шэни мағлуб этиши.	Арабларнинг Сурия ва Месопотамияга босқини.
635	Империя суворилари томонидан Тогон ва тибетликларнинг яксон қилиниши.	Фарбий туркут ҳоқонлигидаги ислоҳотлар: дулу ва нушиби қабилати иттифоқлари ҳуқуқлари тан олиниши.	Арабларнинг Дамашқни эгаллаши.
636		Ашина Шэни Тан империясига бўйсунди.	Ярмук ёнидаги жанг.
637			Кадесия ёнидаги жанг. Қуддуснинг шартсиз таслим бўлиши.
638	Эрондан элчилик келиши.	Йуқуқ шод туркутлари ва гаочанликлар Карашарни яксон этиши. Фарбий турк-дулулар Йуқуқ шодни “Ирбис Дулухон” деб эълон этиши. Фарбий туркут ҳоқонлигида фуқаролар уруши.	Араблар томонидан Суриядаги Византия қалъалари ҳамда Месопотамия ва Курдистоннинг бўйсундирилиши.

639	Сронцангамбонинг Непалли бегим билан никоҳи.	Асир туркутлар орасидаги галаён. Ашина Симонинг асир туркутлар хони этиб сайланиши. Қувгиндаги Ишбара Тулисоннинг ўлими. Нушибилар тахтга Эл Кулуг шод Ирбисхонни кўтариши.	
640	Гаочаннинг қўлга киритилиши.	Эл Кулуг шод Ирбисхон вафоти. Ирбис Ишбара жабғухон тахтга ўтириши.	Арабларнинг Мисрга бостириб кириши.
641	Тан империясининг Тибет билан битим тузиши ва Сронцангамбонинг хитой бегоймига уйланиши.	Ирбис Ишбара хоннинг Ирбис Дулухон томонидан ўлдирилиши. Шарқий туркутларнинг даштга қайтиши. Уларга ҳужум қилган сеянтоларнинг қириб ташланиши.	
642	Хамидаги империя гарнизони Ирбис Дулухоннинг гарбий туркутларини мағлуб этиши.	Ирбис Дулухонга қарши Ирбис Шегуйхон бошчилигидаги қўзғолон кўтариллиши.	Негавенда ёнидаги жанг. Искандариянинг таслим бўлиши.
643	Когурё ва Пэкчэнинг биргаликда Силлага қарши уруши.	Ирбис Дулухоннинг Тохаристонга чекиниши.	
644	Сронцангамбо Фарбий Тибетдаги шан-шунг қабидаларини бўйсундириши.		Араблар Исфакхонни забт этиши.
645	Когурёга юриш.	Сеянтоларнинг Хитойга ҳамласи.	Агванли Жавонширнинг форсларга қарши қўзғолони.
646	Фарбий туркут ҳоқонлиги билан муносабатлар узилиши.	Сеянто ўрдаларининг империяликлар ва уйгурлар томонидан тормор этилиши.	
647	Когурёга қарши урушнинг янгиланиши.	Уйғур, байирқу, куриканларнинг империяга бўйинсуниши. Чебихоннинг элчи юбориши.	Арабларнинг Шимоллий Африкага кириб бориши.
648	Тибетликларнинг Хиндистонга юриши. Ашина Шэнининг Фарбий ўлкага юриши. Кучанинг ишғол этилиши.	Ашина Холлиг Тан империясига бўйин эгиши.	
649	Хўтаннинг таслим бўлиши. Тайцзун Ли Шиминнинг ўлими. Тахтга Гаоцзуннинг ўтириши.	Чебихонга қарши лашкар тортиллиши.	Араблар Кипрни босиб олиши.
650		Чебихон асир олинлиши.	Арабларнинг Истахр (Персепол)ни олиши.

651	Ғарбий туркутлар Тин-чжоу (Бешбалиқ)ни олиши.	Халлиг, Ирбис Шегуй-хонни ўлдириб, Ишбарохон унвонини олиши.	Би-жан ва Махуйдан енгилган III Ҳаздигирдиннинг ҳалокати Араблар Хуросонни олиши.
652	Империяликлар чуюз ва чумиларни мағлуб этиши.	Ишбарохоннинг Махуй Сурини мағлуб этиб, дорга тортиши.	Арабларнинг Жузжон ва Тохаристонга кириб келиши.
653	Империяликлар Бешбалиқни қайтариб олиши.	Йуқуқ Ирбис Дулухон ўлими.	
654	Империяликларнинг қорлуқлар ва чумугунлар устига босқини.	Чженчунинг омадсиз тўнтариш қилиши.	Арабларнинг Маймурғ, Балх ва Хоразмга ҳамлалари.
655		Империя лашкари ҳаракатининг Ишбарохон томонидан тўхтатилиши.	Перузунинг арабларни Сейистондан қувиб чиқариши.
656	Империяликларнинг Ғарбий туркут ҳоқонлигига бостириб кириши. Тан империясига қарши байирқу, сига, буғу, тўнгра қабилалари кўзғолони.	Ишбарохоннинг Или бўйидаги мағлубияти. Нушиби ва дулуларнинг таслим бўлиши. Ғарбий туркутларнинг яқсон этилиши.	Усмоннинг ўлдирилиши. Халифатда фуқаролар уруши. Хазар ҳоқонлиги ташкил топиши.
657		Ишбархоннинг қочиши ва асир тушиши.	
658		Эбинор ва Кучадаги қаршилик кўрсатувчиларнинг охириги нуқталари яқсон этилиши.	
659		Чженчу енгилиши ва осиб ўлдирилиши.	
660	Когурё ва Пэкчэнинг Силлага ҳужуми.	Марказий Тянь Шандаги нушибиларнинг империяга бўйсунуши.	Агванли Жавонширнинг хазарларни мағлуб этиши.
661	Империя қўшинининг Когурёга суқилиб кириши. Пхеняни муваффақиятсиз қамал қилиши.		Агванияни араблар босиб олиши. Умваййлар ҳокимияти қарор топиши.
662	Кўзғолончи туркларни қўллаш учун тибетликларнинг Ғарбий ўлкага кириб келиши.	Телес қабилалари кўзғолони бостирилиши. Мишенинг дорга осилиши. Гун-юэ ва яғмолар кўзғолони.	Дарбанд учун араблар ва хазарлар уруши. Арабларнинг Кобул-ни эгаллаши.
663	Тибетликлар Тогонни босиб олиши. Империяликлар Пэкчэни ва япон флотини тор-мор этиши.	Ғарбий турк кўзғолончиларининг Турфон ва Хўтанга ҳужуми.	
664		Ғарбий турклар кўзғолони бостирилиши.	Арабларнинг Пан-жобга кириб келиши.
665	Тибет-Хитой уруши.		
666	Когурёда ички урушлар.	Бучжен ўлими.	

667	Тибетликлар кўчманчи кянларни бўйсундириши.		
668	Империя Когурёни бўйсундириши.		Араблар Халкедонни эгаллаши.
669	Когурёдаги кўзғолон бостирилиши.		
670	Бухайн-голда тибетликлар империя кўшинини енгиши.	Тибетликлар ва хўтанликлар Кучани хонавайрон қилиши.	Хазарларнинг булғорларни мағлуб этиши.
671		Ғарбий туркларни бошқаришга Дучжининг тайинланиши.	Араблар Марв, Балх ва Ҳиротдаги галаёнларни тинчитиши.
672	Тибетнинг Тан империясига тинчлик битими таклиф этиши ва рад жавобини олиши.		
673			Араблар Константинопол қамалини бошлаши.
674	Когурёда халқ кўзғолони.		Араблар Пойкендга хужум қилиши.
675	Тибетнинг империяга тинчлик битими таклиф этиб яна рад жавоби олиши.		Аспарух бошчилигидаги булғорларнинг Дунайда пайдо бўлиши.
676	Тибетнинг Хитойга хужум уюштириши.	Дучжининг Тибет билан иттифоқ тузиши ва ўзини хон деб эълон этиши.	Арабларнинг Самарқанд ва Хоразмга ҳамлалари.
677		Тибетликлар ва ғарбий турклар Кучани эгаллаши.	
678	Тибетликлар Кучани империядан тортиб олиши.	Ашина Нушибек кўзғолони бостирилиши. Фунян кўзғолони.	Византия ва халифалик ўртасида тинчлик ўрнатилиши.
679	Манроманцан ўлими. Тахта Дудрон ўтириши. Империя кўшинлари Кукунолда тормор этилиши.	Империяликлар Дучжонни қамоққа олиши.	Булғорларнинг Фракияга кириб бориши.
680	Тибетликлар Юннанини босиб олиши.		
681	Тибетда Вэнченнинг ўлиши.	Фунян кўзғолони бостирилиши. Уйгур устига Қутлуг босқини.	Салим ибн Зиёднинг Моварауннаҳрга ҳамласи.
682		Кибу чур кўзғолони бостирилиши. Қутлуг кўзғолони муваффақияти.	
683	Император Гаоцзун вафоти.	Қутлуг кўзғолони кенгайиб бориши.	Хазарларнинг Арманистонга ҳамла қилиши.

684	Давлат тўнтариши: Чжун-цзун тахтдан туширилиб, сургун қилиниши. Император хоним У васийлиги.		Хазарларнинг Кавказ-ортига босқини.
685			Византия ва халифалик орасида тинчлик битими тузилиши.
686		Синчжоуда Хитой лашкари мағлубияти.	
687		Қутлуг енгилиб, Гобига чекиниши ва таъқиб қилаётган бўлинмани яқсон этиши.	
688	Шаҳзодалар фитнаси фош бўлиши.	Туркларни тургашлар мағлуб этиши. Турклар уйгурларни бўсундириши.	Юнонлар Кавказ-ортини босиб олиши.
689	Хитойларнинг Тибетга кириб, уларни тор-мор қилиши.		Халифа Абдулмаликка қарши Абдуллоҳ ибн Хозим қўзғолони.
690	Малика У нинг император хоним унвони олиши, Тан сулоласига барҳам берилиши.		Абдуллоҳ ибн Хозим Хуросондаги турклар тўдасини тўзғитиб юбориши.
691	Дансян ва манилар Хитойга ўтиб кетиши.		Абдуллоҳ ибн Хозимнинг Моварауннаҳрга ўтиши. Хуросонда халифа ҳокимияти тикланиши.
692	Фарбий ўлкада тибетликларнинг хитойлардан енгилиши.		Арабларнинг Дарбандга бостириб кириши.
693	Империяликлар Фарбий ўлкадан тибетликларни қувиб чиқариши.	Қутлуг ўлиб, ўрнига Мочур ўтириши. Уйгурлар, сигйе ва хунларнинг Хэсига қўчиб бориши.	
694	Хитойга қуриқанлардан элчилик келиши. Ашина Суй-цзи қўзғолони ва унинг тибетликлар билан иттифоқи. Империя қўшини тибет, тургаш ва гарбий туркларни тор-мор этиши.		
695	Тибетликларнинг Гансуга бостириб кириши.	Мочур империяга тобе-лигини қабул этиш таклифини тақдим этиши.	II Юстинианнинг тахтдан туширилиши.
696	Тибетликлар Лянчжоун қўлга киритиши. Империя билан Тибет музокаралари.	Хитойга қарши кидан ва хилар қўзғолони. Хитурклар билан иттифоқ тузиши.	

697	Бохай давлатига асос со- линиши.	Мочурнинг Хитойга хужуми. Кидан турклар томонига ўтиб, Лючэн- ни босиб олиши.	
698	Чжанцзуннинг сургун- дан қайтиши.	Мочурнинг Хитойга ху- жум қилиб, унинг лаш- карини мағлуб этиши. Туркларнинг ўлжа олиб қайтиши.	
699	Тибетда тўнтариш. Ки- данларнинг империя- ликлар томонидан тор- мор этилиши.	Фуғуйнинг кичик хон этиб тайинланиши. 70 минг ғарбий турклар Хитойга ўтиб кейтиши. Тургаш хонлиги вужудга келиши.	Арабларнинг Кешга хужуми.
700 701	Империяликлар тибет- ликларни мағлуб этиши.	Мочурнинг Хитойга ҳамласи. Кул тегиннинг Жунғорияга юриши. Идукбошдаги жанг.	
702	Бэйтинда (Жунғорияда) аскарий туман таъсис этилиши.	Мочурнинг Хитойга ҳамласи.	
703	Непалга юриш чоғида Ти- бет шоҳи Дусроннинг ва- фоти. Етти ёшли ўғли – Мзагдоннинг тахтга ўти- риши. Чжунцзуннинг тахтга чиқиши.	Мочур қизини Чжунц- зун никоҳига таклиф этиши. Музокаралар. Турклар Жунғориядаги басмилларни тобе этиши.	
704	Ашина Хян империяси Еттисувни босиб олиши. Шатонинг жангсиз тас- лим бўлиши. Ғарбий турклар, қорлуқлар, хува ва шунишларнинг бў- йинсуниши.		Термизни араблар то- монидан ишғол эти- лиши ва Абдуллоҳ ибн Хозим ҳалок бўлиши. Кутайба ибн Муслим- нинг Хуросон нойиби этиб тайинланиши.
705	Хитойда тўнтариш импера- тор хоним У нинг ўлими. Тан сулоласи тикланиши.		Кутайба Балхни оли- ши, лекин Чағони- ёндан чекиниши.
706	Турклар билан музока- ралар тўхтатилиши. Чан- ъандаги тўнтаришнинг муваффақиятсиз тугаши.	Империя билан уруш қайта бошланиши. Кул тегиннинг Минша ёни- да Шача Чжун (Чача-се- нгун)ни мағлуб этиши.	Кутайба Пойкентни босиб олиши
707	Тибетдан Хитойга элчи- лик келиши. Империя- ликлар маниларни тин- читиши.	Турклар байирқуларни тобе қилиши.	Кутайба Ромитонни эгаллаши, бироқ су- гуд, фаргоналиклар ва тургашлар томонидан сиқиб қўйилиши.
708	Хуанхэ шимолида турк- ларга қарши уч истехком қурилиши.	Тургаш хони Учжило вафоти. Тахтга ўғли Сўгэнинг ўтириши.	Муҳаммад ибн Мар- воннинг Дарбандни эгаллаши. Кутайба- нинг Бухородан улоқ- тириб ташланиши.

709			Кутаайба Бухоронит олиши. Арабпарастлиги учун Ихшид Тархунни тахтдан туширилиб ўрнига Гурек ўтириши.
710	Император хоним фитнаси: Чжунцзуннинг заҳарланиши, Тан тарафдорлари қатл этилиши ва фитначиларнинг жангчилар томонидан калтакланиши. Монелар қўзғолонининг бостирилиши.	Туркларнинг қирғиз ва азларни, Еттисувдаги тургаш ва сугудларни тор-мор этиб моғэ, татаби ва киданларни бўйсундириши.	Кутайба Шоуман, Насаф ва Кешни босиб олиши. Кенгересларнинг тургашлар устига хужуми.
711	Империя билан Тибет ўртасида тинчлик битими ва никоҳ келишуви.	Туркларга қарши азлар, изгиллар ва қорлуқлар қўзғолони.	Туркларнинг қўзғолончи тургашларни тинчитиши. Хоразмда галаён.
712	Жуйцзуннинг тахтдан возкечиши. Сюенцзуннинг тахта келиши.	Татаблар империя қўшинини тор-мор этиши.	Кутайба Хоразмни бўйсундириб, Самарқандни олиши. Император Самарқанд ҳокими этиб Моҳэдо тутукни тайинлаши.
713	Болюй ва Кашмирдан элчиликлар келиши.		Кутайбанинг Хўжанд ва Фарғонани босиб олиши.
714	Буддизмга қарши қонун. Бешбалиқда турклар мағлубияти. Шато Тан империясига тобе бўлиши. Тибетликлар босқини қайтарилиши.	Кидан ва татаблар тан империясига ўтиб кетиши. Мочур ўғлини Хитойга хизмат учун жўнатиши. Ҳоқонлиқнинг барча қабилалари қўзғолони.	Кутайбанинг Чочга хужуми
715	Туркларнинг Бэйтинга, араб ва тибетликларнинг Фарғонага ҳаммалари қайтарилиши.	Уйғур ва қорлуқлар қўзғолонининг тинчитилиши.	Исён кўтарилиб, Кутайбанинг ўлдирилиши.
716	Киданлардан Люченнинг олиниси. Империяга қарши қўзғолон қилган тургашлар хитойлар ва қорлуқларни тор-мор этиши.	Байирқунинг тинчитилиши, Мочурнинг пистирмадан ўлдирилиши. Билгахон ҳукмронлиги. Кул тегин Мочур оиласини қириб ташлаши. Аз, изгил ва уйғурларнинг яқсон этилиши.	
717	Сулунинг Империяга тинчлик таклиф этиши. Араб ва тибетликларнинг Қошгарга хужуми.		Араблар Константинополни қамалга олиши.
718	Тан империяси ва Тибет орасида тинчлик ўрнатилиши.	Қўзғолон кўтарган киданларнинг хитой ва хиларни енгизиши. Келишув.	Хазарларнинг Озарбайжонга босқини.

719	Карашарнинг қўшиб олиниши.	Сулу хон сифатида тан олиниши.	Арабларнинг Аквитанияга бостириб кириши.
720	Туркларнинг империяликлар устидан зафари. Кашмир рожасига ван увони берилиши.	Басмал, империяликлар, кидан ва хилар иттифоқи. Басмалларнинг яксон қилиниши.	
721		Хитой билан тинчлик ўрнатилиши.	
722	Тибетнинг Болуюга хужуми. Тан империяси билан уруш қайта бошланиши.		Сугудда арабларга қарши қўзғолоннинг бостирилиши. Диваштичнинг ҳалок бўлиши.
723			
724	Империяликлар Тибетга кириб бориши.		
725			Асад ибн Абдуллоҳ Хутталонда тоғликлар томонидан енгилиши. Турғашларнинг араб бўлинмасига хужуми. Балхнинг тикланиши.
726	Тибетликларнинг Ганчжуога бостириб кириши.	Тибетликларнинг турклардан Хитойга қарши иттифоқ ҳақида илтимоси. Билкахоннинг рад этиши.	
727	Тибетликларнинг чекиниши.	Гансудаги уйғурлар қўзғалиб, Ғарбий улка йўллари тўсиб қўйиши, сўнг турклар томон кетиши.	Хазарларнинг Озарбайжонга бостириб кириши. Масламнинг хазарларга қарши юриши.
728	Лунюда тибетликлар маглубияти.		Сугуддаги арабларга қарши қўзғолоннинг турғашлар томонидан қўллаб-қувватланиши.
729	Хуанхэ юқорисидаги Тибет қалъасини хитойларнинг қўлга киритиши.		Араблар Бухорони истило қилиши.
730	Хитой ва Тибет ўртасида тинчлик ўрнатилиши.	Кидан ва хилар туркларга ўтиши.	Араблар хазарларнинг Озарбайжондаги хужумини тўхтатиши.
731	Тибетликлар Болуюнни эгаллаши.	Кул Тегин ўлими.	
732		Киданлар тор-мор этилиб, татаблар империяликларга бўйсундирилиши.	Император Константиннинг хазар маликаси билан никоҳи.
733	Хитой ва Кашмирнинг Тибетга қарши иттифоқи.	Кидан ва турклар империяликлар ва татабларни маглуб этиши. Хитойликлар киданларни енгизиши.	Марвоннинг Беленжирга юриши.

734		Билахоннинг заҳарланиши. Тахтга Ижанхоннинг чиқиши.	Хуросонда Харис кўзғолони.
735			Сугуд ва тургашларнинг арабларга қарши кураши.
736		Киданлар хитойлар устидан зафар қозониши.	Марвоннинг Аланияга юриши. Марвоннинг лакларни тобе этиши.
737	Империянинг Тибетга, тургашларнинг Кучага ҳужуми.	Хитойлар киданларни икки марта мағлуб этиши.	Волгада Марвоннинг ҳазарлар устидан галабаси. Марвоннинг Серирга юриши.
738	Тибетликларнинг Хэсига ҳамласи қайтарилиши. Империяликларнинг Тибетга юриши қайтариб ташланиши.	Сулунинг ўлдирилиши. Сарик ва қора тургашларнинг ўзаро ёвлашуви. Империя сариқларни қувватлаши.	Наср ибн Сайёр Самарқанд, Чоч ва Фарғонадаги кўзғолонларни бостириши.
739	Тибетликларнинг Хитойга бостириб кириши қайтарилиши.	Ижанхон вафоти. Тахтга Билка Қутлуғхоннинг ўтириши.	
740	Ашина Син ўн ўқнинг ҳукмдори этиб тайинланиши ва гарбга кетиши ҳамда ўлдирилиши.	Тургашларнинг хони муқриблар тархони – “сарик”лардан бўлиши. Уни империяликлар қатл этиши.	
741	Уч уруғ жабгуси Думочжининг ҳукмдор этиб тайинланиши.	Турк ҳоқонлигидаги галаёнлар. Фуқаролар уруши бошланиши. Билка Қутлуғ ва Сюанхонларнинг ўлдирилиши.	
742	«Қора» тургашлар кўзғолони Эл этмиш Билгахон Чесара қўшинларини қайта ташкил этиш. Уйғурларнинг Тан империясига эгилиши.	«Қора» тургашлар кўзғолони. Эл этмиш Билгахон. Уйғур, қорлуқ, басмиллар кўзғолони. Қочиб кетган Узмишнинг хон этиб сайланиши ва унинг қочиб кетиши.	
743	Империяликларнинг Тибетга бостириб кириши. Муваффақиятлар алмашинуви.	Ўзмишхоннинг басмиллар томонидан ўлдирилиши. Тахтга Баймэйхон ўтириши.	Марвон Кавказортини ташлаб чиқиб кетиши.
744	Тибетликлар мағлубияти.	Хитой корпуси туркларни енгизиши. Уйғур ва қорлуқлар басмилларни мағлуб этиши.	
745	Киданлар империяга тобелик билдириши, кўзғолон кўтарилиши ва тинчиши.	Баймэйнинг уйғурлар ўлдириши. Турк ҳоқонлиги ҳалокати. Уйғур ҳоқонлигига асос солиниши.	

746		Қорлуқлар ва тургашларни уйғурлар яқсон қилиши.	
747	Империяликлар Болуй-ни эгаллаши.	Пэйло ўлиб, Мўйунчурнинг тахтта келиши. Қорлуқларнинг бир қисми уйғурларга тобе бўлиши.	Абу Муслим кўзғолони.
748	Империяликлар Куку-норни, Суябни, Шошни истило этиши.		
749	Империяликлар Тибет қалъасини қўлга киритиши.		
750 751	Тибетликлар Кукунорни империяликлардан тортиб олиб, Юннанида манейлар кўзғолонига мадад бериши. Киданлар империяликларни енгиши.	Тўқуз татарлар тобе этилиши.	Зиёд ибн Солиҳ қорлуқлар ёрдами билан Таласда Гао Сянчжи устидан зафар қозониши.
752		Чик, қирғиз, қорлуқ ва басмаллар билан кураш.	Бухорхудот ва Усрушана шоҳи арабларга қарши ёрдам сўраши. Императорнинг рад жавоби.
753	Манейлар кўзғолони бостирилиши.		Тургашларда янги “қора” хон Илмиш Қутлуг.
754	Мзағгам ўлими, тахтта Тисрондеқан ўтириши.	Киданларнинг уйғурларга ихтиёрий таслим бўлиши.	
755	Ан Лушан кўзғолони. Сюанцзуннинг тахтдан воз кечиши. Шарқий Гансу, Синин ва Сичуаннинг бир қисми тибетликлар қўлига ўтиши.	Қорлуқлар ва басмаллар бўйсундирилиши.	Абу Муслим хуни учун кўтарилган Сумбад кўзғолони.
756	Суцзуннинг тахтта ўтириши.	Уйғурларнинг Ан Лушанга қарши Тан империясига иттифоқлик таклифи. Тургаш хонлигининг “сарик” ва “қора” ларга бўлиниб кетиши. Уларнинг ўзаро кураш.	
757	Исёнчиларнинг Фин дарёсида мағлубияти. Ан Лушаннинг ўлдирилиши, тахтта унинг эси паст ўгли ўтириши.		
758	Тибетликлар жанубий Шэнни қўлга киритиши. Араб қароқчилари Кантонга ўт қўйиши.	Уйғурлар қирғизларни тобе қилиши. “Қора” тургашлар галабаси.	

759	Йечэн ёнида исёнчилар зафари. Улар йўлбошчиси Ши Симиннинг ҳоқимиятни қўлга олиши.	Муйунчур ўлиб, ўгли Идигянинг ворис бўлиши. Қорлуқлар кучайиб, жанубга юриш қилиши.	
760	Тибетликлар Гансудаги Шанчжоуни ишғол қилиши.		
761	Ши Симиннинг ўлдрилиши, ҳоқимият унинг ўғли Ши Чао-и қўлига ўтиши.		
762	Исёнчилар энгилиб, Лояннинг қўлдан берилиши. Тахтга Дайцзун чиқиши.	Ши Чао-и исёнини бостиришда уйғурларнинг иштирок этиши.	Хазарларнинг Кавказ-ортига бостириб кириши.
763	Тибетликлар Хэси ва Лунъюни ишғол этиши ва Чанъанни забт этиши. Исён бостирилиши.		
764	Хитойлар Цзяннанидан тибетликларни суриб чиқариши.		Хазарлар Тбилисини ишғол қилиши.
765	Хуай-эн исёни сўниши. Лянчжоуни Тибетга бериб қўйилиши.	Тибет билан зиддият ва тибетликларнинг энгилиши.	
766		Қорлуқлар Еттисувни эгаллаши.	
767	Тибетликларнинг Линчжоуга бостириб киришининг қайтарилиши.		
768	Тибетликларнинг Гансуга суқилиб кириши. Сичуанда тибетликларнинг мағлуб бўлиши.		
769 770 771 772		Фарғонада қорлуқларни араблар мағлуб этиши.	Юнонлар билан булғорлар уруши. Аланиянинг Хазария билан бирлашини.
773	Тибетликларнинг Гансуга суқилиб кириши қайтарилиши.		
774	Хитой ва Тибет музокаралари.		
775	Тибетнинг Сичуанга суқилиб кириши.		
776	Тибетликлар Цзинянни ишғол этиши. Хитойлар манейларни тор-мор этиб, Нанчжао билан иттифоқ тузиши.		Сугдиёнада Муқанна қўзғолони.
777	Бутун жабҳа бўйлаб тибетликлар ҳужуми қайтариллиши.	Қорлуқ, Уйғурал, Тибет, Хитой, Сугуд, Фарғона, Усрашана ва Чоч халифатни тан олиши.	

778	Тахта Дэцзун келиши. Тибетнинг Гансуга кириб келиши. Нанчжаонинг яна Тибет томонига ўтиши.	Уйгурлар билан Хитой келишмовчиликлари, ҳамла ва ўлжа билан қайтиш.	
779	Тибет ва Нанчжао қўшинининг жанубда тор-мор этилиши.		
780	Мулкдан ягона солиқ ундириш жорий этилиши. Тибетликлар Дунхуанни олиши. Хитойда яшовчи уйгур тижоратчилари қатл этилиши.	Дунмаганинг хонни ва икки минг оқсоқолни ўлдириб, ўзини хон деб эълон қилиши.	
781	Хитойнинг Тибет билан тинчлик битими тузиши.		
782	Хэбэйда исён.		
783		Уйгурэл билан Хитой ўртасида тинчлик шартномаси.	
784	Тибетликлар Хитойдаги қўзғолонни тинчйтишга кўмак бериши.		Муқанна қўзғолони бостирилиши.
785			
786	Хитой-Тибет уруши. Тибетнинг Гансуга бостириб кириши.		
787	Тибетнинг Шэнсига бос-тириб кириши.		
788	Тибетликлар Сичуанга юриши. Нанчжао сиёсатида иккиланиш.	Татаб ва татарларнинг Хитойга ҳужуми.	
789	Тибетликлар Сичуандан улоқтириб ташланиши, лекин улар Бэйтинда уйгурларни тор-мор этиши.	Дунмаганининг ўлими. ўғли Пангуаннинг хон қилиб қўйилиши.	
790	Шатолар Тибетга бўйсунishi. Тибетликлар Бэйтин ва Куча (Анси)ни ишғол қилиши.		
791	Тибетликлар Хўтанни эгаллаши.	Гансуда уйгурлар тибетликларни мағлуб этиши.	
792	Тибетликлар яна бир бор Гансуни яқсон қилиши.	Фарғонада араблар қорлуқларни енгизиши.	
793	Нанчжаонинг Хитой томонига ўтиши ва тибетликларнинг жанубда мағлуб бўлиши.		
794	Тибетликлар уйгурларни мағлуб қилиши.	Хон захарланиши, укаси ўлдирилиб, тахта воёга стамаган ўғли — Ачжо чиқарилиши.	

795	Татаблар ва татарлар Хитой томонидан тор-мор қилиниши.	Уйғурлар тибетликларни тор-мор келтириши. Ачжохон ўлими. Тахтга ҳокимияти чегараланган ҳолда аён Қутлунинг келтирилиши. У қирғиз қўзғолонини бостириши; қорлуқ ва тибетликлардан Бешбалиқни тортиб олиши, тибетликларнинг Кучадан қувиб, Кучадаги хитойлар қаршилигини бостирилиши.	
796	Тибетликлар Хитойга бостириб кириши.		
797	Тисрондекан ўлими ва тахтга ўгли Муни Дзенбо ўтириши.		
798	Тибетликларнинг Янчжоуга ҳамласи қайтарилиши. Муни Дзенбонинг вафот этиши ва тахтга Мутуг Дзенбо келиши.	Фарбий қорлуқ – тошиллар устидан зафар қозониш.	
799		Фарғонага бостириб кириб, Си-юйнинг шимолий қисмидан тибетликларнинг суриб чиқарилиши.	
800	Линчжоуда тибетликлар мағлубияти.		Буюк Карл тож кийиш маросими.
801	Тибетликларнинг Ян ва Линчжоуга бостириб кириши. Хитойларнинг Си-чунга бостириб кириши.		
802	Хитой ва Тибет музокаралари.		
803			
804	Мутуг Дзенбо вафоти, укаси Тидэронцаннинг тахтга чиқиши.		Франк-булғор кучларининг биргаликда авар ҳоқонлигини нобуд қилиши.
805	Шунцун ўлими, Сянцун тахтга чиқиши. Хитой-Тибет музокаралари.	Қутлуғ ўлими, Қулут Билхоннинг сайланиши. Уйғурлар Лян-Чжоуни эгаллаши.	
806	Чанъанга уйғурлардан манихейларнинг келиши.	Татар ва уйғурлар билан и т т и ф о қ д ; татабларнинг Хитойга ҳужуми.	Халифага қарши Самарқандда Рафи ибн Лайс қўзғолонининг тибетликлар томонидан қўланилиши.
807			Булғорлар билан Византия уруши.

808	Шатоларнинг Тибетга қарши қўзғолон кўтариб, Хитойга кетиши.	Кулуг Билгахон ўлими. Бао-и-хон.	
809	Тинчлик борасида Тибет ва Хитой музокаралари.		
810	Ван Чен-цзун исёни бос-тирилиши. Тибетликлар билан алмашув савдоси йўлга қўйилиши.		Рафия ибн Лайс қўз-ғолони бос-тирилиши.
811			
812	Тибет-халифалик муно-сабатлари кескинлашуви.	Қорлуқларнинг араб-ларга қарши чиқиши.	
813	Тибетликлар Хуанхэ ус-тидан кўприк қуриши.	Гансудаги «Толлар воҳа-си»га уйғурлар ҳамласи.	Булғорларнинг Адриа-нополни ишғол этиши.
814	Юанцзидаги исён шато-лар томонидан бос-тирилиши.		
815			
816	«Исмсиз»Тидэсронца-гамбо ўлими, тахтга Рал-пачан ўтириши.		Булғор-Византия тинчлик битими.
817	Манихей даъватчилари Уйғурэлга жўнатиб юбо-рилиши. Тибетликлар-нинг Линчжоуга ҳужуми даф этилиши.		
818	Тибетликларнинг Сяч-жоуга босқини.	Уйғурларга қарши қўз-ғалган қирғизларнинг мағлубияти.	
819	Тибетликлар Янчжоуни қамалга олиши, лекин улоқтириб ташланиши.		
820	Тибетликларнинг Хитой-га бос-тириб кириши.	Хитой билан тинчлик ўрнатилиб, никоҳ билан мустаҳкамланиши.	
821	Муцзуннинг тахтга чиқи-ши. Хэбэйда қўзғолон. Тибетликлар ҳужуми даф қилиниши.	Бао-и-хоннинг вафоти. Чиндэнинг хон бўлиши. Тибетликларнинг Уйғур-элга бос-тириб кириши.	Хуросонга амир эгиб Тоҳирнинг тайинла-ниши.
822	Хитой билан Тибет ўрта-сида тинчлик ўрнатилиши.		Тоҳирийлар Хуросон ва Мовароуннаҳрни халифаликдан ажра-тиб олиши.
823 824 825 826 827 828 829	Гаоцзуннинг тахтга ўти-риши.	Чин-дэ ўлими, укаси Чжаолихоннинг тахтга чиқиши.	Булғорларнинг франк-ларга қарши уруши.


830	Хитойлар татабларни мағлуб этиши.		
831			
832 833 834		Чжаолихоннинг фитнес билан ўлдирилиши. Жияни Худэленинг ҳокимиятга келиши.	Булғорлар билан франклар ўртасида тинчлик ўрнатилиши.
835	Татабларнинг Хитойга бўйсунуши.		
836 837 838 839	Ралпачаннинг бўғиб ўлдирилиши. Тахтда Лангдарма.	Шатоларга суяниб Кулугбек қўзғолон кўтариши ва хонни ўлдирishi.	
840		Оқсоқол Гуйлу Мохэ қирғизлар ёрдамида Қорақурумни ишғол этиб Кулугбекни қатл этиши. Пан дэле 15 аймақ билан гарбга кетиши, баъзиларининг Тибетга қайтиши. Қолганлари Угэни хон этиб сайлаши ва унинг қочоқларни боқиш учун Хитой чегараларида талончилик қилиши.	Афшин Ҳайдар жарани: Ўрта Осиё зардуштийлиги ниҳояси. Исфижобнинг Нуҳ Сомоний томонидан истило этилиши.
841	Узун тахта ўтириши. Хитойга қирғиз элчиси келиши.		
842	Лангдарманинг ўлдирилиши.	Хитойлар Угехонни тормор этиши. Уйғурларга қарши киданлар	
843	Тибетда ўзаро уруш бошланиши. Биби ва Кунжо.	қўзғолони.	Вердендаги онт ичиш маросими.
844			
845	Будда ибодатхоналарининг давлат иродасига бўйсундириш.		
846	Узун вафоти, Сюанцуннинг салтанатга келиши. Манихей китоблари ва тасвирларининг ёндирилиши.	Угехоннинг ўлдирилиши. Энян дэлэнинг хон бўлиши.	
847 848 849 850	Татаблар қўзғолонини хитойликлар бостириши.	Энан дэлэ бедарак кетиб, уйғурлар тарқалиб кетиши. Пан дэлэнинг Дунхуанда янги хонлик асослаши. Қирғиз хони Ажо ўлими.	
851	Тибетдан Цзиняннинг тортиб олинishi. Хэсининг Тибетлик ҳокими Хитойга сотилиши.		

852	Тибетликларга қарши истеҳком қурилиши.		
853			
854			
855			
856			
857			
858			
859			
860			
861	Хитойлар тибетликлардан Лянчжоуни тортиб олиши.	Уйгурларнинг Бугу Цзунни Тибет гайри қонуний ҳукмдори Кунжони тормор этиши. Оқсоқол Бугу Цзун тибетликлардан Турфонни тортиб олиши. Турфон, Бэйтин, Карашар ва Бугурларда уйгур идукутлигига асос солиниши. Қошғарни қорлуқлар эгаллаши.	

* Синхрон жадвал Марказий Осиёда 546 йилдан 861 йилга доғру (3 устун) бўлган воқеалар мажмуасидан иборат. Узоқ Шарқ (2 устун) ва Яқин Шарқдаги (4 устун) бўлиб ўтган воқеалар жаҳон тарихи жараёни билан боғланган ҳолда акс эттирилган. Охириги устунга Европада содир бўлган энг муҳим ҳодисалар, воқеалар кетма-кетлигини ёдда сақлаб қолишни осонлаштириш мақсадида келтирилган.

ШАЖАРАЛАР ЖАДВАЛЛАРИ

АШИНА СУЛОЛАСИ




Тахта ворислик


— Шарқий хонлар

••••• Ғарбий хонлар

ШАРҚИЙ ХОҚОНЛИКНИНГ ХОНЛАРИ (550-640 й.)



ИККИНЧИ ХОҚОНЛИК ХОНЛАРИ
(шажара китобдан олинди)



ОНОМАСТИК ЖАДВАЛ*

Т/р	Хитойча ўқилиши	Юнонча, арабча форсча, арманча, суғудча ўқилиши	Туркича ўқилиши	Таржима ва изолар
1	2	3	4	5
1	Тумин Или кэхан	—	Бумин (ўрх) Элхон	Бу унвонни 552 йилда жужанлар устидан ғалаба қозониб олган. Унгача унвони ябгу эди.
2	Шидяни// Шэдими ёки Садими Мохеду шеху Шисин було-кэхан	Силзивул//Дизавул (юн). Синжибу (ар.) Ҳокони Чин (ф.) Стемби хаган (юн)	Истами (ўрх.) баҳодир жабгу	Угорча “Истэн” – ‘аждодлар руҳи’ билан қиёсланг. Баҳодир – хон ўринбосари (мураккаб унвон) Ўн қабила хони (хитойча турдош от билан ифода этилиши)
3	Коло Исиги кэхан	Аскел (юн.)	Қора Иссиқхон	“қора қизиққон хон”
4	Муган (Муюй) кэхан Сигин// кигин Цзушу// кушу Янду	— — — —	— — Кушу Янди	?; Муюй – ногўтри ўқилган “Жиян” “невара”-унвон “қуш” – исм “Енгган” – лақаб
5	Тобо кэхан	Арсила	Тапу хон (?) Арслон	“Патра” – буддавийликда салақа йигадиған идиш “Арслон” – исм
6	Жутан Буликэхан	— Бо-хан (юн)	Йўхдан (?) Бўрихон	“Ўлган, ҳалок бўлган” “Қашқир” (Булар ота-бола бўлиши ҳам мумкин).
7	Дянгу//Дянгу Дату кэхан Бугя кэхан Симян кэхан	Кара Журин Турк (ф.). Тарду (юн.). Биягу (ф). —	Қора Чурин Турк Тардушхон Бўкехон —	“Мажрух турк” “Салтанат гарбий қаноти хони” “Қахрамон, қудратли” “Ғарбий чекка хони”
8	Тянхон кэхан	Турксанф (юн.)	Тамганхон (?)	Айнан деб ҳисоблаш билвосита маълумотларга асосланган, бу исмни тиклаш фақат фараз биландир.
9	Шету//Ньету ва Дитоу//Етоу Эрфухан//шад Или-гюйму ше Мохэ Шаболо кэхан Шабوليو	— — — — — —	— — Эрбег шад Ил Кулуг шад Бага Ишбарахон —	— — “Мардона” “Салтанатнинг шонли бс-ги, илоҳий қудратли хон” “Талончи” – лақаб

10	Чулохоу Шеху-кэхан Мохэ-кэхан	— — —	Чулу//Чүлли2” жабгу хон Багахон	“Тошлоқ чүл” “Хэу//Хоу” – хитойча иккинчи даражали беклик унвонн Туркча муқобили маълум эмас
11	Далобян Або-кэхан	Турум (юн) Абруй (ф).	Түрэман Апахон	“Қонунийман” – унинг даъволари ифодаси “Катта хон”, лекин асосий хон эмас
12	Янло//Анло Диэр-кэхан	— —	Амрак —	“Оғир, ювош” “Иккинчи даражали”
13	Дилеча//Дигинша	—	Тегин шад	унвон
14	Моходу-хэу — Кюйли Сиби кэхан	— Органа (юн.)-	— Ураган ёки Ура? Кулуг Сибирхон	Баҳодир бек “Бурон” ёки хотин томо- нидан энг яқин қарин- дош – буниси фаразий “Шавкатли Сибир хони”
15	Янсо-дэлэ//тегин Дулу кэхан	Соух//Сойа// Савэ (ф) Шаба(ар). Ширикишвар (ф)	Янг Соухтегин Дулухон Эл-Арслон	“Янги совуқ, катта совуқ” “Халқ арслони” – С. П. Толстов фаразии
16	Юн Юйлюй Дулан хон	Хурмуздининг қариндоши бўлмаган хон	Йун улуг	Юқори (кўтарилган) тақдир//қисмат лақаб (тақдир кулиб боққан)
17	Дусилу//Дусулу	—	Тузлук	“Келиштирувчи” – лақаб. Шахсий исми аниқ эмас.
18	Жанган Тулии кэхан Кимин кэхан Кижин кэхан Или Мидоу	— — — — —	Жангар Тўлихон — — Эл берди	“Ғолиб” – ҳурматли исм Шарқий қанот хони — — “Салтанат берилди”
19	Шаболо Сунишише	—	Ишбара Суниши шад	“Шуниши қабиласи қудратли беги”
20	Нили кэхан —	Йал тегин (ар) Пармуда (форс)	Эл тегин Буйуруқ	“Тахт вориси” Аскарый унвон. У ўз отаси қўшинида зобитлик унвонига эга бўлган, “во- рис” деб аталиши сабаби, тахт унга бобо ва отаси ўлгач, тегадиган эди.
21	Поши-дэле	—	Басил тегин	“Қурбонлик (ғозий) шаҳзода”
22	Шегуй - кэхан	—	Шегуйхон	санбий сўзи, таржима қилиб бўлмади.
23	Тун-шеху-кэхан Ба си юй	“Шимол шохи” (ар) —	Тўнг жабғухон —	“Улуг жабғу” – унвон Фарбий Ўлка стакчиси

24	Мохэ-ше —	— Зигевил	Бага шад Элтебер	“Илоҳий шад” “валий”
25	Шиби-кэхан Дуги//Токи-ше	— —	Шибирхон Турк шад (?)	“Сибир хони” (ундош алмашинуви содир бўлган).Ўз улусидаги турк шади
26	Чуло-кэхан Чжиги-ше Силифо-ше	— — —	Чулу// Чўллиғхон	Унвон (№ 10 га қаранг) “Йигит шод” — лақаб жигит шад “Чиройли бек, шод” — силиғбег шад унвон
27	Хели//Сели- кэхан Дуби Мохэду-ше	— — —	Кат Элхон Тугбир (?) Баҳодир шад	“Салтанатнинг қаттиққўл хони” Туг (байроқ) берган Ботир шод
28	Даман Нигю-Чуло-хан Гэсана	— — —	Таман//Тамган(?) Арслан (?)	? ? Арслон
29	Киу Дату-ше Ту-у Гоба кюс- кэхан	— —	Кул Тардуш шод —	Унвон (7 № га қаранг)
30	Дату-ше	—	Тардуш шад	Унвон (7 № га қаранг)
31	Шили-дэле// Тели-дэле Иби Бололой/(шэ) Болоси шеху кэхан Си-шеху-кэхан	— — — — —	Тўлис тегин Ирбис Ишбара СиЖабғухон СиЖабғухон	“Шарқий қанот шаҳодаси” “Қудратли барс” Зўрлик//хиёнат (билан мақсадга етган жабғу)
32	Дулу-кэхан Нишу Гяна-ше Туналэу болиби//силиби Дулу-хан	— — Қана (форс) —	Дулухон — Тунг алп Силиг бир (?)	Қисқартирилган хон унвони Беклик рутбаси — “Буюк қахрамон, зариф Дулухон — хон унвони”
33	Тунво//Тонга шэ Шаболо Хилиши// Телиши кэхан	— —	Тунг шад Ишбара Тўлис шад хон	“Буюк шод” — унвон Унвон
34	Були-ше и-були-ше шегуй-тэгин Кюс	— Шад (арм.) — —	Бўри шад Эл Бўри шад Шегуй	“Бўри,қашқир” “Салтанат бўриси”
35	Шибоби Нибу шад Тули-кэхан	— — —	тегин Кул (Ўрх.) Тўлисхон	? ? “Шарқий қанот хони”
36	Юйше-ше	—	—	?
37	Шэни//Шор	—	Шўнү (монг.)	“Бўри”
38	Юйгу-ше Иби Дулу кэхан	—	Йуқуқ шад Ирбис Дулухон	“Бойқуш” “Қор барси”

39	Чженчу шеху Инан Сиби-дату-шад	— — —	Жинчу Инан Сибир тардуш шад	“Инжу” Унвон айнан: “Ёввойи эр” (хит.) ва “Ишончли шахс” (турк.) Ҳақиқатга мос келмас унвон. Аслида у Тохарис- тоннинг жабғуси эди.
40	Ими Нишу Силиби Ли симо шуай	— —	?? алп —	?? қахрамон Хитойлар тақдим этган фамилия, саркарда.
41	Бихэду (нотўғ- ри): (Нуши)би (мо) хэду шеху бўлиши керак. Иби Шабало шеху-кэхан	— —	? Баҳодир жабғу Ирбис Ишбара жабғу хон	“Нушиби ботири” — лақаб Унвон (31 №га қаранг)
42	Икюйлиши Иби-кэхан Мохэду Иби- кэхан	— — —	Элкулут шад Ирбисхон Баҳодир Ирбисхон	Салтанат шавкатли беги- унвон —
43	Хэлу Шаболо шеху Шаболо кэхан	— Бежан (форс.)(Х асрда берилган ном, асосиз бў- лиши мумкин)	Халлиғ (?) Ишбара жабғу Ишбарахон	Қалқиган (?) — унвон исми номатлум Унвон: “Қудратли хон”.
44	Мише Килиби// Силиби Дулу-кэхан Хинсиван-кэхан	— — —	?... миш алп	Фақат қўшимча сақла- ниб қолган “Қахрамон” унвон “Йўқотилган улўглик- ни қайтарган хон” (хит. лақаб)
45	Бучжен Дулу-шеху Гивангюс-кэхан	— — —	— Дулу жабғу	“Ҳақиқатга интилувчи, айғоқчи” (хит.) унвон лақаб (хит.)
46	Иби Шегуй- кэхан	—	Ирбис Шегуйхон	—
47	Деюн//Хиюн Мохэду шеху	— —	Тени Баҳодир жабғу	“Бўталоқ” эркаловчи исм Унвон
48	Юанкин	—	—	“Йўқотилган шавкатни тиклаган”
49	Хян	—		?
50	Хуш эло Були-ше	—	Кушрақ Бўри шад	“Кушча” “Бўри шад”

51	Хуай-дао	—	—	?
52	Хин (син)	—	—	?
53	Хубо ичзу Чеби-хан		Элчур Кубехон	Олтой тармоғи
54	Нишуфу	—	Нишубег	—
55	Фунян	—	—	?
56	Гудулу	—	Кутлуг Элтересхон	“Бахтли”
57	Мочжо	Мочур	Қапоғонхон	“Йиртқич хон”
58	Фугюй Кюсихон	— —	Бўгу	— Тўғриси: “Тўси” — лақаб: “Ғарб ҳукмдори” (хит.)
59	Янвочжи	—	Яғичи	“Лашкарбоши”
60	Иниехон	—	Инэлхон	—
61	Мо-тегин	—	Бек тегин	—
62	Дусифу	—	Тузэлбек	“Зиддиятни бартараф этувчи, воситачи”
63	Могиян Бигя-хан Могюй	—	Билгахон Бўгу	“Доно хон, қахрамон”
64	Кюс дэле (Гюй дэле)	Кур тегин (ар.)	Култегин	—
65	Ижан хан	—	Йўлғи тегин	—
66	Бигя (Бугя) Гудулу-хан	—	Билга Кутлугхон	“Доно, бахтиёр хон”
67	Панкюэ-дэлэ	—	Пан Кул тегин	—
68	Усу-миши	—	Ўзмиш тегин, Ўзмишхон	—
69	Баймэй-хан Хулунфу	—	Кулунбек “оққош” “кулунга ўхшаш бек”	“Оққош” “кулунга ўхшаш бек”

*Ономастик жадвал ўзга тилли манбаларларда учраган исмлар номланишини тиклаш натижаларини кўрсатади ва биринчи хоқонлик хонлари исмларини ҳар хил ўқилишини бартараф этишга ёрдам беради.

Асослаш эса, китоб матнида ва бет охиридаги изоҳларда келтирилган. Хитой тилига доир ижтимоий турдаги исмлар М. В. Хванга тегишли бўлиб, уларни ҳамкорликда бажардик, кўрсатган ёрдами учун унга ташаккур билдириб ўтаман.

Қ и с қ а р т м а л а р: ар.-арабча, арм. — арманча, юн — юнонча, ўрх. — Ўрхун матнлари, форс. — форсча, хит. — хитойча. (?) — айналаштириш шубҳали ҳисобланиб, яна текшириб кўриш заруратини англатади.

ҚИСҚАРТМАЛАР РҰЙХАТИ

- ВВ – Византия воқеаномаси
ВГО – Бутуниттифоқ географик жамияти (БГЖ)
ВДИ (Вестник древней истории) – Қадимги тарих даракчиси (ҚТД)
ГАИМК (Государственная академия истории материальной культуры) – Моддий маданият тарихи давлат академияси (ММТДА)
ЖМНП – Журнал министерства народного просвещения – Халқ маорифи вазирлиги журнали (ХМВЖ)
ЗВОРАО – Записки Восточного отделения Русского археологического общества – Рус археологик жамияти Шарқ бўлимининг ёзмалари (РАЖШБЁ)
ИВАН – Институ востоковедения Академии наук – Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти (ФАШИ)
ИНА – Институт народов Азии – Осиё халқлари институти (ОХИ)
ИРГО – Императорское русское географическое общество – Рус императори географик жамияти (РИГЖ)
МАЭ – Музей антропологии и этнографии – антропология ва этнография музейи (АЭМ)
МИА – Материалы и исследования по археологии СССР – СССР археологияси бўйича маълумотлар ва тадқиқотлар (САБМТ)
РГО – Русское географическое общество – Рус географик жамияти (РГЖ)
СА – Советская археология – Совет археологияси (СА)
СВ – Советская востоковедение – Совет шарқшунослиги (СШ)
СЭ – Советская этнография – Совет этнографияси (СЭ)
ЮТАКЭ – Южнотуркменская археологическая экспедиция – Жанубий туркман археологик ялпи экспедицияси (ЖТАЯЭ)
АТИМ – Altürkische Inschriften in der Mongolei (Мўғулистондаги қадимги турк битиклари)
JA – Journal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland.

МУНДАРИЖА

Халқимизнинг қадим тарихи Л.Н.Гумилев талқинида (<i>А.Айритомий, Б.Ўрдабекли</i>).....	3
Кириш.....	8
<i>Биринчи қисм. Туркларнинг буюк хоқонлиги</i>	
I боб. Арафа (420-546).....	12
Жужанлар ва телеутлар.....	15
II боб. Аждодлар.....	18
III боб. Ашина уруғининг буюк давлат бунёд этиши.....	30
IV боб. Ипак ва карвон йўли.....	48
V боб. Хоқонлик ичида.....	60
VI боб. Туркутлар ўз элида.....	74
VII боб. Туркутлар дини.....	84
VIII боб. Қарашлар ва шубҳалар.....	97
IX боб. Буюк ғалаён.....	114
X боб. Эронга юриш.....	132
XI боб. Ашина ва Суй.....	147
XII боб. Фарбий хоқонлик.....	162
XIII боб. Тан империясининг туғилиши.....	180
XIV боб. Шарқий хоқонлик.....	194
XV боб. VII асрда Жаҳон уруши.....	210
XVI боб. Ўн ўқ.....	229
XVII боб. Табғач хони.....	240
XVIII боб. Туркутларнинг ҳалокати.....	257
<i>Иккинчи қисм. Кўктурклар ва уйғурлар ёки иккинчи хоқонлик даври</i>	
XIX боб. Фарбий хоқонлик ғулғуласи ва Тибетнинг кенга- йиши.....	268
XX боб. Халқнинг янгиланиши.....	278
XXI боб. Қутлуғ қўзғолони.....	289
XXII боб. Янгидан қурилган хоқонлик.....	306
XXIII боб. Титраш.....	333
XXIV боб. Кўктурклар ўзлари ҳақида.....	353
XXV боб. Тибетликлар ва тургашлар.....	374

XXVI боб. Хоқонлик ва Империя.....	389
XXVII боб. Уйғур хоқонлигининг ташкил топиши.....	398
XXVIII боб. Ан Лушан қўзғолони.....	414
XXIX боб. VIII асрда Тибет.....	432
XXX боб. VIII-IX асрларда Уйғурэл.....	455
ИЛОВА.....	466

Лев Николаевич ГУМИЛЕВ

ҚАДИМГИ ТУРКЛАР

Муҳаррир Ю. Музаффархўжаев
Мусаввир У. Солиҳов
Мусаҳҳиҳ Н. Ҳамидов
Компьютер усталари М. Шобурхонова,
О. Пардаев

Нашриёт рақами М-327. Босишга 08.08.2006 йил рухсат этилди. Қоғоз бичими 60x90 1/16. Офсет босма. Офсет қоғози. 34,0 ҳисоб нашриёт табоғи. 31,25 шартли босма табоқ. Буюртма № 64. Адади 500 нусха.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» наشريёти:
100047, Тошкент, академик Яҳё Фуломов кўчаси, 70 уй.

«YUNAKS-PRINT» МСНҲ босмахонасида босилди. Тошкент шаҳар,
Қамарнисо к. 3-уй. Тел: 396-15-86; 338-17-23.